

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги  
Абдулла Қодирий номидаги  
Тошкент Давлат маданият институти  
Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

**Эркин Охунжонов**

# **ВАТАН КУТУБХОНАЧИЛИГИ ТАРИХИ**

**2-қисм  
Дарслик**

2

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент—2008

78.33(5v)

О-94

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув факультетининг 50 йиллигига багишланади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти Илмий кенгашининг 2006 йил 27 февралдаги қарори билан нашрга тавсия этилган.

Охунжонов, Эркин.

**K.2** Ватан кутубхоначилиги тарихи: Дарслик/Э.Охунжонов; Масъул муҳаррир А. О. Умаров; ЎзР Маданият ишиари вазирлиги, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият ин-ти, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 й. — 308 б.

Нашр учун масъул:

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент ~~Давлат маданият институти~~ ректори, профессор Азиз Оппокович Тўраев

Масъул муҳаррир:

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, социология фанлари доктори Абдусалом Одилович Умаров


Тақризчилар:

тарих фанлари номзоди,

профессор Шавкатхўжа Айвархўжа ўғли Акрамов,

педагогика фанлари номзоди,

профессор **Эргаш Йўлдошевич Йўлдошев**



10 33997  
291

ББК 78.33(5У)

ISBN 978-9943-06-099-9

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2008 йил.

## Мундарижа

### IV боб. Мустамлака Туркистонда кутубхоначилик иши (1867—1917)

1-§. Жамият сиёсий ва ижтимоий ҳаётини белгиловчи асосий омиллар.....	7
2-§. Шарқона миллий кутубхоналар.....	12
2.1. Анъанавий (ўрта асрларгэ хос) кутубхоналар.....	12
2.2. Усули жадид мактабларининг кутубхоналари.....	14
2.3. Умумистифода оммавий кутубхоналари.....	19
2.3.1. Махмудхўжа Бехбудий ва қитобат маданияти.....	24
2.4. Шахсий кутубхоналар.....	28
2.4.1. Шарифжон Махдум Садр Зиё кутубхонаси.....	33
3-§. Овруюча кутубхоналар.....	42
3.1. Туркистон Оммавий кутубхонасининг фаолияти.....	42
3.2. Илмий жамиятларнинг кутубхоналари.....	46
3.3. Ўқув юртлари кутубхоналари.....	50
3.4. Ҳарбий қисмлар кутубхоналари.....	53
3.5. Хусусий кутубхоналар.....	53
3.6. Жамоа кутубхоналари.....	54
Хулоса.....	56

### V боб. Туркистон кутубхоначилиги ўзгаришлар даврида (1917—1924)

1-§. Даврнинг жамият аҳволини белгиловчи асосий омиллар.....	67
2-§. Кутубхоналар ва китоб бойликларининг давлат тасарруфига ўтказилиши.....	68
3-§. Туркистон АССРда кутубхоначилик иши тизимининг шаклланиши.....	71
3.1. Универсал кутубхоналар тизими.....	71
3.1.1. Кутубхоначилик бўлими фаолияти.....	71
3.1.2. Китобларни каталоглаштириш ва таснифлаш масалалари.....	74
3.1.3. Китобларни бутлаш аҳволи.....	75
3.1.4. Кутубхоналар тармогининг ривожи.....	77
3.2. Мамлакатнинг етакчи универсал илмий кутубхонаси — Туркистон Давлат кутубхонаси фаолияти.....	81
3.3. Махсус кутубхоналар тизими.....	87
3.3.1. Умумий таълим мактаблари кутубхоналари.....	88
3.3.2. Болалар кутубхоналари.....	89
3.3.3. Олий ўқув юртлари кутубхоналари.....	90

3.3.4. Илмий муассасалар кутубхоналари.....	97
Холоса.....	98

**VI боб. Шўро мустабид тузумининг шаклланиши ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда кутубхоначилик иши (1924—1945)**

1-§. Жамиятда ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий-маърифий ўзгаришлар ва кутубхоначилик иши.....	103
2-§. Кутубхоначилик иши тизимининг ривожланиши.....	107
2.1. Универсал оммавий кутубхоналар тизими.....	107
2.2. Универсал илмий кутубхоналар тизими.....	111
2.2.1. Ўзбекистон Давлат Оммавий кутубхонасининг фаолияти.....	111
2.2.2. Вилоятларнинг универсал илмий кутубхоналари.....	118
2.3. Махсус кутубхоналар тизими.....	120
3-§. Малакали кутубхона ходимларини тайёрлаш.....	125
4-§. Иккинчи жаҳон уруши йилларида кутубхоначилик иши (1939—1945).....	127
Холоса.....	130

**VII боб. Шўро мустабид тузумининг таиззулга учраши ва завол топилии йилларида  
Ўзбекистонда кутубхоначилик иши (1945—1991)**

I-§. Ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жараёнининг асосий тамойиллари.....	139
2-§. Кутубхоначилик иши тизимининг ривожланиши.....	145
2.1. Универсал оммавий кутубхоналар тизими.....	145
2.2.1. Кутубхоначилик ишини бошқаришнинг ташкилий шакллари.....	145
2.1.2. Оммавий кутубхоналар тармоғининг ривожланиши.....	145
2.1.3. Оммавий кутубхоналар тармоғини марказлаштирилган кутубхоналар тизимиға бирлаштириш жараёни.....	149
2.1.4. Мустақиллик арафасидаги кутубхоначилик иши.....	154
Маънавий-мағкуравий масалалар.....	154
Кутубхоналарнинг моддий-техника базаси масалалари.....	156
Адабиётларни депозитлар сақлаш масалалари.....	158
Марказлаштирилган кутубхоналар тизимларини ривожлантириш масалалари.....	159
Илмий-услубий ишлар масалалари.....	160
2.2. Универсал илмий кутубхоналар тизими.....	162
2.2.1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси фаолиятидан.....	164
2.2.2. Қорақалпогистон Республикаси кутубхоналари.....	175

2.2.3. Тошкент вилоят «Турон» кутубхонаси фаолиятидан.....	177
2.2.4. А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	182
2.2.5. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	184
2.2.6. Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	186
2.2.7. Заҳириддин Мұҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	187
2.2.8. Нодира номидаги Наманган вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	188
2.2.9. Қурбон ота Исмоилов номидаги Хоразм вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	189
2.2.10. Адіб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	190
2.2.11. Сайдо Насафий номидаги Қашқадарё вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	191
2.2.12. Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	193
2.2.13. Шароф Рашидов номидаги Жizzах вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	196
2.2.14. Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят универсал илмий кутубхонаси.....	197
2.3. Махсус кутубхоналар тизими.....	198
2.3.1. Илмий-техникавий кутубхоналар тизими.....	200
2.3.2. Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхоналар тизими.....	202
2.3.3. Қишлоқ хўжалик кутубхоналари тизими.....	204
2.3.4. Ўзбекистон Республикаси илмий педагогик кутубхонаси.....	209
2.3.5. Илмий-тиббий кутубхоналар тизими.....	211
2.3.6. Болалар ва ўсмирлар кутубхоналари тизими.....	214
2.3.7. Йирик олий ўкув юртлари кутубхоналари.....	217
3-§. Малакали кутубхоначи ходимлар тайёрлаш тизими.....	248
Хуоса.....	254

**VIII боб. Мустақил Ўзбекистон Республикасида  
кутубхоначилик иши (1991—2006)**

1-§. Ўзбекистон жамиятини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ислоҳ этишнинг асосий тамойиллари.....	265
2-§. Кутубхоначилик иши тизимининг ривожланиш тамойиллари.....	267
3-§. Ҳозирги замон кутубхоначилик иши тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари.....	270

4-§. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг фаолияти.....	280
5-§. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси асосий кутубхонасининг ахборот технологияларини амалга жорий этиш борасидаги фаолияти.....	290
6-§. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат илмий-тиббий кутубхонасининг фаолияти..... Хулоса.....	296 301

## IV БОБ МУСТАМЛАКА ТУРКИСТОНДА КУТУЗХОНАЧИЛИК ИШИ (1867—1917)

### 1-§. Жамият сиёсий ва ижтимоий ҳаётини белгиловчи асосий омиллар

Чор Россияс 1 томонидан Туркистоннинг истило қилиниши, Россия империяс ининг нисбатан мустақил маъмурӣ-хўжалик бирлиги ва одатдаги мустамлака ҳудуди сифатида Туркистон генерал-губернаторлиги инг (чор маъмурлари Туронзаминга шундай ном қўйдилар) шакланиш жараёни қарийб йигирма йил — 1865 йилдан 1884 йилгача давом этди. Конли жанглардан кейин 1865 йилда чор қўшинларининг Гошкентга кириши, 1867 йил 11 июлда дастлаб икки вилоят — Сирдарё (Туркистон) ва Еттисувни ўз ичига олган, маркази Тошкентда жойлашган Туркистон генерал-губернаторлигиниғ таъсис этилиши, Туронзамин хонликларини (1868 йилда Кўқон хонл иги ва Бухоро амирлигини, 1873 йилда эса, Хива хонлигини) ҳарбий йўл билан Россия империяси вассалига айлантириш, 1871 йилда Кўқон хонлиги қўшинининг тор-мор келтирилиши ва ҳонликнинг тугатилиши, унинг ҳудудида Фарғона вилоятининг ташкил этилиши ва, ниҳоят, узоқ давом этган уруш ва туркман халқи қај шилигининг енгилиши натижасида 1884 йилда Туронзамин гарбий ва жануби-гарбий ҳудудлари — Туркманистоннинг босиб олиниши чор Россияси Туронзаминда олиб борган истилочилик сиёсатининг асосий босқичлари бўлди<sup>1</sup>. 1886 йилда чор ҳукумати томонидан қабуқ қилинган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”га мувофиқ, унинг таркибига уч вилоят: Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари киритилди. Туркистон ўлкаси таркибидан турли йилларда Еттисув (1867—1882 ва 1899—1917 йиллар) ва Каскайорти (1899—1917) вилоятлари ҳам ўрин олди. Шу тариқа чор Россияси томонидан истило қилинган ҳудудларга биринчи марта расман “Туркистон ўлкаси” деган ном берилди. Туркий тилли ва форсийзабон субэтнослари ва этнослари ягона Туронзамин

халқини (суперэтносини) ташкил қилған ва күп жиҳатдан умумий бой тарихга ва ўзига хос маданий анъаналарга, диний-ахлоқий қарашлар ва қадриятларнинг ягона тизимига эга бўлган Туронзамин чор Россиясининг мустамлакасига айланди.

Мустамлака истибоди тизими сиёсий ва иқтисодий зўравонлик, табиий ва меҳнат ресурсларидан ваҳшиёна фойдаланишининг барча мавжуд усууларини тўлиқ ишга солди, туб аҳолининг ҳукуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан янгиланиши ва ривожланишига очиқ-оидин қаршилик кўрсатиш, Туронзамин халқининг ягона этногенетик илдизлари ва суперэтнос сифатидаги белгиларини қабул қиласлик ва инкор этиш, бу халқни субэтник фарқларига қараб онгли тарзда ажратиш ва бирбирига қарши қўйиш, унинг маънавий эҳтиёжлари ва маърифий талабларига, маданий-тарихий ўтмишига беписанд қараш, кенг кўламда руслаштириш сиёсатини олиб бориш ва айни вақтда эски тузум, ўрга асрларга хос тартиб-қоидалар ва хурофий ақидаларнинг тарафдорлари, мугаассиб шахсларга ҳомийлик қилиш, эркин ва ҳур фикрлийкка йўл қўймаслик, хуллас, мустамлака ҳукмронлиги тизимининг таркибий қисми ҳисобланган барча объектив ва субъектив омиллар мажмуи чор Россияси Туркистонда олиб борган мустамлакачилик сиёсатига ҳам хос эди.

Туронзамин халқини ҳарбий куч воситасида истило қилиб, ўлкани мустамлакага айлантириш борасида Россия империализми бу ерни хом ашё маңбаига ва ўз саноатининг моллари пулланадиган тобе бозорга айлантириш сиёсатини ўтказди. Туркистон генерал-губернаторлиги ижтимоий адолатсизлик ва мишлий жабр-зулмга асосланган ҳокимият эди. Бу ерда чоризм зулми, ўлкани бошқарища шафқатсизлик ва зўравонлик, руслаштириш ва рус нуфусини кўпайтириш сиёсати, маҳалий зодагонларнинг зўравон жабр-зулми, жамиятнинг маълум қатламларига хос бўлган мугаассиблик ва жаҳолат, ўрта асрлар даражасидаги таълим, қашшоқлик, касаллик ва эпидемиялар мужассамлашгандар эди. Чор мустамлака маъмурияти бюджетнинг 87%ни очиқ ва маҳфий полицияни таъминлашга ва атиги 1,8%ни маориф, шунда ҳам фақат рус таълим тизими эҳтиёжларига сарфлар эди. Миллий таълим тизими эса хусусий тадбиркорлик, ўзини-ўзи маблаг билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи оқлаш ҳамда хайр-эҳсонлар ҳисобига фаолият кўрсатар, унга бюджетдан бир тийин ҳам ажратилмас эди.

Хозирги Марказий Осиё давлатларининг яқин тарихидаги

ҳодисалар жараёнида (айниқса, XX аср бошидан бослаб) рус чоризмининг миллий мустамлакачилик сиёсати ҳукм сурган шароитда Турон заминига интеллигент, иқтисодий ва маърифий ривожланиш, технологик ва маданий андозаларнинг европача янги усуслари ва методлари кириб келди. Объектив тарзда, айрим ҳолларда эса ҳатто мустамлака сиёсатига зид равишда халқаро савдо, қишлоқ ҳўжалик ва саноат ишлаб чиқаришлари учун янги шарт-шароитлар вужудга келди. Ҳонликлар ўргасида ички урушлар чиқиши эҳтимоли камайди, олдинги феодал парокандалик тугатилди, миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва Туронзамин халқларининг миллий бирлашиши жараёнлари кучайди.

XIX асрнинг охирги йигирма йили ва XX асрнинг дастлабки ўн беш йилида Туронзамин халқларининг маданий ҳётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Шаҳарларда янги қурилган масжидлар ва мадрасалар қошида, чор маъмурларининг фарзандлари учун ташкил этилган мактаблар, туб аҳоли вакилларининг болалари учун мўлжалланган рус-тузем мактаблари қошида қутубхоналар очилди, Туронзамин китобат маданияти учун янги бўлган, қироатхона ва китоб дўконларига эга ноширик уйлари, рус ва Европа тилларидаги адабиётларни ўзида жамлаган оммавий кутубхоналар пайдо бўлди.

1870 йилда Тошкентда Ўрга Осиёда биринчи оврупача қутубхона—Туркистон Оммавий кутубхонаси иш бошлади. Бу кутубхона фаолияти, ўз номига кўра, буржуача оммавийлик принципиiga асосланиши лозим эди. Мазкур принцип кутубхона фонdlаридан мулкий ва ижтимоий ҳолати, миллий мансублигидан қатъи назар, барча шахслар фойдаланиши мумкинлигини назарда тугарди. Лекин амалда бу принцип то XX асрнинг 20-йиллари бошларига қадар ҳам тўлиқ амалга оширилмай келди.

1870 йилда Туркистонда даврий матбуотга асос солинди. 1870 йил 28 апрел (10 май)да Тошкентда рус мустамлакачи маъмурларининг расмий газетаси — “Туркестанские ведомости”нинг биринчи сони чиқди. Газета терилган ва чоп этилган Туркистон генерал-губернаторлиги округ ҳарбий штабининг босмахонаси арабча шрифуга ҳам эга бўлиб, ундан “Туркестанские ведомости”нинг ўзбек ва қозоқ тилларидаги иловаларини чоп этишда фойдаланилди. 1883 йилдан бошлаб иловалар “Туркистон вилоятининг газети” номида ўзбек тилида чиқадиган мустақил расмий нашрга айланди.

80-йилларда туб миллат вакилларининг фарзандлари учун мўлжалланган, рус тилида ва маҳаллий тилларда таълим бериладиган рус-тузем мактаблари, 90-йилларда эса янги усуздаги миллий

мактаблар — усули жадид мактабларининг пайдо бўлиши халқнинг ижтимоий онгиди, Туркистон жамиятининг умумий маърифий ва маданий даражасида ижобий ўзгаришлар содир бўлишига замин ҳозирлади. Янги китобхоннинг шаклланишига, нафақат қўлёзма китоблар муҳлислари, балки босма китоблар муҳлислари сонининг кўпайишига ҳам имконият яратди. Туркистон шаҳарларининг ижтимоий ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар дунёвий билимлар тарқалиши жараёнининг чуқурлашишига, Туркистонга оврупача маданият, шу жумладан, китобат маданияти унсурлари кириб келишига йўл очди.

Туронзамин халқларининг ижтимоий-маданий эволюцияси XIX асрнинг 70-йилларида миллий матбаачиликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ўзбек ва туркман тилидаги дастлабки босма китоблар XIX асрнинг бошида Туронзаминданд ташқарида — Россия ва Татаристонда чоп этилган эди. Чунончи, 1802 йилда Россия Фанлар академиясининг босмахонасида ўзбек тилидаги биринчи дарслик — XVIII аср охирида ўзбек маърифатпарвари Иноят Боқи Атнометов томонидан тузиленган “Алифбе” нашр этилди<sup>2</sup>. 1814 йилда Қозон университети босмахонаси туркман муаллифи Алининг “Китоби қиссаи ҳазрати Юсуф” — “Юсуф алайҳиссалом қиссаси” асарини чоп этди<sup>3</sup>. Орадан ўн йил ўтгач, 1824 йилда Қозонда Туронзамин халқининг ўрга асрлардаги тарихига оид бой манба — ўзбек муаллифи Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарининг босма шакли дунё юзини кўрди<sup>4</sup>.

Туркистонда биринчи босмахона 1868 йилда Тошкентда, Туркистон ҳарбий округининг штаби қошида очилди. Шу йили босмахонада биринчи китоб — сайёҳ ва олим Н.А. Северцовнинг “Чу ва Норин чўққилари остонасидаги тоғли мамлакат ва ундан собиқ Хитой Туркистонига олиб борадиган йўллар тўғрисида” асари (рус тилида) чоп этилди. 1871 йилда шу босмахонада Туркистонда биринчи ўзбек тилидаги китоб — “1871 йил тақвими” босмадан чиқди. Бу тақвим “Туркистон вилоятининг газети” ходими таржимон Шоҳимардон Иброҳимов томонидан тузиленган эди. 1868—1917 йилларда Туркистон ўлкаси ҳудудида турли даврларда жами 70 дан ортиқ босмахона ва тош босмахона фаолият кўрсатди<sup>5</sup>. Босмахоналар ҳунармандлик устахонаси кўринишида бўлиб, кам қувватли дастгоҳлар билан жиҳозланган эди. Бу босмахоналарнинг барчаси хусусий корхоналар бўлиб, уларнинг эгалари энг аввало даромад олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Фақат ҳарбий округ штаби, ҳарбий-халқ бошқармаси, генерал-губернатор канцеляриясига қарашли давлат босмахоналари ҳамда Хива хони Муҳаммад Раҳим II нинг сарой тош босмахонаси бундан мустасно эди.

Туркистон ўлкасида босмахоналар ва тош босмахоналар рус савдогарлари, истеъфодаги ҳарбийлар ва амалдорлар ҳамда туб милят вакиллари томонидан ташкил этиларди. Агар рус тилидаги китоблар фақат босмахона усулида ва фақат русларга қарашили босмахоналарда чоп этилса, форс ва туркий тиллардаги китоблар русларга ва ўлканинг туб аҳолиси вакилларига қарашили босмахоналарда ва тош босмахоналарда чоп этилар эди.

Чоп этиш усули технологик жиҳатдан содда ва арzon бўлган, кўринишдан анъанавий қўлёзма китобларни эслатадиган тошбосма китоблар (нашрга тайёрлаш чоғида уларнинг матни қўлда кўчирилар эди) китобхонлар оммасининг асосий талабларига жавоб берарди. Аммо тошбосма нашрлар фақат босмахоналарнинг эгалари, китоббурушлар ва ноширларнинг фойда олишга интилишларига жавоб берарди, десак, нотўғри бўлади. Объектив тарзда улар кенг аҳоли орасида маърифат тарқатишига хизмат қиласади. Шарқ мумтоз адабиёти намояндадарининг шеърий тўпламлари, илмий асарлари, усули жадид мактаблари ва эски мактаблар учун мўлжалланган дарслеклар, Туронзамин тарихига оид китоблар, маърифий ва демократик йўналишдаги нашрлар, қўшии Шарқ мамлакатлари ва Россия маърифатпарварларининг таржима асарлари, Куръони карим нашрлари, унга ёзилган тафсирлар, мадрасалар ва диний мактаблар учун дарслеклар Туркистон миллий китоб репертуарида муҳим ўрин тутар эди.

Миллий матбаачилик ва нашриёт ишининг ривожланиши Туронзамин халқининг маънавий маданиятини тараққий этиши учун имконият яратди. Жамиятнинг турли табақалари ва ижтимоий гуруҳлари вакиллари бу имкониятдан ўз манфаатларида фойдаланишига ҳаракат қилдилар. Асосий ғоявий-сиёсий кураш бир нечта ғоявий оқимлар: 1) чор мустамлакачи маъмуриятининг ғайримиллий ассимиляторлик (ҳоким халқ тили ва маданиятини бошқа халқларга зўрлик билан сингдириш, этнографик маънода – бир халқнинг ўз тили, маданияти ва миллий ўзлигини йўқотган ҳолда бошқа халқга қўшилиши), изоляционистик (халқлар ва миллатларни дунё ҳамдўстлигидан ва бир-биридан айириш, бир-бирига қарши гижгижлаш) сиёсати руҳи билан сугорилган рус буюк давлатчилик шовинизми мафкураси; 2) аҳолининг муайян қисми, чунончи, руҳонийлар, йирик ва ўртаҳол ср эгаларининг ўрта асрларга хос хурофий, эскича қарашиларини ифодаловчи патриархал-феодал мафкура; 3) Аҳмад Дониш (1827–1897), Фурқат (1859–1909), Муқимий (1850–1903), Сагторхон Абдулғаффоров (1843–1901), Бердақ (1827–

1900), Аваз Ўтар (1884—1919), Завқий (1853—1921), Анбар Отин (1870—1914) сингари йирик маърифатпарварларни майдонга чиқарган ўрта асрчилик онгига қарши маърифатчилик мафкураси; 4) XIX асрнинг 90-йиллари—XX асрнинг дастлабки чорагида фаолият кўрсатган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Сиддиқий Ажзий, Абдулла Авлоний, Тўлаган Хўжамёров (Тавалло), Садриддий Айний, Аҳмад Закий Валидий, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирӣ каби Ватан мустақилиги учун оташин курашчиларни тарбиялаган, ўрта асрчилик ва мустамлакачиликка қарши янги миллий, ижтимоий-сиёсий ва маърифатчилик ҳаракати — жадидчилик<sup>6</sup> мафкураси, шунингдек, 5) Россия социал-демократлари мафкураси ва 6) большевиклар мафкураси ўртасида кечди. Мазкур гоявий оқимлар ўргасидаги кураш китобат ишида, чунончи, билимнинг турли соҳаларида чоп этилган босма китобларнинг мазмуни ва гоявий йўналишида (китоб кўпайтириш қўлёзма усулининг тез барҳам топиши асносида) ва кутубхоначилик ишининг ривожланишида ҳам ўз аксини топди.

## 2-§. Шарқона миллий кутубхоналар

### 2.1. Анъанавий (ўрта асрларга хос) кутубхоналар

XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX асрнинг дастлабки йигирма йилида Туронзамин шаҳар ва қишлоқларида масжидлар, мадрасаси олия, ўрта ва қуий мадрасаларнинг, улар қошидаги бошланғич мактабларнинг кутубхоналари, шаҳар ва қишлоқ мавзелари миқёсидаги мусулмон жамоалари оммавий фойдаланиши учун мўлжалланган кутубхоналар, мақбаралар ва сүфийларнинг ҳужралари қошидаги кутубхоналар, шифохоналар ва хонақолар қошидаги кутубхоналар фаолият кўрсатишда давом этди. Уларнинг аксарияти вақф мулки эгаларининг маблағлари ёки бой кишиларнинг хайр-эҳсонлари ҳисобига кун кўради. XIX асрнинг 80-йиллари охири — 90-йилларининг бошида вақф масжидлари, мадрасалар, хонақо ва шифохоналар қатори, юқорида зикр этилган кутубхоналар ҳам қаттиқ иқтисодий инқизозга учради. Бу инқизозни мустамлакачи маъмурларнинг вақф ерлари ва бошқа мол-мulkнинг катта қисмини марказий Россиядан кўчириб келинган аҳолига бериш бўйича кўрган чора-тадбирлари келтириб чиқарди. Бунинг натижасида вақф

муассасалари таъсисчиларининг молиявий ажратмалари миқдори қисқарди, хайрия фаолияти билан шуғулланувчи, масжидлар, мадрасалар, шифохоналар ва хонақоларни қўллаб-қувватлаб турувчи маҳаллий бойлар сони камайди. XI-XIII асрларда вужудга келган ўрга асрлар кутубхоначилик иши тизимиға кенг миқёсда путур етга бошлади. Аммо оғир шароитта дош беролмай, ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган кутубхоналар ўрнига ҳукумат ҳам, жамоачилик ҳам янги ҳеч нарса таклиф қила олмади. Кутубхоначилик ишини давлат томонидан тартибга солиш ва унга раҳбарлик қилиш тизими мавжуд бўлмаган шароитда бу табиий бир ҳол эди.

Чор Россияси томонидан Туронзаминнинг истило қилинишидан олдинги йилларда бўлганидек, янги мадраса ва масжидлар ёки уларнинг мажмуалари (масжид, мадраса, мактаб ва кутубхона) куриш анъанаси Туронзаминда, мавжуд қийинчиликларга қарамай, XIX асрнинг охири—XX асрнинг бошида ҳам давом этди. Бу даврда қуриб бигказилган ва иш бошлаган мадрасалардан Тошкентдаги Бекларбеки, Мўйи Муборак, Эшонқул доддоҳ, Юнусхон ва Абулқосим мадрасаларини, Хива хонлигидаги Араб Муҳаммадхон, Амиртўра, Муҳаммад Раҳимхон, Муҳаммадмурод девонбеги, Отажон тўра, Қадам ясовулбоши, Иброҳимхожа, Юсуф ясовулбоши, Ҳусайн Муҳаммадбой, Дўст Олим, Қози Муҳаммад Салим, Исломхожа, Исфандиёрхон мадрасаларини, Худоёрхоннинг Кўқон (1870), Наманганд (1875), Шоҳобод (1874) ва Чуст (1875)даги мадрасаларини, Ўшдаги Ҳакимойим (1869) ва Олимбек мадрасаларини, Андижондаги Насриддинбек мадрасасини қайд этиш мумкин. Шу йилларда Бухоро хонлигидаги ҳам ўнлаб янги мадраса ва масжидлар барпо этилди.

Бутун Туронзамин ҳудудида масжидлар ва мадрасалар қошида минглаб мактаблар фаолият кўрсатган, ўз уйларида домла ва отинлар болаларни ўқитган, юзлаб мадрасалар иш олиб борган бўлса-да, уларда таълим эски усулда беришлар, ўқитиладиган фанлар доираси анча тор бўлиб, уларнинг мазмуни XI—XIII асрлардаги жаҳон фани даражасини акс эттирап эди. Мактабларда таълим беришнинг бирдан-бир мақсади ўқувчиларга ҳарф танитиш ва уларнинг саводини чиқариш, шунингдек ўқувчиларни туркий ва форс тилларидаги шеърият намуналари, ҳадислар ва пайғамбарлар ҳаёти ҳақидаги ҳикоялар билан таништиришдан иборат эди. Мадрасаларда таълим дастури математика асослари, адабиёт тарихи, араб-мусулмон дунёси мамлакатлари тарихи, араб тилини ўрганиш, Қуръони карим сураларини ёдлаш, алоҳида тафсирлар (Қуръони каримга шарҳларни), уни мутолаа қилиш, яъни қироат усулларини, Қуръони карим имлоси ва матни масалалари

— тажвид, ислом қонуншунослиги —фиқҳни ўрганиш билан чекланарди. Хуллас, XX аср бошига келиб, Туронзаминда таълим мақсадлари, принциплари, услуби ва усуллари жаҳон даражасидан анча орқада эди. Тарихчи олим Шаҳобиддин Маржоний 1851 йилдаёқ мадраса таълимининг аянчли аҳволига жамоачилик эътиборини қаратган эди<sup>7</sup>. Жадидчилик асосчиларидан бири Ислом Гаспрали ҳам бу муаммо устида жуда кўп мушоҳада юритади<sup>8</sup>. Ўзи нашр этган “Таржимон” газетасида у Бухоро ва Хива ҳонларига мурожаат этиб, жумладан, шундай деб ёзди: “Фуқарои ислом сизлардан мол истамас, ош истамас. Сиз, давлатлик ҳонлардан ҳалққа эҳсон этиладиган нарса нашри маорифга, тараққиёт ва камолотга омил бўлувчи олий даражалик маориф мактабларидир. Кўхна мадрасалар кўп Бухорий шарифда ва Хивада. Энди бирор дорилфунунларни исломия таъсис этмоқ лозим. Бу дорилфунунларга бир даража илм олган талаба қабул қилиниб, тарих, жуғрофия, кимё, ҳандаса, илми ҳуқуқ, усули идораи давлат, илми иқтисод ва бошқа лозим фанлар, туркий, форсий, русий ва франсавий тиллар ўргатилса, унбу дорилфунунларда муаллиф ва мударрислик қила оладиган аҳли камол топилади”<sup>9</sup>.

Унбу вазиятнинг фожиали томони шунда эдики, бу сўзлар жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида мактаб ўқувчилари, коллеж ва университетларнинг талabalari аниқ фанлар, ижтимоий ва табиий фанларнинг тўлиқ мажмуи асосларини узоқ йиллардан бери ўрганаётган бир вақтда ёзилганди. Йигирманчи асрдан олдинги охириг уч-тўрт аср ичиде Европада жамият, фан ва техника ўз тараққиётида жуда катта олға қадам ташлаган эди. Таълим тузилиши, усуллари ва уни ташкил этиш тарзида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлган эди. Хуллас, XIX—XX аср чегарасида Туронзамин ҳалқи қаршисида ҳаётнинг барча соҳаларини янгилаш вазифаси кўндаланг бўлди. Айниқса, ҳалқ таълимни соҳасида қагта сифат ўзгаришлари ясан талаб этиларди. Маориф соҳасида ҳал қилиш жуда қийин бўлган муаммолар йиғилиб қолган эди<sup>10</sup>.

## 2.2. Усули жадид мактабларининг кутубхоналари

Туронзаминда ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётнинг барча томонларини янгилаш ҳаракати айнан таълим, ҳалққа маданий, мағкуравий ва сиёсий билимлар беришнинг кечиктириб бўлмайдиган, долзарб вазифаларини ҳал қилишдан бошланди. Бу ҳаракатга илғор миллий зиёлилар — жадидлар бошчилик қилди, унинг мағкураси

жадидчилик деган ном олди. Арабчадан таржима қылганда бу сүзниңг ўзаги — “жадид” — янги, янгилик деган маънони англатади. Жадидчилик ҳаракати ва унинг мафкурасига татбиқан олганда, бу сүз замирида бир қанча маънолар, чунончи, “янги тафаккур”, “янгилик тарафдори”, “янгича турмуш тарзи”, “янги маориф” деган маънолар мужассамлашган<sup>11</sup>.

Исмоил Гаспрали 1884 йилда ёк Кримда, Боқчасарой шаҳрида ўз маблагига болалар учун мактаб очган бўлиб, унда, эски мактабга таққослагандаги мутлақо бошқа, янги таълим усулларини қўллаган эди. “Хожаларга таълимот” (“Муаллимларга йўлланма”) қўлланмасида у янги мактабнинг моҳиятини ва “усули қадим”дан “усули жадид”нинг фарқи ва афзалликларини тушунтириб берди. Китобда, шунингдек, оддийдан мураккабга ёки хусусийдан умумийга юксалиш, ўқиш билан ёзишни қўшиб олиб бориш, ҳар бир ҳарфни товуш усули (усули савтия) асосида (яъни садоси билан, овоз чиқариб) ўргатиш, қуруқ ёдлатишдан воз кечиш, ҳар бир сўз, ҳар бир табиий ҳодисанинг ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг мазмунини тушунонтириш, уй вазифалари ҳамда олинган билимларни текшириш учун саволлар бериш усули, синовдан ўтказиш ва имтиҳон қилиш усулиниңг моҳияти очиб беришган. Исмоил Гаспрали ўз қўлланмасида мактабда болаларга неча ёшдан бошлаб таълим бериш лозимлиги (6—7 ёшдан), ўқув йили чоракларида ўқув соатларининг тақсимланиши ва чораклар оралиғидаги таътиллар, дарс жадвали тузиш ва дарслар оралиғида танаффуслар белгилаш тартиби, мактабнинг жойлашиши ва дарс хоналарининг ўрни, синфларни жиҳозлаш ва ҳатто уларни ёритиш даражаси тўғрисида ҳам сўз юритади. Бу қўлланма янги миллий мактабнинг ҳам дастури, ҳам модели эди. XX аср бошида бундай мактаблар бутун Туронзамин бўйлаб кенг тарқалди ва “усули жадид мактаби” номи билан донг таратди.

Усули жадид мактаблари Турон заминида илк бор Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида пайдо бўлди. Уларни Исмоил Гаспралининг ўзи бу ерга 1893 йилги сафари вақтида маҳаллий зиёлилар кўмагида очган эди. Унинг ҳамроҳи ва шогирди Мажид Фанизода Самарқандда қирқ кун қолиб, “усули савтия”ни (савод чиқаришнинг янги товуш усулини) қатор ўқувчи ва ўқитувчиларга ўргатди<sup>12</sup>.

Самарқанд ва Бухородан кейин усули жадид мактаблари 1898 йилда Тўқмоқда, Кўқонда (Салоҳиддин домла ташаббуси билан), 1899 йилда Тошкентда Маннон қори томонидан ва Андижонда Шамсиiddин домла ихтимоми билан очилди. 1901 йилда Мунавварқори Абдурашидхонов биринчи усули жадид мактабини очди. Бу мактабдаги

ўқитиши даражаси Мунавварқори Абдурашидхоновнинг замондошлари томонидан анча юксак баҳоланган. Масалан, жадидчилик руҳидаги “Ойна” журналиниң 1914 йилги сонларидан биринда муштарийларнинг Туркистонда олий-миллий таълим истиқболи ҳақида берган саволига журнал ношири ва бош муҳаррири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг жавоби берилган. М.Беҳбудий унда Тошкентдаги Мунавварқори Абдурашидхонов мактаби мана шундай олий таҳсилга замин бўла олиши мумкинлигини қайд этган.

1900 йилда Бухорода Жўрабой қори деган киши янги усулда мактаб очди. 1903 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий ихтимоми билан Жомбойда ва Самарқанд атрофидаги Ражаб Амин қишлоғида усули жадид мактаблари ишга туширилди. Бу мактабларда жадидлар Ҳожи Мунин ва Абдуқодир Шакурийлар сабоқ берар эди.

1903 йилда Самарқанд атрофидаги Ҳалвойи қишлоғида жадид шоир Сиддиқий Ажзий янги усулда мактаб очади. 1928 йилда Сиддиқий Ажзий фаолиятининг ilk тадқиқотчиларидан бири Турсункул мазкур мактаб биносини “бу кун Самарқанд туманидаги энг мунтазам мактаб биноларидан” деб таърифлаган ва Сиддиқийнинг кейинги пайтларгача шу ерда “мудир ва муаллим” бўлиб турганини айтган эди. Ҳалвойи мактабининг бу “мунтазам биноси” кейинги пайтларгача сақланиб келади<sup>13</sup>. “Туркистоннинг турли-туман жойларидан бу мактабни кўргани кела бошладилар. Ёруғ, баҳаво хона. Бўйра ўрнидаги парталар, дарсларнинг муайян тартиб – программа билан олиб борилиши, умумий, миллий жуғрофия, тарих, ҳисоб, ҳандаса, табииёт ўқитилиши, харита, курраи арз (глобус) каби кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилиши кўпчиликни ҳайратга солди. Энг қизиги, дарсларнинг асосий қисми рус тилини ўрганишга қаратилган, муллаваччалар орасида руслар ҳам бор бўлиб, улар ўзбеклар ва тожиклар билан ёнма-ён ўтириб таҳсил олиниади (Самарқанд медицина институтининг профессори, таниқли медик, марҳум Г.Н. Александров Сиддиқийнинг Ҳалвойидаги мактабидан чиққанини 70-йилларда “Тошкент оқшоми” саҳифаларида ифтихор ва миннатдорлик билан ёзган эди)”<sup>14</sup>.

1904 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида маърифатпарвар шоир ва педагог Абдулла Авлоний усули жадид мактабини ташкил этади. “Мактабимда ер, одамлар, тоғ-тошлар, дарё, осмон ҳақинда сұхбатлар ўтказмоққа ҳаракат қылганимни Миробод жоҳил кишилари билишиб, мени коғир бўлдинг деб, мактабимни ёпдилар”, деб ёзади А. Авлоний ўз таржимаи ҳолида. Бу воқеа 1908 йилда содир бўлди. Аммо 1909 йилда ёк адид Тошкентнинг Дегрез маҳалласида яна бир

усули жадид мактабини очади. Күп утмай Миробод маҳалласидаги мактаб ҳам қайта ишга туширилади. Ва ниҳоят, “1915 йилда маҳалла халқи домламиз “театрчи бўлди, масҳарабоз бўлди”, деб мени мактабдан қувиб, Миробод маҳалласидаги бошлангич мактабни ёпдилар” (А. Авлоний. Таржимаи ҳол).

Самарқанд адабий муҳитидан чиққан истеъодди шоир, форс, турк, рус, озар тилларида эркин сўзлашиш ва ёзиш салоҳиятига эга бўлган, Оврупа маданиятини мустақил ўзлантирган ҳожи Муин 1903 йилда ўз маҳалласида усули жадид мактаби очган. Ушбу мактаб учун 1908 йили “Раҳнамои савод” номи билан алифбе напреттириганди. 1914 йилда у ўз уйида “Тарбият” номи билан яна бир хусусий усули жадид мактаби очган.

Бир оз вақт татар мактабида таржимон бўлиб ишлаган ва шу аснода муайян малака ортириганди Садриддий Айний дўсти Мирза Абдулвоҳид билан бирга унинг ҳовлисида мактаб очади. 1909 йилда “Тазҳиб ус-сибиён” (“Болалар тарбияси”) деган ўқиш китобини ҳам ёзди.

Янгича мактаб таълими ишнага ўзбек шоири ва драматурги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Ўзининг биринчи усули жадид мактабини у 1910 йили Тошкентдаги Қашқар маҳалласида очди. 1911-1914 йилларда у Кўқон ва Марғилонда яна уч усули жадид мактабининг ишини ташкил этди. Ҳамза ўзи ташкил этган мактабларда дарс берибигина қолмасдан, “Ўқиш китоби”, “Енгил адабиёт”, “Қироат китоби” каби дарсликлар ҳам ёзди.

1918 йилда Тошкентнинг Лангар маҳалласида “Таълими алифбе”, “Таълими соний” дарсликларининг муаллифи Рустамбек Юсуфбеков хотин-қизлар учун мўлжалланган дастлабки жадид мактабларидан бирини очди.

1911 йилда жадид мактаблари Туркистонда 63 га бўлиб, уларда 4106 бола ўқиган. Тошкентнинг ўзида 24 та жадид мактабларида 1740 бола таҳсил олган. 1917 йил бошларида ўлкада 100 га яқин жадид мактабларида 5 мингдан зиёд ўқувчи бўлган<sup>15</sup>. Бундай мактабларнинг ҳар бирида вақт ўтиши билан муайян миқдордаги китоблар тўплами шаклланар, у кейинчалик кутубхона фондига айланар эди. Адабий-бадиий, ижтимоий ва табиий илмий мазмундаги китоблар билан бир қаторда, мазкур мактаб кутубхоналари ўзагини миллий ўқув адабиётлари – дарсликлар ва қўлланмалар ташкил этарди. Табиийки, ўша даврда ўқув адабиётларини ҳозиргидек давлат ҳомийлиги остила ёзии, тузиш, нашрга тайёрлаш ва чои этиш бўйича марказлаштирилган илмий фаолият ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин

эмас эди. Усули жадид мактаблари учун дарсликлар ва қўлланмалар ўша даврда Туронзамин зиёлиларининг энг илғор вакиллари томонидан яратиларди. Туронзамин зиёлилари илғор вакилларининг ўзагйини эса жадидлар ташкил этарди. Янгича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, шунингдек, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўша даврда мавжуд барча тармоқлари бўйича уларнинг ривожланиши ва ҳолатининг замонавий даражасини акс эттирувчи, мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган илмий-оммабоп адабиётларнинг яхлит тизимини яратиш зарурлигини жадидлар жуда яхши ҳис қиласар эдилар<sup>16</sup>.

Тошкентнинг етук зиёлиларидан бири, таниқли ўлкашунос ва этнограф олим Сайдрасул Сайдазизов томонидан 1902 йилда нашр этилган “Устоди аввал” китоби янги авлод дарсликларининг биринчиси эди. Гарчи бу китоб рус-тузем мактаблари учун мўлжалланган бўлса-да, у усули жадид мактабларида қабул қилинган таълим қоидаларига мувофиқ ёзилган эди. Бу дарслик ўн марта яқин қайта нашр этилди.

Туронзаминда жадидчilik ҳаракатининг етакчиларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий усули жадид мактаблари учун олтида дарслик яратди. Булар: “Рисолаи асбоби савод” (“Савод чиқариш китоби”, 1904), “Рисолаи жуғрофияи умроний” (“Аҳоли географиясига кириш”, 1905), “Мунтаҳаби жуғрофияи умумий” (“Қисқача умумий география”, 1906), “Китобат ул-атфол” (“Болалар хати”, 1908), “Амалиёти ислом” (1908), “Тарихи ислом” (1909). Бу дарсликлар ҳам бир неча марта қайта нашр этилди.

Туронзамин жадидчilik ҳаракатининг йўлбошчиси Мунавварқори Абдурашидхонов жадид мактаблари учун “Адиби аввал” (1907), “Адиб ус-соний” (1907), “Усули ҳисоб”, “Тарихи қавм турк”, “Тажвид” (1911), “Ҳавойижи диния”, “Тарихи анбиё”, “Тарихи исломия” (1912) каби дарслик ва хрестоматиялар, “Қуръон қироати”, “Ер юзи” (1916—17) сингари қўлланмалар тузиб нашр этади. Бу дарсликлар ва қўлланмалар 1907—1917 йиллар оралиғига камида 2—3, кўпли билан 9—10 мартағача алоҳида ҳолда нашр этилган.

Оташин ўзбек маърифатпэрвари, журналист, давлат ва оммавийт арбоби Абдулла Авлоний янги мактаблар учун ўндан ортиқ номда дарслик, қўлланма ва ўқиш китоблари ёзиб, нашр қилдирди. “Биринчи муаллим” (1911), “Иккинчи муаллим” (биринчи китобнинг бевосита даноми, “Алифбе”дан кейин ўқитиши учун мўлжалланган, 1912), ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланган, тарбия ва ахлоқ масалалари биринчи марта XX асрнинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтни назаридан таҳлил қилинган китоблар — “Туркий гулистон

ёки ахлоқ” (1913), 4 жузд (қисм)ли “Адабиёт ёхуд милий шеърлар” тўплами (1909—15), “Мактаб гулистони” (1915) шулар жумласидан. Авлоний Мунавварқори, Муҳаммаджон Подшохўжаев, Тавалло, Рустамбек Юсуфбеков, Низомиддин Хўжаев, Шокиржон Раҳимий каби тараққийчилар билан биргалиқда ташкил қилган “Нашриёт” (1914), “Мактаб” (1916) ширкатлари орқали усули жадид мактабларига ёрдам тариқасида ўнлаб номдаги ўкув адабиётларини нашрга тайёрлади ва чоп этди.

Шундай қилиб, жадидчиликнинг аксар вакиллари ёниларга даставвал диний таълим билан бир қаторда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кун тартибига қўйдилар. Улар мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, янгича усулдаги мактабларни очдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний ва бошқалар янги усул мактаблари учун дарсликлар ёзил, нашр этдилар. Бу китобларнинг аксарияти мактаб кутубхоналари фондининг ўзагини ташкил этди.

### 2.3. Умуистифода оммавий кутубхоналари

XX асрнинг дастлабки йигирма йилида Туронзамин шаҳарларида турли ижтимоий-сиёсий, маданий-материфий хайрия ташкилотлари ҳамда ноширлик ва китоб савдоси ширкатлари қошида янги жадидчилик мазмунидаги адабиётларни ўзида жамлаган кўплаб умуистифода оммавий кутубхоналари ташкил этилди, фаолият кўрсатди, ўз фаолиятини тўхтаиди ва қайта очди. Умумий демократик, ҳурият ва маърифатпарварлик йўналишида фаолият кўрсатган бу кутубхоналарни ташкилий мансублигига ва улар жамиятда бажарган алоҳида вазифаларга қараб уч тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи тоифага ҳалқقا муайян конституциявий-демократик эркинилеклар, шу жумладан матбуот эркинилиги ва сиёсий ташкилотлар тузишга рухсат берган чор ҳукуматининг 1905 йил 17 октябр Манифести эълон қилинганидан кейин Туронзамин шаҳарларида ташкил этилган жамоат ташкилотлари ва ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг кутубхоналари киради. Мазкур Манифест эълон қилинганидан кейин Туронзамин шаҳарларида “Иттиҳод ва тараққий”, “Ёш бухоролеклар”, “Ёш хиваликлар”, “Жамияти хайрия”, “Тарбияти атфол”, “Турон”, “Умид”, “Надаркуш”, “Тараққийпарвар”, “Шўрайи Исломия” каби уюшма ва жамиятлар бирин-кетин ташкил топди. Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтаётган

мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар таъсирида Туронзаминда ҳам ҳукмрон рус мустамлакачилик тузуми мақсадларига зид бўлган жадидчилик ҳаракати ривож топиб, маърифий масалалар билан бирга сиёсий талабларни ҳам олға сурила бошлади. Сиёсий ташкилотлар сифатида юқорида қайл этилган баъзи жамиятларда шарқ тилларида ёзилган илғор руҳдаги адабиётлардан ташкил топган кичик бўлса ҳам китоб тўпламлари вақт ўтиши билан пайдо бўлар эди. Тўғри, юқорида зикр этилган ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ўз китоб тўпламларини оммавий фойдаланишига берар эди, деб бўлмайди. Аммо бу ташкилотларнинг айримлари миљлий ва хорижий босма адабиётлар ва даврий нашрларни ўзида жамлаган бир нечта намунавий янги умумистифода оммавий кутубхоналари ташкил этиб, миљлий кутубхоначилик ишининг ривожланишига ўз ҳиссасини кўшиди.

Бундай илк гурунглар қаторида биринчи бўлиб ўтган аср бошларида Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидан Кавказ ва Туронзаминда кенг тарқала бошлаган ва халқининг маданий-маърифий даражасини қўғаринига катта таъсир кўрсатган бобийлик ва баҳоййлик фалсафий-диний оқимлари намояндлари гуруҳларини қайд этиш мумкин. Улар Туронзамин шаҳарларида фақат бир нечта газета ва журнал, шу жумладан “Ал-Ислоҳ”, “Ал-Изоҳ”, “Улуг Туркистон” газета ва журналларини таъсис этибгина қолмасдан, балки умумистифода Оммавий кутубхоналари ва қироатхоналар ҳам очиб, халқнинг турли қатламлари орасида маърифат тарқатиш, уларнинг маданий савиясини ўстириш, сиёсий ва миљлий онгини уйготиш ишига катта ҳисса қўшдилар. Биргина Тошкентнинг ўзида бобийлар ва баҳоййлар гурунглари тарафидан “Туркистон”, “Ислоҳ”, “Осиё”<sup>17</sup> ва бошқа кутубхоналар бинолари курилди ва тўлиқ жиҳозланиб, китоблар ва вақтли матбуот нашрлари билан тўлдирилди (Осиё кутубхонасининг биноси Чорсу бозорига туашган Махсидўзлик маҳалласида жойлашган бўлиб, 1938 й. унга Тошкент вилояти кутубхонаси мақоми ва “Октябрь” номи берилган. 1992 й. кутубхонага “Турон” номи берилди).

1913 йилда ўша даврнинг бир гуруҳ илғор зиёлилари – жадидлар хайр-эҳсонлар ва ўз маблағлари ҳисобидан Тошкентда “Турон” жамиятини таъсис этдилар. Жамият “Турон” газетасини нашр эта бошлади. Жамият қошида “Турон” сиёсий клуби ҳамда “Турон” умумистифода Оммавий кутубхонаси очилди. Тошкентнинг Чорсу майдонида китобхона ва қироатхонага эга бўлган кутубхона биноси курилди<sup>18</sup>. “Турон” клуби ҳам шу бинода жойлашган эди. Тошкентдаги мазкур кутубхона муассислари қаторида Мунавварқори

Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Тошнўлатбек Норбўтабеков, Комилбек Норбеков, Абдулла Авлоний, Муҳаммадхон Подшохўжаев, Каттахўжа Бобохўжаев, Башрулахон Асадуллахўжаев, Низомиддин Асомиддинхўжаев, Каримбек Норбеков, Охунжон Абдулраҳимов каби жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндаларини тилга олиш мумкин.

Уумистифода жамоа кутубхоналарининг иккинчи тоифасини Китоб уйлари қошидаги кутубхоналар ташкил этади. Туронзамин шаҳарларида ўтган асрнинг 10-йилларида фаолият кўрсатган пайчиллик асосидаги нашриёт-кутубхона-китоб савдоси ширкатлари Китоб уйлари деб аталар эди. Нашриёт, китоб савдоси муассасаси, китоб дўкони ва уумистифода оммавий кутубхонаси функцияларининг бир корхонада мужассамлашиши жаҳон китобат маданиятида кам учрайдиган ҳодисадир. Туронзамин китобат ишининг бу ўзига хос хусусиятини ҳақли равишда ўзбек маърифатпарварлари – жадидлар канифиёти, жаҳон китоб маркетингининг ривожланишига улар томонидан қўшилган муносиб ҳисса деб айтиш мумкин.

Бундай ширкатларнинг ташкилотчилари ва пайчилари сифатида, қоида тариқасида, миллий зиёлиларнинг илғор вакиллари иштирок этардилар. Аъзоларнинг пайлари, қўп сонли хайр-эҳсонлари ва олинувчи ларомад ҳисобига фаолият кўрсатувчи Китоб уйлари ўз маблагларига китоблар нашр этар, уларни сотиш ва тарқатиш билан шуғулланар, ўз пайчилари орқали муайян китобнинг буюртмачилари ва ноширлари сифатида иштирок этар (одатда ношир номи китобнинг титул варагида кўрсатиларди), хусусий китоб дўконлари, пуллик уумистифода кутубхоналар ва қироатхоналар очар, китоб қўллэзмаларини тошибосма нашрга тайёрлаш, уларни таҳrir қилиш ва гузагиши учун мўлжалланган бинолар қурар эдилар.

“Маърифат”, “Бирлик”, “Мадора” ва “Ғайрат” ширкатлари ҳам китоб ноширлиги фаолияти, ҳам китоб савдоси, ҳам кутубхоначилик иши билан шуғулланувчи Китоб уйлари бўлган. Бу ширкатлар қисқа тарихий давр – 1912–1918 йилларда фаолият кўрсатди. Уларнинг барчаси Фарғона водийси маданий ва адабий ҳаётининг анъанавий маркази – Кўқон шаҳрида очилди ва иш олиб борди.

Ноширлик фаолияти, китоб савдоси ва кутубхоначилик иши билан шуғулланувчи биринчи Китоб уйи – “Маърифат” ширкати адабиёт билимдони, китобат маданияти ва маърифатдаги янгилик тарафдори, ношир Р. Расулзода ташаббуси билан 1912 йилда очилди. Иккинчи Китоб уйи – “Мадора” 1914 йилда Кўқоннинг Бешариқ маҳалласида, таниқти ўзбек маърифатчиси, шоири ва публицисти Иброҳим Даврон

томонидан ташкил этилди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қисқа вақт ичидә бирваракай иккита – “Файрат” (1915) ва “Бирлик” (1916) Китоб уйларига асос солди. У 1917 йили “Хуррият” журналида бу ҳақда шундай деб ёзди: “...1915 йил мен мажлис чақирдим. Унда биз аҳоли орасида китоб тарқатиш мақсадида “Файрат” номли кутубхона, қироатхона ва нашриёт уйи ташкил этишга қарор қилдик. Шу пайтгача мен китобларимни ўз пулимга чоп этиб келдим, улар ҳажман унча катта эмас эди. Энди мен ўзимнинг бошқа китобларимни мана шу Китоб уйи номидан нашр этмоқчи бўлдим”.

“Туркистон вилоятининг газети” 1915 йил 5 июн сонида Ҳамзанинг “Янги саодат” романинг ҳақида қуйидаги хабарни келтиради: “Янги саодат” романининг эълон қилиниши бизни беҳад мамнун этди. Ҳалққа маърифат тарқатиш ғоясини тарғиб қилувчи бу роман Туркистон тилида ёзилган бўлиб, 46 саҳифадан иборатдир. Бу роман муаллифи жаноб Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, унинг ношири – Кўқондаги “Мадора” Китоб уйи. Роман бир нусхасининг нархи 25 тийин”.

Китоб уйлари фаолиятига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. ўша даврда нашр этилган китобларнинг титул вараглари, нашриёт муқаддимаси, дебочаси ва хотималарини, нашриётлар ва китоб савдоси муассасалари томонидан берилган реклама-эълонларини, нашр этилган ва сотишга тайёрланган китобларнинг ўша йиллардаги даврий нашрларда ва китобларнинг ўзида келтирилган рўйхатларини, шунингдек кутубхоналарнинг фондларидағи китобларни манбашунослик таҳлилидан ўтказиш ва қиёсий-тарихий ўрганиш мазкур Китоб уйлари нисбатан қисқа вақт фаолият кўрсатганига қарамай, ҳаммаси бўлиб уч юздан ортиқ номдаги китобларни нашр этганидан, уларнинг қошицаги кутубхоналар фондларида эса минглаб нусхада китоблар жамланганидан далолат беради.

Китоб ноширлиги ва савдоси, айрим ҳолларда эса, кугубхоналар ва қироатхоналар ташкил этиш билан ўша даврдаги бошқа ширкатлар ҳам шуғулланган. Аммо фаолият мақсадларида мавжуд айрим тафовутлар уларни Китоб уйлари қаторига кўшиш имконини бермайди. Бундай корхоналар орасида “Нашриёт” (Тошкент, 1914), “Мактаб” (Тошкент, 1916), “Баракат” (Бухоро, 1914), “Зарафшон” (Самарқанд), “Нашри маориф” (Тошкент) ширкатларини қайд этиш мумкин. Абдулла Авлоний тошкентлик бошқа жадидлар билан ҳамкорликда (“Мактаб” ширкати қатори) ташкил этган “Нашриёт” ширкатининг таъсис шартномасида ширкатнинг мақсади “Туркистон ўлқасидаги мусулмон аҳоли ўртасида умумоврупа маданияти ва

маърифатини газеталар, журналлар, китоблар ва уларнинг савдоси орқали ёйиш” эканлиги тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган<sup>19</sup>. Самарқандаги “Зарафшон” ширкати ҳам китоблар нашр этиш, китоб савдосини ташкил этиш, кутубхоналар ва қироитхоналар очиш орқали аҳоли ўртасида маърифат уругини сочишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Чор маҳфий сиёсий полицияси (охранка) хуфия ходимининг 1914 йил 10 августдаги маълумотида Бухоролаги “Баракат” ширкати фаолиятининг ғоявий, молиявий ва ташкилий томонлари тўғрисида сўз юритилади: “Константинополда (Истамбулда – Э.О.) яшаб, маълумот олган бухоролик баъзи бир амалдорлар ва обрўли савдоғарлар томонидан мусулмонларни бирлаштириш ва туб аҳоли ўртасида маданиятни қўтариш мақсадида “Баракат” мануфактура ширкати ниқоби остида Тараққийпарвар мусулмонлар уюшмаси тузилди. Уюшма муассислари “Баракат” ширкатини гузишга дастлаб 15 минг рублга яқин пул тўпладилар, кейинчалик улар бу сармояни бир неча юз минг рублга етказиш ниятидалар... Уюшма Бухоро амирлигининг турли йирик марказларида ўз бўлимларини очишни мўлжалламоқда... Ширкатнинг ички тузилиши ва бошқарувини оврупача йўсинда ташкил этиш назарда тутилган. “Баракат” ширкатининг асосий аъзолари: Фазлиддин Маҳзум, Мирза Иззатулла Афанди ва Мирза Абдулвоҳид...”<sup>20</sup>.

Умумистифода Оммавий кутубхоналарининг учинчи тоифасига алоҳида шахсларнинг ўз маблағлари ҳисобида ёки жамоатчилик томонидан тўплланган хайр-эҳсонларга ташкил этилган кутубхоналар киради. Бу тоифага мансуб кутубхоналар унча кўп бўлмаса-да, уларнинг айримлари ўз даврининг маданий ҳаётида чукур из қолдирди.

Жадидчилик ҳаракатининг дастлабки даврида — 1907 йилда Самарқандда Туронзамин жадидларининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий бошчилигидағи маҳаллий зиёлиларининг ташаббуси билан, шаҳарликларнинг хайр-эҳсонларига Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек мадрасасининг биносида катта қироатхонага эга умумистифода Оммавий кутубхонаси очилган эди. Мазкур кутубхона китоб фондининг мазмуни ҳақида “Туркестанские ведомости” газетасида эълон қилинган мақолага қараб тасаввур ҳосил қилиш мумкин<sup>21</sup>. Унда айтилишича, кутубхона фаолиятининг дастлабки силарида унинг фонди бир неча минг жилд китоблан иборат бўлган. Шуларнинг 200 тасидан кўпроғини Қуръони карим, тафсирлар ва ҳадисларнинг асосан шахсий кутубхоналардан ҳадя қилинган кўлёзма ва босма нашрлари ташкил қиласган. Кутубхона фондининг қолган

қисми дунёвий мазмундаги нашрлар – тарих, география, табиий ва ижтимоий фанларга оид китоблардан, Туронзамин, Россия ва чет элда чиқадиган мусулмончада даврий нашрлардан ташкил топган. Кутубхонадан туркий, форс, араб, рус, француз ва немис тилларидағи китоблар да даврий нашрлар ўрин олган. Мазкур кутубхона шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларига қадар фаолият кўрсатди.

Туронзаминнинг буюк шоири, Андижонда жадидчилик ҳаракатига асос солган Абдулҳамид Чўлпон ўз юртида ташкил қилган “Турон кутубхонаси” ҳам анча узоқ вақт фаолият кўрсатди.

### **2.3.1. Маҳмудхўжа Беҳбудий ва китобат маданияти**

Туронзаминдаги жадидчилик ҳаракатининг стакчиларидан бири, янги давр миллий маданиятининг асосчиси, атоқли драматург, публицист, дин ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий кутубхоначилик иши, ноширлиги ва китоб савдосининг ривожланишига, оддий халқ ўртасида илмий билимларни тарқатиш ишига улкан ҳисса қўшиди.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сиймоси ва фаолиятида юксак даражада билимдонлик, халққа маърифат ва зиё тарқатиш учун ўзининг бор кучи ва ҳётини баҳшида этишига интилиши мужассамланган. Беҳбудий шунчаки маърифатчиликнинг назариётчиси ва тарғиботчиси эмас, балки бугун Туронзаминда аҳборот ва билимлар тарқатишнинг изчил тизимини яратган шахс эди. Унинг биргина публицистик мероси ҳар хил ҳисоб-китобларга кўра, 200 тадан 300 тагача мақолани ўз ичига олади. 1913 йил апрелдан Беҳбудий “Самарқанд” газетасини чиқара бошлайди. Газета ўзбек ва тажик тилларида, ҳафтада икки марта чоп этилар эди. “Самарқанд” дастлаб икки саҳифадан иборат бўлса, кейинчалик тўрг саҳифада чиқа бошлади. Газетанинг 45-сони чиққач, моддий танқислик туфайли нашр тўхтади. Шу йил 20 августдан Беҳбудий “Ойна” журналини чиқара бошлади. Ҳафталик, суратли бу журнал асосан ўзбек тилида бўлиб, унда шеърлар, мақолалар (форсча), зълонлар (русча) ҳам бериб борилди. “Ойна” журнали 1915 йил 15 июнгача нашр этилди ва 68-сонида ўз фаолиятини тўхтатди. Журнал таҳририяти унинг бош муҳаррири М. Беҳбудийнинг Янги шаҳардаги уйида жойлашган эди. Журнал нафақат бугун Туронзамин бўйлаб, балки Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркиягача тарқалди.

Шу йилларда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ноширлик, китобат иши ташкилотчиси ва китоб маркетинги билимдони сифатидаги қобилияти ҳам тўла даражада намоён бўлди. Чунончи, 1913 йилда у ўз хусусий нашриётини очади ва уни отасининг исми билан “Нашриёти Беҳбудия” деб номлайди. Айни вақтда Беҳбудий китоб дўконлари тармоғини ташкил этиш бўйича катта иш олиб борди, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Кўқон ва Намангандга китоб дўконлари очди. Самарқандда китоб дўкони Беҳбудийнинг ўз уйида жойлашган эди<sup>22</sup>.

Беҳбудий томонидан Самарқандда умумистифода Оммавий кутубхонасининг ташкил этилиши ҳам Туронзаминнинг маданий ҳаётида жиддий ҳодиса бўлди. Кутубхона Самарқанднинг руслар яшайдиган қисмида жойлашган бўлиб, “Кутубхонаи Беҳбудия” деб аталар эди. Китобхонадан ташқари бу ерда кенг ва шинам қироатхона ҳам мавжуд эди. Беҳбудийнинг невараси — Нодим Беҳбудийнинг хотирлашича, китоб ёки газета-журналлар ўқиш учун қироатхонага ташриф буюрган ҳар бир кишига, М. Беҳбудийнинг шахсий кўрсатмасига биноан, қайноқ шакарли чой тортилган. М. Беҳбудий ҳар қандай ақлий, илмий меҳнат чоғида қанд мия ва хотирага қувват бўлади, деб ҳисоблаган. Бу Маҳмудхўжа Беҳбудий нақадар дилкаш, фидойи инсон бўлганини, ҳар қандай ақлий фаолиятга ҳамда билимга интилевучи одамларга қанчалик ҳурмат ва зътибор билан қараганини яна бир карра исботлайди.

“Кутубхонаи Беҳбудия” кутубхона функциялари билан бир қаторда, китоб савдоси корхонаси вазифаларини ҳам бажарар эди. Соддороқ қилиб айтганда, бу янги типдаги муассаса — кугубхонадўкон эди. Мазкур муассасага ташриф буюрган ҳар бир киши ўзига маъқул бўлган исталган китобни кутубхонанинг алоҳида фондидан пулга сотиб олиши мумкин эди. Бу фондда жамланган китобларнинг бир қисмини Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг 1899—1900 йиллардаги ва 1914 йилги ҳаж сафарларидан келтирган, қолган китоблар эса “Кутубхонаи Беҳбудия” манзилига Туронзаминнинг турли бурчакларидан, Россия империясининг Петербург, Қозон, Бўқчасарой, Боку, Оренбург шаҳарларидан, шунингдек Эрон, Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Миср, Ливандан юборилган эди<sup>23</sup>. Ўша даврда турли мамлакатлардан бундай китоб “экспортги”ни уюштириш осон иш эмасди. Бу, кишидан омилкорликни, тадбиркорликни, ишбилармонлик укувини, китоб маркетинги ва менежменти соҳасида чуқур билимларни, кенг ҳалқаро алоқалар ва катта моддий имкониятларни талаб этарди.

Ўзининг кимлигини ошкор этишни хоҳламаган Беҳбудий

замондоши гувоҳлик беришича, Беҳбудийнинг ўлимидан кейин у яратган “Кутубхонаи Беҳбудия”, унда жамланган ноёб китоблар, китобшунослик ва кутубхонашунослик манбалари миқдорига кўра Туронзаминдаги энг катта кутубхона эканлиги барчага аён бўлган<sup>24</sup>. Бу ерда Куръони каримнинг ҳар хил нашрларини, турли ҳадис тўпламларини, фан ва билимнинг турли тармоқларига оид дунёвий мазмундаги туркий, форс, турк, араб, рус, немис, француз, инглиз тилларидаги китобларни харид қилиш мумкин бўлган. Китобларнинг нархлари бу ерда бозордаги нархлардан анча арzon бўлган.

“Кутубхонаи Беҳбудия” китоб фондининг ўзаги ва китоб дўкони ассортименти ҳақида муфассал маълумотни М. Беҳбудий томонидан нашр этилган “Ойна” журнали саҳифаларидан, аниқроғи, журнал сонлари муқоваларининг ички ва ташки томонида берилган эълонлардан олиш мумкин. Журнал муқоваларида вақти-вақти билан Беҳбудий китоб дўконида сотувга қўйилган, бинобарин, кутубхона фондида мавжуд бўлган китобларнинг рўйхатлари ва эълонлар берилади. Мазкур рўйхатларни таҳлил қилиш Беҳбудий кутубхонаси ва китоб савдоси фондининг тематик ва типологик тузилиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бу ерда тарих (умумий тарих, жаҳон тарихи, алоҳида минтақалар ва мамлакатлар тарихи, исломгача бўлган даврдаги цивилизациялар тарихи, мусулмон маданияти тарихи), география (физик география, жаҳон географияси, Россия географияси, Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқ мамлакатлари географияси)га оид китобларга, адабий-бадиий китобларга (туркий ва форс тилларидаги тўпламларда жамланган мумтоз ва ҳозирги замон шеърияти ва насли намуналарига), драматургия – пьесалар, саҳна асарларининг нашр этилган матнларига (журналда улар “тиатру рисоласи” деб номланган), иқтисодиёт, жорий жаҳон сиёсати ва минтақавий сиёсат, жамиятшуносликка оид нашрларга, умумжаҳон маданияти ҳақида маълумот берувчи (асосан Европа тилларидан таржима қилинган), Миср, Ливан, Ҳиндистон, Россия, Туркия, Юнонистон, Туркистон, Европа табиати, шаҳар ва қишлоқлари манзараларининг рангли расмлари, иморатлари, кўчалари ва кишиларининг суратлари, мазкур мамлакатларнинг ҳамда Африка, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Евро-осиё каби қитъаларнинг жугофий хариталари ва атласлари жамланган китобларга дуч келиш мумкин. Табиий ва ижтимоий фан соҳалари мажмуига оид монографиялар ва илмий-оммабон нашрлар (журналда улар арабчада “фунуни мутанавеъ” деб номланган) рўйхати алоҳида ажратилган. Бу рўйхатга тиббиёт ва физиологияга оид китоблар, кўргазмали

Құлланмалар, одамнинг асаб, ошқозон, қон айланиш системалари, сүяк тузилиши офтальмологияси жадвал ва атласлари, кимё, табиатшунослиқ, космография, зоология, ботаника, культурология, турли халқлар этнографиясыга оид китоблар, ҳар хил илмий кашфиётлар (масалан, фотография, авиация, синематограф, автомобиль) ҳақидаги, Үрол ва Олтой халқларининг тиллари ҳақидаги, “умум ва фунун”га – фанга ва билим соҳаларига туркий халқыар құшган ҳисса ҳақидаги рисолалар киритилған. Туронзамиңлик мұаллифлар усули жадид мактаблари учун маҳсус яратған алифбе ва дарсликлар, мусулмончилик урф-одатлари бүйіча амалий құлланмалар, лин, әзтиқод, ислом ҳақидаги рисолалар, таҳорат қилиш, намоз үқиши, рұза тутиш, ҳаж қилиш қоидалари тұғрисида сүз юритилған китобларнинг рұйхатлари ҳам журналда мұгтасил беріб борилған.

“Ойна” журналининг 1913—1915 йилларда чиққан 68 сонининг ҳар бирида “Кутубхонаи Беҳбудия”да үқиши га тавсия этилған ва кутубхона қошидаги китоб дўконидан сотилған адабиётлар рұйхатида ҳар сафар 70—80 номдаги китоб ва бошқа босма напирлар зълон қилинар эди. Агар Маҳмудхұжа Беҳбудий томонидан бошқа шаҳарларда очилған китоб дўконлари китобларни Самарқанд шаҳридан марказлаштирилған тартибда олиб турганини ҳисобға олсак, Беҳбудийга ҳар ёқдан қанча күп китоблар юборилиб турилғанлығы, шунингдек, Беҳбудий томонидан бутун Туронзамиң бүйлаб тарқатилған адабиётлар күлами ҳақида тасаввур ҳосил қилишимиз қийин эмас. Зотан, ҳар бир номдаги босма маҳсулоти Беҳбудийга үнлаб, баъзан эса, ҳатто юзлаб нұсхаларда юборилар эди.

“Кутубхонаи Беҳбудия” фонди ва китоб дўконидаги адабиётларнинг қарийб учдан икки қисмини тарихга оид китоблар ташкил этганилиги тарихни билишга Беҳбудий қанчалик катта зътибор берганлигини күрсатади. Охирги XX аср воқеалари Беҳбудий “Мозий – истиқболнинг тарозисидир” деганида нақадар ҳақ эканлигини тасдиқлади. Мана, “Ойна” журналининг 43-ва 47-сонларida келтирилған тарихга оид адабиётларнинг қисқача рўйхати: “Буюк умумий тарих”, З жилдли “Маданият тарихи”, “Тарихий истиқбол”, “Ислом тарихи”, “Ислом олами ва Оврупа XX асрда”, “Туркий халқыар тарихи”, “Маданият тарихи”, “Шоҳларнинг ғалабалар китоби”, “Усмонийлар салтанати күзгуси”, “Ислом маданияти тарихи”, “Амир Темур”, “Эрон тарихи”, “Буюк Эрон тарихи”, “Бахтиёр тарихи”, “Американинг кашф этилиши тарихи”.

Куйида Маҳмудхұжа Беҳбудий нашр этган “Ойна” журналида берилған зълонлардан айрим намуналар келтирилған.

“Тошкентда “Мактаб” кутубхонаси... Кутубхонамизда мактаб китоблари ҳам мактабларга кераклик нарсалар кўблаб мавжуддур. Кўблаб олувчиларга арzon баҳо бирлан сотиладур. Сўровчиларга ҳар қайси тарафга юборилур. Йўл харожоти олувчидан бўлиб... Муројсаат учун унвон: Старўй Ташкент, книжная торговля “Мактабъ”.

Беҳбудия китобхонаси. Ушбу ном ила Самарқандда “Ойна” мажалласи идорасида бир навъ кутубхона очилиб, ҳар навъ қадим ва жадид, туркий, арабий, форсий китоблар, диний, фанний, лугавий, адабий, ижтимоий, тиббий, тарихий, катта ва кичик китоблар ва ҳар навъ “солнома”лардан иборат мавжуддур. Яна ҳар навъ харита, атлас ва курраи мустаҳлар ҳамда ташрихий ва табиий хариталар ва ҳар навъ мунавар мажалласалар ва олами исломнинг машҳур манзаралик китоб ва хариталари мавжуддурки, мазкур китобларни исми ва нархи “Ойна” мажалласи орқасида ёзилгандур. Китобхонада Ҳинд, Истамбул, Бейрут, Миср, Россия ва Туркистонда босилган китоблардан топилур. Бир миқдор супориши қилганларга почта ила юборилур.

Маҳмудхўжа Беҳбудий китобхонасинда ва “Ойна” идорасинда сотилатурган форсий китобларнинг бир қисми: Шоҳнома, Низомий (куллиёт), Бедил (куллиёт), Шайбоний (куллиёт), Маснавий Шариф, Маснавий ва кашфул-лугат, Мантиқ ут-тайр, Ҳат ва ҳаттот, Тарихи Эрон, Рубъиёти мавлоно Умар Хайём, Забони форси, Тарзи навини насиҳоти ал-хукамо” (жами қирқта ном келтирилган).

Шундай қилиб, XX асрнинг дастлабки йигирма йили мобайнода жадидларнинг маърифатпарварлик мазмунидаги янгича адабиётларини ўзида жамлаган умумистифода Оммавий кутубхоналари Туронзамииннинг деярли ҳар бир йирик шаҳарида фаолият кўрсатди. Бу ҳолат Ўзбекистон янги тарихининг энг сўнгги нашрида ҳам қайд этилади: “Тошкент, Қўқон, Самарқанд, Андижондаги жадид ташкилотлари, бир томондан, истиқдол ҳаракатларини олиб бордилар, иккинчи томондан эса мингларча жилдлик асарларга эга бўлган кутубхоналар ташкил этдилар”<sup>225</sup>.

## 2.4. Шахсий кутубхоналар

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг дастлабки йигирма йилида туронзамиинлик бойлар, зодагонлар ва нуфузли амалдорларга, ақлий меҳнат вакиллари ва ижодий қасб эталарига, оддий китоб мухлислари – кўп сонли саводли ҳунармандлар, олимлар, мударрислар, толиблар, масжид имом хатиблари, табиблар,

доришунослар, усули қадим ва усули жадид мактабларининг ўқитувчилари ва бошқаларга тегишли бўлган шахсий кутубхоналар ўз китоб фондларининг таркибига кўра олдинги давр – ўрта асрлардаги шахсий кутубхоналардан деярли фарқ қилас эди. Янги даврдаги шахсий кутубхоналарнинг катта қисмини осори атиқага айланаб бораётган ўрта асрлар қўлёзма китоблари ташкил этарди. Бунга кўп жиҳатдан миллий матбаачиликнинг ривожланиши, тошбосма усулда китоб чоп этиш ишининг тарқалиши ва китоб кўпайтиришнинг қўлёзма усули аста-секин йўқолиб бориши имконият яратди. Қўлёзма китоблар Янги даврда, бир томондан, ўз муҳлисини, ўрта асрлар фани ва адабиёти, юксак даражада бадиий безатилган қўлёзма китоб билимдонини йўқотиб борган бўлса, иккинчи томондан, улар жадидларнинг янги, дунёвий мазмундаги босма китоблари билан қескин рақобатга дош беролмади. Россия ва Шарқ мамлакатларида чоп этилган туркий ва форс тилларидаги босма китобларнинг Туронзаминга кўп миқдорда экспорт қилиниши ҳам бунда муҳим омил бўлди. Натижада миллий тиллардаги босма ва тошбосма китоблар шахсий кутубхоналардан тобора кўпроқ ўрин ола бошлади. Тез орада, 20-йилларнинг охиридан бошлаб, Туронзамин ҳалқининг ёзуви араб алифбесидан лотин алифбесига, 1940 йилда эса, кирилчага ўtkазилиши муносабати билан тошбосма ва эски босма китоблар ҳам осори атиқага айланади ва жаҳон китобхоналари ва музейларида қадимги Шарқ қўлёзмалари қаторидан ўрин олади.

Машхур шарқшунос олим, Туронзамин китобат маданиятининг билимдони А.А. Семёнов XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидағи шахсий кутубхоналар ҳақида шундай деб ёзади: “Қўлёзмаларни йигувчилар ва харид қилувчилар энг аввало маҳаллий ихлосманлар – руҳонийлар, маъмурият ҳодимлари, савдогарлар, баъзан сайёҳ шарқшунос олимлар, у ёки бу чет эл китоб коллекциячисининг гумашта – агенти кабилар бўлишарди... Шахсий кутубхоналарнинг тақдири умуман ачинарли. Китоб ихлосманди ўлса, унинг мулки шариатга мувофиқ унинг ворислари ўртасида тақсимланарди. Бу ҳолда кўп жилдлик китобнинг бугунлиги ҳеч кимни қайфуртирумасди. Бир китобнинг жилдлари ҳар хил кишиларга тегиши мумкин эди. Мероснинг қисмлари сотиш учун бозорга чиқариларди. Китоб савдо гарлари уларни сотишар, бозор касод бўлса, арзимас нархларда муқовасозларга муқова қилиш учун пуллашарди. Шундай бир мисол бор. Ўрга асрларнинг Ибн Мискавайх қаламига мансуб XII асрда бир ҳаттот қўли билан, бир хил ўлчамда кесилган қофозга кўчирилган кўп томлик жаҳон тарихига оид асар – “Тажориб ул-Уммом”

(“Халқларниң – омманиң – синовлари”) китоби шу даражада шароканда бўлганки, унинг III ва VI жиллари бугунги кунда Тошкентда, V жилди эса Қозон шаҳрида сақланмоқда. Қолган I–II жиллари ҳануз топилган эмас”<sup>26</sup>.

Ибн Мискавийхнинг топилган китобларининг ҳар бирига шайх Ҳожа Мұҳаммад Порсонинг номи зикр этилган ромбсимон мухр – тасарруф белгиси (экслибрис) қўйилган. Қозон кутубхонасида нусхасида эса тарихчи Йақутнинг шахсий қайди мавжуд<sup>27</sup>.

1913–1914 йилларда “маҳаллий қўллэзма мажмуалари ҳақида маълумотлар” йиғиш мақсади билан икки марта Туркистонда бўлган профессор Аҳмад Закий Валидий XX асрнинг бошларида ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро кабиларда хусусий кутубхоналар бўлганлиги ҳақида хабар беради<sup>28</sup>. У ўзининг Фарғона водийсига биринчи саёҳати ҳақида ёзган ҳисоботида қўқонлик Юнусжон Даламуҳамедов, Андижонда Отабек, Ўзда Кудратулла Тоирбоев ва Фозилбекнинг, Наманганд, Марғиёнда яна бир неча кишининг хусусий китоб мажмуалари бўлганлиги ҳақида маълумот беради. А.З. Валидий Намангандаги Ҳожа Эшон Лолареш кутубхонасида туркий адабиётнинг буюк ёдгорлиги Юсуф Боласоғунийнинг “Кутадғу билит” асарининг ноёб нусхасини топган<sup>29</sup> (бу асар 1069 йили ёзиб тутатилган). А.З. Валидий ўзининг иккинчи саёҳатида Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Фузор, Бойсун, Девон, Сариосиё, Қоратоғ каби жойларда бўлиб, бу ҳақда ҳисобот ёзган. Унда мулла Хизир Тўқсона, Фузордаги Бек мадрасаси қошида, мулла Нажмиддин ва Каримбой (Қаршида), Бухорода қозикалонга тегишли ва бошқа ўн тўрт кутубхона ҳақида хабар беради<sup>30</sup>.

Уша даврда қозикалон Бурҳониддиннинг отаси қозикалон Садриддиндан қолган китоблар тўплами Бухорода машҳур бўлган. Унда асосан тарихий адабиётлар: Чингизхон ва унинг авлодлари тарихи, Шайбонийлар, Аштархонийлар, Мангитлар тарихига оид асарлар жамланган. Бухорода таниқли китоб муҳлиси Мұҳаммад Вафо ва машҳур китобфуруш Мирсолиҳ Миркабоев ҳам ноёб қўллэзма асарлардан иборат тўпламларга эга бўлганлар.

Туркистон ўлкасининг юзлаб номаълум қолган кутубхоналари орасида бир хусусий кутубхона ҳақида шарқшунос ва археолог В.Л. Вяткиннинг В.В. Бартольдга ёзган хатидан бизга маълум. “Мен тасодифан билиб қолдимки, — деб ёзади В.Л. Вяткин, — икки йилча бурун Мирзо Солиҳ қўплаб китоб, шу жумладан Абу Алининг “Қонун”ини ҳам Жўйбор эшонларидан сотиб олган. Ҳақиқатан ҳам Жўйбор шайхлари ҳаёти ҳақидаги менга қаранили қўллэзма —

маноқиблардан бирида турли бойликлар қаторида бой кутубхонаси бор шайх ҳақида маълумот учратдим. Агар пул бўлиб қолса, баҳорда Бухорога отланмоқчиман ва Жўйборларни қилириб топмоқчиман. Жўйборларнинг китобхонлиги ҳақида жуда кўп эшигтганман<sup>31</sup>. Вяткиннинг бу макгубида, афтидан, яна бир оиласидан мерос кутубхона ҳақида гап боради. Бу кутубхона ҳам, албатта, ўнлаб, балки юзлаб йиллар давомида ривожланиб, бойиб келган.

Жўйбор шайхлари сардори Яхъёйжа Садрнинг шахсий кутубхонаси, хусусан, унда шайбоний Абдуллахон давридан бошлаб Жўйбор шайхларининг тарихига оид қўлёзмалар, Муҳаммад Ислом ҳожи Жўйборий солномаси, унинг Абдуллахон ва Қариндош-уруғлари, шунингдек Аштархонийлар сулоласининг илк вакиллари билан ёзишмаси жамланганилиги ҳақидаги айрим маълумотларни А.З. Валидий мақоласидан ўқиб билишимиз мумкин<sup>32</sup>. Ушбу ёзишма Жўйбор шайхлари хонларга қандай таъсир кўрсатгани ва ҳокимият Аштархонийлар қўлига ўтишида улар қандай рол ўйнагани масаласини аниқлашда ноёб манба бўлиб хизмат қилди.

ХХ аср бошида генерал-майор Жўрабек ўзининг қимматбаҳо китоблари билан маълум эди. 1902 йили В.В. Бартольд унинг кутубхонаси билан танишган. Жўрабекнинг китоб мажмуаси таркибига ўша вақтда олтмиш китоб киради. 1906 йилда Жўрабек ўлдирилгач, кутубхонасининг ярми ўғирланган. 1918 йили қолган китоблари Туркистон Шарқ институти ихтиёрига, кейинроқ эса Тошкент Давлат университетининг асосий кутубхонасига келиб тушди. Бу мажмуанинг 23 китоби ҳақида А.А. Семёновнинг тавсифидан бизга маълум<sup>33</sup>. Жўрабекнинг китобларидан бизгача етиб келганилари орасида “Ахлоқи Муҳсиний”, “Калила ва Димна”нинг форсча талқини (Воиз Кошифий XV асрда ёзган), Жомийнинг “Хафт авранг” (“Етти юлдуз”) достонлари, Навоийнинг “Ҳамса”си, Наршахийнинг “Тарихи Бухоро”си, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”си, Шоҳрудийнинг “Ўтмиш файласуфлари тарихи”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”си, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” и ва бошқа қимматбаҳо китоблар бор эди.

Шаҳрисабзда Малики Ажар мадрасасининг мударриси мулла Муҳаммад Ражабнинг, шунингдек Аброр ҳожи Ҳатабий ва Камолбей Безознинг кутубхоналари машҳур бўлган. Катта китоб муҳлиси, турли-туман ноёб қўлёзмалар тўпламларининг эгаси Күшбеги Остонақулнинг ҳам Ҳисор шаҳрида йирик кутубхонаси бор эди. Унинг кутубхонасидан ҳаттоқи қадимги дунё тарихига оид юонон тилида битилган ўрам шаклидаги китоблар ҳам топилди. Остонақулнинг вафотидан сўнг

мазкур ноёб китоблар тўплами Бухоро амирининг сарой кутубхонасидан ўрин олди<sup>34</sup>.

Қаршилик мулла Нажмиддин ҳам ноёб китобларга бой кутубхонага эга эди. Кутубхона жамғармасида Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг замондоши —ҳиротлик Воиз Кошифий асарларининг деярли тўлиқ тўплами, Лутфий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий сингари буюк шоирларнинг шеърий тўпламлари, илми нужум, фикҳ, илоҳиёт фанларига оид араб ва форс тилларидаги XII—XV аср қўлёзмалари сақланарди.

1898 йили рус маъмурияти томонидан Андижон қўзғолонининг ташкилотчиси “Дукчи Эшон” номи билан машҳур Муҳаммад Али Собировнинг хусусий кутубхонаси “Туркистон археология муҳлислари тўгараги” фондининг фойдасига мусодара қилинди. Кутубхона таркибига, Н.С. Ликошиннинг ёзишича, 194 қўлёзма кирган. Улар дунёвий ва диний мазмунлардаги арабча, форсча, туркий тилли китоблар эди<sup>35</sup>. Бир йил ўтгач, эшон кутубхонаси китоблари Туркистон Оммавий кутубхонасига топширилди. Яна уч йилдан кейин бу китобларнинг асосан илоҳиётга оидларидан 20 таси Россия археология жамияти ихтиёрига Петербургга жўнатилди<sup>36</sup>. 1924 йили В.В. Бартольд Мадали эшон (Дукчи эшон) Собировнинг кутубхонаси қўлёзмаларини ўрганиб чиқиб, жами 213 қўлёзма ҳақида таъсифий маълумотлар беради<sup>37</sup>. Демак, мусодара қилинган вақтда Муҳаммад Али (Дукчи эшон) кутубхонасида 230 дан зиёд қўлёзма бўлган экан.

Марғилонда Иброҳимхўжа Муҳаммадхўжаевнинг кутубхонаси машҳур эди. Унда Хондамирнинг қўлёзма китоблари, Султон Ҳусайн Бойқаро, XV—XVI асрлар бошқа шоирларининг шеърий тўпламлари жамланганди. Мустамлакачилар маъмурияти Фарғона вилоят бошқармасининг тилмочи Ю.К. Казбеков қадимги қўлёзмалар ва ҳужжатларнинг диққатга сазовор коллекциясини тўплашта мувваффақ бўлди. Академик В.В. Бартольднинг қайд этишича, кутубхонада “анча кўп қўлёзмалар жамланган”, улар орасида Кўқон хонлиги тарихига оид энг янги (ўша давр учун) тарихий асарлар (1866 йилда ёзилган), Ҳўжа Аҳрорнинг Абдураҳмон Жомий ва Абу Саид рубоийларига ёзган шарҳлари, Жамол Қарши асарлари, Худоёрхон даврига мансуб вақф ҳужжатлари ва бошқа расмий ҳужжатлар жамланган эди<sup>38</sup>.

Матбуотда эълон қилинган материаллардан бизга Тонкентдаги бир нечта шахсий кутубхоналар ҳақида маълумотлар етиб келган. XIX аср охирида Туронзамин китоблари ва маданий обидаларининг катта мухлиси ва йиғувчиси Қадриян қўлёзма китобларнинг ноёб тўпламига эга бўлган. Мусулмон маданий дунёсида маълум барча

фанлар ҳақида қисқача маълумотлар жамланган форс тилидаги кўп жилдли қомус – “Матлаъ ул-улум” – “Фанлар манбаи” (XVI аср)ни у мазкур тўпламдаги энг ноёб асар деб ҳисоблаған. Туркистонда эшлик йилдан ортиқ яшаган шарқшунос олим Нил Ликошин Қадриянни юксак баҳолаган ва унга багишлаб мақола ёзган<sup>39</sup>.

Тошкентлик бой Мұхитдин Ҳўжа ҳам анча катта кутубхонага эга бўлган. У рус тилини яхши билган, кўпгина рус олимлари билан яхши муносабатларда бўлган, бир қатор илмий жамиятлар аъзоси бўлган. Унинг кутубхонасида Шарафиддин Али Яздийнинг ажойиб миниатюралар билан безатилган “Зафарнома”си, Ат-Табарийнинг жаҳон тарихига оид асари, Саъдий Шерозийнинг назм девони сингари ноёб қўлёзмалар бор эди<sup>40</sup>.

Тошкентлик Боқижонбойнинг шахсий кутубхонасида ҳам муҳим тарихий ва жуғрофий асарлар, бир қатор туркийгўй ва форсийгўй шоирларнинг шеърий тўпламлари бўлган<sup>41</sup>.

#### **2.4.1. Шарифжон Маҳдум Садр Зиё кутубхонаси**

XX аср бошларидаги Бухоро зиёлиларининг атоқли вакилларидан бири Шарифжон Маҳдум Садр Зиё номи ва у тўплаган ноёб қўлёзма китоблар мажмуи шахсий кутубхоналар ҳақидаги бобимиизда алоҳида ҳурмат ва диққат-эътибор билан тилга олишiga лойиқdir. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида сақланаётган Шарифжон Маҳдум Садр Зиё шахсий кутубхонасининг қўлёзмалар тўплами буғунги кунда мазкур жамғармадаги илмий ва ноёблик жиҳатидан бебаҳо қўлёзмаларнинг негизини ташкил этади. Шарифжон Маҳдум Садр Зиё томонидан тузилган мазкур кутубхона эса, Туронзамин маданиятидаги муҳим ҳодиса, халқнинг маданий ўтмиши ва келажаги йўлида содир этилган юксак жасорат намунасидир.

1920 йил охирида Туркистон АССР Халқ маорифи комиссарлигига Бухорода Шарқ қўлёзмаларининг учта йирик кутубхонаси борлиги ҳақида маълумот пайдо бўлди. Абдурауф Фитрат бошчилигидаги филолог-шарқшунослардан Ўқтам, тарихчи Нўлат Солиев иштирокидаги комиссия 1921 йилнинг бошида Бухорога келди ва қўйидаги хабарни йўллади: “Биз Бухорога келиб, ўз ишимиизни бошладик. Бухорода энг машҳур, энг бой уч кутубхона бор экан. Биринчиси — марҳум Қозикалоннинг<sup>42</sup> кутубхонаси, иккинчиси — (шаҳзода) Муҳаммад Сиддиқхон<sup>43</sup> кутубхонаси, учинчиси — қози

Мұхаммад Шариф Садр деган бир кишининг кутубхонаси<sup>44</sup>. Бизнинг замонимиэгача шулардан Шарифжон Маҳдум Садр Зиёга тегишли битта кутубхона мажмуигина бутун сақланиб қолган. Кутубхонанинг фонди ва құләзмаларининг каталоги илк бор шарқшунос олим У. Ҳамроев томонидан 1963 йилда таҳлил қилинганды<sup>45</sup>. Мазкур олимнинг мақоласига ҳамда Садриддин Айнийнинг хотираасига сұяниб (бу хотиранинг учдан бир қисми Шарифжон Зиёга бағишиланған) юқорида зикр этилган улкан хусусий китоб мажмуини китобшунослик нұқтаи назаридан баҳолаш масаласига диққатимизни қаратамыз.

Әгаллаган лавозимига күра Садр қозикалон, адабий тахаллуси Зиё бўлган Мирза Мұхаммад Шарифжон Маҳдум 1872 йили Бухорода туғилиб, шу шаҳарда вояга етган. Унинг отаси Бухоро қозикалони домулла Абдушукур Садр (1889 йилда вафот этган) таниқли илоҳиётчи олим, адабиёт билимдени, Оят тахаллуси билан битилган адабий машқлари билан ҳам танилган киши эди<sup>46</sup>. Мұхаммад Шарифжон маҳдум бошланғич таълимни миллий диний мактабда, мадраса таълимини эса, отасининг руҳий ва илмий устозлиги остида олди. Илоҳиёт билан бир қаторда у мумтоз адабиёт, Туронзамин ва унга қўшини ўлқалар ҳалқлари тарихи билан чукур танишиб борди<sup>47</sup>. Форс тилидан ташқари, Мұхаммад Шарифжон араб ва туркий тилларни мукаммал билар эди.

Мұхаммад Шарифжон XIX асрнинг йирик олими ва маърифатчиси Аҳмад Дониш (1827—1897) билан яқин алоқада бўлган. Унинг яқин дўстлари доираси Исо маҳдум, Яҳё Ҳожи, Мулла Шариф Соат, истеъодли шоир Аҳмад Донишнинг шогирди Қори Абдулмажид Зуфунун (1903 йили вафот этган), ўз замонасининг машҳур тарихчиси Мирзо Абдулазим Сомий (1907 йили вафот этган), XIX асрнинг иккинчи ярмида кўзга кўринган шоир ва олим Мұхаммад қори Раҳматулло Возеҳ (1893 йили вафот этган), Шамсиддин маҳдум Шоҳин (1894 йили вафот этган), бу киши улкан шоир ўтган, С. Айнийнинг мадрасадаи дўсти Мұхаммад Сиддиқ ҳайрат (1902 йили вафот этган), Сиддиқ Ҳожи Гулшаний (1910 йили вафот этган) — танобчилик қилган, риёзиётчи, лирик шеърлар ҳам ёзган, Аҳмад Донишнинг шогирди ва бошқа кўплаб фозил кишилардан иборат эди<sup>48</sup>.

XIX асрнинг 90-йиллари ўрталарида Шарифжон Маҳдум хонадоноида тоғик ва ўзбек адабиётининг мумтоз вакили бўлиб етиштан Садриддин Айний яшаган эди. У ўз эсадикларида Шарифжон Маҳдумнинг уйида ҳар ҳафтанинг сешанба, чоршанба, пайшанба кунлари шоирлар, адабиёт мухлислари, китобсеварлар, қизиқ

ҳикояларни айтиб берувчи ноқиллар йиғилишарди, деб хотирлайди. “Бу одамларнинг барчаси Шарифжон Маҳдум мажлисларини безаган энг яхши гуллар, мен эса шу гуллар атридан баҳраманд эдим”, деб ёзади С. Айний. У адабиёт ва тарихнинг ҳақиқий билимдонлари фикрларига чанқоқлик билан қулоқ солар, халқ зукколиги руҳини ўзига сингдирар, чин маънодаги оқиллар сұхбатидан ибрат оларди. Шарифжон Маҳдум хонадонидаги маънавий муҳит Садриддин Айний учун ўзига хос мактаб бўлди, шу ерда унинг адабий диди, ижодга ихлоси шаклана бошлади. Шарифжон Маҳдум “одамларга муомалада камтар, ҳеч кимга такаббур, менсимас қараашда бўлмасди”<sup>49</sup>. Тез-тез у мумтоз шоирлардан бирортасининг асарини ўқир экан, Садриддинни ва у билан бирга истиқомат қилган Мирзо Абдулзоҳидни ўз ёнига чақириб олар, ўқиётган асарининг муҳим жойларини кўрсатар, асар нафосатидан биргаликда завқданар эди. “Баъзан, — деб ёзади С. Айний, — бизларни овоз чиқариб ўқишга буюрар эди. ўқишимиздаги талаффуз хатоларимизни тузатар, бизларга ҳали тушунарсиз бўлган нарсаларни тушунтиради... Мен унга ҳурмат билан қарадим, уни ўзимнинг биригичи маънавий устозим деб билардим”<sup>50</sup>.

Шарифжон Маҳдум Садр Зиё XIX аср охири – XX аср бошларида кўзга кўринган фан ва маданият арబбларидан биригина эмас, балки катта китобсевар ҳам эди. Бир неча тарихий-маданий, тарихий-баъдий асарлар унинг қаламига мансуб. Шарифжон Маҳдум 1910 йилда шеърий йўлда “Тазкир ул-ашъор” номли тазкира яратган. Йигирмадан ортиқ асарни Шарифжон Маҳдум ўз кўли билан ҳусниҳатда кўчирган.

Шарифжон Маҳдумнинг ўз сўzlари билан айтганда, унинг китобга муҳаббати чексиз бўлган. Билимнинг турли соҳаларига оид қўлёзмаларни тўплашга куч ҳам, маблағ ҳам аямаган. “Ҳар қаҷон, кимда бўлмасин яхши китоб кўрсам, уни кўлга киригишга ҳаракат қилдим”, деб ёзади Шарифжон Маҳдум<sup>51</sup>. Баъзи бир китоблар унга совға қилинган<sup>52</sup>. Шундай қилиб, у илмнинг муайян соҳалари бўйича ноёб ёки турли замонларнинг машҳур ҳаттотлари кўчирган китобларнинг мисли кўрилмаган бесқиёс ҳазинасини яратди. “Ҳозирги вақтда, — деб ёзади кутубхонасининг каталогига кириш сўзида Шарифжон Маҳдум, — турли даврларда яшаган машҳур ҳаттотларнинг номлари номаълум бўлиб қолмоқда ва уларнинг номлари унтулиб юборилмоқда. Энди бирор ҳаттотни биладиган ёхуд унинг хатини танийдиган ва унинг қадр-қимматига етадиган киши қолмаянти”<sup>53</sup>.

Шарифжон Маҳдум кутубхонасининг каталогига кириш сўзида ҳар бир қўлёзманинг хислатлари, у ёки бу китобнинг қўлга киритилиши тарихи, унга маълум бўлган ҳолларда қўлёзманинг котиби

ҳақида катта бир ихлюс ва муҳаббат билан тавсиф бериб ўтади. Кўпинча у қўлидаги китобнинг (ёки нусханинг) қанча пулга олинганини ҳам кўрсатади. Шарифжон Маҳдумнинг китобга сарфлаган маблағини тасаввур қилиш учун баъзи бир китобларнинг юзлаб олтин сўмлар билангира эмас, балки минглаб олтин сўмларда нархланганини кўрсатиб ўтиш кифоядир. Масалан, “Калила ва Димна”нинг қўлёзмаси учун у 15 минг олтин танга ёки 3000 рубль сарфлаган<sup>54</sup>. Жомийнинг “ҳафт авранг” и учун ҳам у 3000 рубль, “Баҳр ар-роиқ” китобининг етти жилдлик қўлёзмаси учун эса ўтгиз минг танга (6000 рубль) тўлаган<sup>55</sup>.

Шарифжон Маҳдум кутубхонасининг совға қилинган китоблардан ташқари, яна бир маңбаи унинг ўзи томонидан ёки унинг буюртмаси билан кўчирилган китоблар бўлган. Шу маънода Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоे” (“Нодир воқеалар”) асарининг кўчирилиши ҳақида С. Айний эсдаликлари дикқатга сазовордир. “Фан ва адабиётга алоқадор кишиларга маълумки, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақоे” номли йирик асари бўлган. Лекин меш билган бирор кимсада мазкур асарнинг нусхаси йўқ эди. Кейинроқ маълум бўлдики, Аҳмад Дониш шу китобининг ўз қўли билан кўчирилган нусхасини Сиддиқон Хишматга совға қилган экан. Аҳмад Дониш асарларининг ишқибози бўлган Садр Зиё Хишмат билан яширин муносабатларга киришиб, шу китобни ундан нусха кўчириб олиш учун вақтинча ундиради. “Наводир ул-вақое”ни кўчириш вазифаси ҳуснихати бор Мирзо Абдулвоҳид Мунзимга (1935 йили вафот этган) топширилади<sup>56</sup>. Иш якунлангач, Шарифжон Маҳдум китобнинг нусхасини А. Дониш дастхатида кўчирилган нусха билан солишишириб чиқишида иштирок этишни С. Айнийдан илтимос қиласиди<sup>57</sup>.

Садр Зиё кутубхонасини кўрган ва ундан фойдаланган Садриддин Айнийнинг баъдо беришича, бу мажмууда фан ва маданиятнинг тиниқ ва гўзал хат билан кўчирилган энг ноёб ёдгорликлари, ҳатто асар муаллифларининг қўллари билан кўчирилган нусхалари бор эди<sup>58</sup>. “Шарифжон Маҳдум кутубхонаси Бухорода энг бой ва энг яхши хусусий кутубхона эди”, деб ёзади С. Айний<sup>59</sup>.

Ҳозир Шарифжон Маҳдум кутубхонасининг 300 га яқин, баъзан ҳар бир жилдига ўнлаб ноёб асарлар бўлган китоблари Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар мажмуи таркибида сақланмоқда. Кутубхонанинг кичикроқ бошқа бўлағи Тожикистан ФА Шарқшунослик бўлимни ва ёзма мерос фондида турибди. Шарифжон Маҳдум кутубхонасининг Ўзбекистондаги қўлёзмалари 1936 йили унинг ворисларидан сотиб олинганди<sup>60</sup>.

Шарифжон Маҳдум кутубхонасининг таркиби билан танишган кишини, аввало, китобсеварнинг серқирра илмий қизиқиш доираси, нозик диди ҳайратга солади. Бу хислатлар китобларнинг мазмун ва мавзу ранг-баранглигида, фан ва маданият тарихи учун қимматли ҳамда ноёблигига ўз аксини топган. Бу кутубхона қўлёзмалари орасида қалом (илоҳиёт)га, фикҳ (ислом қонуншунослиги)га, тарихга, тасаввуф, табиатшунослик, тиббиёт, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, адабиёт назарияси, филология, сарфу навҳ (грамматика), мантиқ, фалсафа, ахлоқ, тарих ва географияга оид китоблар бор. Бундан ташқари, турли хил луғатлар, қомуслар, маълумотнома китоблар ҳам бир талай. Бу кутубхона китобларидан “Шарафнома шоҳий” (ҳофиз Таниш Бухорий асари, кўпроқ “Абдулланома” номи билан машҳур) китоби<sup>61</sup>, Давлатшоҳ Самарқандийнинг муҳташам безакли “Тазкират уш-шуаро” асарининг нусхаси<sup>62</sup>, XVII асрга оид “Мажмуат ур-расойили ҳукамо” илмий тўплами (унинг таркибida турли мамлакатлар, ҳатто Юнонистон файласуфларининг 107 та асари жойлашган), Амир ҳусрав Декҳавийнинг XIV асрда кўчирилган “Хамса”си (унинг иккинчи, учинчи, тўртинчи достонлари шоир Шамсиддин Муҳаммад Ҳофизнинг ўз қўли билан кўчирилган)<sup>63</sup>, Улуғбекнинг событ юлдузлар жадвали – “Зижжи Улугбек” (“Зижжи жадиди Гурагоний”) асари<sup>64</sup>, Алишер Навоийга ёзилган мактубларнинг ноёб қўлёзма тўплами – “Мажмуаи муросалот” (“Жўнатмалар йиғиндиси”)<sup>65</sup> кабилар Ўзбекистон маънавияти хазинасининг кўрки бўлиб сақланмоқда.

Шарифжон Маҳдум кутубхонасининг қимматини янада оширган нарса ундаги китоб мажмuinинг изоҳли кагалоги ва тавсифидир. Тавсифда ҳар бир китоб алоҳида таърифланган. Бу кагалог Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 2460 рақами остида сақланмоқда. Ҳар бир қўлёзманинг муфассал налеографик, кодикологик, геральдик (дастхатшунослик), библиографик ва тарихий-маданий тавсифи берилган мазкур каталог профессионал ўзига хосликларга эга бўлиши билан бир қаторда, Туронзаминнинг XX аср боинидаги йирик китоб мухлисининг юксак библиографик маданиятидан ҳам далолат беради.

Ушбу каталогнинг ўзига хос қўлёзмаси Кўқон ҳозозига насталиқ дастхати билан ёзилган. Сарланҳалар қизил ранг дастхати билан эжратилган. Муаллифнинг айрим изоҳларига қараганда, рўйхат XX асрнинг 20-йилларида тўлдирилган. “ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами” каталогида илмий тавсифлашда Шарифжон Маҳдумнинг мазкур рўйхати “Кўлёзмалар каталоги” леб номланган. У, шунингдек,

“Асоми ул-китоби китобхонаи хусусийи Шарифжон Маҳдум” (“Шарифжон Маҳдумнинг шахсий кутубхонасидаги китоблар рўйхати”) номи билан ҳам маълум. Муаллифнинг ўзи каталогга ном қўймаган, шу боис юқорида зикр этилган номларни шартли деб ҳисоблаш керак<sup>66</sup>.

Ўз шахсий кутубхонасидаги китоблар рўйхатининг кириш қисмida Шарифжон Маҳдум ўзи тўплаган адабий ва илмий асарларнинг ноёб қўлёзмалари катта илмий аҳамиятга эга эканлиги, бу қўлёзмаларда аксариятининг номи ҳозирги авлод вакиллари томонидан унудила бошланган моҳир ҳаттотлар меҳнати мужассамлашгани тўғрисида сўз юритади.

Каталогни тузишда муаллиф муайян хронологик ёки тематик принципга риоя қилмаган. Маънавий маданият учун у ёки бу қўлёзманинг аҳамияти, унинг бадиий-эстетик фазилатлари, илмий мазмуни, адабиёт ва фан тарихида асарининг ўрни ва аҳамияти муаллиф учун бош мезон бўлиб хизмат қилган.

Каталог Куръони каримнинг юксак дид ва маҳорат билан безалган ва кўчирилган беш нусхасининг тавсифи билан бошланади. Куръони каримнинг бошқа икки нусхаси тавсифи каталогнинг бошқа жойларида берилган. Фикҳ ва калам (мусулмон қонуншунослиги ва теологияси)га, суфизм ва дин тарихига, билимнинг турли тармоқларига оид китоблар ва бадиий адабиётларнинг тавсифи қўлёзманинг илмий ва эстетик аҳамияти принципига асосан келтирилган.

Шарифжон Маҳдумнинг қўлёзмаларни тавсифлаш усули ҳам жуда ўзига хосдир. Тавсифларда у қўлёзма номини, муаллиф ва ҳаттотнинг исм-шиарифини келтиради, қоғоз нави ва у ишлаб чиқарилган жойни (Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Ҳирот ва б.) кўрсатади, муаллифнинг замондошлири, унинг яқин ва узоқ қариндошлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Кўпинча китоб нархини, уни неча пулга сотиб олганини қайд этади. Навоий, Жомий, Низомий, Улуғбек, Бедил, Амир Ҳусрав Дехлавий, Аҳмад Доњиш каби машҳур шоир ва олимларнинг асарларини тавсифлашда Шарифжон Маҳдум уларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотларга батафсил тўхталади, уларнинг асарларига тавсиф бериб ўтади. Масалан, Мирзо Улуғбек қаламига мансуб “Зижжи жадиди Гурагоний” асари қўлёзмасининг ноёблиги тўғрисида сўз юритар экан, Шарифжон Маҳдум ўқувчини олим ва давлат арбобининг шахси билан танишитиради, Улуғбек билан бирга расадхона қурилишида иштирок этган Қозизода Румий, Фиёсiddин Жамшид, Мавлон Али Қутичи каби олимлар ҳақида ҳикоя қилади, Улуғбекнинг юқорида зикр этилган астрономик жадвали ҳақида маълумотлар келтиради<sup>67</sup>.

Фан, адабиёт ва китобат маданияти намояндаларига нисбатан муҳаббат ва ҳурмат ҳисси билан сугорилган Шарифжон Маҳдум Садр Зиё каталогида биттадан — бир неча ўнтағача асарни ўз ичига олган уч юзга яқин қўлёзма ҳақида муфассал маълумот берилган<sup>68</sup>.

Мазкур каталогда қўлёзмаларни тавсифлаш принциплари ва тузилишини чуқур таҳлил қилиш, уни тузиш усулини “ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами” каталогида қабул қилинган қўлёзмаларни тавсифлаш усули, принциплари ва таркибий унсурларига солиштириш “ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами”нинг дастлабки беş жилдига киритилган қўлёзмалар тавсифини тузган шарқшунос А.А. Семёнов Шарифжон Маҳдумнинг қўлёзмаларни тавсифлаш усулини тўлиқ ўзлаштирган, фақат унинг унсурлари таргиби ва тузилишини бир хиллаштирган деб холоса чиқариш имконини беради. Шу боис биз бутун “ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари тўплами”да қабул қилинган шарқ қўлёзмалари тавсифини тузиш усулининг асосий гояси, принциплари ва методологияси ҳақди равишда Шарифжон Маҳдум Садр Зиёга тегишли деб айта оламиз.

\* \* \*

XX аср бўсағасида маҳаллий зиёлилар қўлида бир неча йирик кутубхона шаклланди. Масалан, Самарқандда номи зикр этилган В.Л. Вяткин ҳаммаси бўлиб 272 асарни ўз ичига олган 190 қўлёзма китобдан иборат<sup>69</sup>, врач профессор Г.М. Семёнов 130 қўлёзмадан иборат<sup>70</sup> китоб мажмуалари тўплашди. Қўқонда асосан тарихий, адабий-бадиий китоблардан тузилган Ашурали Зоҳирий кутубхонаси, Тошкентда профессор Абдурауф Фитратнинг 150 китобдан иборат кутубхонаси, 148 китобдан иборат Раҳмонов мажмуи<sup>71</sup> ва бошқалар шулар жумласидандир. Туронзамин адабиёти ва тарихини ўрганиш учун фойт муҳимлиги, ноёблиги ва жуда камёб асарлар борлиги жиҳатидан проф. Абдурауф Фитратнинг шахсий кутубхонаси фавқулодда қимматта эгadir. Бу мажмуя таркибида юксак бадиий даражада китобат қилинган Сайфи Исфарангি (ХІІІ аср) девонининг қўлёзмаси, Дурбекнинг мўъжаз суратлар билан безатилган “Юсуф ва Зулайҳо” достони, Жомийнинг мўъжаз суратли “Юсуф ва Зулайҳо”си каби китоблар киради. Лекин катта довруққа сабаб бўлган воқелик шу эдики, А. Фитрат кутубхонасида Юсуф Болосогуний (Юсуф Хос Ҳожиб)нинг “Кутадғу билиг” китоби қўлёзмаси бор экан. Бу қўлёзма 1913 йили профессор А.З. Валидий Наманганда Муҳаммад Ҳожа

Йолареш кутубхонасида қўрган қўлёзма нусханинг айнан ўзи эди. Бу қўлёзма ҳозир “Кугадғу билиг”нинг дунёда маълум уч қўлёзмасидан бири, айниқса, унинг энг тўлиқ нусхаси сифатида тан олинган.

Қайд этилган барча қўлёзма мажмуалари 1930—1950 йиллар давомида ЎзССРнинг Марказий қўлёзма жамғармаси (Тошкентдаги ЎзССР Давлат кутубхонаси ўша вақтда бу вазифани ўтаб турарди) томонидан сотиб олинган.

XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг дастлабки йигирма йилида шахсий китоб тўпламлари ва кутубхоналарнинг соҳиблари орасида Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, Мулла Муҳаммад Ниёз Ҳўқондий, Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқондий, Муҳаммад Азиз Марғилоний, Муҳаммад Содиқ Мунший, Муҳаммақ Абдулазим Сомий, Мирзо Олим Мушриф, Мирзо Олим Тошкандий, Муҳаммад Фозилбек, Муҳаммад Ҳакимтўра, Мавлоно Ҳаёлий, Ҳолбек ибн Мусо Анлижоний, Муҳаммад Амин Ҳўқондий, Ҳофиз Рўзибой, Машраб, Камина, Носир, Таржимон, Мулла Олим Маҳдумхўжа, Ҳакимхожа Эшон, Солиҳбек Охунд, Абулқосим Эшон, Муҳаммад Муҳиддинхожа, Сатторхон Абдулғаффоров, Абубакр Диваев, Сайдғани Сайдазимбой ўғли, Завқий, Баёний, Анбар отин, Мирзо Бухорий, Сайдрасул Сайдазизов, Сиддиқий Ажзий, Нозимахоним, Маҳмудхўжа Бесҳудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Салимхон Тилахонов, Саид Аҳрорий, Тангирикул хожи Мақсадов, Нажмиддин Шермуҳамедов, Эшонхўжа Хоний, Ҳасанхўжа Хоний, Шокиржон Раҳимий, Собиржон Раҳимий, Низомиддин Ҳўжаев, Фоғиржон Мусахонов, Абдулла Авлоний, Аваз Ўтар, Абу Саъид Маҳзум, Садриддин Айний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Акром Асқаров, Муҳаммадшариф Сўфизода, Раҳим Иноғомов, Комилбек Норбеков, Рустамбек Юсуфбеков, Муҳаммадхон Пошибоҳўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Каттахўжа Бобохўжаев, Низомиддин Асомиддинхўжаев, Охунжон Абдулраҳимов, Ҳасанхўжа Дадаҳўжа ўғли, Сайдабдулло Сайдкарим ўғли Сайдазимбоев, Мулла Қўшоқ, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев, Мискин, Ҳислат, Паҳлавон Ниёз, Қори Комил, Баширулла Асадуллаҳўжаев, Тўлаган Ҳўжамёров (Тавалло), Шарифхўжа Попишибоҳўжаев, Ҳожи Муин, Сироҳиддин Силқий, Мирмулла Шермуҳаммадов, Абдураҳмон Фитрат, Абдурауф Фитрат, Файзулла Ҳўжаен, Абдул Воҳид Бурхонов, Усмон Ҳўжаев, МуҳиддинFaфаат, Муса Сайджонов, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Мустафо Чўқаев, Мирмуҳсин Шермуҳаммадов, Шарифжон Маҳдум Садр Зиё, Абдулҳамил Чўлпон, Абдулқодир Шакурий, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Абдулиноҳид Рафий, Содиқ Ашур ўғли,

Садриддинхон Шарифхўжаев, Қўнғирхўжа Ҳожинов, Ислатулла Убайдуллин, Саидносир Миржалилов, Саид Жаъфарбой Сайдов, Ислом Султон ўғли Шоаҳмедов, Абдураҳмонбек Ўразаев, Ҳидоятбек Юрали Агаев, Миродил Мирзааҳмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдулқодир Қушбегиев, Жамшидбой Қорабеков, Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дорбисалин, Шерали Лапин, Мусо Акчурин, Мустафо Мансуров, Муҳаммаджон Тинишпаев, Иброҳим Долшин, Ҳалил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Алихонтўра Тўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров, Муқим Бойжон, Абдулазиз, Аҳмаджон Маҳдум, Олимжон Идрис, Аҳмад Бойтурсун, Мирёкуб Дулат, Ҳожи Рафий, Мирзо Абдувоҳид, Ҳамидхўжа Меҳрий, Аҳмаджон Маҳдум, Қамий, Хислат, Мирмулла, Абдурауф Шаҳидий, Муқаммалиддин Маҳдум, Отажон Абдалов, Муҳаммад Азим ҳожи Марғилоний, Исҳоқхон Тўра Ибрат, Р. Расулзода, Охунзода Абдулрауф Машҳадий, Мирзо Ҳайрулло Ҳўқандий, Ашурали Зоҳирий, Иброҳим Даврон, Ғулом Ҳасан Орифжонов, Илҳомжон Иноғомжонов, Обиджон Маҳмудов, Миркомил Мўминбоев, Саидризо Ализода, Лутфулла Олимий, Турди Мирғиёс ўғли, ҳожи Юсуф Мирфаёзов, Жўрабек Қаландар қори ўғли, Шоҳимардан Мирғиёс ўғли, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний, Абай Қўнонбоев, Чўқон Валихонов, Тўхтагул Сотилганов, Севинбой Акаев, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжаев, Муҳаммад Раҳимхўжа Муҳиддинхўжаев, Шамсидин Шарифиддинов (Хуршид), Саъдулла Шарафиддинов, Исмоил Обидов, Аҳмаджон Бектемиров, Пўлат Солиев, Носирхонтўра Камолхонтўраев, Фансуруллоҳбек Худоёрхонов, Муҳаммад Сиддиқхон ибн Музффар, Мўминжон Муҳаммаджонов, Саидаҳмағ Васлий, Сидқий Ҳондайликий, Абдуҳаким мулла Икромов, Фатҳиддин Махсум Ислатуллаев, Илҳом Исломов, Асадулла Ҳожихонов, Зайнутдин қори Насриддинов, Абдусамиъқори Ҳидоятбоев, Отaxon Назар Ҳўжаев, Карим қори Азимбоев, Низомиддин қори Ҳусайнов, Сайдулла Ҳўжаев, Олимжонхўжа Юнусов, Мирали Умарбоев, Латифжон Мадали Қозиев, Қўчқорбай Миралиев, Фози Юнус, Абдулла Қодирий, Мажид Қодирий, Аъзам Аюбов, Саидғани Валиев, Санжар Сиддиқов, Боту, Элбек, Турор Рисқулов, Азиз Лазиззода, Ҳасанмурод Лаффосий, Пўлатжон Қайюмий, Ғулом Зафарий, Маннон Үйғур, Қаюм Рамазон, Абдусамиъ қори Зиёбоев, Ҳайдар Шавқий, Абдулваҳоб Муродий, Абдулла Раҳимбоев, Аҳмад Шукрий, Эшонхўжа Ҳоний, Илҳом Одилов, Марям Султонова, Зайнаб Шамсуддинова каби ва бошқа ўнлаб ҳар хил табақадан чиққан зиёлиларнинг, маданият, фан ва маориф арбобларининг номларини қайд этиш мумкин.

### **3-§. Оврупча кутубхоналар**

Туронзаминда чор мустамлака тузуми қарор топганидан кейин бу ерда пайдо бўлган маданий-ахборот йўсинидаги янгиликлар орасида Оврупа, шу жумладан рус тилларидағи адабиётлар жамланган универсал ва маҳсус кутубхоналар мухим ўрин тутади. Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетидан маблағ билан таъминланган универсал тигдаги умумистифода оммавий кутубхонаси, аъзолик бадаллари ҳисобига кун кечирган ҳар хил илмий жамиятларнинг маҳсус кутубхоналари, чор мустамлака маъмурияти ўқув юртларининг кутубхоналари, ҳарбий қисмларнинг кутубхоналари, умумистифода ҳусусий (пуллик) кутубхоналар, муайян шахслар гуруҳининг хайр-эҳсонлари ёки маҳаллий мустамлакачи маъмурларнинг маблағлари ёхуд давлат корхоналари ва ташкилотларининг маблағлари ҳисобидан ташкил этилган жамоа кутубхоналари шулар жумласидандир.

#### **3.1. Туркистон Оммавий кутубхонасининг фаолияти**

Ўрта Осиёлик таниқли китобшунос олим, библиограф ва кутубхонашунос Е.К. Бетгер Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг 75 йиллигига бағишилаб ёзган ва нашр этилмаган асарида архив манбаларига асосланиб, Туркистон Оммавий кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси)нинг ташкил этилиши тарихини таҳминан шундай баён этади. Чоризм мустамлакачилик ва руслаштириш сиёсатини Туронзаминда изчил амалга оширган Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори (1867—1882 йиллар) К.П. фон Кауфман ҳали Петербургдалиқ вақтидаёқ, генерал-губернатор лавозимига тайинлангани заҳоти, 1867 йилнинг ёзида, шунингдек пойтахтга 1868 йилги ташрифи чоғида Ҳалқ маорифи вазирлигига ёзма равишида мурожаат этди. Бундан ташқари, фон Кауфман ўша даврда фаолият кўрсатган барча илмий жамиятлар ва йирик кутубхоналарни илмий мазмундаги китобларнинг иккинчи нусхаларини янги ташкил этилаётган Туркистон кутубхонасига ҳадя этишга чорлади. Ўзининг мазкур мурожаатларида “Осиё масалалари”га, яъни бутун Шарқ, биринчи навбатда Марказий Осиё миintaқасининг кенг муаммоларига тааллуқли адабиётларни Тошкентда жамлаш зарурлиги ҳақидаги фикрни аниқ ва лўнда қилиб ифода этди.

Туркистон генерал-губернаторининг 1868 йилда таниқли рус библиографи В.И. Межовга ўрта Осиё ҳақидаги адабиётлар библиографиясини тузини тұғрисидаги таклифи замирида ҳам мана шу үлкани ўрганиши ва ўзлаштириш вазифасини енгиллаштириш ғоясі ётар эди. В.И. Межов бу вазифа доирасини анча кенгайтирди – у китоблар, рисолалар ва мақолалар номларининг шунчаки күрсаткичини змас, балки “Ўрта Осиёга, айниқса, Туркистон үлкесига оид асарлар ва мақолалар Туркистон тұплами”ни тузишга аждақ қылды. “Туркистон тұплами”нинг ўзига хослиги шундаки, у китоблар, рисолалардан ҳамда рус тилидаги журналлар, газеталардан қырқиб олиниб, катта бичимдаги қалин қоғоз варақларига ёпиштирилган ва муқоваланған үлкан китоблардан тузилған. В.И. Межов тұпламнинг 416 жилдини тайёрлади. Бу жилларга 1867—1887 йилларға оид материаллар кириллікке жазылған. Сүнгра тұплам устида иш маълум вақт тұхтаб қолди, 1907—1917 йилларда түрли библиографлар ва олимлар томонидан тұпламнинг яна 178 жилди тузилди. Шундай қилиб, бу тұплам жами 594 жилдан иборат. “Туркистон тұплами”да үлка халқларининг тарихи, иқтисодиёти, турмушки ва маданияттың оид құмматли ва баъзи ҳолатларда бугун ҳам ўз аҳамиятини йүқтөмеган маълумотлар умумлаштирилған.

Тошкентда кутубхона тащкил этилиши ҳақидаги хабар Петербург ва Москва ташкилотлари томонидан хайрихохник билан қарши олинди. Фанлар академияси, университеттер, кутубхоналар, Рус география жамияти, Археология комиссияси ва бошқа ташкилотлар ўз китоб фонdlарини ташкил этилаётгандын күтүбхона билан баҳам қўришга рози бўлдилар. 1867 йилда кутубхона учун юборилған ластлабки китоблар 1868 йилда қийинчилик билан Тошкентга етиб келди, чунки у пайтда темир йўл ҳали йўқ эди. Мана шу бир неча юз китоб Тошкентда Туркистон Оммавий кутубхонаси ташкил этилиши ва 1870 йил июнь ойи бошида учинг очилишига асос бўлди. Бу үлкани тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш ишини енгиллаштириш йўлида ташланған илк қадамлардан бири эди.

Туркистон Оммавий кутубхонаси үлкадаги биринчи илмий ташкилот бўлди. Аммо кутубхона фаолиятининг илк даврида уни таъминлашга арзимас пул ажратилар, кутубхона ходимлари сони 5 кишидан ошмас эди. Кутубхонанинг биринчи директори этиб үлка билимдони Н.В. Дмитровский тайинланди. У кутубхона тарихида анча катта рол ўйнади. Кутубхона асосан Туркистон ва унга кўшни мамлакатларни ўрганиши билан боғлиқ нашрлар билан тўлиб борди. Кутубхона фонди деярли мутлақо рус тилида бўлиб, у амалда фақат

Тошкентда яшайдиган русийзабон аҳолига хизмат қўрсатар эди. Чунончи, 1870 йил июн ойидан 1871 йил сентябргача бўлган даврда кутубхонага жами 75 китобхон аъзо бўлиб, шундан 45 нафари офицер, 19 нафари амалдор, 5 нафари савдогар, 2 киши ҳарбий котиб, 2 киши руҳоний, бир киши маҳаллий мактаб талабаси эди. 75 китобхон орасида фақат биргина аёл бор эди<sup>72</sup>.

1882 йил декабрида Туркистон генерал-губернатори М.Г. Черняев буйргуга биноан кутубхонада тафтиш ўтказилди. Бу иш алоҳида топшириқлар бўйича амалдор ва ёзувчи В.В. Крестовскийга топширилди. У тафтиш натижалари бўйича Черняевга тақдим этган рапортида кутубхона фаолиятини қониқарсиз деб баҳолади, тафтиш вақтида рус демократ ёзувчиларининг асарларига талаб кучли эканлиги аниқланганини кўрсатди. “Рус муаллифларидан Шчедрин (Салтиков), Добролюбов, Писарев, Некрасов ва Михайлов (Шеллер) асарларига талаб кўп эканлиги маълум бўлди”<sup>73</sup>.

Генерал-губернатор М.Г. Черняев Крестовскийнинг рапорти билан танишиб чиқиб, “вақт ўтиши билан мазкур кутубхона тутаётган йўл Туркистон ўлкаси олий маъмурияти бу кутубхонани таъсис этиш чорида назарда тутган жиддий ва фойдали мақсадга унчалик мувофиқ эмас, бунинг устига кутубхонанинг ишлаб туриши учун ҳар йили ҳазинадан анча пул-маблаг сарфланмоқда”, деб топди ва 1882 йил 13 декабрда Туркистон Оммавий кутубхонасининг мустақил ташкилот сифатидаги фаолиятига 1883 йил 1 январдан эътиборан барҳам бериш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Шу даврга келиб кутубхонанинг 13040 жилдан иборат фондида ўлкашунослик аҳамиятига молик нашрлар 9184 жилни ташкил этар эди. Генерал-губернаторнинг юқорида зикр этилган буйргудан кейин бу нашрлар Тошкент музейига берилди. Мана шу нашрлар негизида музей қошида максус кутубхона ташкил этилди. Осиёни ўрганиш билан шуғулланувчи одамлар шу кутубхона материалларидан фойдаланишлари мумкин эди. Қолган китоблар Туркистон ҳарбий округи, Тошкент ҳарбий госпитали кутубхоналарига, оз қисми – ўқув юртлари кутубхоналарига тарқатилди. 1884 йилда Туркистон Оммавий кутубхонаси қайта тикланди. Кутубхонага тегишли барча китоблар унинг фондига қайтарилди.

Туркистон ўлкасини ўрганиш билан шуғулланган таниқли рус олимлари – археолог В.Л. Вяткин, академик В.В. Баргольд ва бошқалар кутубхона фаолиятига яқиндан ёрдам бердилар<sup>74</sup>. Натижада кутубхона қимматли нашрлар ва материаллар билан тўлиб борди.

Туркистон Оммавий кутубхонаси ўз фаолиятининг 1917 й. октябр

давлат тўнтаришидан олдинги 47 йили давомида ўз китоб ва қўлёзма фондларини тузиш ва уларни бойитиш борасида анча катта ишларни амалга оширди. Чунончи, дастлабки 30 йилда кутубхонада жами 20000 китоб тўпланган бўлса, кейинги 6—7 йил ичидаги унинг фонди 57800 китобдан ошиб кетди. 1917 йилга келиб кутубхона фондида 80000 дан ортиқ китоб мавжуд эди.

Бу даврда кутубхонада Шарқ қўлёзмалари фондига асос солинди. Кутубхонани ноёб қўлёзмалар билан тўлдиришда Кузатув кенгаши аъзолари: энтомолог В.Ф. Ошанин, ўлкашунос сайёҳ Н.А. Маев, педагог С.М. Граменицкий, табиатшунос И.И. Краузе ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди.

1891 йилда Н.В. Дмитровский томонидан Туркистон Оммавий кутубхонаси рус бўлими китобларининг каталоги тузиљди. Е.К. Бетгернинг фикрича, бу каталог “айрим соҳалар бўйича оммавий кутубхоналар каталогларига намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки тузувчи каталогнинг универсал хусусиятини унинг ўлкашунослик вазифаси билан ажойиб тарзда уйғунлаштирган: Туркистон ёки ўрта Осиёга оид материалнинг мавжудлиги ҳар бир китобга ва журнallарнинг ҳар бир сонига белгилаб қўйилган”<sup>75</sup>.

Н.В. Дмитровский “Туркистон Оммавий кутубхонасининг йигирма беш йиллиги” номли мақоласида Туркистондаги фонди мутлақ рус тилида бўлган шахсий кутубхоналар тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради. Бу шахсий кутубхоналар Туркистон Оммавий кутубхонаси фондлари таркибига киритилган. Тошкент судъяси П.П. Пукалов биринчи бўлиб ўз китобларини, чунончи Кантемирдан Гоголгача бўлган рус классик ёзувчиларининг асарларидан 400 жилдини кутубхонага ҳадя қилган<sup>76</sup>. 1873—1877 йилларда куубхонага Бош штабдан тарих, география ва ҳарбий ишга оид 5978 жилд олинган. Мазкур китобларнинг 189 жилдан кўпроғи 1826 йилда А.С. Пушкин танишган тарихчи И.П. Липрандининг Кишинёв коллекциясидан эди<sup>77</sup>. 1896 йилда ўша пайт Тошкентда яшаган рус подшосининг амакиваччаси Н.К. Романовдан кутубхонага рус ва Европа муаллифларининг 5000 тага яқин китоби келиб тушиб<sup>78</sup>. 1870 йилда Тошкентга келган шарқшунос П.И. Пашинодан илмий мазмундаги 48 та китоб сотиб олинган. 1865—1868 йилларда Тошкентда хизмат қилган генерал-майор А.Н. Гейнс ўз шахсий кутубхонаси билан Туркистон кутубхонасини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшди. Унинг кутубхонасида рус, француз ва немис тилларида 450 жилд китоб мавжуд бўлиб, улар орасида Туркистон тўғрисида асарлар ҳам бисёр эди<sup>79</sup>.

Туркистон Оммавий кутубхонаси кейинчалик ҳам фуқаролардан шахсий кутубхоналар ва алоҳида китобларни сотиб олиш ҳисобига бойиб борган. Масалан, 1890 йилда врач И.А. Деревянко тўплаган тиббиётга оид 174 китоб сотиб олинган<sup>80</sup>. 1907 йилда шарқшунос Н.Ф. Петровскийнинг шахсий кутубхонаси (5000 жилдга яқин)<sup>81</sup>, 1911 йилда Тошкент архитектори С.В. Лиханов (1500 жилдан зиёд) ва сиёсий арбоб П.И. Хомутовдан китоблар (2000 жилдга яқин)<sup>82</sup> сотиб олинган.

1891 йилда Тошкентда илк узбек археологларидан бири Акром Асқаров вафот этди. Мархумнинг меросхўрлари Қўлёзма Қуръони карим ва унинг тавсифини, Мирзо Бедилнинг шеърлар тўпламини ва бошқа китобларни Туркистон Оммавий кутубхонасига сотдилар. В.В. Бартольд ҳадя қилинган китоблар орасида инглиз тадқиқотчиларининг Ҳиндистон ва Афғонистон тарихига оид асарларидан тузилган кўпгина нодир ва қимматли нашрлар бор эди, деб қайд этади. Кутубхона томонидан шахсий китоб мажмуаларини сотиб олиш кейинчалик ҳам унинг фонdlарини тўлдиришнинг муҳим манбаи бўлиб қолган.

1906—1910 йилларда Туркистон Оммавий кутубхонаси фаолияти анча жонланди. Бу даврда кутубхонадан фойдаланувчилар сони, кутубхонага қатнаш ҳамда фойдаланишга берилган китоблар сони кўпайди. 1906 йилдан бошлаб фойдаланувчилар 5, 4 ва 2 рублдан гаров пули тўлайдиган уч тоифага ажратилган. Ҳар куни мутолаа залига 40 дан 80 тагача китобхон ташриф буюрар эди. Чунончи, 1916 йилда кутубхона китобларидан 1500 китобхон фойдаланганд. Айни вақтда, кутубхонага келувчилар сони қарийб 30 минг кишини ташкил этган, 38 мингдан ортиқ номдаги китоблар фойдаланиш учун берилган.

### 3.2. Илмий жамиятларнинг кутубхоналари

Мустамлака маъмурияти XIX асрнинг учинчи чорагидан эътиборан Туркистон ўлкасини ўрганиш ва ўзлаштириш мақсадларида Россия фанининг вакилларини кенг жалб қила бошлади. Бунинг натижасида Туркистонга бир қанча илмий экспедициялар ўюнтирилди. Уларнинг ҳисоботлари, материаллари ва маълумотлари кенг эълон қилина бошланди. Кўпгина бошловчи олимлар Туркистон ўлкасига ўқитувчилик, врачлик, агрономлик ва бошқа шунга ўхшаш ихтисосликлардаги фаолиятни илмий иш билан қўшиб олиб бориш учун келдилар. Россия илмий жамоачилиги вакиллари Туркистонда

Ўз илмий муассасалари ва жамиятларининг бўлимларини ташкил этдилар, илмий-тадқиқот ишлари ҳамда маҳаллий аҳоли орасида ташвиқот ишлари олиб бордилар. Кўпгина олимлар ўлканинг табиий бойликларини тадқиқ қилибгина қолмасдан, унинг тарихи, маданияти, тили ва турмуш тарзини ҳам чуқур ўргандилар.

Ўрта Осиёда ўтроклашган рус олимлари вақт ўтиб бу ерда турли илмий жамиятлар тузиш ташаббуси билан чиқа бошладилар. Туркистон илмий жамиятлари фаолиятида таниқли фан намояндалари: географлар П.П. Семёнов-Тяншанский ва А.И. Краснов, геологлар И.В. Мушкетов ва Г.Д. Романовский, зоолог ва зоогеограф Н.А. Северцев, ботаник А.П. Радченко, энтомолог В.Ф. Ошанин, шарқшунослар В.В. Бартольд, В.А. Жуковский, Н.И. Веселовский ва бошқалар иштирок этди.

Туркистон илмий жамиятлари қисқа вақт ичida ўлкани ўрганини соҳасида асосий ўринни эгаллади. Асосан жамият аъзолари томонидан ҳадя этилган илмий мазмундаги китоблардан ташкил топган илмий жамиятларнинг кутубхоналари рус фани ва маданияти ютуқларини тарғиб қилиш, бепоён Туркистон ўлкаси аҳолисининг ҳаёти ва турмуш тарзи билан жамоатчиликни таниширишга катта ҳисса қўши.

Туркистондаги дастлабки илмий жамият – **Ўрта Осиё илмий жамияти** 1869 йилда ташкил этилди ва 1872 йилгача иш олиб борди. Бу жамият жуда қисқа, лекин самарали фаолият кўрсатди. Чунончи, жамият ўлкада халқ музейи ташкил этди, русча-ўзбекча ва ўзбекча-рўсча лугатларни нашрга тайёрлади, ўзбек ва тоҷик тили дарсلىкларини яратди. Жамият йиғилишларида кутубхона тўғрисидаги масала бир неча марта муҳокама қилинди. Жамиятга келувчи илмий мазмундаги китобларни Туркистон Оммавий кутубхонасига текинга бериш, жамият аъзоларига кутубхона фондларидан бепул фойдаланиш ҳукуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

1891 йилда **Россия техника жамиятининг Туркистон бўлими** ташкил топди. Бўлим ташаббуси билан ўлкада биринчи ихтисослашган техник нашрлар кутубхонаси ташкил этилди. Мазкур кутубхона асосан обуна нашрлар ҳамда ҳадя қилинган китоблар ҳисобидан ташкил топган бўлиб, 1896 йил 1 январгача бўлган ҳолатга кўра, унда 235 жилд китоб ва техникага оид вақтли нашрларнинг йиллик мажмуалари бор эди. Жамиятнинг марказий бўлими Туркистон бўлими кутубхонасига ўз нашрларини ҳадя қилди. 1897 йилнинг 31 декабрига келиб кутубхонада 400 жилдан ортиқ китоб мавжуд эди.

**Россия боғдорчилик жамиятининг Туркистон бўлими** ҳам ўз кутубхонасига эга эди. Бўлим 1894 йилда Туркистон қишлоқ хўжалик

жамиятига айлантирилди. Бу жамият маҳаллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшили, замонавий агрономия билими ва усулларини тарғиб қилди, пахтачилик, боғдорчилик, асаларичилик ва бошқа соҳаларга оид энг янги адабиётларни тарқатиш билан шуғулланди. Жамият аъзоларидан ташқари, кутубхонадан бошқа шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин эди. Кутубхона йилдан-йилга янги нашрлар билан тўлиб борди.

Туркистон ўлкасининг илмий-тиббий жамиятлари ҳам муҳим иш билан шуғулланардилар. Бу жамиятлар ўзларининг кўп йиллик самарали меҳнати билан Туронзамин халқи турмушида сезиларли из қолдирдилар. Илмий-тиббий жамиятлар орасида **Фарғона тиббий жамияти**, Туркистон шифокорлар жамияти (кейинчалик Туркистон тиббий жамияти деб номланган), табиатшунослар жамиятларининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Бу жамиятларнинг барчаси халқ соғлигини сақлашда, маҳаллий аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда, ўлкада тиббий билимларни оммавийлаштиришда фаол иницијатор әтдилар. Мазкур жамиятларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўлкада маҳсус тиббий кутубхоналар ташкил этила бошланди.

Фарғона тиббий жамияти (1892—1910) Туркистон ўлкасидаги дастлабки илмий-тиббий жамиятлардан бири эди. Жамият ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ ихтисослашган кутубхона ташкил этишига киришди. 1904 йилнинг бошига келиб кутубхонада жамланган китоблар, рисолалар, илмий асарлар 1155 тага етди, шунингдек, Россия на чет элда нашр этиладиган 40 номдаги тиббий журнал ва газеталарнинг бир неча йилга оид мажмуалари тўпланди.

1899 йилда Тошкенгда тузилган Туркистон шифокорлар жамияти ҳам тез орада ўз кутубхонасини ташкил этиди. Бу кутубхонада тибиёт, табиатшунослик ва тарихга оид жуда кўп китоблар жамланди. Жамиятта аъзо шифокорлар саҳийлик билан кугубхонага китоблар ҳаля қилиши, унинг фондига турли тибиёт муассасаларидан китоблар келиб туриши, китоб айирбошлиш тадбирлари кенг кўламда амалга оширилиши натижасида, бу кутубхона қисқа вақт ичida Туронзаминдаги маҳсус кутубхоналар орасидаги энг йирик кутубхоналардан бирига айланди.

1901 йилда **Шарқшунослар жамияти**нинг Тошкент бўлимни ташкил этиди. Бўлим қошида рус тили ва хорижий тиллардаги шарқшунослик адабиётлари кутубхонаси ҳам бор эди. **Рус география жамияти**нинг Туркистон бўлими, айниқса, бой кутубхонага эга эди. Мазкур жамият Туронзаминни жуғрофий ўрганишга асос солди ва Орол денгизини тадқиқ қилиши, Туркистон дарёларини сув билан таъминловчи

музикларни ўрганиш, фойдали қазилма конларини топиш ва тадқиқ қилип, зилзилаларнинг сабаблари ва оқибатларини аниқлаш соҳасида катта ишларни амалга ошириди. Кутубхонанинг бир қисмини Рус география жамияти Оренбург бўлими томонидан берилган китоблар ташкил этарди. Кутубхона фондлари йилдан-йилга кўпайиб ва кенгайиб борди. Чунончи, кутубхонага 1897 йилда 90 номдаги нашр, 1903 йилда 193 китоб, 1905 йилда 246 китоб, 1906 йилда эса, 534 номда китоб олинди.

Кутубхонага таниқли ўлкашунос ва библиограф А.В. Панков ва Е.К. Бетгер келишин билан унинг иши анча яхшиланди. 1912—1915 йилларда бу ходимларининг саъй-ҳаракати билан кутубхонада адабиётлар билан ишлаш такомиллаштирилди ва мавжуд китоб фондлари тартибга келтирилди. 1916 йилга келиб кутубхонада 10 мингдан ортиқ китоб, журнал ва бошқа нашрлар мавжуд эди. Ўлкашуносликка оид адабиётлар бўйича бу кугубхонага, Туркистон Оммавий кутубхонасидан ташқари, бирорта ҳам кугубхона тенгълаша олмасди. Натижада кутубхона нодир китоблар сақланадиган бой китоб маҳзанларидан бирига айланди.

Тошкентда 1901 йилда очилган **Пушкин жамиятининг** фаолияти ҳам самарағи бўлди. Бу жамият ўлкада кенг кўламда маданий-маърифий ишларни амалга ошириди: мактаблар ва билим юртлари очди, китоб ва рисолалар нашр этди, ниҳоят, кутубхоналар ва қироатхоналар ташкил қилди. Жамиятининг китоб дўконлари, омборлари ҳам бор эди. 1911 йилнинг февралида жамият бепул қироатхонали халқ кугубхонасини очди. Унга улуғ рус ёзувчиси Л.Н. Толстой номи берилди. Кугубхона учун китоблар ҳадаялар ҳисобига ва айрим нашрларни сотиб олиш йўли билан тўпланди. Шаҳар хотин-қизлар ҳусусий гимназияси директори Л.Ф. Гориздро кутубхонага 254 жилд китоб ҳада қилди. Улар орасида жуда кўп қимматли ва нодир нашрлар бор эди. Туркистон археология ҳаваскорлар тўғрагининг фаол аъзоси В. Каляур турли номдаги 74 жилд китобни кутубхонага ҳада қилди. Жамоат арбоби З.А. Чернявская Самарқандцаги собиқ ҳусусий кутубхонасининг 2446 жилд китобини Пушкин жамияти кугубхонасига топширди. 1912 йилнинг 1 октябрига келиб Пушкин жамиятининг кутубхонаси фондida 2800 жилд китоб жамланди. Жамият илтимосига биноан маҳалий ва марказий газета ба журналлар таҳририягларининг аксарияти унга ўз нашрларини бепул юбориб турдилар.

1911 йилда Л.Н. Толстой номидаги бепул қироатхонадан 8545 киши, яъни ҳар сўйда ўрта ҳисобда 700 дан кўп киши фойдаланди. 1912

Йилда З.А. Чернявская томонидан кутубхонадаги китобларнинг каталоги тузилгач, китоблар уйга ҳам берила бошланди.

Кутубхонани маблағ билан таъминлаш ва янги адабиётлар сотиб олиш учун жамият томонидан ҳар хил пуллик маданий-маърифий тадбирлар: оммавий лекциялар, адабий кеча ва ўқишилар үтказилар, концерт ва спектакллар ташкил этиларди. Тушган пул кутубхонани таъминлашга йўналтириларди. Аммо, шунга қарамай, маблағ етарли эмас эди. Шу боис кутубхонада маълум ҳақ эвазига уйга китоб бериш тартиби жорий этилди.

Пушкин жамияти кутубхона-қироатхонасиning фойдали фаолиятини эътироф этишга мажбур бўлган шаҳар маъмурияти 1913 йилдан кутубхона учун ҳар йили 300 рублдан пул ажратади. Лекин бу пул ҳам кутубхона-қироатхона эҳтиёжларини қондириш учун етарли эмас эди. Кутубхона-қироатхона раҳбарияти китобхонлар сонининг кўпайиши қироатхонани кенгайтириш, янги адабиётлар билан тўлдириш, шунингдек, ходимларни кўпайтиришни тақозо этишини кўрсатиб, шаҳар маъмуриятидан ажратиладиган Йиллик маблағ миқдорини оширишни сўради. Аммо бу илтимосга рад жавоби олинди.

1916 йилда Пушкин жамияти шаҳар боғида ёзги қироатхона очди. Биргина шу йилнинг ёз ойларида бу қироатхонага 12648 киши келди. Улар орасида ўқувчилар, ишчилар, амалдорлар ва бошқалар бор эди.

Кутубхона-қироатхона аҳоли орасида кенг кўламда маърифий иш олиб борди. Кейинчалик у Туркистон Оммавий кутубхонасига берилди, сўнгра мустақил оммавий кутубхона қилиб ажратилди.

Илмий жамиятларнинг кутубхоналари ўз китоб фондларининг оммабоплиги билан Туркистон аҳолисининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. 1917 йилги октябр давлат тўнташидан кейин бу кутубхоналардаги бой китоб фондлари Тошкентдаги илмий ва оммавий кутубхоналарга тарқатилди. Бу китобларнинг аксарияти ҳозирга қадар сақланиб қолган ва Ўзбекистон тарихи, фани ва ўлқашуннослигига оид қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

### 3.3. Ўқув юртлари кутубхоналари<sup>83</sup>

Туркисонда биринчи рус мактаби 1866 йилда Тошкентда ташкил этилди. Орадан икки-уч йил ўтгач, бундай мактаблар Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларида ҳам очилди. XIX асрнинг охирида гимназиялар, реал билим юртлари, маҳаллий тилни биладиган

ўқитувчилар тайёрлап учун Туркистан ўқигувчилар семинарияси ташкил этилди. Рус мактабларида оз миқдорда маҳаллий миллатта мансуб болалар ҳам ўқий бошлади. Руслантириш мақсадларида маҳаллий миллатта мансуб болалар учун рус ва рус-тузем мактаблари ҳам ташкил этилди.

Мактаблар, гимназиялар, билим юртлари, ўқитувчилар семинарияси қошида кугубхоналар ташкил этила бошланди. Аммо бу кугубхоналарнинг китоб фонди жуда кичкина эди. Бу ўша даврда китоблар ва дарсликлар сотиги олишда қийинчиликлар мавжудлиги билан изоҳланарди. Тошкентда дарсликлар билан сандо қиладиган китоб дўконлари мавжудлигига қарамай, зарур дарсликлар ва кўлланмалар у ерда доим ҳам топилавермас эди.

Ўқув юртларининг кутубхоналари китоблар билан қандай тўлдирилганлиги ва уларнинг миқдори тўғрисида маълумот деярли йўқ. Айрим ўқув юртлари, гимназиялар қошидаги бир неча кутубхона ҳақида жуда оз маълумот сақланган. Чунончи, 1876 йилда Тошкентда ўғил болалар учун тўрт синфли гимназия очилган. 1879—1880 йилдан бошлаб у олти синфли гимназияга айлантирилган. 1883 йилда Тошкентдаги бу гимназияда 8 та синф бўлганди. Гимназия қошидаги кутубхона асосий кутубхонага ва ўқувчилар кутубхонасига ажратиленган. Асосий кутубхонада 4294 номда 8651 жилд, ўқувчилар кутубхонасида эса озроқ: 1697 номда 3767 жилд китоб бўлган<sup>84</sup>.

1876 йилда Тошкентда хотин-қизлар прогимназияси очилди. 1877 йилда у гимназияга айлантирилди. Ўша даврда яшаган А.И. Добросмислов гимназиянинг асосий кутубхонасида 10000 жилдга яқин китоб мавжудлигини, кутубхона жуда батартиб бўлганлигини қайд этади. Ўқувчилар кутубхонаси эса, ўша вақтда атиги 158 номдаги китобга эга бўлган<sup>85</sup>.

Туркистан ўқитувчилар семинарияси қошида, ўқувчилар кутубхонасидан ташқари, 7000 жилдан иборат китобга эга асосий кутубхона фаолият кўрсатарди.

1894 йил 1 августда очилган реал билим юртидаги асосий кутубхонада 5059 номда 9006 жилд китоб бор эди.

1879 йилда Тошкент шаҳар хотин-қизлар билим юртида ташкил этилган кутубхонада 1887 йилга келиб 700 номда 1000 жилд китоб жамланган. Маблағ кўпайишни билан 1910 йил 1 январга келиб кутубхонадаги китоблар сони 4 минг жилдга етган.

Тошкентдаги ўқув юртлари бошқармаси қошида ташкил этилган кичкина педагогика музейи халқ таълими учун алоҳида аҳамият касб этди. Музейи кутубхонасида дарсликлар на қўлланмалар бўлими,

илмий педагогик ва ижтимоий адабиётлар бўлими, вақғли нашрлар бўлими ва болалар адабиёти бўлими иш олиб боради. Кутубхона қошида янги адабиётлар бюроси ташкил этилган бўлиб, ундан юқорида зикр этилган бўлимларга сид библиографик маълумот олини мумкин эди. Бундан ташқари, бююрада янги олинганд китобларнинг доимий кўргазмаси ташкил этилганди. Кутубхона қошида қироатхона ҳам бор эди.

Хуллас, ўлканинг деярли барча ўқув юртларида кутубхоналар бўлган. Улар ўқитувчилар учун мўлжалланган фундаментал кутубхоналарга ҳамда ўқувчилар кутубхоналарига бўлинган. Ўқувчиларнинг кутубхоналарида, дарсликлар ва ўқув қўлиланмаларидан ташқари, таълим дастурида назарда тутилган бадиий адабиётлар ҳам бўлган. Аммо бу кутубхоналарнинг фондлари жуда кичкина бўлган; уларда тарих, адабиёт ва табиатшunosликка сид қўлиланмаларнинг тақчиллиги, айниқса, сезилиб турган.

1871 йил 30 июлда тасдиқланган “Туркистон ўлкаси ўрта ўқув юртларининг кугубхоналарини тартибли сақлаш қоидалари”га биноан ўқувчилар кутубхоналарининг китоблари синф мураббийлари ва кутубхоначи томонидан ўқувчиларнинг ёши ва ривожланиш даражасига қараб синфларга ва бўлимларга бўлинган. Ҳар бир бўлим китобларининг рўйхати ҳар йили ўқитувчилар кенгашни томонидан қайта кўриб чиқилган. Ўқувчиларнинг китоб ўқиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Ўқувчи фақат битта китобни, шунда ҳам синф мураббийси кўрсатгани китобни олиши мумкин бўлган. Бу ўқувчиларда норозилик уйғотган. Эрлар ва хотин-қизлар гимназиялари, реал билим юрти ва ҳатто шаҳар билим юртларининг ўқувчилари мактаб тартиблари яқдиллик билан қарши чиққанлари ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар мавжуд. Бониқа талаблар билан бир қаторда, ўқувчилар ўзлари тузган рўйхатларга кўра кутубхоналарни тўлдиришни талаб қилгандар. Самарқанд эрлар гимназиясининг ўқувчилари эса ўз директорларига кутубхоналарга эрkin киришга рухсат бериш талабини қўйганлар.

Ўқувчилар кутубхоналарини кенгайтириш масаласи кейинчалик ҳам кўп марта кўтарилиган. Чупончи, “Туркестанский курьер” газетаси саҳифаларида бу масалага бир неча марта эътибор берилган. 1910 йилда бўлиб ўтган ўқитувчилар қурултойида барча мактаблар учун умумий ўқув адабиётлари кутубхонаси ташкил этиш, уни кенгайтириш ва қизиқарли, керакли нашрлар билан тўлдириш таклиф этилган. Билим юртлари комиссияси ўқитувчилар учун марказий кутубхона ташкил этишини ҳам мўлжаллаган. Билим юртларининг мудирларига

бундай кутубхона қаерда жойлашиши кераклигини биргаликда муҳокама қилиш тақлиф этилган. Аммо иш муҳокамадан нарига ўтмаган.

### **3.4. Ҳарбий қисмлар кутубхоналари**

Юқорида зикр этилган кутубхоналардан ташқари, Туркистонда ҳарбий қисмлар кутубхоналари ҳам ташкил этилди. Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг 1868 йил 7 апрелдаги буйруғига биноан барча алоҳида батальонларда, сапёрлар ротасида, лазаретларда ва доимий таркибида ўнтадан ортиқ офицер бўлган бошқа алоҳида қисмларда ҳарбий кутубхоналар очилди. Бу кутубхоналар асосини ҳарбий, табиий фанлар, математикага оид нашрлар ташкил этарди. Аммо кутубхоналар таркибига билимнинг бошқа соҳаларига оид китоблар, шунингдек, бадиий адабиётлар, журналлар, хариталар, режалар ва ҳоказолар ҳам киради.

Бу кутубхоналарнинг китоб фондлари одатда унча катта бўлмас эди. Масалан, кутубхонаси энг йирик ҳарбий кутубхона ҳисобланган 11-Туркистон мунтазам батальонида китоб фонди 1327 нусхадан иборат, 17-Туркистон мунтазам батальонининг кутубхонасида эса, атиги 116 номдаги адабиёлгар жамланган эди. Ҳарбий кутубхоналардан фақат офицерлар фойдаланарди, аскарлар учун эса, китоб ва газеталар кўйилган бурчаклар ташкил этиларди. Лекин бир қанча ҳарбий кутубхоналар ўз эшикларини ноҳарбий шахсларга ҳам очиб кўйган эди. Тошкентда 11 та, Самарқандда эса, 9 та шундай кутубхона фаолият кўрсатарди, уларнинг бештаси пуллик эди.

### **3.5. Хусусий кутубхоналар**

Хусусий кутубхона ташкил этиш ташаббуси билан асосан жисмоний шахслар, шунингдек, ҳар хил маърифий жамиятлар чиқарди. Тошкентда биринчи хусусий кутубхона 1870 йилда Половцева деган аёл томонидан очилган эди. Бу кутубхонанинг китоб фондида 1500 жилдга яқин нашрлар тўпланган бўлиб, уларнинг негизини энциклопедик мазмундаги эски нашрлар ва, асосан, бошқа тиллардан таржима қилинган беллестристик асарлар ташкил этарди. Кутубхонада қироатхона ҳам бўлиб, унда “Осколки”, “Игрушечка”, “Огонёк” каби газета ва журналлар билан танишини мумкин эди. Бу кутубхона китоблари китобхонларга анча катта ҳақ эвазига бериларди<sup>86</sup>.

1903 йилда Тошкеитда О.Г. Гейер 3000 жилдга яқин китобдан иборат иккинчи пуллик кутубхона очди. 1907 йилда бу кутубхонани шаҳар Думаси котиби Л.И. Бродский сотиб олди. У аста-секин кутубхона фондини кўпайтира бошлиди. 1912 йилга келиб бу фонд 5500 жилдга етди. Кутубхона аъзолари сони ҳам анча кўпайди. Кутубхонадан фойдаланиш ҳақи анча юқори эканлигига қарамай, унинг аъзолари сони 850 кишига етди.

1904 йилнинг ёзида А.Н. Якубовская Самарқандда болалар ва ўсмиirlар учун биринчи хусусий кутубхона очди. “Самарқанд” рўзномасининг 1904 йилги 343-сонида бу кутубхона ҳақила, жумладан, шундай дейилади: “Кутубхона кичкина бўлишига қарамай, китоблар яхши таъланган, фондлар оқилона тузилган. Аммо Самарқанддек катта шаҳарда фақат ўсмиirlар оз ҳақ тўлаб, ақлий озиқ олиш имкониятига эга, каттароқ ёшдаги аҳоли эса, бундай имкониятдан маҳрум. Агар катталар учун ҳам кутубхона очадиган ишбилиармон топилганида, айни муддао бўлур эди”.

Россияда бўлганидек, Туркистонда ҳам барча кутубхоналар, шу жумладан, хусусий кутубхоналар ҳам полиция назорати остида эди. Шунга қарамай, аҳолининг маърифатга интилиши ўлкада янги-янги кутубхоналар очилишига туртки берарди.

1905 йилда З.А. Чернявская “Самарқанд” газетаси таҳририяти қошида хусусий кутубхона очди. Бу кутубхонада 3000 жилдан ортиқ китоб бор эди. Кутубхона мәрказий Россия ва маҳаллий газета ва журналларга обуна бўлган, китобхонлар бу ерда мазкур нашрлар билан танишиш имкониятига эга эдилар. Кутубхона аъзолари сони ойдан-ойга кўпайиб борди. Чунончи, 1905 йилнинг 1 апрелидан 20 июнигача кутубхонага 1500 дан ортиқ китобхон ташриф буюрди. Китоблардан фойдаланганлик учун уч разряд бўйича ҳақ тўлаш тартиби белгизланди. Камбағаллардан эса, гаров пули олинмас эди.

### 3.6. Жамоа кутубхоналари

XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг область ва уезд шаҳарларида ҳам жамоатчилик ёки маҳаллий маъмурият томонидан тузилган кутубхоналар ва кутубхона-қироатхоналар ташкил этила бошлиди. Чунончи, 1899 йилда Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона)да шаҳар Оммавий кутубхонаси очилди. Сал вақт ўтиб Кўқон ва Намангандада ҳам шаҳар Оммавий кутубхоналари иш бошлиди.

1909 йилда Ўратепа уезди аҳолисининг фаол иштирокида Оммавий

кутубхона очилди. 1910 йилда Жиззах, Хўжанд ва Каттақўрғонда ҳам Оммавий кутубхоналар ташкил этилди.

1911 йилда Самарқанд шаҳридаги энг катта Оммавий кутубхонанинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кутубхона учун маҳсус қурилган янги бинода музей ҳам жойлашган эди. Бу бинони қуришга шаҳар маъмурияти томонидан 1901 йилда маблағ ажратилган эди. Кутубхонанинг китоб фонди 2000 жилдан иборат бўлиб, китоблар асосан муассасалар, идоралар ва алоҳида шахслар томонидан инъом қилинарди. Булар кўпинча асарлар тўпламларининг айrim жиллари ёки журналларнинг алоҳида сонлари бўларди. Кутубхона маҳаллий маъмуриятдан оз миқдорда моддий ёрдам олиб турар, асосан хайрия маблағлари ҳисобига иш олиб борарди.

Бу даврда дастлабки ихтисослашган Омманий кутубхоналари ҳам ташкил этила бошланди. Бунга мисол қилиб Тошкентда 1909 йилда очилган театр кутубхонасини кўрсатиш мумкин. Мазкур кутубхонанинг мақсади театрларга ҳамда театрга оид адабиётлар билан қизиқувчиларга хизмат кўрсатиш ва уларни ахборот билан таъминлашдан иборат эди.

1910 йилда шаҳар маҳкамаси қошида санитария кутубхонаси очилди. Кутубхонада Россиянинг Европа қисмидаги қўп шаҳарлардан тўплантан адабиётлар жамланди. Сал илигарироқ, 1907 йилда Тошкентда Овчилар жамияти қошида кутубхона ташкил этилган эди. 1914—1916 йилларда шаҳарда яна бир нечта кичкина ихтисослашган кутубхоналар очилди.

1902 йилда Ўрта Осиё темир йўллари бош устахонаси (Тошкент шаҳри) хизматчилари томонидан ташкил этилган Оммавий кутубхона ҳам пуллик хизматлар кўрсатарди. Кутубхонадан нафақат бош устахона, балки Тошкент станцияси бошқа хизматларининг ишчи ва хизматчилари ҳам фойдаланардилар. 1910 йилда кутубхона кенгайтирилди ва унинг қошида қироатхона очилди. Амалда бу дастлабки расмий жамоат кутубхоналаридан бири эди. Кутубхона сайлаб қўйиладиган кутубхона қўмитаси томонидан бошқариларди. Қўмита таркибига ишчилар ҳам кираради. Шаҳар жамоатчилигининг илгор вакиллари кутубхона фаoliyatinini ҳар томонлама қўллаб-куватлар эдилар. Кутубхона аъзолик баъдалларӣ, хайр-эҳсонлар ҳамда йўл Бошқармаси томонидан ажратиладиган оз миқдордаги маблағлар ҳисобидан таъминланарди. Маблағларни ошириш учун ҳар хил оқшомлар ва концертлар ўtkазиларди. Бу тадбирлардан тушган маблағлар кутубхона ва қироатхонани таъминлаш учун топшириларди. Натижада, кутубхона фонди йилдан-йилга кўпайиб борди. 1914 йилга

келиб кутубхонада билимнинг турли соҳаларига оид 12,5 мингдан ортиқ жилд китоб мавжуд эди. Қироатхонага келувчилар сони эса 7 минг кишидан ошиб кетди.

Асрнинг дастлабки йилларида Кўқон станцияси депоси (1903 йил), Черняево (1905 йил) ва Туркистон станциялари қошида темирйўлчилар жамоа кутубхоналари ва қироатхоналар очилди. Масалан, Черняево станциясида фаолият кўрсатган бепул кутубхона фондида 700 жилдга яқин китоб, шу жумладан рус ва чет эл мумтоз адабиёти намояндаларининг асарлари бор эди. Кутубхонада ҳафтада икки марта китоб бериларди. Бу кутубхона 1917 йилгача иш олиб борди.

1917 йилнинг майида Тошкентда савдо ва савдо-саноат ходимлари касаба уюшмаси аъзолари учун қироатхона ташкил этилди. Худди шу вақтда талабалар ва курсларнинг тингловчилари ташабbusи билан ўқитувчилар семинарияси қошида янги бепул қироатхона очилди. Кавказ мусулмонлари колонияси шу даврда “Бирлик” деган номда жамоа кутубхона-қироатхона ташкил этди.

### Хулоса

Ватанимизни чор Россияси истило Қилганидан сўнг Туронзаминнинг давлат-хукуқий мақомида, сиёsat ва маданият соҳаларида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ишлаб чиқариш соҳасида янги капиталистик муносабатларнинг унсурлари пайдо бўла бошлади, миллий матбаачилик ривожланди, ноширик, кутубхоначилик, китоб савдоси, библиография иши соҳаларига янгича шакллар кириб келди.

Айни вақтда, XIX аср охирига бориб эски ўрта асрлар миллий маданиятининг барча шакллари чукур инқирозга учради. Бу инқироз ўна даврдаги Туронзамин жамиятининг маърифий ва маънавий соҳаларига, айниқса, жiddий таъсир кўрсатди. Таълим ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган жамият ҳаётининг маънавий-интеллектуал томони янги давр талабларига жавоб бермай қўйди. Маълумки, ҳар қандай инқироз инсон шахси, жамият, бутун цивилизация, шу жумладан, маданият ривожланишининг зарур шартидир. Инқироз туфайли қадриягларни ҳар томонлама, теран тушуниб етиш ва қайта куриш содир бўлади, маданият янги сифат ҳолатига ўгади.

Жадидчилик ҳаракати ва унинг энг ёрқин вакиллари қадриятларни қайта кўриб чиқдилар ва юқорида зикр этилган маънавий, маърифий, сиёсий ва хукуқий инқироздан чиқиш йўлларини муфассал таҳлил

қилдилар. Жадидлар Туронзаминни ўрта асрларга хос қолоқдик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, ҳалққа маърифат тарқатиш, Туронзаминда мухторият давлатини барпо этиш учун кураш, ҳалқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтиришни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйдилар. Миллий мустақиллик учун кураш олиб борар эканлар, жадидлар инсон ҳаётини, ижтимоийлик, маънавиятни, ўзини ҳалқининг ва бугун инсониятнинг зарур ва ажралмас қисми деб англашни янги ахлоқий қадриятлар деб эълон қилдилар.

ХХ аср бошида асосий ғоявий-сиёсий кураш бир нечта ғоявий оқим:

1. Чор мустамлакачи маъмуриятигининг ғайримиллий ассимиляторлик (ҳоким ҳалқ тили ва маданиятини бошқа ҳалқларга зўрлик билан сингдириш, этнографик маънода – бир ҳалқнинг ўз тили, маданияти ва миллий ўзлигини йўқотган ҳолда, бошқа ҳалққа қўшилиши), изоляционистик (ҳалқлар ва миллатларни дунё ҳамдўстлигидан ва бир-биридан айриш, бир-бирига қарши гиж-гижлаш) сиёсати руҳи билан суғорилган рус буюк давлатчилик шовинизми мафкураси;

2. Аҳолининг муайян қисми, чунончи, руҳонийлар, йирик ва ўртаҳол ер эгаларининг ўрта асрларга хос хурофий, эскича қараниларини ифодаловчи патриархал-феодал мафкура;

3. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқими, Сатторхон Абдулғаффоров, Бердақ, Аваз Ўтар, Завқий, Анбар Отин сингари йирик маърифатпарварларни майдонга чиқарган ўрга асрчилик онгига қарши маърифатчилик мафкураси;

4. XIX асрнинг 90-йиллари – XX асрнинг дастлабки чорагида кенг фаолият кўрсатган, Ватан мустақиллиги учун оташин курашчиларни тарбиялаган, феодализмга ва мустамлакачиликка қарши янги миллий, ижтимоий-сиёсий ва маърифатчилик ҳаракати – жадидчилик;

5. Россия социал-демократлари;

6. Большевистик мафкураси ўртасида кечди.

Мазкур ҳар хил ғоявий оқимлар ўртасидаги кураш китобат иши соҳаларини ҳам четлаб ўтмади, албатта. Бу кураш, хусусан, билимнинг турли соҳаларида чоп этилган босма китобларнинг мазмуни ва ғоявий йўналишида (китоб кўпайтириш қўлёзма усулининг тез барҳам топишни билан баравар кечди) ва кутубхоначилик ишининг ривожланишида ўз аксини топди.

Ушбу бобда кўриб чиқилган Туронзамин миллий маданияти ва китобат ишининг таркибий қисми – кутубхоначилик ишининг Янги

даврдаги тарихи асосий масалаларини таҳлил қилар ва умумлаштирар эканмиз, шуни эътироф этиш керакки, XX аср боши Туонзамин миллий маданиятида иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрга асрларга хос қолоқчилик ва турғунликдан, маданий ва маърифий фаолиятнинг қатъий тартибга солингган шакллари ва мазмунидан мустамлакачиликка ва феодализмга қарши кураш руҳи билан суғорилган демократик маърифатчилик мағкураси ва маданиятига, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг янги шароитларига, буржуа эркинликлари, инсон ҳуқуқлари ва демократия учун курашга ўтиш етакчи тамойилга айланди. Бу тамойил XX аср бошида Туонзамин ҳалқларининг маданий ҳаётида содир бўлган тарихий ўзгаришларда ўз аксини топди. Туонзамин китобат маданияти учун мутлақо янги омиллар, чунончи, миллий матбаачилик ва вақтли матбуотига асос солиниши, китоб нашрларининг миллий китобат иши учун янги турлари – дарслеклар, қўлланмалар, табиий фанлар мажмуига оид илмий-оммабоп адабиётлар, адабий-бадиий нашрлар, кутубхоналарнинг янги турлари – давлат маблағи ҳисобидан фаолият кўрсатувчи умумистифода оммавий кутубхоналар, янтича мазмундаги адабиётлардан тузилган усули жадид мактабларининг кутубхоналари, оврупча ўқув юртларининг кутубхоналари, муайян соҳага оид маҳсус адабиётлардан иборат илмий жамиятлар кутубхоналарининг пайдо бўлишига юқорида зикр этилган тамойиллар сабаб бўлди.

Туонзамин ҳалқи умумий таълим, маданий, техник-технологик даражасининг ошиши воқеликка нисбатан унинг муносабати ўзгаришига, шахсий ўсиши ва дунёқарашининг кенгайишига, янги китобхоннинг шаклланишига ва унинг сони кўпайинига имконият яратди. Бу усули жадид мактаблари тизими, рус-тузем мактаблари, умумистифода оммавий кутубхоналари, шахсий кутубхоналар ва китоб тўпламларининг ривожланишида ўз аксини топди.

## Фойдаланилган адабиётлар ва изоҳлар

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсил ахборот ва замонавий таҳлил “Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Т.: Шарқ, 2000. – 464-бет” нашрида келтирилган. Китобга шу тарихий даврга бағишланган 266 асарни ўз ичига олган адабиётлар рўйхати ҳам илова қилинган.

<sup>2</sup> Қаранг: Зияев X. Букварю – двести лет. Правда Востока. 1984, 31 июля.

<sup>3</sup> Қаранг: Язбердиев А. Туркменская книга на арабской графике. Ашхабад, ылым, 1981, с. 79.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармаси, инв. №12611.

<sup>5</sup> Қаранг: Чабров Г.Н. Из истории полиграфии и издательства литературы на местных языках в дореволюционном Туркестане (1868—1917). — В кн.: История науки. Кн. 7. Ташкент, 1954, с. 82 / Труды САГУ. Новая серия. Вып. 5.

<sup>6</sup> Туронзамин ҳалқининг фундаментал ўзига ҳосликлари, унинг теран, сермазмун маънавий ва ахлоқий қадриятлари, асрлар оша шаклланган маданий анъаналари замирида вужудга келган, туб ҳалқ манфаатларини ифода этувчи бирдан-бир ижтимоий-сиёсий ва миллий ҳаракат — жадидчилик ва унинг вакиллари маънавий маданият ва маърифатни янгилаш ва ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшидилар, ҳалқ тафаккури ва маънавий салоҳиятини бойитдилар, XIX аср охири — XX аср бошидаги янги тарихий шароитда стратегик аҳамиятга эга бўлган бир қанча долзарб масалаларни ўртага ташладилар ва уларга мувофиқ очим топдилар. Жадидчиликка оид энг янги тадқиқотлардан бири — “Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик” асарининг муаллифи, проф. Бегали Қосимов маърифатчилик ва маданий-тарихий ворисийлик соҳасида жадидлар ўз олдига қўйган айрим вазифаларни шундай тавсифлайди: “Жадидчиликнинг пойдевори, тамал тоши усули жадид мактаби эди. Бу табиий ҳамонки мақсад жамиятни янгиламоқ экан, уни янги авлодгина қилиши мумкин эди. Янги авлодни эса, етиштироқ лозим. Эски, анъанавий усулда бу ишни амалга ошириш қийин, чунки замон ўзгарган. У тезкорликни талаб қиласди. Иккинчидан, бугунги ўкувчи тарих, жугофия, иқтисод, физика, кимё, математика каби замонавий фанларни билиши керак. Сўнгти уч-тўрт аср дунё тақдирини бошқача ўзанга солиб юборди. Оврупани олдинга олиб чиқди. Унинг қўлини сарбаланд қилди. Энди Оврупа илм-фанини эгалламасдан, дунё билан баробар яшаб бўлмайди. Бу илм-фанини ўзлаштироқ учун Оврупа тилларини билмоқ керак. Айни пайтда ўзликни ҳам сақламоқ лозим: Дин-диёнат ҳам зарур. Ҳуллас, яшамоқ учун учала жиҳатни ҳам ушламоқ керак бўлади. Ушлаганда ҳам ҳеч бирини сунистеъмол қилмасдан. Акс ҳолда мувозанат бузилади. Мувозанат бузилиши эса, ёмон оқибатларга олиб келади. Масалан, ёлғизгина дин ушланса, дунё қўлдан кетади. Фақат ўзлик, миллат десак, яна дунёдан ажраб қоламиз. Бирорнинг биз билан иши бўлмайди. Оврупалашсак, ўзлик йўқолади. Бу ҳам фожиа. Мувозанат керак. Буни жаҳон тажрибаси минг дафъаларча синовдан ўтказган” (Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент, “Маънавият”, 2002. — 17—18-бетлар).

<sup>7</sup> Қаранг: Қосимов Бегали. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.: Маънавият, 2002. — 171-бет.

<sup>8</sup> 1881 йилги “Русия мусулмонлиги” асарида у, жумладан, шундай деб ёзади: “Маърифатни тил эмас, билим беради. Россия мусулмонларининг ҳаётини энг осон, энг таъсирчан воситалар билан ўзлаштириладиган илм-

фангина ўзгартириши мумкин. Бунда асосий восита анъанавий мактаб, мадраса бўлмоғи керак. Бошлангич мактаб ҳар бир мусулмон Оммавийсида бор. Мадраса ҳам етарли. Эътибори ҳали ҳам баланд. Замонлар бўлганки, мусулмонлар ўз мадрасаларида илми ҳандаса каби ўнлаб зарурӣ фанларни ўргангандар. Уларда жаҳоний олимлар мударрислик қилганлар. Уларнинг тор, икки қаватли ҳужралари илм-фан оламининг қанчадан-қанча қашфиётларига гувоҳ бўлган. Қани ўша мадрасалар? Мадрасалар бор. Илгариги фан, гайрат, энг муҳими рағбат йўқ. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Шуладан бири анъанавий мактаб-мадрасаларнинг иқтисодий заминдан узилганлиги — чор ҳукумати томонидан вақф ерларининг олиб қўйилганлигидир. Ҳуллас, ҳозирги мадрасалар илмхона эмас, қорихона. Мақсад ҳам, усул ҳам қорилик, кўр қорилик. Унинг заҳ ҳужраларида 15—20 йилда олинадиган билимни замонавий ўқув юртларида 3—4 йилда эгаллаш мумкин. Инсоннинг умри шу қадар қадрсизми?" (Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент, "Маънавият", К. — 171-бет).

<sup>9</sup> Таржимон, 1906 йил, 89-сон.

<sup>10</sup> Ўрта асрларга хос турмуш тарзи билан хайрлашаётгани ҳар қандай мамлакатнинг маданий ривожланишида Маърифат даври зарур босқич бўлиб, уни муваффақият билан босиб ўтмасдан ижтимоий ривожланиш ва фан-техника тараққиёти йўлида олга қадам ташлаш мумкин эмас. Нафсијамбрини айтганда, маърифат доим илғор аҳамиятга эга, чунки у ҳалқ маданиятини оширишга хизмат қиласди. Маърифат ҳалққа таълим ва тарбия беришни, ҳамма ва ҳар кимни инсоният охириги уч минг йилликда ишлаб чиқсан билимларга ошно қилишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Агар Европада Маърифат даври бутун XVIII асрни, Россияда эса XVIII—XIX асрларни қамраб олган бўлса, Туронзамин ҳалқлари ижтимоий онг, фикрлаш ва турмуш тарзи ҳамда ижтимоий ҳаётдаги эскилил сарқитларидан анча кейин, лекин жадал суръатларда—қарийб бутун XX аср мобайнида кутилишига тўғри келди. Чунончи, бу ерда замонавий умумий тўлиқ ўрта таълим тизими 70-йилларга келиб қарор топди, олий ва ўрта маҳсус таълим тизими, тармоқ илмий—гаджиқот ва илмий—ишлаб чиқарыш муассасалари тизими 80-йилларнинг охирига келиб шаклланди, кўл жилдии миллий энциклопедиянинг биринчи наутирини чоп этиш ишлари ҳам 80-йилларда якунланди ва ҳ.к.

<sup>11</sup> Жадидчилик мөҳиятини очиб берар экан, проф. Бегали Қосимов шундай деб ёзди: "Жадидчилик Туркистонда XIX асрнинг охирларида майдонга келган, XX аср бошларида шаклланиб, қисқа муддатда ўзининг ҳалди аълосига кўтарилган, 1917 йилти большевиклар тўнтиришидан кейин ҳам социалистик диктатура ўрнатилгунга қадар ўз мавқе ва йўналишини сақлаб қола олган ижтимоий ҳаракатdir. У ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларини қамраб олган эди. Муболагасиз айтиш мумкинки, мазкур даврда юзага чиқсан на сиёсий, на маданий бирор ҳодиса йўқки, унинг эътибор ва таъсир доирасидан четда қолган бўлсин.

Жадидчилик ғоялари эрга баҳорнинг шиддатли шамоллари сингари пўпнанк босиб, билжираб кетган ўрта асрчилик турмушини энг настки қатламларигача очиб ташлади. Момагулдирак бўлиб, Миллат ва Ватанинг ҳаёт-мамот масаласи кун тартибига қўйилгани ҳақида бонг урди. Чақмоқдек чақнаб, унинг бағридаги жароҳатларини ёритди. Обираҳмат бўлиб, она Туркистон кўксидаги маориф, матбуот, театр ниҳолларига ҳаёт баҳш этди. Бу ғояларнинг асосида миллый уйғониш, миллый мустақиллик учун кураш ётар эди. Жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанинг англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган қизғин ва ҳаяжонли жараён ташкил қилди. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Уни ўз бошига ёғилган ҳар бир оғатни тақдир деб таъбир этишдан таҳлил қилиб, чорасини излай олиш даражасигача кўтарди. Хусусан, жадидларимиз миллатнинг яшамоги, тараққий топмоғи учун, биринчи нағбатда, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етдилар ва кент ҳалқни уйғотишига алоҳида эътибор бердилар.

Халқ эса, Пўлатхон ва Дукчи Эшон воқеаларидан “Туркистон (Қўқон) мухторияти” моҳиятини англаш ва қўллашгача бўлган масофани босиб ўтди. Жадидларимиз сиёсий ишлар – ҳақ-хукуқ, миллый давлат, ҳокимият масалалари билан мунтазам шуғулландилар. Айни пайтда, мактаб-маориф ислоҳ қилина боғиланди. Миллый матбуот йўлга қўйилди. Театр пайдо бўлди. Янги адабиёт шаклланди, бир сўз билан айтганда, янги тафаккур майдонга келди. Бу – миллатнинг ўзлигини англаш ва мустақиллик мафкураси эди.

Бу ҳол, шубҳасиз, миллатнинг кейинги 3–4 асрлик тарихий тараққиётида мисли кўрилмаган ҳол эди. Унинг ҳаётида узоқ турғунликдан кейин янги босқич бошланишига далолат эди”.

Жадидчилик ҳаракатида проф. Бегали Қосимов уч йўлни ажратади: 1. Россияга тобелиқдан зўрлик билан қутулиш, куч билан истиқлол олиш (Дукчи Эшон қўзғолони, 1916 йил мардикорлик ҳаракати, босмачилик). 2. Муроса йўли. Руслар ёрдамида маърифатга эришиш. Маърифат масаласида ҳақ-хукуқ олиш, миллый ўзига хосликни тиклаш (Исмоил Гаспрали, Маҳмудхўжа Беҳбудий). 3. ҳамкорлик йўли. Чор маъмурлари, сўнг эса Шўро ҳукумати билан бирга уларнинг дастурларида қатнашиш ва имкон бўлиши билан мустақилликни кўлга олиш. Бунинг учун маълум тайёргарлик кўриб бориш (Мунавварқори, Ҳамза, Авлоний)” (Қосимов Б. Миллый уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент, “Маънавият”, 2002. – 4, 8-бетлар).

<sup>12</sup> Қаранг: Темур Хўжа Усмонжон ўғли. Туркистонда жадид мактаблари // Хур Туркистон учун. Анқара, 1976 йил, 15 май.

<sup>13</sup> Бу ҳақда қаранг: Ибрат, Ажзий, Сўғизода. Т., “Маънавият”, 1999. – 116-б.

<sup>14</sup> Қосимов Б. Миллый уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент, “Маънавият”, 2002. – 205-б.

<sup>15</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., Шарқ, 2000. – 270-б.

<sup>16</sup> Ўша давр эски мактабида ўқитилган фанлар ва ўқув қўулланмаларининг мазмуни том маънодаги илмий мактаб таълими мақсадларидан қанчалик узоқ бўлганини Абдулла Авлоний ўша даврда муомалада бўлган ўқув материалига баҳо бериш асносида айтган қўйидаги сўзлардан билиш мумкин: “Бизим Туркистон макотиби исломиясинда аввалдан охира қадар таълим ўлинажак китоблар “Чор китоб”, “Саботул ожизин”, “Фузулий”, “Навоий”, “Хўжа Ҳофиз”, “Бедил”, “Маслак ул-мугтаҳин”лар каби шеър китоблари ўлдиғи жумланинг маълумидир. Бу китобларнинг баъзилари эътиқод ва амалиёти исломга таалуқ мушкул масалалардан иборат ўлғонларидин ҳамда аксарлари форсий тилда ёзилғонлари учун ёш болаларнинг онлардан истифодалари, бир нарса англамоқлари имкон хорижинда эди” (Қаранг: Авлоний А. Адабиёт ёхуд миллий шеърлар, ифюдаи маҳсуса. I-жуз, I-табъ. Ильин тошбосмахонаси, 1909. – I-б.).

<sup>17</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т., Шарқ, 2000. – 261-б.

<sup>18</sup> Кутубхона биноси Чорсу майдонининг Самарқанд дарвоза томонга қараб йўл кетган ерида жойлашган эди (кейинчалик бу кўча “Самарқанд дарвоза” деб номланди). Мазкур кутубхона 40-йилларнинг бошида ҳам “Турон” номи билан фаолият кўрсатиб турган. (Маълумот ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, маориф аълочиси Одилжон Охунжоновнинг ушбу сатрлар муаллифига оғзаки ҳикоясидан келтирилди.)

<sup>19</sup> Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Тошкент, “Маънавият”, К. – 252-б

<sup>20</sup> Иқтиbos қўйидаги мақоладан олинди: Абдуллаев Р.М. Интеграционные процессы в мусульманском мире и туркестанские джадиды // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураши. Т.: Университет, 1999. – 77-78-бетлар.

<sup>21</sup> Қаранг: Туркестанские ведомости, 1908, №146.

<sup>22</sup> Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Беҳбудий М. Китобатул атфол. Самарқанд, 1914.

<sup>23</sup> Қаранг: М.Ф. Махмудходжа Беҳбудий // Наука и просвещение, 1922, №1.

<sup>24</sup> Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Т.: Шарқ, 2000. – 267-б.

<sup>25</sup> Семёнов А.А. Среднесазиатские рукописные фонды и важность их изучения // Материалы I Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. Т.: 1958. – С. 914.

<sup>26</sup> Тарихчи Йақут Ҳамавий Марвла яшатган даврида Ибн Мискавайхнинг мана шу китобини ўқиган ва ўз асарлари учун ундан кўчирмалар олган бўлса керак. Йақут Ҳамавий Марвдан 1219 йилда, бу ерга мўғул истилочилари бостириб келишидан олти ой олдин жўнаб кетган. Беш жилдли “Тажориб ул-Уммом” асари Марвнинг кўп сонли кутубхоналаридан бирининг жамғармасида сақланган ва кейинчалик Ҳожа Мұхаммад Порсо вақф кугубхонасига унинг аждодлари, ўзи ёки ворислари

томонидан сотиб олинган бўлса керак. Зотан, мазкур вақф кутубхонаси XII асрда ташкил этилган ва XIX аср ўрталаригача, яъни 800 йилдан зиёд фаолият кўрсатган.

<sup>27</sup> Валидов А.З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве (Отчет о командировке) // Записки Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XXIII. Петроград, 1916. – С. 245.

<sup>28</sup> Валидов А.З. Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XXII. Петроград, 1915. – С. 303–320.

<sup>29</sup> Валидов А.З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве (Отчет о командировке) // Записки Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XXIII. Петроград, 1916. – С. 245–262.

<sup>30</sup> Қаранг: Лунин Б. В. Средняя Азия в русском и советском востоковедении. Т.: Фан, 1965. – С. 179.

<sup>31</sup> Қаранг: Валидов А.З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве. – С. 252.

<sup>32</sup> Семёнов А.А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей фундаментальной библиотеки Среднеазиатского государственного университета. Труды САГУ. Серия II. Вып. 4. Ташкент, 1935. – С. 88.

<sup>33</sup> Валидов А.З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве. – С. 262.

<sup>34</sup> Лыкошин Н.С. Библиотека Минъ-тюбинского ишана // Русский Туркестан, 1899.

<sup>35</sup> Қаранг: Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Т. XV. Петербург, 1903. – С. 22.

<sup>36</sup> Бартольд В.В. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Записки коллегии востоковедов. Т. 1. Ленинград, 1925. – С. 97–99.

<sup>37</sup> Қаранг: Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестан. – С. 277–278.

<sup>38</sup> Қаранг: Лыкошин Н.С. Энциклопедист // Туркестанские ведомости. 1898. – №96.

<sup>39</sup> Қаранг: Туркестанские ведомости. 1902. – №43.

<sup>40</sup> Қаранг: Бартольд В.В. Отчёт о командировке в Туркестанский край летом 1916 г. // Известия Академии наук. Петроград, 1916. – С. 1239–1242.

<sup>41</sup> Яъни Мулла Бурҳониддин Садр қозиул кузот. – К. Ҳамроев изоҳи. Қаранг: Бир шахсий кутубхона ва унинг каталоги ҳақида / Илмий асарлар ва ахборотлар. 6-чи китоб. Тошкент, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1963. 388-бет.

<sup>42</sup> Муҳаммад Сиддиқхон ибн Музаффар ёки Носирхон Тура, адабий таҳаллуси “Хишмат”, Бухоро амири Музаффарнинг ўғли.

<sup>43</sup> “Қизил байроқ” газетаси, 1921, 29-сон.

<sup>44</sup> Ҳамроев У. Бир шахсий кутубхона ва унинг каталоги ҳақида / Илмий асарлар ва ахборотлар. 6-чи китоб. Тошкент, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1963. 387–395-бетлар.

<sup>45</sup> Оят (шоир) ҳақида қаранг: С. Айний. Намунаи адабиёти тожик. Сталиновод, 1954. – С. 209–210-бетлар.

<sup>46</sup> Р. Ходи-заде. Источники к изучению таджикской литературы во второй половине XIX в. – Сталинабад, 1956. – С. 63.

<sup>47</sup> С. Айни. Воспоминания. М.-Л., 1960. – С. 584.

<sup>48</sup> Ўша жойда. – 415-бет.

<sup>49</sup> Ўша жойда. – 580, 421-бетлар.

<sup>50</sup> Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фонди. 2460-сон қўлёзма, 1-б варақ. Каталогга кириш сўзи.

<sup>51</sup> Зиё Чоржўда қози бўлиб турганида “Аққойид” номли қўлёзмани қори домла мулла Абдураҳим Курро унга совға қилиб юборади. Гарчи китобни совғата олган бўлса ҳам, каталогида бу қўлёзмани 20 минг тангага олиш мумкин эди, деб кўрсатади (2460-сон қўлёзма, 121-бет). У. Ҳамроев изоҳи.

<sup>52</sup> Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фонди. 2460-сон қўлёзма, 1-б варақ. Каталогга кириш сўзи.

<sup>53</sup> Бу пуллар 1880-90 йиллардаги Бухоро пули ва унинг рус пулига қиёси асосида тушунилмоғи керак. XX аср бошидаги 1 (бир) рубль бугунги (2007 йил) 12 000 сўмга тенг.

<sup>54</sup> Собрание восточных рукописей АН УзССР. Каталог. Т. 5. Ташкент, 1960. – С. 415.

<sup>55</sup> С. Айни. Воспоминания. – С. 779.

<sup>56</sup> Ўша жойда.

<sup>57</sup> Кўрсатилган асар. – 417-бет.

<sup>58</sup> Кўрсатилган асар. – 416-бет.

<sup>59</sup> Қаранг: Собрание восточных рукописей АН УзССР. Каталог. Т. 1. Ташкент, 1951. – С. 6. Мирза Муҳаммад Шарифжон Маҳдум Садр Зиёнинг китоблар коллекцияси Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фондида 2178-2460 инвентар рақами билан рўйхатта олинган.

<sup>60</sup> Қаранг: Описание рукописи. СВР, 1. – С. 65-66.

<sup>61</sup> Кўрсатилган асар. – 124-бет.

<sup>62</sup> Кўрсатилган асар. – 65-69-бетлар.

<sup>63</sup> Кўрсатилган асар. – 228-бет. Аммо бу илмий тавсиф жуда қисқа. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходимлари А. Носиров ва А. Расуловлар кейинчалик қўлёзмани синчиклаб ўрганиб, бу нусханинг жуда ҳам ноёб эканлигини аниқлашди. Бу шундай бўлган: бир таъмирчи қўлёзмани таъмирлайман деб бир муҳим маълумот устидан қофоз ёпиштириб юборган. Абдулла ота Носиров буни кўчириб қараса, асарга муаллиф (яъни Муҳаммад Тарагай – Улуғбек) ўз тузатишларини киритган, Али Қушчи қўлидан ҳам ўтган деган мазмундаги қимматли маълумот топилган. Садр Зиё ҳам уз каталогида бу қўлёзманинг асл нусха эканлигини қайд этган. – Ў. Ҳамроев изоҳи.

<sup>64</sup> Ўша асар. 149-бет. Мажмууда 566 дастхат-мактуб, жумладан, Ҳожа

Аҳрор, Абдураҳмон Жомий ва бошқаларнинг мактублари тўпланиган.

<sup>65</sup> Қаранг: Собрание восточных рукописей АН УзССР. Каталог. Т. 5. Ташкент, 1960. — С. 412—415.

<sup>66</sup> Қаранг: Ҳамроев К. Бир шахсий кутубхона ва унинг каталоги ҳақида / Илмий асарлар ва аҳборотлар. б-чи китоб. Тошкент, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1963. 394-б.

<sup>67</sup> Масалан, Шарифжон Маҳдум Садр Зиё кутубхонасидаги XVII асрга мансуб “Мажмууту рассойил-и ҳукамо” (“Олимлар асарлари тўплами”) да турли файласуфлар ҳаламига мансуб 107 асар, шу жумладан, Абу Али ибн Синонинг 36 асари, Форобийнинг эса, 17 асари жамланган.

<sup>68</sup> Қаранг: Перечень восточных рукописей В.Л. Вяткина в Государственной публичной библиотеке УзССР”. Составитель Б.С. Сергеев. Под ред. проф. А.Э. Шмидта. — “Труды Гос. публ. б-ки УзССР”. Т.1. Ташкент, 1935. — С. 60—91.

<sup>69</sup> Азимджанова С.А., Вороновский Д.Г. Собрание восточных рукописей АН УзССР.// — Востоковедные фонды крупнейших библиотек Советского Союза. М.: изд-во Восточной литературы. 1963. — С. 120.

<sup>70</sup> Ўша жойда.

<sup>71</sup> Дмитровский Н.В. Двадцатипятилетие Туркестанской публичной библиотеки. “Туркестанские ведомости”, 1895, №15.

<sup>72</sup> Туркестанские ведомости, 1882 йил, 14 декабрь.

<sup>73</sup> Бу ҳақда қаранг: Бартольд В.В. Несколько слов о Туркестанской публичной библиотеке // Туркестанские ведомости. 1902, 7 июня. Шу муаллиф. Туркестанская государственная библиотека и местная мусульманская печать // Записки коллегии востоковедов при Азиатском музее Российской Академии наук. М.: 1925. Т. 1. — С. 97—105; Лунин Б.В. В.В. Бартольд и Туркестанская Публичная библиотека // Библиотеки Узбекистана. Сборник теории и практики библиотечного дела. Вып. 5. Г.: 1978. — С. 123-149; Язбердин А. Академик В.В. Бартольд и Туркестанская Государственная библиотека // Известия Академии наук Туркменской ССР. Серия общественных наук. Ашхабад, 1979, №1. — С. 27—36.

<sup>74</sup> Бетгер К.К. Три четверти века культурной работы К 75-летнему юбилею Государственной публичной библиотеки УзССР, 1870—1945. Машинопись. Т., 1945, с. 64.

<sup>75</sup> ЎзР МДА, 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1694-йиғма жилд, 8-варақ.

<sup>76</sup> Қаранг: Бетгер Е.К. Редкие книги, связанные с именем А.С. Пушкина // Звезда Востока, 1949, №6. — С. 111.

<sup>77</sup> ЎзР МДА, 1-жамғарма, 11-рўйхат, 1259-йиғма жилд, 1—4-варажлар.

<sup>78</sup> Туркестанские ведомости, 1895 йил, №33.

<sup>79</sup> ЎзР МДА, 1-жамғарма, 11-рўйхат, 594-йиғма жилд, 145-варақ.

<sup>80</sup> Туркестанский курьер, 1909 йил, №253.

<sup>81</sup> Туркестанские ведомости, 1911 йил, №6.

<sup>82</sup> Туркистон ўлкаси илмий жамиятлари ва уларнинг кутубхоналари фиолиятини тадқиқ қилишга алоҳида китоб ва бир нечта илмий мақола

багишланган: Лунин Б.В. Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Конец XIX – начало XX вв. Ташкент, изд-во АН УзССР, 1962; Касымова А.Г. Дореволюционные библиотеки Узбекистана // Ученые записки (Ташкентский пед. институт), 1966. Т. 71. – С. 64–72; Кормилицин А.И. Библиотеки научно-медицинских обществ дореволюционного Туркестана // Труды (Ташкентский университет), 1966. Вып. 287. – С. 132–136; Шу муаллиф. Библиотеки некоторых научных обществ дореволюционного Туркестана и их значение в распространении научно-технических знаний // Материалы научной конференции аспирантов ТашГУ. Гуманитарные науки. Ташкент, 1966. – С. 52–64; Яхонтова Н.В. Из истории научных библиотек дореволюционного Туркестана // Ученые записки (Ташкентский пед. институт). 1966. Т. 71. – С. 73–80.

<sup>33</sup> Туркистандаги рус ўкув юртлари ва уларнинг кутубхоналари ҳақида яна қаранг: С.М. Граменицкий. Отчет о состоянии Ташкентской мужской гимназии за 1882/3 учебный год. Ташкент, 1883; Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. Ташкент, 1896; А.И. Добросмыслов. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912, стр. 253–274; К.Е. Бендриков. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865–1924). М., изд. АПН РСФСР, 1960.

<sup>34</sup> Қаранг: Граменицкий С.М. Очерк развития народного образования в Туркестанском крае. Т., 1896. – С. 34.

<sup>35</sup> Қаранг: Добросмылов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Т., 1912. – С. 226.

<sup>36</sup> Қаранг: Добромсылов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Т., 1912. – С. 260.

# V БОБ ТУРКИСТОН КУТУБХОНАЧИЛИГИ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИДА (1917—1924)

## 1-§. Даврнинг жамият аҳволини белгиловчи асосий омиллари

1917 йил октябрида Россияда большевиклар партияси сўл эсерлар партияси билан биргалиқда давлат тўнтишини амалга ошириб, ҳокимиятни эгаллаганидан сўнг<sup>1</sup> Туронзаминда бошланган шиудатли ўзаришлар даври қуидаги сиёсий ва тарихий воқеалар ва омиллар белгилаб берди:

—большевиклар ва сўл эсерлар Тошкент кенгашининг томонидан ташкил этилган ва 1917 йил 28—31 октябрь кунлари амалга оширилган Янги шаҳар аҳолиси (руслар) ва бир нечта ҳарбий қисмларнинг Туркистон буржуа Муваққат ҳукумати қўмитасига қарши қўзғолони 1917 йил 1 ноябрда ҳокимият шўролар қўлига утиши билан якунланиши;

—шўроларнинг III ўлка съездидаги (Тошкент, 1917 йил 15—22 ноябрь) большевистик Туркистон ҳукумати — Туркистон халқ комиссарлари кенгашининг тузилиши;

Маҳаллий демократик давлатчиликнинг дастлабки тажрибаси — Туркистон Мухторияти (1917 йил 28 ноябрь — 1918 йил 19 февраль) шовинистик ва большевистик руҳдаги ҳарбий қўнилар томондан ваҳшийларча тор-мор этилиши ва тутатилиши;

—1918 йил 30 апрелда бўлиб ўтган шўроларнинг V ўлка съездидаги Россия совет федерациясининг таркибий қисми сифатида Туркистон автоном совет социалистик республикаси (ТурАССР)нинг ташкил топиши, шунингдек, большевиклар ва сўл эсерлар Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси (ТурМИК) ва Халқ Комиссарлари кенгаши (ХКК)нинг тузилиши;

—большевикларнинг мустабид тузумига қарши қуролли кураш ва истиқлолчилик ҳаракати, яъни фуқаролар урушининг бошланиши;

—большевистик ҳукумат томонидан халққа қарши қаратилган «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг ўтказилиши (1918—1920 йиллар)<sup>2</sup>;

—1920 йилда Хива хоилиги ва Бухоро амирлигининг Қизил Армия

томонидан тугатилиши, Хоразм ва Бухоро халқ совет республикаларининг ташкил топиши;

— 1921 йил баҳоридан бошлаб янги иқтисодий сиёсат<sup>3</sup> шароитининг ривожланиши; 1918—1922 йиллардаги очарчилик ва халқнинг қашноқлашиши, шунингдек, умумий маданий ва маънавий инқизор;

—янги умумий, касб-хунар, ўрга маҳсус ва олий ўқув тизими нихолларининг куртакланиши;

—барча китоб бойликлари: китоб омборлари, китоб дўконлари, ташкилотлар ва баъзи шахсларнинг йирик китоб тўпламлари, барча кутубхоналарнинг фондлари давлат тасарруфига ўтказилиши;

—универсал илмий, универсал оммавий ва маҳсус кутубхоналар тизимининг янгидан ташкил этилиши;

—кутубхоналарнинг умумистифодалик принципи қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилиши;

—саводлиликни ва китобхонликни ёйишда, сиёсий ва маданий-маърифий ишда, халқнинг малакасини ва техник савиясини оширишда, илмий билимларни ўзлаштиришда кутубхоналар роли ва аҳамиятининг ошиши.

## **2-§. Кутубхоналар ва китоб бойликларининг давлат тасарруфига ўтказилиши**

Коммунист-большевикларнинг капитализмдан социализмга ўтиш энг аввало хусусий мулкни экспроприация қилиш<sup>4</sup> ва уни жамиятнинг барча бойликларини ўз меҳнати билан яратувчилар қўлига топширишдан ҳамда пролетариат диктатурасининг ўрнатилишидан бошланиши лозим, деган боявий кўрсатмасининг (қоидасининг) ҳаётга татбиқ этилиши «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг мантиқий оқибати бўлди. Амалда хусусий мулк янги давлат ихтиёрига ўтди, жамиятда эса, бир партия (большевиклар партияси)нинг диктатураси ўрнатилди. 1917 йилнинг 16 декабридаёқ «Туркестанский вестник» ва «Туркестанский курьер» газеталари Туркистон ўлкаси халқ комиссарлари кенгани қарорига биноан, «Шўро ҳокимиятига провокацион ва туҳмат руҳидаги мақолалар эълон қилгани учун» ёпиб қўйилди. Ушбу газеталарнинг босмахонаси мусодара қилинди ва Матбаачи ишчилар уюшмаси ихтиёрига ўтказилди. 1918 йилда «Улуг Туркистон», «Ал-Ислоҳ», «Ал-Изоҳ» газеталарини, Ашхобод, Самарқанд, Қўқон, Кушка, Верний (Алмати)даги бошқа газеталарни напр этиш тақиқланди.

1918 йил 29 марта Туркестон халқ комиссарлари кенгаши «ўлқадаги босмахоналар ва тош босмахоналарни национализация қилиш тўғрисида» Декрет қабул қилди. Ушбу Декретда: «Туркестон ўлқасидаги барча босмахоналар ва тош босмахоналар халқ мулки деб эълон қилинади ва уларни бошқариш мазкур корхоналарнинг бор мол-мулки ва пул маблағлари билан бирга, уларнинг ишчи ташкилотлари – ўлка Халқ Ҳўжалиги Кенгаши ҳузуридаги матбаачилик бўлими ихтиёрига ўтказилади», деб қайд этилди<sup>5</sup>. Босмахоналар ва тош босмахоналарни национализация қилиш анча жадал суръатларда амалга оширилди. 1918 йилнинг апрелида ёқ капиталистик типдаги барча йирик матбаачилик корхоналари давлат тасарруфига ўтказилди. 1918 йил май ойининг ўрталарига келиб Туркестоннинг турли шаҳарларида 20 та босмахона ва тош босмахоналар национализация қилинди<sup>6</sup>. 1919 йилнинг бошида матбаачилик корхоналарини национализация қилиш асосан тугалланди.

Туркестонда матбаачилик саноатини национализация қилиш билан бир вақтда республикада мавжуд барча китоб фондини давлат тасарруфига ўтказиш ҳам амалга оширилди. Ушбу жараён «китобга ташналиқ» кучли бўлган шароитларда дастлабки даврда хусусий босмахоналар, омборлар, китоб дўконлари даги китоблар ва қофоз ғамламаларининг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан мусодара этилишига айланди. 1919 йил январда Тошкент кенгаши ижроқўми шаҳар китоб савдоси корхоналарининг китоб захираларини мусодара қилиш ва уларни шўро муассасалари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилди<sup>7</sup>. Туркестон ўлқасида китоб савдоси билан шуғулланган «Собберей» хусусий фирмасининг китоб дўконларидан бирида кенгаш томонидан 101 775 нусха китоб мусодара қилинди.

Муниципализация, яъни хусусий дўконлар, кутубхоналар, омборлар ва босмахоналардаги китоб захираларини маҳаллий ҳокимият органлари («муниципалитетлар») мулкига ўтказиш кейинроқ Туркестон республикасининг барча йирик шаҳарларида амалга оширилди.

Тошкент кенгаши ўзининг 1919 йил 27 марта «РСФСР ХКК «Кутубхоналар ва китобхоналарни қўриқлаш тўғрисида»ги декретининг барча муассасалар ва ташкилотлар томонидан мажбурий тартибда ижро этилиши ҳақида»ги Буйруги билан тутагилган ва эвакуация қилинган давлат муассасаларининг барча кукучларини, шунингдек, алоҳида жамиятлар ва шахсларнинг тўла ҳажмда ёки қисман Тошкент шаҳридаги ҳукумат муассасалари, жамоат ташкилотлари ва ш.к.нинг ихтиёрига ўтказилган кутубхоналарини

күриқлаш мажбуриятини юклади ва уларни Кенгашнинг халқ таълими бўлимида ҳисобга олди<sup>8</sup>.

1919 йил 14 апрелда Туркистон республикаси халқ комиссарлари кенгашининг «Халқ, шаҳар, жамоат кутубхоналари ҳамда хусусий кутубхоналарни национализация қилиш тўғрисида»ги Бўйруғи эълон қилинди<sup>9</sup>. Ўлкадаги барча кутубхоналар Туркистон автоном республикаси мулки деб эълон қилинди ва маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтказиши. Ушбу комиссарлик таркибида Кугубхоначилик бўлими ташкил этилди. Бўлим асосий вазифаси янги кутубхоналар тармоғини ташкил этиш, кугубхоналарни китоблар ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш, республикада кутубхоначилик ишига умумий раҳбарлик қилишдан иборат эди. ТАССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг Бўйруғи фуқароларнинг кутубхона хусусиятига эга бўлмаган, 100 номдан ва 300 жилдан ошмайдиган китоб тўпламларига нисбатан амал қилмас эди. Махсус китоблар, комиссарликлар, муассасалар, илмий жамиятлар, фан ва санъатнинг барча соҳаларидағи ўқитувчилар, врачиар, адабиётчилар, муҳандислар ва бошқа касб эгаларининг тўпламлари, уларнинг ихтисослигига оид зарур илмий қўлланмалар сифатида, тўлалигича эгаларининг ихтиёрида қолдирилиши Бўйруқда алоҳида қайд этиб ўтилган эди<sup>10</sup>.

1920 йил 20 апрелда РСФСР халқ комиссарлари кенгашининг қўйидаги мазмундаги қарори эълон қилинди: «Жисмоний шахсларга ҳам, ширкатлар ва бошқа ташкилотлар ва муассасаларга ҳам тегишли бўлган, худди шунингдек, Кенгашшар томонидан муниципализация қилинган барча китоб ва бошқа босма нашрларнинг ғамламалари (кутубхоналардан ташқари) давлат мулки деб эълон қилинади»<sup>11</sup>. Туркистон республикаси РСФСРнинг таркибий қисми бўлгани туфайли, марказий ҳукуматнинг умум давлат аҳамиятига молик бўлган барча қарорлари Туркистон учун ҳам, федерациянинг бошқа субъектлари учун ҳам мажбурий эди.

Тугатилган муассасалар кутубхоналарининг национализация қилиниши, йирик хусусий кутубхоналарнинг мусодара этилиши, шарқ тилларидаги адабиётлар билан жиҳозланган умумистифода Оммавий кутубхоналар, илмий жамиятларнинг махсус кутубхоналари, Туркистондаги рус ўқув юртлари кутубхоналари, собиқ рус ҳарбий қисмлари ва Оммавий кутубхоналарини экспроприация қилиш ва давлат тасарруфига ўтказиш анча қисқа вақт ичida – 1919–1920 йилларда амалга оширилди.

Туркистон Оммавий кутубхонаси, барча ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ширкатларнинг кутубхоналари, шу жумладан,

«Маърифат», «Бирлик», «Мадора», «Файрат» ширкатларининг кутубхоналари, «Туркистон», «Ислоҳ», «Осиё», «Турон» каби йирик кутубхоналар, Россия техника жамияти, Рус география жамияти, Шарқшунослар жамияти, Пушкинхонлар жамияти, Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти, Туркистон тиббиёт уюшмаси, Тошкент ўқитувчилар семинарияси кутубхоналари, «Кутубхонаи Беҳбудия», бепоён ўлқанинг барча шаҳарлари ва қишлоқларидаги ўнлаб бошқа хусусий ва жамоа кутубхоналари давлат ихтиёрига ўтказилди.

### **3-§. Туркистон АССРда кутубхоначилик иши тизимининг шақлланиши**

#### **3.1. Универсал кутубхоналар тизими**

##### **3.1.1. Кутубхоначилик бўлими фаолияти**

Маориф халқ комиссарлигининг Кутубхоначилик бўлими бутун Туронзаминда кутубхоначилик ишини бошқарувчи давлат органи ҳисобланар эди. Туркистон республикаси халқ комиссарлари Кенгашининг 1919 йил 14 июлдаги Буйруғига биноан мазкур бўлимга катта ваколатлар берилган эди. Унинг вазифаларига қўйидагилар киради: Туркистон ўлкасидаги кутубхоналарни национализация қилиш; мусодара қилинган китоб бойликларини республикада янги ташкил этилаётган кутубхоналар ўртасида мутаносиб равишда (пропорционал) тақсимлаш; ўлкада кутубхоначилик ишини ташкил этишнинг умумий масалаларини ишлаб чиқиш ва барча турдаги кутубхоналар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш; янги кутубхоналар, қироатхоналар, кўчма кутубхоналар ташкил этиш ва уларни китоблар билан таъминлаш; кутубхона ходимларини тайёрлашни ташкил этиш.

Кутубхоначилик бўлими ўз фаолиятида кутубхоначилик ишини ташкил этишнинг қўйидаги принципларига амал қиласар эди: халқчиллик, яъни кутубхоналар мамлакат аҳолисининг барча тоифалари учун очиқлиги, кутубхоналарни бошқаришда аҳолининг иштирок этиши, китобни аҳолига яқинлаштириш борасида кутубхона фаол иш олиб бориши (тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тузиши, плакатлар тайёрлаши, кўргазмалар ташкил этиши), жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши, китоб орқали аҳолини мумтоз ва замонавий адабиёт намуналари билан таништириши, уни

маданият ва илм-фанга ошно этиши, кутубхоналар фондини ҳар хил адабиётлар ва даврий нашрлар билан режали равишда тўлдириб бориц, кутубхоналар тармоғини ташкил этишда маҳаллий аҳолининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, аҳолининг миллий ва миқдорий таркибини, ҳудуднинг катта-кичиқлигини, аҳоли яшайдиган пунктлар сонини ҳисобга олиш.

ТАССР маориф халқ комиссарлиги Кутубхоначилик бўлимининг биринчи мудири Ўрта Осиёлик Йирик кутубхонашунос ва библиограф Евгений Карлович Бетгер (1887—1956) эди. Бу ишда унга ўлка кутубхоначилик иши бўйича инспектор, Рус География жамияти Туркистон бўлими кутубхонасининг собиқ ходими Б.Н.Смолин яқиндан ёрдам берди. Туркистон Давлат кутубхонаси директори Н.Н.Кулинский ҳам ўлкада кутубхоначилик ишининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Кутубхоначилик бўлими ўз ишини барча турдаги кутубхоналар ва китоб тўпламларини ҳисобга олишдан бошлади. Бўлим ходимлари Тошкентда ва вилоятларда тутатилган жамиятлар ва ташкилотларнинг кутубхоналарини, шунингдек, ўқув юртлари, илмий жамиятлар ва жисмоний шахсларнинг кутубхоналарини ҳисобга олдилар. Шу ўринда беноён ўлканинг барча шаҳарлари ва қишлоқларидағи кутубхоналарнинг китоб фонdlарини экспроприация қилишнинг дастлабки ойларида умумий тартибсизлик ва англашилмовчиликлар ҳам рўй берганини қайд этиб ўтиш лозим. Гап шундаки, маҳаллий Кенгашлар ва Кутубхоначилик бўлимининг жойлардаги вакиллари томонидан мусодара қилинган китоб фонdlари ҳар хил ноўрин жойларда, айрим ҳолларда эса, очиқ ҳавода сақланар эди. Масалан, Туркистон республикасининг энг катта шаҳри — Тошкентда мусодара қилинган барча адабиётлар Туркистон Оммавий кутубхонасига келтириларди. Бу ерда барча нашрлар учун жой етарли эмас эди. Натижада, 1919 йилнинг ёзида кутубхона ҳовлисида юз минглаб китоблардан иборат ўюмлар ҳосил бўлди. Мусодара этилган китоблар билан шунга ўхшаш ҳолатлар ўлканинг бошқа вилоят марказларида ҳам кузатилди.

1919 йилнинг октябрида Кутубхоначилик бўлими мусодара қилинган адабиётлардан ва аҳолидан сотиб олинган китоблардан маҳсус китоб фонди тузганини эълон қилди. Дастлабки оммавий кутубхоналарнинг фонdlари ана шу китоблардан жамланди. Кейинчалик бу кутубхоналар туман кутубхоналарига айлантирилди. Янги кутубхоналарни комплектлаш учун Туркистон Оммавий кутубхонаси китобларининг дублетларидан ҳам фойдаианилди.

Туркистан республикасининг шаҳар ва қишлоқларида «ҳарбий коммунизм» шароитларида, яъни жамиятда натурал айирбошлиш ва давлат томонидан тақсимлаш тартиби ҳукм сурган, савдо-сотиқ мавжуд бўлмаган даврда ташкил этилган янги давлат ва идораларнинг кутубхоналари китоблар билан текинга таъминланар эди. Аммо ушбу ҳолат ташкил этилаётган янги кутубхоналарни комплектлашда тартибсизлик ҳукм сурар эди, деган маънони англатмасди. Кутубхоначилик бўлими ходимлари тажрибали китобшунос олим Е.К.Бетгер раҳбарлиги остида кутубхоналарни комплектлашда кутубхона турини ва у хизмат кўрсатиши мўлжалланган ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга ҳаракат қылдилар. Айнан Е.К.Бетгернинг фидокорона фаолияти ва жонбозлиги туфайли инқилобий тартибсизлик авжга чиққан 1918—1921 йилларда Россия шимий жамиятлари Туркистан бўлимларининг маҳсус кутубхоналари, «Турон», «Туркистан», «Осиё», «Ислоҳ» кугубхоналари, «Кутубхонаи Беҳбудия», Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасининг умумистифода кутубхонаси, Тошкент ўқитувчилар семинарияси кутубхонасида ўн йиллар мобайнида тўпланган китоб фондлари тарқалиб кетишининг олдини олишга муваффақ бўлинди.

Кутубхоначилик бўлими кутубхоналар ишига китоб фондларини таснифлаш ва сақлашнинг илғор методларини жорий этиш борасида ҳам фаол иш олиб борди. Бунда 1922 йили Тошкентда чон этилган Е.К.Бетгернинг «Библиографик таснифлашнинг ўнлик системаси» брошюраси қатта ёрдам берди. Ушбу брошюра Туркистан республикасидаги библиографик таснифлаш бўйича илк кўлланмалардан бири бўлиб қолди. Мазкур қўлланма, шунингдек, Б.Н.Смолиннинг «Кутубхоначилик иши техникасига оид қисқача қўлланма»си ўзбек тилига ўгирildи ва барча маҳаллий кутубхоналарга тарқатилди.

Малакали кутубхоначилар ва библиографларнинг йўқлиги янги кутубхоналар ишига салбий таъсир кўрсатар эди. Маориф ҳалқ комиссарлигининг Кутубхоначилик бўлими кадрлар тайёрлаш мақсадида 1919 йилнинг ёзида Тошкентда икки ойлик курслар ташкил қилди. Мазкур курсларга республиканинг турли шаҳарларидағи кутубхоналарнинг ходимлари чақирилди. Бир йил ичida ушбу курсларда 40 нафар кутубхона ходими қайта тайёргарлиқдан ўтди. Шу йилнинг кузида Самарқандда ташкил этилган қисқа мuddатли икки сўйлик курсларда яна 27 нафар кутубхона ходими тайёрланди.

### **3.1.2. Китобларни каталоглаштириш ва таснифлаш масалалари**

Фондларни тартибга солиш, уларни жой-жойига қўйиш, таснифлаш ва каталоглаштириш масалаларига муфассалроқ тўхталиб ўтамиз. Кутубхоналарнинг фондлари кўпайиб борди ва ташкилий ишларни яхшилашни ҳамда каталоглар тузишни тақозо этди. Ўнлик система таснифига оид каталоглар ва жадваллар тузишга фаол киришилди.

Н.В.Дмитровский «Туркистон Оммавий кутубхонаси рус бўлими китобларининг каталоги»да қабул қилган ўнлик система китобхонларнинг эҳтиёжларини қондиролмай қолган эди. Ўзарид бораётган ҳаёт, ўрнашаётган янги турмуш тарзи талабларига жавоб берувчи кутубхона китобларини таснифлаш тизими зарур эди. Аммо бундай тизимни қисқа вақт ичida тузиш мумкин эмас эди. Шу сабабли 1918 йилда Е.К.Бетгер, Л.К.Давидов ва А.А.Метленков таснифлашга оид барча мавжуд материаллардан (Н.А.Дмитровский жадваллар системасидан, таниқли библиограф Б.С.Боднарский жадвалларидан) фойдаланиб, каталоглар, кўрсатгичлар, дафтарлар ва китоблардан излаб топилган муайян индекслар бўйича ўнлик системасининг айrim бўлимларини тиклаб, «Кутубхона китобларининг ўнлик таснифи»ни туздилар<sup>12</sup>.

Жадвалларнинг чоп этилиши республика кутубхоналари фондлари ва каталогларини тузиш ишини ягона қоида бўйича тартибга солиш имконини берди. 1919 йил 30 апрелда Туркистон Республикасида кутубхоначилик ишининг бирлиги ва яхлитлигини таъминлаш мақсадида Туркистон Оммавий кутубхонаси марказлаштирилган тартибда каталоглаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, Маориф Халқ Комиссарлигига тасдиқлаш учун тақдим этди<sup>13</sup>.

Е.К.Беттер ташаббусига биноан, муайян нашрлар чоп этувчи барча муассасаларга титул вараги ва муқованинг юқоридаги ўнг бурчагига ўнлик индексини қўйиш таклиф этилди. Бу кутубхоначига фондларни жой-жойига қўйишни, китобхонларга эса керакли адабиётни қидириб топишни осонлаштирас эди.

1921 йил 1 январга келиб кутубхонада иккита каталог: алифбели ва системали каталоглар мавжуд эди. Системали каталог «Кутубхона китобларининг ўнлик таснифи» бўйича тузилган эди. Каталогларга 600 мингтагача карточка киритилган эди<sup>14</sup>. Каталоглар тузиш ва адабиётларга ишлов бериш кенг кўламда йўлга қўйилди. 1921 йилнинг охирида алоҳида каталоглар бўлими ташкил этилди. Бўлим мудири этиб А.А.Метленков тайинланди. У республикадаги кутубхоналарнинг

китобларини таснифлаш янги тури мактабининг асосчилиаридан бири бўлди. Юқорида зикр этилган жадвалларга қизиқиш шу қадар катта эдики, уларни қайта нашр этишга тўғри келди. Айни вақтда, ҳаёт янги, янада замонавий жадвалларни ишлаб чиқишини ҳам тақозо этар эди. Е.К.Бетгер шу ишга фаол кириши. 1922 йилда жадваллар нашр этилди<sup>15</sup>. 1918 йил жадвалларидан фарқли ўлароқ, Е.К.Бетгер уларни сўзбоши, методик кўрсатмалар ва фойдаланиш қоидалари билан тўлдирди. Бетгер жадвалларни барча кутубхоналар учун мажбурий «қонун»га айлантиришга ҳаракат қилди. Бетгернинг ўнлик жадваллари Туркистонда кутубхона китобларини таснифлаш ишининг ривожланишида муҳим ҳодиса бўлди ва мамлакатнинг кўплаб кутубхоналарида тарқалди. Жадваллар нафақат Туркистонда, балки ундан ташқарида ҳам яхши қарип олинди. Таниқли библиограф, ўнлик системасининг Россияядаги тарғиботчиси Б.С.Боднарский Е.К.Бетгернинг таснифлаш тизимига юксак баҳо берди<sup>16</sup>.

Каталоглаштиришнинг ривожланиши тўғрисида сўз юритганда ўлка кутубхоначилик иши бўйича инструктор Б.Н.Смолин томонидан тузилган «Кутубхоначилик иши техникаси бўйича қисқача қўлланма»га ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Унда каталоглаштиришнинг асосий қоидалари ҳамда кутубхоначилик ишининг бошқа масалалари ёритилган. Қўлланма кутубхона ходимларига фонdlар ва каталогларни ташкил этишда катта ёрдам берди.

### 3.1.3. Кутубхоналарни бутлаш аҳволи

Россия Марказий матбуот агентлиги (Центропечать)нинг Туркистон бўлими – Туркцентропечать 1919 йилнинг майидан 1922 йилнинг февралигача ўлка кутубхоналарини рус тилидаги китоблар ва даврий нашрлар билан текинга таъминлаб турди<sup>17</sup>.

1919 йилнинг майидан ташкил этилган Туркцентропечать ўз фаолиятида РСФСР БМИК Президиумининг қўйидаги мазмундаги қарорига амал қиласа эди: «Марказий Агентлик... Россияда нашр этилувчи барча нашрларни тарқатиш ва экспедиция қилиш билан шугулланувчи, барча жабхаларни, маданий-матърифий ва пошта-телефраф муассасаларини (шу жумладан кутубхоналарни – Э.О.) матбуот нашрлари билан таъминловчи давлат органидир. У темир йўлдаги барча киёскларни бошқарди, шаҳарларда китоб дўконлари ва киосклар очади, кўчма вагон-дўконлар, газетачиларнинг артеллари ва ш.к.ни ташкил этади»<sup>18</sup>.

Туркцентропечатнинг асосий вазифаси марказий матбуот нашрлари билан бир қаторда маҳаллий нашриётларнинг босма маҳсулотларини, Туркистон республикаси ҳудудида чоп этилувчи барча даврий нашрларни тарқатишни ташкил этишдан иборат эди. Туркцентропечать Центропечатнинг таркибий бўлими ҳуқуқида иш олиб борган бўлсада, у ўз фаолиятида маҳаллий ҳокимият органларининг кўрсатмаларига амал қилиши лозим эди ва ТАССР Ҳалқ Комиссарлари Кенгашига бўйсунарди<sup>19</sup>.

Туркцентропечать ўз фаолиятининг биринчи кунлариданоқ газета-журнал ва китоб экспедицияларини ташкил этишга киришди. 1919 йилнинг декабридан Москва-Тошкент узлуксиз темир йўл қатновининг тикланиши мамлакат марказидан матбуот нашрлари келишининг барқарорлашувига имконият яратди. Республика ҳуқумати Туркцентропечать ихтиёрига бир неча ўн арава ажратди. Узоқ масофаларга китоблар, даврий нашрлар, плакатлар ва турли кўргазмали қуролларни ташибга махсус жиҳозланган Туркцентропечать аравалари бугун республика бўйлаб адабиётларни ташиб билан шуғулланар эди. 1919—1920 йилларда Туркцентропечать бир неча марта қисқа муддатли курслар ташкил этди. Мазкур курсларда 200 дан ортиқ киши тайёргарликдан ўтди. Ўлканинг энг йирик 36 аҳоли яшайдиган пунктида маҳаллий агентликлар ташкил этилди. Улар ўз киоскларига ва тарқатувчиларнинг кенг тармоғига эга эди. Барча турдаги матбуот нашрларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор бериларди. 1919 йилнинг майидан декабригача Туркцентропечать 780 799 нусха, 1920 йилнинг январидан мартағача — 313 410 нусха китоблар, брошурулар, варақалар ва плакатлар тарқатди<sup>20</sup>.

1920 йилда Туркистонга иккита рейс ташкил қўйган «Қизил Шарқ» агитацион-инструкторлик поезди жамоаси ўлкада рус тилидаги кўп сонли ранг-баранг адабиётларни тарқатди. Мазкур поезднинг китоб омборида янги совет сиёсий арбобларининг асрлари, В.Маяковский, А.Блок, Д.Бедний, А.П.Чехов, И.А.Крилов, Жек Лондон ва бошқа адилларнинг алоҳида нашрлари ва асрлар тўпламлари, «Народное просвещение», «Пролетарская революция», «Наркомат обеспечения», «Известия наркомфина», «Творчество», «Юношеский комитет» журналларининг турли сонлари, айрим расмий нашрлар, шу жумладан «ВСНХ декретлари тўплами», дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, кўп сонли варақалар ва плакатлар бор эди<sup>21</sup>. ўзининг биринчи рейси давомида (23 январдан 16 июлгача) агитпоезд ўлка шаҳарлари ва шаҳарчаларида ташкилотларга ва муайян шахсларга 3078 та агитацион кичик кутубхоналар, 186 мингта китоб, 58 мингта

варақа, 37 мингта газета ва 5500 та плакат ажратди. Жами 14 минг рубллик ҳар хил адабиётлар сотилди<sup>22</sup>. Иккинчи рейс давомида (13 августдан 16 октябрегача) агитпоезд жамоаси рус тили ва маҳаллий тиллардаги 1097 та дарслик, 327 номдаги оммавий-сиёсий ва адабий-бадиий китобларнинг минглаб нусхаларини тарқатди<sup>23</sup>.

### 3.1.4. Кутубхоналар тармогининг ривожи

1920 йилнинг бошига келиб, Туркистон республикасида 174 та янги ташкил этилган универсал оммавий кутубхоналар, 172 та қироатхона фаолият кўрсатар, 176 та чойхонада кичик кутубхона-қироатхоналар ташкил этилган эди. Мазкур чойхоналарда вақти-вақти билан, айниқса, иш кунидан кейин, кечкурун сиёсий, баъзан эса, бадиий адабиётлар маҳаллий аҳолига овоз чиқариб ўқиб берилар эди. Бундай чойхоналар «Қизил чойхоналар» деб аталарди. Туркий ва форсий тиллардаги адабиётлардан иборат оммавий кутубхоналар ташкил этиш шу даврда долзарб муаммога айланди. Бундай адабиётлар жуда кам эди (айниқса, марказий Россиядан ёғилиб келган рус тилидаги даврий нашрлар ва китоблар оқимига солиштирганда). Шу сабабли маҳаллий аҳолига хизмат курсатиш учун ташкил этилган «мусулмон» кутубхоналари (ӯша даврда улар шундай деб аталар эди) ҳақида фамхўрлик Кугубхоначилик бўлимининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Туркистон Оммавий кутубхонасининг шарқ тилларидағи адабиётлар бўлимида мусулмонлар учун марказий қироатхона ва илмий ишлар учун алоҳида хона очилди. Кутубхона китобларининг дублет нусхаларидан Алишер Навоий номидаги янги мусулмонлар кутубхона-қироатхонаси жамланди. У 1919 йилда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмida очилди ва қисқа вақт ичida маҳаллий аҳолининг зътиборини қозонди. Шу даврда Эски шаҳарда яна бир нечта кутубхона-қироатхона очилди.

1919 йилда маҳаллий аҳоли учун мўлжалланган кутубхоналар Когонда, Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл)да, ўрта Осиё темир йўлининг Жусали ва Черняево станцияларида, Туркистон, Казалинск ва Андижон шаҳарларида очилди; шунингдек Самарқанд ва Каттақўрғондаги «мусулмон» кутубхоналари ҳам қайта ташкил этилди. Шу тариқа ўлкада маҳаллий тиллардаги китоблар жамланган кутубхоналар тармогига асос солинди. Миллий тиллардаги китоблардан иборат янги оммавий кутубхоналар бўлғуси Туркманистон (Чоржўй, Тежен, Ашхобод, Красноводск ва б. шаҳарлар), Қирғизистон (Бишкек,

Тұқмоқ, Қызилқия ва б. шаҳарлар), Тожикистон (Хўжанд, Душанбе, Ўратепа ва б. шаҳарлар) республикаларида очилди. Шу йилларда ўлка қишлоқлари, овуллари на бошқа аҳоли яшайдиган пунктларида ҳам кутубхоналар, қироатхона-ўтовлар, қизил чойхоналар, дәхқон уйлари ташкил этилди.

Кутубхоналар тармоғини режали равишда ташкил этиш ва китоблардан фойдаланишини такомиллаштириш мақсадида 1920 йил 3 ноябрда РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг «РСФСРда кутубхоначилик ишини марказлаштириш тўғрисида»ги декрети эълон қилинди. Ушбу декрет билан Маориф Халқ Комиссарлариги 1918 йилда бошлаган ягона кутубхоналар тармоғини бунёд этиш бўйича улкан тайёргарлик ишлари якунланди. Декрет мамлакатда кутубхоначилик ишининг кейинги ривожланиши учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур декретга мувофиқ ТАССР Халқ Комиссарлари Кенгashi 1921 йилнинг бошида «Туркистон республикасида кутубхоначилик ишини марказлаштириш тўғрисида» декрет эълон қилди. Ушбу декретда Маориф Халқ Комиссарлариги ихтиёридаги кутубхоналар ҳам, бошқа идоралар, муассасалар ва жамоат ташкилотларининг кутубхоналари ҳам омма учун очиқ деб эълон қилиниши, ТАССР ягона кутубхоналар тармоғи таркибига киритилиши ва Туркистон Бош сиёсий-оқартув бошқармаси ихтиёрига ўтказилиши қайд этилди. Мазкур декретни амалга ошириш учун «Сиёсий-оқартув ташкилотлари ҳамда касаба уюшмалари маданият бўлимларининг кутубхоначилик иши соҳасидаги ўзаро муносабатлари тўғрисидаги йўриқнома» ишилаб чиқилди. Ушбу йўриқнома идоралар ўртасидаги муносабатларни тартибга солар эди.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши (1921 йил) кутубхоналар сони кескин камайишига олиб келди. Оммавий кутубхоналар тармоғи 56 бирликкача, яъни 3 баравар камайди. Бу асосан маҳаллий ҳокимият органларининг ҳаракатлари билан изоҳланар эди. Маблағлар тақчиллиги туфайли, улар кутубхоналарни ёпишга мажбур бўлдилар, бўшаган маблағларни эса, бошқа муҳим эҳтиёжларга йўналтирдилар.

Маърифий муассасаларни, шу жумладан кутубхоналарни сақлаш ва таъминлашга давлат ресурсларининг тақчиллиги жойларда китоблардан фойдаланиш учун ҳақ тўлаш тартибини жорий этишга мажбур қилди. Дастрабки даврда кутубхоналар иши бироз олға силжигандек бўлди. Шу сабабли маҳаллий маданият органлари мазкур тартибни янада кенгроқ қўллашга қарор қилди.

Маблағлар тақчиллиги туфайли кутубхоналар тармоғини Матлум даражада қисқартиришга мажбур бўлган Туркистон Бош сиёсий-

оқартув бошқармаси мазкур жараён мумкин қадар оғриқсиз көчишини таъминлашга ҳаракат қилди: унча яхши ишламаган, кичик кутубхоналар ёпилди, ишчи ва миллий ҳудудлардаги кутубхоналар сақлаб қолинди.

Ҳудудий ва бошқа кичик кутубхоналарни марказий кутубхоналарга айлантириш кутубхоналар тармогини сақлаб қолишида муҳим аҳамият қасб этди. Мазкур кутубхоналарнинг вазифаларидан бири олис ҳудудларга кўчма кутубхоналар ёрдамида хизмат кўрсатишдан иборат эди.

Кутубхоначилик иши муаммоларини ҳал қилиш йўлларини қидириб, Туркистон Бош сиёсий-оқартув бошқармаси 1923 йил 2 февралда Тошкентда республика кутубхона ходимлари конференциясини чақирди. Конференция бугун кутубхоначилик ишини бирлаштириш учун Марказий кутубхоначилик комиссияси тузиш тўғрисида қарор қабул қилди ва кутубхоналарни қўллаб-куватлаш бўйича кенг тарғибот ишлари олиб боришни муҳим вазифалардан бири деб белгилади.

Шундан кейин 5 февралда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар кутубхоначилар конференцияси кутубхоналар қошида қироатхоналар очиш, кутубхоналар қурилишига китобхонларни жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ, шунга қарамай, кутубхоналар аҳволи оғир бўлиб қолаверди. Кутубхоналар янги адабиётлар билан етарли даражада тўлдирилмаслиги ҳам уларнинг ишига салбий таъсир кўрсатди.

1923 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра, Туркистон республикаси маориф ҳалқ комиссарлиги тармоғида жами китоб фонди 280094 нусхадан иборат бўлган 64 кутубхона (шу жумладан 35 таси – ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида) иш олиб боради эди. Мазкур кутубхоналар жами 34463 китобхонга хизмат кўрсатарди. Тошкентда аҳвол нисбатан яхши эди. Бу ерда китоб фонди 109852 нусхадан иборат бўлган, жами 17869 китобхонга хизмат кўрсатувчи 12 кутубхона иш олиб борарди. Фарғона вилоятида китоб фонди 35820 нусхадан иборат бўлган, жами 2268 китобхонга хизмат кўрсатувчи 14 кутубхона мавжуд эди<sup>24</sup>.

1924 йилда Москвада Бутунrossия кутубхоначилар биринчи съездининг чақирилиши мамлакат, шу жумладан Туркистон республикаси кутубхоначилик иши тарихида муҳим воқеа бўлди. Съезд кутубхоналарнинг етти йиллик иш тажрибасини умумлаштиргди. ТАССР вакиллари съездда кутубхоначилик ишининг илғор тажрибаларини ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

Съезддан сўнг Ўрқистон Бош сиёсий-оқартув бошқармаси кутубхоначилик ишини яхшилаш учун Тошкентда кутубхоначилар уюшмасини тузишга қарор қилди. Мазкур уюшма таркибига сиёсий-оқартув муассасалари, касаба уюшмалари, шаҳардаги болалар ва мактаб кутубхоналарининг ходимлари киритилди. Кутубхоначилар уюшмасининг вазифалари қўйидагилардан иборат эди: кутубхоначилик иши методлари ва техникасини ишлаб чиқиш; кугубхоначиларга йўл-йўриқлар курсатиш; кутубхона ходимларининг ахборотларини тинглаш; йигилишларга материалларни тайёрлаш ва ишлаб чиқиш; кутубхона ходимлари ўз малакасини ошириши ҳамда уларни қайта тайёрлаш учун материаллар тайёрлаш; кутубхоналар ишини бирлаштириш ва мувофиқиаштириш; кутубхоналар ва китобни омма, айниқса, маҳаллий аҳоли орасида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш.

Туркистон Бош сиёсий-оқартув бошқармасининг кутубхоналардан «гоявий жиҳатдан эскирган» китобларни олиб қўйиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги қарори (1924 йил октябрь) адабиётлар ўта тақчил бўлган шароитларда жуда салбий рол ўйнади. Комиссия ишлаб чиқсан йўриқномага мувофиқ кутубхоналардан «эскирган» нацрларнинг 30—50% олиб қўйилди<sup>25</sup>.

Қишлоқ аҳолисига кутубхона хизматлари кўрсатиш Туркистон республикасида энг оғир масалалардан бири бўлиб қолди. Аҳоли яшайдиган пунктлар ҳудудий жиҳатдан тарқоқ жойлашганлиги, маҳаллий ҳалқлар тилларидағи адабиётларнинг камлиги, малакали миллий калрларнинг йўқлиги қишлоқ аҳолисига қониқарли кутубхона хизматлари кўрсатишни ташкил этиши имконини бермас эди. Мазкур масалани маълум даражада ҳал қилиш учун ўзбек тилидаги янги адабиётлардан иборат кўчма кутубхоналарнинг кенг тармори ташкил этилди. Ушбу кутубхоналар сурункали равишда қишлоқлар ва овлуларга юборилар эди.

Шу даврда республика қишлоқларида оммавий сиёсий-тарбиявий ишлар билан, асосан, 1920 йилда ташкил этилган мәҳнаткаш деҳқонлар ташкилоти — «Кўшчи» уюшмаси ўгулланар эди. Мазкур уюшма кўмиталари маориф ҳалқ комиссарлиги ва Бош сиёсий-оқартув бошқармасининг уезд ва шаҳар бўлимлари билан яқин алоқада иш олиб бораради. 1924 йилда бўлиб ўтган «Кўшчи» уюшмасининг ўлка қурултойида барча қишлоқларда ва овлуларда заводсизликни тутатиш мактаблари, кичик кутубхоналарга эга бўлган қизил чойхоналар ва ҳар бир уездда камида битта намунали Деҳқон уйи ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Кўшчи» уюшмаси Самарқанд вилоятида, айниқса, қизғин фаолият

олиб борди. Бу ерда 1923 йилда бир нечта деҳқон уйлари, 24 та қизил чойхона ва кутубхоналар очилди. Мазкур кутубхоналарнинг фондлари асосан рус ва ўзбек тилларидаги адабиётлардан иборат эди. Уларни жамлашда вилоят марказий кутубхоналари фаол иштирок этди.

Барча шаҳар ва қишлоқ кутубхоналарини адабиётлар билан марказлаштирилган тартибда комплекглаш мухим аҳамият касб этиб борди. Бунинг учун 1921 йил бошида ТАССР Маориф халқ Комиссарлигининг Кутубхоначилик бўлими қосида Марказий кутубхоналар коллектори ташкил этилди. Кутубхона коллекторининг қўйидаги асосий вазифалари аста-секин шаклланиб борди: кутубхоналарнинг тур хусусиятларига қараб, уларнинг фондларини режали равишда комплектлаш; китобларни танлашда кутубхоналарга консультацион ва библиографик ёрдам кўрсатиш; адабиётларга буюртмалар йиғиш; кутубхоналарни нашриётларнинг режалари, китоб савдоси ва библиографияга оид ахборот билан таъминлаш; кутубхоналарга юбориладиган нашрларга библиографик ишлов бериш; кутубхоналарни маҳсус техника ва жиҳозлар билан таъминлаш. Марказий кутубхоналар коллектори тез орада барча турдаги кутубхоналарни комплектлашнинг асосий маңбаига айланди.

Республикада кутубхоналар сони аста-секин кўпайиб борди. Расмий маълумотларга кўра 1924 йилнинг охирида Ўзбекистон ҳудудида 171700 нусхадан иборат китоб фондига эга бўлган 43 кутубхона фаолият олиб борар эди. Уларнинг барчаси Туркистон Бош сиёсий-оқартув бошқармаси ихтиёрида бўлиб, давлат бюджетидан маблағ билан таъминланар эди. Биргина Тошкентда 1924 йилда 136800 нусхадан иборат китоб фондига эга бўлган 32 умумистифода кутубхонаси иш олиб борарди. Шулардан 13 таси касаба ўюшмаларининг, 16 таси – турли муассасаларнинг маблағлари ҳисобидан таъминланар эди.

### **3.2. Мамлакатнинг стакчи универсал илмий кутубхонаси – Туркистон Давлат кутубхонаси фаолияти**

1918 йилда Халқ университети ташкил этилиши билан, Туркистон Оммавий кутубхонаси унинг ихтиёрига ўтказилди. Кутубхона фондларини тизимга солиш бўйича кент кўламли иш бошлаб юборилди. Май ойининг бошларида кутубхона директори этиб истеъодли ташкилотчи ва ташаббускор Н.Н. Кулинский тайинланди. У кутубхонани қайта тузишга жуда фаол киришди. 1918 йил 18 майда

Кузатув қўмитасининг охирги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда кутубхона фаолиятини сифат жиҳатидан янги илмийлик ва халқчиллик тамойиллари асосида қайта ташкил этиш, табақавий, миллий ва диний белгиларга кўра, барча ва ҳар қандай имтиёзларни бекор қилиш, очиқлик ва оммавийликни таъминлаш режасини ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бунинг учун Н.Н.Кулинский, Е.К.Бетгер ва А.А.Богод таркибида маҳсус комиссия тузилди. 1918 йил май ойининг охира Ҳалқ университети Кенгаши Е.К.Бетгер, Л.К.Давидов ва В.И.Вольпинни Туркистон Оммавий кутубхонасини қайта ташкил этиш учун масъул қилиб тасдиқлади<sup>26</sup>.

Комиссия китобларни уйга беришни вақтингчалик тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди, китобхонларга олган китобларини қайтаришни сўраб матбуот орқали мурожаат этди. Бу барча китобларни ҳисобга олиш, уларни 1918 йилгача амалда бўлган олдинги каталогларга солиқтириш учун керак эди. Текширув аксарият китоблар йўқолганини, улар орасида камёб ва ноёб китоблар ҳам бисёр эканини кўрсатди. Шу сабабли комиссия олдидаги энг аввало китоб фондидағи этишмовчиликлар ўрнини тўлдириш вазифаси турарди. Шу мақсадда аҳолидан кенг миқёсда китоблар, асосан бадиий адабиётлар сотиб олина бошланди. Комиссия ислоҳ этилган кутубхона, жаҳоннинг илғор мамлакатларидағи миллий кутубхоналар қатори, китобларни уйга бермайдиган, нашрлар қироатхоналарда мутолаа қилинадиган кутубхонага айлантирилиши лозим, деган холосага келди.

Каталоглар тўғрисидағи масала ҳам кўндаланг бўлди. Кутубхонанинг бутун фондига ўнлик системаси бўйича каталог тузишга қарор қилинди. Кутубхонадаги китоблар ўрнини тўла ўзгартириш ҳам амалга оширилди ва шундан кейин комиссия 1918 йил августда кутубхонани китобхонлар учун очишни лозим деб топди.

Туркистон Оммавий кутубхонаси Туркистон ҳалқ университети таркибида 1918 йил декабригача фаолият кўрсатди. 1919 йил май ойидан, маориф ҳалқ комиссарлиги тизимида Кутубхоначилик бўлими ташкил этилганидан сўнг, Туркистон Оммавий кутубхонаси, республиканинг бошқа кугубхоналари қатори, мазкур бўлим ихтиёрига ўтказилди.

1919 йил февралида кутубхона Туркистон Ҳалқ кутубхонасига айлантирилди, 1920 йилда, ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан, Туркистон АССР ҳалқ комиссарлари кенгашининг қарорига биноан, унга Туркисюн Даълат кутубхонаси номи берилди<sup>27</sup>.

Республиканинг бош кутубхонаси бўлган Туркистон Давлат кутубхонасининг вазифаси маҳаллий кугубхоналарга раҳбарлик қилиши

ва уларга амалий ёрдам беришдан иборат эди. 1918 йил 28 майда кутубхона мудири Туркистон халқ университетеги кенгашига Туркистон республикасида кутубхоначилик иши бўйича ўлка раҳбар-инструктори лавозимини жорий этишини сўраб мурожаат этди<sup>28</sup>, 1918 йил 26 сентябрда эса Тошкентдаги ва маҳаллий кутубхоналарнинг кутубхоначилари билан ишлаш бўйича алоҳида доимий комиссия тузиш масаласи кўйилди<sup>29</sup>.

1918 йил 30 сентябрда Е.К.Бетгер кутубхоначилик иши бўйича ўлка раҳбар-инструктори лавозимига тайинланди<sup>30</sup>. Унинг ўнлик системаси бўйича мутахассис ва индексатор сифатидаги вазифаси ўлка миқёсида кутубхоначилик ишнiga раҳбарлик қилиш, маҳаллий кутубхоналарга мазкур масалалар юзасидан йўл-йўриқ кўрсатишдан иборат эди<sup>31</sup>.

1918 йил 2 ноябрда Туркистон АССР Маориф Халқ Комиссарлиги кутубхона қошида Н.Н.Кулинский раислиги остидаги ҳайъатни тасдиқлади<sup>32</sup>. 1918 йил 27 декабрда ҳайъат Туркистон маориф халқ комиссарлиги раҳбариятига мусулмон кутубхоналари бўйича ўлка инструктори лавозимини таъсис этиш, унга Тошкент Оммавий кутубхонасининг шарқ бўлимини бошқариш вазифасини юклаш ва мазкур лавозимга шарқ тиллари бўйича мутахассис А.А.Гаррицкийни тайинлашни сўраб мурожаат этди<sup>33</sup>. Ушбу лавозим тасдиқланди ва 1919 йил июнда А.А.Гаррицкийга Тошкентда жойлашган мусулмон кутубхоналари ва қироатхоналарини, уларнинг сони, китоблари миқдори ва эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида, кўздан кечириш учун мандат берилди<sup>34</sup>.

Туркистон Давлат кутубхонаси республика кутубхоналарига ёрдам кўрсатиш бўйича кенг фаолият олиб борди: семинар-машгулолари ўтказди, фондлар ва каталоглар тузиш учун тадбирлар тизимини ишлаб чиқди. 1918 йилда кутубхона директори Н.Кулинский «Просвещение» журналида Туркистоннинг маҳаллий кутубхоналари учун кутубхона, китобларини таснифлаш ўнлик жадваллари тайёрлангани ҳақида хабар берди<sup>35</sup>. 1919 йилда Туркистон Маориф Халқ Комиссарлигининг Кутубхоначилик бўлими кутубхона қошида кутубхоначи мутахассислар тайёрловчи олти ойлик курс очди<sup>36</sup>.

Шу йили кутубхона марказлаштирилган тартибда каталоглантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқди ва уларни Туркистон Маориф Халқ Комиссарлигига тасдиқлаш учун тақдим этди<sup>37</sup>.

Кўчма кутубхоналар ташкил этилди<sup>38</sup>.

Кутубхона бўлимлари – филиалларини ташкил этиш учун илмий ва беллетристик мазмундаги китобларнинг дублет нусхалари ажрагилди.

1921—1922 йилларда уларнинг барчаси аста-секин аввал Маориф Халқ Комиссарлигининг Кугубхоначилик бўлими, сўнгра Тошкент шаҳар халқ таълими бўлими ихтиёрига ўтказилди. Орадан бир неча йил ўтгац, айрим филиаллар негизида шаҳарнинг туман кутубхоналари ташкил этилди.

Кутубхона республика вилоятларида ҳам ўз филиалларини ташкил этди, чунончи, у Керкила ўз бўлимларига зга, Казалинск, Черняевка, Самарқанд кутубхоналарига ва ўлгадаги бошқа кутубхоналарга йўл-йўриқ кўрсатар эди<sup>39</sup>.

1919 йили Тошкентга маҳаллий кутубхоналарнинг ходимлари малака оширишга ташриф буюрди: ёз ойларида кутубхонада Ўрта Осиёда биринчи иккى ойлик ўқув курси ташкил этилди. Талабалар бу ерда Туркистон Давлат кутубхонаси ходимлари — Н.А.Буров<sup>40</sup>, А.А.Метленков, Е.К.Бетгер ва бошқалардан сабоқ олдилар. Назарий ва амалий машғулотлар дастурига кутубхоначилик техникаси масалалари киритилган эди. Курсда 40 нафар кутубхоначи таълим оларди.

Шу йилнинг ёзида кутубхона ходимлари В.Н.Смолин ва Е.К.Бетгер Самарқандда кутубхоначилик иши бўйича қисқа муддатли семинар ўтказди. 1924 йилнинг июнида кутубхона базасида Тошкент шаҳар кутубхоналари ходимларининг конференцияси чақирилди<sup>41</sup>.

1924 йилдан кутубхона «Тошкент шаҳар илмий-академик кутубхоналари бирлашмаси»га таяниб иш олиб борди. Мазкур бирлашма кутубхона биносида Йиғилишияр, маърузалар, тўгараклар, курслар ва семинарларнинг машғулотларини ўтказар эди.

Кутубхона мамлакат маркази билан ҳам яқин алоқалар ўрнатди. 1923 йилда у Бутунrossия қишлоқ хўжалиги кўргазмасида, 1924 ва 1926 йилларда — илмий кутубхоналарнинг биринчи ва иккинчи Бутунrossия конференцияларида ҳамда биринчи ва иккинчи Бутунrossия библиографлари съездларида иштирок этди.

ТАССР Давлат илмий кенгашининг 1923 йил 16 сентябрдаги 830-сон буйруғида Туркистон Давлат кутубхонаси бутун Туркистон республикаси учун кутубхоналарни таснифлашнинг янги тури (ўнлик системаси)нинг ўзига хос мактаби бўлгани, шу тариқа собиқ Иттифоқ библиографлари орасида довруқ қозонгани қайд этиб ўтилди<sup>42</sup>.

Кутубхона штати масаласига келсак, 1920 йилга келиб у 35 кишигача кўпайди, йиллик бюджет шу даврга келиб 17.618 рублни ташкил қилди. Кутубхона гузилмаси дарҳол инаклангани ўйқ. Дастрлаб у уч бўлимдан: умумий, Туркистон ва Шарқ бўлимларидан иборат эди. 1919 йил апрелида болалар қироатхонаси очилди. 1919 йил

августиди даврий нашрлар бўлими ташкил этилди. Шу йили Туркистон ва Шарқ бўлимлари бирлаштирилди ва шарқшунослик бўлими ташкил топди. 1921 йил охирига келиб кутубхонада етти бўлим: умумий, шарқшунослик, даврий нашрлар, каталоглар, китобларни бериш, болалар ва библиография бўлимлари иш олиб борар эди.

Библиография бўлими атиги тўрт ой – 1921 йил августидан декабригача фаолият кўрсатди, сўнгра унинг функциялари қисман Н.А.Буров раҳбарлигидаги умумий бўлимга, қисман – М.А.Сикстель бошчилигидаги китобларни бериш бўлимига ўтказилди. Шарқшунослик бўлими уч кичик бўлим: Туркистон, Шарқ лингвистикаси ва қўлёзма китоблар кичик бўлимларидан иборат эди.

Кутубхона ноёб китоб тўпламлари билан тўлдириб борилди. Москва ва Петрограддаги национализация қилинган кутубхоналардан, шунингдек маъддий муассасалардан кутубхонага китоблар келиб турдӣ. 1918 йил нояброда Рус география жамияти ўз Туркистон бўлнимининг 20 минг жилдан иборат кутубхонасини тақдим этди. 1918 йил сентяброда кутубхона тарқатилган ўқув юртлари – Туркистон ўқитувчилар семинарияси, Тошкент реал билим юрти, хотин-қизлар гимназияси китобларининг бир қисмини қабул қилиб олди. 1920 йилда Петрограддаги собиқ Туркистон ватандошлиар ўюшмаси китоблар тўплами таркибидаги ўрта Осиё ҳақидаги китоблар коллекцияси олинди. Жами 23 та муассасадан кутубхонага 40963 нашр бирлиги келиб тушди.

1920 йилнинг октябррида кутубхона илтимосномасига биноан у Россия Марказий китоб палатасидан унга келган барча китобларнинг бир нусхасини олиб турувчи кутубхоналар қаторига киритилди<sup>43</sup>. Аммо Китоб палатаси шу йилларда катта қийинчиликларни бошдан кечираётгани учун, китоблар мунтазам юборилиб турилмас эди. Фақат 1922 йил 17 июлдан, БМИҚ махсус қарорига биноан РСФСР XXКнинг 1920 йил 30 майдаги китоблар мажбурий нусхасини тарқатиш тўғрисидаги қарори Туркистон Давлат кутубхонасига нисбатан ҳам амал қила бошлаганидан кейин, марказдан китоблар мунтазам олина бошланди. 1923 йил 6 марта Россия Марказий китоб палатаси Туркистон Давлат кутубхонасига 15-сон комишиект (25 тадан) ажратилганини қайд этади<sup>44</sup>. 1924 йишининг ўзида кутубхонага 41276 нашр бирлиги келиб тушди, шулардан 31947 таси Москвадан юборилган нашрларнинг мажбурий нусхалари эди.

1918 йил 14 ноябрда Туркистон Давлат кутубхонаси ҳайъатининг мажлисида қуйидаги мазмунла қарор қабул қилинди: «Ўлкада чоп этиладиган барча нашрларни, чупончи: даврий нашрларни – олти

нусхадан, нодаврий нашрларни — беш нусхадан тақдим этиш мажбуриятини ношиплар зиммасига юклаш түгрисида қонун қабул қилиш сўралсин»<sup>45</sup>. Туркистон Марказий Ижроия Кўмитасининг 1919 йил 15 декабрдаги 128-сон буйругига биноан, муайян босма нашрлар (китоблар, брошюралар, газеталар ва ш.к.) чоп этувчи барча ташкилотлар, нашриётлар ва жисмоний шахсларга, нашрларнинг чоп этиш усули ва тилидан қатти назар, даврий нашрларни 4 нусхадан, нодаврий нашрларни эса, 2 нусхадан Туркистон Ҳалқ кутубхонасига тақдим этиш мажбурияти юкланди<sup>46</sup>.

Кейинроқ (1922 йил 10 июнда) Туркистон республикасининг Ҳалқ Комиссарлари Кенгаши ҳам босма нашрларнинг мажбурий нусхаси ҳақида қарор қабул қилди<sup>47</sup>.

Китоблар харид қилиш ҳам кутубхона фондини тўлдиришнинг муҳим манбаига айланди. Туркистон республикасининг маориф ҳалқ комиссарлиги ушбу мақсадга махсус маблағлар ажратар эди. Жумладан, Верний (ҳозирги Алмати) хотин-қизлар гимназияси ўқитувчисининг санъатга доир ноёб китоблари, рус қлассикларининг тўла асарлар тўпламлари, энциклопедиялар ва бошқа адабиётлар жамланган катта кутубхонаси сотиб олинди. Болалар бўлими учун олти мингта китоб харид қилинди. С.М.Граменицкий<sup>48</sup> ва Н.В.Дмитровский<sup>49</sup> кутубхоналаридан сотиб олинган китоб коллекциялари ҳам диққатга сазовор.

1921 йил 25 июнда Туркистон республикасининг ваколатхонаси Россия Федерацияси Маориф Ҳалқ Комиссарлигининг (Москва) илмий ва академик кутубхоналар бўлимига Марказий китоб фондидан Туркистон Давлат кутубхонасига шарқшунослик, Яқин ва Ўрта Шарқ тиллари, этнографияси, ҳуқуқи, тарихига оид босма нашрлар ва материаллар беришни, чунки кутубхона инқизилдан кейинги уч йил мобайнида китоблар билан таъминланмаганини айтиб мурожаат этди<sup>50</sup>.

Кутубхона фондлари ҳадя тариқасида берилган китоб тўпламлари билан ҳам тўлдирилди. Олимлар ва илгор зиёлилар кутубхонага қўплаб китобларни тақдим этдилар. Академик В.В.Бартольд, кутубхонашунос Л.Б.Хавкина томонидан ҳадя этилган китоблар шулар жумласидан. Висоцкий уч мингга яқин китобдан иборат эсперанто тилидаги адабиётлар кутубхонасини ҳадя қилди.

Валюта маблағларига чет эл нашрларини харид қилиш билан бир қаторда, кутубхона 1924 йилдан ҳалқаро китоб алмашиб канали орқали Германиядаги айrim фирмалардан китоблар ва журналлар бўла бошлиди.

1921 йилнинг сентябрида тасдиқланган «Кутубхона тўгрисидаги

низом»да шундай деб қайд этилган эди: «Туркистан Давлат кутубхонаси кенг меҳнаткашлар оммаси текинга фойдаланиши учун мўлжалланган бўлиб, унинг қироатхоналаридан барча фуқаролар илмий мақсадларда фойдаланиши мумкин. Қироатхоналарда китоблардан фойдаланиш тартиби ва муддатлари кутубхона кенгаши томонидан белгиланади... Босма нашрлар ва қўлёзмалар ҳеч кимга уйга берилимайди (босма нашрлар ва қўлёзмаларни муайян шахсларга уйга бериш тўғрисида маориф халқ комиссарлигининг кўрсатмаси бўлган ҳоллар бундан мустасно)»<sup>51</sup>.

Кутубхона ўқувчилари сони ҳам кўпайиб борди. 1921 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра, болаларни ҳисобга кўшимаганда, кутубхона аъзолари сони 2933 тага етди; шулардан эркаклар – 2273; хотин-қизлар – 660; интеллектуал меҳнат билан шуғулланувчилар – 1296; қизил аскарлар – 261; жисмоний меҳнат билан шуғулланувчилар – 143; ўқувчилар – 1205; бошқа тоифа вакиллари – 48. Жами ташрифлар миқдори – 47834, берилган китоблар – 71522<sup>52</sup>.

Кутубхона қироатхонасининг 1918-1924 йиллардаги ишини қўйидаги маълумотлар тавсифлайди: ҳар йили кутубхонага ёзилган доимий ўқувчилар сони – 4062; ташриф буюрганлар сони – 37507; берилган китоблар сони – 61170. 1924 йил охирига келиб кутубхона фонди 141276 нашр бирлигидан иборат эди.

### 3.3. Махсус кутубхоналар тизими

Туркистан АССР махсус кутубхоналар тизимини умумий таълим мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юрглари, турли илмий муассасаларнинг китоб тўпламлари ташкил этар эди.

Туркистан халқ комиссарлари кенгашининг 1918 йил 29 марта «Туркистан республикасида халқ таълими ишини ташкил этиш тўғрисида»ги Буйргуи ўлқада янги давлат халқ таълими тизими (шу жумладан, кутубхоналар тармоғи) ташкил топишига асос бўлди. Буйруққа биноан ушбу мақсадга ажратилган маблағларга давлат бошқарув органлари – ўлка, вилоят, шаҳар ва уезд халқ таълими Кенгашлари тузилди. Ушбу органлар зиммасига янги – совет мактабини ҳамда мактабдан ташқари маданий-маърифий ташкилоглар ва муассасалар – кутубхоналар, ўғов-қироатхоналар, клублар, халқ уйлари, халқ университетлари, музейлар, катталар учун мактаблар тизимини ташкил этиш ишига раҳбарлик қилиш вазифаси юкланди. Кўп миллатли аҳоли яшайдиган республиканинг беноён ҳудудида

маданий-маърифий муассасалар ва умумий таълим мактабларининг кенг тармоғини тузиш ишлари ана шундай бошланди.

### 3.3.1. Умумий таълим мактаблари кутубхоналари

Янги большевистик ҳукумат ижтимоий мазмунига кўра ягона мактабни қуриш жараёнида миллийликнинг зарурлигини анлаган ҳолда, Туркистонда миллий туркий тилли ва форсий забон омма устивор бўлганлиги сабабли, ҳаммадан кўпроқ маҳаллий ўзбек, тоҷик, қозоқ, қирғиз, туркман миллий мактабларини ташкил қилди. Ўзбек совет мактабини барпо этиш жараёнида эски усул мактабларига тетилмади, янги усуздаги жаҳид мактаблари халқ таълими бўлимлари ихтиёрига ўтди ва биринчи марта давлат ҳисобидан маблағ билан таъминлана бошлади. Энг оддий таълим берувчи мактаблар сони (улар дастлабки уч синфни ўз ичига оларди) 1918 йилда (922 та мактаб) 1917 йилдагига нисбатан (576 та мактаб) 346 мактабга кўпайди<sup>53</sup>. 1919—1924 йиллар мобайнида 3 ва 7 синфлик умумий таълим мактабларини ташкил қилиш оммавий тус олди. 1924 йилнинг бошида Туркистон АССРда расмий рўйхатга олинган мактаблар сони қарийб 1100 тага етди<sup>54</sup>.

Тузилаётган мактаблар ўқув адабиётларига ниҳоятда муҳтоҷ эди. 1919 йилда ўзбек тилида «Бошланғич география» ўқув қўлланмаси, «Туркистон» (тарих ва география ўқитиш учун қўлланма), «Арифметика» дарслиги, Т.Н.Қори-Ниёзийнинг «Табиатнинг бир бўлاغи» (табиатшуносликни ўқитиш учун қўлланма), Ш.Раҳимийнинг биринчи ўзбек совет алифбе китоби «Совға», шарқшунос олим В.Л.Вяткиннинг «Рус мактаблари учун ўзбек тили дарслиги» (1918), «Форс тили дарслиги», проф. Н.Л.Корженевскийнинг «Туркистоншунослик» ўқув қўлланмалари чиқарилди. Ўзбек тилидаги дарсликлар рус тилидаги дарсликларга қараганда бир неча баравар кўп эди<sup>55</sup>.

Шу даврда ўрга маҳсус ўқув юртлари тизими ҳам шақлланди. 1924 йилнинг охирига келиб, республикада 16 та касб-хунар билим юрти, 7 та педагогика билим юрти ва техникуми, 7 та педагогика институти, консерватория, ўрта маҳсус ўқув юртлари ҳуқуқига эга бўлган бадиий, техника ва тиббиёт мактаблари иш олиб борар эди<sup>56</sup>.

Барча умумий таълим мактаблари ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ўз кугубхоналарига эга эди, деб бўлмайди, албатта. Айни вақтда, маълум

миқдорда ўқув адабиётларига зга бўлмаган ҳолда, бирон-бир мактаб, техникум ёки билим юрти ўз фаолиятини амалга ошира олмас эди. Шу маънода улар вақт ўтиши билан ўзи учун муайян ёрдамчи фонд таркиб топтирмаслиги мумкин эмас эди. Ўша йиллардаги Туркистон жамиятининг Европа андозаларига кўра ўргача умумий сиёсий, ижтимоий-маданий ва илмий-техник даражасидан келиб чиқиб, ушбу йилдан-йилга кўпайиб ва тўлиб борган ёрдамчи фондни тўла асос билан ўз шаклланишининг дастлабки босқичида бўлган ва ўз ўқувчиларининг талабларига маълум даражада жавоб берган ўқув кутубхонаси турининг бир кўриниши деб ҳисоблаш мумкин.

### 3.3.2. Болалар кутубхоналари

Мактаб кутубхоналари билан бир вақтда ихтисослаштирилган болалар кутубхоналари ҳам ташкил этила бошланди. Бу Туронзамин учун мутлақо янги эди. Маълумки, бу юртда ўрга асрларда ҳам, янги даврда ҳам болалар учун мўлжалланган адабиётлар жамланган маҳсус кутубхоналар бўлмаган эди. Туронзаминда биринчи болалар учун мўлжалланган кутубхона – Марказий болалар кутубхонаси 1918 йил сентябрининг бошларида Тошкентда собиқ ҳарбий Мажлис биносида очилди. Мазкур кутубхонанинг дастлабки негизини собиқ кадетлар корпуси кутубхонасининг китоблар тўплами ва Туркистон Оммавий кутубхонасининг болалар адабиётлари фондининг бир қисми ташкил этди.

1919 йилнинг баҳорида темир йўл вокзали яқинида рус болалар ёзувлчиси В.М. Гаршин номидаги болалар қироатхонаси очилди. Орадан бироз вақт ўтгач, шу 1919 йилнинг ўзида Туркистон Оммавий кутубхонаси ўз таркибида болалар ва ўсмирлар бўлими ҳамда унинг қошида қироатхона ташкил қилди. Кейинчалик Туркистон Оммавий кутубхонаси ўлқада ташкил этилган, миқдори йилдан-йилга кўпайиб бораётган барча болалар кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатди ва ўз фондларини улар билан баҳам кўрди.

Туркистон Оммавий кутубхонанинг болалар ва ўсмирлар бўлими ҳамда унинг қошидаги қироатхона тошкентлик болалар ва ўсмирлар орасида жуда машҳур эди. 1920 йиљда кутубхонага ташрифлар сони 25 мингтага етганининг ўзиёқ бунишининг ёрқин исботидир. Мазкур бўлим аста-секин ўзига хос ёш китобхонлар институтига айланди. Фидокор кутубхоначи А.П. Серебренникова раҳбарлиги остида бу срда ёш китобхонларнинг адабий қизиқишлари ўрганилар, болалар билан

мактабдан ташқари ишлаш методикалари қўлланилар, болалар мутолааси бўйича тадқиқотлар олиб борилар, педагоглар ва кугубхоначиларга маслаҳатлар бериларди. Кутубхона Москвадаги Болалар мутолааси марказий институти билан яқин алоқада иш олиб борарди. Бу унга янги китоблар ҳақида маълумотлар олиш, атоқли кишилар билан алоқалар ўрнатиш, уларни китобхонлар билан учрашувларга таклиф қилиш, янги нашрлар кўргазмаларини ташкил этиш ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказиш имконини берарди.

1925 йилда Туркистон Давлат Оммавий кутубхонасига Москва Болалар мутолааси марказий институти раҳбари, 20-йилларда мамлакатдаги болалар кугубхоналарининг ташкилотчиларидан бири А.К.Покровская ташриф буюорди. У кутубхона болалар бўлимининг иши билан танишиди, кутубхона ходимлари учун маҳсус семинар ўтказди.

Мамлакат ҳаётининг янги шароитларида кугубхоналарда болалар билан ишлаш алоҳида аҳамият касб этди. У ўзига катта эътибор беришни тақозо этар эди. Тошкентда тузилган кутубхоналар бирлашмасида болалар билан ишлаш секцияси ташкил этилди. Унга тажрибали кутубхона ходими М.П.Татаржинская раҳбар этиб тайинланди. Секция болалар кутубхоналари ташкил этиш билан шуғулланар, уларнинг ишини мувофиқлаштирас, китоб фонdlарини болалар адабиётлари билан комплекслашда ёрдам берарди.

Шунга қарамай, болаларга кутубхона хизматлари кўрсатиш даражаси ҳали талабга жавоб бермас, китоб фонdlари ўқувчиларнинг эҳтиёжларини қондиролмас эди. Айниқса, миллий тиллардаги болалар адабиётлари кам чоп этилар, безакли, расмларга бой нашрлар деярли йўқ эди. Барча кутубхоналар ҳам ўз вазифаси, функцияларига жавоб бермас, уларнинг иши ўқувчиларга китоб беришдангина иборат эди. Боз устига, болалар кутубхоналарининг фондларини асосан рус ва Європа тилларида адабиётлар ташкил этарди. Туронзаминда яшайдиган туб аҳоли тилларида болалар учун маҳсус адабиётлар ҳали йўқ эди<sup>57</sup>.

### 3.3.3. Олий ўқув юртлари кутубхоналари

1918 йилнинг баҳорида Туркистонда европача андозадаги олий таълимни шакллантириш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. XX аср бошидан миллий зиёлилар ва, шу жумладан, илғор рус олимлари Тошкентда университет типидаги олий ўқув юртини очиш

зарурлигини таъкидлаб келишар эди. 1918 йилнинг февралида Тошкентда таъсис этилган «Олий таълим дўстлари жамияти» саъй-харакатлари натижасида, шу йилнинг 21 апрелида Туркистон Xалқ университети ташкил этилди<sup>58</sup>. Университет таркибида табиий-математика, ижтимоий-иктисодий, тарих-филология, қишлоқ хўжалиги, техника факультетлари бор эди. Дастребаки даврда университет таркибига Туркистон Оммавий кутубхонаси, консерватория, Xалқ музейи киритилди.

Халқ университети кутубхонасининг китоб фондлари кутубхона фаолиятининг дастребаки ойларида асосан маҳаллий аҳолидан хайрия тариқасида адабиётлар йиғинши йўли билан жамланди. Кутубхона учун мавжуд китобларни аниқлаш ва йиғиншида «Народный университет» кўп тиражли газетаси мухим рол ўйнади. Газета саҳифаларида адабиётлар йиғинши уч кунлиги зълон қилинди. Мазкур иш асосан университет «Талабалар уюшмаси» аъзолари томонидан амалга оширилди. 1918 йилнинг 1 июня қадар 15 минг жилдан ортиқ ўқув ва илмий адабиётлар тўпланди. Улар Фундаментал кутубхона ташкил этиши учун асос бўлиб хизмат қилди<sup>59</sup>.

Кейинги даврда кутубхонага Тошкентдаги собиқ эркаклар гимназиясидан ҳамда Табиат фанлари мугахассислари ва врачлар жамиятидан шарқшунослик мазмунидаги ноёб адабиётларнинг йирик партияси олинди. Кутубхонани Тошкент халқ таълими кенгаши, Тимирязев номидаги маориф институтидан китобларнинг катта-катта коллекциялари тўлдириди. 1919 йилнинг охирида Туркистон Оммавий кутубхонаси туркистоншуносликка оид нашрларнинг уч мингдан ортиқ жилдини ёш халқ университети кутубхонасига ажратди. 1919 йилда Чимкент шаҳрида вафот этган Туркистон ўлкаси билимдони А. Комаровнинг ворисларидан ҳадя тариқасида олинган туркистоншунослик ва қишлоқ хўжалиигига оид китоблар ҳам кутубхона фондига кўшилган муносаб ҳисса бўлди. Мазкур китоблар орасида форсий, туркий ва бошқа шарқ тилларида асарлар, турли даврларда, 50—300 йил олдин ёзилган 30 дан ортиқ қўлёзма ва тошбосма китоблар бор эди.

Ўлкада фуқаролардан адабиётлар сотиб олиш учун университет зарур маблағлар ажратди, турли шаҳарлар ва вилоятларга хизмат сафарлари ташкил қилди<sup>60</sup>.

1918 йилнинг 12 майида Тошкентнинг Эски Жува майдонида жойлашган ва 2004 йилгача Ўзбекистон Ёш томоншабинлар театри фаолият кўрсатган бинода Туронзамин истиқболи учун оташин курашчи, буюк сиёсий арбоб Мунавварқори Абдурашидхонов

раҳбарлигидаги Мусулмон Халқ дорилғунунининг тантанали очиш маросими бўлиб ўтди. Орадан уч кун ўтга, 15 майда дорилғунун Низоми қабул қилинди. Дорилғунун уч (куйи, ўрта, юқори) босқичли бўлиб, 5 йиллик дорилмуаллимин ҳам кўзда тутилган эди. Қисқа муддатда Тошкентда дорилғунунга қарашли 23 мактаб ташкил топди, 299 муаллим дорилғунунга жалб этилди<sup>61</sup>. Дорилмуаллиминда Фитрат она тили ва адабиётдан, Мунавварқори ахлоқ ва она тилидан, Абубакр Диваев этнографиядан, Камол Шамси математика ва геометриядан, Ҳайдар Шавқий гигиена, гимнастика ва олмон тилидан, Исмоил Ҳаққи ва Ризаев маданият тарихидан, Бурхон Ҳабиб сиёсий тарихдан, Абдураҳмон Исмоилов санъат тарихидан, Иброҳим Исмоилов дидактика ва табиатшуносликдан, А. Пройкова рус тилидан дарс бердилар.

Кейинроқ дорилғунун шўйбаси Самарқандда очилди. Туронзамин жадидчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий – раис, таниқли адиллар Ҳожи Муин Меҳрий, Саидаҳмад Сидқий-Ажзий, А. Қурбий, Ш. Мухторий шўйбага аъзо бўлдилар.

Мунавварқори раҳбарлигига фаолият юритган Мусулмон Халқ дорилғунуни ҳақиқий илмий ва олий ўкув юрти, маданият ва маърифат маркази эди. Бу унинг умуммарказий кутубхонаси ташкил этилиб, унга таниқли туркистоншунос олим Абубакр Диваев мудир этиб тайинланганидан ҳам кўриниб турибди<sup>62</sup>. Кутубхона ташкилотчилари бугун Шарққа оид китобларни тўплашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди<sup>63</sup>.

«Бироқ... Шўро ҳукумати Мусулмон Халқ дорилғунунининг фаолиятига йўл бермади. Беш йилга мўлжалланган дорилмуаллимин 4 ойлик курсга айлантирилди ва ўша 1918 йилнинг сентябрь ойи ўрталаридаёқ тугатилди. Рус тилини егарли билмаган маҳаллий ёшлиар олий таҳсилдан маҳрум бўлиб қолавердилар. Туркистонликларнинг четда ўқишишларига 20-йилларнинг ўрталариғача тишини-тишига қўйиб чидаган Шўро ҳукумати, Туркистонда миллий университет ишлашига тоқат қила олмади, — деб ёзади ўзининг юқорида зикр этилган тадқиқотида проф. Бегали Қосимов. — Шу сабабли 1920 йилдаёқ Туркистон Халқ университети (тўғрироғи, рус университети) Давлат университетига айлантирилди»<sup>64</sup>.

1918 йил ноябрда Тошкентда шарқшунос мутахассислар тайёрловчи Туркистон Шарқ институти очилди. Мазкур институт талабалари қадимги Шарқ тарихини, исломшуносликни, мусулмон мамлакатлари тарихи ва маданиятини, уларнинг географияси, иқтисодиёти, фани, фалсафаси, санъатини, араб, форс, инглиз, немис, француз, ўзбек,

қозоқ, Қирғиз, туркман, татар тилларини ўрганар эдилар. Шу нарса диққатга сазоворки, университет кутубхонаси негизини собиқ ұқытывчилар семинариясынинг шарқшуносликка оид адабиётлар фонды (500 жилдан ортиқ) ташкил этди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур фонд бир неча ўн йил давомида семинария директори, туркистаншунос олим Н.П.Остроумов томонидан түпланган бўлиб, шарқ, Европа ва рус тилларидағи илмий жиҳатдан ноёб нашрлардан ташкил топган эди. Кейинчалик кутубхона фуқаролардан сотиб олинган, шунингдек, шарқшунос олимлар томонидаи ҳадя қилинган китоблар билан тўлдирилди<sup>65</sup>.

1918 йилнинг кузида Туркистанда (маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланган Ҳалқ университетига қарама-қарши ўлароқ) Давлат университети таъсис этиш түғрисида марказий ҳукумат билан музокаралар олиб бориш учун Тошкентдан Москвага шарқшунос олимлар А.А.Семёнов ва И.Г.Беловдан иборат ташаббускор делегация жўнаб кетди. Натижада 1918 йилнинг охирида РСФСР Маориф Ҳалқ Комиссарлиги Туркистан Давлат университетини таъсис этиш бўйича маҳсус Ташкилий қўмита тузди. Мазкур қўмита Москва ва Петроградда янги университетнинг бўлажак ўқув лабораториялари учун маҳсус асбоб-ускуналар, кутубхона учун китоблар, журналлар ва ўкув адабиётлари йиғиш, шунингдек, Тошкентда ишлани учун үқитувчиларни жаъл қилиш билан шуғулланган маҳсус бюролар ташкил этди<sup>66</sup>.

Москва Давлат университети Бошқаруви Ташкилий қўмитанинг бўлажак университет факультетлари кутубхоналари, лабораториялари ва кабинетларини жамлаш борасидаги ишига катта эътибор ва хайриҳоҳлик билан ёндаши. 1919 йил 5 сентябрда у проф. И.Г.Александров бошчилигига Кутубхоначилик комиссиясини тузди. Шундай комиссия Петроградда проф. А.Э.Шмидт раислигига тузилди<sup>67</sup>. Бошқарув янги университет учун адабиётлар, ускуналар, кутубхона техникаси ва карточкалар харид қилишни маблағ билан таъминлади. Хусусан, у университетшинг 1919 йил иккинчи ярим йиллиги сметасидан кутубхонага 75 млн. рубл ажратди<sup>68</sup>.

Ижтимоий фанлар бўйича анча кўп адабиётлар тўплаган Петроград кутубхона комиссияси томонидан 800 минг рубл ажратилди<sup>69</sup>.

Ташкилий қўмитанинг В.В.Стратонов, Л.С.Берг каби ва бошқа аъзолари ҳам китоблар ва ҳатто катта-катта кутубхона коллекцияларини харид қилдилар. Хусусан, А.П.Остроухов кутубхонасидан адабиёт, тарих ва илоҳиётга оид 2 мингдан ортиқ жилд, С.В.Челноковдан асосан санъатга оид, академик В.Миллер

ворисидан — тиلىшеносликка оид, профессорлар Егоров ва Л.И.Поливанов кутубхоналаридан — математика ва фалсафага оид адабиётлар олини<sup>70</sup>.

Проф. Д.Д.Плетнев ва доктор К.Г.Хрущев тиббиётга оид адабиётларни түплаш соҳасида катта ишиларни амалга оширди. Улар тиббий асбоб-ускуналар ва 20 минг жилдан ортиқ китоб сотиб олди. Проф. Зеленов ва П.П.Постниковнинг бой кутубхоналаридан жарроҳлик ва тери касалликларига оид 6 минг жилдга яқин ноёб адабиётлар олинди<sup>71</sup>.

Кутубхонага олинган бошқа нашрлар орасида Румянцев кутубхонаси (ҳозирги Россия Давлат кутубхонаси) дублет фондларидан, Лазарев Шарқ тиллари институтидан, Москва табиий фанлар мугахассислари жамиятидан ва бошқа илмий муассасалардан олинган 46 мингдан ортиқ жилдан иборат китобларни қайд этиб ўтиш лозим<sup>72</sup>.

Университетни таъсис этиш бўйича тайёргарлик ишлари Москва ва Петроградда бир йилдан ортиқ вақт давом этди ва, ниҳоят, 1920 йил 19 февралда ўқитувчилар, китоблар ва асбоб-ускуналар ортилган биринчи эшелон Москвадан Тошкентга жўнаб кетди. 86 нафар ўқитувчи (43 профессор ҳамда 43 приват-доцент ва университет маълумотига эга бўлган мугахассислар)нинг аксарияти бу ерга оиласи билан келди<sup>73</sup>.

Дастлаб кутубхона университет билан бирга Қўйлиқ кўчасида жойлашган собиқ Хотин-қизлар гимназияси (ҳозирда Тошкентдаги Вестминстер университети) биносида жойлаштирилди. Кутубхонага ажратилган хоналар мавжуд китоб фондлари ҳажми ва китобхонлар билан ишлаш учун етарли эди.

Кутубхонанинг университет кутубхонаси ва академик кутубхона сифатидаги ҳуқуқий ҳолати РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1920 йилги «Туркистон Давлат университетини таъсис этиш тўғрисида»ги декретининг Низоми билан белгиланар эди. Дастлабки йилларда кутубхона ўз Уставига эга эмасди, у ўз фаолиятида кутубхонанинг умумий академик уставига амал қиласарди. Мазкур устав қайта ишланиб, маълум кўшимча ва ўзгартишлар киритилганидан кейин 1920 йил 8 февралда РСФСР Маориф Халқ Комиссарлиги томонидан тасдиқланган эди. Ушбу устав замирида қуйидаги тамойиллар ётарди: университет кутубхонаси ишини ягона қоидалар бўйича режали равишда йўлга қўйиш, уларда маҳсус кутубхона ишларининг аҳамиятини ошириш, кутубхона ходимларига китобхонларга хизмат қўрсатишида кўпроқ эркинилк бериш, академик кутубхоналар барча илм билан шуғулланувчилар учун очиқлигини

таъминлаш ва, ниҳоят, бунда таркибида кутубхона бўлган олий ўқув юрги манфаатларига риоя қилиш. Устав маълум дараҷада ўзгартирилган таҳтирида Туркистон Давлат университетининг Бошқаруви томонидан 1921 йил 10 ноябрда қабул қилинди. Мазкур уставга биноан кутубхона университет Кенгашига бўйсунар эди.

Ўз фаолиятининг дастлабки йилларида кутубхона раҳбарияти ташкилий-хўжалик масалаларига ва келган адабиётларни тартибга солишига кўпроқ эътибор берди.

Кутубхона штати 1919 йилда 7 кишидан иборат бўлса, 1924 йилда 18 тага етди. Ходимларнинг 5 таси олий маълумотли, 12 таси ўрта маълумотли эди. 1920 йилнинг кузигача кутубхонага Я.П.Перельман, 1921 йил 1 июлгача М.И.Сосновский, 1922 йил январидан эса, В.М.Комаровский мудирлик қилди, илмий котиб вазифасида М.В.Дроздов иш олиб борди. Кутубхонанинг аксарият ходимлари тажрибали кутубхона мутахассислари бўлиб, Туркистон ўлкасининг кутубхоналарида ишлаган эди. Туркистон Оммавий кутубхонаси 1918 йилда кутубхоначилик иши соҳасидаги Йирик мутахассис сифатида Я.П.Перельманни ва университет кутубхонасининг бошқа ходимларини кутубхонадаги фондларни тартибга солиш ва жойжойига қўйишида ёрдам бериш учун таклиф қилди.

М.В.Дроздов жуда катта китоб ҳаваскори эди. Ўлкада врачлик фаолияти олиб бориш билан бир вақтда, у маърифатчилик билан ҳам шуғулланарди, чунончи: кутубхоналар ва ҳалқ қироатхоналари ташкил этишда қатнашарди. Туркистон Пушкин маданий-маърифий жамияти аъзоси бўлган Дроздов кутубхонани янги-янги нашрлар билан тўлдиришда фаол иштирок этди, Туркистонда кутубхоначилик ишини шакллантириш ва ривожлантиришда қатнашди. Университет кутубхонасининг илмий котиби бўлиб ишлаган даврда Дроздов ноёб китобларни излаб топиш ва кутубхона фондини улар билан тўлдиришда жонбозлик кўрсатди. У ўз шахсий кутубхонасида жуда кўп ноёб журналлар ва бошқа нашрларни кейинчалик Ўзбекистон Давлат кутубхонасига ҳадя қилди<sup>24</sup>.

1920 йилнинг кузидан Туркистон Бош сиёсий-оқартурв бошқармасидан китоблар текинга олина бошланди, аммо 1922 йил октябридан текин адабиётлар бериш тўхнатилди. Туркистон республикаси ХҚКнинг 1922 йил 11 октябрдаги Қарорига мувофиқ матбуот нашрлари: босмахоналар ва тошибосмахоналар, ташкилотлар, нашриётлар ва муайян шахслар томонидан нашр этилувчи барча тиллардаги китоблар, газеталар, журналлар, брошюралар ва бошқа нашрларнинг мажбурий нусхалари текинга кела бошлиди.

Кутубхона ваунинг қошидаги қироатхона 1919 йилдан фаолият

күрсата бошлади. Шу даврдан бошлаб китобларни ўнлик системаси бўйича тартибга солиш ва каталогглаштириш, библиографик таснифлаш ишлари олиб борилди. Адабиётлар қўйидаги тарзда тақсимланар эди:

0. Умумий мазмундаги адабиёглар	6936 жилд
1. Фалсафа бўлими	2178 жилд
2. Дин бўлими	2302 жилд
3. Ижтимоий фанлар бўлими	7093 жилд
4. Тилшунослик бўлими	6070 жилд
5. Аниқ фанлар бўлими	6458 жилд
6. Амалий фанлар бўлими	6956 жилд
7. Санъат бўлими	1478 жилд
8. Адабиёт бўлими	7806 жилд
9. Тарих ва география бўлими	9495 жилд
10. Шарқ бўлими	1168 жилд <sup>1</sup>

1924 йилнинг январига қадар жами 51940 жилдан иборат нашрлар тартибланди, инвентаризация қилинди ва каталогглаштирилди<sup>75</sup>. Кутубхона шу даврда жуда кўп билим тармоқларига оид адабиётларга эга эди. 20 минг жилдан иборат тиббий мазмундаги адабиётлар университет тиббиёт факультетининг кугубхонасига берилди<sup>76</sup>.

Кутубхона адабиётлари университет ходимлари, ўқитувчилари, талабалари ва хизматчилари ҳамда шаҳар фуқароларига абонемент бўйича, уйига ва қироатхонада фойдаланиш учун берилар эди. Масалан, 1923/24 ўқув йилида ўқувчиларга жами 25643 жилд, шулардан, 18 мингтаси – уйга берилди. Ўқувчилар орасида беллетристик адабиётларга, адабиёт тарихи, аниқ ва ижтимоий фанларга оид нашрларга талаб, айниқса, катта эди. Ҳар ойда ўрта ҳисобда 2137 жилд бериларди<sup>77</sup>.

Кутубхона ва қироатхона якшанбадан ташқари ҳар куни ишлар эди. Китоблар эрталаб соат 9 дан 5 гача бериларди, қироатхона кеч соат 9 гача ишларди.

Кутубхонанинг китоб фонди 1921 йилда 81 минг нашр бирлигидан иборат эди. Кутубхонага мингта яқин киши аъзо бўлиб, шулардан атиги 30 талаба маҳаллий миллатлар вакиллари эди<sup>78</sup>. Маҳаллий миллатлар вакилларининг озлиги шу билан изоҳланадики, ўша даврда маълумотли ёшлар орасида рус тилини билувчилар жуда кам эди. Университет ташкил тоғган дастлабки кунларданоқ унинг профессор ва ўқитувчилар таркиби, асосан, рус олимларидан иборат бўлганилиги

сабабли, рус тилини билмайдиган маҳаллий аҳоли ёшлари учун университеттега ўқиш муаммо бўлиб қолган эди. Масалан, 1923/24 ўқув йилида университетга ўқишига кирган 2047 талабадан фақат 51 нафаригина маҳаллий миилат ёшларидан эди, холос<sup>79</sup>.

1922 йилда Тошкентда Ўрта Осиё коммунистик университети ва унинг кутубхонаси ташкил этилди. Унинг китоб фонди 1925 йилда 27 минг нусха бўлиб, шундан 5 минггаси туб ерли халқлар тилларида эди<sup>80</sup>.

### 3.3.4. Илмий муассасалар кутубхоналари

Шу йилларда илмий муассасаларнинг маҳсус кутубхоналари тармоги ҳам ривожланди. Мазкур кутубхоналар 1924 йилга келиб анча салмоқли китоб фондига эга эди. Масалан, Тошкент астрономик ва физик обсерваториясининг ноёб китоблар жамланган кутубхонаси бор эди. Унинг фондлари астрономия, геодезия, метеорология, Ер физикаси, Ер магнетизми, сейсмология ва бошقا фанларга оид 10000 жилдан ортиқ ҳар хил нашрлардан ташкил топган эди.

Тимиризев номидаги ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти ҳам йирик кутубхонага эга эди. 1924 йилда унинг фонdlарида 28578 та китоб мавжуд, штатида 11 киши ишларди. Республика Маориф Халқ Комиссарлиги қошида Недагогик кутубхона ташкил этилди. Бу ерда марказдан олинувчи адабиётлар жамланар эди. 1924 йил охирига келиб унинг фонди 6000 жилдан ошиб кетди. Бу ерда методик қўлланмадар, педагогик адабиётлар ва раҳбар қўлланмалар, айниқса, кўп эди.

1918 йилнинг ёзида Маориф Халқ Комиссарлиги қошида таниқли маърифатчи олим Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигига «Ўркӣ шӯъба» ташкил этилди. Бу шӯъба 1920 йилда «Илмий бўлим», 1921–1922 йилларда «Илмий кенгаш», 1922–1924 йилларда «Давлат Илмий Кеңгаши» (ДИК) номи билан иш олиб борди. ДИК қошида «Мусиқа-этнографик билим ҳайъати», «Ўзбек билим ҳайъати», «Театр-этнографик билим ҳайъати» ҳамда «Этнографик билим ҳайъати» бўлган. Ушбу ҳайъатларда республиканинг етакчи олимлари или олиб борган. Масалан, шоир Элбек раислик қилган «Ўзбек билим ҳайъати» таркибида F.Юнусов, К.К.Юдахин, Е.Д.Поливанов, F.Зафарий каби олим ва ёзувчилар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси умумий таълим мактаблари учун ўзбек тилида дарслклар, ўқув-методик қўлланмалар ва илмий-оммабоп асарлар яратишдан ибораг эди. ДИК қошида фондида маҳаллий ва рус тилларидағи адабиётлар жамланган каттагина кутубхона ҳам бор эди.

1921—1924 йилларда педагогик лаборатория, обсерватория, университетларнинг кафедралари, консерватория қошида янги маҳсус кутубхоналар ташкил этилди. Рус география жамияти Туркистон бўлими, Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти кутубхоналарининг фондлари кўпайди.

### Хулоса

Шундай қилиб, 1924 йил охирига келиб Туркистон АССРда кутубхоначилик иши сезиларли даражада ўзгарди. Моҳият эътибори билан, универсал ва маҳсус кутубхоналар тизими янгидан ташкил этилди. Шаҳар кутубхоналарининг оз қисмигина республика ташкил топган давргача ўтмишдошларга эга эди. Аммо шу кутубхоналар ҳам тўлиқ қайта тузилди, уларнинг китоб фондлари эса бир неча баравар кўпайди. Кутубхоналарга давлат бюджетидан маблағлар ажратилиши, миллий матбаачилик ишининг ривожланиши, Марказий кутубхоналар коллекторининг фаолияти, муайян кутубхоналар учун нашрларнинг мажбурий нусхаси тизимининг жорий этилиши республика кутубхоналар тармогига барқарор ва анча режали равишда ривожланиш имконини берди. Турли идораларнинг кутубхоналари, чунончи: республика ва вилоят аҳамиятига молик давлат универсал илмий кутубхоналари, Туркистон Бош сиёсий-оқартув бошқармаси, марказий туман, шаҳар, қишлоқ кутубхоналари ва кўчма кутубхоналар, касаба ююшмалари, ҳарбий кутубхоналар, умумий таълим мактаблари, ўрта маҳсус ва олий ўқув юрглари, илмий жамиятлар ва муассасаларнинг кутубхоналари, болалар ва ўсмирлар кутубхоналари универсал илмий, универсал оммавий ва маҳсус кутубхоналар тизимини ташкил этди.

Кутубхоналарнинг умумистифодалик принципи қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди, улар аҳолининг барча тоифаларига кенг эшик очдишлар, китобни шаҳар ва қишлоқ аҳолисига, катталарага ҳам, болаларга ҳам яқинлаштириш, минглаб кишиларни мутолаага жалб қилиш учун қўлларидан келган барча ишни қўйдилар. Замон ўзгариши билан кутубхоналар фаолигигинанг хусусияти ҳам ўзгарди. Улар мамлакатнинг ижтимоий, илмий, маърифий ва ҳатто хўжалик ҳаётидаги олдингидан анча фаол иштирок эта бошладилар, саводхонликни ёйишда, сиёсий ва маданий оқартувуга, илмий билимларни ўзлаштиришга, халқнинг малакаси ва техник савиясини оширишга ёрдам бердилар.

## Фойдаланилган адабиётлар ва изоҳлар

<sup>1</sup> Большевиклар ва сўл эсерлар иттифоқи 1918 йил баҳоргача, сўл эсерлар ҳокимиятни большевиклар қўлидан тортиб олиш мақсадида исён кўғаргунга қадар фаолият кўрсатди. Большевиклар (коммунистлар) партияси бу исённи бостириди ва мамлакатни ҳукмрон партия сифатида яна 73 йил – 1991 йил августининг охиригача бошқарди.

<sup>2</sup> «Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг муҳим таркибий қисмлари кўйидагилардан иборат бўлди: барча йирик ва ўрта саноат корхоналари ҳамда кичик корхоналарнинг аксарияти национализация қилиниши (мусодара этилиб, давлат тасарруфига ўтказилиши); саноат ишлаб чиқариши ва тақсимлашга раҳбарликнинг марказлаштирилиши; умумий мажбурий меҳнат мажбурияти; хусусий савдонинг тақиқланиши; аҳолини маҳсулотлар билан таъминлашнинг карточкага асосланган режали тизими; озиқ-овқат развёрсткаси (продразвёрстка): қуролланган озиқ-овқат отрядлари томонидан деҳқонлардан шахсий ва ҳўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларининг нормадан ортиқ қисмининг зўравонлик йўли билан тортиб олиниши.

<sup>3</sup> Ушбу сиёсат, «ҳарбий коммунизм» сиёсатидан фарқи ўлароқ, янги иқтисодий сиёсат деб номланди. Унинг асосий таркибий қисмлари: продразвёрстканинг деҳқонларга озиқ-овқат солиғи (20% га яқин) билан алмаштирилиши; хусусий савдо, кичик капиталистик корхоналар фаолиятининг рухсат этилиши, концессиялар, давлат назорати остида кичик корхоналар ва ернинг ижарага берилishi тариқасида давлат капитализмига йўл қўйилиши; давлат саноатининг ҳўжалик ҳисобига ўтказилиши; меҳнаттага натура билан ҳақ тўлаш тарбибидан меҳнат миқдори ва сифатига қараб пул билан ҳақ тўлашга ўтилиши; халқ ҳўжалигида давлат бошқарувининг сақлаб қолиниши.

<sup>4</sup> Хусусий мулкни экспроприация қилиш – бу муайян ижтимоий синф, турӯҳ ёки табақанинг бошқа ижтимоий синф, турӯҳ ёки табақа томонидан ишлаб чиқариш воситалари, мулк ва аввалги ҳуқуқларидан маҳрум этилиши; шу тартибда маҳрум этиш, тортиб олиш, мусодара қилиш.

<sup>5</sup> Қаранг: Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917–1924 гг.). Сборник документов, т. 1, с. 434–435.

<sup>6</sup> Қаранг: Чабров Г.Н. О национализации полиграфических предприятий в Туркестанской АССР (1918–1920 гг.) // Научные труды ТашГУ. Новая серия. Вып. 238. Ташикент, 1964. – С. 136.

<sup>7</sup> ЎзР МДА, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 1072-иши, 29-варақ.

<sup>8</sup> Қаранг: Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917–1924 гг.). Сборник документов, т. 1, с. 396–397.

<sup>9</sup> Ўша ерда. – С. 397–398.

<sup>10</sup> ўша ерда. – С. 397.

- <sup>11</sup> Қаранг: Издательское дело в первые годы Советской власти (1917—1922). Сборник документов и материалов. М., 1972, с. 72.
- <sup>12</sup> Қаранг: Десятичная библиографическая классификация. (Сост. чл. комиссии по реорганизации ТПБ Е.К.Бетгером, Л.К.Давыдовым и А.А.Метленковым). Т., 1918, 71 с.
- <sup>13</sup> ЎзР МДА, 34-жамғарма, 1-рўйхат, 261-инш, 146-варақ.
- <sup>14</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 11-иш, 43-варақ.
- <sup>15</sup> Е.К.Бетгер. Десятичная система библиографической классификации. Изд. 2-е, испр. и значит. доп. Т., Туркгосиздат, 1922, 109 с.
- <sup>16</sup> Қаранг: «Библиографические известия», 1922, №4, с. 39.
- <sup>17</sup> Бүтунrossия Советлар Марказий Ижроия Қўмитасининг Матбуот напирлари билан таъминлаш ва уларни тақсимлаш бўйича марказий агентлиги — Центропечать БМИК Президиумининг 1918 йил 26 ноябрдаги қарорига биноан ташкид этилган эди. 1922 йилнинг марта 1-даги Центропечать вазифаси фақат даврий напирларни етказиб бериш ва улар билан чакана савдо қилишдан иборат бўлган Почта ва телеграфлар Халқ Комиссарлигининг матбуот агентлигига айлантирилди.
- <sup>18</sup> Қаранг: Издательское дело в первые годы Советской власти (1917—1922). Сборник документов и материалов. М., «Книга», 1972, С. 29.
- <sup>19</sup> Қаранг: Культурное строительство в Туркестанской АССР (1917—1924 гг.). Сборник документов, т. 1, с. 457.
- <sup>20</sup> Қаранг: «Известия» ТуркЦИКа, 20 мая 1920 г.
- <sup>21</sup> Қаранг: Меженина Е.М. Агитпоезд «Красный Восток». Ташкент, Узгосиздат, 1962, С. 49.
- <sup>22</sup> Ўша ерда. — 46 б.
- <sup>23</sup> Қаранг: Меженина Е.М. Агитпоезд «Красный Восток». Ташкент, Узгосиздат, 1962, С. 56.
- <sup>24</sup> Қаранг: Статистический ежегодник. 1917—1923 (Составлен под ред. Д.Н. Красновского). Т.1, Ташкент, 1924, табл. 7.
- <sup>25</sup> Қаранг: Касымова А.Г. История библиотечного дела в Узбекистане. Т.: Укитувчи, 1981. — С. 52.
- <sup>26</sup> ЎзР МДА, 267-жамғарма, 1-рўйхат, 118-инш, 1-варақ. Орадан бир ой ўтгач, В.И.Вольпин комиссия таркибидан чиқди ва 1918 йил 1 августдан унинг ўрнига кутубхона каталоглар бўлнимининг бўлажак раҳбари А.А.Метленков ишлай бошилади.
- <sup>27</sup> ЎзР МДА, 34-жамғарма, 1-рўйхат, 41-иш, 220-варақ.
- <sup>28</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 4-иш.
- <sup>29</sup> «Просвещение», 1918, №23.
- <sup>30</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иш, 122-варақ.
- <sup>31</sup> Ўша ерда, 142-варақ.
- <sup>32</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 4-инш, 163-варақ.
- <sup>33</sup> ЎзР МДА, 267-жамғарма, 1-рўйхат, 117-иш, 16-варақ.
- <sup>34</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иш, 61-варақ.
- <sup>35</sup> Қаранг: «Просвещение», 1918, №23.

- <sup>36</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 7-иши, 505-вараг.
- <sup>37</sup> Қаранг: Известия ТуркЦИКа, 1919, №129.
- <sup>38</sup> ЎзР МДА, 34-жамғарма, 1-рўйхат, 261-иши, 146-вараг; 412-жамғарма, 1-рўйхат, 6-иши, 139-вараг.
- <sup>39</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 8-иши, 18-вараг.
- <sup>40</sup> Қаранг: Б.В.Лунин. Николай Аполлонович Буров (1885—1969). — «Советская библиография», 1969, №5, С. 80.
- <sup>41</sup> Қаранг: «Туркестанская правда», 1924, №№135, 140.
- <sup>42</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 44-иши, 88-вараг.
- <sup>43</sup> Қаранг: «Наука и просвещение», 1922, №2, с. 200.
- <sup>44</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 42-иши, 37-вараг.
- <sup>45</sup> ЎзР МДА, 267-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иши, 4-вараг.
- <sup>46</sup> Қаранг: «Известия крайкома РКП и ТуркЦИКа», 1920, №38 (80).
- <sup>47</sup> Қаранг: «Известия ЦИК Туркестана», 1922, №135.
- <sup>48</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 7-иши, 174-вараг.
- <sup>49</sup> ЎзР МДА, 267-жамғарма, 1-рўйхат, 120-иши, 2-вараг.
- <sup>50</sup> ЎзР МДА, 267-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иши, рақамсиз варақ.
- <sup>51</sup> Қаранг: «Наша газета», 1918, №255; «Туркнаркомпрос. Бюллетеңь офиц. сообжений и распоряжений», 1921, №3, с. 7-8.
- <sup>52</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 11-иши, 3-вараг.
- <sup>53</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000. — 138 б.
- <sup>54</sup> Қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи. Т.: Фан, 1974. — 377 б.
- <sup>55</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000. — 141 б.
- <sup>56</sup> Ўша ерда. — 273 б.
- <sup>57</sup> Қаранг: Шермухamedov P. Детская литература Узбекистана. Очерки. М.: Детская литература, 1974. — 111 с.
- <sup>58</sup> Қаранг: Народный университет. Очерки Туркестанского народного университета. Т.: 1918, 88 с.
- <sup>59</sup> Қаранг: Кормилицин А.И. Научная библиотека Ташкентского государственного университета (1918—1993). Т.: 1996. — С. 6.
- <sup>60</sup> Ўша ерда. — 7 б.
- <sup>61</sup> Қаранг: Холбоев С. Миллий университетнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши. Т.: Шарқ, 2003. — 57 б.
- <sup>62</sup> Қаранг: Халқ дорилғунуни // 1918 йил 15 июнь, З-сон.
- <sup>63</sup> Қаранг: Холбоев С. Кўрсатилган асар. — 63 б.
- <sup>64</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.: Маънавият, К. — 36 б. «Рус университети» деб муаллиф 1918 йил 21 апрелда Тошкентда ташкил этилган Туркестон Халқ университетини назарда тутмоқда.
- <sup>65</sup> Туркестон Шарқ институти 1924 йилгача ишлади, сўнгра у шарқ факультети сифатида Ўрта Осиё Давлат университети таркибига киритилди.
- <sup>66</sup> Қаранг: Кормилицин А.И. Научная библиотека Ташкентского

государственного университета (1918—1993). Т.: 1996. — С. 7.

<sup>67</sup> Қарант: Кормилицин А.И. Научная библиотека Ташкентского государственного университета (1918—1993). Т.: 1996. — С. 8.

<sup>68</sup> Ўша жойда.

<sup>69</sup> Ўша жойда.

<sup>70</sup> Ўша жойда.

<sup>71</sup> Ўша жойда.

<sup>72</sup> Ўша жойда. — 9 б.

<sup>73</sup> Қарант: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000. — 148 б.

<sup>74</sup> Қарант: Кормилицин А.И. Научная библиотека Ташкентского государственного университета (1918—1993). Т.: 1996. — С. 10.

<sup>75</sup> Ўша жойда. — 11 б.

<sup>76</sup> Қарант: Кормилицин А.И. Научная библиотека Ташкентского государственного университета (1918—1993). Т.: 1996. — С. 11—12.

<sup>77</sup> Ўша жойда. — 12 б.

<sup>78</sup> Ўша жойда.

<sup>79</sup> Ўша жойда.

<sup>80</sup> Ўша жойда.

<sup>81</sup> Қарант: Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида, Т.: Шарқ, 2000. — 274 б.

<sup>82</sup> Қарант: Қосимова О./. Ўзбекистонда кутубхоначиллик тарихи. Т.: ўқитувчи, 1992. — 46 б.

# VI БОБ

## ШЎРО МУСТАБИД ТУЗУМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИ (1924—1945)

### 1-§. Жамиятда ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий-маърифий ўзгаришлар ва кутубхоначилик иши

Кутубхоначилик ишининг инсон ақлий фаолиятига, маориф, маданият ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган маънавий ва ижтимоий-амалий фаолият тармоғи сифатида ривожланиши 1924—1945 йилларда жамият ижтимоий-сиёсий, халқ хўжалиги ва маданий ҳаётининг барча жабҳаларидағи муҳим ҳодисалар билан узвий боғлиқлика содир бўлди. Хўш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва ижтимоий-маданий ҳаётидаги қайси воқеа-ҳодисалар ва омиллар мазкур тарихий босқичла кутубхоначилик ишининг ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этди?

Бу, энг аввало, коммунистик партия ва шўро давлати олий органлари ташаббуси, олдиндан ишлаб чиққан режаси ва ғоявий-ташкилий раҳбарлиги остида «Ўрга Осиё халқарининг милий-давлат чегараланиши» деган баҳонада амалга оширилган Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм халқ шўро республикаларининг тугатилиши ва уларнинг худудида Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССРнинг (1924 йил 27 октябрь), Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССРнинг (1929 йил октябрда — Тожикистон ССРнинг), РСФСР таркибида Қирғизистон АССРнинг (1936 йил 5 декабрда — Қирғизистон ССРнинг) ташкил топишидир. 1936 йили Қорақалпоғистон АССР Россия Федерацияси таркибидан чиқарилди ва Ўзбекистон ССР таркибиға киритилди. Шу тариқа, зўравонлик ва маъмурий тазиён үтказиш йўли билан суперэтник, диний, маданий, ижтимоий ҳолати, табақаланиши, турмуш тарзи, урф-одатлари, ахлоқи, маънавий-маърифий меъёрлари, эстетик ва бадиий қарашлари жиҳатидан ягона бўлган Туронзамин халқини қисмларга ажратили амалга оширилди. ҳукмрон мустабил марказ ўз сиёсатининг жўкрофий-сиёсий ва мустамлакачилик жиҳатлари нуқтаи назаридан, Туронзаминда ҳатто Туркистон АССРдек шўро муҳторияти шаклидаги ягона ва яхлит

давлат түзілмаси мавжуд бўлишидан манфаатдор эмас эди. 1925 йили СССР Советларининг III съездиде Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР Иттифоқ таркибиغا қабул қилинди. Совет Иттифоқи номига федератив, «ўз моҳияти билан унитар<sup>1</sup> давлат эди», шу сабабли «Ўзбекистон (Иттифоқ таркибидаги бошқа республикалар каби – Э.О.) фақат номигагина СССР таркибидаги суверен республика ҳисобланган... Ўзбекистон Иттифоқ партия-совет органдарига тўла қарам бўлиб, унинг раҳбарияти ва директиваларини, шу жумладан, республиканинг ички ижтимоий-сиёсий ҳаётига тааллуқли кўрсатмаларини оғишмай бажаришга мажбур эди»<sup>2</sup>.

20 – 30-йиллар оралиғида истиқлолчилар кураши, барча ихтилофдаги сиёсий паргиялар тугатилиши натижасида сабиқ Иттифоқда коммунистик партияning ҳокимиятга нисбатан монополиясига ва чекъланмаган диктаторлик ваколатларига эга бўлган шахс бошчилигидаги партия раҳбарлари иерархиясига асосланган мустабид-авторитар ҳокимият тизими шаклланди. Партия ҳокимияти давлат сиёсий тизими ва маъмурӣ-буйруқбозлик иқтисодиёти доирасида жамиятни бошқариппенинг барча дастаклари устидан муглақ назорат ўрнатди. Совет социализми тизимининг шаклланиши билан бир вақтда кенг миқёсда қатағонлар, жамиятда ялли кўрқўванинг кучайиши, хурфикрлиликнинг ҳар қандай шаклларига қарши аёвсиз кураш, шунингдек, очарчилик йиллари. (1929 – 1934, 1945 – 1948), озиқ-онқат маҳсулотларини сотиш қатъий меъёрга солинган, аҳолига нон карточкалар бўйича берилган, Иттифоқ душман давлатлар қуршовида ва ҳалқаро изоляцияда бўлган шароитларда мамлакатни саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини ялпи жамоалаштириш, таълим, илм-фан ва маданий-маърифий муассасалар тизимини ташкил этиш ишлари амалга оширилди<sup>3</sup>.

Маъмурӣ буйруқбозлик усуслари мустаҳкамланиб бориши билан, ялпи кўрсаткичлар ортидан қувиши, большевикча «инқилобий» йўллар ва усуслар устиворлик қила бошлади. «Халқнинг маърифатга, фанга ва миллий маънавиятга бўлган интилиши хукмрон кучлар томонидан узоқни кўшламай ва яхши ўйламай олиб борган сиёсатлари натижасида, сиёсий манфаатлар йўлига бурилди. Янги зиёли кадрларни шакллантириш, эски мавжуд миллий зиёлиларни йўқ қилиш ана шу мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Саводхонлик даражасининг ўсиши бюрократик бошқарув тизимининг мустаҳкамланиб бориши, техника тараққиёти томон юриш ва илмий муассасаларнинг ташкил тоиниш жараёнлари улар устидан қаттиқ мафкуравий назоратнинг ўрнатилиши билан ҳамоҳанг равишда юз берди»<sup>4</sup>.

Жамиятда муайян бирфиркилийкни қарор топтириш учун бошқача

фикрловчиларга қарши умумий мағқуравий кураш йўналишида ўзбек ёзувини ислоҳ қилиш амалга оширилди. Айни ҳолда ўзбек алифбосини Туронзаминда 742 йилдан бошлаб қўлланилиб келинган араб ёзувидан 1929—30 йилларда лотин ёзувига, сўнгра илмий жамоатчилик томонидан муҳокама қилинмасдан, «юқори»нинг кўрсатмасига биноан, 1940 йилда русча (кириллча) ёзувга ўтказилиши тўғрисида сўз юритилмоқда<sup>5</sup>.

Моҳият эътибори билан, 1930 ва 1940 йилларда Ўзбекистонда ва умуман Туронзаминда ҳалқ ижтимоий онгидаги иккита туб ўзгарининг асос ясалди. Авлодлар маданий-тарихий ворисийлиги табиий жараёнига, ҳалқнинг ўз маданий, маънавий ва маърифий меросидан ва шахснинг шаклланиши ва ижтимоийлашувида иштирок этувчи аждодлардан қолган бутун интеллектуал бойлигидан баҳраманд бўлишига қақшатқич зарба берилди. Ҳалқнинг тарихий хотирасига жуда катта зарап етказилди. Бугунги кунда ўзбек адабий матни инқирози муаммоларини таҳлил қилас экан, тилшунос олим, Ўзбекистон Миллий университети профессори А.Б.Жўраев шундай деб қайд этади: «ўзбек адабий матни инқирози муаммоси ўзбек тилшунослигида ижтимоий лингвистик муаммо сифатида ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланқи, матидан оммавий тарзда қониқмаслик XX асрда ўзбек адабий матнини яратувчилар ва ундан фойдаланувчилар учун одатдаги бир ҳол бўлган эди. Бу араб, лотин ва кирил ёзувларига ҳамда турли имло қоидаларига асосланган ўзбекча матнлар ўртасидаги тўқнашув билан чамбарчас боғлиқ. Тўқнашув матн анъаналарининг бузилишида, хусусан, матнлар ўртасидаги график-имло ва функционал-стилистик номуганосиблиқда намоён бўлди. Ҳар сафар бошқа ёзув ва имлога ўтишда бир матн ҳамжамиятига якун ясалар ва текстуал хотира йўқолар, янги матн ҳамжамияти вужудга келиб, янги матн анъаналари ва текстгуал хотира шаклланар эди. Матнни стандартлаштириш ва ностандартлаштириш жараёnlари кетма-кет солир бўларди. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, охирги 80 йил ичida ўзбек тили ўз ёзуви ва имлосини 1922, 1929, 1934, 1940, 1956, 1993, 1995 йилларда ислоҳ қилди ва бу жараён ҳануз давом этмоқда»<sup>6</sup>.

Модомики, ўзбек алифбеси лотин ёзувига ўтказилганидан сўнг республика кутубхоналаридан қўлёзма китоблар ва бу ерда миллий матбаачилик вужудга келган пайтдан (1883 йил) бошлаб то XX асрнинг 20-йиллари охиригача араб ёзувида нашр этилган барча китоблар олиб қўйилган, 1940 йилда кириллча ёзувга ўтилганидан кейин эса, кутубхоналарнинг фондларидан лотин ёзувида чоп этилган барча ўзбекча китоблар эскирган ва тўзган нашрлар сифатида чиқариб

олинган экан, 1940 йилгача миллий китоб фондларининг қандай ўсиши ёки бойиши тўғрисида сўз юритиш мумкин?! Ўз-ўзидан равшанки, 1940 йилгача Ўзбекистон кутубхоналари фондларининг ўсиши ва бойиши тўғрисида сўз юритилганида рус ва бошқа хорижий тиллардаги китоблар назарда тутилади.

Араб ёзувидағи миллий қўлёзма китоблар репертуари масаласига келсак, унинг тақдири жуда фожиали кечди. Вақти-вақти билан кескинлашиб турган динга, одамлар онгидаги «ўтмиш сарқитлари»га қарши кураш ва ялпи қўркув ҳукм сурган шароитларда, ҳатто уйда араб ёзувидағи қўлёзма китоблар сақлаганлик учун ҳам, сиёсий қатағонга учраш мумкин бўлган бир пайтда кўпчилик ўзининг ва яқинларининг тақдирини ўйлаб, қўлёзма китобларни тунда яширинча сахрого олиб чиқиб кўмиб қўйишар, эски қудуқларга ташлашар, дарёга оқизишар эди. Одамлар билан бирга китобларга ҳам қирғин келган эди. Шу тариқа бизгача етиб келмаган илмий, фалсафий, тарихий ва бадиий адабиётларни ўзида жамлаган ўзбек, туркий, форс, араб тилларидаги юз минглаб ноёб қўлёзмалар нобуд бўлди. Аммо ҳамма ҳам шундай иш тутгиди. Бундай иш тутишга имони йўл қўймаган одамлар ҳам бўлди.

Ўтмишнинг аксарият қўлёзма китоблари ҳозирги замон учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини зиёлиларнинг илғор вакиллари яхши тушунар эди. Айнан шарқшунос олимларнинг қатъий талабига ҳамда ўз ташаббуси ва эътиқодига кўра Ўзбекистон халқ комиссарлари Кенгашининг раиси Файзулла Хўжаев 1933 йил 25 апрелда «Республика қўлёзма фондларини бирлаштириш тўғрисида» қарор қабул қилиди. Мазкур қарорга биноан Тошкентдаги Давлат кутубхонаси Ўзбекистондаги қўлёзмалар сақланадиган марказий ташкилот деб зълон қилинди ва республиканинг барча муассасаларига ўзларида сақланаётган ҳар қандай мазмундаги шарқ қўлёзма китобларини икки ой муддат ичida ўз ҳисобидан юқорида зикр этилган кутубхонага етказиш мажбуриятини юклади. Қарорда аҳолидан қўлёзмаларни сотиб олишга маблағлар ажратиш ҳам назарда тутилган эди. 1944 йили Давлат кутубхонасининг шарқ бўлими негизида Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институти ташкил этилганидан сўнг, қўлёзмаларни сақловчи марказий ташкилот функцияси шу институттга ўтказилди. Бугунги кунда бу ташкилот Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти деб номланади.

## **2-§. Кутубхоначилик иши тизимининг ривожланиши**

### **2.1. Универсал оммавий кутубхоналар тизими**

Мамлакат миқёсида универсал ва маҳсус кутубхоналар тизимига ташкилий раҳбарликни Туркистон Маориф халқ комиссарлиги ўрнига янги тузишган Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигининг Кутубхоначилик бўлими амалга оширап эди. Кутубхоначилик бўлими ўзига тобе бўлган Давлат Оммавий кутубхонаси орқали умумистифода кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатар эди. 1934 йили бўлим Кутубхона бошқармасига айлантирилди.

1924 йили республика ҳудудидаги бугун кутубхоналар тармоғи расмий маълумотларга кўра, китоб фонди 171700 нусхадан иборат бўлган 43 кутубхонани ўз ичига олар эди. 1928 йил охирига келиб кутубхоналар сони тўрт баравар кўпайди ва 187 тага етди, уларнинг китоб фонди эса 358800 нусхани ташкил қилди. Аммо шуну таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур кутубхоналар аксариятининг китоб фондлари жуда камбағал бўлиб, 200—2000 нусхадан иборат эди. Ўн бештага яқин кутубхона фондидагина китоблар сони 15—20 минг нусхага етарди. Адабиётларнинг аксарият қисми рус тилида эди. Ўзбек тилидаги ва бошқа маҳаллий халқларнинг тилиларидаги китоблар ҳатто округ ёки шаҳар аҳамиятига молик кутубхоналарда ҳам кам учаради.

1930 йил июнда республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлиннишида ўзгаришлар рўй берди: округлар тутатилди, республика эса 73 та йирик туманга ва 1696 та қишлоқ шўросига бўлинди. Энди ҳар бир туман ўз марказида кутубхонага эга бўлиши лозим эди. Биринчи нафбатда собиқ уезд кутубхоналари туман марказий кутубхоналарига айлантирилди. Маориф халқ комиссарлиги маълумотларига қараганда, 1932 йили республикада 234 қишлоқ ва 117 шаҳар стационар кутубхоналари, шунингдек тегишинча 79 ва 37 та кўчма кутубхоналар фаoliyat кўрсатган.

Маориф халқ комиссарлиги томонидан 1932 йили ишилаб чиқилган ва тасдиқланган «1933—1937 йилларда республика кутубхона муассасалари тармоғини кенгайтириш режаси»га кўра кутубхоначилик Курилишини ривожлантиришнинг кенг дастури белгиланди. Кўрсатилган йиллар давомида кутубхоналарнинг умумий миқдорини 2,5 баравар, уларнинг китоб фондини эса, 5 баравар кўпайтириш режалаштирилди.

1934 йил баҳорида кутубхоначилик ишининг ҳолати ва уни янада

ривожлантириш йўллари Ўзбекистон Олий Кенгаси Марказий Ижроия Қўмитасининг «Ўзбекистон ССРда кутубхоначилик иши тўғрисида»ги қарорида таҳлил қилинди. Кутубхоначилик қурилишида эришилган маълум ютуқларни қайд этиш билан бирга, қарорда кутубхоначилик ишига раҳбарлик, кугубхоналарнинг фондларини жамлашни ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар ҳам очиб берилди. Маориф халқ комиссарлигининг Кутубхоначилик бўлими Кутубхоначилик Бошқармасига айланғирилди. Унинг вазифасига энди барча кутубхоналарни, улар қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар, назорат қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, кутубхоналар тармоғини тартибга келтириш кирап эди. Шу мақсадда Бониқарма қошида идоралараро кутубхоналар кенгаси тузилди. Бониқарма республика кутубхоналар тизимини режалаштириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга умумий раҳбарлик қилиш, универсал кугубхоналар тизими фонdlарини жамлаш, шунингдек кутубхона ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрланиш ва малакасини ошириш фаолиятини олиб бориши лозим эди.

Ўзбекистон Олий Кенгаси Марказий Ижроия Қўмитаси умуистифода кутубхоналар тармоғини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқларда совхозлар қошида ҳамда машина-трактор станцияларида таянч кутубхоналар ташкил этишга қарор қилди. Шу мақсадда кўрсатиб ўтилган ташкилотларга колхозларнинг кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатиш, колхозларнинг раҳбар ходимларига кутубхона хизматлари кўрсатиш мажбурияти юкланди.

Қарорда кугубхоналарнинг моддий ҳолатини яхшилаш ва ҳар йили кутубхоначилик ишини ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар миқдорини кўнгайтириш зарурлиги алоҳида тъқидлаб ўтилди.

Қарор 1934 йили республикада кугубхоналарни рўйхатга олиш ва шундан кейин уларнинг даврий ҳисботини юритиш мажбуриятини юклиди.

Шундай қилиб, 30-йилларнинг ўргаларида биринчи марта давлат даражасида кутубхоналар фаолиятининг асосий йўналишлари, уларнинг бош вазифалари белгилаб берилди, республикада кутубхоначилик ишини бошқаришининг ўз даврига мос тизими ташкил этилди.

Кутубхона қурилишига ва кутубхоналарнинг фондларини жамлашга республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган маблағларнинг маълум даражада оширилиши умуистифода универсал кутубхоналар тизими фаолиятини

фаоллаштириди. 1938 йили республикада иш олиб бораётган кутубхоналар сони 1440 тадан ошиб кетди, шулардан 975 таси қишлоқларда жойлашган эди. Гарчи қишлоқ кутубхоналари сони шаҳар кутубхоналаридан икки баравар кўп бўлса-да, ўз китоб фондларининг ҳажми ва сифатига кўра улар шаҳар кутубхоналаридан анча орқада эди. Кутубхоналарни жойлаштиришнинг пухта ўйланган ягона режасининг йўқлиги ҳам кутубхоначилик ишининг ривожланишига тўсқинлик қиласиди. Масалан, 1936 йили республикада таҳминан 10 минг аҳоли пунктида 6 млн. киши истиқомат қиласиди. Умумистифода кутубхоналар эса асосан йирик шаҳарларда ва туман марказларида жойлашган эди. Айрим туманларда кутубхоналар умуман йўқ эди, айримларида эса кутубхоналарда китоблар ва кутубхона ходимлари етишмасди. Маҳаллий миллатлар тилидаги китоблар ҳам жуда оз эди.

Шу билан бирга, Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ўзбекистондаги кутубхоначилик ишининг ҳолатига умумий баҳо беринида ўша даврда мавжуд ижтимоий ва сиёсий омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Жамиятда ялпи қўрқув ҳамда бошқача фикрловчиларга қарши курағининг кучайтирилиши, оммавий сиёсий қатағонлар, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги қарама-қаршиликлар, мажбурий ва жадал суръатларда жамоалаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кескин ёмонлашиши ҳолатлари барчага маълум бўлган бугунги кунда келтирилган рақамлар ортида бутунлай бошқача манзара намоён бўлади. «Социализм галабалари ва ютуқлари»нинг тинимсиз кўкларга кўтарилиб мақталиши айрим маҳаллий раҳбарларни партия ва мафкура ходимларига бўйсунишга, ҳар хил қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликларга Қўл уришга мажбур қиласиди. Натижада, жойлардан туман марказларига, у ердан эса, пойттахт Тошкентга колхозлар, совхозлар, машина-трактор станциялари ва уларнинг қошида кутубхоналар ташкил этилганлиги ҳақида рапортлар юбориларди. «Ютуқлар ва галабалар»нинг рақамлари шу тариқа «ўсиб» борарли. Ҳатто жойларда шундай кутубхоналар ташкил этилган тақдирда ҳам улар одатда қишлоқлардаги мослаштирилмаган, чала-чулпа жиҳозланган биноларда жойлаштирилар, фондлари кутубхона коллектори орқали ёки туман раҳбарлари шаҳарлардан амал-тақал қилиб топган адабиётлар билан таъминланарди. Китоблар маҳаллий аҳолининг талабларига жавоб берини лозимлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрилмас эди.

Омма кенг миқёсда жалб қилинган узлуксиз кураш ва маданий инқилоб психологияси муттасил равишда ҳар хил мажлислар, танловлар ташкил этишга, галабалар ҳақида ахборот беришга

интилишда акс этар эди. Хусусан, 1935 йили бутун Иттилоқ миқёсида қишлоқда кутубхоначилик ишини йўлга қўйган энг яхши туман танлови ўтказилди. 1981 йилги ўқув қўлланмасида мазкур танловнинг ўтиши тартиби қўйидагича тавсифланган:

«Ўзбекистонда танлов нафақат мустақил кутубхоналарни, балки маданият уйлари ва клублар қошидаги кутубхоналарни ҳам қамраб олди. Танловни ўтказишга партия ва жамоат ташкилотлари фаол ёрдам берди. Кутубхоналар фаолияти колхозларнинг бошқарувлари, туман ва қишлоқ Кенгашларининг мажлисларида вақти-вақти билан муҳокама қилинار эди. Республика миқёсида ўтказилган танлов кутубхоналар тармоғини кенгайтиришга ва уларнинг иш сифатини яхшилашга турткি берди. Танлов жараённада намунали кутубхоналар сони кўпайди. Масалан, Чиноз туманидаги «Политотдел» колхозида янги намунали-тажриба кутубхонаси очилди. Самарқанддаги Беҳбудий номидаги кутубхона ҳам намунали кутубхона мақомини олди. Кутубхонага қўшимча маблағлар ажратилди, республика куғубхоналар коллекторига уни китоблар билан биринчи навбатда таъминлаш ҳақида кўрсатма берилди. Танлов натижаларига кўра Ўзбекистон иттилоқдои республикалар орасида (РСФСР ва Украинадан кейин) учинчи ўринни эгаллади.

Танлов ўтказилган давр мобайнида 18 янги туман, 68 қишлоқ ва 122 клуб кутубхонаси очилди. Кутубхоналарни жойлаштиришнинг нотўри тартибига чек қўйиши чоралари кўрилди. Қишлоққа кутубхона хизматлари кўрсатишни яхшилаш ва қишлоқ кутубхоналарининг мувозий тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди. Жамоатчиликнинг кенг ёрдами билан қишлоқ ва туман кутубхоналари 1935 йили 115 минг нусха китоб олди. Аксарият қишлоқ кутубхоналари янги биноларга жойлаштирилди. Цехларда, корхоналарда, колхозлар ва совхозларда кўчма кутубхоналар ташкил этилди.

Бироқ, кўрилган чора-тадбирларга қарамай, танлов вақтинчалик компания сифатида қабул қилинди. Қишлоқ кутубхоналари ишида маълум силжишлар рўй берганига қарамай, қўйилган вазифалар тўлиқ ҳал қилинмади<sup>7</sup>.

Танлов китоб Ўзбекистоннинг энг олис ҳудудларига хўжакўрсинга оммавий тарзда жорий этилган эса-да, китоб орқали билим олиш имконияти жуда кам эканligини кўрсатди. Қисқа муддатли оқартув курслари ўтказишни мўлжаллаган бундай ва бошқа танловлар ва кўрикларнинг ташкилотчилари малакаси ва обрўси паст бўлиб, жойлардаги дунёвий ҳокимият ва диндорлар билан рақобатлаша олмас эди. Ислоҳотлар жараённини жадаллаштиришга интилиш, марказ талаблари ва сўровларининг ҳамда жойлардан бериладиган

ахборотларнинг узлуксизлиги шунга олиб келдики, «галаба» ҳақида рапорт бериш мақсадида қирқ-элликта китобдан иборат мослаштирилмаган бинолар ҳам «кутубхона» деб атала бошланди. Ўзбекистоннинг чет ҳудудларида умумистифода кутубхоналарни ривожлантиришдек жуда зарур ва муҳим иш аксарият ҳолларда малакаси ва саводи паст кишиларга тоғшириб қўйилган эди. Кутубхона ходимлари профессионал жиҳатдан яхши тайёрланмаганлиги, улар жамиятда рўй берадиган ўзгаришларнинг моҳиятини яхши тушунмаслиги бир томондан ва қишлоқларда хўжакўрсинга ташкил этилган кутубхоналар, аниқроғи, «китоб жавонлари», иккинчи томондан билимга, маданиятга чанқоқ аҳолининг талабларини қаноатлантира олмас эди.

Мамлакатнинг бош универсал илмий кутубхонаси – Ўзбекистон Давлат Оммавий кутубхонасида аҳвол бугунлай бошқача эди. Мазкур кутубхонада кутубхоначилик иши соҳасидаги етакчи мутахассислар ва илмий ходимлар жамланганди. Кутубхона фаолиятининг асосий йўналишлари ва кутубхона ходимлари меҳнатининг мазмуни фонд билан ишлаш, уни жамлаш ва каталогларга акс эттириш қандай олиб борилиши лозимлиги, кутубхона хизматлари кўрсатиш, китобхонлар билан ишлаш, кадрларни ўқитиб-ўргатиш ва қайта тайёрлаш, кутубхона фаолиятини илмий ва методик жиҳатдан таъминлаш қандай ташкил этилиши зарурлигининг ўзига хос намунаси эди.

## 2.2. Универсал илмий кутубхоналар тизими

### 2.2.1. Ўзбекистон Давлат Оммавий кутубхонасининг фаолияти

Ўтган йилларда бўлганидек, мамлакатнинг бош китоб маҳзани кутубхоначилик иши соҳасидаги барча илмий-назарий ва ташкилий-методик ишлар жамланган етакчи кутубхона муассасаси бўлиб қолди. Туркистон АССРни тугатиш қўмитаси (Турклиқвидком)нинг 1924 йил 26 декабрдаги қарорига биноан Туркистон давлат кутубхонаси Ўрта Осиё давлат кутубхонаси деб қайта номланди ва Ўзбекистон ССР Маориф ҳалқ комиссарлиги таркибиға киритилди<sup>8</sup>. 1934 йил 1 октябрда Москвадаги марказий ҳокимият органларининг Ўрта Осиё аҳамиятига молик барча муассасаларни тугатиш тўғрисидаги қарорига биноан, кутубхона Ўзбекистон ССР Давлат Оммавий кутубхонаси деб номланди<sup>9</sup>.

20-йиллар охирида ва 30-йилларда малакали кутубхона кадрларининг тақишилиги муҳим муаммолардан бири бўлиб қолди.

Давлат кутубхонаси нафақат ўз ходимларининг, балки бошқа кутубхоналар ходимларининг ҳам малакасини ошириш тўғрисида қайтуришига тўғри келди. 1925 йил июлда кутубхонанинг Шарқ бўлими қошида амалиётчилар институти<sup>10</sup>, 1929 йил декабрда – кутубхона ходимлари учун ташкил этилган ўзбек тилини ўрганиш курси<sup>11</sup>, 1930 йил августда – илмий кутубхоналарнинг малакали каталогизаторларини тайёрлаш курси<sup>12</sup>, 1931 йил 5 январда – илмий кутубхоналар ходимларини қайта тайёрлаш тўрт ойлик семинари<sup>13</sup>, 1932 йил январда – каталоглаштириш, тизимга солиш ва предметлаштириш бўйича уч ойлик курс<sup>14</sup>, 1934 йил октябрда – кутубхона томонидан Фан қўмитаси ҳузурида илмий кутубхоналарнинг ходимлари учун ташкил этилган курслар иш бошлади.

Бундан ташқари, 1939 йили Давлат Оммавий кутубхонаси Ўрта Осиё· Давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг фундаментал кутубхонаси билан ҳамкорликда олти ойлик малака ошириш курслари ташкил этди, орадан бир йил ўтгач, каталогизаторлар ва библиографлар тайёрлаш бўйича ҳам шундай курслар ташкил қилинди.

20-йилларда Ўрга Осиё давлат кутубхонаси китоб фондини жамлашнинг умумий йўналиши юзага келди. Кутубхонанинг аҳамияти унинг фондини Ўрта Осиё минтақаси сиёсий, илмий, маданий ва хўжалик ҳаётининг барча масалаларига оид жорий адабиётлар, айниқса, ўлкашунослик бўйича адабиётлар билан таъминлашни тақозо этар эди.

1929 йили кутубхона бўлимларининг қайта ташкил этилиши натижасида кутубхона фондларини жамлаш вазифаси адабиётларга ишлов бериш бўлими зиммасига юклатилди<sup>15</sup>. 1932 йил 1 январда кутубхона фондларини жамлаш бўлими ташкил этилди<sup>16</sup>. Мазкур бўлим дастлаб келган адабиётларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш функциясини бажарар эди. 30-йилларнинг ўрталарида «кутубхона раҳбарияти фондларни режали равишда жамлаш муаммосига эътиборни қаратди. Фондларни жамлаш бўлимига адабиётлар харид қилишга етарли маблағлар ажратилди, фондларни жамлаш масалалари доирасини белгиловчи кўрсатмалар берилиди. Мазкур бўлим кутубхона фондларини маҳаллий тиллардаги адабиётлар йўналиши бўйича ҳам, Европа тилларидағи адабиётлар йўналиши бўйича ҳам янада пухта ва тизимли тарзда китоблар билан тўлдириб бориш учун ўлкашунослик ҳамда хизмат кўрсатиш ва фондлар бўлимлари билан яқин алоқа ўрнатиши борасида тегисли чора-тадбирлар амалга оширилди»<sup>17</sup>.

1925 йили Россия Марказий китоб палатасидан «Маориф халқ комиссарлиги 1925 йил учун тасдиқлаган нашрларнинг мажбурий нусхасини олувчи китоб маҳзанлари рўйхатига кўра, кутубхона Китоб палатаси орқали 18-сон мажбурий тўпламини олиб туради»<sup>18</sup>, деган мазмундаги хабарнома олинди.

Кейинги йилларда кутубхона Иттифоқда нашр этилган барча адабиётларнинг мажбурий тўпламарини ҳамда маҳаллий нашрларнинг назорат нусхаларини олувчи кутубхоналар рўйхатига мунтазам равишда киритиб борилди.

1929 йили қабул қилинган Ўзбекистон ҳукуматининг «Ўзбекистон китоб палатасига матбуот нашрларининг нусхаларини тақдим этиш ва давлат китоб маҳзанларини ЎзССР ҳудудида чиқадиган барча нашрлар билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорида<sup>19</sup> кутубхона маҳаллий адабиётлар билан биринчи навбатда таъминланиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. 1934 йили ЎзССР МИҚ ва ХХК қарорига асосан, кутубхона Ўзбекистон ҳудудида чиқадиган барча матбуот нашрларидан икки нусхадан оладиган бўлди. Бу 1939 йилгача давом этди. Шу йили 17 декабрда ЎзССР Халқ комиссарлари кенгаши «ЎзССР ҳудудида чоп этиладиган матбуот нашрларининг мажбурий нусхаларини етказиб бериш ва тақсимлаш тўғрисида» янги қарор<sup>20</sup> қабул қилди.

Нашрларнинг мажбурий нусхаларини олиши натижасида, кутубхона собиқ Иттифоқнинг энг йирик кутубхоналари қаторидан ўрин олди.

Бу даврда кутубхона ўз фонidlарини дўконлардан китоблар харид қилиш, даврий нашрларга обуна бўлиш, зҳолидан тошибосма ва қўлёзма китобларни режали равишда сотиб олиш йули билан тўлдириб борди. У Иттифоқ доирасида китоб алмашиш бўйича ҳам, турли шахслардан ҳадя тариқасида ҳам, халқаро китоб алмапшиш бўйича чет элдан ҳам китоблар олиб турар, айрим йилларда хорижий валютага ҳам китоблар харид қиласди.

Нашрларнинг бепул мажбурий нусхаси Тошкентга 1929 йилда итифоқдош республикаларнинг саккиз, 1939 йили эса, ўн бир китоб палатасидан келиб турарли. 1940 йилдан нашрларнинг бепул мажбурий нусхаси фақат Марказий Давлат китоб палатаси (Москва)дан олина бошланди. Шу даврдан эътиборан мазкур муассасада барча республикаларда чоп этилган матбуот нашрларининг жами мажбурий нусхалари жамлана бошланган эди. Мажбурий нусха бўйича китоблар 1925 йилдан 1941 йилнинг биринчи ярмига қадар кутубхонани адабиётлар билан таъминлапнинг бош манбаи бўлиб қолди.

Мажбурий нусха бўйича энг кўп китоблар 1933 йили олинди. Шу йили кутубхона кўрсатилган манба бўйича 235968 босма бирлиги,

шу жумладан, 88551 китоб олди. 1940 йили кутубхона мажбурий нусха бўйича собиқ Иттифоқ ҳалқари ва чет мамлакатларнинг 86 тилидаги адабиётларни (144313 босма бирлиги, олинган барча адабиётларнинг 73 фоизини), шу жумладан, 38608 китоб, 16601 журнал, 83360 газета, 3826 плакат, 900 ҳарита олди.

Кутубхона одатдагидек маҳаллий нашрларнинг нусхаларини олишга алоҳида эътибор берди. Ўзбекистон босмахоналари ва нашриётлари кутубхона фондларини рус тилидаги ҳамда Ўрга Осиё ҳалқлари тилларидаги маҳаллий адабиётлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи эди. Тошкентдаги муассасалар ҳам кутубхонага ўлкашуносликка оид кўп сонли адабиётларни ҳадя қилдилар.

20-йилларнинг охиридан кутубхона чет эл кутубхоналари ва илмий муассасаларидан нашрларни нисбатан мунтазам ола бошлади. Париж университети, Варшава Оммавий кутубхонаси, Аргентина зироатчилик вазирлигидан адабиётлар мунтазам келиб турарди. Бундан ташқари, Англия, Германия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг айrim илмий жамиятлари ҳам вақти-вақти билан ўз нашрлари ва бошқа материалиларини юбориб турарди.

Урушдан олдинги йилларда китоб алмасиши бўйича алоқалар энг қизғин тус олган давр 30-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. 1936 йили ҳалқаро китоб алмасиши бўйича миллий марказ функциялари Москвалаги Давлат кутубхонасига берилди. Ўзбекистон Давлат кутубхонаси шу даврда китоб алмасиши-дублет фондидан чет билан адабиётлар алманини учун захира фондини шакллантира бошлади. Шу тариқа Шарқ қўлсозмалари бўлими учун зарур Британия музейи, Берлин ва Вена кутубхоналари, Франция Миллий кутубхонасининг каталоглари олинди.

Ҳадя тариқасида ва китоб алмасиши бўйича олинган босма бирликлар миқдори:

1925	1930	1931	1932	1933	1934	1935	1937	1938	1939	1940
660	2709	2824	6630	1262	2470	696	17609		149	220

1925 йили кутубхона ориенталист П.П.Цветковнинг, ислом динига ва шарқ филологиясига бағишинланган инглиз, француз ва немис тилларидаги жами 700 жилдан иборат асарларни сотиб олишга муваффақ бўлди.

1926 йили кутубхона ўзкомстарис билан ҳамкорликда Н.В.Дмитровскийнинг китоблар колекциясини унинг меросхўрларидан согиб олди. Мазкур коллекцияда ўлкашунослик масалаларига оид жуда

кўп ноёб материаллар, шу жумладан, Дмитровский томонидан тузилган «Гуркисон тўпламлари» жамланган эди.

1933 йил 19 апрелда Ўзбекистон ҳукуматининг кутубхонанинг илмий муассасаси сифатидаги вазифаларини кенгайтириш ва унга қўшимча бино ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди<sup>21</sup>. 1933 йил 25 апрелда ўзССР Халқ комиссарлари кенгашининг «Республика қўлёзма китоблар фондларини бирлашитиш тўғрисида»ги қарори<sup>22</sup> билан Тошкент Давлат Оммавий кутубхонаси Ўзбекистоннинг Марказий қўлёзма маҳзани деб эълон қилинди. Қўлёзмаларни ўрганиш, тартибга солиш ва сақлаш учун кутубхонага проф. А.А.Молчанов, проф. А.Э.Шмидт, проф. А.А.Семёнов каби таникли шарқшунослар ишга олинди. Қўлёзмаларни ўрганиш ва тартибга солиш, уларнинг каталогларини тузиш кадрлар тайёрлашини тақозо этар эди. Шу сабабли 1939 йил марта Шарқ қўлёзмалари бўлими қошида «практиканлар институти» очилди. Мазкур институт 1941 йилнинг охиригача фаолият кўрсатди.

Кутубхонага республиканинг бошқа шаҳарларидағи кутубхоналар ва муассасалардан кўплаб қўлёзмалар кела бошлиди. Айни вақтда кутубхона йирик шахсий коллекцияларнинг эгаларидан ва аҳолидан ҳам Шарқ қўлёзмаларини сотиб олар эди.

1933 йилда харид қилинган коллекциялар орасида В.Л.Вяткиннинг Шарқ қўлёзмалари тўплами (273 номдан иборат) алоҳида ўрин тутади. Шу йили Ўзбекистон Фан кўмитаси кутубхонага 1400 та Шарқ қўлёзмасини ва жуда кўп тошбосма нашрларни ҳадя қилди. Кейинги йили иккита йирик қўлёзмалар коллекцияси: Раҳмоновдан (148 нусха) ва проф. Фитратдан (150 нусха) сотиб олинди. Фитрат тўпламидаги қўлёзмалар орасида ноёб қўлёзмалар кўп эди. 1936 йили кутубхона фондлари Бухоро Шарқ қўлёзмалари коллекцияси билан тўлдирилди.

1939 йили кутубхона 6297 Шарқ қўлёзмасини олди. 1940 йилда олинган қўлёзмаларни ҳам қўшганда, 1941 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра, кутубхонада 11662 қўлёзма жамланган эди.

Шарқ тошбосма нашрлари тўплами ҳам тўлдириб борилди. 1939 йилга келиб кутубхонада 4982 та тошбосма нашир жамланган эди. 1938 йили Самарқандда 12483 та, 1940 йили – 434 та тошбосма нашир харид қилинди. 1941 йилнинг 1 январига қалар бўлган ҳолатга кўра кутубхонада 17899 та тошбосма нашир жамланган эди. Мазкур нашрларнинг бир қисми Ўрга Осиёда чоп этилган бўлиб, улар Туронзамин маданияти тарихини, хусусан, китобат иши тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятта эга.

1925—1940 йилларга доир маълумотларни солишириш кутубхонага келган адабиётлар сони йилдан-йилга қандай кўпайиб борганилиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

1925	1926	1929	1930	1931	1932		
46228	56426	58726	120330	111015	155628		
1933	1934	1935	1936	1937	1938	1939	1940
238366	156111	136623	139253	158766	147629	144649	196811

1940 йили келган адабиётлар сони 1925 йилга нисбатан тўрт баравар кўпайди ва йилига 196811 босма бирликка етди. 1941 йилнинг 1 январига қадар бўлган ҳолатга кўра Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг фондларида (қўлёзмалар ва тошбосма нашрларни ҳам қўшганда) 1246561 босма бирликдан иборат адабиётлар сақланар эди.

Давлат Омманий кутубхонасида айрим йилларда сақланган кутубхона бирликларининг (яхлитлаштирилган) умумий миқдори:

1925	1926	1929	1931	1932	1933	1937	1940
140000	186000	250000	400000	500000	600000	1000000	1250000

1937 йил 17 майда тајикил этилган Кутубхонашунослик ва библиография кабинети Даълат кутубхонаси ҳузуридаги методик марказга айланди<sup>23</sup>.

Унинг асосий вазифаси жойларда кутубхона ходимларини тайёрлашда ва кутубхоначилик ишини ташкил этишда ёрдам кўрсатишдан иборат эди. Кутубхона ходимлари жойларда курслар ташкил этиш ҳамда Хива, Урганч, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги педагогика билим юртларида кутубхоначилик фанларидан дарс бериш учун республика бўйлаб хизмат сафарларига чиқар эдилар. 1937 йил октябрда кутубхона ходимлари Самарқанд, Каттақўргон, Бухоро, Кўқон, Наманған ва Исбоскан кутубхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш учун биринчи марта гуруҳларга бўлинив жойларга чиқдилар. Мазкур ишида Е.К.Бетгер, О.В.Маслова, М.Н.Латипова, Е.А.Войцеховская, Д.Д.Сушкин фаол иштирок этди.

Қабинет мунтазам равинцида йўл-йўриқлар кўрсатар, методик йиғилишлар, маъruzалар, адабиётларнинг шарҳларини ўтказар эди; ҳар куни кугубхоначилик ишининг барча масалалари бўйича,

чунончи, байрамлар ва муҳим саналарга қандай тайёргарлик кўриш тўғрисида маслаҳатлар берарди. Бу ерда мактаб ва болалар кутубхоналарининг ходимлари ҳам таҳсил олардилар. Қишлоқ кутубхоналарига алоҳида эътибор бериларди.

Шу тариқа, ЎзССР Давлат кутубхонасининг саъй-ҳаракатлари билан республикада кутубхоначилик ишига методик раҳбарлик тизими шакллана бошлади.

Китобхонлар сони узлуксиз ўсиб борди. Аммо бинолар тақчилиги уларга яхши хизмат кўрсатиш имконини бермас эди. Қироатхоналар учга кичкина хонада жойланган эди. Кейинчалик ҳукумат маблағлари ёрдамида икки йилда (1929—1930 йилларда) майдони кутубхонанинг олдинги қироатхонаси майдонидан икки баравар катта бўлган ва 120 кишига мўлжалланган қироатхона куриб бигказилди. Кутубхонага зиёлилар, талаба ёшлилар ва ишчилар тобора кўпроқ гашриф буюра бошлади.

1925—1934 йилларда кутубхона ўқувчилари сони қарийб икки баравар кўпайди ва 3699 тадан 6661 тага, шу жумладан талабалар сони 2215 тадан 4108 тага, мутахассислар ва илмий ходимлар сони 892 тадан 2270 тага етди. Ўқувчиларнинг миллий таркиби ҳам ўзгарди: 1925 йили ўзбеклар сони 257 та бўлса, 1934 йили 777 тага етди. 1935 йили умумий қироатхонага қўшимча тарзда илмий ходимлар шуғулланйши учун хона ҳам ташкил этилганидан сўнг кутубхонага ташриф буюрувчилар сони кунига ўрта ҳисобда 800 кишига етди.

1921—1940 йилларда китобхонларга қандай хизмат кўрсатилгани куйидаги жадвалда тавсифланган<sup>24</sup>:

Ташрифлар ва берилган китоблар сони	1921—1925		1926—1930		1931—1935		1936—1940	
	беш йил- лиқда	бир кунда	беш йил- лиқда	бир кунда	беш йил- лиқда	бир кунда	беш йил- лиқда	бир кунда
Ташрифлар	30283	115	59659	171	123187	402	150497	421
Берилган китоблар	54350	206	107399	308	168217	550	364299	1018

Китобхонларга қулайлик яратили мақсадида 1933 йил 1 январдан кутубхонада хизмат кўрсатиш бўлимни иш бошлади. Кейинчалик, талабларни қабул қилишдан то адабиётларни танлаб олиш ва уларни китобхонларга топширишга қадар бўлган жараёнларни бир бўлимда бирлаштириш мақсадида, 1935 йили китоб сақлаш ва хизмат кўрсатиш бўлимлари ягона бўлимга — хизмат кўрсатиш ва фондлар бўлимига бирлаштирилди.

Кутубхона шгати 1925—1940 йилларда куйидаги тарзда ўсиб борди<sup>25</sup>:

Йиллар	1925	1930	1935	1940
Штат бирликлари сони	28	44	81	131

20-йиллар охирида 15x9 см ўлчамли босма матнли карточкалар ўрнига халқаро андоғадаги (125x75 мм) карточкалар мұомалалаға киритилди, шунингдек, Кутубхонашунослик институти (Москва) томонидан ишлаб чиқылған йўриқнома қўлланила бошланди. Унинг тарқатувчиси Н.А.Буров эди. У Тошкент кутубхоначиларини янги йўриқнома билан таништириш учун тўғараклар ташкил қилди. Ўша даврдан Н.А.Буров томонидан кенг тарғиб қилинган кутубхона дастхати ҳам қўлланила бошланди.

1929 йили кутубхона Марқазий каталогглаштириш бюроси (кейинчалик – Бутуниттифоқ китоб палатаси)нинг босма карточкаларини ола бошлиди. Мазкур карточкалардан фойдаланиш каталогларни тавсифлайди таузиши методикасини бир хиллаштириш имконини берди. Республика нашрларига босма карточкалари йўқ эди.

Каталоглар таузиуда Марқазий каталогглаштириш бюросининг карточкаларидан фойдаланилар, Г.К.Дерман томонидан ишлаб чиқилинган нашрларни каталогглаштириш бўйича йўриқномага (М., 1926), шунингдек Е.И.Шамуриннинг «Алифбели каталог таузиши бўйича қўлланмаси» (М., 1927)га амал қилинар эди.

30-Йилларнинг бошида Ўрга Осиёда биринчи предметли каталог мұомалалаға киритилди. Ушбу каталогни таузиши устида кутубхоначи М.Н.Латипова кўп заҳмат чекди. Шу йилларда мамлакатлар ва министақаларнинг журофий хариталари каталоги тузилди ва урушгача юритилди, сабиқ Иттифоқ халқлари тилиларида алифбели каталог тузили.

1938 йили Тошкентда О.В.Маслова ва М.Н.Латипованинг «Алифбе каталоги» ўзбек тилида нашр этилди. Оммавий ва маҳсус кутубхоналар учун мўлжалланган мазкур каталог республика ҳудудларида ўзбек тилида каталогларни таузини ташкил этишда катта ёрдам берди.

## 2.2.2. Вилоятларнинг универсал илмий кутубхоналари

Вилоят аҳамиятига молик универсал илмий кутубхоналар тизимининг шаклланишига 1938 йили ҳукумат органлари республикани вилоятларга бўлиш тўғрисида қарор қабул қилганидан

сўнг асос солинди. Ҳар бир вилоят маркази ўзида универсал хусусиятга эта илмий кутубхона ташкил этиши шарт эди. Имкониятга қараб, вилоят кутубхоналарига алоҳида бинолар, шунингдек, адабиётлар харид қилишга маблағлар ажратилди. Бу уларнинг ишига ижобий тасир қилди.

Тошкентда XX аср бошида Чорсу бозорига тугаш ҳудудда бобиylар ва баҳойилар томонидан қурилган «Осиё» кутубхонаси 1938 йили «Октябрь» номи билан вилоят аҳамиятига молик кутубхонага айлантирилди. 1992 йилда у «Турон» деб номланди ва то 2005 йилда биноси бузилгунга қадар шу номда фаолият олиб борди.

Самарқандда 1911 йили «Халқ кутубхонаси» номи билан ташкил этилган, 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг Марказий кутубхона деб номланган муассаса вилоят аҳамиятига молик универсал илмий кутубхона ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилди. 1925 йили кутубхона Самарқанд Давлат илмий кутубхонаси деб номланди, 1927 йили унинг номидан «илмий» сўзи чиқариб ташланди, 1937 йили А.С.Пушкин вафотининг юз йиллиги муносабати билан қутубхонага унинг номи берилди. 1938 йилдан у А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят универсал илмий кутубхонасидир.

Бухорода 1920 йил 28 сентябрда Файзулла Хўжасннинг маблағига ташкил этилган Бухоро жадидлари кутубхонаси 1921 йил 30 июнда Эски Бухоро марказий шаҳар кутубхонасига айлантирилди. 1938 йилда унга Абу Али ибн Сино номи берилди ва у Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонаси деб эълон қилинди.

1939 йили Фарғона вилоят кутубхонаси ташкил тонганилиги тўғрисида эълон қилинди. Бу кутубхонага асос солингланлигининг қирқинчи йилида содир бўлди. Гап шундаки, кутубхона 1899 йили Халқ музейи бўлими ҳуқуқида очилган эди. Орадан маълум вақт ўғач, унга Янги Марғилон (Фарғона шаҳрининг эски номи) шаҳар кутубхонаси мақоми берилди. Национализация даврида ҳам у ўзининг шу мақомини сақлаб қолди ва қайта тузилмади. Бу ҳол 1939 йилгача, унга вилоят кутубхонаси мақоми берилгунга қадар давом этди.

1936 йили Термиз шаҳрида ташкил этилган туман марказий кутубхонаси 1941 йил 1 январда Сурхондарё вилоят универсал илмий кутубхонасига айлантирилди. Ҳозирда унга Адаб Собир Гермизий номи берилган.

1934 йили Урганч шаҳрида ташкил қилинган Қурбон ота Исмоилов номидаги туман марказий кутубхонаси Хоразм вилоят универсал илмий кутубхонаси деб эълон қилинди.

1936 йил Қорақалпогистоннинг олдинги пойтахти Тўргʻулда шаҳар

кутубхонаси ташкил этилди. Шу йил пойтахт Нукус шаҳрига кўчирилгач, кутубхона ҳам янги пойтахтга кўчирилди ва унга республика аҳамиятига молик кутубхона мақоми берилди.

Андижонда маҳаллий жадидлар сардори Абдулҳамид Чўлпон 1907 йили асос солган «Турон кутубхонаси» вилоят аҳамиятига молик универсал илмий кутубхона ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилди. У 1921 йили бошқа кутубхона – 1907 йилда шаҳар аҳолисидан йигилган маблағларга ташкил қилинган кутубхона билан бирлаширилиб, шаҳар кутубхонаси функцияларини бажара бошлади. 1941 йили 83132 нусха китоблардан изборат бўлган мазкур кутубхона вилоят кутубхонасига айлантирилди. 1966 йили 500 минг нусха киобга (вақтли матбуот нашрларидан ташқари) мўлжалланган янги маҳсус кутубхона биноси қурилиб фойдаланишга топширилди ва кутубхонага Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилди.

Шундай қилиб, 1941 йилга келиб республикада унинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва ижтимоий ҳолатига мос келувчи универсал оммавий ҳамда универсал илмий кутубхоналар ўзасланди.

### 2.3. Маҳсус кутубхоналар тизими

Ўзбекистонда урушдан олдинги ўн беш йиллик (1924—1939)да маҳсус кутубхоналар тизимининг асосий негизини умумий таълим мактаблари, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари, тармоқ илмий муассасаларининг кутубхоналари ҳамда болалар кулубхоналари ташкил қилини.

Шўро давлатининг статистик маълумотларида кўрсатилишича, 1925—1941 йиллар давомида ҳалқ таълими мактаблари сони мутгасил ортиб борган. Масалан, 1924—25 ўқув йилида Ўзбекистонда 160 та янги тиғдаги мактаблар ташкил қилиниб, уларда 17209 ўқувчи таълим олган бўлса<sup>26</sup>, 1941 йилга келиб мактаблар сони 5504 тага, уларда ўқитилаётган ўқувчилар сони эса 1 млн. 315 минг кишига етган<sup>27</sup>. Табиийки, барча мактаблар ҳам ўз кутубхоналарига эга эмас эди. Аммо Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1934 йилги кутубхоначилик иши тўғрисидаги қарорини бажара бориб, республика Маориф ҳалқ комиссарлиги ҳалқ таълими вилоят ва туман бўлимларидан янги мактаб кутубхоналари ташкил этишни, мавжуд мактаб кутубхоналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни талаб қиласа эди. Илгари ташкил этилган мактаб кутубхоналари ЎзССР Маориф ҳалқ комиссарлиги тасдиқлаган рўйхатлар бўйича зарур адабиётлар

билин тұлдидириб борилди. Яңғы мактаб күтубхоналари очилди, уларнинг фондларини тұлдидириш учун маблаглар ажратилди. 1938—1939 ўқув йилининг бошига келип Ўзбекистон мактабларыда, хусусан, 672 бошланғич, 919 — еттий йиллик на 254 — тұлық ўрта мактабларда бир мингга яқин күтубхона иш олиб борар әди.

Тошкентдеги Ўрта Осиё давлат университетининг фундаментал күтубхонаси мінтақадағы аксарият олий ўқув юртлари күтубхоналарининг асосчиси ҳисобланади. Унинг фондлари негизида тармоқ факультетлари күтубхоналарининг адабиётлари билан жамулжам ҳолда қишлоқ хұжалик, пахтацилык-ірригация, политехника, энергетика, қурилиш, геология-құдирүв, тиббиёт, режа-иқтисод институтлари, Туркманистан зооветеринария институти, Тожикистан педагогика институтининг, шунингдек, бир қанча илмий-тадқиқот муассасалари, чунончы: Түшроқшунослик ва геоботаника институти, ўрта Осиё пиллачилик институти, Ботаника боты күтубхоналарига асос солинди.

1925—1926 ўқув йилидан күтубхона алохидә тарзда маблағ билан тәъминланғанда болылады. Күтубхонанинг қатый харажатшар сметаси белгіліанды ва у ўз фондларини режали равишда жамлашга киришци. Республикада чоп этилған матбуот национальдеги белгілі мажбурий нұсқасини олиш билан бир қаторда, у Иттифоқнинг бошқа республикаларидан ва чет давлатлардан китоб ва журналдар харид қилиш имкониятiga ҳам эга әди. 1938 йили Иттифоқ ҳукуматининг қарори билан күтубхонага мамлакатда нашр этилған барча китоб маңсулотларининг белгілі мажбурий нұсқаси бириктирилди. Шу билан бирға, күтубхона ташкилотлардан ва фуқаролардан китоб коллекцияларини олишда давом этди. Масалан, 1926 йили Москва университети профессори Л.К.Лахтин математикага оид китобларнинг ноёб коллекциясини тақдим этди. Тарбия академиясидан 13 мингга яқин китоб ва 5 мингдан ортиқ журналлар, Гамбург университетидан 1700 китоб олинди. 1935 йили тұтатылған Ўрта Осиё илмий тадқиқот муассасалари үюшмасынинг китоблар түшілами күтубхона фондини тұлдиди.

Китоб алмапшиш көнгайиб борди. 30-йилларда күтубхона жаҳоннинг 400 га яқин илмий муассасалари билан алоқа қиласады. Күтубхона ташкилий жиҳатдан ҳам ривожланиб ва мустаҳкамланып ўз китоб фондларини йилдан-йилга күпайтириб борди. Агар 1930 йили күтубхона фондлари 130 минг босма бирлиқдан ташкил топған бўлса, 1940 йили унинг фондларида жамланган нашрлар сони 450220 босма бирлиқдан ошиб кетди<sup>28</sup>.

Кутубхонага келаётган адабиётлар миқдорининг кўлайғанлиги ва унинг китобхонлари сони ошиб бораётганлиги китобларга ишлов бериш ва уларни китобхонларга етказишининг янада жадалроқ шаклларини излаб топишни тақозо этар эди. Шу даврда кутубхонага ишга келган кутубхоначилик ишининг тажрибали мутахассислари Н.А.Буров, К.А.Дмитриева, С.А.Катанцева, Н.Ачкасова, А.П.Серебренникова ва бошқалар кутубхона фаолияти жараёнларини такомиллаштириш бўйича катта ва зарур ишларни амалга оширилар. Масалан, кутубхона фаолиятининг турли даврларида китобларни жойлаштиришнинг системали, форматли ёки системали-форматли шакллари қўлланилиб келинар эди. Аммо бу тизимларнинг биронгаси ҳам кутилган натижани бермади. 1934 йили кутубхона алифбели-системали тизимга ўғди, орадан икки йил ўтгач, Шарқ, бадиий адабиётлар, библиография ва чет эл бўлимларидан ташқари, китобларни жойлаштиришнинг форматли тизимиға қайтди. Китобларни жойлаштиришнинг янада оқилона тизимлари устида изланишлар давом этирилди. 1938 йили китобларни каталоглаштириш ва тизимга солиш соҳасидаги етакчи мутахассислар Н.А.Буров ва С.А.Катанцева томонидан китобларни жойлаштириш тизими Л.Н.Троповский жадвалларига мувофиқ қайта ишланди ва кутубхона ходимларининг умумий эътирофига сазовор бўлди<sup>29</sup>. Муаллифлар жадваллари илова қилинган алифбели-системали тизим китобларни жойлаштиришнинг асосий тизими, деб тан олинди. Шу билан бирга, зарур ҳолларда форматли жойлаштириш усули ҳам қўлланилар эди.

Кутубхонанинг ривожланишида ва унинг фаолиятини ташкил этишда университетнинг илмий жамоатчилиги муҳим рол ўйнади. 1934 йилнинг кузида «Ўрта Осиё давлат университетининг фундаментал кутубхонаси тўғрисидаги низом» тасдиқланди. Шу даврда унинг хузурида Кутубхона комиссияси ва Кутубхона кенгаши тузиленди. Комиссия моҳият эътибори билан кутубхона фаолиятини йўлга солувчи мувофиқлаштирувчи органга айланди. Унинг таркибиغا кафедралар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилди. Комиссияга машҳур математик, проф. В.И.Романовский раҳбар этиб тайинланди. Кутубхона фаолияти масалаларини муҳокама қилишда комиссия китоб фондларини муайян соҳаларга оид адабиётлар билан тўлдириш ва китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш масалаларини доимо ўз диққат марказида тутди.

1936 йили Кутубхона кенгашининг қарорига биноан, факультетлардаги кафедра ва кабинет кутубхоналарининг барча китоб фондлари фундаментал кутубхона таркибига киритилди. Уларнинг

негизида ўқув адабиётларини ва муайян соҳаларга оид бошқа адабиётларни ўзида жамлаган факультетларнинг кутубхоналари ташкил этилдики, улар ҳозирга қадар ўқув жараёнини адабиётлар билан таъминлашпа мұхим рол ййнаб келмоқда. Ўз ташкилий мақомига күра улар фундаментал кутубхонанинг филиаллари ҳисобланади.

Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари сони йилдан-йилга кўпайиб борди. Самарқандда Ўзбекистон Давлат университети, Бухоро, Фарғона, Наманган, Андижон, Марғилон, Тошкент, Нукус, Хива, Урганч шаҳарларида қатор олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ва уларнинг соғавий адабиётлар билан бутланадиган маҳсус ихтисослаштирилган кутубхоналари ташкил этилди. 1940 йилга келиб Ўзбекистонда 30 олий ва 98 ўрта маҳсус ўқув юртлари<sup>30</sup>, 75 илмий-тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатар<sup>31</sup>, уларнинг ҳар бири ўз кутубхонасининг ишини янада яхшироқ ташкил этишга ва унинг фондларини тўлдиришга ҳаракат қиласр эди. Барча илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юргларида 3024 нафар илмий ходим меҳнат қиласрди<sup>32</sup>. Олий ўқув юртлари на илмий-тадқиқот муассасалари тармоғининг кенгайиши, илмий ва мұхандис-техник ходимлар сонининг кўпайиши илмий тадқиқотлар йўналишларининг кўпайиши ва янада чуқурлашишига олиб келди. Бу омилиларнинг барчаси тармоқ илмий кутубхоналарининг янги тизимини ташкил қилишни, шаклланадиган маҳсус кутубхоналар тизимини такомиллаштиришни ва уларнинг илмий адабиётлар билан комплектлашни тақозо этар эди.

Ўзбекистонда тармоқ илмий кутубхоналари тизимининг шаклланишига қишлоқ хўжалиги илмий кутубхонаси асос солди. Мазкур кутубхонанинг ташкил топиши тарихи қуйидагича. 1929 йилнинг декабрида Бош пахтачилик қўмитаси ва Гупроқшунослик институти кутубхоналари ҳамда Ўрта Осиё давлат университетининг геоботаникага оид маҳсус китоблар тўплами негизида Пахтачилик илмий-тадқиқот институти кутубхонаси ташкил этилди. Бу 7000 босма бирликдан иборат бирлашган китоб фонди Марказий маълумот кутубхонаси деган ном олди. 1960 йилда собиқ Қишлоқ хўжалик фанлари академияси кутубхонаси билан бирлаштирилиб, Қишлоқ хўжалиги марказий кутубхонаси деб юритила бошлади.

1932 йили Ўзбекистон МИҚ Президиуми қарори билан илмий-тадқиқот муассасаларига раҳбарлик қилувчи маҳсус орган – республика Фан қўмитаси ташкил этилди. Унинг олдига қўйилган Энг мұхим вазиға республика Фанлар академиясини тузиш учун илмий-моддий негиз яратипидан иборат эди<sup>33</sup>. 1940 йили ҳукумат

қарори билан СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали ташкил қилинди<sup>34</sup>. 1933 йили Фан қўмитаси таркибида илмий адабиётлар махсус кутубхонаси ташкил этилди. Орадан 10 йил ўтгач, 1943 йилнинг ноябрида Иттифоқ Академиясининг Ўзбекистон филиалини Ўзбекистон Фанлар академиясига қайта тузиш чоғида унинг кутубхонаси ҳам ЎзССР ФА Асосий кутубхонасига айлантирилди ва мамлакатда чоп этилган адабиётларнинг мажбурий нусхасини ола бошлади.

1934 йили Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий адабиётлар кутубхонаси ташкил этилди. Урушдан кейинги йилларда институтнинг мақоми ўзгариб, у республика илмий педагогика институти деб юритила бошланди.

1935 йили Тери-таносил касалликлари илмий-тадқиқот институти кутубхонасининг негизида ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг республика илмий тиббий кутубхонаси ташкил этилди.

1932 йили Ўзбекистонда 42 та мустақил болалар кутубхоналари иш олиб борар, шулардан 16 таси шаҳарларда, 30 таси эса — қишлоқларда жойлашган эди. Уларнинг китоб фонди 75 минг нусхадан иборат эди<sup>35</sup>. Ўзбекистон Олий Кенгаши Марказий Ижроия Қўмитасининг «Ўзбекистон ССРда кутубхоначилик иши тўғрисида»ги қарори болаларга кутубхона хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш истиқболларини белгилаб берди. Республика Маориф халқ комиссарлигига ҳар бир мактабда кутубхона очиш, мустақил болалар кутубхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, катталар кутубхоналари қошидаги болалар бўлимларини ҳар тарафлама ривожлантириш таклиф қилинди.

Болаларни китоб билан таъминлаш жуда муҳим муаммо эканлигини ҳисобга олиб, республика Маориф халқ комиссарлиги ҳатто «1933—1937 йилларда болалар кутубхоналари тармоғини кенгайтириш режаси»ни ҳам ишлаб чиқди ва қабул қилди. Режада энг оғир очарчилик йилларига тўғри келган 1933—1934 йиллар давомида болалар кутубхоналари сонини уч баравар кўпайтириш назарда тутилган эди. Аммо мазкур режа амалга ошмай қолди<sup>36</sup>. Бунга нафақат халқнинг оғир моддий аҳволи, балки моддий база масалалари, бинолар етишмаслиги, китоб ассортиментининг камлиги, кутубхоналар малакали ҳодимлар билан таъминланмаганилиги, таълимнинг паст даражада эканлиги халақит берди. Бу ҳолатдан чиқиши мақсадида болалар кутубхоналари мактабларда китоблар бериш шахобчалари, кўчма кутубхоналар ташкил қила бошладилар.

Мактабларнинг ўқитувчилари ўқувчилар орасида китобни тарғиб қилишда кутубхоначиларга яқиндан ёрдам бердилар. Ўз навбатида, кутубхоначилар ҳам ўқитувчиларга таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда, ўқувчиларни мутолаага жалб қилишда ёрдам кўрсатдилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон республикаси ташкил топганидан кейинги дастлабки 15 йил ичидаги бу ерда маҳсус кутубхоналар тизими шаклланади. Болалар кутубхоналари, ўтиз олий ва юзга яқин ўрта маҳсус ўқув юртларининг кутубхоналари, етмиш бешга яқин илмий муассасаларнинг кутубхоналари, илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари ва институтларининг кутубхоналари, шунингдек, йирик саноат корхоналарининг техник кутубхоналари юқорида зикр этилган маҳсус кутубхоналар тизимининг тармоқлари эди.

### **3-§. Малакали кутубхона ходимларини тайёрлаш**

Кутубхоналар сонининг кўпайишни ва улар зиммасига юкландиган вазифаларнинг муракқаблашиши кутубхона ходимлари малакасини оширишни тақозо этар эди. Кутубхона ходимларини тайёрлаш масаласи 1926 йили Ўзбекистон клуб ва кутубхона ходимларининг I курултойидаёқ кўтарилилган, унда узоқ қишлоқ ҳудудлари учун кутубхона ходимлари тайёрлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга эканлиги қайд этиб ўтилган эди. Мазкур курултой қарорларини бажара бориб, 1927 йили 1 февралда Тошкентда кутубхона ходимларини тайёрлаш бўйича олти ойлик курслар ташкил қилинди. 1934 йилнинг январида республика Фан қўмитаси кутубхона ходимлари тайёрлаш курсларининг олий бўғинларини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўтарди. Кутубхона ходимларининг ўрта бўғинлари вакилларини қайта тайёрлаш учун 8 ойлик курслар ташкил қилинди. Унда ходимлар ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таҳсил олар эдилар. Таълим дастури 600 соатга мўлжалланган бўлиб, шундан 100 соати умумий таълим фанларига ажратилган эди. Шу йили кутубхона кадрларига бўлган кучли эҳтиёжни қондириш учун, уч ойлик курслар очиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Республика Маориф халқ комиссарлиги Тошкентда кутубхона ходимларини 1 йилдан 3 йил муддатгача мажбурий тартибда ўқитиш ҳамда кутубхона бўлимлари ташкил этиши тўғрисида қарор қабул қилди.

1934 йилнинг сентябрида Москва ва Ленинграддаги кутубхоначилик олий ўқув юртларига 5 киши ўқишга юборилди. Шу йили Самарқанддаги клуб ва кутубхона ходимларининг бир

Йиллик курсларини 82 киши тамомлади. Улар республиканинг барча ҳудудлари га тақсимланди. Бундан ташқари, Тошкентда кутубхоначилик бўлимларининг инструктор-ташкилотчиларини тайёрлайдиган олти ойлик курслар, кутубхона ходимларини қайта тайёрлаш бўйича икки ойлик курслар очилди. Таълим жараёни маҳсус тузилган дастур бўйича ташкил қилинган эди. Мазкур курсларга ўқишига кирувчилар етти йиллик мактаб ҳажмида маълумотга ва кутубхоналарда камида бир йиллик иш стажига эга бўлишлари лозим эди. 1935 йили курслар тизими орқали кутубхона ходимларини қисқа муддатда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасида катта бурилиш ясалди. Шу йили Тошкент, Самарқанд ва Хивадаги қисқа муддатли курсларни 270 киши тамомлади.

Республика кутубхоналар коллектори ва ЎзССР Давлат Оммавий кутубхонаси умумистифода кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатди. Кутубхоналар коллектори маълумотномалар ва библиографик қўлланмалар (ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётларнинг рўйхатлари)ни ишлаб чиқиш вазифасини ўз зиммасига олди. Оммавий кутубхонаси кутубхоналар ишининг барча масалалари бўйича методик ёрдам кўрсатди. Кутубхоначилар малакасини оширишнинг барча масалаларига катта эътибор берилди. Оммавий кутубхонаси таркибида кутубхонашунослик ва библиография маҳсус кабинети ташкил қилинди.

1937 йили Тошкент кутубхоначилик техникуми очилди. Шу йили Тошкентдаги бир йиллик кутубхоначилар тайёрлаш курсини 120 мутахассис, мактаб кутубхоналари ходимларини тайёрлаш бир йиллик курсини, 140 мутахассис тамомлади. Шундай курслар Хивада ва республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам иш олиб борди. 1937 йилнинг кузидан жойларда кутубхоналар ходимларининг билимларини текшириш учун малакавий комиссияларнинг тузилиши жиддий янгилик бўлди. Кутубхона ходимлари тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кейинги йилларда ҳам катта эътибор берилди. 1938—1939 йилларда бир йиллик курсларда 694 нафар, қисқа муддатли курсларда эса, 145 нафар кутубхоначи тайёрланди. Кутубхоначилик техникумини шу йиллар давомида 58 киши тамомлади. Кутубхона ходимларига маҳсус маълумот бериш вазифаси шу тарзда бажарилиб келди.

## **4-§. Иккинчи жаҳон уруши йилларида кутубхоначилик ити (1939—1945)**

1939 йил 3 сентябрда Иккинчи жаҳон уруши бошлангани заҳоти Ўзбекистон аҳолиси унинг совуқ нафасини ҳис қилди. Бу республикага келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг қисқаришида, нарх-навонинг кескин кўтарилишида ва қисқа танаффус (1935—1939 йиллар)дан сўнг яна нон карточкаларининг жорий этилишида намоён бўлди. Орадан бир ярим йил ўттач, 1941 йил июнида Ўзбекистон ҳалқи Иттилоғ таркибида инсоният тарихидаги энг қонли ва ҳалокатли урушлардан бирида жаҳон давлатларининг антифашистик коалицияси тарафида иштирок этди.

Уруш йилларида Ўзбекистон Иттилоғнинг муҳим ҳарбий-саноат базасига айланди, фронтга инсон ресурслари, техника, ўқ-дори, кийим-кечак, анжомлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берди. Республика эвакуация қилинган 90 дан ортиқ завод ва фабрикаларни қабул қилди, жойлаштириди ва жадал суръатларда ишга туширилишини таъминлади<sup>18</sup>. Айни вақтда у ўз худудида маҳсулотлари мамлакатга ўта зарур бўлган корхоналар барпо этди. 1941—1945 йиллар ичida республикада ҳаммаси бўлиб 280 та саноат корхонаси ишга туширилди<sup>19</sup>.

Уруш даври шарт-шароитлари биринчи йилдаёқ кутубхоналар гармоғи оммавий тарзда қисқаришига олиб келди. Кишлоқлардаги, кичик шаҳарлардаги ва ҳатто вилоят марказларидаги аксарият кутубхоналар ёпилди. Маблағ билан таъминлашнинг камайиши натижасида, ишлаб турган кутубхоналарнинг штатлари ҳам қисқартирилди.

Уруш даврида республика кутубхоналарида ўқувчиларнинг турли гуруҳлари нисбати ҳам анча ўзгарди. Уларнинг таркибида илмий ва мұхандис-техник ҳодимлар сони кўплайди. Масалан, 1940 йили ўзССР Давлат кутубхонасида улар барча ўқувчиларнинг 17,3% ни ташкил қилган бўлса, 1945 йили бу кўрсаткич 47% га етди.

Тошкент шаҳридаги кутубхоналар хизматидан фойдаланувчи ҳарбий хизматчилар сони анча кўпайди. Агар 1940 йили мазкур китобхонлар гуруҳи жами китобхонларнинг атиги 2,4% ни ташкил қилган бўлса, 1944 йили бу кўрсаткич 17,6% га етди. Китобхонлар таркибининг бундай ўзгариши энг ўқишли китобларнинг мавзусига ҳам таъсир кўрсатди. Уруш даврида ҳарбий, техник ва тиббий адабиётларга бўлган тајаб сезиларли даражада ошди. Айни вақтда,

кутубхоналарнинг китобхонлар билан оммавий ва индивидуал ишлаш жараёнида ижтимоий-сиёсий адабиётларни тарғиб қилиш етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Агар 1941 йили Ўзбекистон кутубхоналари китобхонларга 89,5 минг нусха оммавий-сиёсий адабиётларни ўқишига берган бўлса, 1942 йили бу кўрсаткич 105,5 минг нусхани ташкил қилди.

Республика Маориф халқ комиссарлиги кутубхоналарга адабиётларни тарғиб қилишининг китоб ва газеталарни сурункали ўқиб эшилтириш, сұхбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш каби шаклларини қўллаш мажбуриятини юклади. Кутубхоналарга корхоналарда, илмий муассасаларда, олий ўқува юртларида, госпиталларда иш олиб борилип, китобни китобхонларга ҳар томонлама яқинлаштиришини таклиф қилди.

Республика кутубхоналарининг ходимлари ўзлари оталиқقا олган госпиталлар ва ҳарбий қисмларга хизмат кўрсатиш учун маҳсус кўчма фондлар ташкил қилдилар. Мазкур фондлар китобни оммавий ва индивидуал тарзда тарғиб қилишига мўлжалланган эди. Ушбу фондлардан Чирчик ва Янгийўлдаги эвакогоспиталларга, Моторлаштириш ва механизациялаштириш академиясига, ҳарбий-тиббий академияга ва бошқа муассасаларга хизмат кўрсатиш учун кўчма кутубхоналар ажратиларди. Уруশ йилларида республикада ҳарбий қисмлар, госпиталлар қошида янги кутубхоналар ташкил этилди. Уларнинг ишида вилоят, шаҳар ва туман кутубхоналари ҳам фаол иштирок этди. Аксарият кутубхоналар асосан ўқувчилар сирасидан ўз фаоллар кенганинига эга бўлиб, уларнинг ёрдамида Қизил Армия жангчилари ҳамда немис-фашист босқинчиларидан озод қилинган ҳудудларнинг аҳолиси учун маҳаллий аҳолидан китоблар, мусиқа асбоблари, патефонлар, пластинкалар ва бошқа маданий жиҳозлар йигилар эди.

Республикада кутубхоначилик ишининг ривожланишига Ўзбекистонга СССР Фанлар академияси Президиуми ва бир нечта етакчи илмий-тадқиқот муассасаларининг эвакуация қилинганилиги сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Уруশ йилларида Тошкентда академиклар ва мухбир аъзолар, фан докторлари ва фаннинг бошқа таникли арбоблари меҳнат қилдилар. Тошкентда, Самарқандда, Фарғонада ва республиканинг бошқа шаҳарларида мамлакатнинг 35 йирик олий ўқув юрти, шу жумладан, Москва Кимё-технология институти, Киев индустрия институти, Харьков политехника ва қишлоқ хўжалик институтлари, Одесса, Саратов ва Шимолий Кавказ университетлари жойлаштирилди. Иттифоқ ҳудудидаги кўпгина саноат

корхоналари ҳам шу срга күчирилди. Мазкур жамоаларнинг Ўзбекистон олимлари билан ҳамкорликда ишлаши фан тараққиёти суръати ва даражасига, республика олимлари илмий маҳоратининг ошишига жуда ижобий таъсир кўрсатди.

Кўп сонли илмий-тадқиқот институтлари, олий ўкув юртлари, саноат корхонадарининг Ўзбекистонга эвакуация қилиниши, мудофаа аҳамиятига молик илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишларининг йўлга қўйилиши республика кутубхоналарининг Оммавийлари олдига жуда масъулиятли вазифаларни қўйди. Илмий ходимлар, республика халқ хўжалиги ходимлари, эвакуация қилинган илмий муассасалар ва саноат корхоналарининг ходимларига юқори даражада хизмат кўрсатиш, шунингдек, вазият талабларига жавоб берадиган ҳажмда маълумот-библиография ишларини олиб бориш учун китоб фондларини изчилиш шакллантириш зарур эди. Уруш йилларида китоб маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари, газеталар, илмий журналлар, олимлар асарлари тўпламлари йиллик тиражларининг кўзмайиши кутубхоналарнинг адабиётлар билан таъминланишига ўта салбий таъсир кўрсатди. 1944 йилнинг охирида, «Союзпечать» ташкилотига ҳар бир маданий-оқартув муассасасини марказий ва маҳаллий газсталар билан таъминланни мажбурияти юкланганидан кейингина, вазият бирмунча яхшиланди. Уруш йилларида ташкил қилинган ЎзССР Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасига Иттифоқда чоп этилган барча босма маҳсулотларнинг мажбурий нусхаси ажратилди. Мазкур кутубхонага ҳам, ЎзССР Давлат Оммавий кутубхонасига ҳамда ўрга Осиё давлат университети ва Ўзбекистон Давлат университетининг фундаментал кутубхоналарига бўлганидек, фан ва техниканинг барча тармоқларига оид янги адабиётлар мунтазам юборилиши таъминланди. 1944 йилда кутубхона чет эл адабиётларини ҳам харид қила бошлади.

Республика Маориф халқ комиссарлиги, Урта Осиё давлат университети ректорати, кўпгина маҳкамалар ва идоралар маҳсус кутубхоналар фаoliyатининг яхшиланишига имконият яратди. Маориф халқ комиссарлигининг 1941 йил 16 ноябрдаги «Давлат Оммавий кутубхонасининг ҳолати ва унинг ишини қайта қуриш тўғрисида»ги буйруғига биноан янги илмий ва ишлаб чиқариш вазифаларини янада тезкорлик билан ҳал қилиш учун китоб фондларини иш жойларига яқинлаштириш тавсия этилди. Маҳсус кутубхоналар мудофаа корхоналарини ҳамда ҳарбий фан ва саноат масалалари билан шуғуланаётган мугахассисларнинг эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ қонлириши учун ўз ишини қайта қурдилар. Завод ва фабрикаларда иш режимининг ўзгарганлиги муносабати билан кутубхоналарда ўқувчиларга хизмат кўрсатиш соатлари узайтирилди.

ЎзССР Давлат Оммавий кутубхонаси, Ўрта Осиё давлат университети ва ЎзССР Файлар академиясининг Асосий кутубхоналари мұхим обьектларга тенглаштирилди ва, Тошкент шаҳрини электр энергияси билан таъминлашда мавжуд қийинчиликларга қарамай, муттасил равиша ёритилиб турилди. Урушнинг тўрт йили давомида ЎзССР Давлат Оммавий кутубхонасининг ўзи 45 мингдан кўпроқ китобхонга хизмат қўрсатди. Шу даврда ўқишига берилган китоблар сони урушидан олдинги йилларга қараганда 500 минг китобга кўпайди<sup>40</sup>. Ўзбекистон илмий кутубхоналарининг фондларидан мұхандис-техник ходимлар, олимлар, олий ўкув юртларининг ўқитувчилари, маданият арбоблари фаол фойдаландилар. Илмий кутубхоналарнинг 1300 га яқин ўқувчилари долзарб мавзулар бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини тайёрладилар.

Ўрга Осиё давлат университетининг ректори 1941 йил 15 декабрда чиқарган буйруқ уруш йилларида илмий кутубхоналарнинг роли ҳақида далолат беради. Мазкур буйруқда Тошкентда эвакуация қилинган олий ўкув юртлари иш олиб бораётганилиги муносабати билан университетнинг Фундаментал кутубхонасига олий ўкув юртлари ўқитувчилари ва талабаларига хизмат кўрсатиш миқёсини кенгайтириш мажбурияти юкланди.

Уруш йилларида республикада 12 та янги техник кутубхона ташкил қилинди. Республикадаги маҳсус кутубхоналарнинг умумий миқдори 243 тага етди. 1943 йили биргина Тошкент вилоятида 36 кутубхона фаолият кўрсатар, уларда штат бўйича 86 ходим меҳнат қилар, кутубхоналар фонди 17400 минг нусхадан иборат бўлиб, ўқувчилар сони 108 мингтага яқин эди.

Шарқ мәннавиятигининг энг яхши анъаналарига амал қилиб, ўзбек халқи урушнинг аянчли йилларида Иттифоқнинг душман вақтинча босиб олган ҳудудларидағи аҳолига дўстона бағрини кенг очди, ўз юритидан айрилган қувғинларни, уруш қурбошларини қалб ҳарорати билан иситди, ғамхўрлик ва меҳмондўстлик билан уларнинг кўнглини кўтарди, қардош халқларга иқтисодиётни тиклашда ва маданий қурилишни йўлга қўйишида ёрдам берди. Республика аҳолисининг ўзи қайгули уруш йилларида ниҳоятда ноchor яшашига қарамасдан шундай ёрдам қўлини чўзди<sup>41</sup>.

Уруш даври талабларига мувофиқ тарзда ўз фаолиятини қайта қурган Ўзбекистон кутубхоналари РСФСРнинг немис-фашист босқинчиларидан озод қилинган ҳудудларидағи маданий оқартув таипкилотларига яқиндан ёрдам берса бошлади. Фашистлар томонидан

вақтингчалик ишғол қилингандар ҳудудларда 43 мингта умумистифода, 82 мингта мактаб, 334 та олий ўқув юрглари кутубхоналари түлиқ ёки қисман вайрон қилинганды. Кўрилган фавқулодда чоралар ёрдамида умумистифода кутубхоналар тармоги тез тикланди. Ишғол қилинмаган ҳудудларда Давлат фондининг 36 филиали ташкил қилинди. Улардан бири Тошкентда жойлашган эди. 1943 йилнинг октябрьидаги 81 мингта китоб келиб тушди. Институтлар, кутубхоналар ва муассасалар ўз захираларидан кўплаб адабиётларни ажратдилар. Бундан ташқари, аҳолидан 17 мингтадан кўпроқ китоб йигилди. Тошкент филиали Қабардин-Балқар, Харьков вилояти ва Ставрополь ўлкасига 40 мингдан ортиқ китоб юборди. Мазкур адабиётлар Билан 21 туман ва бир вилоят кутубхонасининг фондлари жамланди. 1944 йилнинг бошида Давлат фондининг Тошкент филиали Полтава вилоятига 4 жамлангандар туман ва бир вилоят кутубхонасини юборди. Мазкур кутубхоналарнинг фондларига билимнинг турли соҳаларига оид бир неча минг китоб, бадиий адабиётлар, санъатга оид нашрлар жамланганды. Харьков ва Полтава вилоятлари, Ставрополь ўлкаси, Қабардин-Балқар, Дніпропетровск ва Ростовга жами рус, украин, белорус тилларида ва бошқа тиллардаги 107 мингдан ортиқ китоб юборилди<sup>42</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида яққол намоён бўлган құдратли ватанпарварлик ўзбек халқининг маънавий соғломлигидан далолат берар эди. Большевистик маъмурларнинг кўпдан-кўп руҳий таъсир кўрсатишига, мустабид тузумнинг атеистик ва маънавий экстремизмига қарамасдан, ўзбек халқи ўзининг чуқур миллий-маънавий негизларини сақлаб қолди. Булар унинг кўп минг йиллик тарихи ва инсонпарварлик анъаналарига, умуминсоний ва миллий қадриятларига узвий равишда сингиб кетган эди<sup>43</sup>.

## ХУЛОСА

1. Ҳукмрон мустабид марказ ўз сиёсатининг жуғрофий-сиёсий ва мустамлакачилик жиҳатлари нуқтаи назаридан Туронзаминда ҳатто Туркистан АССРдек шўро мухторияти шаклидаги ягона ва яхлит давлат тузилмаси мавжуд бўлишига қарши чиқиб, «Ўрга Осиё халқларининг миллий-давлат чегараланиши» деган баҳонада Туронзамин халқини сунъий равишида қисмларга ажратиб, ҳудудда марказга тўла қарам қилиб қўйилган, номигагина суверсий ҳисобланган Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон шўро

республикаларини ташкил этди. 20—30-йилларда шўролар мамлакатида коммунистик партияning ҳокимиётга нисбатан монополиясига ва чекланмаган диктаторлик ваколатларига эга бўлган шахс бошчилигидаги партия раҳбарлари иерархиясига асосланган мустабид-авторитар ҳокимиёт тизими шаклланди. Партия ҳокимиёти давлат сиёсий тизими ва маъмурӣ-буйруқбозлиқ иқтисодиёти доирасида жамиятни бошқаришнинг барча дастаклари устидан мутлақ назорат ўрнатди. Совет социализми тизимининг шаклланиши билан бир вақида кенг миқёсда қатағоплар, жамиятда ялпи қўркўвнинг кучайиши, хурфикарлиликнинг ҳар қандай шакулларига қарши аёвсиз кураш, шунингдек, очарчилик Йиллари (1929—1934, 1945—1948), озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш қатъий меъёрга солинган, аҳолига нон карточкалар бўйича берилган, Иттифоқдушман давлатлар курсовида ва ҳалқаро изоляцияда бўлган шароитларда мамлакатни саноатлаштириш, қишлоқ ҳўжалигини ялпи жамоалаштириш, таълим, илм-фан ва маданий-маърифий муассасалар тизимини ташкил этиш ишлари амалга оширилди.

2. Ўзбекистон шўро республикаси ташкил топгач, мамлакат миқёсида универсал ва маҳсус кутубхоналар тизимига ташкилий раҳбарликни Ўзбекистон маориф ҳалқ комиссарлигининг Кутубхоначилик бўлими амалга ошира бошлади. Кутубхоначилик бўлими ўзига тобе бўлган Ўзбекистон Давлат Оммавий кутубхонаси орқали универсал кутубхоналарга методик ёрдам кўрсата бошлади. 1934 йил бўлим Кутубхона бониқармасига айлантирилди.

3. 1930 йил июнда республиканинг маъмурӣ-худудий бўлиннишида ўзгаришлар рўй берди: округлар тутатилди, республика эса 73 та йирик туманга ва 1696 та қишлоқ шўросига бўлинди. Энди ҳар бир туман ўз марказида кутубхонага эга бўлиши лозим эди. Биринчи навбатда, собиқ уезд кутубхоналари туман марказий кутубхоналарига айлантирилди. Маориф ҳалқ комиссарлиги матълумотларига қараганда, 1932 йили республикада 234 қишлоқ ва 117 шаҳар стационар кутубхоналари, шунингдек тегишинча 79 ва 37 та кўчма кутубхоналар фаoliyatiят кўрсатган.

4. «Социализм ғалабалари ва ютуқлари»нинг тинимсиз кўкларга кўгарилиб мақталиши айрим маҳаллий раҳбарларни партия ва мафкура ҳодимларига бўйсунишга, ҳар хил кўлиб ёзиш ва кўзбўямачиликларга қўл уришга мажбур қиласар эди. Натижада, жойлардан туман марказларига, у ердан эса пойтахт Тошкентга колхозлар, совхозлар, машина-трактор станциялари ва уларнинг қошида кутубхоналар ташкил этилганлиги ҳақида рапортлар юбориларди. «Ютуқлар ва

гарабалар»нинг рақамлари шу тариқа «ўсиб» борарди. Ҳатто жойларда шундай кутубхоналар ташкил этилган тақдирда ҳам улар одатда қишлоқлардаги мослаштирилмаган, чала-чулла жиҳозланган биноларда жойлаштирилар, фонdlари кутубхона коллектори орқали ёки туман раҳбарлари шаҳарлардан амал-тақал қилиб топган адабиётлар билан таъминланарди. Китоблар маҳаллий аҳолининг тајлабларига жавоб бериши лозимлиги түғрисида ўйлаб ҳам кўрилмас эди.

Ислоҳотлар жараёнини жадаллаштиришга интилиш, марказ талаблари ва сўровларининг ҳамда жойлардан бериладиган ахборотларнинг узлуксизлиги шунга олиб келдики, «ғалаба» ҳақида рапорт бериш мақсадида қирқ-элликта китобдан иборат мослаштирилмаган бинолар ҳам «кутубхона» деб атала бошланди. Ўзбекистоннинг чет ҳудудларида умумистифода кутубхоналарни ривожлантиришдек жуда зарур ва муҳим иш аксарият ҳолларда малакаси ва саводи паст кишиларга топшириб қўйилган эли. Кутубхона ходимлари профессионал жиҳатдан яхши тайёрланмаганлиги, улар жамиятда рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳиятини яхши тушунмаслиги бир томондан, қишлоқларда хўjakўрсинга ташкил этилган кутубхоналар, аниқроғи, «китоб жавонлари» иккинчи томондан, билимга, маданиятга чанқоқ аҳолининг талабларини қаноатлантира олмас эди.

Мамлакатнинг бош универсал илмий кутубхонаси – Ўзбекистон Давлат Оммавий кутубхонасида аҳвол бугунлай бошқача эди. Мазкур кутубхонада кутубхоначилик иши соҳасидаги етакчи мугахассислар ва илмий ходимлар жамланганди. Кутубхона фаолиятининг асосий йўналишлари ва кутубхона ходимлари меҳнатининг мазмуни фонд билан ишлаш, уни жамлаш на каталогларга акс эттириш қандай олиб борилиши лозимлиги, кутубхона хизматлари кўрсатиш, китобхонлар билан ишлаш, кадрларни ўқитиб-ўргатиш ва қайта тайёрлаш, кутубхона фаолиятини илмий ва методик жиҳатдан таъминлаш қандай ташкил этилиши зарурлигининг ўзига хос намунаси эди.

5. 1930 ва 1940 йилларда Ўзбекистон халқининг ижтимоий онгида иккита туб ўзгаришга асос ясалди. Ўзбек алифбеси Туронзаминда 742 йилдан бери қўлланилиб келинаётган араб ёзуви (графикаси)дан 1929—30 йилларда лотин графикасига, 1940 йилда эса, рус (кирилча) ёзувга ўтказилди. Бу воқеалар асл-моҳият эътибори билан авлодлар маданий-тарихий ворисийлиги табиий жараёнига, халқнинг ўз маданий, маънавий ва маърифий меросидан ва шахснинг шаклланиши ва ижтимоийлашувида иштирок этувчи аждодлардан қолган бугун

интеллигенттуда бойлигидан баҳраманд бўлишига қақшатқич зарба берди. Халқнинг тарихий хотирасига катта пугур ётказилди.

Ўзбек алифбеси лотин ёзувига ўтказилгач, бир неча йил давомида республика кутубхоналаридан араб ёзувидағи қўллэзма ва тошбосма китоблар олиб қўйилган. 1940 йилда кириллча рус ёзувига асосланган ўзбек графикасида ўтилганидан кейин эса кутубхоналарнинг фондларидан лотин ёзувида чоп этилган барча ўзбекча китоблар эскирган ва тўзган нашрлар сифатида 1940—1950 йиллар мобайнида чиқариб ташланган. Демак, 1940 йилгача миллий китоб фондлариининг ўсими ёки бойиши тўғрисида сўз юритиш мумкин эмас.

6. Вилоят аҳамиятига молик универсал илмий кутубхоналар тизимининг шаклланишига 1938 йили ҳукумат органлари республикани вилоятларга бўлиш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг асос солинди. Ҳар бир вилоят маркази ўзида универсал хусусиятга зга илмий кутубхона ташкил этиши шарт эди. Имкониятга қараб, вилоят кутубхоналарига алоҳида бинолар, шунингдек, адабиётлар харид қилишга маблағлар ажратилди. Бу уларнинг ишига ижобий таъсир қилди. Натижада, 1941 йилга келиб республикада унинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва ижтимоий ҳолатига мос келувчи қатор умумистифода универсал оммавий ҳамда универсал илмий кутубхоналар шаклланди.

7. Ўзбекистон республикаси ташкил топганидан кейинги дастлабки 15 йил ичидаги бу срда маҳсус кутубхоналар тизими шаклланади. Болалар кутубхоналари, ўғлиз олий ва юзга яқин ўрта маҳсус ўқув юртларининг кутубхоналари, етмиш бешга яқин илмий муассасаларнинг кутубхоналари, илмий-тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотлари ва институтларининг кутубхоналари, шунингдек, йирик саноат корхоналарининг техник кутубхоналари юқорида зикр этилган маҳсус кутубхоналар тизимининг тармоқларини ташкил этарди.

Расмий статистика маълумотларида кўрсатилишича, 1925—1941 йиллар давомида халқ таълими мактаблари сони муттасил ортиб борган. Масалан, 1924—1925 ўқув йилида Ўзбекистонда 160 та янги тицдаги мактаблар ташкил қилиниб, уларда 17209 ўқувчи таълим олган бўлса, 1941 йилга келиб мактаблар сони 5504 тага, уларда ўқитилаётган ўқувчилар сони эса 1 млн. 315 минг кишига етган. Табиийки, барча мактаблар ҳам ўз кутубхоналарига эга эмас эди. Аммо Ўзбекистон Олий Конгасининг 1934 йилги кутубхоначилик иши тўғрисидаги қарорини бажара бориб, республика маориф халқ комиссарлиги халқ таълими вилоят ва туман бўлимларидан янги мактаб кутубхоналари

ташкіл этишни, мавжуд мактаб кутубхоналарини құллааб-кувватлаш  
ва ривожлантиришни талаб қылар эди. Илгари ташкіл этилган мактаб  
кутубхоналари Ўзбекистон маориф халқ комиссарлығы тасдиқлаган  
рүйхатлар бүйіча зарур адабиётлар билан тұлдыриб борилди. Янги  
мактаб кутубхоналари очилди, уларнинг фондларини тұлдыриш учун  
маблаелар ажратылды. 1938—1939 ўқув йилининг бошига келиб  
Ўзбекистон мактабларида, хусусан, 672 бошланғич, 919 — етти йилик  
ва 254 — тұлиқ ўрта мактабларда бир мингга яқын маҳсус мактаб  
кутубхоналари иш олиб борар эди.

## Фойдаланилган адабиётлар ва изоҳлар

<sup>1</sup> Унитар давлат (франц. unitarism — «бирлик» сўзидан) — давлат ҳудудий тузилишининг шаклларидан бири. Унитар давлат одатда одий давлат деб аталади, давлаттнинг федератив шаклидан фарқылы үлароқ, у маъмурий-худудий бирликларга бўлинади. Унитар давлатда бутун давлат ҳаётига, шу жумладан, кўргина хўжалик, ижтимоий ва бошқа жараёнларга марказлашган тартибда раҳбарлик қилиш ҳамда уларни тартибга солиш даражаси анча юқори бўлади.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т.: Шарқ, 2000. — 312-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Зуев М.Н. История России. Учебник для ВУЗов. — М.: ПРИОР, 1998. — С. 114-115. Мамлакаттнинг саноатлаштирилиши кенг маънода замонавий йирик саноат ишлаб чиқаришига ўтилишини, саноатни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ўзлаштирилиши, фундаментал фан ютуқларининг унга жалб қилинишини англатар эди. Аммо ўз малакали кадрлари, олимлар ва муҳандис-техник ҳодимларнинг этишмаслиги, энг янги технологияларнинг йўқлиги, энг муҳими — уларни чет элда харид қилиш учун эркин муомаладаги валютанинг тақчилиги ички захираларни излашга мажбур қылди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг маҳсулотлари билан қалқаро бозорда савдо қилиш, шу тариқа валюта тўйынаб, унга қурилаёттан фабрика ва заводлар учун чет элда энг янги асбоб-ускуналар харид қилишдан бошқа чора йўқ эди. 1921 йилда зъюн қилинган янти иқтисодий сиёсат (НЭП)ни тутатишга, 20% дан иборат озиқ-овқат солигини бекор қилишга, барча деҳқонларни Жамоа хўжаликлари (колхозлар) ва совет хўжаликлари (совхозлар)га бирлаштиришга қарор қилинди. Сўнгти зикр этилган хўжаликлар ишлаб чиқарган барча маҳсулотларни давлатта у белгиланган нархларда сотишга мажбур эдилар. Бу деҳқонлар қўлга кириктган оз миқдордаги эркинликни ҳам йўққа чиқарар, уларни яна катта хўжайин (айни ҳолда — давлат)га қарам бўлган қулларга айлантирас эди. IX—X асрлардан бошлаб деҳқонлар

нисбатан эркин бўлган Ўрта Осиё халқлари учун эса, бу ўтмишга – унугитган ўрта асрларга қайтишдан бошқа нарса эмасди. Зўравонлик йўли билан жамоалаштириш мамлакатнинг айрим ўлкалари (Украина, Дон дарёсининг ҳавзаси, Қуий ва Ўрта Волга, Шимолий Кавказ, Қозогистон, Ўрта Осиё)да оммавий очарчиликни келтириб чиқарди. «Хорижий тадқиқотчиларнинг баҳосига кўра, сунъий ташкил қилинган очарчилик курбонлари сони бутун Иттифоқ бўйича камида 7 млн. кишини ташкил этган. Ўзбекистон ҳам бу фожиадан четда қолмади» (Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – 366-б.). Ташкил этилмаган «оддий» қимматчилик ва озиқ-овқат етишмовчилигидан ҳалок бўлган одамлар сони фақат Қозогистон бўйича (расмий маълумотлар) 1 млн. 750 минг кишини ташкил этди. Дарвоҷе, Совет Иттифоқида леҳқонлар 1965 йилгача умумий фуқаролик паспортига эга бўлмагандар.

\* Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – 385—386-б.

Тадқиқотчи А.Космарский ўзбек алифбесини араб ёзувидан лотинча ёзувга ўтказилиши тўғрисидаги масалага тўхталиб, жумладан, шундай деб ёзади: «1930-йилларнинг охирида СССР халқларининг деярли барча ёзувлари юқоридан кўрсатмага биноан оммавий ва жадаллаштирилган тартибда русча (кирилча) ёзувга ўтказилди. Алифбе давлат томонидан амалга оширилган маданий модернизация сиёсатининг муҳим унсурига, хусусан, саводсизликни тутгатиш, мафкуравий жиҳатдан эскирган матнлар билан танишиш имкониятига чек қўйиш воситасига айланди. Бу ялди гарзла, марказлаштирилган тартибда бегона алифбега ўтилишига, муқобил ривожланишининг ҳар қандай шакллари инкор этилишига олиб келди» (Космарский А. Смыслы латинизации в Узбекистане (конец XX – начало XXI века // Вестник Евразии. М.: 2003, №3 (22). – С. 64). «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» китобида ўзбек алифбесининг икки марта ислоҳ қилиниши ҳақида қўйидагилар айтилган (392—393-бетлар): «Адбатта, ислоҳот ўтказишидан мақсад, аввало араб имлосига қараганда анча енгил ўзлантириладиган лотин имлосини ўрганиш билан саводсизликни мумкин қадар тезроқ тутгатиш учун интилиш эканлигини сезиш қийин эмас. Аммо ёзувнинг лотинлаштирилишига қарши турган мухолифлар, советларнинг бу йўли кўп миллатли Совет Ўрта Осиёси халқларини Шарқ мусулмон мамлакатларидан сунъий равишида ажратиб олиб, улар учун алоҳида янги маданият ва тарих яратишни мақсад қилиб қўйгандар, деган фикрлари мутлиқ тўғри эканлигини ҳаёғнинг ўзи тасдиқлади. Иккинчи томондан, ёзувнинг лотинлаштирилиши динга қарши ташвиқотнинг бир шакли эди, болышевиклар таъбирига кўра, араб ёзуви диндорларга, уламоларга «хизмат қилас» эди. В. В. Бартольд, С.Ф. Ольденбург, А.Н. Самойлович каби таниқли шарқшунос олимлар бу масалаларга холисона ёндашмадилар. Ислоҳот ҳақидағи расмий кўрсатмага амал қўйлган ҳолда, Шарқ халқлари тарихи ва маданиятини ўзида мужассам қилған минглаб араб ёзувидаги қимматбаҳо

манбалардан Ўзбекистон халқарини маҳрум қилишида ўз ҳиссаларини қўшдилар. Араб ёзувини лотинлаштириш сиёсатига Ўзбекистонда, шу жумладан, таниқли тилшунос олимлардан лугатшунос, 2 жилдлик биринчи ўзбекча-русча лугатнинг ўзбек муаллифи —Фози Олим Юнусов, педагог ўқитувчилар —Қаюм Рамазонов, Абдураҳим Йўлдошев, Пўлатхон Қаюмов ва бошқалар қарши турган эдилар. Улар бу ислоҳотни маданий билимсизлик леб баҳоладилар. Айниқса, 1921 йилда тил ва имлога бағишиланган I Умумўзбек съездидаги араб ёзувини бир шаклга келтириши ва ўзбек тилининг сўз бойлиги, лугат таркиби (лексикаси) ҳақида қимматли таклифлар билан чиққан Ашурали Зоҳирий бу курашга кўп куч сарфлади.

Бироқ, ёзув масаласи атрофидаги барча шов-иувлардан тортиб то ҳукумат, оддий ташкилотлар, ислоҳотни ташкил этувчилар меҳнати, гоявий тарғибот ишларининг бари 30-йиллар охирига келиб мутлақо кераксиз бўлиб қолди. Ёзувни лотинлаштириши учун ишлатилган катта маблағлар эса бекор кетди. Чунки бу даврда келиб ҳеч қандай ташвиқотсиз, буйруқ тарзида ёзувнинг нафабатдаги ислоҳоти — кириллицага ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Тил ва адабиёт институти ҳодимлари томонидан ўзбек тили хусусиятларини ҳисобга олиб бир неча ислоҳот лойиҳаси ишлаб чиқилди ва улардан турли хил тиллар гуруҳига кирувчи, бир-биридан фарқ этувчи ўзбек ва рус тилларини «яқинлаштирадиган», умумлаштирадиган варианти танлаб олинди. Ўзбекистон зиёлиларининг энг илғор вакиллари бу даврда қатағон этилган бўлиб, қаршилик кўрсатиш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Таассуфлар бўлсинки, катта-катта харажатлар маориф ва маданият равнақи учун эмас, балки мустабид режим сиёсатига маъқул келадиган ислоҳотларга сарф этилди».

<sup>6</sup> Джурاءв А.Б. Кризис узбекского литературного текста как социолингвистическая проблема // Филологическая наука нового века: проблемы и решения. Т.: 2003. – С. 6.

<sup>7</sup> Касымова А.Г. История библиотечного дела в Узбекистане. – Т.: Уқитувчи, 1981. – С. 63.

<sup>8</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 23-иш, 1-варақ.

<sup>9</sup> А. Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонасининг архиви, 1934 йилги 68-сон буйруқ.

<sup>10</sup> «Правда Востока», 1925, 22 июль.

<sup>11</sup> ЎзССР ДК архиви, кутубхона бўйича чиқарилган 1929 йилги 104-сон буйруқ.

<sup>12</sup> Ўша ерда, 1930 йилги 49-сон буйруқ.

<sup>13</sup> Ўша ерда, 1931 йилги 1-сон буйруқ.

<sup>14</sup> Ўша ерда, 1932 йилги 14-сон буйруқ.

<sup>15</sup> Ўша ерда, 1929 йилги 50-сон буйруқ.

<sup>16</sup> Ўша ерда, 1933 йилги 1-сон буйруқ.

<sup>17</sup> Смолин Б.Н. Отдел комплектования. – В кн.: Труды ГПБ УзССР. Вып. 1. Т., 1935, с. 252.

<sup>18</sup> ЎзР МДА, 412-жамғарма, 1-рўйхат, 26-иш, 53-варақ.

<sup>19</sup> «Узбекистанская правда», 1929, №55.

<sup>20</sup> «Собрание постановлений и распоряжений правительства УзССР», 1939, №39, с. 94.

<sup>21</sup> «Правда Востока», 1933, №224.

<sup>22</sup> «Узбекистанская правда», 1933, №165.

<sup>23</sup> Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг архиви, кутубхона бўйича чиқарилган 1937 йилги 42—43 сон бўйруқлар.

<sup>24</sup> Государственная библиотека Узбекской ССР имени Алишера Навои. 1870—1970. — Т.: Изд-во литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1977. — С.82.

<sup>25</sup> Государственная библиотека Узбекской ССР имени Алишера Навои. 1870—1970. — Т.: Изд-во литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1977. — С.90.

<sup>26</sup> Қаранг: Узбекистан за 15 лет. — Т.: 1939. — С.79.

<sup>27</sup> Қаранг: Ўзбекистон ССР тарихи. — Т.: 1970. — 460-б.

<sup>28</sup> Қаранг: Кормилицын А.И. Научная библиотека Ташкентского государственного университета (1918—1993). — Т.: 1996. — С. 17, 23.

<sup>29</sup> Ӯша жойда.

<sup>30</sup> Қаранг: Расцвет культуры в Узбекистане. — Т.: Узбекистан, 1974. — С. 23.

<sup>31</sup> Ӯша ерда. — С. 28.

<sup>32</sup> Ӯша ерда. — С. 29.

<sup>33</sup> Қаранг: Наука в Узбекистане. Т.1. — Т.: Фан, 1974. — С. 11.

<sup>34</sup> Ӯша ерда.

<sup>35</sup> Қаранг: Юлдашев Э.Ю., Исламов Э.Г. Библиотечное обслуживание детей в в Узбекистане. — Т.: 1989. — С. 9.

<sup>36</sup> Ӯша ерда. — С. 11.

<sup>37</sup> Қаранг: Касымова А.Г. История библиотечного дела в Узбекистане. — Т.: Ўқитувчи, 1981. — С. 73.

<sup>38</sup> Қаранг: Народное хозяйство Узбекской ССР за пятьдесят лет. Юбилейный статистический ежегодник. — Т.: Узбекистан, 1974. — С. 10.

<sup>39</sup> Қаранг: Государственная библиотека Узбекской ССР имени Алишера Навои. 1870-1970. — Т.: Изд-во литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1977. — С.94.

<sup>40</sup> Қаранг: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. — 450—451 б.

## VII боб

### Шўро мустабид тузумининг таназзулга учраши ва завол тодиши йилларида Ўзбекистонда кутубхоначилик иши (1945—1991)

#### 1-§. Ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жараёнларининг асосий тамойиллари

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг уруш туфайли вайрон бўлган ҳалқ ҳўжалигини қисқа вақғ ичидаги тиклаш, иқтисодиётни оёққа турғизиш, саноат ишлаб чиқаришини тинч давр шароитида ишлашига жадал суръатларда қайта ихтисослаштириш вазифаси ўзининг бутун мушкуллеклари билан намоён бўлди. 1946 йилда рўй берган қурғоқчилик ва 1946—1947 йилларда мамлакатни қамраб олган очарчилик тикланиш билан боғлиқ қийинчиликларни янада чукурлаштириди. Озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини тақсимлашнинг каргочкали тартиби фақат 1947 йил декабрда бекор қилинди. Шу билян бир вақтда, пул ислоҳоти ўтказилди ва у молия тизимини бироз соғломлаштириди. 1947 йилдан кейин кенг миқёсда тарғиб қилинган нарҳларни пасайтириш амалга оширилди. 1947—1950 йилларда нарҳлар жами беш марта пасайтирилди ва 1950 йилда 1947 йилгига қараганда 43% га пасайди<sup>1</sup>.

Ижтимоий суфуртага давлат ажратмалари миқдори, ёлғиз кўп болали оналарга нафақалар, талабаларнинг стипендиялари ҳам ошиб борди. «Буларнинг барчаси асосан аҳолиси қашшоқ кун кечираётган қишлоқдан янги-янги маблағларни төртиб олиш ҳисобига амалга оширилди. Шаҳарда одамлар фарованиелигининг ошишига қишлоқни талон-торож қилиш ҳисобига эришилди. Шундан сўнг мамлакатда қишлоқ ҳўжалигидаги инқироз сурункали хусусият касб этди»<sup>2</sup> ва Иттифоқ парчалангунга қадар давом этди.

Уруш, бу қанча ғалати эшитилмасин, 30-йилларда ҳукм сурган бўғиқ муҳитни бироз енгиллаштириди, одамларга эркин фикрлаш, ташаббус кўрсатиши, катта жавобгарликни ўз зиммасига олиш учун шарт-шароит яратди. Бундан ташқари, Европадаги урушда иштирок этган милионлаб (10 млн.га яқин) совет кишилари ва репатриантлар

(5,5 млн. киши) биринчи марта мамлакат чегарасидан ташиқарига чиқдилар ва «капиталистик ҳаёт» билан илк бор юзма-юз келдилар. Европа ва Совет Иттифоқидаги турмуш даражаси ўртасидаги улкан тафовут уларга ҳам маънавий, ҳам руҳий таъсир курсатди, одамлар онгиди йиллар давомида шаклланган ижтимоий андозаларни ўзгартириб юборди. Шу сабабли ҳукумат бошқа вазифалар билан бир қаторда, одамлар онги ва мамлакатдаги интеллектуал ҳаёт устидан ялпи назоратни тиклаш вазифасини ҳам ўз олдига қўйди. Тўлақонли маънавий ҳаётга, динга, миллий ва умуминсоний маданий қадриятларга одамлар интилишининг кучайғанлигига мустабид тузум корчалонлари расмий мафкура учун жиҳдий хавфни кўрдилар. Шунинг учун ҳам урушдан кейинги ўн йиллик собиқ Иттифоқ тарихига авторитар-мустабид тузумнинг 30 йиллик ҳукмронлиги чўққига кўтарилилган давр сифатида кирди. Буни мамлакатга репатриация қилингандар ва немислар асирида бўлиб қайтганларга муносабат мисолида кўриш мумкин: собиқ ҳарбий асиirlарнинг кўпчилиги (2 млн. 270 минг кишининг 80% га яқини) концентрацион лагерларга ташланди, сургунга ва мажбурлов ишларига ҳукм қилинди<sup>3</sup>. 1947—1953 йилларда жами 5,5-6,5 млн. киши янги оммавий қатагон тўлқинининг қурбони бўлди<sup>4</sup>. Душман асирида бўлган ҳар бир киши хоин ёки хоин бўлиши мумкин, деган тушунча одамлар онтига сингдирилди. Репатриантларнинг гарбдаги ҳақиқий ҳаёт ҳақидаги ҳикояларини «душманлар ўйлаб топган уйдирма» деб кўрсатишга партия, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар органлари, айниқса, катта эътибор берди.

«Уруш йилларида ҳукмрон партиянинг сиёсий мавқеи янада ошиди, —дейилади «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобида, —у ҳақиқатда давлат устидан мутглақ ҳукмрон бўлган органга айланиб, диктаторлик билан мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида... ўзининг маъмурий-буйруқбозлик тақсимлаш сиёсатини ўtkaza бошлиди. Совет империясининг республикалари «социалистик» халқ ҳўжалик тизимининг ягона тугунига қаттиқ боғлаб қўйилган бўлиб, унинг иродасини сўзсиз бажарар эдилар. Шулар қаторида Ўзбекистон ҳам ўз ҳудудидан анча узоқда, унинг имкониятлари ва миллий манфаатларини мутглақ ҳисобга олмаган ҳолда, ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар исканжасига олинганди»<sup>5</sup>.

Сталиннинг ўлимидан сўнг (1953 йил март) 30—50-йиллардаги асоссиз сиёсий қатағонларнинг миллионлаб қурбонлари қамоқҳоналар ва концентрацион лагерлардан озод қилинган урушдан кейинги иккинчи ўн йиллик жамият ижтимоий-маданий ҳаёти анча эркинлашган, «халқлар отаси» шахсига сифиниш даврининг

асоратлари одамлар онгидан сиқиб чиқарилған мұхитда кечди. Сталинизм таңқидига асосланған мағкурадаги ўзгариш ижтимоий онға жуда катта таъсир күрсатты оламшумул воқеа бўлди. Айнан мана шу ўзгариш мамлакатда келгусида демократик ва эркпарварлик ҳаракатлари ривожданиши учун замин ҳозирлади, бу ҳаракатлар ва кучлар XX аср 90-йилларининг бошида Иттифоқда антидемократик ҳокимият тизимини афдариб ташлади.

1953—1964 йилларда амалга оширилган ўзгаришлар нафақат сиёсат ва иқтисодиётни, балки маданият, фан, маорифни ва жамият маънавий ҳәётининг бошқа жабҳаларини ҳам қамраб олди. Улар кўп сонли бўлса-да, лекин асосан ноизчил ва пухта ўйланмаган эди. Давлат маданий сиёсатининг вақтингчалик эркинлашуви аста-секин барҳам топиб, илмий ва ижодий зиёлилар яна таъқиб ва қувғин қилина бошлианди.

1964 йил октябрда СССРда ҳокимиятта янги раҳбарият келиши билан партия-номенклагура яккаҳокимлигининг кучайиши яна сезила бошлиади. У сиёсий хурфиксриликтининг ҳар қандай кўринишларига қарши эканлигини очиқ-ойдин намоён этди. Янги раҳбарият ўзининг эркинлаштириш жараёнларига чек қўйиш ниятини яшириб ўтиради. Мамлакатда сталинизмнинг тикланиш хавфи туғилди. 1964—1984 йиллар даври «Иттифоқ раҳбариятининг «хужум ва тазиқ билан» «коммунизмга сакраш»ни амалга ошириши ҳамда тўқиб чиқарилган «ривожланган социализм» режаларини жорий қилиш билан, волюнтаризм ва субъективизмнинг кучайиши билан, совет давлати ҳәётининг барча соҳаларида танглик ҳолатларининг авж олиши билан ажralиб турди»<sup>6</sup>.

60-йилларнинг иккинчи ярмида саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ислоҳотлар ўтказишга уринишлар муваффақиятсизликка учради. «60—80-йилларда мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатлари изчил равища пасайиб борди»<sup>7</sup>. Ижтимоий муносабатлар тизимини сўз ва иш ўртасида жуда катта тафовут қамраб олдики, бу даврнинг ўзига хос белгисига айланиб қолди. Сўзлар, тушунчалар ва назарий формулалар амалиётга мутлақо боғланмайдиган мазмун касб эта бошлиади.

50-йиллардан эътиборан маданий соҳани маблағ билан таъминлашнинг «қолдик» принципи қарор топа бошлиади. 1940 йилда ижтимоий-маданий тадбирларга ҳаражатлар Ўзбекистон давлат бюджети бўйича қолган ҳаражатларнинг 67,9% ни ташкил этган бўлса, 1950 йилда бу кўрсаткич 64,4%, 1960 йил — 50%, 1970 йил — 49,6%, — 1980 йил — 46,9% га пасайди<sup>8</sup>. Ҳатто 80-йилларнинг иккинчи ярмида қайта қуриш таъсирида рўй берган ўзгаришлар ҳам ижтимоий-

маданий соҳани маблағ билан таъминлашнинг пасайиш тенденцияларини жиддий ўзгартира олмади. 1990 йилга келиб ушбу кўрсакич бўйича фақат 1960 йил даражасига эришилдики, бу аҳолининг анча ошган ижтимоий-маданий эҳтиёж ва манфаатлари етарли даражада қондирилмаганлигидан далолат беради. Натижада ижтимоий-маданий муассасаларнинг моддий аҳволи ҳам оғирлаши, бу эса табиий равишда ижтимоий-маданий иш савиясига салбий таъсир кўрсатди. 1989 йилга келиб, республикадаги клуб муассасаларининг 27,9%, кутубхоналарнинг эса – 25,9% капитал таъмиrlашига муҳтож, клубларнинг 3% ва кутубхоналарининг 3,8% авария ҳолатига келиб қолган эди<sup>9</sup>. Шундай қилиб, маданиятга иккинчи даражали нарса сифатида қарааш йиллар ва ўн йилликлар давомида шаклланиб борди.

1970 йиллар охиридан Иттилоғда бугун «давлат социализми» тизимида чуқур ижтимоий-иктисодий, мағкуравий ва таркибий танглик тамойиллари шитоб билан ривожланиб борди<sup>10</sup>.

Ватанимиз тарихининг мураккаб даврини ташкил этган 1959—1983 йилларда республикага таникли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш.Р. Рашидов раҳбарлик қилди. «Ўзбекистоннинг янги тарихи» китобида таъкидлаб ўтилганидек, «у Иттилоғ раҳбариятининг империяча хатти-ҳаракатлари туфайли стказилаётган зарарни энг кам миқдорга туширишга интилди, республика учун зарур маблағлар ва моддий ресурсларни ундиришга ҳаракат қилди. Кўпгина мухим обьектлар (кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, сув иншоатлари қуриш, Тошкент зилзиласи оқибатларини тутатиш ва шаҳарни қайта қуриш, Тошкент метрополитенси қурилишини йўлга қўйиш ва ҳоказо) қурилиши, Ўзбекистоннинг кўп қиррали салоҳияти ривожланиши унинг номи билан боғлиқдир»<sup>11</sup>.

Тарихий жараённинг салбий омиллари ва воқеалари билан бир қаторда, Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий-маданий соҳаларида муайян ижобий ўзгаришлар рўй берганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Урушдан кейинги даврда бу ерда саноат ишлаб чиқариш мажмуасида, қишлоқ ўйжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашда сифат ўзгаришлари рўй берди, машинасозлик, энергетика, кимё, олтин, нефть ва газ қазиб чиқариш, қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат ва қурилиш саноатлари ривожланди. Аҳолининг умумий маълумот даражасида китоб ўқиши социологияси, китобхонлар контингентининг ўсиши ва кутубхоначилик ишининг ривожланиши билан боғлиқ сифат ўзгаришлари рўй берди (1950 йил мактабларда етти йиллик, 1958 йил – саккиз йиллик умумий мажбурий таълим жорий этилди, 1970 йил умумий тўлиқ ўрта

маълумот (11 синф) жорий этилди). 1980 йил Ўзбекистонда 9445 ўрта мактаб, 222 ўрта маҳсус ва 43 олий ўқув юрти, 36228 илмий ходим (шулардан учдан бир қисмидан кўпроғи – фан докторлари ва номзодлари) фаолият олиб борар эди.

Урушдан кейинги даврда аҳолининг туғилиш даражаси ўлим даражасидан кескин ошиди, жуда катта демографик портлаш рўй берди, Ўзбекистонга Иттифоқнинг бошқа республикаларидан кўчиб келувчилар сони кўпайди. Натижада, Ўзбекистон аҳолиси 1945 йил 6,5 млн. кишидан 1990 йил 19—20 млн. кишига кўпайди. Айни вақтда, иқтисодий, маданий, маънаний-маърифий соҳалардаги тургунлик 80-йилларнинг охирларига бориб шу қадар кучайдики, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов 1990 йил июлида қуйидаги савонни беришга мажбур бўлди: «Шундай катта ресурсларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника салоҳиятига, қулай табиий-иқдим шароитларига ва, энг асосийси, шундай меҳнатсевар ҳалқига эга бўлган республика қандай қилиб асосий иқтисодий ва ижтимоий мезонлар бўйича мамлакатда энг охирги ўриншардан бирида бўлиб қолди, ҳақли суратда танглик ҳолати деб аталадиган ҳолат даражасига бориб қолди?»<sup>12</sup>.

1985 йил ҳокимиятга келган собиқ Иттифоқ раҳбарларининг янги авлоди мамлакатда туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини яхши тушунар эди. «Ошкоралик» ва «қайта қуриши» тушунчалари ислоҳотлар янги сиёсатининг бош стратегик тушунчаларига айланди. Қайта қуриш ижтимоий ривожланишининг жадаллашувига эришиш мақсадида хўжалик, ижтимоий, сиёсий механизmlарга, шунингдек, мағкурага таркибий ва ташкилий ўзгартишлар киритишни назарда тутар эди. Ошкоралик жамият ҳаётидаги барча камчилик ва кусурларни аниқлаш, ижрочиларни «юқоридан пастга қадар» танқид қилиш ва ўз-ўзини танқидни, расмий даражада қабул қилинган социализм мағкураси ва амалиёт ўртасидаги зиддиятлардан далолат берувчи фактларни ошкор этиш ва қоралашни англатарди.

Дастлаб жамият ишончи йўқолган ва мамлакат ривожланиши йўлида тўсиққа айланниб қолган расмий мағкурани жонлантириш ва «модернизация қилиш»га қаратилган сиёсий шиор сифатида ўртага ташланган ошкоралик мустабид партократик Шўро тузумини эркинлаштиришга қаратилган кучларни жуда тез озод қилиш ва фаоллаштиришга кўмаклашди. Ошкоралик ҳукмрон мағкуранинг социализм афзалликлари ҳақидаги барча дъяватлари ва шиорлари ёлғон эканлигини фош этди. Айни вақтда, ошкоралик ҳукмрон

мафкуранинг тарифига ва ташвиқотлари асири бўлган ижтимоий онгнинг ўзгаришига, ҳурфиксалик тамойилларига асосланган янгила фикрлаш тарзининг шакланишига жуда кучли туртки бўлди. Ошкоралик сиёсати оммавий ахборот воситалари устидан цензурани «юминатиш»ни (юқоридан назорат остида), илгари тақиқланган бир қанча китоблар, ҳужжатлар ва ҳоказоларни эълон қилишини назарда тутар эди. Шунингдек, ноширлик, фильмлар ишлаб чиқариш, театр томончаларига нисбатан цензуранинг зўравонлигига ҳам майян даражада чек қўйилди, илгари суратга олинган, лекин кўрсатиш тақиқланган («жавон»га қўйилган) фильмлар намойиш этилди. Ошкоралик ривожланишига қараб, у кўпроқ сўз эркинлиги шаклшамойилини касб этиб борди. Партия аппарати ҳарчанд уринмасин, бунинг олдини олишига қурби етмади. Илгари тақиқланган мавзулар (масалан, сталинизм ва қатағонлар) ва тарихий ҳақиқатнинг тикланиши билан боғлиқ кўп сонли мақолалар, китоблар, кино ва ҳужжатли фильмлар ўтмиш ва ҳозирги даврни қайта тушуниб етишга кўмаклашди, тарихий ва ижтимоий андозалардан воз кечишига, мамлакат келгуси ривожланишининг янги мўлжалларини излашга тургки берди.

1989—1990 йилларда ҳокимият тизгини партаппарат қўлидан чиқа бошлади. Давлатда ҳокимият олий органларига муқобиллик асосида ўтказилган биринчи эркин сайлов партия-давлат аппарати хукмронлигига қарши «тинч» оммавий инқилоб бошланишига муҳим туртки бўлди. Демократиялаштирини жараёнларининг давом этиши ўнга олиб келдики, шўро жамияти қисқа вақт ичida авторитар-бюрократик тузумдан демократияга сакрашни амалга ошириди. Мустабид тузум негизига қақшлатқич зарба берилди. Мамлакатда давлат ҳокимиятини бошқарган коммунистик партиянинг ағдарилиши, унинг тузилмалари фаолияти тақиқланиши билан давлатнинг сиёсий негизи барҳам топди. 1991 йил 8 декабрда СССР таъсисчилари бўлган уч славян республикаси — Россия, Белоруссия ва Украина раҳбарлари Совет Иттифоқи халқаро ҳуқуқ субъекти ва геосиёсий воқелик сифатида ўз фаолиятини тугатганлигини эълон қилдилар. Лекин бундан ҳам олдинроқ, 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети «Мустақилик декларацияси»ни қабул қилган, 1991 йил 31 августда эса Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақилииги эълон қилинган эди.

## **2-§. Кутубхоначилик иши тизимиининг ривожланиши**

### **2.1. Универсал оммавий кутубхоналар тизими**

#### **2.1.1. Кутубхоначилик ишини бошқаришининг ташкилий шакллари**

Урушдан сўнг республика кутубхоначилик ишини давлат томонидан бошқариш тизимида муайян ўзгаришлар рўй берди. 1945 йил октябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида республика вазирлиги мақомига эга бўлган Маданий-маърифий муассасалар ишлари бўйича қўмита тузилди. Шу муносабат билан Кутубхоначилик бошқармаси ва унинг тузилмаси Маориф халқ комиссарлиги таркибидан янги тузилган қўмига таркибига ўқазилди. Маданий-маърифий ишларни жойларда бошқариш учун меҳнатканчилар депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ижроия қўмиталари қошида маданий-маърифий иш бўлимлари ташкил этилди. Маданиятнинг турли тармоқларига раҳбарликни марказлаштириш ва такомиллаштиришнинг навбатдаги босқичи ўлароқ, 1953 йил апрелда Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги ташкил қилинди. У қуйидаги тўрт бош бошқармадан иборат эди: Маданий-маърифий муассасалар бош бошқармаси, Санъат муассасалари бош бошқармаси, Матбаачилик саноати ва нашриётлар бош бошқармаси, Китоб савдоси бош бошқармаси. Кутубхоначилик бошқармасини ўз ичига Маданий-маърифий муассасалар бош бошқармаси олган эди.

### **2.1.2. Оммавий кутубхоналар тармоғининг ривожланиши**

Уруш йилларида кўпгина шаҳар ва, айниқса, қишлоқ кутубхоналарининг китоб фонди қониқарсиз аҳволга келди, анча тўзди ва қисқарди. Масалан, Тошкент вилоят кутубхонасининг китоб фонди 50 минг нусхадан 30 минг нусхага, Қашқадарё вилоят кутубхонасининг китоб фонди — 15 минг нусхадан 8 минг нусхага камайди. Жуда кўп туман кутубхоналарининг китоб фонди ўрта ҳисобда 500—1000 нусхадан иборат эди. Қишлоқ кутубхоналарининг аҳволи бундан ҳам абгор эди. Шунинг учун ҳам Маданий-маърифий муассасалар ишлари бўйича қўмита ишлаб чиқсан 1946—1950 йиллар учун мўлжалланган беш йиллик режада нафақат республикада

кутубхоналар тармоғини тиклаш, балки кутубхоналар сонини 1941 йил бошига қараганда мұайян даражада күпайтириш ҳам назарда тутилди. Қишлоқда кутубхоначылық ишини янада ривожлантириш ва туман кутубхоналари тармоғини түзишни яқунлаш режада асосий үринни әгаллади. Хусусан, республикага келаётган жами адабиётларнинг 25% ни кутубхоналарға ажратиш түғрисида қарор қабул қилинди. Күрилгән чора-тадбирлар натижасыда кутубхоначылық иши жадалроқ ривожлана бошлади.

Қишлоқ Шүроларининг ҳаммаси ҳам үз кутубхоналарига эга бўлмаганилиги туфайли, бу даврда китоб ташувчилик ва кўчма кутубхоналар ташкил этиш ишлари анча ривожланди. 1951 йилда кўчма кутубхоналар сони 2500 га, уларнинг китоб фонди 24 минг нусхага етди. Агар 1949 йилда республикада китоб ташувчилар бармоқ билан санарли даражада оз бўлса, 1950 йилда улар минг кишидан ошиб кетди. 1951 йилга бориб эса, улар 3350 кишига етди. Китоб ташувчилар Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, кўп болали оналарга, ишлаб чиқариш илғорларига хизмат қиласидилар.

Мустақил қишлоқ кутубхоналари кўчма кутубхоналар ташкил этишда тобора фаолроқ рол ўйнай бошлади. Китоб фондларининг ўсиши, кутубхоналарнинг жамоа хўжаликларига яқинлиги ҳам бу ишда ёрдам берди. Кўчма кутубхоналар баҳорги, ёзги ва кузги дала ишлари даврида фермаларда, дала шийпонларида ва бошқа ишлаб чиқариш жабхаларидаги ташкил Этиларди.

Мамлакатимизда 60-йилларнинг биринчи ярмида шаҳар ва қишлоқлардаги кутубхоналар тартибга солиш ишлари олиб борилди: кичик кутубхоналар бирлаштирилди, уларнинг ишидаги бир хиллик ва тақрорийликка чек қўйилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1961 йил 23 декабрда қабул қилган «Қишлоқда маданий-маърифий ишларни кучайтириш чора-тадбирлари түғрисида»ти қарордан сўнг қишлоқларда кутубхона тармоқларини тартибга солиш ишлари жадаллашди. Бу ҳужжатда қишлоқ аҳолисига китоб билан хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилган эди. Қишлоқларда мавжуд кутубхона тармоқлари ҳали етарли эмаслиги, уларнинг фонди зарур адабиётлар билан таъминланмаганилиги қайд этилганди. Кутубхоналарнинг аксарият қисми кутубхонага мос бўлмаган биноларда жойлашган, кутубхоналарга маҳаллий бюджетдан ажратилган арзимас маблағлар ҳам тўлиқ ишнатилмасди.

Қарор қишлоқ ва колхоз кутубхоналари ишларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишини ва уларнинг ишини ҳар томонлама

яхшилашни вазифа қилиб қўйди. Ана шу қарор асосида республикада кутубхоналарни режали равишда жойлаштиришининг амалий чоралари белгилаб олинди, уларнинг фонdlарини тўлдиришин яхшилаш, ҳар бир аҳоли пунктни ва жамоа хўжалигида оиласларга кутубхона хизматини ташкил қилиш бўйича ишлар бошланиб кетди.

Ўзбекистон қишлоқларида мавжуд кутубхоналар тармоғи ҳали оз сонли бўлиб, улар зарур китоблар билан етарли даражада таъминланмаган эди. Қишлоқда ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига 1,8 та китоб тўғри келарди. Республикадаги 425 жамоа хўжалигида кутубхона йўқ эди. Қишлоқ кутубхоналарининг ҳар бирида ҳисобда 2—3,8 минг нусха китоб бор эди. Қишлоқ хўжалигига оид маҳсус ва бадиий адабиётлар етишмасди.

Шу даврда қишлоқ ва жамоа хўжаликлари кутубхоналари ишини яхшилаш, туман кутубхоналари фондини мустаҳкамлаш, қўчма кутубхоналар, китоб ташиш ишларини ривожлантириш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилди. Чунончи, кутубхоналар анча режали равишда жойлаштирилди, ҳар бир аҳоли пунктнига ва ҳар бир жамоа хўжалиги аҳолисига кутубхона хизматлари кўрсатиш яхшилаши. 1962 йилга келиб Сурхондарё ва Фарғона вилоятларининг барча жамоа хўжаликлирида кутубхоналар ташкил қилинди. Хоразм вилоятида 1962 йилда 20 та жамоа хўжалигида кутубхоналар очилди. Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг жамоа хўжаликлирида ҳам янги кутубхоналар ташкил этилди.

1961 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра, республикадаги оммавий кутубхоналар тармоғи 3413 тага етди. Қишлоқ кутубхоналарининг ўзидағи китоб фонdlари 10493 миннадан кўпроқ эди. Қишлоқлардаги кутубхоналарнинг миқдори кўпайди.

Лекин, шунга қарамасдан, кутубхоналар ишининг сифат кўрсаткичлари, айниқса, қишлоқларда меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган талабларидан орқада қолмоқда эди. 1963 йилда бигга қишлоқ кутубхонасига 365 китобхон тўғри келарди. Ўзбекистон ССРда битта кутубхонага тўғри келадиган аҳолининг ўртача миқдори аввалгидек юқори – 2199 киши, Қорақалпоғистон АССРда – 3583 киши, умуман СССР бўйича эса, 1099 киши эди. Аҳолиси 300 кишидан 1000 кишигacha бўлган аҳоли пунктларидан 1600 дан зиёдрогига кутубхоналар йўқ эди<sup>13</sup>. Шунинг учун ҳам 1960—1975 йиллар мобайнида республика миқёсида кутубхона тармоқларини режа асосида ташкил қилиш ва жойлаштириш бўйича олиб борилган ишлар кутубхоначилик ишининг энг асосий ташкилий муаммосини – ҳар бир аҳоли пунктини кутубхона хизмати билан таъминлаш вазифасини

узил-кесил ҳал қилишга ёрдам берди. Республиканинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган ривожланиш режаларида хусусан кутубхона тармоқларини тартибга солиш ишига, барча аҳоли яшайдиган жойларда кутубхона хизматини ташкил қилиш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Режада барча турдаги кутубхоналарнинг модий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги маҳсус бинолар билан таъминлаш, кутубхона фонdlарини буглаш сифатини ошириш, кутубхоналарнинг асосий иш кўрсаткичларини умумиттифоқ нормативларига яқинлаштириш мўлжалланган эди.

Шундай қилиб, кутубхона тармоқларини тартибга солиш, энг аввало, аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишнинг ягона тизимини вужудга келтириш йўлида муҳим босқич бўлди. Унинг натижасида йиллар мобайнида таркиб топган кутубхоначилик ишидаги хўжасизликка чек қўйилди, тарқоқликка барҳам берилиди, барча турдаги кутубхоналар фаолияти ягона бир мақсадга бўйсундирилди, кутубхона тармоқларини тартибга солиш жараёнида ку tubхonalarning аҳволи яхшиланди, натижада аҳолига кутубхона хизмати кўrсатишнинг самарадорлиги ошиди. Мана шу тадбирлар амалга оширилиши натижасида, 1975 йилга келиб, республикада деярли барча йирик аҳоли пунктлари, колхоз ва совхозлар, корхоналар амалда кутубхона хизмати билан қамраб олинди. Айтилганларни рақамлар тилига кўчирсак, 1975 йилга келиб, республикада 13,5 млн. дан ортиқ аҳоли яшаган ҳолда, 90 млн. нусхадан иборат китоб фонди бўлган 15 мингдан ортиқ ҳар хил турдаги кутубхоналар ишлаб турди<sup>14</sup>. Фақатгина оммавий кутубхоналар сони 1959 йилги 3205 тадан 1974 йилда 6152 тага, уларнинг китоб фонди 17692 минг нусхадан 38075 минг нусхага етди ёки бўлмаса, кутубхоналар сони қарийб икки баравар, уларнинг фонди эса 2,2 баравар кўпайди<sup>15</sup>. Бу кутубхоналарнинг 5133 таси қишлоқларда жойлашган эди. Тўғри, бу рақамлар турғуллик йиллари маҳсули сифатида ишончсизлик уйғотили мумкин. Аммо шу даврда кутубхона тармоқларини тартибга солиш жараёнида юзлаб кичик кутубхоналар бирлаштирилиб, йирик қишлоқ кутубхоналари ташкил этилганлиги, уларнинг фонdlари қўшилиши натижасида минглаб дублет нусхалар, тўзиган папирлар фонddан чиқариб ташланганлиги ҳам маълум. Бундан ташқари, юзлаб клублар қошидаги кутубхоналар, колхоз ва жамоатчилик кутубхоналари кейинчалик давлат қишилоқ кутубхоналарига қўшиб юборилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кутубхоначилик қурилиши ишларини амалга ошириш жараёнида юқорида зикр этилган қарор аҳолига кутубхона хизмати кўrсатишнинг ягона

тизимини вужудга келтириш ва кутубхоналар ишини янада такомиллаштиришга ёрдам берди, натижада кутубхоналарни оммавий марказлаштирилган тизимга ўгказиш имконияти туғилди.

### **2.1.3. Оммавий кутубхоналар тармоғини марказлаштирилган кутубхоналар тизимига бирлаштирип жараёни**

1960—1970 йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган кутубхоначилик ишларининг натижалари, кутубхона тармоқларини бир текис, режали жойлаштириш, барча аҳоли пунктларини кутубхоналарнинг муайян шохобчаси билан таъминлаш, кутубхона фондлари сифатини яхшилаш (дублет, эскирган ва тўзган нашрлардан тозалаш, ортиқча нашрларни кутубхоналар ўргасида қайта таъқсимлаш ва ҳ.к.), кутубхоналарнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш кутубхоначилик иши бирмунча яхшиланишига олиб келди. Кутубхоналарга давлат раҳбарлиги ва услубий раҳбарлик қилиш тизимларининг такомиллашуви, Боли кутубхоначилик инспекцияси ва унинг жойлардаги органлари тузилиши, давлат ва тармоқ кутубхоналарига услубий раҳбарликни амалга оширувчи методик марказлар тизимилашувининг вужудга келиши, ҳар хил идора ва тармоқларга қарашли кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи Идоралараро кутубхоначилик Даъват комиссиясининг ташкил толиши мамлакатда кутубхоначилик иши ривожланишига ўз ташкилий таъсирини кўрсатмай қолмади.

Кўпчилик кутубхоналар фондининг ҳали мазмунан ҳамда ишлаб чиқариш талаби жиҳатидан эскирган нашрлардан тўла тозаланмаганлиги, дублет ва кутубхона ихтисослигига тўғри келмайдиган адабиётларнинг кўплиги кутубхона хизматининг самарадорлигини пасайтириб юборли. Айни вақтда, оммавий кутубхоналарда ижтимоий-сиёсий, техника, қишлоқ хўжалигига оид, болалар адабиётлари етишмас, мавжудлари эса, сифатсиз тўлдирилган, айниқса, маҳаллий аҳоли тилларида нашрлар жуда оз бўлиб, кутубхоналар умумий фондининг 5-7 фоизинигина ташкил этарди.

Йиғилиб қолган муаммоларни кутубхоналар ишини миқдорий жиҳатдан янада кенгайтириш эвазига ҳал қилиб бўлмас эди. Бунинг учун кутубхоналар ишида жиддий сифат ўзгаришларини амалга ошириш зарур эди. Бундай ўзгаришга замин кутубхона тармоқларини тартибга солиш пайтидаёқ яратила бошланган эди. Аҳолига кутубхона

хизмати кўрсатишининг ягона тизимини вужудга келтиришда кутубхона тармоқларини марказлаштириш қайта аҳамиятга эга эди. Кутубхоналар ишининг марказлаштирилиши кутубхона тармоқларини тартибга солиш, кутубхоналараро абонемент умумдавлат тизимини жорий этиш каби кутубхоналарининг ички имкониятларидан унумли ва самарали фойдаланиш ҳисобига аҳолига, фан ва ишлаб чиқаришга кутубхоначилик-библиография хизматини янада яхшилаш имконини берарди. Кутубхоналар ишининг марказлаштирилиши кутубхоначилик иши тараққиётида сифат жиҳатидан янги босқич бўлиб, у жамиятнинг фан-техника тараққиёти даврида китобга ва ахборотга бўлган объектив талабларини қондиришга қаратилган эди. Кутубхоналар ишининг марказлаштирилиши амалда кутубхоналар фаолиятини тубдан қайта куришга имконият яратарди.

Туман ва шаҳар миқёсидаги бъэзи бир кичик, ўзаро тарқоқ кутубхоналарнинг фонди, штати, моддий ресурслари бирдаштирилиши натижасида бир неча юз минг фондга, такомиллаштирилган маълумотнома-библиография апаратига, филиаллар тизимиға эга бўлган йирик кутубхоначилик муассасаси – марказлаштирилган кутубхоналар тизими (МКТ) бунёд этилди. МКТ фонди, агар у тўғри шакллантирилган бўлса, йирик универсал давлат кутубхонаси бўлган вилоят кутубхоналари фонди даражасида, балки ундан ҳам кўпроқ нашрларни ўзида жамлар эди. Мисол учун, Тошкент шаҳрида 1973 йилда ташкил топган Фурқат номидаги Чилонзор туман МКТ 10 та филиалини бирлаштирган бўлиб, тизимнинг умумий китоб фонди 206720 нусхадан иборат эди. Шу йилларда республикадаги мавжуд 11 вилоят кутубхонасидан фақат Андижон ва Самарқанд вилоят кутубхоналари фонди (тегишинча 307679 ва 266146 нусха) бу миқдордан ортиқ эди.

Кутубхона фондини шакллантиришдаги туб ўзгаришлар, ахборот ишларининг такомиллаштирилиши, ишни ва бошқариш услубларини янгича ташкил қилиш китобхонларга хизмат кўрсатиш даражасида ҳам сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Шундай қилиб, кутубхона ишларини тубдан қайта қуришнинг бош мақсади кутубхоналар иши савиасини ва уларни ўюштиришини китобхонларнинг китобга ва бошқа ахборот маибаларига бўлган талабларини қондиришга мослаштиришдан иборат бўлди.

Шаҳар ва туманларда кутубхона тармоқларининг марказлаштирилиши натижасида аҳолига китоб билан хизмат кўрсатиш яхшиланди, китобхонлар сони сезиларли даражада ўсиб борди. Шаҳарлардаги марказлашган тизимлар таркибига кирган бир

кутубхонадаги китобхонлар сони оддий кутубхонадагига қараганда икки баравар күп эди. Бу кутубхоналардаги китобхонлар орасида мутахассислар, муҳандис-техник ҳодимлар, малакали инчиларнинг миқдори ҳам ортиб борли.

1973 йилдан бошлаб тўпланган тажриба асосида Ўзбекистонда кутубхоналарни янги хизмат кўрсатиш тизимига ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилди. Жумладан:

— 1973—1975 йилларда оммавий давлат кутубхоналари тармоқларини марказлаштириш муаммоси бўйича иш рёжаси;

— 1976—1980 йилларда оммавий давлат кутубхоналари тармоқларини аҳолига хизмат кўрсатишнинг марказлантирилган тизимига ўтказишни режаси лойиҳаси;

— кутубхона ишлари тараққиётининг 1976—1990 йилларга мўлжалланган асосий кўрсаткичлари режасининг лойиҳалари тайёрланди.

Бу режаларда кутубхоначилик иш услублари ва янги принциплари, республиканинг турли вилоятлари хусусиятларини, иқтисодий самарадорлик ва маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олиб, кутубхона тармоқларини қайта тузишни илмий асослаш зарурлиги тўғрисидаги муҳим қоидалар ўз аксини топди.

1973 йил сентябрдан Тошқент шаҳрининг Чилонзор туманида республикада биринчи бўлиб, тажриба сифатида, марказлашган кутубхона тизими иш бошлади. Фурқат номидаги марказий туман кутубхонаси негизида республика кутубхона ҳодимларини марказлаштириш шароитида китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш услубларини ўргатиш бўйича илғор тажриба мактаби барпо қилинди.

Фурқат номидаги марказий кутубхонанинг филиаллари фондни тўлдириш, адабиётларга ишлов бериш, кутубхоналараро абонемент бўйича хизмат кўрсатиш, бинони жорий ва капитал таъмиглаш каби асосий вазифалардан озод қилиниб, ўз лиққатини китоб тарғиботининг шакл ва услубларини такомиллаштиришга, китобхонлар талабини тўлароқ қонлириши, уларнинг ўз малакасини оширишига раҳбарлик қилиш ва бошқа масалаларга қаратиш имкониятига эга бўлдилар. Филиал кутубхоналар марказлашган тизимнинг бир қисми бўлгани ҳолда, улар ўзлари хизмат кўрсатувчи ҳудуднинг маданий ҳаёти маркази бўлиб қолди. Филиал кутубхона Марказий кутубхонанинг китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими билан яқин алоқада иш олиб борар, унинг кутубхоналараро абонементи ёрдамида республиканинг бошқа кутубхоналари билан

боғдана оларди. Шу тариқа марказлаштириш шароитида микротуманда яшовчи ҳар бир киппам алмада бутун туман, шаҳар кутубхоналарининг фондидан, ҳатто республика кутубхоналари китоб фондидан фойдаланиши мумкин эди. Бунда китобхон тизимнинг ягона каталогидан китоб танлаб, унга талаб варақасини тўлдирав экан, марказлашган тизимнинг ягона фондидаги исталган китобни олиб ўқиши мумкин эди. Марказлаштириш бўйича дастлабки илғор тажриба мактаби бўлган шу кутубхонанинг тажрибасига таяниб, кигубхонларга хизмат кўрсатишнинг янги шаклига дастлаб Кўкои, Навоий, Когон, Олмалиқ шаҳарларида кутубхоналар, сўнгра Андижон, Наманган, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон автоном республикасидаги кутубхоналар ўта бошлади<sup>16</sup>.

Мамлакатда амалга оширилаётган оммавий давлат кутубхоналари тармоқларини марказлаштириш бўйича тажрибалар янги тизимнинг афзалликларини, ютуқ ва камчиликларини намоён этди. Афсуски, Ўзбекистонда марказлашган тизим шароитида кутубхоначилик ишининг унумдорлиги ва самаралорлиги муаммолари маҳсус тадқиқотларда ўрганилмаган. Шу сабабли МКТ шароитида юз берган миқдор ва сифат ўзгаришилари ҳақидаги маълумотларни собиқ СССР Маданият вазирлиги аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишнинг ягона тизимини вужудга келтириш бўйича кенгаши ва комиссиясининг тадқиқот материалларидан<sup>17</sup> олиб келгираримиз.

Кутубхона тармоқларининг марказлаштирилишида асосий муаммо ягона фонднинг шаклилантирилишидир. Маълумки, марказлаштириш натижасида ҳар бир туман ёки шаҳарда ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан қайта тузилган катта фонд вужудга келтирилади. У тизимни тўлдириш учун ягона мавзу-типологик режа асосида олиб борилади. Шу боис дублет нашрлар, кутубхона ихтисослигига тўғри келмайдиган адабиётлар олинишига чек қўйилади, натижада олинадиган адабиётларнинг миқдори ва қамров доираси кенгаяди, ажратилган маблағлар самарали ишлатилади. Шунингдек, ягона фонд айrim филиалларга қатъий боғлаб қўйилмаганлиги сабабли (ягона фонднинг якка тартибда олиб бориладиган ҳисоби фақат марказий кутубхонада юритилади, филиалларда бўлиши зарур бўлган китоб фонди бундан мустасно), китоб фонди маълум даражада тизим бўйича қайта таҳсиланиб, айланниб туради.

1975 йил 2 Февралда Иттифоқ Маданият вазирлигининг «Оммавий давлат кутубхоналарини марказлаштириш тўғрисидаги Низоми» тасдиқланди. Унда туман ва шаҳарларда кутубхона тармоқларини марказлаштириш вариантлари кўрсатиб ўтилган эди.

Марказлашган тизим шароитида китобхонларга китоб берилишида

ҳам сифат ўзгаришлари юз берди. Масалан, Бухоро вилоятидаги кутубхоналарда ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг ўқилиши бир йилда 17% га, уларнинг айланиши эса, 2,1% га, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич тегишинча 16 ва 2,0% га ошиди. Умуман, республика бўйича мазкур адабиётларнинг берилиши умумий китоблар берилишининг 15% ни ташкил этди. Бу, албатта, кутубхона фондлари шу турдаги адабиётлар билан тўғри тўлдирилиши натижаси бўлиб, айrim марказлашган тизимларда уларнинг ўсиш даражаси жами фонднинг 12% ни тацкил этар эди.

Ўзбекистонда кутубхона тармоқларини марказлаштириш жараёнида янги кугубхона шахобчаларини ташкил этиш ва мавжуд кутубхоналар тармогини тартибга солиш соҳасида қатор ишлар амалга оширилди. Жўмладан, 1975—1980 йиллар мобайнида кутубхона шахобчалари йўқ бўлган аҳоли пунктларида янгидан 2142 кутубхона очилди. Ўзбекистон Маданият ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ҳайъатларининг 1976 йил 26 январь қарорига биноан 628 та колхоз кугубхонаси марказлаштирилган кутубхоналар тизими таркибига киритилди, 213 та клуб қошидаги 86 та касаба ўюшмаси ташкилотларига қарашли кутубхоналар марказлаштирилган тизими филиалларига айлантирилди<sup>18</sup>.

Умуман олганда, кутубхона тармоқлари марказлаштирилганидан сўнг кутубхоналар иши анча яхшиланди. Масалан, ҳар бир марказлашган тизим бўйича китобхонлар сони ўрта ҳисобда 3360 кишига ошиди, китоб берилиши эса, 73,5 минг нусхага кўпайди. 1980 йилда Ўзбекистондаги марказлашган тизимларда китобхонлар сони 4509,0 минг кишини, китоб берилиши эса, 95755,8 минг нусхани ташкил этди<sup>19</sup>. Агар 1975 йилда оммавий давлат кугубхоналарининг фонди 29663 нусхадан иборат бўлган бўлса, 1980 йилда уларнинг миқдори 51,620 мингга етди<sup>20</sup>.

Шундай қилиб, 1980—1990 йилларда режадаги 160 марказлашган тизим ўрнига, амалда 5095 филиални бирлаштирган 191 тизим ишлаб турди, улардан 152 таси ёки қарийб 80 фоизи қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатар эди. Марказлашган тизимлар миқдорининг кўпайишини республикада янгидан кўплаб туман ва шаҳарлар барпо этилиши билан изоҳлаш мумкин. Масалан, 1970—1980 йиллар мобайнида Ўзбекистонда шаҳарлар сони 42 тадан 102 тага ошиди. Айни вақтда, шуни ҳам қайд этиш лозимки, марказлашган кутубхона тизимлари миқдори режасининг ошириб бажарилиши турғунлик даврига хос ҳодиса бўлиб, бирмунча ошириб «рапорт» бериш ўша даврда одат тусига кирган эди.

## **2.1.4. Мустақиллик арағасындағы кутубхоначилик иши**

### **Маънавий-мағкуравий масалалар**

Урушдан кейинги 45 йил (1945—1990 йиллар) мобайнида Ўзбекистонда оз миқдорда моддий маблағлар билан бўлса-да, универсал ва маҳсус кутубхоналар тизими ривожланиб борди. Аммо кутубхоначилик ишини ташкил этиш ва уни бошқариш «Коммунизм қурилишига хизмат қиласидиган нарсаларгина қимматта эгадир», деган тамойилга асосланарди. Бу йўналишда таишланадиган ҳар бир қадамнинг аҳамиятини эса партия корчалонлари ва мағкурачилари белгилар эди. Кутубхоналар фаолияти ўстидан назорат ўрнатилган, кутубхоначилик ишини режали равишда бошқариш ва унинг натижаларини шакллантириш вазифаси қўйилган эди. Вақти-вақти билан кутубхоналар каталоглари ва фондларини қайта кўриш бўйича амрномалар ва йўриқномалар пайдо бўлар, уларга совет кишиларини «аксилинқилобий» ва заарарли адабиётлар»дан ҳолос этиш учун йўқ қилиниши лозим бўлган китобларнинг узун рўйхатлари илова қилинарди. Барча кутубхоналарда маҳсус бўлимлар — «спецхранлар» ташкил этилган бўлиб, уларда мутолаа қилиш тақиқланган китоблар қулфланадиган алоҳида шкафларда сақланиши лозим эди. Китобларнинг «фойдали» ёки «заарарли» лигини ГПУ-НКВД-МГБ-КГБ, яъни давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари баҳолар, кутубхоналар фаолиятини синчиклаб кузатиб борар эди. Зардуштийлик, иуадаизм, ислом, христиаң ва буддавийликка оид китоблар, фалсафий ва диний мавзудаги адабиётлар, Шарқ ва Фарбнинг машҳур алломалари қаламига мансуб юзлаб номдаги асарлар тақиқлаб қўйилди. 1928 йилдан кейин арабча алифбедан лотинчага ўтилиши муносабати билан кутубхоналар моҳият эътибори билан бутун ёзма маданий меросимизни ўзида мужассамлаштирган кўлёзма ва тошбосма китоблардан тозаланганигини, 1940 йилдан кейин эса, лотин алифбесидан кирилчага ўтилиши муносабати билан Туркистон республикалари нашриётлари 1928—1940 йилларда лотин алифбесида нашр этишга ултурган адабиётлар ҳам муомаладан чиқарилганлигини эсласак, Туронзамииннинг анъанавий миллий маданияти учраган ҳалокат кўлами аниқ ва равшан бўлади.

Жамиятдаги маънавий қадриятлар тизими аста-секин завол топиб борди. У барча турдаги кутубхоналарнинг фондларида ўз аксини топди. 90-йилларга келиб фондларни вақти-вақти билан ғоявий асосларга

кўра тозалаб туриш, ноёб адабиётларни «спецхран»ларга ўтказиш, ҳукмрон сиёсий тизимга номақбул муаллифларнинг китобларини ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш шундай ҳолатни юзага келтириди, оммавий кутубхоналар асосан ижтимоий-сиёсий адабиётлардан, чунончи: марксиз-ленинизм асосчиларининг асарлари ва уларнинг қайта нашрларидан, партия ҳужжатлари, комуннистик партия курултойлари ва Марказқўм пленумларининг материалларидан, партия арбобларининг маъруза ва нутқларидан иборат бўлиб қолди. «Ҳар томонлама комил инсон – коммунизм қурувчиси»ни тарбиялаш мақсадида шу адабиётлар барча воситалар орқали, шу жумладан кутубхона-библиография таснифлаш тизими орқали ҳам кенг тарғиб қилинарди. Буларнинг барчаси мамлакат тараққиётига, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишига, кишиларимиз умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришига халақит берар, жамият маданият институглари тизимида кутубхоналарнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг ижтимоий функциялари ва вазифаларини бузид кўрсатар эди.

Мустақиллик арафасидаёқ, янгича тафаккур ва ошкоралик қарор топган шароитда кутубхонанинг умуминсоний қадриятлар ўчфи, маънавий меросни бир авлоддан иккинчи авлодга ўтказиш воситаси сифатидаги функциялари биринчи ўринга чиқа бошлади. Китобхонга шахс деб қараш, унинг ижодий имкониятларини рӯёбга чиқаришда қўмаклашиш, мутолаа учун адабиётларни танлашда тўлиқ эркинлик бериш кутубхоналар фаолиягининг асосий тамоийларига айланди. Кутубхоналарнинг маданий-маърифий ва маданий-ахборот функциялари ҳам кенгайди, улар одамларнинг мулоқот масканлари, ҳалқнинг маданий дам олини ва миллий хотира марказларига айланаб борди.

Бундан бўён кутубхоналарнинг тарбиявий ва ахборот вазифалари китобхонларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари томон кескин ўзгариб бориши ҳамда китобхоннинг кутубхона фондидан бемалол фойдалана олиш, мустақил равишда адабиёт танлаш ҳуқуқини ўзида мужассамлаштирувчи китоб фондини самарали ишлатиш тизимини қарор топтиришдан иборатдир. Жамиятда оммавий фикр эркинлиги, жамиятни демократиялаштириш шароитида китобхонлар дидининг хилма-хиллигига алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлмоқ қерак. Эндилиқда китобхонларга тўғридан-тўғри ўргатиш, уларнинг китоб ўқишига насиҳатомуз раҳбарлик қилиш ноўриндир. Китоб тарғиботининг аниқ кишиидан, ҳаёт муаммоларидан ажралганлиги китобхонларнинг кутубхонага бормай қўйганлиги сабабларидан биридир. Иккинчи томондан, бу масала кутубхонанинг ўз ижтимоий

вазифаларини қай даражада бажаришига, маданий ва ахборот фондини барпо этишига, кишининг ахлоқий, руҳий дунёсига мослашишига боғлиқдир. Бу ерда асосий таянч нуқтаси амалда илмий асосланган ва ижтимоий йўналтирилган кишиларнинг талаблари, уларни тўла ва ўз вақтида қондиришдир. Кутубхоналарнинг китоб танлашдаги ёрдами кўпинча китоб нашр этиш режалари ва янги олинган нашрлар тўғрисида, ўз кутубхонаси ва бошқа кутубхоналарнинг китоб фонди, уларнинг таркиби ҳақида ўқишида, мустақил билим олишда, малакасини оширишда, меҳнат ва жамоачилик фаолиятида мутахассисларга ёрдам берадиган адабиётларни тавсия қилишида намоён бўлади.

### Кутубхоналарнинг моддий-техника базаси масалалари

Маълумки, совет даврининг барча босқичларида маданият соҳасига, шу жумладан кутубхоналарга маблағ ажратишида «қолдик» принципи қўлланилган, яъни маблағ ажратишини режалаштириш даврида ёқ бошқа соҳалардан ортиб қолган маблағларгина маданият соҳасига ажратилган. Натижада, Ўзбекистонда кутубхоначилик қурилиши ва кутубхоналарни жиҳозлаш ишлари 80-йилларнинг охирига келиб замон талабларига муглақо жавоб бермай қолди.

Маданий-маърифий муассасаларни маблағ билан таъминлаш соҳасидаги рақамларга мурожаат этамиз. Масалан, 1970 йилда Ўзбекистонда маданий-маърифий ишларга (кутубхоналар, маданият саройлари, уйлари, музейлар ва ҳоказоларга) 19,1 млн. сўм ажратилган бўлса, 1988 йилда унинг миқдори 68,0 млн. сўмга етди<sup>21</sup>. Демак, 1970 йилда маданий-маърифий ишларда аҳоли жон бошига 1,6 сўмдан сарфланган бўлса, 1988 йилда 3,4 сўмдан сарфланган, яъни ўсиш икки баравардан ортиқ бўлган. Таққослаш учун энг оммабоп тарбия масканларидан бири – умумтаълим мактабларига ажратилган маблағларни олайлик. 1970 йилда бу соҳага 388,3 млн. сўм, 1988 йилда эса, 1 262,2 млн. сўм ажратилган ёки 1970 йилга нисбатан 3,2 баравар ошган. Умумтаълим мактабларини ривожлантириш учун аҳоли жон бошига 1970 йилда 32,9 сўм, 1988 йилда эса, 63,4 сўм сарфланган.

Қўриб турганимиздек, маданий-маърифий ишларга умумтаълим мактабларига қараганда қарийб 18,5 баравар кам маблағ ажратилган. Маблағ танқислигидан Ўзбекистонда мавжуд 6588 оммавий давлат кутубхоналарининг (1988 йил) 4561 таси ёки қарийб 70 фоизи

мослаштирилган биноларга жойлашган, 1705 таси ёки 25,8 фоизи капитал таъмирлашга муҳтоҷ бўлса, 252 таси ёки 3,8 фоизининг биноси авария ҳолатида бўлган (1-жадвалга қаранг). Маблағ тақчилиги яқин ўн йилликда ҳам давом этиши шундан кўринадики, узок муддатга мўлжалланган республика кутубхоналарини ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган режасида 2000 йилда ҳам Маданият вазирлигига қарашли кутубхоналарнинг 5994 таси мослаштирилган биноларда жойлашади, 333 кутубхона капитал таъмирлашга муҳтоҷ бўлса, 71 кутубхона биноси авария ҳолатида қолаверади. Кутубхоначилик ишига эътиборсизлик туфайли, республика аҳамиятига молик қатор кутубхоналар, хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон кутубхонаси, республика илмий техника кутубхонаси, қишлоқ хўжалик илмий кутубхонаси, Тошкент вилоят кутубхонаси, республика болалар кутубхонаси, Тошкент вилоят болалар кутубхонаси ва бошқа кутубхоналар замонавий биноларга эга эмас эди.

#### 1-жадвал

**1983, 1988 йилларда Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги тизимидағи универсал (илмий ва оммавий) давлат кутубхоналари биноларнинг аҳволи (умумий миқдор фоиз ҳисобида)<sup>22</sup>**

Йиллар	Кутубхоналар миқдори	Намунавий бинога эга	Капитал таъмирлашга муҳтоҷ	Авария ҳолатида
1983	5929	-	1104—18,6	307—5,1
1984	6082	-	1117—18,4	213—3,5
1985	6263	-	1190—19,0	264—4,2
1986	6417	-	1349—21,2	225—3,5
1987	6494	60-0,9	1349—20,7	274—4,2
1988	6588	64-0,9	1705—25,8	252—3,8

Кутубхоналарни техник воситалар билан таъминлаш масаласи ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган — энг зарур библиобуслар, нусха кўчириш техника етишмас, кутубхоналар телефонлаштирилмаган эди. 1990 йилда мавжуд 198 марказланинг тизимдан 161 таси ёки 81 фоизи ўзининг автотранспортига эга бўлган, холос. 1987 йилги маълумотга кўра, мавжуд 5467 қишлоқ филиал кутубхоналаридан атиги 305 таси ёки уларнинг 5,5 фоизи телефонлаштирилган. Шундай шароитда кутубхоналар тизимини механизациялаш ва автоматлантириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Кутубхоналар маддий-техника базаси замон талабларига жавоб бермаслиги кутубхоначилик ишни янги поғонага күтарилишига XXI аср бошларида ҳам имкон бермай келди.

### Адабиётларни депозитар сақлаш масалалари

Тегишли бино ва бошқа маддий-техника базасининг йўқлигидан мавжуд китоб фондларидан янада гўлиқроқ фойдаланишининг иккинчи бир муҳим йўли – депозитарий кутубхоналар тизимини вужудга келтириш муаммоси<sup>23</sup> ҳам ўз ечимини кутар эди. 1975 йил февралда тасдиқланган «Мамлакатда кутубхона фондларини депозитар сақлашни ташкил этиш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ Иттифоқ даражасидаги 66 ирик илмий универсал, илмий-техник ва маҳсус кутубхоналарга депозитарий кутубхона вазифаси юкланди. Депозитарий кутубхоналар тематик принцип бўйича, бундан 15-20 йил олдин нашрдан чиқсан, лекин охирги 4—5 йил давомида китобхонлар томонидан бирон марта ҳам сўралмаган, бироқ илмий аҳамиятини йўқотмаган адабиётларни фондга тўплайди, уларга қайта ишлов беради ва кенг тарғиб қилиш асосида уларни ўз китобхонига етказади. Депозитарий кутубхоналарнинг ҳудудий-соҳавий марказлари мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда республика аҳамиятига молик 7 ҳамда вилоят даражасидаги 13 кутубхона (яъни вилоят давлат кутубхоналари) ана шуулар жумласига киради. Масалан, Алишер Навоий номидаги кутубхонаси – гуманитар фанлар бўйича, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Асосий кутубхонаси – табиий-илмий нашрлар бўйича, ТошДУ илмий кутубхонаси – илмий-педагогик нашрлар бўйича, республика Марказий қишлоқ хўжалик илмий кутубхонаси – қишлоқ хўжалик адабиётлари бўйича, республика илмий тиббиёт кутубхонаси – соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича депозитарий кутубхона ҳисобланади.

Республика кутубхоналаридаги юқорида қайд этилган мавзудаги барча нашрлар албатта тегишли депозитарийга келиб тушиши лозим. Аммо илмий-техник ва маҳсус нашрларни тўплаш ва уларни депозитарийларга ўқазиш тўғрисидаги режа 1978 йилда тасдиқланган бўлишига қарамай, 90-йилларнинг бошларида ҳам бу ишлар амалга ошимай келар эди. Бунинг сабаби шундаки, уларни амалга ошириш учун, биринчидан, депозитарий кутубхоналарнинг маҳсус бинолари бўлиши, улар техник воситалар, маҳсус ўқитилган кадрлар билан таъминланмоғи зарур. Иккинчидан, ўша режага мувофиқ, нашрларни депозитарийга ўқазиш учун ажратиш, уларни узатиш методлари жойлардаги кутубхоначиларга ўргатилиши лозим эди.

## Марказлаштирилган кутубхоналар тизимларини ривожлантириши масалалари

Марказлаштирилган кутубхоналар тизимиининг иш сифати ва унумдорлигини оширишнинг энг муҳим йўлларидан бири МКТнинг ягона кутубхона фондини барпо этишдан иборат. Бу жараён кўпчилик МКТда қисман амалга оширилган. Лекин қўпгина жойларда филиаллар фонди қайта шакллантирилмаган, филиаллараро алоқа йўқ, бутун тизим фондини акс эттирувчи йигма каталог тузилмаган (ҳатто телефон алоқаси ҳам ўрнатилмаган), марказий кутубхоналарда алмашув-рөзери фонллари шакллантирилмаган эди. Тегишли китоб сақлайдиган бинонинг йўқлигидан, бундай фонdlар айrim вилоят кутубхоналаридагина мавжуд эди. Буларнинг барчаси МКТ имкониятидан тўла фойдаланишга имкон бермасди.

Кутубхоначилик ишини такомиллантириш борасидаги яна бир муаммо тармоқлараро марказлаштириши амалга ошириш, сўнгра кутубхоналарнинг йирик ҳудудий бирлашмаларини тузишдан иборат эди. Республикаизда кутубхоналарнинг дастлабки идоралараро марказлашган тизимини барпо этиш 1976 йилда бошланган эди. Ўша йилдан эътиборан Ўзбекистонда болалар ва мактаб кутубхоналарини қисман марказлаштириш соҳасидаги тажрибалар Андижон вилояти Пахтаобод тумани базасида бошлаб юборилди. Сўнгра 1982 йилдан республика болалар кутубхонаси ҳамда республика педагогика илмий-текнikiриш институти кутубхонаси, Андижон вилояти ҳамда Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри базасида болалар ва мактаб кутубхоналарини тўла марказлаштириш бўйича тажрибалар давом эттирилди ва бу иш ниҳоясига етказилди. Шунингдек, 1981 йил сентябрда қабул қилинган «Давлат оммавий ва касаба уюшмалари кутубхоналарини идоралараро марказлаштириш тўғрисидаги Низом»га мувофиқ Ўзбекистонда 100 мингача аҳолиси бўлган шаҳар ва қишлоқларда оммавий давлат кутубхоналари билан касаба уюшмалари кутубхоналарини марказлаштириш бўйича ишлар бошлаб юборилган эди. Дастлабки режага мувофиқ, 1985 йилда шундай 20 марказлашган тизим барпо қилиниши зарур эди. Сўнгра бу режа қайта кўриб чиқилиб, 1987 йилда 256 давлат ва касаба уюшмалари кутубхоналари бирлаштирилди (улардан 89 таси касаба уюшмалари, 167 таси давлат кутубхоналарицир). Шунингдек, идоралараро марказлашган тизимни вужудга келтириш иши ҳам кўзда туғилган эди. Лекин бу яхши режа 1991 йилгача ҳам амалга оширилгани йўқ.

## Илмий-услубий ишлар масалалари

Услубий раҳбарликни такомиллаштириш, методик марказларнинг ташкилий ролини кучайтириш кутубхона ишлари сифати ва даражасини оширишнинг зарур шарти ҳисобланади, илм, фан, ишлаб чиқариш, маданият тараққиёти мағфатлари учун барча кутубхоначилик ишлари имкониятларидан янада самарали фойдаланишини кўзда тулади.

1974—1990 йилларда республика кутубхоналари ишини ташкил қилишида, эришилган даражага етказишида методик марказлар олиб борган хилма-хил иш услубларининг, методик фаолиятнинг асосий йўналишлари ролига баҳо бермасдан амалга оширилган ишларни тўлиқ тасаввур қилиб бўлмайди. Аҳолига кутубхона хизмати кўрсатиш даражасини янада кўтариш вазифаси республика методик марказлари фаолиятини ўзида мужассамлаштирган «1986—1990 йилларда Ўзбекистон кутубхоналари — методик марказларининг илмий-услубий ишларини мувофиқлаштириш режаси»га асосан амалга оширилди. Бу режа асосан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини қайта қуриш даврига тўғри келган бўлиб, унда янги шароитда кутубхоналар инни ўюнгириш учун уларга ҳар томонлама методик ёрдам бериш, янгидан-янги иш услубларини жорий этиш, умуман кутубхоналар ишини методик жиҳатдан таъминлаш вазифалари ўз аксини топган эди.

Режада илгари сурилган тадбирлар орасида кутубхоначилик ишини унинг турли томонлари бўйича ривожлантириш йўналишларини таҳдил қилиш, аҳолиси 100 минггача бўлган шаҳарларда оммавий давлат ва касаба ўюшмалари кутубхоналари тармоқларини марказлаштиришни амалга ошириш, республика ва вилоят илғор тажриба мактаблари ишларини ташкил қилиш, кутубхоналарнинг китоб фондини мувофиқлаштирилган ҳолда, тўлдириш тизимини барпо этиш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш каби масалалар бор. Шунингдек, ҳар хил тармоққа қарашли кутубхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш йўлларини аниқлаш, кутубхоналараро абонементнинг ягона умумдавлат тизимини жорий этиш, республикада ёнларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳам муҳим тадбирлардан ҳисобланади.

Халқ хўжалиги мутахассисларини ҳар томонлама ахборот билан таъминлашда кутубхоналараро абонемент (КАА) муҳим рол ўйнайди. Умуман, Ўзбекистонда кутубхоналарни ягона кутубхоналараро абонемент тизимига тортишида катта имкониятлар мавжуд.

Кутубхоналараро абонементда қатнашаётган кутубхоналар сони ортиб боришидан қатын назар, маданият вазирлиги кутубхоналар тизимида ўз китобхонлари учун КАА бўйича адабиёт оладиган кутубхоналар сони анча кам эди. Кутубхоначилар ва китобхонлар ўртасида КАА тарғиботи етарли эмас, КАА тизими билан қишлоқ, туман, шаҳар кутубхоналарини таъминлаш даражаси жуда паст эди.

1990 йилларга келиб услубий материалларни ишлаб чиқиш, нашр қилиш масаласи ҳам тўла мувофиқлаштирилмаган эди. Ҳар йили методик марказлар 150 дан ортиқ услубий қўлланмалар нашр қиласди. Бу қўлланмалар ўз муддатида жойларга етказиб берилмасди, боз устига, улар кам тиражда нашр қилишарди. Шунинг учун вилоят кутубхоналари шунга ўхшаш материалларни ўзлари ишлаб чиқа бошлишди. Алишер Навоий номидаги республика Давлат кутубхонаси томонидан «Ўзбекистон вилоят кутубхоналарининг методик қўлланмалар нашр қилиш режаси» ҳар йили II чоракда чиқарилиб, бу вақтда вилоят кутубхоналари ўзларининг қагор режаларини амалга оширган бўларди. Демак, бундай шароитда методик марказлар фаолиятида бир-бирини такрорланаш юз бериши аниқ эди. Мана шу камчиликни бартараф этиш учун методик қўлланмаларни нашр қилишни узок муддатли режалаштиришга ўтказиш мақсадга мувофиқ эди.

Айни вақтда, вилоят кутубхоналари услубий материалларидан китоб тарғиботининг илгор тажрибалари яхши умумлаштирилмаслиги ва оммавийлаштирилмаслигини, кутубхоначилик ишнининг мазмуни етарли таҳдил қилинмаслигини, кўплаб методик материаллар аниқ мақсадга йўналтирилмаганлиги ва китобхонлар гуруҳини ҳисобга олмаслигини назарда тутиб, бундай камчиликларни тутгатмоқ зарур эди.

Асосий камчиликлардан бири — методик материалларнинг аксарият қисми давлат тили бўлган ўзбек тилида нашр этилмасди. Кутубхоначилар мавжуд материаллардан фойдаланишини билмасдилар, тавсия қилинган кўрсатмаларни амалга жорий этишида қийналардишар, кўпинча методик марказлардан қўшимча кўрсатмалар келишини кўтардилар.

Сўнгти йилларда универсал илмий кутубхоналарнинг болқа тармоқ кутубхоналар билан ўзаро ҳамкорлиги, уларнинг методик ишларини мувофиқлаштириш ишлари бирмунча кенгайиб борди. Соҳавий методик марказлар билан биргаликда услубий материаллар напр қилинди, семинар ва кенгашлар ўтказилди, республика кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида чиқишлар

уюнтирилди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги республика Давлат кутубхонаси Марказий тиббиёт илмий кутубхонаси, марказий қишлоқ хўжалиги илмий кутубхонаси билан биргаликда шундай ишларни олиб борди.

## 2.2. Универсал илмий кутубхоналар тизими<sup>24</sup>

Оммавий кутубхонадан фарқли ўлароқ, илмий кутубхона универсал ва маҳсус кутубхоналарнинг тур-хили бўлиши мумкин. Илмий кутубхонанинг ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, у ўз фаолиятини ҳалқ хўжалиги тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида фан ва ишлаб чиқарилга кўмаклашишта йўналтиради.

Универсал илмий кутубхоналар кутубхоналар тизимининг етакчи бўғинидир. Одатда, бу умумдавлат ва минтаقا аҳамиятига молик муассаса, ҳудудий кутубхоналар комплексларининг илмий-услубий марказидир. Универсал илмий кутубхоналарнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- китоб фондларини ва бутун иш тизимини минтаقا эҳтиёжларига мос равишда ташкил этиш;
- минтақалардаги раҳбар ҳодимлар ва ташкилотларга китоб ва аҳборот билан хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- вилоят ва республика аҳамиятига молик маҳсус кутубхоналар ишини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш.

Урушдан кейинги йилларда вилоят аҳамиятига молик универсал илмий кутубхоналар ташкил төпини жараёни давом этди. Улар Наманган (1956), Гулистон (1964), Навоий (1968), Жizzах (1974) шаҳарлари — Наманган, Сирдарё, Навоий ва Жizzах вилоятлари марказларида очилди. Шундай қилиб, 1970 йилларнинг ўрталарида келиб, республиканинг ҳар бир вилоят марказида биттадан йирик марказий универсал илмий кутубхона фаолият олиб борар эди.

Ўзбекистон илмий кутубхоналарнинг кенг тармогига эга бўлиб, улар орасида универсал кутубхоналар муҳим ўринни эгаллар эди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси республиканинг бош кутубхонаси бўлиб қолди. У республиканинг энг йирик универсал илмий кутубхонаси эди. Бошқа универсал илмий кутубхоналар орасида Қорақалпоғистон республика кутубхонаси ва 12 вилоят кутубхонаси бор эди. Бу кутубхоналарнинг фондларида умумиттифоқ ва республика матбуот нашрлари, адабиётларнинг текин

ва пуллик мажбурий нусхалари, харид қилиш йўли билан ва кигоб алмашинуви бўйича олинган нашрлар жамлангаи эди. Мазкур кугубхоналарнинг фондлари халқ хўжалигининг барча тармоқлари мутахассислари учун қимматга эга эди, чунки уларда умумилмий, тармоқлараро ва комплекс хусусиятга эга бўлган адабиётлар, шунингдек маълумотлар ва библиографик нашрларнинг анча мукаммал фонди мавжуд эди. Универсал илмий кутубхоналар айни вақтда кам сўраладиган адабиётларни ўз ичига олган ва уларга бўлган эҳтиёжларни қироатхоналарда ва кутубхоналараро абонемент бўйича таъминлайдиган депозитарий функциясини ҳам бажаради.

Универсал илмий кутубхоналар ўз фаолиятида олимлар ва мутахассисларга ўз билимларини оширишда кўмаклашишни, шунингдек, уларнинг касбга доир, айниқса, умумилмий, фундаментал, комплекс ва тармоқлараро хусусиятга эга бўлган адабиётларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзлар эди.

«Республика (АССР), ўлка, вилоят давлат универсал илмий кутубхонасининг намунавий устави»га мувофиқ, универсал илмий кутубхона республика, ўлка, вилоят матбуот напрлари сақланадиган бош муассаса ва давлат аҳборот тизимининг таркибий қисми, маданият ва санъат муаммоларига оид аҳборот маркази ҳисобланарди.

Вилоят кутубхоналари ягона ҳудудий маълумотнома-аҳборот захираларини шакллантирап экан, вилоятнинг иқтисодий, саноат, табиий-географик, маданий, демографик хусусиятларидан келиб чиқар эди. Билимнинг барча соҳаларига оид нашрлар билан кутубхона фондини тўлдириш, маълумотномалар-қидирув аппаратини ва кутубхона-аҳборот хизмати кўрсатишни ташкил этишдан иборат кутубхоналар учун умумий бўлган функцияларни вилоят кутубхоналари ўз ҳудудида ташкил этилган аҳборот хизмати тармоқларини ҳамда бошқа тизим ва турли идораларга қараашли кутубхоналар ва илмий-техника аҳбороти органлари тавсия этадиган ана шундай аҳборот хизмати тармоқларидан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бажарав эдилар. Вилоят кутубхоналарида илмий-техника аҳбороти умумдавлат тизими ҳамда маданият ва санъат бўйича аҳборот ҳудудий органларининг йўқлиги уларда ҳудудий илмий-техника аҳборот марказлари ташкил этилишини белгилаб берди.

## 2.2.1. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси фаолиятидан<sup>25</sup>

Республиканинг бош кутубхонасида урушдан кейинги дастлабки йилларда ёқ китобхонларга хизмат кўрсатиш уруш йилларидағига қараганда қулайроқ шароитларда амалга оширила бошланди. Китобхонлар сони кўпайди, ташриф буюриш даражаси ошиди, мутолаа учун олдингига қараганда анча кўп китоблар берила бошланди.

1946 йил кутубхонага 7748 китобхон аъзо бўлди. Бу 1945 йилдагидан 2417 тага кўп эди. Қироатхоналарга ташриф буюрганлар сони 118450 тага етди (1945 йилдагидан 58691 тага кўп), уларга 333946 китоб берилди.

Кейинги йилларда қироатхоналарга ташриф буюрувчилар сони ва уларга берилган китоблар сони ўсишда давом этди. Буни беш йилликлар бўйича умумий маълумотлардан кўриш мумкин:

Йиллар	ҳар йили ўрта ҳисобда		
	китобхонлар	ташриф буюрувчилар	берилган адабиётлар
1946—1950	8933	149489	459160
1951—1955	14000	198000	711000
1956—1960	18000	207000	754000
1961—1965	29500	300000	986000
1966—1969	27000	142000	633000

Асосий қироатхоналар бўйича китобхонларнинг етакчи гуруҳлари ва 20 йил (1950—1969 йиллар) ичida улар сонининг ўсиши:

Китобхонлар тоифаси	1950 й.	1955 й.	1960 й.	1965 й.	1969 й.
Олий ўқув юртлари ва техникумлар талабалари	6818	7585	8625	9513	6675
Хизматчилар	1326	1875	6102	8012	5293
Илмий ходимлар, мутахассислар	561	2342	1496	3804	3720
Ишчилар	85	1126	2214	1445	664
Ҳарбий хизмагчилар	154	214	131	439	307
Пенсионерлар, уй бекалари ва б.	143	189	707	662	403

Болалар ва ўсмирлар қироатхоналари ўқув- чилари	1053	2941	4938	8200	
Жами:	10140	16272	24213	32077	17042

Кутубхона китобхонларининг энг доимий ва ўсуучан тоифаси – олий ва ўрта таълим муассасаларининг талабалари. Соң жиҳатидан иккинчи ўринда – олий маълумотли мутахассислар гуруҳи, учинчи ўринда – илмий ходимлар. Сўнгги зикр этилган гуруҳ ўз улушкига кўра етакчи бўлмаса-да, миқдорий жиҳатдан йицдан-йишга ўсиб борди (1965 йилда – 3500 киши).

1948 йил майда кутубхонага Алишер Навоий номи берилди ва унинг тўлиқ номи қуйидаги кўриниш касб этди: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси.

1948 йил 22 майда кутубхонанинг беш қаватли китоб омборига перпендикуляр тарзда туташган маҳсус қурилган уч қаватли биноси очилди. Янги бино жами 350 ўринга мўлжалланган умумий қироатхона, илмий ходимлар учун зал (икки хонадан иборат: бири – фан докторлари ва номзодлари учун, иккинчиси – катта илмий ходимлар учун мўлжалланган) ва кундалик даврий нашрлар учун мўлжалланган залдан ташкил топган эди.<sup>26</sup>

Умумий қироатхона турли соҳа мутахассислари, талабалар, ишчилар, пенсионерлар, уй бекалари ихтиёрига берилди. Умумий қироатхонанинг китоблар бериш шохобчаси 1946-1950 йилларда ҳар йили ўрта ҳисобда 7169 китобхонга хизмат кўрсатди. 1968 йилда умумий қироатхона 26825 китобхонга ёки кутубхона жами китобхонларининг 83,1 фоизига хизмат кўрсатди.

Китобхонларнинг ранг-баранг эҳтиёжларини қондириш учун умумий ва илмий қироатхоналарнинг ёрдамчи фондси ташкил этилди. Унинг китобхоналарга хизмат кўрсатишлаги роли йилдан-йилга ошиб борди. Фонд 30 минг китоб ва 300 номдаги даврий нашрлардан ташкил топган эди. Адабиётлар билим соҳалари бўйича тизимли тарғибла жойлаштирилганди. Фондда жаҳон адабиёти классикларининг асарлари, ҳозирги замон ёзувчиларининг энг машҳур асарлари, фаннинг барча соҳаларига оид адабиётлар, ўқув юргизари учун энг муҳим дарсликлар, энг янги ижтимоий-сиёсий адабиётлар, шунингдек жорий йилда чиқсан асосий журналлар ва газеталар жамланган эди. Фонд ўз аҳамиятини йўқотган адабиётларни ҳисобдан чиқариш ҳисобига янги адабиётлар билан сурункали равишда тўлдириб бориларди.

Китобларга бўлған талаб куғубхонага замондан ва китобхонларнинг эҳтиёжларидан орқада қолмаслик учун фондларни бутлашга катта зътибор бериш мажбуриятини юклар эди.

1947 йил кутубхона жаҳон халқларининг 82 тилида адабиётлар олиб туради. Фондларни буглашнинг асосий манбаи СССРда нашр этиладиган адабиётларнинг бепул мажбурий нусхаси эди. 1946 йилда олинган 34316 китобнинг 27420 тасини ёки 80 фоиздан кўпрогини мажбурий нусхалар ташкил этарди. Тахминан шундай нисбат кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди.

1959 йил СССР Министрлар Совети босма нашрларнинг назорат ва мажбурий нусхаларини тарқатишнинг янги тартибини жорий этиши муносабати билан, Ўзбекистон ССР Маданий-маърифий муассасалар бошқармасининг тегишли кўрсатмасига биноан кутубхонани буглаш тартиби бутунлай ўзгарди. 1 сентябрдан СССРда чоп этилган барча босма нашрларнинг бепул мажбурий нусхаси ўрнига куғубхона пуллик мажбурий нусха ола бошлади. У бунинг учун Москва Илмий кутубхоналар марказий коллектори билан шартнома тузди. Бу эса кутубхона фаолиятини тегишли тарзда қайта қуришни – олинадиган адабиётларни қисман ихтисослаштиришни, давлат маблағларини тежамлироқ сарфлашни тақозо этар эди. Агар куғубхона илгари китобхон фойдаланмайдиган адабиётларни кўп олган бўлса, пуллик нусха олиш тартибининг жорий этилиши фонdlарни жамлаш ишига Тошкент кутубхоналарининг ҳам жалб қилинишига ва уларнинг бу соҳадаги саъӣ-ҳаракатлари мувофиқлаштирилишига сабаб бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси ўша пайтдан бошлаб ўз фонdlарини тиббиёт, кимё, қишлоқ ҳўжалиги, техниканинг тор масалаларига оид адабиётлар билан комплектламай кўйди.

Шундай қилиб, Москва Илмий кутубхоналар марказий коллекторидан олиб туриладиган китоб маҳсулотлариининг пуллик мажбурий нусхаси фонdlарни тўлдиришнинг асосий турларидан бирига айланди. Масалан, куғубхона 1968 йилда жами 52944 та қитоб олган бўлса, шулардан 28165 таси мажбурий нусха бўйича олинди. 1970 йилда ушбу кўрсаткичлар тегишинча 54077 ва 31117 нусхани ташкил этди. Республиkaning бош китоб маҳзани бўлган кутубхона Ўзбекистонда нашр этилган барча босма маҳсулотларнинг бепул мажбурий нусхасини ҳам олиб турди. 1969 йилдан кутубхона республика миқёсидаги бепул мажбурий нусхага қўшимча тарзда Тошкент коллекторидан маҳаллий нашрларнинг мажбурий нусхасини ҳам ола бошлади.

Кутубхона коллекторга келмаган напрларни маҳаллий китоб дўконларидан харид қилиш йўли билан ўз фондларини тўлдириб борди.

Кутубхона кенг миқёсда амалга оширган китоб алмашинуви жорий комплектлашда ҳам, ретроспектив комплектлашда ҳам муҳим рол ўйнади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин китоб алмашинуви билан боғлиқ алоқалар тобора фаол ривожланиб борди. Ушбу йўналишда ҳар йили 4000 мингдан ортиқ китоб ва журналлар олинар эди. Фондлардаги камчиликларни аниқлаш ва тўлдириш бўйича кўп йиллик машаққатли меҳнат амалдаги фондларни жуда кўп ноёб адабиётлар билан тўлдириш имконини берди.

Ўз навбатида, кутубхона турли маҳкамалар ва идоралар кутубхоналарининг уларга дублет нашрлар ажратиш ҳақидаги илтимос ва сўровларини ҳам қондириб келди. РСФСР, Украина ва Белоруссиянинг фашист босқинчларидан озод этилган жойларида кутубхоналарга бир неча ўн минг нусха адабиётлар юборилди. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари – Оҳангарон, Олмалиқ, Навоий ва бошқаларда янги очилган кутубхоналарга ҳам кўплаб китоблар совфа қилинди.

Кутубхона Оммавийсининг кўп йиллик меҳнати натижаси ўлароқ китоб алмашинув фонди таркиб топди. 1946—1970 йилларда Совет Иттифоқининг турли шаҳарларида кутубхоналарга алмашинув фондидан текинга 200010 мингта китоб ва журналлар берилди. Ўзбекистоннинг қўриқ ерларидаги кутубхоналарга, Совет Армияси сафида хизматни ўтгаётган Ўзбекистонлик аскарларга юзлаб жилд китоблар юборилди.

Урушдан кейинги даврда ҳалқаро китоб алмашинуви ҳам ривожлана бошлади. 1947 йилдан кутубхона фондига Болгария, Польша, Руминия ва бошқа мамлакатлардан ҳар хил нашрлар вақти-вақти билан келиб турди. Бу хайрли ишда Москвадаги Давлат кутубхонаси воситачилик қилди. 1952 йилдан кутубхона Руминия ва Венгрия кутубхоналари билан бевосита алоқани йўлга қўйди. 1956 йилдан кутубхона чет мамлакатларнинг қутубхоналари ва илмий муассасалари билан бевосита адабиётлар алмашинувини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлди. Китоб алмашинуви жараённада Прага университети кутубхонаси, Корея Ҳалқ Демократик Республикаси Давлат кутубхонаси, Болгария Миллий кутубхонаси ва бошқалар фаол иштирок этдилар.

Орадан икки йил ўтгач, Тошкент билан китоб алмашинув жараёнига Германия миллий кутубхонаси ва АҚШнинг батъзи бир кутубхоналари ҳам қўшилди. Ҳалқаро китоб алмашинуви миқёssi

тобора көнгайиб борди. 1970—1990 йилларда АҚШ, Япония, Франция, Англия, ГФР ва бошқа мамлакатлар билан китоб алмашинуви янада фаоллашди. Кутубхона китоб алмашинувига ўзбек ва рус адабиёти классикларининг асарларини оригиналда ва фарбий Европа тилиларига таржимада ҳам таклиф қила бошлади. Бу ҳақда у халқаро матбуотда эълонлар берди.<sup>27</sup> Китоб алмашинув-захира фондининг рўйхатлари чет эл кутубхоналарига юборилар эди. Халқаро китоб алмашинуви тўғрисида маҳаллий матбуотда хабарлар бериларди. «Ўзбекистон. 1953—1955 йиллар» кўрсатгичи кутубхонанинг кенг миқёсда довруқ қозонган биринчи нашри бўлди. Уни Европа ва Америкадаги бир қанча кутубхоналар сўраб олди.

1958 йил ЮНЕСКО Бош конвенциясининг X сессиясида қабул қилинган халқаро китоб алмашинувига оид икки конвенциянинг 1962 йил 11 сентябрда СССР Олий Совети Президиуми томонидан ратификация қилиниши<sup>28</sup> халқаро китоб алмашинувининг яхшиланишинга хизмат қилди. 1962 йилдан кутубхонанинг китоб алмашинув нуқталари сони режали равишда кўпайиб борди: 1970 йилга келиб у жаҳоннинг турли мамлакатларидағи 90 муассаса билан ҳамкорлик қиласар эди. Шарқ мамлакатлари — Туркия, Эрон, Афғонистон, Миср, Истроил миллий кутубхоналари билан китоб алмашинув ҳам анча фаоллашди.

1970—1990 йилларда кутубхона фондлари асосий китоб омбори фондларидан, қироатхоналарнинг ёрдамчи фондларидан, ишлаб чиқариш бўлимларининг кўмакчи фондларидан, санъат секторининг ихтисослашган фондларидан (ноталар, тасвирий санъат асарлари, грампластинкалар) ва техникага оид адабиётлар махсус турлари сектори фондларидан, ноёб ва қадимги нашрлар сектори фондидан изборат эди.

Ҳар йили кутубхонага 200 минг бирлик миқдорида ҳар хил босма маҳсулотлар келиб турарди, шу боис китоб омбори майдонидан оқилона ва тежамли фойдаланиш жуда муҳим Эди.

Асосий китоб омбори фондлари мазмунан универсал эди. ҳар бир фондда ўзбек, рус тилилари ва хорижий тиллардаги тегишли нашрлар жамланарди. ҳар бир фонддаги адабиётлар мазмуни, тили, нашр этилган вақтига қараб алоҳида қисмларга ажратиларди. Ўлкашуносликка оид китоблардан ташқари, барча адабиётлар (1961 йилдан эътиборан) ўн форматга бўлинган эди.

Китоб омборининг китоблар секторида қўйидаги фондлар мавжуд: 1-сон фонд — 1960 йилга қадар чол этилган ўзбек тилидаги барча китоблар, 1961 йилдан — фақат умумий йўсингандаги адабиётлар.

«Ю» фонди – ўлкашуносликка оид ўзбек тилидаги китоблар.

«У» фонди – ўлкашуносликка оид рус тилидаги китоблар.

«Ю» ва «У» фондларини тузишга қироатхонага эга бўлган, фондлардан эркин фойдаланиладиган ўлкашунослик бўлимини ташкил этиш нияти туртки берди. Шу сабабли бу ерда китоблар ўнлик таснифга асосан жойлаштирилади. Китоблар ҳолати вақти-вақти билан қайта кўрилади.

«В» фонди – Ўрта Осиё ва унга қўшни мамлакатлар ҳақидаги рус тилида ва гарбий Европа тилларида нашр этилган китоблар. Фақат дублет нусхалар билан тўлдириб борилади.

«О» фонди – 1917 йилги октябрь тўнташишига қадар нашр этилган шарқшуносликка оид рус тили ва хорижий тиллардаги адабиётлар.

Ўрта Осиё халқларининг тилларидағи адабиётлар фонди №2, №3 ва ҳоказо шифрлар остида сақланади. Фондларнинг ҳарфли белгиси ёнидаги рақам тилни ифодалайди: 2 – қорақалпоқ тили, 3 – қозоқ тили ва ҳ.к.

«А» фонди – расмларга бой китоблар, репродукциялар ва чизмалардан тузилган альбомлар, географик атласлар, юбилей нашрлар.

«Б» фонди – группавий ишлов материалилари: дастурлар, методик кўрсатмалар, йўриқномалар, нарх кўрсаттичлари ва ш.к.

«Ар» фонди – диссертацияларнинг авторефератлари.

Умумий фонд ҳарф билан белгиланмаган бўлиб, у алоҳида фондларга ажратилмаган рус тилидаги ва СССР халқлари (Ўрта Осиё халқларидан ташқари) тилларидағи барча китобларни ўз ичига олган эди. 1956 йилгача умумий фондга хорижий тиллардаги китоблар ҳам киради.

«Р» фонди – 1956 йилдан бошлиб нашр этилган хорижий тиллардаги барча китоблар.

Асосий китоб омборининг журналлар сектори фондида октябрь тўнташидан олдинги даврдаги ва совет давридаги маҳаллий журналлар ва давомли нашрлар ҳамда хорижий тиллардаги журналлар жамланган эди.

Маҳаллий журналлар фонди уч қисмдан иборат эди:

— октябрь тўнташидан олдинги даврда ва совет даврида чиқсан ва нашр этиш тўхтатилган рус тилидаги нашрлар, — «S» фонди;

— нашр этиш давом этаётган рус тилидаги (шу жумладан Ўзбекистонда нашр этиладиган) журналлар, — шифрсиз фонд.

СССР халқлари тилларидағи, шу жумладан ўзбек тилидаги, араб, лотин ва кирилл ёзувларидағи, нашр этиш тўхтатилган ва давом этаётган журналлар, — «R» фонди.

Октябрь тұнташидан олдинги даврдаги ва совет давридаги давомли нашрлар (ахборотномалар, маъruzалар, илмий түпнамалар ва ш.к.) «Д» фондини ташкил этарди. Үнда Ўзбекистондаги илмий муассасаларда бажарылған талқиқотларнинг материаллари ҳам жамланған эди.

Октябрь тұнташидан олдинги даврда чиққан ва ҳозирги даврга мансуб хорижий журналлар «Т» фондида түпленған эди.

**1971 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра кутубхонанинг  
китоб фонди**

Босма бирликлар жами:	—3718333 (газеталарсиз)
Шундан:	
китоблар	—2159336
журналлар	—1060138
ноталар	—39198
патентлар	—365039
тасвирий графика	—85808
хариталар	—4044
грампластинкалар	—4770
Адабиётлар мансуб бўлган тиллар:	
рус тили	—3078914
ўзбек тили	—342338
Ўрта Осиё ҳалқлари ва қозоқ тили	— 83264
хорижий тиллар	—213817

Урушдан кейин кутубхона техникаси ва каталог хўжалиги яроқсиз ҳолига келди: уруш даврида каталог карточкалари нарса ўрайдиган қофозлар, дафтарларнинг муқовалари, географик контур хариталар ва ҳоказолардан ясалған эди.

1946 йил бошига келиб кутубхонада унинг ҳар хил фонdlари учун тузилган 87 та алифбели ва системали каталоглар мавжуд эди.

Олинаётган адабиётлар ва китобхонлар сонининг кўпайиши каталоглар сифати ва мазмунини яхшилашни, адабиётларга ишлов бериш билан боғлиқ жараёнларни такомиллаштиришни тақозо этарди. Бошқа кутубхоналарнинг иш тажрибаси асосида китоб йўли ҳақида йўриқнома ишлаб чиқилди. Энди у комплектлаш бўлимидан китобхон қўлига етгунга қадар босиб ўгадиган йўл мумкин қадар қисқартирилди.

Системали каталоглар бўлимида ихтисослашув жорий этилди: ҳар бир систематизатор билимнинг муайян соҳасига ихтисослашиб,

каталогнинг муайян қисмiga предметли-алифбели кўрсатгич туза бошлади. 1990 йилга келиб кутубхонанинг китобхонлар учун мўлжалланган системали каталогида бир ярим миллионга яқин карточка бор эди.

Китобхонлар учун мўлжалланган ўзбек тилидаги системали каталог ўнлик таснif схемаси бўйича юритилади. Унда ўлкашуносликка оид материал муфассал ёритилган. Ушбу каталогда 1990 йилгача бўлган ҳолатга кўра 40 мингта яқин карточка бор эди. Шундай каталоглар Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари (қорақалпок, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз) тилларида арабиётларга ҳам юритилади.

Китобхонлар учун мўлжалланган алифбели каталог 1918 йилда ташкил этилган бўлиб, 1990 йилга қадар бўлган ҳолатга кўра, унда 1 млн. 250 минг карточка жамланган эди. Ушбу каталогда кутубхонанинг барча китоб фондлари, шунингдек даврий нашрлар тавсифи берилган.

Китобхонлар учун мўлжалланган ўзбек тилидаги алифбели каталог 40-йилларда ташкил этилган эди. 1990 йилга келиб унданда карточкалар сони 30 мингтага етди. Шунга ўхшаш алифбели каталоглар Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тилларида ҳам юритилади. Уларда 10 мингта яқин карточка жамланган.

Бош алифбели каталог кутубхонанинг асосий маълумотлар аппаратини ташкил этади. У кутубхона ташкил топганидан сўнг ўтган юз йилдан ошиқроқ вақт ичидан олинган барча китоблар тавсифини ўз ичига олади. 1990 йилга қадар бўлган ҳолатга кўра бош алифбели каталогда 1 млн. 260 минг карточка бўлган. Кўп жилдли ва давомли нашрлар 70 минг карточкадан иборат алоҳида қаторларни ташкил этади.

Ўзбекча бош алифбели каталог икки қисмдан иборат: биринчи қисмда 1917—1947 йилларга оид материал — араб, лотин ва кирилл алифбесида нашр этилган китоблар (жами — 10 минг карточка) жамланган; иккинчи қисм адабиётларга ишлов бериш ва каталоглар бўлимида юритилади ва 20 минг карточкани ўз ичига олади. У 1941 йилдан бошлаб нашр этилган материалларни акс эттиради. Ўзбек тилидаги болалар адабиёти ва ёрдамчи фондга алоҳида хизматга доир каталоглар юритилади. Уларда олти мингдан ортиқ карточка мавжуд.

Йўриқномалар, услубий қўлланмалар ва тор идоравий материаллар, дастурлар, тажриба алмашишга доир нарақалар ва бошқа кичик босма материалга 1953 йилдан бери группавий усулда ишлов берилади. 1960 йилга қадар кутубхонага келган адабиётларнинг қарийб 30 фоизига группавий усулда ишлов берилар эди. Мажбурий бепул нусха бекор қилиниб, кўпгина идоравий материаллар фақат тегишили

идораларга тарқатила бошлангач, кутубхонада ишлов бериладиган материаллар фоизи анча камайди.

Кутубхона жуда кўп (бир йилда 10 мингтагача) авторефератлар оларди. Улар умумий (алифбели ва системали) каталогларни ҳаддан ташқари «семиртириб» юборганлиги учун 1964 йилда фан номзоди ва доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар авторефератларининг тавсифини алоҳида каталогга ажратишга қарор қилинди.

1957 йил чет эл адабиётлари бўлими ташкил этилгунга қадар хорижий тиллардаги китобларга адабиётларга ишлов бериш ва каталоглар бўлимида ишлов берилар эди. Китобхонлар учун мўлжалланган рус тилидаги системали каталогда улар тегишли рубрикалар охирида берилган, рус тилидаги алифбели каталогда эса – тегишли фамилия охирида алифбен тартибида жойлаштирилган эди. Хорижий тиллардаги китобларга адабиётларга ишлов бериш ва каталоглар бўлимида алоҳида бош алифбели каталог юритиларди. 1957 йилдан эътиборан хорижий тиллардаги китобларга ишлов чет эл адабиётлари бўлимида берилади. Бу ерда уларга китобхонлар учун мўлжалланган системали ва алифбели каталог ҳамда бош каталог юритилади. Системали каталог Русинов жадвалларига асосан ўнлик тасниф схемаси бўйича, ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўлими эса – оммавий кутубхоналар учун мўлжалланган ўнлик тасниф схемаси бўйича тузилган. Унинг ҳажми – 20 минг карточка. Китобхонлар учун мўлжалланган алифбели каталог (37 минг карточкадан иборат) тиллар бўйича таснифланган. Унда адабиётлар тиллар алифбеси тартибида (албанча, инглизча ва ҳ.к.) жойлаштирилган. Бош алифбели каталог лотин алифбеси бўйича тузилган. Унинг ҳажми – 38 минг карточка.

Кутубхона халқаро алоқаларининг асосий тури халқаро китоб алмашинувидир. У фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақида ўзаро аҳборот алмашинувига кўмаклашади. У шунингдек кутубхона фондларини чет эл адабиётлари билан таъминлашнинг муҳим манбаи ҳамдир. Халқаро китоб алмашинуви бўйича олинадиган адабиётлар кутубхонага келадиган чет тилидаги барча нашрларнинг 50 фоизга яқинини ташкил этади.

Халқаро китоб алмашинуви 50-йилларнинг иккинчи ярми ҳамда 60–70-йилларда, айниқса, фаоллашди. Шу даврда кутубхона чет мамлакатларнинг кутубхоналари ва илмий муассасалари билан адабиётлар алмасиши бўйича алоқаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлди. Жаҳоннинг энг кўҳна кутубхоналари – Германия Миллий

кутубхонаси, Франция Миллий кутубхонаси, Колумбия ва Гарвард университетларининг кутубхоналари билан халқаро китоб алмашинуви бўйича алоқалар ўрнатилди. Сўнгги йилларда Шарқ мамлакатлари – ҳиндистон, Эрон, Ливан ва бошқалар билан китоб алмашинуви ҳам фаоллашди.

1959—1970 йилларда китоб алмашинуви бўйича халқаро алоқалар қандай ривожланганлигини қуидаги жадвалдан кўриш мумкин:

Йиллар	1959	1960	1961	1962	1963	1964	1965	1966	1967	1968	1969	1970
мамлакат-лар сони	20	22	26	27	28	29	30	30	32	33	34	36
ҳамкорлар сони	53	61	68	73	77	82	84	84	86	88	89	90

1970—1980 йилларда республика универсал кутубхоналари фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва уни мувофиқлаштириш маркази бўлган Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасининг илмий-услубий иш савияси сезиларли даражада ошиди. Кутубхона республика кутубхоналар тизимини марказлаштириш, кутубхоначилик-библиография ишини ривожлантириш режаларини тузиш масалаларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этар, республика миёсига методик ёрдам кўрсатиш ва библиография ишларини мувофиқлаштирас, вилоят кутубхоналаридаги методик ишларни умумий режалаштиришни амалга оширас, кутубхоначилик иши соҳасидаги илгор тажрибанинг кенг ёйилишига, кутубхоналар ходимларининг малакасини оширишга кўмаклашар эди. Кутубхона методик қўлланмалар тизимини ишлаб чиқди, китоб фондларини комплектлаш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар тайёрлади, оммавий ахборот воситаларидан бири сифатида тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлаш ва эълон қилишга катта эътибор берди.

1966 йилда ҳукумат қарори билан умумдавлат илмий-техник ахборот тизимининг таркибий қисми бўлган Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасига маданият ва санъат бўйича ахборот маркази вазифаси юкланди. Кутубхонанинг олимлар ва халқ ҳўжалиги мутахассисларига, маданият ва санъат ходимларига ахборот-библиография хизмати кўрсатиш соҳасидаги фаолияти сезиларли даражада кенгайди.

1973 йил кутубхонада янги бўлим – илмий-тадқиқот бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимга кутубхоналар ва олий ўқув юртлари

иҳтинослашган кафедраларининг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш, республика бўйича кутубхонашунослик ва библиография назарияси соҳасида илмий-тадқиқот ишларининг истиқболга мўлжалланган ва жорий мувофиқлаштириш режаларини тузиш вазифаси юкланди. Бўлим республиканинг илмий-тадқиқот кучларини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш орқали уларниң куч-ғайратини кутубхоналар ва кутубхоналар тизимларини марказлаштириш, аҳолига кутубхона хизмати кўрсатиш ягона тизимини вужудга келтириш, китоб ва мутолаа социологияси, республика кутубхоначилик-библиография ахборот ресурслари, кутубхоначилик иши соҳасида меҳнатни илмий ташкил этиш ва иқтисод, кутубхоначилик-библиография жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш каби мухим ва долзарб йўналишларни ишлаб чиқишига йўналтириди.

Кутубхонанинг илмий-тадқиқот бўлими ўз ишини ҳар йил чиқариладиган давомли нашир – «Ўзбекистон кутубхонашунослиги» деб номланган кутубхоначилик иши назарияси ва амалиётига оид тўпламга асос солинидан бошлади.

70—80-йилларда илмий ишлар мавзусида кутубхона фаoliyatiini такомиллаштириш вазифалари илгари сурған масалалардан республикада кутубхоначилик иши ривожланишининг умумий муаммоларига кескин бурилиш ясалди. Кутубхона «Қишлоқ ҳаётида китоб ва мутолаа», «Оммавий кутубхоналарда мутолаа ва китобхонлар эҳтиёжи динамикаси», «Кутубхоначилик иши тарихи» каби мавзуларда фундаментал тадқиқотлар олиб борди, «Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихига оид ҳужжатлар (1917-1977 йиллар)», «Республикада кутубхона ресурсларини оқилона жойлаштириш ва улардан фойдаланиш (тадқиқотнинг 1-босқичи)» тўпламларини тайёрлади, «Болалар ҳаётида кигоб ва муголаа», «Ўзбекистон оммавий кутубхоналари китоб ўзагининг шаклланиши», «Кутубхоначиларнинг китобхон сифатидаги қизиқишлиари», «Ўзбекистон кутубхонашунослари ва библиографлари» ва бошقا тадқиқотлар учун дастурлар ва услублар ишлаб чиқди.

Илмий-тадқиқот бўлими ходимлари ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлаш ва уларни ўзбек тилига таржима қилишда фаол иштирок этдилар. «Оммавий кутубхоналар кутубхоначилик техникаси минимуми», «Оммавий кутубхоналар учун мўлжалланган таснифлаш жадваллари», «Босма нашрларни тавсифлаш ягона қоидалари» ўзбек тилига таржима қилинди ва уларнинг илмий таҳрири амалга оширилди.

Бундан ташқари, кутубхона мутахассислари ўтказилган

тадқиқотларнинг натижаларини, уларни Ўзбекистон кутубхоналарининг иш амалиётига татбиқ этиш якунларини «Мақолалар тўпламлари» ва бошқа нашрларда фаол равишда эълон қилиб бордилар. Куйидаги китоблар нашр этилди: У.Т.Баҳромова, Э.А.Бегматов. Ўзбек муаллифларининг адабий исмлари ва фамилиялари русча транскрипцияда (Ю.Б.Абрамов ва С.И.Зинин таҳрири остида. Тошкент, 1979 йил); Ўзбекистон оммавий кутубхоналари китоб ўзагининг шаклланиши (тузувчи У.Баҳромова); Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси. 1870—1970 йиллар.

«Ўзбекистон кутубхоначилик иши тарихи» ҳужжатлар тўплами кутубхона илмий-тадқиқот бўлимининг кўп йиллик фаолиятида алоҳида ўрин эталлайди. Унда мазкур масалага оид материаллар ва ҳужжатлар танлаб олинган ва тизимга солинган. ҳужжатлар тўпламиning икки жилди нашрга тайёрланган бўлиб, кутубхона тўпламнинг 1917—1924 йилларга оид қисмини тайёрлаб берди. Маданият институти тўпламнинг 1945 йилдан то ҳозирги давргача бўлган қисмини тайёрлашни ўз зиммасига олди. Биринчи жилдни тайёрлаш ишлари 1991 йилда якунланди. Республикада рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, Совет Иттилоғининг парчаланиши, вақтингчалиқ молиявий қийинчиликлар кутубхонага ушбу тўпламни эълон қилиш имконини бермади.

## 2.2.2. Қорақалпогистон Республикаси кутубхоналари

Қорақалпогистонда кутубхоналар тизими (араб алифбесидаги Шарқ қўллэзмалари жамланган кутубхоналарни ҳисобга олмаганда) ўз ҳисобини XIX асрнинг 90-йилларида очилган Тўрткўл (собиқ Петро-Александровск) шаҳар кутубхонасидан бошлаб юритади. Унинг ластлабки китоб фонди фуқаролар ўз шахсий кутубхоналаридан ҳадя қилган адабиётлардан ташкил топган эди. 1907 йил 7 марта у шаҳар Оммавий кутубхонаси сифатида расман таъсис этилди. Умумий мажлисда кутубхона устави тасдиқланди ва 41 аъзодан иборат қўмита сайланди. Кутубхона шаҳар аҳолисига муайян ҳақ эвазига китоблар, журналлар ва газеталардан фойдаланиш ҳуқуқини берарди. Кутубхона уставига мувофиқ унга вояга етмаган шахслар, ўқувчилар ва талабалар, қўйи амалдорлар, юнкерлар ва суд ҳукми билан ҳуқуқ лаёқати чекланган шахслардан ташқари, эркак ва аёл жинсига мансуб барча шахслар аъзо бўлишлари мумкин эди.

1912 йил кутубхонада 3300 номда адабиётлар, шу жумладан,

журналлар рўйхатга олинди. Шу йил кутубхона жами 100 кун китобхонлар учун очиқ бўлди, унга 697 киши ташриф буюрди ва 2032 номдаги адабиётларни ўйда ўқиш учун сўраб олди.

1919 йил апрелда ишчи ва аскарлар депутатлари Кенгашининг қарори билан, собиқ чор маъмурлари ва йирик саноатчиларининг кутубхоналарини национализация қилиш бўйича комиссия тузилди. Шу йил май ойида комиссия Тўрткўлда Новиковнинг шахсий кутубхонасини ва собиқ чор маъмуряти кутубхонасини, шунингдек, бошқа китоб тўпламларини национализация қилди. Тўрткўл шаҳар Оммавий кутубхонаси халқ кутубхонасига, кейинчалик – Хоразм Республикасининг марказий кутубхонасига айлантирилди. Тез орада кутубхона фондидаги адабиётлар сони етти мингтага етди.

1921 йил августига келиб Қорақалпоғистонда 6 қизил чойхона, 8 ўтов-қироатхона очилган эди. 1927—28 йилларда қизил чойхоналар сони 13 тага, кутубхоналар эса – 9 тага етди. 1933 йилга келиб республикада 43 кутубхона, 41 қизил чойхона ва 71 ўтов-қироатхона бор эди. 1940 йилда Қорақалпоғистонда фаолият олиб бораётган кутубхоналар сони 195 тага етди. Уруш йиллари республикада кутубхоначилик фаолияти анча сусайди, кўпгина кутубхоналар ёпилди.

1950 йил Қорақалпоғистонда 176 кутубхона, шу жумладан бир Республика кутубхонаси, 16 туман ва шаҳар кутубхоналари, 6 қишлоқ ва 2 болалар кутубхоналари, 116 та таянч қизил чойхоналар ва ўтов-қироатхоналар мавжуд эди.

1947 йил июлда республика Вазирлар Кенгаши ҳузурида Маданий-маърифий муассасалар ишлари бўйича бошқарма, 1953 йил июнда – Қорақалпоғистон Республикасининг Маданият ишлари бўйича вазирлиги ташкил этилиши маданий ўсишнинг жадаллашувига имконият яратди. Қорақалпоғистонда 293 кутубхона ва 117 ўтов-қироатхона фаолият кўрсата бошлади. 1962 йил Республика болалар кутубхонаси очилди.

Кутубхоналарнинг китоб фондлари 1927 йил жами 16000 нусха бўлса, 1965 йил – 1.140.810 нусхага, 1978 йил – 3.125.790 нусхага, берилган адабиётлар сони – 4.452.618 нусхага етди, китобхонлар сони 301020 кишини ташкил қилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг кутубхоналар тизимида бугунги кунда 728 киши меҳнат қилмоқда. Шу жумладан олий маълумотлилар – 147 киши (олий кутубхоначилик маълумотига эга ходимлар – 130 киши), ўрта кутубхоначилик маълумотига эга ходимлар – 395 киши, бошқа ихтисосликларга эга ходимлар – 131 киши, умумий ўрта маълумотлилар – 55 киши.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг универсал илмий кутубхонаси минтақада нашр этилган барча матбуот нашрлари сақланадиган марказий зиё маскани, етакчи илмий-ахборот муассасаси, қорақалпоқ халқининг миллий маънавий маданият марказларидан бири ҳисобланади. Унга Республика китоб палатаси ҳуқуқи берилган. Кутубхонанинг бош мақсади инсоният тўплаган билимларни акс эттирадиган ва, энг аввало, Қорақалпоғистон ва Ўзбекистонга, давлатимизнинг миллий манфаатларига тааллуқди бўлган нашрлар ва ҳужжатларни тўплаш, сақлаш ва жамиятга фойдаланиш учун беришдан иборат.

### **2.2.3. Тошкент вилоят «Турон» кутубхонаси фаолиятидан**

Йигирманчи аср бошида Тошкентнинг Чорсу бозорига тугаш маҳсидўзлик расталари яқинида бобийлар ва баҳоийларнинг гоявий ва молиявий кўмагида ва ихтимоми билан қурилған «Осиё» деб номланган кутубхона шўролар қўлига ўтганидан кейин вилоят аҳамиятига молик кутубхонага айлантирилди. Кейинчалик, 60-йилларнинг бошида, қисқа вақт давом этган нисбатан эркинлик ва миллий қадриятларга қайтиш даврида у «Турон» деб номланди ва 2005 йилда биноси бузилгунга қадар шу номда фаолият кўрсатиб келди.

Улуг ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг мажхур ҳажвий қаҳрамони Калвак Маҳзум Каломи Шарифни зиёрат этмоқ истагида Маҳсидўзлик маҳалласидаги «йонабандлик икки қанот эшиғи» бор «кўп олий гиштин фабрикои»га боради. Маҳзум эшикларнинг биридан киргандга «атроф ва жавониб»да «девдек-девдек катта суратлар» осиғлиқ «бир мунча саллалик ва салласиз одамлар» тушиа-тузук ўрис курсига ўтириб газет ўқиётган, теваракка эса, «анвойи турлиқ китоблар уюб» ташланган экан.

Калвак Маҳзум тиловатхона деб ўйлаган бу хона «Турон», «Туркистон», «Ислоҳ» кутубхоналари қатори, 20-йилларда ўзбек зиёлиларининг қадамжоси бўлган «Осиё» кутубхонасининг қироатхонаси эди.

Ушбу кутубхонага ўзбекча, озарбайжонча, татарча, туркча драматик асарлар, маориф ва маданиятга оид китоблар, мажмуалар тўпланди. «Ўзбекча театру китоблари йўқлиғи ила, озарбайжонча ва татарча пьесалардан турмушимизга бироз тўғри келатурғонларини таржима этиб, ўйналди ҳам. А. Қодирийнинг «Баҳтсиз күёв», Ҳожи Мўмин Шукрулло афандининг «Мазлума хотин»и босилиб чиқиб, ҳалиги йўқликни бир оз борлиқга чиқара олдилар»<sup>29</sup>.

Кугубхонанинг бой китоб фондини вужудга келтиришда «Турон» жамияти аъзоларининг, маърифагпарварларнинг, баъзи бир зиёли бойларнинг вақф қилиб қолдирган китоблари, маблағлари муҳим рол ўйнади. Натижада, кутубхонада «Силсиланома», Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Носириддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Ҳусайн Бойқаро девони, Алишер Навоийнинг девони ва «Хамса»си, Бобур девони, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони лугатит турк» каби ноёб қўлёзма асарлар, 1917 йилгача ва ундан кейинги вақтли матбуот нашрлари, чунончи: «Туркистон вилоятининг газети», «Гаржимон», «Вақт», «Хуршид», «Шуҳрат», «Нажот», «Садойи Туркистон», «Ер юзи», «Ўзгаришчи ёшлар», «Маориф ва ўқитувчи» каби газета ва журналларнинг бойланмалари жамланди.

1918 йилнинг кузила Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши қарори билан марҳум большевик, 1918 йил июнда «Иштирокион» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасини ташкил этган ва унинг биринчи муҳаррири бўлган Ориф Клеблеев номини абадийлаштириш мақсадида «Осиё» кутубхонасига унинг номи берилди. Кутубхона фондини кенгайтириш учун 10 минг сўм миқдорида маблағ ажратилди.

20-йилларда кутубхона 20 минг нусхадан зиёд тарихий ва замонавий мавзудаги китоблар билан ўз хазинасини бойитиб, шу даврда шаклланган ўзбек зиёлиларининг маърифий марказларидан бирига айланди. Чўлпон, Фитрат, Шокиржон Раҳимий, Боту, Элбек, Ойбек, Отажон Ҳошим,Faфур Ғулом, Ҳислат, Тавалло, Мискин сингари ўнлаб шоир ва ёзувчилар, илм-фан ва маданиятнинг турли соҳаларини ўзлаштираётган ёшлар бу табарруқ даргоҳда ўз билим уфқуларини кенгайтирдилар.

«Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1929 йил сонида эълон қилинган Чўпонзоданинг мақоласида шундай маълумотга дуч келдик: «Инқилобдан сўнг бутуниттифоқ доирасига чиққан бутун газета ва журналлар тамом олиниб тўпланғон... Кутубхонанинг келгуси порлоқ, унда илмий, тарихий, қимматли, нодир асарлар бор»<sup>30</sup>.

Афсуски, шўро ҳукуматининг сиёсати оқибатида Туркиядан олинган барча адабиётлар 30-йилларда кулга айлантирилди. Бу адабиётлар билан бирга 1917 йилга қадар Ўзбекистонда нашр этилган «Хуршид», «Тараққий», «Шуҳрат», «Осиё», «Самарқанд», «Нажот» сингари ўнлаб газеталар, «Ойина», «Кенгаш», «Ислоҳ», «Деҳқон» каби журналлар ҳам ёқиб юборилди.

20-йилларда кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлимида араб тилининг билимдони, таржимон ва олим Абдулла Носиров ишлади. 1935—40-йилларда кутубхонада биринчи ўзбек библиографи, қатагон

курбони Акбарбек Долимов (1910—1941) меҳнат қилди. У Файзулла Убайдуллаев билан ҳамкорликда 1934 йил «Мукаммал илмий библиография» деган китоб ёзи. Бу библиографик асарда 1925—1934 йилларда ўзбек тилида нашр қилинган уч мингта яқин китобнинг умумий тасифи берилган. Бу китоб ўзбек библиографияси соҳасида яратилган биринчи асардир.

1938 йил «Осиё» кутубхонасига вилоят универсал илмий кутубхонаси мақоми берилли ва номи «Октябрь» деб ўзgartирилди. Кутубхонага вўлоятда иш олиб бораётган кутубхоналарга услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юкланди. Кутубхона ходимларининг сони 10 тага етди. Аммо уруш бошланиси билан вилоят кугубхонасида бошланган ташкилий-услубий ишлар охирига етмай қолди. Уруш йилларида ходимлар сони қисқариб, 5 киши қолди. Аммо кутубхона китобхонларга хизмат кўрсатишни давом эттириди. Кутубхонанинг китоб фонди бу даврда 33 минг нусхани ташкил этар эди. Ҳар йил кутубхонага 40 номда газета ва журнallар олинган. Бундан ташқари, кутубхона ходимлари ҳар хил китоблар йиғиб, фронтда жанг қилаётган ўзбек дивизиясига жўнатиб турди, шунингдек, эвакуация қилинган болаларни адабиётлар билан таъминлади.

Урушдан кейин кутубхона ходимларининг аввалги сони тикланди. 1950 йилга келиб кутубхона ходимларининг умумий сони 14 нафарга етди. Шулардан тўртаси олий маълумотли, иккитаси туталланмаган олий маълумотли ва фақат бир кипи ўрта кутубхоначилик маълумотига эга эди. 60-йилларда асосий эътибор туман кутубхоналарида каталоглар ташкил этиши ва ўқувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакллари — китоб фондларига очиқ кира олишини ташкил этишга қаратилди. Китоб фондлари кўпайишида давом этди, уларнинг сони вилоят кутубхонасида 178 мингтага етди. Бундан ташқари, кутубхона 340 номда журнallар ва 52 номда газеталар олиб турди. 1969 йил июнь ойидан кутубхона тўловлилик асосида мажбурий тарзда ойлик нашрлар ола бошлади.

70-йилларда вилоят кутубхонасининг тузилмаси ва шахсий таркиби ривожланиши давом этди. 1976 йил кутубхонанинг 25 ходимидан 21 нафари олий кутубхоначилик маълумотига, иккитаси — ўрта маҳсус кутубхоначилик маълумотига эга бўлган. Шу йил кутубхонада ёшлиар бўлими ташкил этилди. Ҷу кутубхонанинг ўқувчиларга хизмат кўрсатиш имкониятини бироз кенгайтирди, аммо бино майдони етарли эмаслиги туфайли ушбу бўлим ривожланмай қолди.

1980 йил охирига келиб кутубхонанинг китоб фонди 258,1 минг нусхани ташкил этди. Кутубхона хизматларидан жами 3600 нафар

китобхон фойдаланар эди. Кутубхона штагидаги ходимлар сони 29 нафарга етди. 80-йилларда вилоят кутубхонаси нинг услубий фаолияти асосан марказлашган кутубхона тизимини ривожлантириш ва тақомиллантиришга қаратиши. Кутубхонада меҳнат қилган Коваленко А.П., Ёсимов Т.Б., Егорова Л.В., Мирзокирова Н.А., Синельникова М.С., Иванян С.П. каби ходимлар хизмати бекёсdir.

80-йилларда вилоят кутубхонаси нинг фаолиятида ўқувчиларга хизмат кўрсатишда ноқулай вазият юзага келди. 1982 йилда бино шикастланган ҳолатда бўлгани учун кутубхонанинг ўқув зали ёпилди. Аввал маблағ танқислиги, кейинчалик – таъмирлаш ишлари чўзилиб кетганлиги туфайли кутубхона фақат 1989 йил очилди. Бу вақтга келиб кутубхона нафақат таъмирланди, балки унинг майдони анчатина кенгайди. Кутубхонанинг ўша даврдаги директори Т.Каримов сайди-ҳаракатлари билан унибу зиё масканига кўшни жойлашган эски банк биноси берилди. Кутубхонанинг олдинги обрўсини тиклаш ва ўқувчиларни жалб қилиш жараёни бошланди. 1990 йилнинг ўзида кутубхонага 1586 ўқувчи аъзо бўлди. Шу йил кутубхонанинг умумий фонди 3.267.073 нусхага етди.

1991 йил – Ўзбекистон мустақилликка эришган йил кутубхона учун сезиларли ўзгаришлар даври бўлди. У вилоят болалар кутубхонаси билан бирлаштирилди. Бунинг натижасида кутубхонанинг фонди 404200 босма бирликка кўпайди. Янги штатлар жадвали тасдиқланди, кутубхона ходимлари сони эллик нафардан ошиб кетди. 1992 йил кутубхонага «Турон» номи берилди.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг йирик кутубхоналари орасида Тошкент вилояти «Турон» номли илмий универсал кутубхонаси алоҳида ўрин тугади. Вилоят кутубхонаси услубий марказ сифатида ўз тасарруфидаги барча кутубхоналарни бутлаш жараёнини мувофиқлаштириб, назорат қилиб боради. ҳозирги кунда республикамизда 17 мингта яқин кутубхона мавжуд бўлса, «Турон» шулар ичida энг йирик, кекса зиё масканларидан биридир. «Турон» кутубхонаси фонди Россия ва бошқа хорижий давлатларда нашр этилган турли соҳаларга оид китоблар, матбуот намуналари, маҳаллий газета ва журналлар, илмий ва бадиий нашрлар билан таъминланган. Ўзбекистонда XX аср бошларидан чиқарилган кўплаб газета ва журналлар кутубхона фондидаги сақлаб келинмоқда. «Турон» кутубхонасидан ўзбек маданияти, адабиёти ва санъатининг атоқли намояндлари – Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Элбек, Боту, Маннон Уйгур, Ойбек, Ҳамид Олимжон,Faфур Ғулом, Миркарим Осим, Фози Юнус, Мақсуд

Шайхзода ва бониқа кўплаб маънавият филодилари баҳраманд бўлганлар.

Кутубхона фондини яхлитлаш ва бутлашнинг асосий манбай барча даврларда республика, шаҳар ва вилоят кутубхона коллекторлари, китоб дўконлари, обуна йўли бўлган. Фонд ҳацар турлари бўйича тартибланган, вақтли нашрлар алоҳида сақланган. 1950 йилда кутубхона фондида 36000 босма бирликдан иборат турли фан соҳаларига оид адабиётлар олинган. 1955 йилда 62000 нусха, 1965 йилда фонд 152301, 1970 йилда – 179150 нусхага, 1980 йилда эса, 258137 нусхага кўпайган.

«Турон»даги китобларнинг асосий қисмини ижтимоий-сиёсий, бадиий адабиётлар ташкил этади. Техника, қишлоқ хўжалиги ва ўзлабчиқаришнинг бошқа тармоқларига тегишли адабиётлар етарли даражада олинмаган.

Мустақиллик йилларида кутубхонада маданий-маърифий ишлар фаоллашди, адабий кечалар, конференциялар, янги китоблар тақдималари, шоирлар, ёзувчилар, олимлар, маданият ва санъат ходимлари билан учрашувлар тез-тез ўтказила бошланди. Кутубхона қошида ёш адабиётчилар тўгараги ташкил этилди.

Айни вақтда, ўтиш даври қийинчиликлари кутубхонани ҳам чеглаб ўғмади. Кутубхона фондини буглаш, даврий нашрларга обуна бўлиши сезиларди даражада камайди. Кутубхона мөддий-техника базасини ривожлантириш учун ажратилган маблағ етарли бўлмай қолди. Бу муаммолар барча вилоятларнинг кутубхоналарига хос эди.

Кутубхоналар тармоғи йилдан-йилга камайиб борди. 1991 йил вилоядта 787 та кутубхона фаолият кўрсатган бўлса, 2005 йилга келиб уларнинг сони 501 тага тушиб қолди. Адабиётлар ҳам кам олина бошланди. 1991 йил кутубхона фондига 450,5 минг нусха адабиётлар олинган бўлса, 2004 йилда айни шу фонд 28,9 минг нусхада адабиётлар билан тўлдирилди.

Қийинчиликларга қарамай, Тошкент вилоят «Турон» универсал илмий кутубхонаси ўз фаолиятини давом эттириди, кутубхона раҳбарияти ва оммавийси унинг фаолиятини ҳозирги давр талабларига мос равишда ташкил этиш учун имконият даражасида меҳнат қилмоқдашлар.

1997 йилда кутубхонани компьютер ва нусха кўпайтирувчи техника билан жиҳозлашга киришилди. 2001 йил «Турон» кутубхонасида мавжуд ўзбек тилидаги адабиётларни ўз ичига олган республикалариги биринчи электрон каталоглардан бири тузилди. 2000 йилдан кутубхонада «хукуқий аҳборот маркази» фаолият кўрсата бошлади.

У янги ҳуқуқий адабиётлар, «Право» ва «Норма» ахборот қидирув тизимиға ва Интернет тармоғига уланган компьютерлар билан жиҳозланди. 2003 йил кутубхонада «Замонавий ахборот технологиялари» бўлими очилди. Унинг негизида маҳаллий тармоқса уланган 8 компьютер билан жиҳозланган ўқув-маслаҳат маркази ишлай бошлади. 2004 йил вилоят кутубхонасида вақтли матбуот нашрларига ихтисослашган иккинчи ўқув зали ташкил қилинди. 2005 йил бошида унбу зиё масканининг кутубхона ташкил топган кундан то ҳозирги вақтгача бўлган тарихий йўлини акс эттирувчи олти тематик бўлимдан иборат «Гурон» кутубхонаси тарихи музей очилди.

Кутубхона 2006 йили Тошкент вилояти ахборот-кутубхона марказига айлантирилган.

#### **2.2.4. А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят универсал илмий кутубхонаси**

1911 йил 6 декабрда Самарқандда таниқли археолог В.Л.Вяткин ташаббуси билан шаҳар Оммавий кутубхонаси очилди. Кутубхонанинг дастлабки китоб фонди асосан турли ташкилотлар ва фуқаролардан ҳадя тариқасида олинган 2 минг нусхага яқин адабиётлардан иборат эди.

Кутубхона фаолиятининг дастлабки даврида унинг хизматларидан 200—300 киши фойдаланган бўлса, 40-йилларда кутубхона аъзолари сони 3800 кишига етди, 50-йилларда эса, 6 минг кишидан ошиб кетди.

1937 йил улуф рус шоири А.С.Пушкин ўлимининг юз йиллиги ва кутубхона ташкил топганига 25 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига биноан, унга А.С.Пушкин номидаги Давлат кутубхонаси номи берилди.

1970 йил вилоят кутубхонаси 500 минг жилд китобга мўлжалланган янги бинога кўчиб ўғди. Шу даврда янги ихтисослашган ўқув заллари, чунончи: техника ва қишлоқ хўжалигига оид адабиётлар, чет тилидаги адабиётлар, даврий нашрлар, санъатга оид адабиётлар ўқув заллари, шунингдек ўсмиirlар бўлими ташкил этилди.

Вилоят кутубхонасининг услубий марказ сифатидаги роли ҳам кучайиб борди. 70-йилларнинг бошида вилоятда китоб фондлари 3124,7 минг бирлиқдан иборат 631 та кутубхона бор эди. Шу йиллар ичida вилоят кутубхоналаридан фойдаланувчилар сони 332,8 минг кишига етди, уларга жами 3456,0 минг нусха адабиётлар берилди.

70—80-йиллар вилоят кутубхоналар тармоғининг ривожланиш ва тартибга солиниш даври бўлди. Шу давр ичидаги давлат оммавий кутубхоналар тармоғи 220 бирликка кўпайди ва 1990 йилга келиб 850 тага етди.

1973—1985 йилларда Самарқанд вилоятида кутубхоналар тармоғини марказлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Шу давр ичидаги 840 кутубхонани, шу жумладан 777 оммавий, 44 болалар ва 19 марказий кутубхоналарни бирлантирган 19 та марказлаштирилган кутубхоналар тармоғи ташкил этилди.

Шу даврда кутубхонанинг умумий китоб фонди 9047,7 минг нусхани, шу жумладан қишлоқ кутубхоналарида — 6166,3 минг нусхани ташкил этилди. Ўзбек тилидаги адабиётлар умумий фонднинг 52,7%, шу жумладан қишлоқ кутубхоналарида — 65,6% ни ташкил қиласкан.

Китобхонлар сони ҳам кўпайиб борди. Марказлаштириш тадбирлари амалга оширилгунга қадар улар 332,8 минг кишини ташкил этилган бўлса, 80-йилларнинг охирига келиб 754,7 кишига етди. Шу давр ичидаги фойдаланиш учун берилган китоблар сони ҳам 4,5 баравар ошиди ва 15.303,9 минг нусхага етди.

80-йилларда А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят кутубхонаси илмий-услубий ишлар бўйича илғор тажриба Республика мактабига айланди. Унинг негизида турли учрашувлар, семинарлар, конференциялар, малака ошириш курслари ва бошқа тадбирлар ўtkaziladi. Ҳозирги вақтда кутубхона Россия, Қозогистон, Қирғизистон, Германия, Франция, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Эрон кутубхоналари билан алоқалар ўrнатган.

Сўнгги йилларда кутубхона таркиби ҳам ўсиб бораётгир. Масалан, ўлкашунослик бўлимни, каталоглар ва картотекалар бўними, хукуқий ахборот маркази очилди, Гёте институти кўмагида немис тилидаги адабиётлар ўкув зали, болалар адабиётлари бўними ташкил этилди.

2006 йилга қадар бўйиган ҳолатга кўра вилоят кутубхонасининг китоб фонди 612 минг нусха китоб, 3 мингта грампластиинка, 12 мингта ноталар тўплами, 4 мингтага яқин газета ва журналлар боғланмаларидан иборат. 1920 йилгача нашр этилган китоблар фонди 10 минг жилдга яқин адабиётларни ўз ичига олади. Китобхонлар сони 33 минг кишига етди, уларга ҳар йили 700 минг нусхага яқин адабиётлар берилади.

Кутубхонанинг илмий-услубий ва мъълумот-библиография бўлимлари ноширилик фаолияти билан шуғулланади. Ҳар йили кутубхона тамғаси билан 15 га яқин номда услубий қўлланмалар,

ўлкашуносликка оид материаллар, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатлари ва ҳоказолар нашр этилади.

Кутубхона 2006 йилдан Самарқанд вилоят ахборот-кугубхона марказига айлантирилган.

### **2.2.5. Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонаси**

1921 йил 30 июнда Бухоро шаҳрида Эски Бухоро марказий шаҳар кутубхонаси эшниклари китобхонлар учун илк бор очилди. Кутубхона Бухоро Республикаси Маориф вазири Мусожон Сайджонов ташаббуси билан ташкил қилинди. 1920 йил 28 сентябрда ёш буҳороликлар сардори Файзулла Хўжаев асос солған жадидлар кутубхонаси негизида ташкил этилган Эски Бухоро марказий шаҳар кутубхонасининг дастлабки китоб фонди 1187 нусхадан иборат эди.

Кутубхона фаолиятининг дастлабки йилларида асосий эътибор китоб фондини кўпайтириш ва аҳолини сурункали мутолаага жалб қилишдан иборат бўлди.

1938 йил Ўзбекистон Маориф Ҳалқ Комиссарлиги қарори билан Эски Бухоро марказий шаҳар кутубхонаси Бухоро вилоят кутубхонасига айлантирилди ва унга буюк аллома Абу Али ибн Сино номи берилди. Шу муносабат билан кутубхонага адабиётлар, жиҳозлар харид қилиш учун қўшимча маблағ ажратилди. Натижада кутубхонанинг китоб фонди 1940 йилга келиб 10 баравар кўпайди. 1939 йил охирига келиб вилоят кутубхоналар тармоғи таркибида 138 та кутубхона бор эди. Бу кутубхоналарга кутубхоначилик ишнининг асосий йўналишлари бўйича услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, кутубхона ходимларининг малакасини ошириш бўйича тадбирлар ўтказиш учун 1940 йилда вилоят кутубхонаси қошида услубий кабинет ташкил этилди.

Уруш йилларида кутубхона фаолияти ҳарбий давр мақсадларига бўйсундирилди. Урушдан кейинги йилларда кутубхона маданий ҳаёт марказига айланди. Унинг китобхонлари сони 1948 йилда 3500 тага етди, шу йилнинг 10 ойи ичida фойдаланишга берилган китоблар сони 200.000 жилдни ташкил этди.

Этигинчى йилларда лотин алифбесидаги адабиётлар макулатурага топширилиши натижасида кутубхонанинг китоб фонди камайди. 1953 йил Шарқ фондидаги қўлёзмаларнинг бир қисми Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига берилди. Умуман олганда,

мазкур илмий муассаса китоб фондининг энг яхши ва ноёб қисмини «Бухоро коллекцияси» ташкил этади.

1958 йил апрелда вилоят кутубхонасида даврий нашрлар зали очилди. 1959 йилдан кутубхонада илгор метод – китоб фондларидан эркин фойдаланиш қўлланила бошланди.

1971 йил кутубхона ҳаётида иккита муҳим воқеа рўй берди. Биринчиси – 500 минг жилдга мўлжалланган янги уч қаватли бино фойдаланишга топширилди. Иккинчиси – китобни тарғиб қилишдаги хизматлари, китобхонларни тарбиялашдаги фаол иштироки ва ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

90-йилларга келиб кутубхонанинг асосий бойлиги – китоб фонди 300000 нусхага етди. 1990 йил февралидан кутубхона Оммавийси янги хўжалик юритиш усули, яъни Оммавий пуррати бўйича ишлай бошлиди.

Мустақиллик йилларида кутубхона ҳаётида катта ижобий ўзгаришлар рўй берди: китобхонлар доираси кенгайди, кутубхонага ташрифлар сони кўпайди.

1993, 1994 ва 1995 йилларда кутубхонанинг мажлислар залида «Бухоро ва жаҳон маданияти» I, II ва III халқаро симпозиумлари ўтказилди. Вилоят тарихида биринчи марга бу ерга жаҳонга машҳур олимлар – археологлар, тарихчилар, этнографлар ва санъатшунослар йиғилди.

1998 йил кутубхона Шарқ фонидаги ноёб қўлёзма асарлар каталоги нашр этилди. Каталог муаллифлари – шарқшунос, тарих фанлари номзоди /.Б.Курбонов ва Тюбинген университети (Германия) профессори Шварц Флориан. Мазкур каталог нусхалари АҚШ Конгресси кутубхонаси, Япония, Германия, Россия ва Англия кутубхоналарига юборилди. Ҳозирги вақтда Шарқ фонидаги тошибосма нашрлар каталогини тузиш устида иш олиб борилмоқда.

Бухоро вилоят универсал илмий кутубхонасида 45 киши меҳнат қиласи, шулардан 4 нафари – олий кутубхоначилик маълумотига, 27 нафари – ўрта маҳсус маълумотга эга.

Кутубхонада ўқувчиларга белул Интернет хизматлари кўрсатиш ўйлуга қўйишилган. Электрон маълумотлар базалари – «Право», «Норма» ахборот-қидирив тизимлари, инглиз тилида электрон кутубхона мавжуд.

Кутубхона 2006 йили Бухоро вилоят ахборот-кутубхона марказига айлантирилган.

## **2.2.6. Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят универсал илмий кутубхонаси**

Фарғона вилоят кутубхонаси – Ўзбекистон Республикасининг энг кўхна кутубхоналаридан бири. Расмий маълумотларга кўра, Янги Марғилон (Фарғона шаҳрининг олдинги номи) кутубхонаси 1899 йил июнда – улуғ рус шоири А.С.Пушкин таваллудининг юз йиллиги нишонланаётган кунларда очилди. Кутубхона шаҳар Оммавий музейининг иккита хонасида жойлашган бўлиб, унинг дастлабки китоб фонди 853 нусхадан иборат эди. 1913 йилга келиб фонддаги адабиётлар сони 5600 нусхага етди.

1920 йилда кутубхона Фарғона шаҳар кутубхонаси номини олди. 1926 йилда Тошкент Давлат кутубхонаси ва Фарғона кутубхонаси ўртасида китоб алмашинуви амалга оширилди. Фарғона кутубхонаси пойтахт кутубхонасига Екатерина II даврида нашр этилган китобларни бериб, уларнинг ўрнига ўзбек тилида адабиётлар олди ва натижада кутубхонада ўзбек тилидаги адабиётлар бўлими очилди.

1935 йил 1 октябрга қадар бўлган ҳолатга кўра кутубхонанинг китоб фонди 25080 нусхадан иборат эди.

1939 йил кутубхонага вилоят кутубхонаси мақоми берилди. Бинобарин, унга кўйиладиган талаблар ҳам ошди. Аммо 1941 йилда бошланган уруш кутубхонани такомиллаштириш бўйича бошланган ишларни тўхтатиб қўйди. Урущ йилларида кутубхона Фарғона шаҳрига эвакуация қилинган Москва шарқшунослик институти, Москва тиббиёт институти, Ёшлар институти талabalарига, шунингдек, ёзувчилар, шоирлар ва илмий ходимларга хизмат кўрсатди.

Урушдан кейин вилоятда кутубхоначилик соҳасида ҳам тинч қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Вилоят кутубхонасининг китоб фонди йилдан-йилга кўпайиб борди. 1959 йил у 100000 нусхага етди. 1961 йил кутубхона фонлида 107908 нусха китоб бўлиб, шундан 16755 таси ўзбек тилида эди. 1967 йилга келиб кутубхонанинг китоб фонди 138 минг нусхадан ошиб кетди.

1970 йил вилоят кутубхонаси тарихида ўчмас из қолдирди. У 500 минг жилд китобга мўлжалланган, маҳсус жиҳозланган ва барча қулайликларга эга бўлган янги тўрт қаватли бинога кўчиб ўғди. Кутубхона таркиби ўзгарди, ходимлар штати кенгайди. Шу йил кутубхонага буюк ўзбек алломаси Аҳмад ал-Фарғоний номи берилди.

1977 йил Фарғона шаҳрида рўй берган табиий оғат – сув тошқини кутубхона учун чинакам фожиа бўлди. Кутубхонанинг асосий китоб

омбори сув остида қолди. Кутубхонанинг 300 минг нусхадан ортиқ китоб, рисола ва журнallардан иборат фондининг учдан икки қисми нобуд бўлди. Кутубхона ходимлари олдига китоб фондини қисқа вақт ичида тиклаш вазифаси қўйилди. Кутубхона Оммавийси бу вазифани шараф билан уddyалади. Бугунги кунда Аҳмац ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят универсал илмий кутубхонаси Ўзбекистон Республикасининг йирик кутубхоналаридан бири ҳисобланади. Кутубхонага ҳар куни 50—100 янги ўқувчи аъзо бўлади. Кутубхонанинг китоб фонди 290 минг нусхадан ортиқ бўлиб, шулардан 2372 таси ноёб китоблардир.

Кутубхона 2006 йили Фарғона вилоят аҳборот-кутубхона марказига айлантирилган.

## **2.2.7. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят универсал илмий кутубхонаси**

1907 йил Андижон шаҳрида илм-фанга чанқоқ Оммавийчилик саъӣ-ҳаракатлари билан ва шаҳар аҳолиси тўплаган маблағларга дастлабки 387 нусха китоб фондига эга Оммавий кутубхона-қироатхонаси ташкил этилди. 1921 йил у бошқа кутубхона — Андижон маҳаллий жадидлар сардори Абдулҳамид Чўлпон 1907 йилда асос соглан «Турон кутубхонаси» билан бирлаштирилиб, шаҳар кутубхонаси вазифаларини бажара бошлади. 1922 йилга келиб кутубхонада ўн мингта яқин китоб, газета ва журнallар сақланарди.

1917 йил кутубхонада атиги 14 номда газета ва 26 номда журнallар жамланган бўлса, орадан 50 йил ўтиб 375 номдаги журнал ва 42 номдаги газеталарга обуна бўлишга эришилди. Кутубхонада 3298 нусха ноёб адабиётлар алоҳида сақланиб келинмоқла.

1941 йилда Андижон вилояти ташкил топиши муносабати билан шаҳар кутубхонасига вилоят кутубхонаси мақоми берилди.

50—60-йилларда вилоят кутубхонаси кутубхоналар коллектори ва маҳаллий китоб дўконларидан олинган янги адабиётлар билан бутланди, китоб жамғармаси тўзиган, йиртилган ва мазмунан эскирган адабиётлардан тозаланди.

Кутубхона ташкил топганлигининг 60 йиллиги арафасида (1966 йил) республикада биринчилардан бўлиб, 500 минг нусха китоб сақлашга мўлжалланган янги бинога эга бўлди ва шу йил кутубхонага буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи берилди.

Вилоят кутубхонасида 2001 йил «ҳуқуқий ахборот маркази» ташкил этилди. Ҳозирда бу марказ 700 нафардан ортиқ китобхонга эга. Бу марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш учун китобхонларнинг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, зарур муҳим маълумотлар, услубий материаллар, ҳужжатлар ва бошқа масалалар юзасидан маълумотлар базаси ташкил қилган.

Кутубхона 2001 йил Халқаро кутубхоначилик алоқалари дастурига аъзо бўлди. Дастурнинг мақсади – Ўзбекистондаги ҳуқуқий масалаларга оид сўровларни миллий дастур асосида тўлиқ таъминлаб бериш. Бундан ташқари, кутубхонада 2002 йил 1 январдан Нодавлат нотижорат ташкилотларини ахборот билан таъминлаш маркази ўз фаолиятини бошлади.

Кутубхона 2006 йили Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказига айлантирилган.

## **2.2.8. Нодира номидаги Наманган вилоят универсал илмий кутубхонаси**

Наманган вилоят кутубхонаси 1918 йилда Наманган шаҳридаги пахта заводи клуби қошида 540 нусхадан иборат китоб фонди билан ўз фаолиятини бошлаган. 1927 йилда у шаҳар марказий кутубхонаси деб эълон қилинди. 1941 йилда Наманган вилояти ташкил топгач, шаҳар марказий кутубхонасига вилоят кутубхонаси мақоми берилди.

1929 йил китоб фонди кўпайиб кетганлиги сабабли кутубхона алоҳида бинога кўчиб ўтди. 1936 йилда кутубхонанинг китоб фонди ва вақтли матбуот нашрлари 18398 тага, китобхонлари 8695 нафарга едди.

50-йиллардан бошлаб кутубхонада мунтазам равишда оммавий тадбирлар ўғказиб борилган. 1960—68 йилларда кутубхона Наманган вилояти Андижон вилояти билан қўшилганлиги сабабли Наманган шаҳар кутубхонаси ҳисобланган, 1968 йилда Наманган вилояти қайта ташкил этилгач, у яна вилоят кутубхонасига айлантирилган.

1980 йил кутубхона учун янги маҳсус бино ишга туширилди. Вилоят раҳбариятининг маҳсус қарорига биноан, кутубхонага ўзбек адабиёти тарихида чуқур из қолдирган шоира Нодирабегим номи берилди.

Кутубхонада 11 та бўлим мавжуд. Булар: 1. Китоб фондини тўлдириш бўлими. 2. Китобларга қайта ишлов бериш ва каталоглаштириш бўлими. 3. Китобхонларни ҳисобга олиш бўлими. 4.

Китоб сақлаш бўлими. 5. Бадиий адабиёт ва санъатга оид адабиётлар бўлими. 6. Ўсмир китобхонлар бўлими. 7. Ҳуқуқий ахборот маркази бўлими. 8. Ахборот-билиография бўлими. 9. Илмий-услубий бўлим. 10. Ижтимоий-сиёсий, техника ва қишилоқ хўжалигига оид адабиётлар бўлими ва ўқув зали. 11. Вақтли матбуот нашрлари бўлими ва ўқув зали.

2005 йил 1 октябрга қадар бўлган ҳолатга кўра, кутубхонанинг китоб фонди – 587,3 минг босма бирлик, китобхонлар сони – 11641 киши.

2001 йил кутубхона қошида «Ҳуқуқий ахборот маркази» ташкил этилди. Марказнинг мақсади – аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган талабини қондирис. Марказ томонидан «Конституцияни ўрганувчилар учун», «Ҳуқуқингизни биласизми?» номли ўқув қўлланмалари чиқарилди.

Ҳозирги кунда кутубхонада турли соҳаларга оид 487 мингдан ортиқ адабиётлар, газеталар ва журнallар, шунингдек, аудиовизуал материаллар сақланмоқда. Шуниардан 1254 таси XVII асрда нашр этилган ноёб китоблар ва қўллэзмалардир.

Ҳар куни кутубхонага янги китобхонлар аъзо бўладилар ва кунига 300—400 нафар китобхонга кутубхона хизматлари кўрсатилади. Китобхонларни кутубхонага жалб қилишда уларнинг ёши, маълумоти, касб-кори ва қизиқишлари ҳисобга олинади. Кутубхонанинг китоб фонди китобхонлар талаби, қизиқишлари ва вилоят иқтисодига қараб тўлдириб борилмоқда.

Ижтимоий-сиёсий воқеаларни тарғиб ва ташвиқ қилишда оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда кутубхонанинг хизматлари ҳам бекиёсdir. Бу ишда китоб тақдимоти, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, беллашувлар, мавзули мунозара кечалари, адабий-бадиий мусиқий кечалар, китоб кўргазмалари сингари турли шакл ва усуллардан фойдаланилади.

Кутубхона 2006 йили Наманган вилоят ахборот-кутубхона марказига айлангиришган.

## **2.2.9. Курбон ота Исмоилов помидаги Хоразм вилоят универсал илмий кутубхонаси**

Хоразм вилоят кутубхонаси мамлакатимиздаги йирик зиё масканларидан бири, кутубхонашунослик ва билиография бўйича вилоятда илмий-услубий ва мувофиқлаштириш маркази ҳисобланади.

Кутубхона 1934 йил Урганч шаҳар халқ маорифи бўлими қошида округ кутубхонаси сифатида ташкил этилган ва дастлаб 5838 нусхадан иборат китоб фондига эга бўлган.

1936 йил кутубхонанинг китоб фонди 16000 нусхага етган, у 1322 китобхонга хизмат кўрсатган. 1938 йил кутубхонага вилоят кутубхонаси маъкоми берилган. 1940 йил унинг китоб фонди 40000 нусхага етган ва кутубхона 2188 китобхонга хизмат кўрсатган.

Бугунги кунда вилоят кутубхонаси таркибида кўйидаги бўлимлар фаолият олиб бормоқда: 1. Кутубхона фондини тўлдириш бўлими. 2. Китобларга ишлов бўлими. 3. Китобларни сақлаш бўлими. 4. Илмий-услубий бўлим. 5. Маълумот-библиография бўлими. 6. Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими. 7. Ўсмир ёшдаги китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими. 8. Нодир асарлар бўлими. 9. Санъат ва спортга оид адабиётлар бўлими. 10. Қишлоқ хўжалиги ва техникага оид адабиётлар бўлими. 11. Тиббиётта оид чет тилидаги адабиётлар ўқув хонаси. 12. Ҳуқуқий ахборот маркази.

Ҳозирда Қурбон ота Исмоилов номидаги вилоят универсал илмий кутубхонасининг китоб фонди 497119 та китобдан иборат. Шулардан давлат тилидаги адабиётлар – 80512 нусха. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги адабиётлар – 114124 нусха. Табиий фанларга оид адабиётлар – 70176 нусха ва ҳоказо. Кутубхонанинг китобларни сақлаш бўлимида 1939 йилдан кейин нашр этилган китоблар ва вақтли матбуот нашрлари сақланмоқда. Кутубхона фонди йилдан-йилга янги адабиётлар билан бойиб бормоқда.

Вилоят кутубхонасида бош хизмат каталоги, алифбели ва системали каталоглар, алифбели-предметли каталоглар, мусиқага оид нашрлар ва пластинкалар каталоги мавжуд.

1986 йил вилоят кутубхонаси маҳсус қурилган уч қаватли янги бинога кўчиб ўтди.

2006 йили кутубхона Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказига айлантирилди.

## **2.2.10. Алиб Собир Термизий помидаги Сурхондарё вилоят универсал илмий кутубхонаси**

Вилоят кутубхонаси 1936 йил Гермиз шаҳар кутубхонаси сифатида ташкил этилган. Кутубхонанинг дастлабки китоб фонди 20 минг нусхадан иборат бўлган. Вилоят ижроқўмининг 1942 йил 1 январдаги буйруғи билан Термиз шаҳар кутубхонаси негизида Сурхондарё вилоят

кутубхонаси ташкил қилинди. Бу даврга келиб кутубхонада 5 нафар кутубхоначи меҳнат қиласи, китоб фонди 40 минг нусхага етган, китобхонлар 500 нафарни ташкил этарди.

1950 йилда кутубхона каталогини тузиш ишлари бошлаб юборилди. Шу йил кутубхонага библиограф штати берилди. 1957 йил кутубхонада китобларни қайта ишлаш бўлими, 1960 йил – библиография бўлими ташкил қилинди. 1964 йилдан кутубхонада сурхондарёлик шоир ва ёзувчилар ижодига доир картотека юритила бошланди. 1984 йилда кутубхонанинг маълумот-библиография аппарати қўйидаги каталог ва картотекалардан иборат эди: 1. Рус тилидаги китобларнинг алифбели каталоги. 2. Ўзбек тилидаги китобларнинг алифбели каталоги. 3. 1979 йилгача олинган рус тилидаги китобларнинг системали каталоги ва ҳоказо.

1991 йил Сурхондарё вилоят кутубхонасига адаб Собир Термизий номи берилди.

Кутубхонада ўлкашуносликка оид адабиётлар фонди ташкил қилинган бўлиб, у доимий равишда тўлдириб борилади. Ўлкашуносликка оид адабиётларни тарғиб қилиш мақсадида «Сурхондарё – кеча, бугун, эртага», «Сурхондарёнинг маданий ҳаёти» каби мавзуларда доимий китоб кўргазмалари ташкил қилинган. Республикаиз мустақилликка эрипиган кундан бошлаб кутубхонада Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунлар, фармонлар ва қарорларнинг картотекаси юритилмоқда.

1994 йил апрель-май ойларида вилоятдаги кутубхоналарнинг ходимлари малакасини ошириш мақсадида вилоят кутубхонаси қошида беш кунлик ўқув семинари ташкил қилинди.

Адаб Собир Термизий номидаги вилоят универсал илмий кутубхонаси 2006 йили вилоят ахборот-кутубхона марказига айлантирилди.

## **2.2.11. Сайидо Насафий номидаги Қашқадарё вилоят универсал илмий кутубхонаси**

Кутубхона 1943 йил шаҳар кутубхонаси сифатида ташкил этилган. Қашқадарё Сурхондарё вилоятидан ажralиб чиқиб, мустақил вилоят мақомини олгач, Қарши шаҳар кутубхонаси негизида вилоят кутубхонасига асос солинди. Кутубхонанинг дастлабки китоб фонди 9 минг нусхадан иборат бўлган. Китоб фондини бойитингга воҳадаги

жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари жалб қилинди. 1965 йил бошига келиб кутубхонада жамланган китоблар сони 87520 нусхадан ошиб кетди.

70-йилларда вилоят кутубхонасининг доимий китобхонлари сони 300 минг нафарга етди, китоб фонди эса 800 минг нусхадан ошиди. Бу кўрсаткич жамият ҳаётида китобнинг роли тобора ошиб бораётганидан, фуқароларнинг дунёқарашига, ёш авлоднинг, турли касб эгаларининг маданий савиясини юксалтиришга кутубхона ижобий таъсир кўрсатаётганидан далолат берарди.

1970—80 йилларда кутубхонанинг моддий базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Вилоят кутубхонаси туман, тармоқ кутубхоналари ходимларининг билимларини мустаҳкамлаш ва малакасини ошириш ишига раҳбарлик қилди. Жойларда кутубхона ташаббуси билан, турли маданий-маърифий тадбирлар, китоб кўргазмалари, ўкувчилар билан учрашувлар ўтказилди, одамларнинг кутубхоналар тўғрисидаги фикри ўрганилди, маҳаллалар, қишлоқлар ва корхоналарга кўчма кутубхоналар ташкил этилди.

1980 йил кутубхона учун туб бурилиш йили бўлди. У 500 минг нусха китоб сақлаш учун мўлжалуланган уч қаватли янги бинога кўчиб ўғди. Бу ерда тўққизга бўлим ташкил этилди. Булар: 1. Илмий-услубий бўлим. 2. Фондни янги адабиётлар билан тўлдириш бўлими. 3. Янги адабиётларга ишлов бериш бўлими. 4. Шаҳар абонемент бўлими. 5. Ўқув зали. 6. Ўсмирлар бўлими. 7. Вақтли матбуот бўлими. 8. Библиография бўлими. 9. Кироатхона.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кутубхонага қашқадарёлик машҳур адид Сайидо Насафий номи берилди. 2003 йил вилоят ҳокими қарори билан вилоят кутубхонаси капитал таъмирдан чиқарилди. Вилоят раҳбарияти бу ишига 250 миллион сўм, янги адабиётлар, китоб жавонлари, замонавий техника харид қилишга 80 миллион сўм маблағ ажратди. Кутубхонанинг барча хоналари, ўқув заллари замонавий тарзда безатилган.

Кутубхона жами 368486 минг нусхадан иборат китоб фондига эга. Шулардан бадиий адабиётлар — 154580 нусха, ижтимоий-сиёсий адабиётлар — 76517 нусха, илмий адабиётлар — 51434 нусха ва ҳоказо.

Кутубхонанинг компьютер маркази Интернет тармоғига уланган бўлиб, унинг ёрдамида китобхонлар мамлакатимиз, жаҳон кутубхоналари ва ахборот марказлари билан боғланишлари мумкин.

Вилоят кутубхонаси туман ва тармоқ кутубхоналари учун илмий-услубий марказ вазифасини бажаради, тавсиялар, китоблар ҳақида қисқача маълумотлар тайёрлаб, қўйи бўғин кутубхоналарига тарқатади.

Кутубхонада турли мавзуларда тадбирлар, семинарлар, таниқли маданият арбоблари, сиёсатчилар ва адиллар билан учрашувлар ўтказиш анъана тусини олган. Вилоят кутубхонасида ўтказилган тадбирларининг барчаси видеотасвирга туширилиб, туман кутубхоналарига жўнатилади.

Бугунги кунда кутубхонада кадрлар масаласи ҳам ўз ечимини топяпти. Бу ерда 70 нафар ходим меҳнат қиласи. Шулардан 6 нафари – олий маълумотли мугахассис, қолган ходимлар кутубхоначилик бўйича ўрта маҳсус маълумотга эга. Вилоят кутубхонасида ходимлар малакасини ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор берилади.

2006 йилга келиб вилоятда 462 та оммавий кутубхона марказлаштирилган кутубхона тизимларига бирлаштирилган ҳолда фаолият кўрсатди. Уларнинг умумий китоб фонди 3 млн. 200 минг нусхадан зиёд.

Кутубхона 2006 йили Қашқадарё вилоят ахборот-кутубхона марказига айлантирилади.

## 2.2.12. Алишер Навоий номидаги Сирдарё вилоят кутубхонаси

Сирдарё вилоят кутубхонаси 1963 йил февралда Н.А.Некрасов номидаги туман кутубхонаси негизида ташкил этилган. 1964 йилгача кутубхона қироатхона, болалар бўлими ва филиалларсиз 16 кв. м. майдонда жойлашган. Фонди 1634 ҳисоб бирлигидан ташкил топган, китобхонлар сони 50 киши, шу жумладан 15 таси болалар бўлган.

1964—1976 йилларда кутубхона 5-сон мактаб спорт залиниң майдони 180 кв. м.дан иборат бўлган мослаштирилмаган биносида иш олиб борди. Штатлар рўйхати бўйича кутубхонада 15 киши ишлами лозим бўлса-да, амалда вакансиялар кўп бўлган. 10 кв. м. майдонда 5 киши (адабиётларга ишлов беришда 2 киши, услубий-библиографик бўлимда — 3 киши) ишлаган. 20 кв. м. майдонли ўқув зали бўлган, директор хонасида 10 минг нусха китобдан иборат болалар кутубхонаси фонди жойлашган. Бу ерда етти киши ишлаган.

1970 йил ноябрда кутубхонага собиқ статистика бошқармасининг 200 кв. м. майдонли биноси ажратилди. 1974 йилгача бўлган ҳолатга кўра кутубхонада жамлаш, адабиётларга ишлов бериш ва каталогланишириш, илмий-услубий, маълумот-библиография, хизмат кўрсатиш бўлиmlари иш олиб борган. 1974 йил февралда маълумот-библиография бўлими, қишлоқ хужалик ва техник адабиётлар сектори ажralиб чиқди. 26 кишидан иборат штат белгиланди. Фонд 58700

ҳисоб бирлігінде етди. Кутубхонада алифбелі ва системалы каталоглар, универсал (рус тилидәги газета-журнал мақолалари), «Сирдарё вилояты» ўлкашунослық картотекалари бор эди.

Кутубхонада ўқув зали ва сиртқи абонемент ташкил этилди. Иккита күчма кутубхона ишлаб турди.

1987 йил Сирдарё вилоят кутубхонасига Гулистан шаҳрининг марказида замонавий жиҳозланган янги намунавий бино ажратилди. Шу йилнинг 5 ноябри кутубхона тарихида мұхим сана бўлиб қолди. 400 минг жилд китобга мўлжалланган янги намунавий бинога кўчиб ўтган кутубхонага буюк ўзбек шоири Алишер Навоий номи берилди. Янги замонавий бино оммавий тадбирларни янада сифатлироқ ўтказиш, пуллик хизмат турларини, меҳнатни ташкил этишининг янги шаклларини амалга жорий этиш имконини берди.

Вилоят кутубхоналарида ўқувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида хизмат қўрсатишнинг илғор шакллари, чунонча: бригада абонементи, оиласи мөнбети, коллектив абонемент, синф формуляри қўлланила бошланди. Кутубхона аста-секин хўжалик юритишнинг янги механизмига ўғди.

Ҳозирги вақтда кутубхонанинг умумий фойдали майдони 5 минг кв. м. бўлган икки қаватли биносида ихтисослаштирилган ўқув заллари ва мусиқавий меҳмонхонага эга бўлган 7 бўлим иш-олиб бормоқда.

1992 йил кутубхонада маркетинг бўлими очилди. Бўлим ходимлари Москва ва Рига шаҳарларида ўқиб, бизнес ва маркетинг бўйича мутахассислар дипломини олиб келлilar. Кутубхонани таъмирлаш ишлари якунланди. Юмшоқ мебель, нусха кўчириш ускунаси ва биринчи компьютер харид қилинди. Маркетинг бўлими ишидан олинган даромадлар ҳисобидан ходимларга моддий ёрдам берилди, оммавий тадбирлар ўтказилди. Пуллик хизматлар қўрсатишдан тушган йишлик даромаднинг 30 фоизи кутубхона ходимлари хизматига қўшимча ҳақ тўлашга, қолган пуллар эса, оммавий тадбирлар ўтказиш, кутубхоначиларнинг меҳнат шароитини яхшилашга йўналтирилди.

Методик иш — Сирдарё вилояти кутубхоналари учун методик марказ сифатидаги кутубхона фаолиятининг асосий йўналишиларидан бири. Бу иш вилоятда кутубхоначилик ишини такомиллаштиришга кўмаклаштириш, фан, ишлаб чиқариш ва маданиятни ривожлантириш манбаатларида кутубхоналарнинг ахборот ишлари ва ахборот ресурсларини яхшилаш мақсадида амалга оширилади.

Кутубхонанинг методик иши кутубхоначилик ишининг ҳолатини талқиқ ва таҳлил қилиш, кутубхоначилик ва ахборот соҳасидаги ва

илғор тажрибани умумлаштиришің асосланади ва қуйидагиларға қаратылады:

— кутубхоналарнинг ахборот ва маданий-мағрифий муассасалар таянчи сифатидаги ролини ошириш;

— вилоят ақолисига күтубхона-библиография ва ахборот хизматлари күрсатыншын такомиллаштириш, кутубхоналар ва ахборот хизматлари тармоғини ривожлантириш ва мустақкамлаш;

— меңнатни режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш асосида кутубхоналарнинг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш.

Сирдарё вилоят кутубхонаси методик марказ сифатида минтақа кутубхоналарига методик, консультатив ва амалий ёрдам күрсатади, ўз йұналиши бүйіча илғор тажриба мактаблари ташкил этади, ўз иш тажрибасини тарқатади, методик нашрлар тайёрлайды, методик тавсияларни амалға жорий этиш чора-тәдбирларини амалға оширади, вилоят кутубхона ходимларининг анжуманлари, илмий-амалий конференцияларини ташкил этади, жойларда методик ва амалий ёрдам күрсатади.

1975 йиль Сирдарё вилоят кутубхоналар тармоғыда 202 кутубхона фаолият күрсатған бўлса, 1991—1999 йиллар давомида бу күрсаткич 241 тага етди.

1999 йил Жizzах вилояти таркибида янги маъмурий-худудий бирлик — «Янгиобод» тумани ташкил этилиши муносабати билан Сирдарё вилоят кутубхоналар тармоғыда ўзгаришлар юз берди. Ховос тумани марказий кутубхоналар тармоғига қараашли 71 минг нусха фонддан иборат 12 кутубхона Жizzах вилоятига ўтказилди.

2000 йил оммавий кутубхоналар тармоғи кичик филиалларнинг тугатилиши ва уларнинг йирикландырылышы натижасида яна 23 кутубхонага қисқарди. Ҳозирги вақтда бу ёрда 198 кутубхона иш олиб бормоқда.

Спонсорлар ёрдами ҳисобига кутубхоналар замонавий электрон ускуналар билан жиҳозланди. Буғунги кунда вилоят кутубхоналари ихтиёрида 8 компьютер, шу жумладан Алишер Навоий номидаги вилоят кутубхонасида — 4 компьютер, вилоят болалар кутубхонасида — 3 компьютер, Сайхунобод марказий кутубхоналар тармоғыда 1 компьютер бор.

Кутубхона 2006 йили Сирдарё вилоят ахборот-күтубхона марказига айлантирилди.

## **2.2.13. Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят универсал илмий кутубхонаси**

1973 йил ҳукумат қарорига биноан Жиззах вилояти ташкил этилди. Шу йилнинг ўзида вилоят кутубхонасини ташкил қилиш бўйича ишлар бошлаб юборишли. Жиззах шаҳар 2-сон кутубхонаси негизида ташкил қилинган вилоят кутубхонаси 1974 йил 2 сентябрда очилди. Кутубхонанинг дастлабки китоб фондни 12 минг 200 нусхадан иборат бўлган. Шу йил кутубхонада қўйидаги бўлимлар фаолият кўрсатган: 1. Хизмат кўрсатиш бўлими. 2. Ўқув зали. 3. Услубий-библиография бўлими. 4. Адабиёгларга ишлов бериш ва фонdlарни тўлдириш бўлими. Кутубхонада 14 ходим меҳнат қилган.

1990 йил ўсмиirlар билан ишлаш бўлими ташкил этилди. Бу бўлим 14 ёндан 21 ёшгача бўлган китобхонларга хизмат кўрсатади.

Вилоят кутубхонасида 1976 йилдан ўлкашуносликка оид «Жиззах ва жizzahliklar», «Жиззах вилояти» картотекалари, алифбели ва системали каталоглар юритилади.

Мустақиллик йилларида кутубхона ходимларининг маълумот даражаси анча ошиди. Бунга шу жумладан Жиззах Педагогика коллежи ва Бадиий санъат билим юртида кутубхоначилар тайёрлайдиган гуруҳлар очилиши ҳам имконият яратди.

Бутунги кунда кутубхона вилоят маърифат ва маънавият марказига айланган. Кутубхонанинг ўқув ва кўргазма залларида илмий-амалий конференциялар, ижодкор зиёлилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, китоб тақдималари ўтказилади. Кутубхона фондлари асосида курганизмалар, фотоэкспозициялар ташкил этилади.

2001 йил вилоят кутубхонаси қошида Ахборот-ресурс маркази очилди. Унинг мақсади Жиззах вилояти меҳнаткашларининг фуқаро сифатидаги фаоллигини оширишга кўмаклашишдан иборат. Марказ Жиззах шаҳри ва вилоятидаги нодавлат, нотижорат ташкилотларига ахборот, маслаҳат ва техника ёрдами кўрсатади.

Шу йил вилоят кутубхонаси ҳуқуқий ахборот маркази ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириди. 2003 йил кутубхона қошидаги Ахборот-ресурс марказига Жиззах шаҳри маҳаллаларида семинарлар ташкил этиш ва Интернет тармоги билан алоқа боғлаб туриш учун 12036 АҚШ доллари миқдорида иккинчи грант берилди.

Кутубхона 2006 йили Жиззах вилоят ахборот-кутубхона марказига айлангирилди.

## **2.2.14. Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят универсал илмий кутубхонаси**

Навоий вилоят ҳокимлигининг 1992 йил 27 майдаги қарорига асосан вилоят бирлашган кутубхонаси ташкил қилинди. Вилоят кутубхонаси 263,3 минг нусха китоб фонди, 32 нафар кутубхона ходимлари билан иш бошлади.

Вилоят ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфида 253 та кутубхона, шу жумладан битта универсал илмий ва битта болалар кутубхонаси вилоятнинг кўп миллатли ахолисига хизмат кўрсатиб келди. Шулардан 43 та кутубхона шаҳарда, 210 та кутубхона қишлоқларда жойлашган. 252 та кутубхона мослаштирилган биноларда, бир кутубхона маҳсус лойиҳа бўйича қурилган бинода жойлашган.

2005 йилга келиб вилоятдаги кутубхоналарнинг умумий китоб фонди 1.794.195 нусхага етди. Шундан 1.112.099 нусхаси ўзбек тилидаги адабиётлардир.

Вилоят универсал илмий кутубхонасида қуйидаги булимлар мавжуд:

1. Мъымурӣ ва ҳўялиқ бўлими.
2. Илмий-услубий бўлим.
3. Китобларни сақлаш бўлими.
4. Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими.
5. Ўлкашунослик ва библиография бўлими.
6. Китобларга ишлов бериш бўлими.

Навоий вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимидағи 253 та кутубхона тармоғида 429 нафар кутубхоначи ходимлар фаолият кўрсатиб келди. Улардан 56 нафари олий маълумотли, шу жумладан 49 нафари олий маҳсус маълумотли, 267 нафари ўрта маҳсус маълумотли, 99 нафари ўрта маълумотли ходимлардир.

2003—2005 йилларда Тошкент Давлат Маданият институтининг малака ошириш факультетида 7 нафар кутубхоначи ходимлар малака ошириб келдилар.

Абдулла Қодирий номидаги вилоят универсал илмий кутубхонасида жами 38 нафар ходим меҳнат қиласи. Шулардан 24 нафари кутубхоначи ходимлардир. Улардан 7 нафари олий, 5 нафари олий маҳсус, 17 нафари ўрта маҳсус маълумотга эга.

Кутубхона 2006 йили Навоий вилоят ахборот кутубхона марказига айлантирилди.

## 2.3. Махсус кутубхоналар тизими

Махсус кутубхонанинг асосий ижтимоий вазифаси касбий мутолаани ташкил этиш, муайян гуруҳга мансуб китобхонларнинг касбга доир аҳборот ва билимларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборатdir. Махсус кутубхоналар ишлаб чиқариш, фан, таълим ва маданият таркибига мувофиқ тарзда тузилади. Махсус кутубхоналар фаолиятининг мақсадлари, мазмуни ва иш услуги мамлакат ҳал қилаётган ижтимоий вазифалар ва фан-техника тараққиётининг хусусияти билан белгиланади.

Махсус кутубхоналар фаолияти китобхонларга касбий тайёргарлик кўришида кўмакланиши билангина чекланмайди. Улар кишиларда илмий дунёқарашнинг шаклланишида, ижтимоий-сиёсий тайёргарлиқда, аҳолининг умумий маданий ва техникавий даражасини оширишда, одамларда эстетик диднинг ривожланишида ҳам кўмақлашади.

Цунга асосланган ҳолда, махсус кутубхоналар фаолиятининг қўйидаги йўналишларини қайд этиш мумкин:

- фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг дунёқарашини шакллантириш;

- китобхонларниң умумий маданий даражаси ва билимларини ошириш;

- касбий мутолаани ташкил этишда ёрдам бериш ва китобхонларнинг илмий ва техникавий билим даражасининг ошишига кўмаклашиш.

Тармоқ белгисига кўра махсус кутубхоналар уч катта гуруҳга: ижтимоий-сиёсий, табиий-илмий ва амалий соҳа кутубхоналарига бўлинади. Ушбу гуруҳлар доирасида махсус кутубхоналар янада чуқурроқ табақаланиши мумкин.

Махсус кутубхоналар бошқа кутубхоналардан китобхонлар таркиби, фонdlарининг кўриниши ва мазмуни, китобхонларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича иш шакли ва услубларига кўра фарқ қиласи.

Хизмат кўрсатилаётган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг хусусияти махсус кутубхоналарни таснифлашнинг иккиласи беради. Ушбу белгига кўра илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш кутубхоналари фарқланади.

Махсус кутубхоналар тармоғининг ташкил топини ва шаклланиши фан-техника тараққиёти жадаллашуви учун муҳим аҳамиятга эгадир.

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳонда фундаментал фанлардаги улкан илмий ва техникавий кашфиётлар, фан, техника ва ишлаб чиқариш ўзаро таъсирининг кучайиши билан белгиланган фан-техника инқиlobи қамров доирасининг кенгайиши қайд этилди. Фан-техника инқиlobи ишчи ва хизматчиларнинг билими, малакаси, маданияти, ўюшқоқлиги ва масъулияти даражасига янада каттароқ талаблар қўйди, фан-техника тараққиётини янада тезлаштирди, ҳозирги замон жамияти ҳаётининг барча томонларига ўз таъсирини кўрсата бошлади. У фанни ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг етакчи омилига, бевосита бунёдкор кучга айлантириш асосида ишлаб чиқариш кучларида туб, сифат ўзгаришлари ясади. Энергия янги турлари (атом ядроси энергияси, күёш энергияси, кимёвий энергия) кашф этилиши ва улардан фойдаланилиши, конструкцион материаллар янги турларининг яратилиши ва амалда қўлланилиши, ишлаб чиқаришнинг, уни бошқариш ва назорат қилишнинг системали равишда компьютерлаштирилиши ва автоматлаштирилиши, жамиятнинг ахборотлаштирилиши ва ҳоказолар фан-техника тараққиётининг бош йўналишларига айланди.

Урушдан кейинги даврда республика кутубхоначилик иши қарисида ижтимоий ва илмий тараққиёт талабларига, давр руҳи ва амрига жавоб берадиган маҳсус кутубхоналар тизимини бунёд этиш вазифаси кўндаланг бўлди. 1990 йилга келиб республикада маҳсус кутубхоналарнинг муайян тизими шаклланди. У 9,5 мингта маҳсус кутубхонадан ташкил топган эди. Ушбу тизим ўз навбатида қуйидаги кичик тизимларга бўлинарди: барча маҳсус кутубхоналарнинг 85% ни ташкил згувчи Халқ таълими вазирлиги кутубхоналари (мактаб кутубхоналари), олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги кутубхоналари (олий ўқув юртлари, коллежлар ва билим юртларининг кутубхоналари); илмий-техникавий кутубхоналар (барча маҳсус кутубхоналарнинг 8%); соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги вазирликлари ва бошқа тизимларга қарашли маҳсус кутубхоналар (барча маҳсус кутубхоналарнинг 7%).

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Республика илмий-техникавий кутубхонаси, Марказий қишлоқ хўжалик илмий кутубхонаси, Республика илмий гиббий кутубхонаси ҳақли равишида республикамизнинг энг йирик маҳсус кутубхоналари ҳисобланади. Ушбу кутубхоналарнинг фондларида бир миллиондан кўпроқ адабиётлар жамланган.

### **2.3.1. Илмий-техникавий кутубхоналар тизими**

Урущдан кейинги даврда маҳсус кутубхоналар ўзларининг асосий вазифаларини аниқ белгилаб олдилар. Уларнинг ривожланишига фан ва техниканинг янада тараққий этиши таъсир кўрсатди. Аввало, илмий-техникавий кутубхоналар таромоги анча ўсганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Дастлаб, 1953 йилга қадар илмий-техникавий кутубхоналар корхоналарда муайян даражада ўз-ўзидан ташкил этилган эди. Ўзбекистон Министрлар Советининг 1957 йил 24 июлдаги «Давлат фан-техника комитети ҳузурида Ўзбекистон ССРнинг илмий-техникавий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан сўнг бундай кутубхоналарни ташкил этиш режали тус олди, саноат ходимларини оператив илмий-техникавий ахборот билан таъминлаш ишига кўмаклашди.

Илмий-техникавий кутубхоналар тизими илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, конструкторлик бюроларининг кутубхоналари; заводлар, фабрикалар, қурилишлар, конлар ва ҳоказолар қошидаги кутубхоналар; саноат, ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг илмий-техникавий кутубхоналари; илмий-техникавий ахборот ҳудудий марказларининг Республика илмий-техникавий кутубхонаси (РИТК) ва марказий илмий-техникавий кутубхоналарни ўз ичига олади.

1958 йилга келиб республикада 500 дан зиёд илмий-техникавий кутубхона бор эди. Шулардан 105 таси марказий муассасаларда, 128 таси – илмий-тадқиқот институтларида, 114 таси – лойиҳалаш ташкилотларида, 203 таси – йирик корхоналарда ташкил этилган эди. Уларнинг китоб фондida техникавий адабиёт маҳсус турларини ҳисобга олмагандა 3679898 нусха китоб мавжуд бўлиб, китобхонлар сони 244618 киши эди<sup>31</sup>.

1958 йилда техникавий кутубхоналар устави қабул қилинди. Ушбу уставда муассасалар, расмий ташкилотлар ва корхоналардаги кутубхоналарнинг мақоми белгилаб қўйилди. Маҳсус техникавий кутубхоналар ташкилий томондан тегишли корхоналарнинг техника тараққиёти бўлимларига бевосита бўйсунар эди. Уларнинг зиммасига китобхонларнинг ўз қасбига оид талабларини қондириш, янги китоблар ҳақида кутубхона-библиография ахбороти бериб туриш, янги техникани ўзлаштиришда оператив ёрдам кўрсатиш, муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар малакасини оширишга кўмаклашиш вазифаси юкланди.

Республика илмий-техникавий кугубхонаси (РИТК) 1957 йилда Фан-техника давлат комитети ҳузурида ташкил этилиб, 1969 йилдан Ўзбекистон илмий-техникавий ахборот ва иқтисодий-техникавий тадқиқотлар институти (ўзИТАИ) таркибига киритилди. Кутубхонанинг китоб фонди 1971 йилда 982046 босма бирликни, 1981 йилда – 13,6 млн., 1991 йилда эса – 16,3 млн. босма бирликни ташкил этди<sup>32</sup>. Фонд таркибидаги 400 минг нусха техникик-меърлаштириш ҳужжатлари, патентлар ва бошқа ахборот материалларидан иборат маҳсус республика аҳамиятига молик жамғарма тўпланди. Кутубхонада 120 ўринга мўлжалланган тўрт қироатхона бор. Кутубхона асосан тегишли идоралар ва корхоналарнинг илмий ходимлари, муҳандислари, техниклари, менежерлари, аспиранларга хизмат кўрсатади. Китобхонлар сони 14 минг кишидан ортиқ, 875 киши – кутубхоналарро абонемент абонентлари. Йилига 60 минг қатнов, 300 минг китоб берилиши кузатилади.

1970 йилда кутубхонада босма нашрлар билан комплектлаш бўлими, нашрларга ишлов бериш бўлими, китобхонларга хизмат кўрсатиш ва босма нашрларни сақлаш бўлими, чет тилилардаги нашрлар бўлими, маълумот-ахборот бўлими, методик бўлим, меъёрий-техникавий ҳужжатлар бўлими (у алоҳида комплектланади) мавжуд эди.

Кутубхонада алифбели ва системали каталоглар, шунингдек: 1) журналлар; 2) чет тилидаги китоб ва журналлар; 3) ахборот материаллари картотекалари; 4) республика ҳалқ ҳўжалик иқтисодиёти бўйича мавзули картотека; 5) республика саноат корхоналари ва ташкилотларининг адресли картотекаси; 6) республикадаги илгор тажриба картотекаси; 7) Ўзбекистон илмий-техникавий ахборот илмий-тадқиқот институти нашрлари картотекаси юритиларди.

Кутубхона олинган китоблар ва брошюраларнинг реглоспектив қўрсатгичларини, чет тилидаги журналларнинг йигма каталогларини, «Республика стандартлари ва техник шартлари» ахборот қўрсатгичини нашр этарди.

Кутубхонанинг китоб фонди бутунитгигоқ ва республика миқёсидаги мажбурий нусхалар, китоб савдосидан нашрлар харид қилиш, бошқа кутубхоналар билан китоб алмашинуви орқали тўлдириларди.

Республика илмий-техникавий ахборот институти, республика илмий-техникавий кутубхонаси (РИТК) республика илмий-техникавий ахборот тизимига кирувчи илмий-техникавий кутубхоналарга методик раҳбарликни амалга оширади. РИТК методик раҳбарликни амалга ошира бориб, республикада соҳа бўйича

кугубхоналар фаолиятини мувофиқлаштиради, илмий-техникавий кугубхоналар ишининг ҳолатини таҳлил қиласи ва баҳолайди, соҳа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меъёрий-техникавий ва илмий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади, ташкилий-услубий тадбирлар ўтказади, кутубхона ходимлари малакасини оширишни таъминларди.

1974 йилда РИТК методик бўлими Ўзбекистон илмий-техникавий ахборот илмий-тадқиқот институтининг илмий-методик бўлими таркибига киритилиб, «Илмий-техникавий ахборотни ташкил қилиш ва методикаси» номи билан ягона бўлимга айлантирилганидан сўнг, унинг республика илмий-техникавий кутубхоналарига методик раҳбарлик қилиш бўйича вазифалари доираси анча кенгайди. Бўлим республика илмий-техникавий кутубхоналари учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш ёки кутубхоначилар учун методик семинарлар ўтказиш билангина чекланиб қолмай, балки Ўзбекистондаги қатнашчи-кутубхоналарнинг (улар 1991 йилда 87 та эди) Республика ягона ахборот-маълумотнома фонди (РЯМФ)ни ривожлантириша ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш, кутубхона ишининг янги шакллари ва усуллари ҳамда РЯМФ қатнашчи-кутубхоналари ўртасида илфор тажрибани тарқатиш ҳақидаги маълумотларни тўтлаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, бозор иқтисодиётининг шаклланиши шароитида РЯМФ қатнашчи-кутубхоналари учун аниқ методик тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 20 февараль Фармонига мувофиқ, республика илмий муассасалари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ва Республика илмий-техника кутубхонаси негизида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинди, Республика илмий-техника кутубхонаси тугатилиб, унинг фонди янги таъсис этилган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига киритилди.

### **2.3.2. Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхоналар тизими**

1933 йил ташкил топган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси урушдан кейинги даврда республиканинг марказий илмий кутубхонаси даражасига кўтариlldи. 1968 йил кутубхона захираси 1 млн. 700 минг нусхадан ошиб кетди. 1990 йилга келиб унинг китоб фонди 2,5 млн. нусхага яқинлашди.

1964 йилдан Ўзбекистон ФА кутубхоналар тизими марказлаштирилиб, аввалига ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари кутубхоналарини бирлаштириди. 1983 йилдан кутубхона маҳсус лойиҳа бўйича қурилган янги бинога кўчиб ўтди. 1980 йилларнинг охиридан бошлаб кутубхона республика ягона ахборот-маълумотнома фонди аъзоси бўлиб, унга табиий фанлар бўйича депозитарий вазифаси юкланди. У кутубхоналаро абонемент тармоқ маркази, фонdlарни хорижий нашрлар билан тўлдириш бўйича бош кутубхона ҳисобланади.

Асосий кутубхона Фанлар академияси тизимидаги 28 та кутубхона учун (1991 йил) илмий-амалий услубий марказга айлантирилди. Бу тизимдаги биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қошидаги кутубхонада 600 мингта яқин ноёб қулёзмалар захираси бор. Ядро физикаси институти, Математика институти, Геология ва геофизика институти, Фалсафа ва ҳуқуқ институти ва бошқа институтларнинг кутубхоналари олимлар ва зиёли кигубхонлар учун кутубхона жамғармасидан имкон даражада тўлақонли фойдаланишиларида ёрдам бериб келдилар.

Асосий кутубхонанинг ўкув курсларида кутубхона ходимларига методик ёрдам бериш, янги технологияларни иш жараёнларига татбиқ этиш, малака ошириш ишлари мунтазам равишда амалга ошириб келинди.

1992 йилгача кутубхона ҳар йили Бутунитгилоқ китоб палатасидан илмий нашрларнинг пуллик мажбурий нусхасини, Москвадаги илмий кутубхоналар коллекторидан 35 мингтагача илмий адабиётлар олиб турди. Бундан ташқари, кутубхона китоб савдоси шохобчаларидан адабиётлар сотиб олиш, обуна орқали китоблар олиш, иттифоқдош республикалар ва чет эл кутубхоналари билан китоб алмасиш, республикада чиқадиган нашрларнинг белул мажбурий нусхасини олиш, олимлар инъом тариқасида топширган нашрлар эвазига ҳам таъминланар эди. 1990 йилда кутубхона 54 минг 795 номда ўзбек ва рус тилларидаги адабиётларни, шу жумладан 11 минг 317 номда бошқа тиллардаги нашрларни олди.

Академия институтлари илмий-тадқиқот ишлари мавзуларининг хилма-хиллиги марказий кутубхоналар фондининг кўп соҳалигини, уларнинг тадрижий чуқурлигини белгилаб беради. Бу кутубхоналарда илмий ахборот, маълумотнома тарзидаги нашрлар, ўзбек, рус ва бошқа қатор хорижий тиллардаги даврий нашрлар сақланади. Академия кутубхоналари илмий тадқиқотларнинг ҳужжатли негизини таъминлаб туради, ахборот манбаи вазифасини бажаради.

Академик кутубхоналар марказлаштириш ва кутубхоначилик-библиография жараёнларини асосий кутубхонада тўплаш асосида илмий ходимларга хизмат кўрсатишни ташкил қилдилар. Китоб фондини тўлдириш, ҳисобга олиш ва ишлов бериш, нашр этиш, КААдан талабномалар тўплаш, аудиовизуал материалларни ва кутубхона жиҳозлари, ускуналарини тақсимлаш, микронусхалар ҳамда фотонусхалар тайёрлаш каби ишлар изчилик билан марказлаштирилган асосда ташкил этила бошланди.

Кутубхонанинг кўп тармоқи ягона фонди алифбели, системали, Тошкент шаҳри кутубхоналарига келиб тушган янги хорижий китоблар, Ўзбекистон кутубхоналари оладиган чет эл вақтли матбуоти каби қатор каталоглар тизими ёрдамида очиб берилади.

Китобхонлар талабини тез ва гўла бажариш мақсадида хилма-хил хизмат шаклларидан фойдаланилди: ватан ва чет эл журнallари ва монографияларидан мақолалар нусхасини кўчириб бериш, ахборот-библиография хизмати кўрсатиш, олимлар ва мутахассисларни КАА ёрдамида, шу жумладан халқаро абонемент бўйича ҳужжатлар билан таъминлаш, олимларни танлаб тарқатиш тизими бўйича ахборот билан таъминлаш ва ҳоказо.

Кутубхонанинг китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими 1990 йилда 23 мингдан ортиқ китобхонга хизмат кўрсатди. Бу бўлимда қуйидаги бўлинмалар мавжуд: илмий адабиётлар абонементи, бадиий адабиётилар абонементи, КАА, халқаро абонемент, ижтимоий, табиий фанлар бўйича, академиклар учун ўкув зали, газета ва журналлар ўқиши, микрофильмларни ўқиши учун, маълумотнома-библиографик адабиётлар бўйича 500 кишига мўлжалланган 9 та маҳсус ўкув заллари мавжуд.

Бундан ташқари, кутубхонанинг адабиётларга қайта ишлов бериш ва каталогларни ташкил этиш, илмий-библиография, ахборот-библиография, китоб фонди ва адабиётларни сақлаш, илмий ва методик ишлар бўлимлари мавжуд.

### 2.3.3. Қишлоқ хўжалик кутубхоналари тизими

Республика илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси 1929 йил декабрда таъсис этилган бўлиб, Пахтачилик бўйича марказий маълумот кутубхонаси деб номланар эди. 1960 йилда кутубхона 1957 йил ташкил этилган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг кутубхонаси билан бирлаштирилди. 1989 йилдан у Республика илмий

қишлоқ хўжалик кутубхонаси деб номланади. Урундан кейинги ўн йилликлар давомида кутубхона Марказий Осиёдаги энг йирик қишлоқ хўжалик кутубхонасига, пахтачилик бўйича библиография марказига айланди. 1972 йилдан бошлаб, у қишлоқ хўжалиги бўйича ватан ва хорижий адабиётларни сақлайдиган депозитар кутубхона, пахтачилик соҳасидаги адабиётларнинг марказий омборидир.

1991 йил охирига келиб, кутубхонанинг китоб фонди 517246 босма бирликни ташкил этар эди. Шулардан 45238 таси депозитар бўлимида, 2900 га яқини китоб алмашинуви бўлимида сақланарди. Ягона китобхонлик рўйхати бўйича 4500 киши ҳисобга олинган бўлиб, уларга 1991 йилда 200 минг нусха китоб берилган.

Кутубхона фондлари 2002 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра 540263 босма бирликни ташкил этди. Шундан 50000 босма бирлик – ўзбек тилидаги адабиётлар; китоблар – 326072 нусха, шу жумладан, чет тилидаги адабиётлар – 18803 нусха; журналлар – 198678 нусха, шу жумладан, чет тилидаги журналлар – 88364 нусха; таржима нашрлар – 15513 нусха.

Кугубхона фондлари бетакрордир. Уларда ўтган аср нашрлари жамланган. XIX асрда чоп этилган Туркистон ва Каспийорти вилояти қишлоқ хўжалиги тарихига оид китоблар ҳам анчагина. Марказий Осиёнинг ривожланиш тарихига оид китоблар орасида Бартольд, Масальский, Миддендорф, Неструев, Зайцев, Понятовский, Юферев, Бушуев, Шредер ва бошқаларнинг асарларини қайд этиш мумкин.

Туркистондаги қишлоқ хўжалиги бўйича тажриба муассасаларининг ҳолати ва фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар фондларда анча тўлиқ жамланган. Қишлоқ хўжалиги ва пахтачиликнинг ривожланишини ёритувчи даврий нашрлар, чунончи: «Туркистон қишлоқ хўжалиги» (1905—1918), «Пахтачилик иши», «Иrrигация ахборотномаси», «Совет пахтачилиги» ва ҳоказолар диққатга сазовордир.

Маълумот тарзидаги нашрлар орасида 12 жилдли «Россия қишлоқ хўжалиги тўлиқ энциклопедияси», Брокгауз ва Эфроннинг «Энциклопедик луғати», «Россиянинг Осиё қисми» кўп жилдли нашри ва бошقا қомусий адабиётлар бор.

Кутубхонада пахтачиликка ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига оид чет эл адабиётлари мавжуд. АҚШ Зироатчилик департаментининг йишлик нашрлари (қарийб 60 йил давомидаги нашрлар жамланган), қишлоқ хўжалик тажриба станцияларининг нашрлари шулар жумласидан.

Чет эл даврий напрлари (1920—1940 йиллар) — айниқса, түлиқ жамланган. Уруп йилларида чет элдан келдиган даврий нашрлар сони анча қисқарди, урушдан кейинги йилларда ва 1980 йилларнинг охирига қадар 40 муассаса билан даврий нашрлар алмашинув олиб борилди (урушдан олдин 200 муассаса билан шундай алмашинув олиб борилган эди). Валюта фақат даврий нашрларга сарфланарди.

Чет эл адабиётларида қилинган таржималар фонднинг муҳим қисмини ташкил этади. Кутубхонада 1930 йилдаёқ Хориж тажрибаси бюроси ташкил этилган бўлиб, у уруш бошлангунга қадар фаолият кўрсатди. Бюро кутубхонага келган чет тилидаги барча адабиётларни таржима қилиш билан ишувланар, илғор тажрибага оид тўпламлар, ахборотномалар тайёрларди. Урушдан кейинги йилларда таржималар Москвадан, республика ташкилотларидан сўраб олина бошланди. 80-йилларнинг охирига келиб, таржималар фонди 7500 бирлиқдан ва Хориж тажрибаси бюроси тайёрлаган ахборотнома ва тўпламларнинг 90 сонидан иборат эди.

Мавзу нуқтаи назаридан олиб қараганда, кутубхона фондларида пахтачиликка оид адабиётлар етакчилик қиласди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, 1959 йилгача, 30 йил давомида кутубхона Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси бўлиб келди, иккинчидан, 1991 йилга қадар кутубхона Итифоқ пахтачилик бўйича тармоқ маркази ҳисобланар эди. Кўп йиллик фаолияти давомида кутубхона турли манбалардан пахтачиликка ва турдош соҳаларга оид ўзига хос ва бетакрор адабиётлар фондини жамлашгана муваффақ бўлди. Бу ерга Марказий Осиё ва Кавказортигининг пахтакорлик билан шуғулланувчи барча республикаларидан ва Украинадан адабиётлар келиб турар эди.

Кутубхонада жамланган ўзбек тилидаги адабиётлар асосан 1940 йилдан кейин чиққан нашрлар бўлиб, улар умумий фонднинг 10% ни ташкил этади.

Пахтачиликка оид адабиётлардан ташқари, кутубхонада қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, айниқса, Марказий Осиё минтақаси қишлоқ хўжалигига оид китоблар ҳам жамланган. Лавлаги, бошоқли ва дуккакли экинлар етиштириш, лалми (сугориладиган) дехқончилик масалаларига уруп давридаёқ катта эътибор берила бошлаган эди. Уруш йиллари Тошкентга кўчирилган илмий муассасалар кутубхонадан малакали ёрдам олиб турарди.

Кутубхона фондларида жамланган давомли нашрлар — қишлоқ хўжалик йўналиниидаги илмий-тадқиқот, тажриба ва илмий муассасалар 70 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида нашр этган тўпламлар

ахборотномалар диққатга сазовордир. Туркистондаги тажриба станцияларининг 1917 йил октябрь тұнтаришидан олдинги нашрлари бу ерда тұлиқроқ жамланған. Барча ахборотномалар, тұпламлар, тадқиқотлар, китоблар ва журнallардаги мақолалар каталоглар ва картотекаларда ифодаланған бўлиб, китобхонлар улардан фойдаланишлари мумкин.

Кутубхонада 70 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида чоп этилган библиографик ва рефератив нашрлар жамланған. Марказий Осиё пахтачилигига оид құләзмалар ва босма нашрлар бүйича библиографик материаллар мажмуси айниқса тұлиқдир. Агроном-библиографлар гурухи томонидан тузилган «Пахтачилик библиографияси» (1922—1936 йиллар) құләзмаси ҳатто Москва кутубхоналарыда ҳам йўқ. «Пахтачилик библиографияси» (1941—1945 йиллар) құләзмаси Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти кутубхонаси томонидан тузилган. Кутубхонада, шунингдек «Суғориладиган ерларда пахтачилик» (1953—1984 йиллар), «Хорижда пахтачилик» (1965 йил) каби библиографик тұпламлар нашр этилиб, Иттифоқ бўйлаб тарқатилган. 1970 йилдан бу ерда «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали нашр этилган. Кутубхонанинг мавзуга оид нашрлари: «Ғўза вилти ва унга қарши кураш», «Беда етиштириш агротехникаси», «Ўрта Осиё тупроқларига оид адабиётлар кўрсатгичи»га ҳам талаб катта эди. Мирзачўл, Амударёнинг қўйи қисми, Қарши чўлининг янги ўзлаштирилган ҳудудлари табиий шароити ва қишлоқ хўжалигига оид нашрлар ҳам диққатга сазовордир.

Даврий нашрлар фонди 198678 сондан иборат бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига оид 1917 йил октябрь тұнтаришидан олдинги нашрлар, Марказий Осиё нашрлари, деярли барча республикаларда нашр этилган журналлар мавжуд.

1992 йилга қадар фонд нашириётларнинг режалари, мавзулари, буюртма бланкалари, проспектлар, рўйхатлар ва ҳоказоларни кўздан кечириш ва уларга асосланган ҳолда буюртмалар бериш йўли билан оператив тарзда тўлдирилиб келинди.

Кутубхона фондларини шакллангиринда комплектлаш манбалари катта рол ўйнайди.

Кутубхона 1993 йилга қадар қўйидаги манбалардан адабиётлар олар эди:

1. Мажбурий пуллик нусха (Москва).
2. Тошкент кутубхоналар коллектори.
3. «Академкнига» китоб савдоси бирлашмаси ва китоб дўконлари.
4. Халқаро ва мамлакат миқёсида китоб алмашинуви.

5. «Почта орқали китоб» дўконлари.
6. Қишлоқ хўжалик идораларининг ташкилотлари ва илмий-тадқиқот институтларидан текинга ва қўшимча ҳақ эвазига.
7. «Союзпечатъ» ташкилоти орқали ва идораларнинг ташкилотларида обуна бўлиш.

Кутубхонанинг вазифаси – олимлар, мутахассислар, талабалар, умуман, пахтачилик, ўсимлиқшунослик, чорвачилик, уруеларни сақлаш ва ишлатиш, пиллачилик, қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалигининг бошқа масалалари билан қизиқувчиларга кутубхоначилик-библиография ҳамда ахборот хизмати кўрсатишдан иборат эди.

1980—1990 йилларда кутубхона ўз фондини қишлоқ хўжалигида ижара пудрати, хўжалик ҳисоби, қишлоқда кичик корхоналар ташкил қилиш, тижорат ва бошқа долзарб масалаларга бағишинган адабиётлар билан тўлдиришга асосий эътиборни қаратди.

Республика илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси 16 та илмий-тадқиқот институтлари, 3 та олий ўқув юрти, 36 та ўрта маҳсус билим юрти, 9 та тажриба станциялари, 7 та илмий-тадқиқот институтлари филиаллари қошидаги барча қишлоқ хўжалиги кутубхоналарининг илмий-методик маркази ҳисобланар, тармоқ ходимларига ёрдам тариқасида хилма-хил шакл ва даражадаги қатор методик материаллар тайёрлаб тарқатар эди.

1970 йиллар бошига келиб, республикада қишлоқ хўжалик кугубхоналарининг ўзига хос тизими ташкил топди: а) илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, қишлоқ хўжалик олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, механизаторлар ва чорвадорларнинг хунар-техника билим юртлари кутубхоналари; б) илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг кутубхоналари; в) республика аҳамиятига молик тармоқ ихисослашган кугубхона марказлари — Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясига қарашли ва қишлоқ хўжалик вазирлигининг илмий-тадқиқот институтлари кутубхоналари.

Қишлоқ хўжалик кутубхоналари тизимида республика илмий қишлоқ хўжалик кутубхоналари катта рол ўйнайди. Бу кутубхоналар республика қишлоқ хўжалик ходимлари хизмат қилаётган барча кугубхоналарга ёрдам берадилар. Улар ўз фаолиятини республиканинг давлат кугубхоналари билан мувофиқлаштириб, республика миқёсида РИҶҲҚга хос бўлган вазифани бажарадилар. Қишлоқ хўжалик кутубхоналари ўз фаолиятини универсал, илмий-техникавий кутубхоналар ва ахборот органлари билан мувофиқлаштирадилар.

Қишлоқ хўжалиги бопкәрмаларининг ташкил этилиши туфайли қишлоқ хўжалик кутубхоналарининг ҳамжиҳатлигига эришини айниқса мұхим вазифа бўлиб қолди. 1985—1990 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасалари кутубхоналарини, озиқовқат ва уни қайта ишлаш саноати корхоналари техникавий кутубхоналарини ва қишлоқ хўжалик корхоналари Оммавийларига хизмат қилувчи давлат ва касаба уюшмаларининг оммавий кутубхоналарини бирлаштирувчи тизимларнинг таркиб топиш жараёни рўй берди.

### **2.3.4. Ўзбекистон Республикаси илмий педагогик кутубхонаси**

1934 йил Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг ёрдамчи бўлинмаларидан бири сифатида асос солиған Республика илмий педагогик кутубхонаси Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги тизимидағи кутубхоналарнинг илмий-услубий, библиография-ахборот ва мувофиқлаштирувчи маркази ҳисобланади.

Кутубхонада илмий-услубий бўлим, илмий библиография бўлими, адабиётларни комплектлаш бўлими, китобхоняларга хизмат кўрсатиш ҳамда китоб сақлаш бўлими каби бешта бўлим бор.

Кутубхона фондида XIX асрда нашр этилган 3435 тага яқин китоблар мавжуд. Чунончи: Асвад Иброҳимбек. Турк тили грамматикасидан дарслик (араб ёзувида). 1887; Расулий. Маҳаллий билим юртларининг 4-ва 5-синфлари учун эрон тилидан ўқув қўлланмаси. 1913 (араб ёзувида); Муфрадот. Насталик эроний. Ҳусніхатдан ўқув қўлланмаси. Ташкент, 1893 (араб ёзувида); Маҳаммад Зиҳний. Тилни мустақил равишда чукур (муфассал) ўрғаниш учун араб тилидан қўёсий грамматика. 1987 (араб тилида); Шамсиддин Сомий. Қомус ул-олам. Илмий, техникавий атамалар, тарих, жуғрофияни ҳар томонлама тушунгириш ва оламнинг атоқли кишилари билан таништириш учун. 1889—1893 (араб ёзувида); Ўрта Осиё ҳақидаги маълумотлар тўплами. 1885; Оиласвий тарбия қомуси. 1898—1902.

1991 йилга келиб, кутубхона фонди 400 минг босма бирликдан ошиб кетди. Ҳар йили унинг китоб фонди ўрга ҳисобда 18—20 минг нусха китоблар, 365 номдаги журналлар, 46 номдаги газеталар билан тўлдирилиб борилди.

Педагогика ва ҳалқ таълими бўйича чоп этилган ўзбек ва рус тилларидағи барча журналлар энг биринчى сонидан бошлаб

кутубхонада жамланган. Булар 1869 йилдан чиқиб келган устозлар ва ота-оналар учун мұлжалланган «Үқитувчи» («Учитель») журнали, 1917 йилдан нашр этилган «Туркестанский учитель», 1907 йилдан чиқкан «Свободное воспитание» журнали, 1893 йилдан чиқкан «Русская школа» журнали, 1889 йилдан чиқкан «Министерство народного просвещения» журналидир. Уруш йилларида кутубхона иттифоқчиларимизнинг «Британский союзник» номли газетасини олиб турар эди.

Кутубхона Иккинчи жағон уруши йилларида ҳам ўз фаолиятини тұхтатмади. Унинг фондидаги күпгина китоблар болалар үйлари, мактабларга тұхфа қилинди. Кутубхона республика пойтахтининг мәданий марказларидан бирига айланды. Унинг қиратхонасида Тошкентта күчирилган ёзуви, шоир, олимлар тез-тез йиғилиб туришарди. Улар орасыда Корней Чуковский, Анна Ахматова, Алексей Толстой, Корнелий Зелинский, академик Милица Нечкина ва болиқалар бор эди.

1990 йил кутубхона беş мингдан ортиқ китобхонга хизмат күрсатарди. Булар илмий қадымлар, аспирантлар, мактаб үқитувчилари, педагогика олий ўкув юртлари ва педагогика билим юртларининг профессор-үқитувчилар таркиби ва талабаларидир.

Кутубхонанинг маълумотномалар мажмууни, умуман, мамлакат бўйича, шу жумладан Ўрта Осиё республикаларида 1920 йилдан то бугунги кунгача ҳалқ таълимининг вужудга келиши, ривожланиши ҳақида китобхонга ахборот берувчи, педагогика ва ҳалқ маорифига доир газета ва журналлардаги мақолаларнинг бош системали каталоги дурдонаси бўлмиш каталоғлар ва карточкаларнинг бир бутун тизими ифода этади.

Тизимга қарашли кутубхоналар учун методик қўлланмалар, тавсияномалар, хатлар тайёрланади, семинар-кенгашлар ташкил этилади, кутубхона ҳодимларининг малака ошириш курслари ўтказилади. Кутубхоналардаги илғор тажрибалар аниқланиб, умумлаштирилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Кутубхонани методик жиҳатдан бошқаришининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: идораларга қарашли кутубхоналар китоб фондини такомиллаштириш ва уларни шакллантириш; кутубхона кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, үқитувчиларга маълумотнома-библиография ва ахборот хизмати кўрсагиш муаммолари.

Кутубхонанинг маълумотнома-ахборот аппарати қатор каталог ва картотекалар тизимидан иборат бўлиб, улар орасыда ҳалқ маорифи

бўйича газета ва журнallар мақолалари картотекаси катта аҳамиятга эгадир. Бу картотека китобхонларга 1920 йилдан то 1990 йилларгача бўлган вақтга қадар собиқ Иттифоқ республикаларида халқ маорифининг шаклланиши, ривожланиши ва тараққиёти масалалари билан таништириди ва аҳборот беради.

Республика илмий педагогика кутубхонаси халқ таълими тизимидағи педагогика институтлари, педагогика ўрта маҳсус билим юртлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ҳамда мактаб кутубхоналарига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга оширади. Шу мақсадда тизим кутубхоналари учун методик қўлланмалар, тавсиялар, хатлар тайёрлайди, семинар-кенгашлар ташкил қиласди, кутубхона ходимлари малакасини ошириш курсларини уюштиради, кутубхоначилик соҳасидаги илтор тажрибани аниқлайди, ўрганади, умумлаштиради ва амалиётга жорий этади.

Кутубхона методик ишларининг 1985—1990 йиллардаги асосий йўналишларидан — соҳага қарашли кутубхоналар фондини тўлдиришни такомиллаштириш; кутубхоналар фондини кутубхона-библиография жадваллари бўйича жойлаштирипга ёрдам бериш ва кутубхоналар амалиётига «Аҳборот, кутубхоначилик ва нашиёт ишлари бўйича стандартлар тизими»ни жорий этишdir.

### 2.3.5. Илмий-тиббий кутубхоналар тизими

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика илмий-тиббий кутубхонаси (РИТК) 1935 йил Тошкентда ташкил топган. Бу муассаса тиббиёт фани ва соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича маҳсус кутубхонаadir. Уруидан кейинги йиллар давомида кутубхона биотиббиёт соҳасидаги адабиётларнинг Марказий Осиёдаги энг йирик китоб маҳзанига айланди. 1990 йилга келиб у республикадаги 240 тиббий кутубхоналарнинг қарийб 5 млн. нусхадан иборат китоб фонди асосида 185 мингта яқин китобхонга 5 млн. нусха адабиёт бера оладиган катта кутубхоналар тизимини бирлаштирган муассаса сифатида довруқ қозонди.

Тиббий кутубхоналар тизими қўйилдагиларни ўз ичига олади: 1) тиббий илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, даволаш-профилактика муассасалари, клиникалар, касалхоналар ва шу кабиларнинг кутубхоналари; 2) бош илмий-тадқиқот институтлари кутубхоналари; 3) республика ва вилоят илмий-тиббий кутубхоналари.

Тиббий кутубхоналарнинг қуи тармоғи илмий ходимларга, врачларга, талабаларга, ўрта тиббий ходимларга ўз ҳудудидаги барча кутубхоналар тизими фондига таянган ҳолда хизмат кўрсатади. Шу мақсадда бундай кутубхоналар йиғма каталоглардан, маълумотномалардан, етакчи тиббий кутубхоналардан (давлат илмий-тиббий кутубхонаси, вилоят тиббий кутубхонаси) кенг фойдаланади, КАА орқали турли материалларнинг асл нусхалари ва улардан кўчирмаларни китобхонларга етказиб беради.

Ҳудудий методик марказ ҳисобланган Республика илмий-тиббий кутубхонаси (РИТК) ва вилоят тиббий кутубхонаси (ВТК) тиббий кутубхоналар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Бу кутубхоналар республика ва вилоят марказларидағина эмас, балки шаҳарлар, туман марказлари ва қишлоқларда яшайдиган врачлар ва бошқа соғлиқни сақлаш ходимларини китоблар, маҳсус нашрлар ва турли ҳужжатлар билан таъминлаб туради, айни вақтда, соғлиқни сақлаш маҳаллий органларига хизмат кўрсатади.

Бу кутубхоналар ташкилий-услубий ва ахборот-библиография марказлари бўлиб, ҳудудий депозитарийлар сифатида ҳам фаолият олиб боради, қуи кутубхоналарнинг китоб фондларини марказлаштирилган асосда тўлдиришни ҳамда тиббий конференциялар материалларидан, рус тилида нашр этиладиган ҳалқаро тиббий журналлардан, ҳамдўстлик мамлакатларидағи етакчи умумтиббий журналлардан олинган мақолаларни марказлаштирилган тарзда предметлаштиришни амалга оширади.

Республика илмий-тиббий кутубхонаси фондида жами 1 млн. нусхага яқин адабиётлар: китоблар, даврий нашрлар, авторефератлар, номзодлик ва докторлик диссертациялари, шу жумладан 160 минг нусхадан ортиқ хорижий нашрлар жамланган. Китоблар орасида Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг араб тилидаги ноёб нашри, Гиппократ асарлари, XVII-XIX асрларга оид нашрлар бор. Тиббиёт фанининг Сеченов, Пирогов, Павлов, Филатов каби намояндларининг ва республика атоқли тиббиётчи олимларининг асарлари кутубхона фондидан кенг ўрин олган.

РИТК тиббиёт соҳасидаги ҳужжатлар республика фондини шакллантириш, тиббиёт мавзусида ва турдош билим соҳаларига оид ахборотларни тарқатиш бўйича муҳим вазифани бажаради.

Кутубхона ҳар йили Ўзбекистонда, узоқ ва яқин хориж мамлакатларида нашр этиладиган 3000 га яқин номда китоблар харид қиласи, шунингдек, Россияда нашр этиладиган 120 дан ортиқ номдаги тиббий журналларни ва Ўзбекистонда нашр этиладиган 20 дан ортиқ номдаги тиббий журналларни обуна бўйича олади.

Кутубхонанинг маълумот-қидириш алпарати алифбели, системали ва предметли каталоглардан, жами 7 млн.дан ортиқ карточкани ўз ичига олган рўйхатга олиш ва мавзули картотекалардан иборат. Булар: вақтли матбуот нашрлари картотекаси; методик хатлар, кўрсатмалар, тавсиялар, ахборот хатлари картотекаси; институтлар асарлари картотекаси; «Ихтиrolар тавсифи» картотекаси; ижтимоий-сиёсий адабиётлар картотекаси; «Иқлимшунослик» картотекаси; «Акупунктура» картотекаси; тақризлар картотекаси; Ўзбекистон тиббиётчи олимларининг асарлари картотекаси; «Ўлка патологияси» картотекаси; обзор мақолалар картотекаси; китоблараро библиография картотекаси; чет эл тиббиёти картотекаси.

Агар алифбели каталог асосий китоб омборининг, шунингдек, РИТК китоб алмашинуви ва депозитар сақлаш фонди учун маълумот манбаи вазифасини бажарса, системали каталог шу фонилар учун ахборот манбаи вазифасини ўтайди. Йиғма худудий алифбели каталог РИТК марказлашган тизмининг асосий, китоб алмашинуви ва депозитар сақлаш фондлари ҳамда қатнашчи кугубхоналар: Тошкент Давлат тиббиёт институти, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Самарқанд тиббиёт паразитология илмий текцириш институти, Зардоб ва эмлачи илмий-тадқиқот институти кутубхоналари, Тошкент вилоят илмий-тиббий кутубхонаси учун марказий каталогдир.

РИТКда фондларни тўлдириш, китобларга ишлов бериш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, илмий-тадқиқот ва методик ишлар, китоб сақлаш, библиография, илмий ахборот, чет эл адабиётлари, нонирлик, таҳрир бўлимлари шаклланган. Кугубхона қосида 1975 йилда республика миқёсида етакчи мутахассисларга ахборотни Оммавий бўйича ва танлаб тарқатувчи Республика илмий-тиббий ахборот бўлими (РИТАБ) ташкил этилган бўлиб, у муҳим илмий-техникавий масалаларга доир илмий кенгашлар ва муаммо комиссиялари раислари, дастур раҳбарлари учун тавсифий ва рефератив ахборот тайёрлади.

Кутубхона Республика илмий-техникавий кугубхонаси ва илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси сингари ўз соҳасида, яъни тиббиёт ва соғлиқни сақлаш бўйича ягона маълумотнома-ахборот фондини таркиб топпиради.

### **2.3.6. Болалар ва ўсмиirlар кутубхоналари тизими**

Махсус кутубхоналарда болалар ва ўсмиirlарга китоб билан хизмат кўрсатиш Ўзбекистон жамияти ривожланишининг турли даврларида республиканинг ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиётига мос равинда ўз тамойиллари, ўзига хос жиҳатларига эга бўлди. Урушдан олдинги йилларда ва урушдан кейинги дастлабки икки ўн йилликда янги бинолар қуриш, болалар кутубхоналари тармоғини вужудга келтириш ва уларни зарур адабиётлар билан таъминлаш бош вазифа сифагида илгари суриди. 1948—1959 йилларда болалар кутубхоналари тармоғи 5 баравар, китобхонлар сони эса, қарийб 7 баравар кўпайди.<sup>31</sup>

1960 йилларнинг ўргалиридан болалар кутубхоналари тармоғини янада ривожлантириш, китобхонларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш вазифаси биринчи ўринга чиқди. Болалар ва ўсмиirlарга китоб билан хизмат кўрсатиш сифатини оширишнинг натижаси ўлароқ, 1965 йил Тошкентда махсус Республика болалар кутубхонаси ва вилоятларда ўқувчиларнинг мактабдан ташқари ўқишини ташкил этиши методик марказлари бўлган болалар кутубхоналари тармоғи ташкил этилди.

Лекин болаларга нафақат болалар ва ўсмиirlар кутубхоналари, балки барча қишлоқ кутубхоналари, шаҳар ва туман кутубхоналарининг муайян қисми ҳам хизмат кўрсатар эди. Маориф вазирлиги маълумотларига кўра, республика мактабларида 1—8-сinf ўқувчилари 1975 йил 3.030.150 кишини ташкил этган (аҳолининг умумий миқдори шу даврда 14 млн. 474 минг кишини ташкил қилган). Улар 10,5 мингдан ортиқ болалар, мактаб ва қишлоқ кутубхоналари фондларидан фойдаланганлар<sup>34</sup>. Қишлоқларда яшайдиган ўқувчиларнинг бир қисми колхоз ва касаба уюшмаси кутубхоналарининг фондларидан ҳам фойдаланар эди. 1977 йил 1 янвэрга қадар бўлган ҳолатга кўра республикада 341 та болалар кутубхонаси мавжуд эди. 1965 йилдагига солинтирганда уларнинг сони 149 тага кўпайди (1965 йилда республикада 192 та болалар кутубхонаси бўлган). Мактаб кутубхоналари тармоғи энг кўп сонли бўлиб, республикада улар 6854 та эди. 1980 йилларнинг ўрталарида республикада ёш китобхонларга 462 махсус болалар кутубхоналари, 4773 қишлоқ ва 7550 мактаб кутубхоналари хизмат кўрсатарди.<sup>35</sup>

Маданият ишлари вазирлигига қарашли болалар кутубхоналари ва Ўзбекистон халқ таълими тизимидаги мактаб кутубхоналари республика болалар кутубхоналарининг ягона тизимини ташкил этади. Фаолиятининг асосий вазифалари ва принципларининг муштараклиги

бу кутубхоналарни бирлаштириб турали. Бу кутубхоналар ёші авлодға билім беріш ва уларни ахлоқий тарбиялашга күмаклашади.

Болалар ва мактаб кутубхоналарининг ўзаро ҳамжиғатликда ишләши ёш авлодни тарбиялашда китобнинг, мутолаанинг ролини ошириш, ўқувчиларни кутубхона хизмати билан тұлғыроқ қамраб олиш, мінтақавий кутубхона құрлардан янада самаралироқ фойдаланиш учун зарур.

1975 йил Маданият вазирлигининг «Оммавий давлат кутубхоналарини марказлаштириш тұғрисидаги Низом»ига мувофиқ болалар күтубхоналари тармоги марказлаштириш ассоциациясының қызметінде. Ишлаб чиқылған қоидага биноан, шаҳарда болалар кутубхоналари сони күп (8—10 та) бўлса, улар мустақил МКТ бирлаштирилди. Қолган ҳолларда болалар кутубхоналари оммавий давлат күтубхоналари МКТ таркибиға киритилди. Марказлаштирилган мустақил болалар кутубхоналари тизимлари 1985 йилга келиб Ўзбекистоннинг Тошкент ва Андижон шаҳарларида ташкил этилди.

Марказлаштирилган мустақил болалар кутубхоналари тизимига марказий шаҳар болалар күтубхонаси, болалар филиал күтубхонаси, хизмат кўрсатишнинг сайёр шакллари (китоб беріш жойлари, библиобуслар) киради.

Шаҳар (туман) марказий болалар күтубхонаси (МБК) болалар билан иш олиб борувлы барча идоралар кутубхоналарининг тапкырлық-услубий ва мувофиқлаштирувчи маркази эди. Бу кутубхона мінтақада болалар билан ишләшнинг йўлга қўйилишини ва унинг мазмунини белгилаб берарди, 1—8-синф ўқувчиларини мунтазам равища китоб ўқишига жалб қилишни ташкил этарди. МБК маълумотнома-библиография ва ахборот хизмати кўрсатишни кенгайтиришга, болалар ва ёшлиарга хизмат кўрсатишда давомийликни амалга ошира бориб, МКТнинг барча бўлимлари билан ўзаро алоқани мустақамлашга күмаклашарди. МБК болалар ва мактаб кутубхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириб турарди.

1990 йилда Ўзбекистонда 2 та республика давлат болалар кутубхонаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг ёшлар бўлими, 12 вилоят болалар кутубхоналари, 2 та болалар марказий кутубхонаси, 475 та болалар филиал кутубхоналари ишлаб турарди.

1970-1980 йиллар давомида 1965 йил ташкил этилган Республика давлат болалар кутубхонаси болалар адабиётларининг марказий омбори, болалар адабиёти ҳамда библиографияси соҳасида илмий-методик муассаса, болаларга хизмат кўрсаталётган барча кутубхоналарга ёрдам

берувчи илмий-услубий марказ, барча болалар кутубхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш ташкилотчиси бўлиб етишиди.

1991 йилда кутубхона фонди 252 минг китоб ва журнallардан ортиқ бўлиб, 17 мингга яқин китобхонга хизмат кўрсатди<sup>16</sup>.

1990 йилда кутубхонанинг 8 та асосий бўлими фаолият кўрсатар эди. Булар: китоб фондини тўлдириш бўлими; китобларга ишлов бериш бўлими; кичик ёшдаги китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими; ўрта ва катта ёшдаги китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими; библиография бўлими; китоб фондини сақлаш бўлими; санъат бўлими; илмий-услубий ишлар бўлими.

Бўлимларнинг асосий мақсади республикадаги 12 вилоят болалар кутубхоналарига бевосита ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиш, улар учун методик қўлланмалар тузиш, болалар кутубхоналари ишининг методик даражасини ошириш ва барча кутубхоначилик жараёнларига фаол таъсир кўрсатиб, фан, маданият ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, барча кутубхоначилик тизимларидан янада тўлароқ ва унумлироқ фойдаланишга ёрдам беришдан иборат эди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг ўсмирлар бўлими болалар ва ўсмирларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналар тизимида муҳим ўрин эгаллади. Бўлим 1970 йилда ташкил этилган бўлиб, у 14—21 яшар ўсмирлар ва қизларга, яъни мактаб ва гимназия ўқувчилари, коллежлар ва олий ўқув юртлари талабаларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган<sup>17</sup>.

Мазкур бўлим ёшларга кутубхона-библиография хизмати кўрсатиши ташкил этиш бўйича республика маданият ишлари вазирлиги методик маркази ҳисобланган ва барча манфаатдор ташкилотлар билан ўз ишини мувофиқлаштирган ҳолда олиб борган. Масалан, ёшлар муаммоларига оид илмий-ахборот ишларини амалга оширади; ёшлар учун тавсия библиографик қўлланмалар тайёрлайди ва нацир этади; ёшлар мутолааси социологияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил қиласи; ёшлар кутубхоналар тармоғи, ёшлар абонементлари, филиаллар, катталар кутубхоналари қошидаги китоб берисин кафедралари учун методик тавсияномалар ишлаб чиқади.

Бўлимнинг маҳсус қироатхонаси ва ёрдамчи китоб фонди турли фан соҳаларига оид 32 мингдан ортиқ адабиётлардан ташкил топган. Очиқ китоб фонди жавонларидан ижтимоий-гуманитар мавзудаги ҳамда фан ва техниканинг муҳим тармоклари бўйича илмий-оммабол адабиётлар, ўзбек, рус ва хорижий муаллифларнинг бадиий асарлари, хилма-хил журналлар ўрин олган.

### **2.3.7. Йирик олий ўқув юртлари кутубхоналари<sup>18</sup>**

Ўзбекистон олий ўқув юртларида бутун кутубхоначилик ишини Кутубхоначилик-библиография ишлари бўйича республика илмий-услубий кенгаши мувофиқлаштиради. Тошкент давлат университетининг илмий кутубхонаси базасида иш олиб борувчи бу кенгаш раисининг ўринбосари шу кутубхона директори ҳисобланади.

Олий ўқув юртлари кутубхоналари моҳият эътибори билан илмий ва ўқув кутубхоналаридир. Уларда кутубхона хизмати кўрсатиш уч йўналишда амалга оширилади: а) асосий илмий кутубхона; б) факультетлардаги илмий ва ўқув адабиётлари жамланган кутубхона; в) кафедралар, кабинетлар ва лабораториялар қошидаги тор профессионал мазмундаги адабиётлар тўпланган ихтисослашган кутубхоналар.

Асосий (марказий) кутубхона умумий ташкилий методик раҳбарликни, китоб фондини марказлаштирилган тарзда буглашни, уларга ишлов беришни, китобларни сақлашни, библиография ишларини амалга оширади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш учун ихтисослаштирилган мутолаа заллари ва кабинетлари тизимини ташкил қиласди.

Олий ўқув юртлари кутубхоналар тармоғи ривож топган йирик шаҳарларда бош кутубхоналар тайинланади. Шаҳар олий ўқув юртлари кутубхоналар тармоғига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш, унда ягона маълумотнома аппаратини вужудга келтириш, китоб фондини тўлдириш, ахборот-библиография фаолияти, шунингдек, китобхонларга хизмат кўрсатиш соҳасида бошқа тизимлардаги кутубхоналар билан ишлаш режаларини мувофиқлаштириш масалаларини ҳал қилиш шу кутубхоналар вазифасига киради.

**Тошкент Давлат университети (ҳозирда – Мирзо Улубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Асосий кутубхонаси.** Урушдан кейинги дастлабки йиллар бутун Оммавийнинг кутубхонани ривожлантириш бўйича қизғин фаолияти билан тавсифланади. Бунда китоб фондларини, айниқса, ўзбек тилидаги адабиётларни янада кўпайтириш, талабалар, аспирантлар, профессор-ўқитувчилар таркибининг зарур адабиётларга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини таъминлаш асосий вазифа қилиб қўйилди.

1946 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра, кутубхона фондида 541890 босма бирлик, шу жумладан, 361838 та китоб бор эди. 1953 йилда юридик институт университетининг юридик факультетига

айлантирилиши муносабати билан кутубхона фондига мазкур институтга қарашли адабиётларнинг катта партияси қўшилди.

Кутубхонада барча ишларнинг боини комплектлаш бўлимида амалга оширилади. Харид қилиш мўлжалланган барча илмий, ўқув адабиётлари ва бошқа нашрлар айнан шу ерда режалаштирилади, китоблар ўқувчи сари ўз йўлини шу ердан бошлайди. Бўлим «Союзкнига», «Академкнига» каби китоб савдоси ташкилотлари, Москва ва Тошкентдаги кутубхоналар коллекторлари билан яқин алоқа ўрнатган бўлиб, улар нашриётларнинг тематик режаларини мунтазам равишда юбориб турар эди. Мазкур иш услуби нашр этиш мўлжалланган муайян мавзуу ва мазмундаги китоб қасрда ва қаҷон чоп этилишини олдиндан билиш имконини берарди. Кутубхона фондларини комплектлашнинг тематик режасини тузиш учун муайян ихтисосликлар бўйича факультетларнинг ўқув режаларидан, кафедралар ва илмий лабораторияларнинг илмий-тадқиқот ишлари режаларидан, атоқли профессорлар маслаҳатларидан ҳам фойдаланилар эди. Университет мамлакатнинг муҳим илмий-тадқиқот марказларидан бирига айланиб қолди. Шу боис кутубхона ўз фондларини олий ўқув юрти адабиётлари билан бир қаторда, чет эл илмий нашрлари билан ҳам тўлдириб борди. Кутубхонанинг комплектланиш соҳаси доимо универсал бўлиб қолди.

1960 йил бошига келиб кутубхона факультетларда 10 ва кафедраларда 15 филиалга эга эди. Бу филиал кутубхоналар асосий кутубхона орқали комплектланарди.

Чет мамлакатлар билан китоб алмашинуви йилдан-йилга кенгайиб борди. 1955 йил кутубхона чет элдаги 49 муассаса билан китоб алмашинувини олиб борган бўлса, 1957 йилда бундай муассасалар сони 176 тага, 1959 йилда — 188 тага, 1963 йилда — 233 тага етди. Бундай китоб алмашинуви ҳар йили 3000—5000 босма бирлиқдан иборат адабиётлар олиш имконини берар эди<sup>39</sup>.

«Союзпечатъ» ташкилоти орқали обуна йўли билан қутубхона ҳар йили 500 номгача янги журналлар (тахминан 10 минг босма бирлик) ва 60 номгача газеталар оларди. 1955 йилда кутубхона фонди 700000 босма бирлиқдан иборат бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткич 1 млн. 337933 босма бирликка, 1968 йилда эса, 1 млн. 624217 босма бирликка етди. Кутубхона фондларига ҳар йили ўрга ҳисобда 70 минг босма бирлик миқдорида янги адабиётлар қўшилар эди<sup>40</sup>.

Университет кутубхонаси универсал фондларга эга бўлиб, уларнинг илмий даражаси анча юқори, мазмуни эса, университет фаолиятининг хусусияти билан белгиланар эди. У Ўзбекистон ва Ўрта Осиё

республикалари олий ўқув юрглари кутубхоналари орасида етакчи ўринни эгалларди.

Кутубхона ижтимоий-гуманитар фанларга оид нашрлар, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, фалсафа, иқтисодга оид китобларга айниқса бой (500 минг жилдан ортиқ) эди. Кутубхона фонdlарида табиий фанлар бўйича 200 минг жилдан ортиқ, амалий фанлар бўйича 100 минг жилдан ортиқ нашрлар ва 100 минг жилдаг яқин жаҳоннинг турли тилларидаги бадиий адабиётлар жамланган эди.

Кутубхона дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг анча мукаммал фондига эга бўлиб, уларга кутубхона йиллик бюджетининг 40 фоизи сарфланарди. Даврий нашрлар фонди рус тили ва Шарқ тилларидаги 400 минг босма бирлиқдан ортиқ эди. Чет тилидаги адабиётлар фондида немис, инглиз, француз тили ва бошқа тиллардаги 75 мингдан ортиқ китоблар ва 67 минг даврий нашрлар бор эди.

Кутубхонанинг маълумот тарзидаги адабиётлар фонди диққатга сазовор бўлиб, унда билимнинг турли соҳаларига оид 15 мингдан ортиқ библиографик қўлланмалар (кўрсатгичлар, энциклопедиялар, луғатлар, йилномалар, рефератив журналлар ва ҳ.к.) жамланган эди.

Кутубхонанинг асосий китоб фонdlари бош китоб омборида жойлашган. Соҳаларга оид адабиётларнинг жуда кўп миқдори кутубхонанинг факультетлардаги филиаларида жамланган. Ёрдамчи фонdlар қироатхоналарда, абонементларда сақланади. Адабиётларни жойлаширишнинг бундай таркиби уни китобхонга мумкин қадар яқинлашириш имконини беради ва ундан фойдаланишини енгизиштиради.

Кутубхонага келган барча адабиётларга ишлов берилади ва улар каталогларга киригилади. Кутубхонада асосан алифбели ва системали каталоглар юритилади. Каталоглар ўзбек, рус тилларида ва хорижий тилларда юритилади. Улардан ташқари, даврий нашрлар, авторефератлар, диссертациялар каталоглари ва бошқа каталоглар ҳам мавжуд.

Каталогларсиз кутубхона фонdlаридан тўлақонли фойдаланиш мумкин эмас, чунки уларда барча босма нашрлар кўрсатилган. Каталоглар мутолаа учун қўлланмана бўлиб хизмат қиласиди. Улар ёрдамида китобхон кутубхона фондининг таркиби билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Каталоглар китоблар, журналлар, газеталар ва кутубхонада мавжуд бошқа материаллар ҳақида асосий маълумотлар ифодаланган карточкалардан ташкил топади. Адабиётларни жойлаширишнинг ҳар қандай усулида ҳам ҳар бир китоб ўзининг муайян ўрнига эга бўлади.

Бу ўрин китоб шифри (шартли белгиси)да қайд этилади. Ушбу шифр китоб омборнинг қайси токчасида жойлашганини кўрсатади.

Кутубхонанинг асосий вазифаси, фаолиятининг пировард мақсади – китобни ўқувчилар кенг доирасига етказиш, унинг эҳтиёжларини зарур адабиётлар билан қондириш. Кутубхонанинг бутун серқирра фаолияти ана шу мақсадга бўйсундирилган.

Адабиётлар билан хизмат кўрсатиши кутубхонанинг марказий абонементи ва тармоқ кутубхоналари орқали амалга оширилади. Улар қошида илмий ходимлар учун умумий қироатхоналар мавжуд. Даврий наширлар қироатхоналари фаолият кўрсатади. Кутубхонада сиртқи ва кечки бўлимлар талабалари учун ўқув адабиётлари маҳсус фонди ташкил этилган бўлиб, у талабалар эҳтиёжини тўлиқ қондиришга ҳаракат қиласади.

Абонемент – кутубхона кўзгуси. У кигобхонларга хизмат кўрсатиши ишининг натижаларини аниқлашга ёрдам беради. Бу ишнинг самарадорлиги ходимларнинг билимлари ва меҳнатсеварлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Абонемент ходимлари орасида тажрибали ва билимдон кутубхонашунос, абонемент мудири Е.К. Васильева-Чеботарева узоқ вақт меҳнат қилди. Илмий ва бадиий адабиётларни яхши биладиган бу юксак маданиятли ва фидойи инсон китобхонларнинг барча эҳтиёжларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлар, кўп сонли кутубхона аъзоларига хизмат кўрсатиши оқилона ташкил этган эди.

Кутубхона минглаб ёшлиарга ижтимоий-сиёсий билимлар ва амалий фанларни ўзлаштиришида, халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли тармоқларида мустақил ижодий меҳнатга тайёргарлик кўришида ёрдам берди ва бермоқда.

Кутубхона аъзолари контингенти 50–60-йилларда ошиб борди. Агар 1940 йил кутубхонага 5 минг киши аъзо бўлган бўлса, 1960 йил бу кўрсаткич 7035 тага, 1965 йил – 13441 тага етди, 1968 йил эса, абонементда 15346 киши рўйхатга олинди. 1961 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра, кутубхонага ташрифлар сони 380 мингга етган (бу 1956 йилдагидан икки баравар кўп), уларга 1 миллион босма бирликка яқин адабиётлар берилган.

Маҳаллий миллатларга мансуб талабалардан бўлган кутубхона аъзолари сони ҳам изчил ўсиб борди. 1959 йил ўсиш тахминан 2007 кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1964 йил 4144 кишига, 1969 йил эса, 8400 кишига етди<sup>41</sup>. Бу ўзбек, қозоқ ва бошқа миллатларга мансуб талабалар сони изчил тарзда кўпайиб борганлигидан далолат беради. Маҳаллий миллатларга мансуб

китобхонлар солининг ўсиши абонементда ва қироатхоналарда ўзбек тилида ва Ўрга Осиёда яшайдиган бошқа халқларнинг тилларида бериладиган адабиётлар сони сезиларли даражада кўпайишига сабаб бўлди. Бу маҳаллий миллатларга мансуб ёшлиларга билим бериш ва касб ўргатишда кутубхона муҳим рол йўнаганинги кўрсатади.

Китобхонларнинг китобга бўлган эҳтиёжини қондиришида кутубхонада ички ва халқаро кутубхоналарро абонементлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

1960—1970 йилларда кутубхонада ахборот-маълумотнома ва режалаштириш-библиография ишлари сезиларли даражада такомиллаштирилди, уларни яхши ташкил этиш китобхонларга адабиётлар билан хизмат кўрсатишнинг муваффақиятини белгилаб берди.

Кутубхонада ахборот-маълумотнома хизмати кўрсатилиши у ташкил топган пайтдан бери амалга оширилади. Бу иш доираси китобхонларнинг эҳтиёжлари оғиган урушдан кейинги йилларда анча кенгайди. Бу ишни асосан библиография бўлимининг маълумотлар сектори олиб боради. Бўлим ходимлари ўлкашуносликка оид ва бошқа бир қанча библиографик картотекалар туздилар. Бу картотекалар маълумотлар умумий аппаратининг муҳим қисми бўлган библиографик қўлланмалар — кўрсатичларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Газета ва журналлардаги мақолалар картотекасида (унга 1938 йилда асос солинган эди) 60-йиллар охирига келиб барча табиий ва ижтимоий-туманинг бўлимлар бўйича (университет факультетларига нисбатан) 600 мингдан ортиқ карточка жамланди, унга ҳар йили 70—80 минг карточка кўшилиб борди.

Ўзбек ва рус тилларидаги ўлкашуносликка оид минақавий (Ўрга Осиё ва Қозогистон) картотекада 1917 йилги октябрь тўйтаришидан олдинги ва совет давридаги материаллар жамланган. Китобхонлар ўлка тарихи, халқ хўжалиги ва маданиятининг ривожланишига оид жуда кўп саволларига шу картотека ёрдамида жавоб топадилар. Кутубхонада тақризлар, авторефератлар, университет олимларининг асарлари картотекаси ва бошқа картотекалар юритилади.

Кутубхона ҳар йили 20 мингдан ортиқ оғзаки ва ёзма талабларни бажариб келади. Улар орасида бир неча юз йирик тематик талабномалар ҳам бор. Фақат 1963 йилда кутубхона 300 га яқин йирик тематик талабномаларни бажарли.

1965 йил кутубхонанинг чет тилидаги адабиётлар фондида 85 мингта яқин китоб ва 75 минг даврий нашр бор эди. Улар орасида немис, инглиз ва француз тилидаги адабиётлар кўпчиликни ташкил этарди.

1970—1980 йилларда кутубхонанинг халқаро алоқалари анча

кентгайди. У китоб алмашинуви бўйича 522 абонементга эга бўлиб, шулардан 342 таси чет элдаги муассасалар билан тузилган эди. Кутубхона улардан ҳар йили мингдан ортиқ босма нашрлар олиб турарди.

Валютага харид қилинадиган илмий адабиётлар университетнинг профессор-ўқитувчилар таркибини чет эл олимларининг янги қашифийётлари ва таъқиқотлари билан таништиришга ёрдам беради.

1981 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра чет тилидаги адабиётлар фонди 150 минг китоб ва 147 минг даврий нашрлардан иборат эди.

Хорижий адабиётлар бўлими йиғма каталог юритади, янги олинган нашрларни университет олимлари орасида тарғиб қилиш учун ахборотномалар гузади.

Сўнгги йилларда кутубхона ишининг асосий кўрсаткичлари манғифий ёки мусбат томонга ўзгариб турибди. Агар 1975 йил кутубхонага 20480 киши аъзо бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1980 йил 19096 кишини, 1985 йил – 18512 кишини, 1990 йил эса, 20011 кишини ташкил этди. Ташифлар сони 1975 йил 601173 та бўлган бўлса, 1980 йил 628340 тани, 1985 йил – 587266 тани, 1990 йил – 671139 тани ташкил этган.

Берилган китоблар миқдорини кўйидаги жадвал тавсифлайди<sup>42</sup>:

	1975	1980	1985	1990
Барча шоҳобчаларда, шу жумладан тармоқ бўлимларида берилган китобларнинг умумий миқдори	954725	1105251	1005880	1115500
	566940	700817	682203	691301

Рақамлар кутубхона ўз аъзоларига китоб билан хизмат кўрсатиш соҳасида сезиларли даражада заҳмат чекканлигидан далолат беради.

1963 йил марта кугубхона қошида республика олий ўқув юртлари ва ўрта маҳсус билим юртлари кутубхоналарининг ишига раҳбарлик қилиш учун методик кабинет ташкил этилди. Бу кабинет кутубхоналарнинг йиллик иш режалари ва ҳисоботларини ўрганиб чиқиб, уларнинг фаолиятини яхшилаш юзасидан тавсиялар берар эди. 1965—1970 йилларда Маданият вазирлигига қарашли 95 кутубхонадан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Кўқон ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидағи 15 кутубхона фаолияти ўрганиб чиқишиди.

Кабинет иш тажрибаси алмашып бўйича анжуман ва конференциялар ўтказишга катта эътибор берди. 1963 йил Ўрга Осиё республикаларининг 34 кутубхонаси вакили иштирокида ўтказилган уч кунлик анжуман — конференцияда кутубхоналар ишини такомиллаштиришнинг амалий ва муайян масалалари кенг муҳокама қилинди. Ушбу мулоқот натижасида Ўзбекистон ва қўшни республикалар кутубхоналари ўртасида алоқалар мустаҳкамланди.

Методик кабинет ҳар йили кутубхоналар ҳолати ва фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни тинглар, уларнинг иш натижаларини кўриб чиқар, кутубхоналарнинг бошқа идоралар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштирар эди. Қироатхоналар ташкил этиш, маълумотнома-библиография адабиётлари ва хорижий нашрларни ҳисобга олиш, кутубхона ходимлари малакасини ошириш бўйича услубий материаллар ишлаб чиқиш методик кабинет фаолиятида салмоқли ўрин эталлади. У университет кутубхонасида маълумотнома ва маслаҳат, меъёрлаштириш ва ҳисоб юритиш, услубий китоб фондини шакллантириш ва картотекалар ташкил этиш ва ҳоказо ишларни амалга оширди.

Кутубхонанинг кўйидаги 8 функционал ва 9 соҳавий бўлимлари мавжуд:

1. Китоб фондини тўлдириш бўлими (бўлимда ватан адабиётлари билан тўлдириш, чет эллар билан китоб алмашинуви, ички китоб алмашинуви секторлари мавжуд).

2. Китобларга илмий ишлов бериш ва каталоглаштириш бўлими (адабиётларни чет эл ва Шарқ тилларида тавсифлаш, тизимга солиш ва каталоглар ташкил қилиш секторлари).

3. Китоб фондини сақлаш бўлими (нодир китоблар ва қўлёзмалар, илмий ва маҳсус адабиётларни сақлаш, адабиётларни тақсимлаш ва факультет кутубхоналарида сақлаш секторлари).

4. Илмий-библиография бўлими (ретроспектив библиография, маълумотнома-библиография ишлари, кутубхоначилик-библиографияга оид билимларни тарғиб қилиш секторлари).

5. Фоявий-тарбиявий ишлар бўлими (кўргазмаларни тайёрлаш ва безаш, оммавий тадбирлар тайёрлаш секторлари).

6. Илмий-услубий ишлар бўлими (олий ўқув юртлари кутубхоналари, ўрга маҳсус билим юртлари кутубхоналари секторлари).

7. Китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими (абонемент, ўқув заллари, КАА ва факультет ва кафедралар кутубхоналари секторлари).

8. Кутубхоначилик-библиография ва ахборот жараёнларини механизацияланш ва автоматлаштириш бўлими (нусха кўчириш ва кўпайтириш, фотолаборатория, китоб муқовалаш секторлари).

Кутубхонанинг мазкур функционал бўлимларидан ташқари, университет асосий биноси ва факультетларда жойлашган 9 ўкув кутубхона филиалари мавжуд. Булар: ўкув кутубхонаси (асосий бинода), кимё, биология, физика, филология, тарих, ҳуқуқшунослик, шарқшунослик факультетлари ва тайёрлов бўлиммининг чет эл талабалари учун мўлжалланган кутубхоналари.

1991 йил кутубхона китобхонларга 9 абонемент, 972 ўринлик 13 қироатхоналар орқали ҳамда 45 кафедралар ўкув кабинетларида кутубхона хизмати кўрсатган. Кутубхона ютуқларидан бири унинг асосий китоб фонди китобхонлар учун «очиқ дастур» бўйича ташкил этилганилигиdir. Бунда талабалар филиал-кутубхоналар фондининг маълум қисмига бевосита ўзлари кириб, адабиёт танлайди. Бу вақтни тежашда муҳим аҳамиятга эгадир. Махсус залларда янги олинган адабиётлар билан танишириш учун «Ахборот ҳафталиклари» ташкил қилинади (1991 йилда 9 марта уюнтирилган). «Кафедралар куни», «Мутахассислар куни», «Дипломантлар куни» каби ва бошқа кўргазмалар (жами – 152 кўргазма) уюнтирилган.

Кутубхонада ягона китобхонлик билети жорий қилинган бўлиб, 1991 йилда 20311 китобхонга хизмат кўрсатилган. Шулардан 17427 таси университет талабалариидир. Китобхонлар томонидан жами 1115000 босма бирлик миқдорида ҳар хил нашрлар олинган. Шундан 725765 босма бирликни ўкув-педагогик нашрлар, 283294 босма бирликни – илмий адабиётлар, 73856 босма бирликни – бадиий адабиётлар ташкил этади. Берилган жами адабиётларнинг 270751 нусхаси ижтимоий-сиёсий, 8820 нусхаси чегтиллардаги нашрлардир.

Тошкент университетининг асосий кутубхонаси Ўзбекистон олий ўкув юртлари бўйича КААнинг мувофиқлаштирувчи маркази, олий ва маҳсус ўкув юртлари кутубхоналари учун методик марказ вазифасини ўтайди. Кутубхонанинг илмий-услубий ишлар бўлими ўз ишини кутубхоначилик-библиография ишлари бўйича республика илмий-методик кенгашининг режаси ва раҳбарлиги остида амалга оширади.

Кенгаш Ўзбекистон Олий таълим вазирлигининг Республика ўкув-методика кабинети қошида тузилган бўлиб, республика олий ва маҳсус таълим ўкув юртлари кутубхоналарининг методик маркази ҳисобланган Тошкент Давлат университетининг илмий кутубхонаси базасида иш олиб боради. Кенгаш республика методик маркази ҳудудий шаҳар методик марказлари олий ўкув юртлари айrim кутубхоналарининг методик ишлар бўйича тузган ҳисобот ва иш режаларини кўриб чиқади, улар томонидан тайёрланган методик хужжатларни тасдиқлайди.

Ҳозирги вақтда кутубхонанинг китоб фондида 3,3 млн.дан ортиқ турли фан соҳаларига оид адабиётлар мавжуд бўлиб, ўзининг таркиби ва миқдори жиҳатидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари олий ўқув юртлари кутубхоналари ичida энг йириги ҳисобланади. Унинг китоб фонди таркибида 1127485 илмий ва ўқув адабиётлари, 233174 нусха чет тиллардаги нашрлар, 202 мингдан ортиқ алмашув-захира кўри мавжуд. Биргина 1991 йилда унинг китоб жамғармасига янгидан 16332 номдаги, 80847 босма бирликдан иборат хилма-хил нашрлар, 1911 номда 30368 нусха ўқув-педагогик адабиётлар, 3759 номда 5768 та бадиий ва 1792 номда 16965 нусха бошқа нашрлар, шунингдек, 12999 вақтли матбуот нашрлари олинган.

Кутубхона Германия, Франция, АҚШ, Англия, Корея, Япония, Россия каби мамлакатларнинг илмий марказлари ва университет кутубхоналари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кутубхонада фойдаланувчилар сони 13 мингни ташкил қиласди. Ҳар йиллик давомат 400 минг кишидан иборат. Ўртача китоб бериши – 800 минг нашр бирлиги. Кутубхона штати 107 кишидан иборат. Янги адабиётлар сони бир йилда 30 мингтани ташкил қиласди.

Кутубхонада компютерхона ишилайди. 1991 йилдан чиққан барча янги адабиётлар ИРБИС дастурига киритилган.

Кутубхона Ўзбекистон Республикасидаги барча олий мактаб кутубхоналари учун илмий-методик марказ ҳисобланади. У республикадаги 65 олий ўқув юрти кутубхоналарига услубий ёрдам берив келмоқда.

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техникауниверситети кутубхонаси.** Кутубхона 1929 йилда Ўрта Осиё пахтацилийк-сугориш политехника институти (1933 йилдан у Ўрта Осиё саноати институти деб номланади) негизида ташкил топган. 1949 йилда институг Ўрта Осиё политехника институти деб номланди, 1961 йилдан эса, у Тошкент Политехника институти (ТПИ) деб юритилади. 1990 йил ТПИдан механика ва самолётсозлик факультетлари ажралиб чиқиб, улар негизида Тошкент машинасозлик институти (ТМИ) ташкил этилди. Кутубхона эса, иккита олий ўқув юртига хизмат кўрсатганлиги туфайли, ТПИ ва ТМИ институтлараро кутубхонаси бўлиб қолди.

1991 йил июлда ТПИ ва ТМИ қайта тузилиб, Тошкент Давлат техникауниверситети (ТДТУ)га айлантирилди, унинг меъморчилик, саноат ва фуқаро қурилиш ва қурилиш-муҳандислик факультетлари негизида Тошкент меъморчилик-қурилиш институти (ТМКИ), кимё факультети негизида эса, Тошкент кимё-технология институти (ТКТИ) ташкил қилинди. Нагижада, ТПИ ва ТМИ институтлараро

кутубхонаси Тошкент Давлат техника университети, Тошкент қурилиш-меъморчилик институти ва Тошкент кимё-технология институтининг институтларо кутубхонаси сифатида фаолият кўрсата бошлади. 1995 йил Тошкент Давлат авиация институти ташкил этилганидан сўнг, кўрсатилиган ҳар бир олий ўкув юрти институтларо кутубхона фондини ўзаро бўлашиб олиб, ўз кутубхонасига эга бўлди.

Бугунги кунда Тошкент Давлат техника университетининг бош ва учта тармоқ кутубхоналари, еттита қироатхона, тўққизга бўлим ва секторлари мавжуд: 1. Босма нашрлар билан тўлдириши бўлими; 2. Босма нашрларга ишлов бериш бўлими; 3. Китобхонларга хизмат кўрсатиш ва босма нациларни сақлаш бўлими; 4. Маълумотнома-библиография бўлими; 5. Методик бўлим; 6. Фоявий-оммавий тарбибот бўлими; 7. КАА сектори; 8. Чет эл адабиётлари сектори; 9. Бошқа шаҳарлардаги тармоқ кутубхоналари сектори.

Кутубхонанинг умумий китоб фонди 1 млн.дан ортиқ нусхани ташкил этади. Булар давлат тилидаги ҳамда рус ва хорижий тиллардаги дарслерлар, илмий-техникавий ва бадий адабиётлардир. Республикаизда ва МДҲ давлатларида босилга вақтги матбуот нашрлар фонди ҳам талайгина. ТПИ ва ТДТУда ёқланган диссертациялар, автографератлар, университет олимларининг қўлёзма ишлари ва уларнинг тўпламлари фонди ҳам мавжуд. Кутубхонада нодир библиографик нацилар жамланган.

Кутубхона ягона китобхонлик абонементи асосида 10 минг китобхонига хизмат кўрсатади. Бош кутубхона ва унинг тармоқ кутубхоналари хизматидан университет талabalari, ўқитувчи-профессорлар таркиби, шунингдек, бошқа илмий муассасаса ва ўкув юртларининг талabalari ва мутахассислари фаол фойдаланадилар.

Кутубхонанинг кўп соҳавийлиги нафақат Тошкент шаҳридаги, балки бутун республика бўйича китобхонларнинг эҳтиёжини қондиришига имконият яратади.

Китобхонлар билан ишлаш жараёнида компьютер ахборот технологиясини жорий этиши ва ривожлантиришга катта аҳамият берилади. Кутубхонада Интернетга чиқиш имкониятига эга бўлган ички тармоқ ташкил қилинган ва у университетнинг Корпоратив тармоғига уланган. Олий ўкув юртининг Корпоратив тармоғига кирувчи барча бўлимлар ўз иш жойида кутубхона электрон каталогидан фойдаланишлари мумкин. Кутубхона «ИРБИС» дастурида ишлайди. Ҳозирги вақтда электрон каталог тузиш устида иш олиб борилмоқда. Китобхонлар кутубхонанинг электрон каталогидан фойдаланган ҳолда, ўзларига зарур бўлган адабиётларни қидириш ишларини амалга оширадилар.

**Маълумотнома-библиография бўлимида талабалар учун** Интернетдан бепул фойдаланиш имконияти яратилган. Ўош кутубхона ва унинг тармоқ кутубхоналарида мавжуд нусха кўчириш ускуналари китобхонлар талабини тўла қондириш имконини беради.

Асосий кутубхона китобхонларга аҳборот беринида турли шакллардан фойдаланади. Ҳар ойда «Янги келган адабиётларнинг очиқ кўриги» кунлари, тематик экспозициялар ва янги келган адабиётларнинг доимий кўргазмаси ўтказиб турилади. Кутубхонага келган янги адабиётларнинг рўйхати мунтазам равишда чиқарип турилади.

Вақтли матбуот қироатхонасида китобхонларга ёрдам бериниша мақсадида тематик картотека ва папкалар ташкил этилган.

Китобхонлар 46 китобнинг электрон кўринишини, 50 дан ортиқ CD-ROM дисклар мажмуасини, ТДТУ ва бошқа олий ўқун юртлари ўқитувчилари томонидан ёзилган мъорузалар матнларининг электрон нусҳаларини ўз ичига олган электрон кутубхона манбаларидан фаол фойдаланадилар. Жадаллаштирилган тарзда инглиз тилини ўрганиш видеокурси ва «TOEFL» имтиҳонга тайёрлов курсларидан талабалар катта қизиқиши билан фойдаланмоқдалар.

Қироатхонада МДҲ мамлакатларида нашир этилган техникага оид журналларнинг очиқ фонди ташкил этилган.

**Тиббиёт академиясининг Асосий кутубхонаси.** Тиббиёт академияси Асосий кутубхонасининг тарихи Туркистон университети тиббиёт факультети тарихи, Ўрта Осиё тиббиёт институтининг ташкил топиш тарихи ва Ватанимизда тиббиёт фанининг ривожланиши билан узлуксиз боғлиқ.

Кутубхонага 1919—1920 йилларда асос солинган. Маълумки, кутубхона фондларни комплектлаш ва ташкил этишдан бошланади. Агар бу иш нольдан бошланса, китобхонлар эҳтиёжини қондира оладиган фонд шаклланиши учун кўп йиллар заҳмат чекиш керак бўлади. Кутубхона университет талабалари томонидан, шифокорлар, аҳоли орасидан йигиб олинган китоблар асосида тузилган. 1927—1929 йилларда Ўрта Осиё университети тиббиёт факультети кутубхонаси ўзининг штампига эга бўлди ва режали асосда ўз фондини тўлдира бошлади.

1931 йил университетнинг тиббиёт факультети Ўрта Осиё тиббиёт институтига айлантирилди. 1935 йилда у Тошкент Давлат тиббиёт институти деб қайта номланди. Шу даврдан эътиборан институт кутубхонаси Асосий кутубхона деб номлана бошланди. 1990 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институти, шу жумладан, унинг кутубхонаси ҳам Биринчи ва Иккинчи тиббиёт институтларига бўлинди.

Сўнгги йилларда кутубхона ўз дублет фондидан 10000 номдан

ортиқ китобларни Киев, Харьков, Крим тиббиёт институтлариға тақдым этди, шунингдек, у Тожикистан, Қирғизистон тиббиёт институтларында ҳам ёрдам берди. Кутубхона ўз фондининг бир қисмини Андижон, Самарқанд, Бухоро институтлари, Ўрта Осиё Педиатрия тиббиёт институти, 2-ТошДТИ кутубхонасига ажратиб берди.

Хозирги кунда 1-ТошДТИ Асосий кутубхонаси фонди 600 минг нусхага яқин бўлиб, у 4500 дан ортиқ китобхонга хизмат қиласи. Қадимий шарқ тилларидағи қўлёзмаларнинг 150 нусхаси институт музейидан ўрин олган. Кутубхонада 5 қироатхона, 3 китоб бериш бўлими мавжуд. Булар: талабаларга китоб бериш бўлими; илмий адабиётлар билан хизмат кўрсатиш бўлими; бадиий адабиётлар бўлими. Кутубхонада адабиётларга ишлов бериш ва комплектлаш бўлимлари ҳам мавжуд.

Интернет тармоғига уланган компьютер залидан талабалар кун давомида фойдаланадилар. Бу ерда электрон дарсликлар, маъруза матнлари ва бошқа ҳужжатлар банки ташкил қилинган.

Кутубхона фонди доимий равишида Россия, МДҲ мамлакатларидан харид қилинган адабиётлар, нашриётлардан, олий ўқув юрти нашриётларидан олинган адабиётлар билан тўлдириб борилади.

Институтнинг чет давлатлар билан ҳамкорлиги натижасида кутубхонага АҚШ ва Жанубий Кореядан 6000 нусхадан ортиқ чет эл адабиётлари, дарсликлар, монографиялар, слайдлар ва бошқа ҳужжатлар олинди.

**Тошкент аграр университети кутубхонаси.** Аграр университетининг Асосий кутубхонаси 1932 йилда Ўрта Осиё университетининг қишлоқ ҳўжалиги факультети, Ўрта Осиё пахтачилик институти, Ўрта Осиё пиллачилик институтлари кутубхоналари фонди негизида ташкил топган. Ўтган ўн йилликлар мобайнида у республикадаги йирик институт кутубхоналаридан бирига айланди. Ҳозирда унинг китоб фонди 1 млн. нусхадан ошиди. Адабиётлар умумий миқдорининг қарийб ярмини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ташкил этади.

Кутубхонанинг китоб фонди ҳар йили 20—30 минг нашрга кўпайиб боради. Китоб фондининг айланиши бир маромда бўлиб, сўнгги йилларда у 1,2 марта ташкил этди.

Талабаларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш дарсликлар фонди негизида ташкил қилинади. Бунда гурӯҳлар ва потоклар бўйича хизмат кўрсатиш, аввалдан тайёрланган дарсликлар ўзагидан фойдаланиши, ёзмасдан адабиёт берии тизими каби илғор иш услублари қўлланилади.

1990 йил кутубхонага аъзо бўлган 11276 китобхонга 1,14 млн. нусхадан ортиқ китоблар берилди, ўргача китоб ўқилиши 101 нусхани ташкил этди.

Кутубхонанинг маълумотнома-библиография бўлими китобхонларга ҳар йили ўргача 16 мингга яқин маълумот беради. Ҳар уч ойда бир марта ахборот кунлари уюштирилади. Библиографлар кафедраларни ойига бир марта янги келган адабиётлар рўйхати билан таъминлайдилар. Раҳбарларгага табақалаштирилган тарзда хизмат кўрсатиш тизими самарали йўлга қўйилган. Кутубхоначилик-библиография илми асослари бўйича машғулотлар узлуксиз ўтказиб борилади.

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кутубхонаси.** ТДИУ кутубхонаси 1931 йилдан бошлаб фаолият юритиб келмоқда. У республикада иқтисодий адабиётлар билан ишлаш бўйича тармоқ услубий маркази вазифасини ҳам бажаради.

Кутубхона уч қаватли бинода жойлашган бўлиб, унда 6 махсус қироатхона, иқтисод, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича адабиётлар, хорижий адабиётлар, кутубхона ишларини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш, илмий-услубий, маънавият ва маърифат ишлари, маъруза матнлари бўлимлари мавжуд.

Университет кутубхонаси Ўзбекистон олий ўқув юртлари орасида иирик зиё маскаидаидан бири бўлиб, бу ердаги адабиётлар захираси 800 минг нусхага яқин. Улар орасида илмий, ўқув адабиётлари, маъруза матнлари, авторефератлар ва диссергациялар, вақтли матбуот нашрлари бор.

Кутубхона фондида китоблардан таълқари оммавий ахборот нашрлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Чунончи, Ўзбекистонда чиқадиган 45 газета, 43 номда журналлар, Россиядан 10 номда газета ва 62 номда журналлар, АҚШ, Англия, Германиядан иқтисодиёт ва бизнесга оид журналлар олиб турилади.

Россиядан олинадиган янги адабиётлар асосан бир нусхада бўлғанлиги туфайли, улар илмий қироатхонада ва «Илмий иқтисодий ахборотлар» бўлими қироатхонасида сақланиб, китобхонларга фойдаланиш учун берилади. Китоб захирасининг сақланиши қатъий назорат остида амалга оширилади.

Кутубхонанинг хорижий адабиётлар бўлимида чет эъла чоп этилган ўқув адабиётлари, маълумотномалар, энциклопедиялар мавжуд бўлиб, китоблар захираси 10000 дан ортиқ босма бирликдан иборат. Кутубхона АҚШ, Германия, Швейцария, Англияning турли муассасаларидан халқаро китоб алмашинуви бўйича ҳар хил нашрлар олиб туради. 1997 йил кутубхона «Жаҳон кутубхоналари каталоги»га киритилган.

Университет кутубхонасида янги келган адабиётлардан намуналар

билин китобхонларни таништириш мақсадида китоб кўргазмалари мунтазам равишида ўтказиб турилади. Кутубхона ходимлари ҳар ойда бир марта кафедраларга бориб, у ерда янги келган адабиётлар рўйхати ва намунаси билан кафедра аъзоларини яқиндан таништиради.

Хозирги пайтда профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабаларнинг кутубхонадан фойдаланишини жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида кутубхона фаолиятини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш дастурини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Китобхонлар фойдаланиши учун виртуал кугубхона ишга туширилган. Кутубхонада Интернет тармогидан ва электрон почтадан фойдаланиш учун имконият яратилган.

Кутубхона аъзолари сони 15 мингга яқин. Булар: университет талабалари ва профессор-ўқитувчилар таркиби, университетнинг республика турли шаҳарларида жойлашган 8 ўқув-маслаҳат шоҳобчалари ходимлари ва тингловчилари, Тошкент молия институти талаба ва ўқитувчилари, Чилонзор иқтисодиёт академик лицейи ўқувчилари, иқтисодиёт ва банк коллежи, туризм коллежи талабалари, гимназия ўқувчилари, қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш бўйича Миллий марказ, Иқтисодиёт, бизнес ва кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти тингловчилари, Тошкент шаҳридаги иқтисодий ихтисосликларга эга бўлган барча олий ўқув юрглари талабалари.

Кутубхонанинг бой фонди ҳар йили ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, япон тилилари ва бошқа тилларда нашр этилган 25—30 минг нусха адабиётлар билан тўлдириб борилади. Кутубхона фондини бойитища «Евросиё» жамғармаси, ҳалқаро ташкилотлар, чет мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчиноналари, чет эл компанияларининг ваколатхоналари, университет меҳмонлари ва ҳалқаро делегацияларнинг китоб инъомлари ҳам маълум рол ўйнайди.

**Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг кутубхонаси.** Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг илмий-техникавий кутубхонаси 1931 йил ташкил топган. Кутубхонанинг дастлабки китоб фонди 4800 нусхадан иборат бўлган. Кутубхона ўкув ва бадиий адабиётлар бўлими ва комијектглаш бўлимидан ташкил топган.

Уруш йилларида кутубхонанинг китоб фонди Москва транспорт муҳандислари институти, Харьков транспорт муҳандислари институти кутубхоналари фонди ҳисобига тўлдирилди ва тахминан 140000 нусхага етди. Умумий таълим фанлари бўйича ўкув адабиётлари етишмасди. Фондни илмий адабиётлар билан комплектлашда ҳам кутубхона жиддий муаммоларга тўқнаш келди. Бу эҳтиёжлар қисман

кугубхоналаро абонемент ҳисобига қопланар эди. 1943-44 ўкув йилида институтнинг асосий кугубхонасини ташкил этиш учун маҳсус хона ажратилди ва жиҳозланди, умумий кугубхонадан китоблар танлаб олинди, китоблар каталоги тартибга келтирилди. 1945 йил январда кутубхона кенгаши тузилиб, унинг таркибиға бир қанча кафедраларнинг мудирлари киритилди. Кенгашда кутубхона ишига доир масалалар мұхқомама қилинар эди.

70-йилларда институт кутубхонаси анча кенгайди. Унинг китоб фонди 400000 минг нусхага яқынлашты. Кугубхона таркибиде илмий, ўқув, бадий адабиётлар, журналлар бўлимлари ва 120 ўринли қироатхона бор эди. Талабаларни эстетик тарбиялаш, китоб тарғиботи бўйича катта ишлар амалга оширилди, адабиёт ва санъат соҳасидаги дижқатга сазовор саналар бўйича китоб кўргазмалари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, мунозаралар ва янги адабиётлар ҳақида ахборот кунлари ўтказилди.

80-йилларда инсигитуг кутубхонаси янада йириклиди. Ки гоб фонди 500000 нусхага етди. Янги маълумотнома-библиография бўлими тузилди. Унинг китоб фонди 12000 нусхадан иборат. Талабаларга статистик тўпламлар, илмий-техникавий ахборот журналлари, рефератив журналлар, республика вилоятларининг географик хариталари фойдаланишга берилади. Газета-журналлар картотекасини тузиш бўйича катта иш амалга оширилди. Унинг карточкаларида ўзбек ва рус тилидаги маҳаллий даврий нашрлар ҳамда Россия Федерацияси вақтли матбуот нашрларининг библиографик тавсифи юритилади. ҳар йили 6000 га яқин библиографик тавсиф тузилади.

2005 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра, кутубхона фонди билимнинг барча соҳаларига оид 556186 нусха адабиётлардан иборат. Шулардан: илмий адабиётлар – 233762 нусха; ўқув адабиётлари – 288510 нусха; бадий адабиётлар – 33914 нусха. Ягона аъзолик билети бўйича китобхонлар сони 4053 кишини ташкил этади. Кугубхонага ташрифлар сони – 170562 та. Берилган китоблар сони – 233017 нусха. Китобхонларга 4 қироатхона хизмат кўрсатади.

Картотекалар тузиш бўйича ишлар давом эттирилди. Ҳозирги вақтда кутубхонада алифбели, системали каталоглар ва 6 картотека мавжуд. Чунончи: газета ва журналлар картотекаси; темир йўл транспортига оид бош маълумотлар картотекаси; Тошкент темир йўл мұхандислари институтининг тарихига оид адабиётлар картотекаси; диссертациялар, авторефератлар, илмий тадқиқотлар картотекаси; олий таълим; Ўзбекистон ҳозирги босқичда.

1991—2005 йиллар мобайнида кутубхона таркиби ҳам ўзгарди.

Бугунги кунда кутубхона 9 бўлимдан иборат: адабиётларни комплектлаш ва уларга ишлов бериш бўлими; библиография бўлими; ўқув адабиётлари бўлими; илмий адабиётлар ҳамда китобларни сақлаш бўлими; бадиий адабиётлар бўлими; чет эл адабиётлари бўлими; талabalар қироатхонаси; ўқитувчилар қироатхонаси; Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган электрон қироатхона.

2000 йилда кутубхонада янги бўлим – чет эл адабиётлари бўлими очилди. Бу ерда география, тарих, тиббиёт, ҳисоблаш машиналари, молия, иқтисодиёт, математика, механика, транспорт соҳаларига оид инглиз тилидаги 600га яқин адабиётлар ва энциклопедиялар мавжуд. 15 ўринга мўлжалланган қироатхона талabalар ихтиёрида.

2001 йил кутубхонада иккита янги қироатхона (ўқитувчилар қироатхонаси ва бадиий адабиётлар қироатхонаси) очилди. Бадиий адабиётлар қироатхонаси йигирма китобхонга мўлжалланган бўлиб, бадиий адабиётлар, газеталар, журналлар ва энциклопедиялар муайян муддатга уйда ўқиш учун ҳам берилади.

2002 йил кутубхонада ўқитувчилар, аспирантлар ва магистрлар учун Интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган электрон қироатхона очилди. Талabalар ва магистрантлар ўқитувчиларнинг маъруза курслари, дарслклар ва ўқув қўлланмалари бўйича электрон маълумот базаларидан фойдаланадилар. Ҳозирги вақтда институт ўқитувчи-профессорлар таркиби томонидан ёзилган 20 электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар мавжуд. Кутубхонанинг электрон каталогини тузиш устида иш олиб борилмоқда.

Кутубхонани техникага оид адабиётлар билан комплектлашга катта эътибор берилади. Илгари кутубхона фақат кутубхоналар коллекторидан адабиётлар билан комплектланар эди. Эндиликда кутубхона янги адабиётларни кутубхоналар коллектори («Китоб савдоси» АЖдан; Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигидан; китоб савдоси фирмаларидан; шаҳарнинг китоб дўконларидан; Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Бошқарув академиясидан; «Маънавият ва маърифат» марказидан; Тошкент шаҳридаги нашриётлар («Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Маънавият», «Меҳнат» ва б.)дан олади.

Кутубхона штаги 18 кишидан иборат. Ходимларнинг асосий таркиби кутубхоначиллик соҳасида олий маҳсус маълумотли мутахассислардир.

**Тошкент ирригация ва мелиорация институти Ресурс маркази-кутубхонаси.** Ўзбекистоннинг кўпгина олий ўқув юртлари қатори Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳам Тошкент Давлат университети (ҳозирда – Миллий университет) таркибидан ажralиб чиқсан. Университет кутубхонаси фондларини гидротехник қурилиш,

ирригация ва мелиорацияга оид адабиётлар билан тўлдириш жараёни 1918 йилда Туркистон Сув хўжалиги бошқармаси ташаббусига кўра, у ўз қитоблар тўпламини кугубхонага тақдим этиши билан бошланган эди. 20-йилларда амал қилган қитобхонларга адабиётлар билан хизмат кўрсатишнинг «кабинет тизими»га асосан кутубхона дастлаб университет гидротехника бўлим мининг мелиорация кабинети қошида фаолият олиб борди. Бўлим мелиорация-муҳандислик факультетига айлантирилганидан сўнг (1923 йил) унинг кугубхонаси шу факультет кугубхонаси сифатида қайта тузилди. Шу йил университетнинг қишлоқ хўжалиги факультетида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўлими ташкил этилди ва факультет кутубхонаси қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришга оид адабиётлар билан тўлдирила бошланди.

Қишлоқ хўжалиги ирригацияси ва механизациясига оид қитоб фондининг ўзаги шу тариқа вужудга келди. У кейинчалик бошқа умумилмий, умумтехникавий адабиётлар билан бирга, ТошДУнинг тегишли факультетлари базасида ташкил этилган мустақил олий ўкув юрглари кугубхоналари фондининг негизини ташкил қилди.

Ўрта Осиё республикаларида ер-сув ислоҳоти амалга оширилиши ва Оммавий хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан ўтгизинчи йилларнинг ўрталарида янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ирригацияси ва механизациясини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга қодир муҳандисларга бўлган эҳтиёж ошди. 1934 йил ҳукумат қарорига биноан икки олий ўкув юрти – Ўрта Осиё ирригация институти ва Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти ягона олий ўкув юрти – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтига бирлаштирилди. Мазкур институтларнинг кугубхоналари негизида янги кутубхона ташкил топди.

Кутубхонада дастлабки фонд адабиётлари сақланиб қолган. Қитобларнинг титул ваарақларига босилган штампларга қараб, улар кутубхона фондига тушунга қадар босиб ўтган йўлни кузатиш мумкин. Масалан, умумтехникавий, умумий муҳандислик ва гидротехникага оид қитобларда қўйидаги штамплар босилган: «Санкт-Петербургда таҳсил олаётган туркестонликларга ёрдам тариқасида берилган қитоблардан», «Мелиорация кабинети» (Туркестон Давлат университети), «Мелиорация муҳандислари факультетининг кутубхонаси» (Ўрта Осиё Давлат университети) ва ҳ.к.

Кутубхонага берилган қитоблар миқдори ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Икки институт кутубхоналари қўшилган пайтга қадар Ўрта Осиё ирригация институти кутубхонасида 70,8 минг, Ўрта Осиё

қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти кутубхонасида эса, 26,7 минг босма наширлар мавжуд бўлгани маълум.<sup>43</sup> Бу кутубхона ўз фаолиятининг дастлабки босқичидаёқ ўша давр учун миқдори ва сифат таркибига кўра анча салмоқли фондга эга бўлган деб таҳмин қилиш имконини беради.

Кейинги йилларда (1934—1941) фонд муттасил равишда тўлдириб борилди ва уруш бошланишидан олдин 150 минг жилдга стди. Бу кутубхонага ўнча катта бўлмаган талабалар контингентини адабиётлар билан анча яхши таъминлаш имконини берди.

Уруш йилларида кутубхона оғир аҳволда қолди. Ҳарбий давр шароитидан келиб чиқиб институт ўзига қарашли бинодан бошқа биноларга кўчирилди. Кутубхонани жойлаштириш учун зарур майдонлар йўқлиги туфайли институт билан бирга фақат ўкув жараёни эҳтиёжларини минимал даражада қондирувчи 3500 жилд миқдорда дарсликлар олиб чиқиб кетилди, асосий фонд эса, консервация қилиб кўйилди.<sup>44</sup>

1943 йил августидаги институт ўзига қарашли бинога қайтиб келди, лекин бинонинг бир қисмидагина жойлашди, чунки унинг иккинчи қисмини Ленинград шаҳридан эвакуация қилинган Электротехника институти эталлаган эди.

Уруш тугаганидан сўнг, тикланиш даври қийинчиликларига қарамай, институтда ер қурилиши факультети (1945 йил), гидромелиорация ишлари факультети (1946 йил) ва гидроэнергетика факультети (1946 йил) очилди. Янги факультетлар ва кафедралар ташкил этилиши, талабалар контингентининг ўсиши фондларни кўпайтиришни тақозо этди.

Кутубхона жамосасининг саъй-ҳаракатлари билан 1949 йилдан олинган адабиётлар сони кўпайиб борди: 1945 йилги 3 минг нусхадан 1949 йилда 29 минг нусхага етди. 1952 йилга келиб кутубхона фондида 148 минг жилд адабиётлар мавжуд эди. Бу ўкув жараёнининг адабиётлар билан таъминланганлик даражасини анча яхшилади. Кутубхона ходимлари маошининг ошиши штатни мустаҳкамлашга ёрдам берди. 1952 йил кутубхонада 12 киши меҳнат қиласарди. Уларнинг уч нафари кутубхоначилик ихтисослиги олий маълумотли мутахассислар эди. Китоб омбори майдони анча кенгайди, бино таъмирланди. Кутубхона иши такомиллаштирилди: китобхонларга хизмат кўрсатишда КАА кўлланила бошланди, оммавий тадбирлар ўtkазиш йўлга қўйилди, алифбели ва системали каталоглар ташкил қилинди. Кутубхона аъзолари сони, ташрифлар ва берилган китоблар миқдори ошиб борди:

	1940 йил	1945 йил	1952 йил
Китобхонлар сони (минг киши)	1,5	1,3	2,1
Ташрифлар сони (мингта)	45,0	40,0	100,9
Китоб бериси (минг нусха)	85,0	80,0	161,6

Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 1953 йилга келиб нафақат кутубхонани тиклашга, балки унинг урушдан олдинги ривожланиш даражасидан оширишга ҳам муваффақ бўлинган.

50-йилларнинг ўрталарига келиб институт ва у билан бирга кутубхона ҳам анча кенгайди. Китоб фонdlари 200 минг жилдга етди. Кўпгина фанлар бўйича ўқув жараёнини китоб билан тъминланиш даражаси оширилди, китобхонларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. 1955 йилда алифбели хизмат каталоги юритила бошланди.

1960 йил якунланган институт ўқув корпусининг ресконструкцияси кутубхона китоб омбори майдонини  $810\text{ m}^2$  гача кенгайтириш имконини берди. Бу ҳар йили олинадиган адабиётлар миқдорини ошириш учун имконият яратди. Кутубхона штати 19 кишига етди, ходимлар таркиби мустаҳкамланди, уларнинг 13 таси кутубхоначилик ихтисослиги бўйича олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга эди. 1969 йил институтнинг талабалар шаҳарчасида ўқув ва бадиий адабиётларни, даврий нашрларни ўз ичига олган қироатхона, институтнинг Андижондаги филиали қошида эса, кутубхона филиали очилди. 1964 йил унинг негизида Андижон пахтагчилик институтининг кутубхонаси ташкил қилинди.

1962—1964 йилларда фонdlар тозаланди — мазмунаи эскирган бир неча ўн минг нашр фонд таркибидан чиқарилди, кутубхона тасниф жадвалларига аниқлик киритилди, жадвалиардан фойдаланиш бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилди. Китобхонларга хизмат кўрсатиш тизимига жиддий ўзгартишлар киритилди. Китобхонларни ва кутубхонага аъзолик гувоҳномаларини ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилди. Китобхонлар эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш учун мажбурий нусха тизими қўлланила бошланди. Ушбу нусха фақат қироатхонада фойдаланиш учун берилар эди.

1963 йил маълумотнома-библиография кабинети ташкил этилди ва шундан бери кутубхона китобхонларга режали ва системали

маълумот-библиография хизмати кўрсатиб келади. Маълумотнома-ахборот фонди, картотекалар ташкил қилинди, ўқитувчи-профессорлар таркиби илмий асарлари ва институт тарихига оид материаллар библиографик рўйхати тузила бошланди.

1967 йилдан кутубхона талабалар билан кутубхоначилик билими асослари бўйича дарс ўтказиши йўлга кўйди. Машғулотлар дастурга мувофиқ б соат ҳажмда кугубхона ходимлари томонидан ўтказилади. Талабаларни группавий рўйхатга олиш усули ўқишнинг дастлабки кунлариданоқ уларни кутубхона хизматидан фойдаланишга жалб қилиш имконини берди. 1970 йил институтнинг ўқув-тажриба хўжалигида тайёрлов бўлими тингловчиларига хизмат кўрсатувчи кутубхона филиали очилди.

Маълумот-библиография ишлари чуқурлашди ва янгича мазмун касб этди. Янги адабиётлар бўйича ахборотномалар тузилиб, кафедраларга тарқатила бошланди, группавий ва шахсий хизмат кўрсатишга қабул қилинган китобхонлар сони кўпайди, янги адабиётлар кўргазмаларини, «Ахборот кунлари»ни мунтазам равища ўтказиш йўлга қўйилди. Иккита ретроспектив библиографик кўрсаттич тузилди ва эълон қилинди.

Талабалар контингентининг мунтазам равища ўсиб бориши, янги факультетлар ва ихтисосликлар, тармоқ илмий-тадқиқот лабораторияларининг очилиши фондларни комплектлаш ишини анча оғирлаштириди. Фондларни шакллантиришнинг илмий асослантирилган мезонларини ишлаб чиқиши зарурияти туғилди. Шу мақсадда кутубхона 1970 йил олий ўқув юртлари кутубхоналари орасида биринчилардан бўлиб «Фондларни комплектлаш тематик режаси»ни ишлаб чиқди. Фондларнинг ўсиш суръати ошди. Масалан, 1950—1960 йилларда фондлар 85 минг нусхадан иборат босма нашрлар билан тўлдирилган бўлса, кейинги ўн йиллик (1960—1970 йиллар)да бу кўрсаткич 294 минг нусхага стди. Шу даврларда ўргача йиллик ўсиш тегишинча 8,5 ва 29,4 минг нусхани ташкил қилди. 1970 йил кутубхона фондида унга таълим-тарбия жараёнини ва институт олимларининг талабларини анча тўлиқ таъминлаш имконини берувчи 469 минг нусха босма нашрлар бор эди.

1970—1980 йилларда институт тайёрлайдиган мутахассислар сони анча кўпайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг истиқболли тармоқлари учун муҳандислар тайёрлайдиган янги факультетлар, ихтисосликлар очилди. Қарши ва Жиззах чўлларида янги ерлар ўзлаштирилиши муносабати билан Қарши ва Янгиер шаҳарларида институт филиаллари ташкил қилинди, бир қанча илмий-тадқиқот

лабораториялари очилди, олимлар илмий тадқиқотларининг мавзу доираси көнгайди.

Институт жадал суръатларда ривожланиши кутубхонанинг ўсишини белгилаб берди:

	1970 йил	1980 йил
Китобхонлар (минг киши)	8,6	14,8
Китоб бериш (минг нусха)	314,6	789,6
Фонд (минг нусха)	469,0	720,3
Штатлар (киши)	32	63

Китобхонларга маълумот-библиография ва ахборот хизматлари кўрсатиш ретроспектив библиографик кўрсатгичлар тузиш билан ўйғунликда олиб борилди. Маълумотнома-библиография бўлими янги адабиётларни институт талабалари ва ўқигувчи-профессорлар таркиби ўртасида кенг тарғиб қилиб борди.<sup>4</sup> Библиографик кўрсатгич тузилди ва эълон қилинди.

Методик иш кутубхоначилик технологиясини яхшилашга, олий ўқув юртлари кутубхоналарининг илғор иш тажрибасини ўрганиш ва амалга жорий этишга қаратилди. Кутубхона республикада биринчилардан бўлиб кўп нусхали адабиётларнинг инвентарсиз ҳисобини юритишга ўтди, механизациялаштириш воситаларини амалга жорий этди. Ушбу иш натижалари ҳақида иккита мақола эълон қилинди<sup>45</sup>.

1978 йил кутубхона иккинчи тоифага ўтказилди ва бу унинг штатлар таркибини кенгайтириш имконини берди. Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида, малака ошириш курсларида, ТошДУ Илмий кутубхонаси қошидаги курсларда таҳсил олиш, марказий кутубхоналарда стажировка ўташ ходимлар малакасини оширишни тъзмилади.

1981 йил ўрталарига келиб янги бинолар ўзлаштирилиши билан кутубхонанинг умумий майдони  $5,325 \text{ m}^2$  га етди. Илмий кутубхонанинг алоҳида биноси, ўқув кутубхоналари учун мўлжалланган иккита янги бино ва илгари мавжуд бўлгаш абонементли китоб омбори китобхонларга хизмат кўрсатишни табақалаштириш имконини берди. Умумий муҳандислик факультетининг ўқув кутубхонаси ташкил этилди. У кичик курсларнинг талабаларига ва чет эл фуқаролари тайёрлов бўлимининг тингловчиларига хизмат кўрсатар эди. Қолган уч ўқув кутубхонаси юқори курс талабаларига хизмат кўрсатарди. Барча ўқув кутубхоналари ўзлари хизмат кўрсалувчи

факультетларнинг корпусларида жойлашган эди. Бу кутубхонага китобхонларга хизмат қўрсатиш сифагини яхшилаш имконии берди.

1982 йил Урганч шаҳрида кутубхонанинг яна бир филиали ташкил қилиниши билан, китобхонларнинг умумий миқдори 15 минг кишидан ошиб кетди, ҳар йили бериладиган адабиётлар сони эса, 800 минг нусхага етди. Ўргача Йиллик қатнов 32 тани, ўртача китоб бериш эса – 54,4 нусхани тақиқил қилди.

Кутубхона табақалаштирилган тарзда хизмат қўрсатиш усулини амалга жорий этиб, ўқув жараёнига кутубхона-библиография хизмати қўрсатишни такомиллаштиришни давом эттироқда: талабаларга хизмат қўрсатишнинг группавий усулини қўлламоқда, кафедраларда «Кутубхона кунлари»ни ўтказмоқда, оммавий ахборот шаклларидан кенг фойдаланмоқда.

Библиографик ва ахборот хизмати қўрсатишнинг анъанавий шаклларидан фойдаланар экан, кутубхона асосий эътиборни уларнинг самарадорлигини оширишга қаратмоқда. Индивидуал ахборот шакллари такомиллаштирилмоқда. Китобхонларга ҳар йили 50 мингтагача маълумот берилади, шулардан мингтага яқини тематик маълумотлардир. Институт олимларининг илмий асарлари ва инстигут ҳақидаги материалларнинг библиографик қўрсатгичини тушиб давом этмоқда. Институт тўпламларида 1974—1980 йилларда эълон қилинган илмий асарларнинг библиографик қўрсатгичи нашр этилди. Институт тарихига оид материалларнинг библиографик қўрсатгичи нашрга тайёрланди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш мұҳандислари институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 мартағи 150-сон Қарорига биноан, Тошкент ирригация ва мелиорация институтига айлантирилди, Илмий кутубхонага эса Ресурс маркази-кутубхона номи берилди. Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультети тегишли китоблар тўплами билан биргэ Агрономика институтига ўтказилди.

Бугунги кунда Ресурс маркази-кутубхонанинг умумий фонди 613770 нусхадан иборат бўлиб, шулардан 251054 нусхаси дарслик ва ўқув қўлланмалари, 1412 нусхаси маъруза матнларидир.

Ресурс маркази-кутубхона ўз фаолияти давомида якка тартибда ва группавий хизмат қўрсатиш усуllibарida ягона абонемент орқали қироатхоналарда табақалаштирилган тарзда хизмат қўрсатади. Китобхонларни Интернет тармогидан ахборот билан таъминлайди, каталоглар тизими, картотекалар ва бошқа ахборот шакллари, маълумотлар базасидан фойдаланиб, кутубхона жамғармасининг

таркиби ҳақида түлиқ ахборот беради. Кигобхонларга кутубхоналараро абонемент бўйича хизмат кўрсатади.

Меҳнатни ташкил этишнинг янги технологик усуллари кутубхоналар ишида автоматлаштириш ва компютерлаштириш жараёнларидан кенг фойдаланишини тақозо этмоқда. Шу мақсадда Ресурс маркази-кутубхона ўз фонди таркибини китобхонларга түлиқ етказиб бериш, ахборот-библиография материалларидан тўғри фойдаланишга кўмаклашиш учун каталоглар тизими, картотекалар ва бошқа ахборотларни тузишда компютер технологияларидан кенг фойдаланмоқда. Кутубхонада «ИРБИС» дастури асосида фондларнинг электрон каталогини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

**Тошкент Давлат юридик институти кутубхонаси.** ТДЮИ кутубхонаси, Ўрта Осиё Давлат университети юридик факультети кутубхонаси сифатида, 1920 йилда ташкил топган. Юридик факультет кутубхонаси Тошкент Давлат университети Асосий кутубхонасининг йирик филиалларидан бири эди. 1991 йил Тошкент Давлат юридик институти ташкил этилиши муносабати билан кутубхона Тошкент Давлат университети Асосий кутубхонаси таркибидан чиқарилди ва ТДЮИ мустақил кутубхонасига айлантирилди.

Кутубхонани комплектлаш ТДЮИ босмахонаси, «Матбуот тарқатиш ўюшмаси», Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ушбу вазирликнинг «Муаллим» мувофиқлаштирувчи маркази, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» нацириёти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ва бошқа муассасалар орқали амалга оширилади. Кутубхона ўз фондини институт мавзусига оид республикада ва Россияда чиққан даврий нашрлар билан тўлдириб боради. Кутубхона 36 номда маҳаллий журналларни ва 34 номда Россияда нашр этиладиган журналларни, 36 номда маҳаллий газеталар ва 3 номда Россия газеталарини олиб туради. Кутубхона фонди ҳар йили 5000-6000 нусха босма нашрлар билан тўлдириб борилади.

Бугунги кунда кутубхона фондида жами 205232 нусха китоблар, журналлар, газеталар, брошюралар, диссертациялар, авторефератлар ва методик қўлланмалар бор. Электрон ташувчиларда 96 номда 233 дискда ҳужжатлар жамланган.

Кундузги бўлим талабаларига 70 ўринли қироатхона хизмат кўрсатади. Сиртқи бўлимда ва «Талабалар уйи»да кутубхонасининг икки филиали ишлаб турибди. Филиал кутубхоналар компютерлар билан жиҳозланган. «Талабалар уйи»да яшайдиган талабалар оператив ахборот

олиши учун барча ишларга яратилган. Кутубхона эрталаб 9 дан кечки соат 10 гача ишлайди. Сиртқи бўлим талабалари учун мўлжалланган кутубхона кечқурун 6 гача ишлайди. Китобхонларга иккى қироатхона хизмат кўрсатади.

ТДЮИ кутубхонаси фонidlари ўзбек, рус, инглиз, немис ва бошқа тиллардаги адабиётлар билан комплектланади. Кутубхона фондини илмий ва ўқув адабиётлари ташкил этади. Илмий фонд 53732 нусха миқдорида китоблардан, шу жумладан 26273 нусха ўзбек тилидаги адабиётлардан иборат. ўқув фонди 115586 нусхани, шу жумладан ўзбек тилидаги нашрлар 53755 нусхани ташкил этади. Инглиз, немис, француз тиллари ва бошқа тиллардаги адабиётлар – 4369 нусха. Кутубхонага 3311 китобхон аъзо. Ўртacha йиллик қатнов 196806 тани ташкил этади. Ҳар йили китобхонларга 161249 нусха адабиётлар берилади.

Кутубхонада ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистоннинг янги қонунлари», «Қонунлар ва қарорлар», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари», «ТДЮИ ўқитувчиларининг илмий асарлари» номли картотекалар ва маълумотлар базалари юритилади. Кутубхона ҳар йили элликка яқин мавзуда ҳар хил кўргазмалар ўюштиради. Кутубхонада Россияда чиқадиган хукуқقا оид даврий нашрларнинг маълумотлар базаси, чет тилидаги адабиётлар каталоги, 1920–2002 йилларда олинган китоблар каталоги, диссертациялар ва авторефератлар каталоги, даврий нашрлар каталоги, ноёб нашрлар каталоги ва бадиий адабиётлар каталоги ташкил қилинган.

Кутубхона электрон каталогининг маълумотлар базасида 2004 йил апрелидан бошлаб, 7 мингга яқин ёзувлар қайд этилган. Институт талабалари, аспирантлар ва ёш олимларга «Электрон кутубхона» хизмат кўрсатади. Ушбу кутубхона ёрдамида талабалар ўз билими ва дунёқарашини кенгайтириш имкониятига эга бўладилар.

Кутубхона 2004 йилдан ҳар чоракда «Ўзбекистон Республикаси ва чет эл нашрлари бюллетени»ни чоп этади.

ТДЮИ кутубхонаси нафакат илмий марказ, балки хукукий ахборот маркази ҳамdir. Бу ерда юридик фанларга, Ўзбекистонда ва чет элда чоп этилган энг янги адабиётларга, шунингдек институт тарихига оид ранг-бааранг ахборот жамланган. Бугунги кунда кутубхона республиканинг кўпгина олий ўқув юртлари ва ташкилотлари учун юридик ахборот ва ресурс маркази бўлиб қолмоқда.

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети кутубхонаси.** Низомий номидаги Давлат педагогика университетининг Асосий кутубхонаси республиканинг йирик педагогик зиё

масканларидан ҳисобланади. Ушбу кутубхона республикадаги олий ва ўрта маҳсус педагогик ўқув юрглари кутубхоналарига услубий раҳбарлик қилиб келади. У университет фаолиятида олий тоифали педагогик кадрлар тайёрлашида, психология ва педагогиканинг долзарб масалалари бўйича илмий изланишлар олиб боринида муҳим ўрин эгаллади.

Кутубхона тарихи университет тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Университет 1934 йилда институт шаклида ташкил топган. Кутубхона ўз фаолиятини шу даврда 3 минг нусхадан иборат китоб фонди билан бошлаган. Дастреб унча кагта бўлмаган бир хонада очилган кутубхона икки нафар ходим билан 315 китобхонга хизмат кўрсатар эди. 1945—46 ўқув йилига келиб кутубхона фонди 127564 нусхага етди, китобхонлар сони 4167 кишини ташкил қилди.

Йилдан-йилга китоб фонди ҳам, китобхонлар сони ҳам ортиб борди. Институт факультетлари кўпайгани сари кутубхонанинг китоб фонди ҳам кенгайиб, китобхонларга хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ҳам кўпайиб борди. 50-йилларга келиб кутубхона 380315 нусхадан иборат китоб фондига ва қуидаги уч қироатхонага эга эди: ижтимоий-сиёсий ва илмий аҳамиятга молик адабиётлар, журналлар билан хизмат кўрсатувчи қироатхона; асосий кутубхона ўқув зали; бадиий адабиётлар билан хизмат кўрсатувчи қироатхона.

Асосий кутубхона қошидаги ўқув адабиётлари билан хизмат кўрсатувчи кутубхона фонди 500000 нусхани ташкил этган. Мусиқа адабиётлари кутубхонаси фонди 40000 нусхани ташкил қилган. 60000 нусхадан иборат нашрларни ўз ичига олган 65 та кафедра кутубхоналари фаолият кўрсатган.

60-йилларга келиб китоб фонди 765414 нусхани, китобхонлар сони 10072 кишини, кутубхона ходимлари сони 30 кишини ташкил қилди. 70-йилларга келиб эса, кутубхона фонди 815235 нусхага, китобхонлар сони — 16092 кишига, ходимлар сони — 50 кишига етди.

Кутубхона таркибида ҳам жiddий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, 10 ходимдан иборат ахборот-библиография бўлими ташкил қилинди (1974 йил). Кутубхона фонди мунтазам равишда бойитиб борилди.

70-йилларнинг охирига келиб асосий кутубхона ўқув зали кенгайтирилди, унда шуғулланувчи китобхонлар учун мўлжалланган ўринлар сони 275 тага етказишиди. Шу даврда илмий ходимлар учун 50 ўринли қироатхона ташкил қилинди. Кутубхонанинг барча бўлимлари кенгайтирилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди.

1984 йил бошида кутубхонанинг умумий фонди 982972 нусхага етди. Шу йилнинг ўзида кутубхона 500 номда илмий, илмий-услубий,

бадиий ва бошқа журналларга, 49 номда марказий ва маҳаллий газеталарга обуна бўлди.

Кутубхона фондидағи адабиётлар рус, ўзбек, қозоқ, Қрим-татар тилларидағи нашрлардан иборат. Айниқса, Шарқ педагог мутафаккирларидан Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Ҳамза каби алломаларнинг асарлари кутубхонанинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Кутубхона табиий ва аниқ фанлар, фалсафа, тарих, педагогика ва психология фанларига оид ўз жамғармасида катта қимматга эга бўлган адабиётлар тўплаган. Бадиий адабиётлар фонди ҳам турли ҳалқлар ёзувчиларининг аҳамиятга молик бўлган асарлари билан бойитилган.

Кутубхона ходимлари янги адабиётларни китобхонлар ўртасида тарғиб қилишга катта аҳамият беради. Кутубхонанинг барча филиалларида турли мавзуларда кўргазмалар ташкил қилинади. Кутубхона «Янги келган адабиётлар» ахборотномасини кўп йиллардан бери нашир этиб келади.

Кутубхона ходимлари китобхонларга маданиятли ва имконият даражасида тез хизмат кўрсатишга ҳаракат қиласидар. Китобхонларга хизмат кўрсатиш усуслари доимий равишда янгиланиб туради. 1979 йилдан бўён биринчи курсларга группавий усуlda хизмат кўрсатилади. Бу усул вақтни тежашда ҳам қўл келмоқда.

Кутубхонада КАА ташкил қилинган бўлиб, талабалар, илмий ходимлар, аспирантлар унинг ёрдамида ўзларига зарур китобларни бошқа кутубхоналардан сўраб олишлари мумкин.

Керакли адабиётларни қийналмасдан топиш мақсадида кутубхонада алифбели ва системали каталоглар тузилган. Шу билан бирга, кутубхонада диссергациялар, тақризлар, янги китобларнинг бир қанча картотекалари ташкил қилинган.

Кугубхона республикадаги 14 та педагогика олий ўқув юртлари ва 37 та билим юртлари кутубхоналарига услубий раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда кутубхона таркибида қуйидаги бўлимлар фаолият олиб бормоқда: 1. Маъмурий бўлим. 2. Фондларни адабиётлар билан тўлдириш бўлими. 3. Адабиётларга ишлов бериш бўлими. 4. Маълумотнома-билиография бўлими. 5. Илмий-методик бўлим. 6. Асосий кутубхона ўқув зали. 7. Хизмат кўрсатиш ўқув кутубхонаси. 8. Мусиқа факультети кутубхонаси. 9. Тарих ва чет тиллар факультети кутубхонаси. 10. Ўзбек филологияси факультети кутубхонаси. 11. Ёткхоналардаги филиал кутубхоналар. 12. Малака ошириш факультети

кутубхонаси. 13. Чет тиллар ўқув зали кутубхонаси. 14. Бадий адабиётлар кутубхонаси.

2003 йилда кутубхонанинг умумий китоб фонди 885345 нусхани ташкил қилди. Китобхонлар умумий миқдори 14300 киши, шундан талабалар – 12600 киши. Шу йил кутубхона фондига 20927 нусха адабиётлар олинди.

Талабалар юқори даражада билим олишини таъминлаш мақсадида кутубхонага ҳар хил замонавий технологиялар кириб келмоқда. Кутубхона ихтиёрида 14 компьютер, 3 принтер, 1 телевизор, 1 видеомагнитофон, 2 аудиомагнитофон, 1 нусха кўчирувчи ускуна, 2 сканер мавжуд.

Кутубхона ўз иш фаолиятида республика нашриётлари, шаҳар кутубхоналар коллектори, китоб савдоси дўконлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги ўқув адабиётлари фонди, республикада фаолият олиб бораётган чет эл фирмалари, «Евросиё» фонди, кутубхоначилар уюшмаси, «Устоз» жамғармаси билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кутубхона университетнинг «Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси билан ҳамкорликда яратган «Biblio» дастури орқали ўз фондининг электрон каталогини тузиш устида иш олиб бормоқда.

**Тошкент ахборот технологиялари университети кутубхонаси.** Университет кутубхонаси 1955 йилда ташкил қилинган. Унинг фонди негизини Одесса, Ленинград ва Москва алоқа институтлари юборган ижтимоий фанлар, физика, математика ва кимёга оид бир неча юз китоб ташкил этган. Шу йил кутубхона дўконлар ва Тошкент кутубхоналар коллектори орқали адабиётлар харид қила бошлади. 1956 йил 1 январга қадар бўлган ҳолатга кўра, кутубхона фонди 4395 нусхадан иборат эди. У 15 ўқитувчи ва 153 талабага хизмат кўрсатарди.

Университет ўсиши билан бирга унинг кутубхонаси ҳам ривожланиб борди. 35 йилдан кўпроқ вақт мобайнида кутубхона ишининг асосий кўрсаткичлари яхшиланиб борди: кутубхона фонди, китобхонлар ва берилган китоблар сони кўпайди. Китобхонларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Кутубхона 80-йиллар охири – 90-йиллар бошида энг юқори кўрсаткичларга эришиди: қатновлар сони 156996 тага, берилган китоблар сони – 345485 бирликка, олинган адабиётлар – 26861 тага етди.

90-йилларнинг бошида кутубхона муайян қийинчиликларни кечирди ва 1995 йилда энг паст кўрсаткичлар қайд этилди. Шундан

сүнг кутубхона фаолиятида кескин бурилиш ясалди ва кўрсаткичлар изчили тарзда оша бошлиди, электрон кутубхона очилганидан кейин эса, қатновлар сони ҳалто 90-йиллар бошидаги кўрсаткичдан ҳам ошиб кетди.

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Қатновлар	92830	94128	98436	103021	105606	114136	121227	215340
Берилган китоблар	226552	230625	234084	239553	256880	260212	269948	305052
Янги адаб- иётлар	4532	6130	5776	4467	6760	9611	13157	6743

Хозирги вақтда кутубхона ягона аъзолик гувоҳномасига асосан 4,5 минг китобхонга ва электрон ресурслардан фойдаланувчиларга хизмат кўрсатмоқда. Университет талабалари, профессор-ўқитувчилар таркиби, ходимлар, аспирантлардан ташқари, кутубхона китобхонлари орасида бошқа олий ўкув юргарининг талаба ва ўқитувчилари, малака ошириш курсларининг тингловчилари, телекоммуникациялар соҳасида ишловчи ташкилотларнинг ходимлари ҳам бор. Кутубхона абонементлар тизими орқали адабиётлардан уйда, шунингдек, қироатхоналарда фойдаланишига кенг имконият яратган. Кутубхона икки таркибий қисм: анъанавий кутубхона ва электрон кутубхонадан иборат. Анъанавий кутубхона тўрт абонемент: илмий адабиётлар, ўқув адабиётлари, бадиий адабиётлар ва чет эл адабиётлари абонементларига, уч қироатхонага, адабиётларни комплектлаш ва уларга илмий ишлов бериш бўлими ҳамда маълумотномабиблиография бўлимига эга. Электрон кутубхона уч зацдан иборат бўлиб, шулардан иккитаси талабалар (34 компьютер) ва битгаси – ўқитувчилар (6 компьютер) ихтиёридадир. Барча китоб бериш шохобчаларида жами 12 мингдан ортиқ китобхон ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатилади. Ҳар куни кутубхонага ўрта ҳисобда 660 китобхон ташриф буюради, бир йилда 300 минг бирликдан ортиқ китоб берилади.

Кутубхона фонди буғунги кунда 295 минг нусха китоб, брошюра, журналлар, дискет ва CD дискларидан иборат. Фонднинг 59,6% ни ўқув адабиётлари, 33,4% ни илмий адабиётлар, 5,4% ни бадиий адабиётлар ташкил этади. Сўнгги уч йил давомида кутубхона ҳар йили ўрга ҳисобда 9 мингтага яқин китоб олади, 100 га яқин номда журнallар ва 36 номда газеталарга обуна бўлган.

Кутубхона китобхонлар билан ишлашининг ҳар хил шакл ва

усулларини қўллайди, чунончи: ойда икки марта «Ахборот кунлари» ўтказилади; тематик китоб кўргазмалари, шунингдек, янги адабиётлар кўргазмалари ташкил этилади; янги адабиётлар ҳақида ахборотномалар мунтазам равишда чиқариб борилади; 1980 йилдан кутубхона кафедралар кунини, 1983 йилдан, битирувчилар кунини, эндиликда эса, бакалаврлар кунини ўтказиб келади ва ҳоказо.

Сўнгги йилларда кутубхонада янги ахборот технологияларини амалга жорий этишга, кутубхоначилик-ахборот жараёнларини компьютерлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Электрон кутубхона ташкил этиш бўйича дастлабки қадамлар ўтган асрнинг 90-йилларида ташланган эди. 1998 йил деқабрда Антверпен олий мактаби кутубхонаси билан биргаликда «Libanta» лойиҳаси амалга оширила бошланди. Натижада, кутубхонада аспирантлар учун мўлжалланган Европа андозаларига жавоб берадиган қироатхона жихозланди. Тегишли асбоб-ускуналардан ташқари икки компьютер, телевизор, видеомагнитофон, видеокассеталар ва лазер дискларнинг катта тўплами, инглиз тилидаги китоблар, «ИРБИС» дастури, янги «УДК» жадвалларининг электрон версияси харид қилинди. «Libanta» лойиҳасига асосан Россия Давлат оммавий илмий-техникавий кутубхонаси мутахассислари иштирокида «ИРБИС» дастуридан фойдаланиш бўйича семинар ўтказилди. Семинарда Тошкентдаги йирик кутубхоналар, чунончи: Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва бошқалар қатнашди. 2001 йил октябрда кутубхона Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан 40 дона компьютер билан таъминланди. Университет томонидан кутубхонага қўшимча майдон (488 кв. м.) ажратиб берилди. Унда сиёсий, иқтисодий ва бадиий адабиётлар абонементи, янги олингандар учун қироатхона ва ёрдамчи бўлимлар жойлашди. Бўшаган майдонга электрон кутубхона жойлаштирилди. Бундан ташқари, 7 штат бирлиги ажратилди ва 25 октябрда электрон кутубхонанинг биринчи қироатхонаси, 25 марта эса, талабалар учун иккинчи қироатхона, ўқитувчилар ва ходимлар учун ўкув зали очилди.

Электрон кутубхона қироатхоналари ва ўкув залида фойдаланувчилар электрон каталог, электрон журналларнинг тўлиқ матнли маълумотлар базаси, университет ўқитувчиларининг маъруза матнлари, Интернетдан олингандар китоблар ва брошюраларнинг тўлиқ матнли маълумотлар базаси билан ишлаш имкониятига эгадирлар. Сайтлардаги ахборот рубрикаларга бўлиб жойлаштирилган, қидирав тизими ташкил қилинган бўлиб, улар таянч сўз ёрдамида университет сайтидаги зарур ресурсларни танлаб олади.

Университет талабалари ва ўқитувчилари бутун иш куни давомида  
Интернетдан текинга фойдаланиш имкониятига эга.

Биринчи курс талабалари учун электрон кутубхона маълумотлар  
базаларидан фойдаланиш бўйича машгулотлар ташкил қилинган.

**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг Асосий кутубхонаси.** Институт кутубхонаси 1974 йил Ўзбекистон хукуматининг қарори билан маданият муассасалари, шу жумладан, кутубхоналар учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш мақсадида Маданият институти ташкил этилган вақтдан буён фаолият кўрсатиб келади. Ўша даврда институтга Низомий номидаги Тошкент педагогика институтидан кутубхоначилик факультети, Театр ва рассомчилик институтидан бир неча бўлим, Тошкент Давлат консерваториясидан мусиқа бўлимлари ўтказилди ва, шу билан бирга, кўрсатилган ўқув юргарининг кутубхоналаридан маданият ва санъат йўналишидаги ўн минг нусхага яқин адабиётлар ҳам ўтказилди. Янги очилган институт кутубхонасида китобхонларга хизмат кўрсатиш, адабиётлар билан тўлдириш ва уларга қайта ишлов бериш, мусиқа адабиётлари, библиография бўлимлари ташкил этилди.

Хозирги кунда кутубхонада 9 штат бирлигига 7 нафар олий маълумотли, шу жумладан 6 нафар маҳсус олий маълумотли ва бир нафар тугалланмаган олий маълумотли ходим ишлайди. Кутубхонада китобхонларга хизмат кўрсатиш (уйга китоб бериш, ўқув зали билан бирга) бўлими, бадиий адабиётлар шўъбаси, мусиқа адабиётлари бўлими, библиография шўъбаси, кутубхона фаолиятини автоматлаштириш (ёки компьютер) шўъбаси мавжуд. Кутубхона фондида жамланган адабиётларнинг асосий қисмини институт профилидаги ўқув адабиётлари, ижтимоий-сиёсий адабиётлар ташкил этади.

Кутубхонада 6 та компьютер, сканер, 2 та принтер бор. Кутубхона фондининг электрон каталоги яратилмоқда. Ҳар бир кафедрада ўғиладиган фанлар бўйича кутубхона фондида мавжуд адабиётлар рўйхати тузилмоқда. Китобхонлар ҳақидаги маълумотлар ҳам компьютерга киритилмоқда.

Кутубхона фонди давримизнинг долзарб масалаларига оид, институтда ўқитилаётган ҳар бир фанинг мақсадига мос келадиган ўқув адабиётлари, бадиий асарлар ва бошқа турдаги адабиётлар билан тўлдирилиб турибди. Бунинг учун барча давлат ва хусусий ташкилотлар, китоб савдоси ташкилотлари, китоб фирмалари билан яқин алоқалар ўрнатилган. Кутубхонада унинг «олтин фонд» ташкил этилган. Бу фондга институтнинг собиқ ўқитувчилари, ҳозирги даврда

ишиштаган ўқитувчи-профессорлар, хизматчилар, институттага мәжмон бўлиб келган ёзувчи, шоирлар, санъаткорлар ва институтнинг собиқ талабалари – ижодкорлар томонидан соғфа қилинган адабиётлар олинади. Кутубхона институтнинг маънавият бўлими, ўқув ишлари бўлими ва бошқа бўлимлар билан ҳамкорликда турли оммавий тадбирлар ўтказади, ҳар хил мавзуда доимий ва муваққат китоб кўргазмалари ташкил этади.

Кутубхонада маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидағи кутубхоналардан ташқари, Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи кутубхоналар учун услубий ишлар олиб борилмоқда. Кутубхона ходимлари жойларга чиқиб, уларни қизиқтирган масала ва муаммолар бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатадилар. Масалан, 2005 йилда Мудофаа вазирлиги тизимида ишлайдиган 90 дан ортиқ кутубхона ходимлари учун уч кунлик семинар ўтказилди. Китобхонларга хизмат кўрсатиш, кутубхона иш ҳужжатларини юритиш, оммавий тадбирлар ўтказиш ва библиография фаолиятини олиб бориш, бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш борасида маърузалар қилинди ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Турли йўналишдаги кутубхоналарга, масалан, Молия коллежи, колледж ва академик лицейлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институти кутубхонаси билан икки йилдан бўён биргаликда иш олиб борилмоқда. Уларнинг фондини ташкил этиш, каталоглар тузиш, китобхонларга хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича амалий ёрдам бераб келингти. Кутубхона республикада ва халқаро миқёсда кутубхоначилик масалалари бўйича ўтказилаётган семинарлар ва бошқа анжуманларда, кўрик-танловларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорликда «Кутубхонада фандрайзинг» номли услубий-библиографик қўлланма нашр этилди. Ҳозирги кунда Асосий кутубхона ноширлик фаолиятини ҳам бошлаш арафасида. Атоқли ўзбек адиби Ойбек таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Ойбек» номли библиография, институтнинг собиқ ректори, адабиётшунос олим Ҳафуз Абдусаматовнинг 80 йиллик юбилейига бағишиланган библиографик кўрсатич, 2006 йилда 80 йиллик юбилейи нишонланган институтнинг биринчи ректори, академик Азизхон Пўлатхон ўғли Қаюмов библиографияси яратилди. Кутубхона ходимлари келгусида бошқа вазирликларга қарашли кутубхоналар учун услубий қўлланмалар яратиш ниятида. Мақсад – кутубхонани барча турдаги кутубхоналар учун ўзига ҳос лабораторияга,

кутубхоначилик факультети тайёрлаётган кадрлар учун ўқув марказига айлантириши. Зотан, Асосий кутубхона – айнан кутубхоначи мутахассислар тайёрлайдиган институт кутубхонасидир.

### 3-§. Малакали кутубхоначи ходимлар тайёрлаш тизими

Кутубхоначилик ишининг ривожланишини юқори малакали мутахассисларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Урушдан кейинги даврда шаҳар ва қишлоқларда кутубхоналар тармоғининг ўсиш суръатлари кутубхоначилик иши соҳасида асосий билимларни берадиган маҳсус таълим тизимини бунёд этишни тақозо этар эди. Шундай билимларни 1937 йилда ташкил қилинган Тошкент кутубхоначилик техникуми (ҳозирда – Тошкент маданият коллежи) берарди. Андижон маданий-оқартув техникуми ва бир қанча педагогика техникумларининг битирувчилари ҳам кутубхоначи бўлиб ишлар эдилар. Кутубхоначилик иши соҳасида олий маълумотли мутахассислар билан республика кутубхоналари Россия ва Украина маданият олий ўқув юртлари битирувчилари, шу жумладан, мазкур ўқув юртларига ўқишига юборилган ўзбекистонликлар ҳисобидан тўллириларди. Кутубхоначилик таълими соҳасидаги илк ўрта маҳсус ўқув юрти (Тошкент кутубхоначилик техникуми)дан сўнг таркибида кутубхоначилик бўлими бўлган маданий-оқартув техникумлари Наманган (1964), Қарши (1968), Нукус (1972), Бухоро (1974) шаҳарларида очилди. 70-йилларнинг ўрталарида улар ҳар йили 600 дан ортиқ ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар, шу жумладан кутубхоначилар тайёрлар эди. 1973—1983 йилларда республиканинг умумистифода универсал кутубхоналар тизимида ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар миқдори 21,2% дан 30,9% га кўпайди.<sup>46</sup>

Ўзбекистонда кутубхоналар тармоғининг ўсиб бориши, жамият ҳаётilda кутубхоналар ролининг ортиши олий маълумотга эга бўлган кутубхоначи кадрлар тайёрлашини тақозо этар эди. Шу муносабат билан 1958 йилда Кўқон Педагогика институтида кутубхоначилик факультети очилди. 1960 йил бу факультет Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти таркибига ўтказилди. Факультетга дастлабки йилдаёқ 300 талаба қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий миллатга мансуб ёшлар эди. Факультет дастлабки даврда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари кутубхоналари учун ҳам кадрлар тайёрлаб берди. 1973 йил факультетда 14 миллат вакиллари таълим олди.

1964—1974 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кутубхонашунослик факультети 2500 дан ортиқ олий малакали кутубхоначилар тайёрлаб чиқарди. Бенита техникумниг кутубхонашунослик факультетларида эса 1960—1974 йиллар мобайнида 2000 га яқин ўрга маҳсус маълумотли кадрлар тайёрланди.

50—70-йилларда республикада ўрга ва қуи бўғин кутубхона ходимларини тайёрлаш бўйича ҳар хил курслар иш олиб борди. Масалан, 1966 йилда Ўзбекистон Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган республика доимий курслари асосан шаҳар, туман ва қишлоқ кутубхоналари ходимларини қайта тайёрлашга мўлжалланган эди. Ўқиши муддати бир ой қилиб белгиланди.

Кутубхоначилик билимлари университетлари ва факультетлари асосан туман, шаҳар кутубхоналарида кенг оммалашди. Бухоро вилоят кутубхонасида қишлоқ кутубхоначиларининг уч йиллик сиртқи мактаби иш олиб борди, унда 50 киши ўқиб чиқди. Республика маданият вазирлиги ва унинг идоралари жойларда кутубхоначиларнинг малакасини ошириш учун ҳар йили бир ойлик курслар ташкил қилиб турдилар.

Вақт ўзиши билан республикада маданий-оқартув муассасалари ходимларини қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини оширишга эҳтиёж сезила бошлиди. Бундай муассаса — Республика маданият ходимлари малакасини ошириш институги 70-йилларнинг ўрталарида ташкил қилинди. Унинг таркибида кутубхонашунослик ва библиографияшунослик маҳсус-кафедраси ҳам бор эди.

70-йилларнинг ўрталарига келиб маҳсус ўқув юртлари тизими барча кутубхоналарни яхши тайёргарликка эга бўлган кадрлар билан таъминлай олмаслиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли Маданият вазирлиги Тошкент шаҳрида кутубхоначилик факультетига эга бўлган Маданият институти ташкил этиш масаласини бир неча марта кун тартибига кўйди.

Нихоят, Ўзбекистон ҳукуматининг 1973 йил 4 октябрдаги қарорига асосан 1974 йил сентябрдан Тошкент Давлат маданият институти ташкил топди. Олий маълумотли кадрлар тайёрлайдиган маданият масканининг ташкил этилиши билан республикада малакали кутубхоначи кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизими вужудга келди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда 70-йилларнинг ўрталарида кутубхоначи кадрлар тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган таълим тизими тўла таркиб тоиди — 5 та маданий-оқартув техникуми ва Маданият институтининг кутубхонашунослик факультети, Республика маданият ходимларининг малакасини ошириш институти, вилоят ва

туман кутубхоналари қошидаги қисқа муддатли курслар, семинарлар ва бошқа маңака ошириш шакллари ишлаб турди.

Тошкент Давлат маданият институтининг ташкил топиши Ўзбекистонда кутубхоначилик олий таълим министрига ривожланишида янги босқич ясади. Янги очилган институттага педагогика институти кутубхоначилик факультетининг талабалари ва ўқитувчилари, шунингдек, консерватория ва театр ва рассомчилик институтининг бир гурӯҳ ўқитувчи ва талабалари ўтказилди. Улар Маданият институти профессор-ўқитувчилар таркиби ва талабалар Оммавийсининг асосий ўзагини ташкил қилди.

Институт фаолиятининг биринчи йилида ёк «Кутубхонашунослик ва библиографияшунослик» ихтисослиги бўйича 516 киши, шу жумладан кундузги бўлимга 245 киши, кечки бўлимга, 75 киши ва сиртқи бўлимга 196 киши қабул қилинди.<sup>47</sup> Кейинги йилларда кутубхоначилик муассасаларининг ходимларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб институттага қабул қилинувчи талабалар ва тегишинча тайёрланган мугахассислар сони кўпайиб борди.

1974—1990 йиллар мобайнида ҳам малакали кутубхоначи кадрлар тайёрлаш соҳасида маълум ютуқларга эришилди. Абулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхонашунослик факультетида 1974—1984 йиллар мобайнида 4449 малакали кутубхоначи-библиографлар тайёрланди. Ўзбекистонда мавжуд 5 та маданий-оқартув техникуми 1972—1984 йилларда ўрта маҳсус маълумотли 5898 нафар мутахассис етиштириб берди. 1979 йилда Наманган шаҳрида Тошкент Давлат маданият институтининг комплекс факультети очилиб, у 1987 йилгача фаолият кўрсатди. Шу орада мазкур факультетдан юзлаб олий маълумотли кутубхоначи-библиографлар етишиб чиқди. 1985—1990 йилларда эса, Маданият институти кутубхонашунослик факультетини 872 ёш мутахассис битириб чиқди. Улардан таишари, мазкур факультетда Болгария, Мўғулистон, Афғонистон, Лаос, Эрон каби хорижий давлатлардан келган талабалар ҳам таълим олди.

1990 йилда республиканинг умумистифода давлат кутубхоналарида 11598 киши меҳнат қилди, шундан 2230 нафари ёки 19,2 фоизи маҳсус олий маълумотли, 4108 нафари ёки 35,4 фоизи маҳсус ўрта маълумотли мутахассислардир. Демак, Ўзбекистон Маданият вазирлигига қарашли кутубхоналарда жами 6338 киши маҳсус кутубхоначилик маълумотига эга бўлиб, улар умумий миқдорининг 54,6 фоизини ташкил этади. Вилоят кутубхоналари бўйича энг юқори кўрсаткич Бухоро вилоятида 78,1 фоизни, Наманганда — 71,4,

Қорақалпоғистонда – 68,7 фоизни ташкил этди. Энг паст даража Сурхондарёда – 20,2 фоиз, Сирдарё вилоятида – 24,8, Андижон вилоятида – 34,4 фоиз бўлди. Умумистифода давлат кутубхоналарида ишилаётганларнинг 6999 нафари қишлоқ кутубхоналарида меҳнат қилаётганлар бўлиб, уларнинг 3582 нафари ёки 51,2 фоизи маҳсус кутубхоначилик маълумотига эга (12,6 фоизи олий, 38,6 фоизи – ўрта маҳсус маълумотли).<sup>48</sup> Республика кутубхоначи кадрларининг умумий миқдори 1980-1990 йиллар мобайнида 2013 кишига ёки 119 фоиз ошганилигини, маҳсус маълумотга эга бўлган кутубхоначиларнинг умумий миқдори 44,2 фоиздан 54,6 фоизга қўттайганлигини таъкидлаш лозим<sup>49</sup>.

Ислоҳотлар талабига мос келувчи малакали кутубхона кадрларини тайёрламасдан кутубхоначилик ишида муваффақиятга эришиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам республикамиизда олий таълим, шу жумладан кутубхоначилик олий таълими тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тизим республика даражасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий хужожатлар, чунончи: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ривожланмоқда. Таълим тизимини ислоҳ қилишга Ўзбекистон Республикаси Президентгининг «Таълим ва кадрлар тайёрлаш, соғлом авлодни тарбиялаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисида», «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги фармонлари ҳам қаратилган.

Айрим иқтисодий қийинчилкларга қарамай, сўнгги йилларда кутубхона кадрларини тайёрлашда муайян муваффақиятларга эришилди. Чунончи:

—«Кутубхонашунослик ва ахборот тизимлари» йўналиши бўйича Давлат таълим стандарти ишлаб чиқилди ва амалга жорий этилди;

—2001, 2002 ўкув йилидан бошлаб янги ўкув режаси яратилди ва унинг асосида ҳозир таълим жараёни амалга оширилмоқда;

—янги ўкув режасига мувофиқ ахборот тизимлари ва тармоқлари, автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари каби янги фанлар бўйича ўкув дастурлари ишлаб чиқилди ва таълим амалиётига татбиқ этилди. Ўкув дастурларида таълим жараёнидаги янги технологияларга муҳим ўрин берилган (ушбу дастурлар асосида ўқитувчилар маъruzalар матнларини тўлиқ янгиладилар;

—талабаларнинг билимини баҳолаш учун янги рейтинг услуби қўлланилмоқда;

—абитуриентлар қабул қилиш тест синовлари ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда;

—китубхоначилик иши бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди (масалан, М.А. Раҳматуллаевнинг «Китубхоналарда ахборот технологиялари» монографияси нафақат талабалар, балки китубхона жараёнларини автоматлаштириш билан шуғулланувчи мутахассислар учун ҳам ўқув қўлланмасига айланди);

—институтнинг илмий китубхонаси Россияда нашр этилган китубхоначилик ишига доир маҳсус адабиётлар билан мунтазам равишда тўлдириб борилади;

—китубхоначилик факультетининг моддий-техника базаси яхшиланмоқда: таълим мақсадлари ва интернет-ресурслардан фойдаланиш учун компьютерлаштирилган марказ ташкил этилди;

—чет мамлакатлар билан китубхона кадрлари алмасиш йўлга кўйилди: факультет ўқитувчилари Германия, Россия ва Украинада тажриба ошириб қайтилар.

Китубхоначилик факультетининг ўқув режаси ҳозирги давр талабларига жавоб берадими? Ёш мутахассислар китубхоналарнинг технологик жараёнларини автоматлаштириш учун зарур билимларни оладими? «Ўзбекистонда китубхоначилик таълими: ҳозирги ҳолати ва уни ислоҳ қилиш йўллари» мақоласининг муаллифи У. Каримов факультет ўқув режасини таҳлил қилиб, қуйидаги хуносаларга келди<sup>50</sup>.

Республика китубхоналари учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш «Китубхонашунослик ва ахборот тизимлари» бакалавриат йўналиши ва магистратуранинг айрим ихтисосликлари бўйича амалга оширилмоқда. Ҳар йили ушбу йўналиш учун давлат гранти бўйича 25 ўрин, магистратура мутахассислари учун — 3 ўрин ажратилади.

Янги ўқув режаси таълим жараёнига 2001 йилдан жорий этилган. ўқитиладиган фанлар 5 групга ажратилган: гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар; математик ва табиий-илмий фанлар; қасбга доир умумий фанлар; маҳсус фанлар; қўшимча фанлар.

Бу фанларнинг ҳаммасига ўқув режасида жами 7344 соат ажратилган. Бунда маҳсус фанлар групҳи алоҳида ўрин тугади. «Қасбга доир умумий фанлар» групҳи 18 фанни ўз ичига олади. Улар орасида «Бирлаштирилган китубхона-ахборот тизимлари» (162 соат), «Электрон каталог» (108 соат), «Ахборот тизимлари ва тармоқлари» (132 соат) бор. Бундан ташқари, ўқув режасининг иккинчи групига «Информатика ва ахборот технологиялари» (270 соат) фани киритилган бўлиб, у «кутубхоналарни автоматлаштириш»ни ўрганишда асосий ўрин тутади. Биринчи курсда ўқитиладиган «ЭҲМ оператори» (100 соат) фани компьютер саводхонлигини ошириш жараёнининг муҳим қисми ҳисобланади.

Ахборот технологиялари билан бевосита боғлиқ бўлған фанларга ўкув режасида жами 1095 соат ажратилган. Бу кўпми ёки камми? Агар бу фанлар лозим даражада ўқитилса, талабаларнинг янги замонавий билимлари давр талабларига мос келади. Бу эса, ўз навбатида, бакалаврлар тайёрлаш сифатини оширишга замин ҳозирлайди.

2001 йилдан бакалаврларни магистратурага қўйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилиш амалга оширилмоқда: «Ахборот тизимлари ва жараёнлари», «Кутубхонашунослик ва библиография», «Документалистика, ҳужжатшунослик ва архившунослик», «Китобшунослик ва китоб маркетинги».

Ўзбекистонда кутубхона кадрлари тайёрлаш тизимининг ислоҳ қилиниши кўп босқичли жараёнга айланиши ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мос келиши лозим. Унинг мақсад ва вазифалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиқади ва қўйидагилардан иборат:

—педагогик кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини давр талабларига мос келадиган даражага етказиш, магистратура, аспирантура ва докторантурани ислоҳ қилиш;

—таълим олувчиларнинг тайёргарлик ва малака сифатига қўйиладиган зарур талабларни белгиловчи давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва амалга жорий этиш;

—ўкув-услубий комплексларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш;

—узлуксиз кутубхоначилик таълими учун халқаро алоқаларни кенгайтириш;

—магистратурада «Автоматлаштирилган ахборот ресурслари технологи», «Кутубхоначилик иши маркетологи» каби ихтисосликлар бўйича тингловчилар тайёрлашни такомиллаштириш;

—сиртқи бўлим ташкил этиш (ўрта маҳсус маълумотли ёш мутахассислар олий маълумот олиши учун), замонавий масофадан туриб ўқитишининг барча имкониятларини ишга солиш;

—Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси негизида Ўзбекистон ва чет мамлакатларнинг етакчи мутахассисларини жалб этган ҳолда, кутубхона кадрларининг малакасини ошириш учун маҳсус ўкув курслари ташкил этиш.

## ХУЛОСА

1. Урушдан кейинги биринчи ўн йилликда Ўзбекистон олдида мушкул вазифа — уруш туфайли вайрон бўлган хўжаликни тиклаш, иқтисодиётни оёққа турғизиш, саноат ишлаб чиқаришини тинч давр шароитида ишлашга жадал суръатларда қайта ихтисослаштириши, тўзиган ва ёпилиб кетган кутубхоналарни тиклаш, янги кутубхоналар қуриш вазифаси кўндаланг бўлди.

2. Сталин ўлимидан сўнг (1953 йил март) 30—50-йиллардаги асоссиз сиёсий қатағонларнинг миллионлаб қурбонлари қамоқоналар ва концентрацион лагерлардан озод қилинган урушдан кейинги иккинчи ўн йиллик жамият ижтимоий-маданий ҳаёти анча эркинлашган, «халқлар отаси» шахсига сифиниш даврининг асоратлари одамлар онгидан сиқиб чиқарилган мухитда кечди. Сталинизм танқидига асосланган мафкурадаги ўзгариш ижтимоий онгга жуда катта таъсир кўрсатған оламишумул воқеа бўлди. Айнан мана шу ўзгариш мамлакатда демократик ва эркпарварлик ҳаракатлари ривожланиши учун замин ҳозирлади, бу ҳаракатлар ва кучлар XX аср 90-йилларининг бошида Иттифоқда антидемократик ҳокимият тизимини афдариб ташлади.

1953—1964 йилларда амалга оширилган ўзгаришлар нафақат сиёсат ва иқтисодиётни, балки маданият, фан, маорифни ва жамият маънавий ҳаётининг бошқа жабҳаларини ҳам қамраб олди. Улар кўп сонли бўлса-да, лекин асосан ноизчил ва пухта ўйланмаган эди. Давлат маданий сиёсатининг вақтинчалик эркинлашуви аста-секин барҳам топиб, илмий ва ижодий зиёлилар яна таъқиб ва қувғин қилина бошлиди.

1964 йил октябрда СССРда ҳокимиятта янги раҳбарият келиши билан партия-номенклатура яккаҳокимлигининг кучайиши яна сезила бошилади. У сиёсий ҳурфиксаликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши эканлигини очиқ-ойдин намоён этди. Янги раҳбарият ўзининг эркинлаштириш жараёнларига чек қўйиш ниятини яшириб ўтирумади. Мамлакатда сталинизмнинг тикланиш хавфи туғилди. 1964—1984 йиллар даври «Иттифоқ раҳбариятининг «хўжум ва тазиик билан» «коммунизмга сакраш»ни амалга ошириши ҳамда тўқиб чиқарилган «ривожланган социализм» режаларини жорий қилиш билан, волюнтаризм ва субъективизмнинг кучайиши билан, совет давлати ҳаётининг барча соҳаларида танглик ҳолатларининг авж олиши билан ажralиб турди»<sup>51</sup>. 60-йилларнинг иккинчи ярмида саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ислоҳотлар ўтказишга уринишлар

муваффақиятсизликка учради. «60—80-йилларда мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръатлари изчил равишда пасайиб борди»<sup>52</sup>. Ижтимоий муносабатлар тизимини сўз ва иш ўртасида жуда катта тафонут қамраб олдики, бу даврнинг ўзига хос белгисига айланниб қолди. Сўзлар, тушунчалар ва назарий формулалар амалиётга мутлақо боғланмайдиган мазмун касб эта бошлади.

50-йиллардан эътиборан маданий соҳани маблағ билан таъминлашнинг «қолдиқ» принципи қарор топа бошилади. 1940 йилда ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар Ўзбекистон давлат бюджети бўйича қолган харажатларнинг 67,9% ни ташкил этган бўлса, 1950 йилда бу кўрсаткич 64,4%, 1960 йил — 50%, 1970 йил — 49,6%, — 1980 йил — 46,9% га пасайди<sup>53</sup>. Ҳатто 80-йилларнинг иккинчи ярмида қайта қуриш таъсирида рўй берган ўзгаришлар ҳам ижтимоий-маданий соҳани маблағ билан таъминлашнинг пасайиш тенденцияларини жиҳдий ўзгартира олмади. 1990 йилга келиб ушбу кўрсаткич бўйича фақат 1960 йил даражасига эришилдики, бу аҳолининг анча ошган ижтимоий-маданий эҳтиёж ва манфаатлари етарли даражада қондирилмаганилигидан далолат беради. Натижада, ижтимоий-маданий муассасаларнинг моддий аҳволи ҳам оғирлашди, бу эса табиий равишда ижтимоий-маданий иш савијисига салбий таъсир кўрсатди. 1989 йилга келиб, республикадаги клуб муассасаларининг 27,9%, кутубхоналарнинг эса, 25,9% капитал таъмирлашга муҳтож, клубларнинг 3% ва кутубхоналарининг 3,8% авария ҳолатига келиб қолган эли<sup>54</sup>. Шуидай қилиб, маданиятга иккинчи даражали нарса сифатида қарашиб йиллар ва ўн йилликлар давомида шаклланиб борди.

1970 йиллар охиридан бутун «давлат социализми» тизимида чукур ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий ва таркибий танглилари шитоб билан ривожланиб борди.

3. Тарихий жараённинг салбий омиллари ва воқеалари билан бир қаторда, Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий-маданий соҳаларида муайян ижобий ўзгаришлар рўй берганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Урушдан кейинги даврда бу ерда саноат ишлаб чиқариш комплексида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлашда сифат ўзгаришлари рўй берди, машинасозлик, энергетика, кимё, олтин, нефть ва газ қазиб чиқариш, қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат ва қурилиш саноатлари ривожланди. Аҳолининг умумий маълумот даражасида китоб ўқиши социологияси, китобхонлар сонининг ўсиши ва кутубхоначилик ишининг ривожланиши билан боғлиқ сифат ўзгаришлари рўй берди (1950 йил мактабларда етти йиллик, 1958 йил — саккиз йиллик умумий

мажбурий таълим жорий этилди, 1970 йил умумий түлиқ ўрта маълумот (11 синф) жорий этилди). 1980 йил Ўзбекистонда 9445 ўрта мактаб, 222 ўрта маҳсус ва 43 олий ўқув юрти, 36228 илмий ходим (шулардан учдан бир қисмидан кўпроги – фан докторлари ва номзодлари) фаолият олиб борар эди. Урушдан кейинги даврда аҳолининг туғилиш даражаси ўлим даражасидан кескин ошиди, жуда катта демографик портлаш рўй берди, Ўзбекистонга Иттифоқнинг бошқа республикаларидан кўчичелувчилар сони кўпайди.

4. Урушдан сўнг республика кутубхоначилик ишини давлат томонидан бошқариш тизимида муайян ўзгаришлар рўй берди. 1945 йил октябрда Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузурида республика вазирлиги мақомига эга бўлган Маданий-маърифий муассасалар ишлари бўйича қўмита тузилди. Шу муносабат билан Кутубхоначилик бошқармаси ва унинг тузилмаси маориф халқ комиссарлиги таркибидан янги тузилган қўмита таркибига ўтказилди. Маданий-маърифий ишларни жойларда бошқариш учун меҳнаткашлар депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ижроия қўмиталари қошида маданий-маърифий иш бўлимлари ташкил этилди. Маданиятнинг турли тармоқларига раҳбарликни марказлаштириш ва такомиллантиришнинг навбатдаги босқичи ўлароқ, 1953 йил апрелда Ўзбекистон Маданият вазирлиги ташкил қилинди. У кўйидаги тўрт бош бошқармадан иборат эди: Маданий-маърифий муассасалар бош бошқармаси, Санъат муассасалари бош бошқармаси, Матбаачилик саноати ва нашриётлар бош бошқармаси, Китоб савдоси бош бошқармаси. Кутубхоначилик бошқармасини ўз ичига Маданий-маърифий муассасалар бош бошқармаси олган эди.

5. 1960—1975 йиллар мобайнинда республика миқёсида кутубхона тармоқларини режа асосида ташкил қилиш ва жойлаштириш бўйича олиб борилган ишлар кутубхоначилик ишларининг энг асосий ташкилий муаммосини – ҳар бир аҳоли пунктини кутубхона хизмати билан таъминлаш вазифасини узил-кесил ҳал қилишга ёрдам берди. Республиkanинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган ривожланиш режаларида хусусан кутубхона тармоқларини тартибига солиш ишига, барча аҳоли яшайдиган жойларда кутубхона хизматини ташкил қилиш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Режада барча турдаги кутубхоналарнинг молдий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги маҳсус бинолар билан таъминлаш, кутубхона фондларини бутлаш сифатини ошириш, кутубхоналарнинг асосий иш кўрсаткичларини умумиттироқ нормативларига яқинлаштириш мўлжалланган эди.

Шундай қилиб, кутубхона тармоқларини тартибига солиш, энг

аввало аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишнинг ягона тизимини вужудга келтириш йўлида муҳим босқич бўлди. Унинг натижасида йиллар мобайнида таркиб топган кутубхоначилик ишидаги хўжасизликка чек кўйилди, тарқоқликка барҳам берилди, барча турдаги кутубхоналар фаолияти ягона бир мақсадга бўйсупдирилди, кутубхона тармоқларини тартибга солиш жараёнида кутубхоналарнинг аҳволи яхшиланди, натижада аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишнинг самарадорлиги оғди. Мана шу тадбирлар амалга оширилиши натижасида, 1975 йилга келиб, республикада деярли барча йирик аҳоли пунктлари, колхоз ва совхозлар, корхоналар амалда кутубхона хизмати билан қамраб олинди. Айтилганларни рақамлар тилига кўчирсак, 1975 йилга келиб, республикада 13,5 млн. дан ортиқ аҳоли яшаган ҳолда, 90 млн. нусхадан иборат китоб фонди бўлган 15 мингдан ортиқ ҳар ҳил турдаги кутубхоналар ишлаб турди<sup>55</sup>. Фақатгина оммавий кутубхоналар сони 1959 йилги 3205 тадан 1974 йилда 6152 тага, уларнинг китоб фонди 17692 минг нусхадан 38075 минг нусхага етди ёки бўлмаса, кутубхоналар сони қарийб икки баравар, уларнинг фонди эса, 2,2 баравар кўпайди.

6. Ўзбекистонда кутубхона тармоқларини марказлаштириш жараёнида янги кутубхона шахобчаларини ташкил этиш ва мавжуд кутубхоналар тармогини тартибга солиш соҳасида қатор ишиар амалга оширилди. Жумладан, 1975—1980 йиллар мобайнида кутубхона шахобчалари йўқ бўлган аҳоли пунктларида ялгидан 2142 кутубхона очилди. Ўзбекистон маданият ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ҳайъатларининг 1976 йил 26 январь қарорига биноан 628 та колхоз кутубхонаси марказлаштирилган кутубхоналар тизими таркибиغا киритилди, 213 та клуб қошидаги 86 та касаба уюшмаси ташкилотларига қарашли кутубхоналар марказлаштирилган тизими филиалларига айлантирилди.

7. 1980—1990 йилларда режадаги 160 марказлашган тизим ўрнига, амалда 5095 филиални бирлаштирган 191 тизим ишлаб турди, улардан 152 таси ёки қарийб 80 фоизи қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатар эди. Марказлашган тизимлар миқдорининг кўпайишини республикада янгидан, кўплаб туман ва шаҳарлар барпо этилиши билан изоҳлаш мумкин. Масалан, 1970—1980 йиллар мобайнида Ўзбекистонда шаҳарлар сони 42 тадан 102 тага оғди. Айни вақтда, шуни ҳам қайд этиш лозимки, марказлашган кутубхона тизимлари миқдори режасининг ошириб бажарилиши турғунлик даврига хос ҳодиса бўлиб, бирмунча ошириб «рапорт» бериш ўша даврда одат тусига кирган эди.

8. Урушдан кейинги йилларда вилоят аҳамиятига молик универсал илмий кутубхоналар ташкил топиш жараёни давом этди. Улар Наманган (1956), Гулистан (1964), Навоий (1968), Жиззах (1974) шаҳарлари—Наманган, Сирдарё, Навоий ва Жиззах вилоятлари марказларида очилди. Шундай қилиб, 1970 йилларнинг ўрталариға келиб, республиканинг ҳар бир вилоят марказида биттадан йирик марказий универсал илмий кутубхона фаолият олиб борар эди.

9. Махсус кутубхоналар тармоғининг ташкил топиши ва шаклланиши фан-техника тараққиёти жадаллашуви учун муҳим аҳамиятта эгадир. XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳонда фундаментал фанлардаги улкан илмий ва техникавий қашфиётлар, фан, техника ва ишлаб чиқариш ўзаро таъсирининг кучайиши билан белгиланган фан-техника инқилоби қарнов доирасининг кенгайиши қайд этилди. Фан-техника инқилоби ишчи ва хизматчиларнинг билими, малакаси, маданияти, уюшқоқлиги ва масъулияти даражасига янада каттароқ талаблар қўйди, фан-техника тараққиётини янада тезлаштириди, ҳозирги замон жамияти ҳаётининг барча томонларига ўз таъсирини кўрсата бошлади. У фанни ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг етакчи омилига, бевосита бунёдкор кучга айлантириш асосида ишлаб чиқариш кучларида туб, сифат ўзгаришлари ясади. Энергия янги турлари (атом ядрои энергияси, қуёш энергияси, кимёвий энергия) қашф этилиши ва улардан фойдаланилиши, конструкцион материаллар янги турларининг яратилиши ва амалда қўлланилиши, ишлаб чиқаришнинг, уни бошқариш ва назорат қилишнинг системали равишда компьютерлаштирилиши ва автоматлаштирилиши, жамиятнинг ахборотлаштирилиши ва ҳоказолар фан-техника тараққиётининг бош йўналишларига айланди.

10. Урушдан кейинги даврда республика кутубхоначилик иши қаринисида ижтимоий ва илмий тараққиёт талабларига, давр руҳи ва амрига жавоб берадиган махсус кутубхоналар тизимини бунёд этиш вазифаси кўндаланг бўлди. 1990 йилга келиб республикада махсус кутубхоналарнинг муайян тизими шаклланди. У 9,5 мингта махсус кутубхоналардан ташкил топган эди. Ушбу тизим ўз навбатида қўйидаги кичик тизимларга бўлинарди: барча махсус кутубхоналарнинг 85% ни ташкил этувчи Халқ таълими вазирлиги кутубхоналари (мактаб кутубхоналари), олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кутубхоналари (олий ўкув юртлари, колледжлар ва билим юртларининг кутубхоналари); илмий-техникавий кутубхоналар (барча махсус кутубхоналарнинг 8% и); соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги

вазирликлари ва бошқа тизимларга қарашиб махсус кутубхоналар (барча махсус кутубхоналарнинг 7% и).

Махсус кутубхонанинг асосий ижтимоий вазифаси касбий мутолаани ташкил этиш, муйяян гуруҳга мансуб китобхонларнинг касбга доир аҳборот ва билимларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир. Махсус кутубхоналар ишлаб чиқариш, фан, таълим ва маданият таркибига мувофиқ тарзда тузилади. Махсус кутубхоналар фаолиятининг мақсадлари, мазмуни ва иш услуги мамлакат ҳал қилаётган ижтимоий вазифалар ва фан-техника тараққиётининг хусусияти билан белгиланади.

Махсус кутубхоналар фаолияти китобхонларга касбий тайёргарлик кўришда кўмаклашиш билангина чекланмайди. Улар кишиларда илмий дунёқарашининг шаклланишида, ижтимоий-сиёсий тайёргарликда, аҳолининг умумий маданий ва техникавий даражасини оширишда, одамларда эстетик диднинг ривожланишида ҳам кўмаклашади.

Шунга асосланган ҳолда, махсус кутубхоналар фаолиятининг қуидаги йўналишларини қайд этиш мумкин:

—фан ва ишлаб чиқариш ходимларининг дунёқарашини шакллантириш;

—китобхонларнинг умумий маданий даражаси ва билимларини ошириш;

—касбий мутолаани ташкил этишда ёрдам бериш ва китобхонларнинг илмий ва техникавий билим даражасининг ошишига кўмаклашиш.

Тармоқ белгисига кўра махсус кутубхоналар уч катта гуруҳга: ижтимоий-сиёсий, табиий-илмий ва амалий соҳа кутубхоналарига бўлинади. Ушбу гуруҳлар доирасида махсус кутубхоналар янада чуқурроқ табақаланиши мумкин.

Махсус кутубхоналар бошқа кутубхоналардан китобхонлар таркиби, фондларининг кўриниши ва мазмуни, китобхонларга хизмат кўрсатишини ташкил этиш бўйича иш шакли ва услубларига кўра фарқ қиласи.

Хизмат кўрсатилаётган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг хусусияти махсус кутубхоналарни таснифлашпинг иккиласидан белгисидир. Ушбу белгига кўра илмий, ўқув ва ишлаб чиқариш кутубхоналари фарқланади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси, Республика илмий тиббий кутубхонаси ҳақли равишда республикамизнинг энг йирик махсус кутубхоналари ҳисобланади. Ушбу кутубхоналарнинг фонdlарида 700 мингдан кўпроқ адабиётлар жамланган.

11. Урушдан кейинги даврда шаҳар ва қишлоқларда қутубхоналар тармоғининг ўсиш суръатлари кутубхоначилик иши соҳасида асосий билимларни берадиган маҳсус таълим тизимини бунёд этишини тақозо этар эди. Шундай билимларни ўз битирувчиларига 1937 йилда ташкил қилинган Тошкент кутубхоначилик техникуми (ҳозирда – Тошкент маданият коллежи) берарди. Андижон маданий-оқартув техникуми ва бир қанча педагогика техникумларининг битирувчилари ҳам кутубхоначи бўлиб ишлар эдилар. Кутубхоначилик иши соҳасида олий маълумотли мутахассислар билан республика кутубхоналари Россия ва Украина маданият олий ўқув юртлари битирувчилари, шу жумладан, мазкур ўқув юртларига ўқишига юборилган ўзбекистонликлар ҳисобидан тўлдириларди. Кутубхоначилик таълими соҳасидаги ilk ўрта маҳсус ўқув юрти (Тошкент кутубхоначилик техникуми)дан сўнг таркибида кутубхоначилик бўлими бўлган маданий-оқартув техникумлари Наманганд (1964), Қарши (1968), Нукус (1972), Бухоро (1974) шаҳарларида очилди. 70-йилларнинг ўргаларида улар ҳар йили 600 дан ортиқ ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар, шу жумладан кутубхоначилар тайёрлар эди. 1973—1983 йилларда республиканинг умумистифода универсал кутубхоналар тизимида ўрта маҳсус маълумотли мутахассислар миқдори 21,2% дан 30,9% га кўпайди<sup>36</sup>.

Ўзбекистонда кутубхоналар тармоғининг ўсиб бориши, жамият ҳаётида кутубхоналар ролининг ортиши олий маълумотга эга бўлган кутубхоначи кадрлар тайёрлашни тақозо этар эди. Шу муносабат билан 1958 йилда Кўқон Педагогика институтида кутубхоначилик факультети очилди. 1960 йил бу факультет Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти таркибига ўтказилди. Факультетга дастлабки йилдаёқ 300 талаба қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий миллатга мансуб ёшлар эди. Факультет дастлабки даврда Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари кутубхоналари учун ҳам кадрлар тайёрлаб берди. 1973 йил факультеттага 14 миллат вакиллари таълим олди.

1964—1974 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кутубхонашунослик факультети 2500 дан ортиқ олий малакали кутубхоначилар тайёрлаб чиқарди. Бешта техникумнинг кутубхонашунослик факультетларида эса 1960—1974 йиллар мобайнида 2000 га яқин ўрга маҳсус маълумотли кадрлар тайёрланди.

1974 йил сентябрдан Тошкент Давлат маданият институти ташкил топди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда 70-йилларнинг ўрталарида кутубхоначи кадрлар тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган таълим тизими тўла таркиб топди — 5 та маданий-оқартув техникуми ва

Маданият институтининг кутубхонашунослик факультети, Республика маданият ходимларининг малакасини ошириш институти, вилоят ва туман кутубхоналари қошидаги қисқа мудлатли курслар, семинарлар ва бошқа малака ошириш шакллари ишлаб турди.

1974—1990 йиллар мобайнида малакали кутубхоначи кадрлар тайёрлаш соҳасида маълум ютуқларга эришилди. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхонашунослик факультетида 1974—1984 йиллар мобайнида 4449 малакали кутубхоначи-библиографлар тайёрланди. Ўзбекистонда мавжуд 5 та маданий-оқартув техникуми 1972—1984 йилларда ўрга маҳсус маълумотли 5898 нафар мутахассис этиштириб берди. 1979 йилда Наманган шаҳрида Тошкент Давлат маданият институтининг комплекс факультети очилиб, у 1987 йилгача фаолият кўрсатди. Шу орада мазкур факультетдақ юзлаб олий маълумотли кутубхоначи-библиографлар етишиб чиқди. 1985—1990 йилларда эса, Маданият институти кутубхонашунослик факультетини 872 ёш мутахассис битириб чиқди. Улардан ташқари, мазкур факультетда Болгария, Мўғулистан, Афғонистон, Лаос, Эрон каби хорижий давлатлардан келган талабалар ҳам таълим олди<sup>57</sup>.

## Фойдаланилган адабиётлар ва изоҳлар

<sup>1</sup> Қаранг: Зуев М.Н. История России. Учебник для ВУЗов. — М.: ПРИОР, 1998. — С. 363.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

<sup>3</sup> Қаранг: Зуев М.Н. История России. Учебник для ВУЗов. — М.: ПРИОР, 1998. — С. 267.

<sup>4</sup> Ўша ерда. — С. 269.

<sup>5</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т. 2. — 501-б.

<sup>6</sup> Ўша ерда. — 545-б.

<sup>7</sup> Зуев М.Н. История России. Учебник для ВУЗов. — М.: ПРИОР, 1998. — С. 275.

<sup>8</sup> Қаранг: Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. Статистический ежегодник. — Т.: Узбекистан, 1981. — С. 328.

<sup>9</sup> Қаранг: Народное образование и культура в СССР. Статистический сборник. — М.: Финансы и статистика, 1989. — С. 284, 311.

<sup>10</sup> Қаранг: Зуев М.Н. История России. Учебник для ВУЗов. — М.: ПРИОР, 1998. — С. 125.

<sup>11</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т. 2. — 545-б.

<sup>12</sup> Ўзбекистоннинг яғи тарихи. Т. 2. – 667-б.

<sup>13</sup> Қаранг: Қосимова О.Г. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 112-б.

<sup>14</sup> Ўша ерда. – 113-б.

<sup>15</sup> Қаранг: Қосимова О.Г. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 115-б.

<sup>16</sup> Ўша ерда. – 116-б.

<sup>17</sup> Қаранг: Соколова В.В. Дастан амалда. Тўплам: Ўзбекистон кутубхоналари, 2-чиқиш. – Т., 1976. – 41-б.

<sup>18</sup> Кутубхоналарнинг ягона тизими бўйича муаммо кенгashi ва комиссияси ўша даврдаги бош кутубхоначилик инспекциясининг бошлиги, педагогика фанлари номзоди В.В. Серов томонидан бошқариларди. Кутубхона тармоқларини марказлаштириши бўйича тажриба бевосита шу кишининг раҳбарлигига амалга оширилган.

<sup>19</sup> Қаранг: Қосимова О.Г. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 153-б.

<sup>20</sup> Ўша ерда.

<sup>21</sup> Ўша ерда. – 154-б.

<sup>22</sup> Қаранг: Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статистический ежегодник. – Т., 1989. – 327-б.

<sup>23</sup> Қаранг: Қосимова О.Г. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 178-б.

<sup>24</sup> Қаранг: Положение об организации депозитарного хранения книжных фондов библиотек страны. В справочнике: Руководящие материалы по библиотечному делу. – М., 1982. – С. 122–128.

<sup>25</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Давлат кутубхонаси, Ўзбекистон вилоят универсал илмий кутубхоналари раҳбарларига ўкув қулланмаси учун ўз кутубхоналарининг тарихи ва ҳозирги ҳолатига доир материаллар тақдим эттанилари учун чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

<sup>26</sup> Ушбу бўлимни ёзишда қуйидаги нашрда келтирилган рақамлар, фактлар, воқеалар хроникасидан фойдаланилди: Государственная библиотека Узбекской ССР имени Алишера Навои. 1870–1970. Изд-во литературы и искусства им. Г.Гуляма, 1977. – 198 с.

<sup>27</sup> Бюллетень ЮНЕСКО для библиотек, 1959, т. XIII, №8-9, с. 237.

<sup>28</sup> Руководство по международному обмену изданиями. Изд. 3. ЮНЕСКО, 1964, с. 303–310.

<sup>29</sup> «Ўзгаришчи ёшлар» журнали, 1924 йил, 2-сон. 12-б.

<sup>30</sup> «Маориф ва ўқитувчи» журнали, 1929 йил, 6-сон.

<sup>31</sup> Қаранг: Технические библиотеки Узбекистана // Справочник. – Т., 1970. – С. 102.

<sup>32</sup> Қаранг: Қосимова О.Г., Есимов Т.Б. Умумий кутубхонашунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 85-б.

<sup>33</sup> Қаранг: Сарказова М.Ю. Республиканская детская библиотека – центр методического руководства библиотек, обслуживающих детей //

Библиотековедение Узбекистана. Сборник статей. Выпуск 16. – Т., 1984. – С. 82..

<sup>34</sup> Қаранг: Сарказова М.Ю. Состояние и перспективы развития детских библиотек в Узбекской ССР // Библиотеки Узбекистана. Сборник теории и практики библиотечного дела. Выпуск 5. – Т., 1978. – С. 27.

<sup>35</sup> Қаранг: Сарказова М.Ю. Состояние и перспективы развития детских библиотек в Узбекской ССР // Библиотеки Узбекистана. Сборник теории и практики библиотечного дела. Выпуск 5. – Т., 1978. – С. 29.

<sup>36</sup> Қаранг: Сарказова М.Ю. Республикаанская детская библиотека – центр методического руководства библиотек, обслуживающих детей // Библиотековедение Узбекистана. Сборник статей. Выпуск 16. – Т., 1984. – С. 82.

<sup>37</sup> Қаранг: Қосимова О.Г., Есимов Т.Б. Умумий кутубхонашунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 71-б.

<sup>38</sup> Айрим олий ўқув юртлари кутубхоналари фаолиятига тавсиф 2004 йилга қадар берилган. Бошқа олий ўқув юртларининг кутубхоналари ҳақида қисқача маълумотларни қуидаги нашрдан олиш мумкин: Toshkent shahridagi olyi o'quv yuratlari kutubxonalar. Ma'lumotloma. 2005. – 36-б.

<sup>39</sup> Қаранг: Кормилицын А.И. Научная библиотека Ташкентского государственного университета (1918–1993). – Т.: 1996. – С. 30.

<sup>40</sup> Ўша ерда.

<sup>41</sup> Қаранг: Кормилицын А.И. Научная библиотека Ташкентского государственного университета (1918–1993). – Т.: 1996. – С. 43.

<sup>42</sup> Қаранг: Кормилицын А.И. Научная библиотека Ташкентского государственного университета (1918–1993). – Т.: 1996. – С. 66.

<sup>43</sup> Қаранг: Всесоюзная библиотечная перепись 1 октября 1934 г. Т. 1. Основные итоги. – М., 1936. – С. 302–303.

<sup>44</sup> Қаранг: Отчет о работе ТИИИМСХ за 1942–1943 учебный год, с. 13. (Машинопись, Архив ТИИИМСХ).

<sup>45</sup> Қаранг: Асфендияров Н.Х. Методическая работа в вузовской библиотеке. – В кн.: Опыт работы библиотек высших и средних специальных учебных заведений. – Т., 1972. – С. 40-46; Климкина Р.Д. Справочно-библиографическое и информационное обслуживание читателей. – В кн.: Библиотеки высших и средних учебных заведений Узбекистана. Опыт работы. – Т., 1974. – С. 29-36.

<sup>46</sup> Қаранг: Мухамедов А.М. Развитие библиотечного образования в Узбекистане // Библиотековедение Узбекистана. Сборник статей. Выпуск 16. – Т., 1984. – С. 93.

<sup>47</sup> Қаранг: Мухамедов А.М. Развитие библиотечного образования в Узбекистане // Библиотековедение Узбекистана. Сборник статей. Выпуск 16. – Т., 1984. – С. 96.

<sup>48</sup> Қаранг: Қосимова О.Г. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 181-б.

<sup>49</sup> Ўша ерда.

- <sup>50</sup> Қаранг: Каримов У. Библиотечное образование в Узбекистане: современное состояние и пути реформирования // Вестник библиотечной ассамблеи Евразии: Научно-практический журнал. — М., 2005. №4. — С. 80—83.
- <sup>51</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т.2.—545 б.
- <sup>52</sup> Зуев М.Н. История России. Учебник для ВУЗов. — М.: ПРИОР, 1998. — С. 275.
- <sup>53</sup> Қаранг: Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. Статистический ежегодник. — Т.: Узбекистан, 1981. — С. 328.
- <sup>54</sup> Қаранг: Народное образование и культура в СССР. Статистический сборник. — М.: Финансы и статистика, 1989. — С. 284, 311.
- <sup>55</sup> Қаранг: Қосимова О.Г. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. — Т.: Ўқитувчи, 1992. — 115-б.
- <sup>56</sup> Қаранг: Мухамедов А.М. Развитие библиотечного образования в Узбекистане // Библиотековедение Узбекистана. Сборник статей. Выпуск 16. — Т., 1984. — С. 93.
- <sup>57</sup> Қаранг: Қосимова О.Г. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи. — Т.: Ўқитувчи, 1992. — 181-б.

## VIII боб

# МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИ (1991—2006)

### 1-§. Ўзбекистон жамиятини ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ислоҳ этишнинг асосий тамойиллари

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Олий Кенгаши Мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот қабул қилди ва Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини, озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганини тантанали равишда эълон қилди. Энди Ўзбекистоннинг тарихий тақдирни кўп жиҳатдан мамлакат халқига, унинг раҳбариятига, уларнинг эркин иқтисодий ислоҳотлар шароитида шўро тузуми ўн йилликлар давомида жиловлаб келган манфаатларини, ўз мамлакатининг эгаси туйғусини, ўзбек халқига хос бўлган ишбилармонлик, омилкорлик ва ташаббускорлик сифатларини рўёбга чиқариш қобилиятига боғлиқ бўлиб қолди.

Демократик тараққиёт йўлида ўзининг дастлабки қадамларини ташлаётган, фаол янгиланаётган мамлакатда шўролардан қолган иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, бошқарув ва тақсимлашнинг эски маъмурий-бўйруқбозлик тизимини ўзгартириш, бозор муносабатлари ва капиталистик иқтисодиётга аста-секин ўгиш, жаҳон маърифатли мамлакатлари ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг қўшилиши жараёни бошланди.

Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичи бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бутун давлат-сиёсий тизимининг барқарорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Ёш давлатнинг куч-ғайрати энг аввало ана шу барқарорликни таъминлашга қаратилди. Айни чоғда, дастлабки йилларда иқтисодий мувозанатнинг йўқолганлиги, ишлаб чиқаришнинг умумий пасайиши, мамлакатда янги нул-кредит ва банк тизимларининг ташкил топиш жараёни, саноат ва қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларини таркибий жиҳатдан қайта куриш, жамиятда аста-секин бозор муносабатларининг шаклланиши бюджет соҳасига — фан, маданият, тиббиёт, таълим, ижтимоий таъминот ва

ҳоказоларга ажратиладиган маблагларнинг маълум даражада қисқаришига олиб келди. Аҳоли барча табақаларининг даромадлари ва тегишинча ҳалқ турмуш даражасининг пасайиши юз берди. Рақобатга асосланган иқтисодиётнинг доимий ҳамроҳи —расман рўйхатга олинган ва яширин ишсизликнинг пайдо бўлиши воқеликнинг янги ҳодисасига айланди.

Кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида дастглабки йилларда ривожланишининг асосий тамойиллари тарихий аҳамиятга эга бўлган қўйидаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан белгиланади:

—Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бошчилигига Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқдол ва тараққиёт йўлиниңг асосий тамойиллари (тараққиётнинг ўзбек модели) ишлаб чиқилиши;

—Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши;

—Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосининг яратилиши, янги Конституцияниң қабул қилиниши, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлларининг белгиланиши;

—кўп партиявийлик асосида сайланадиган қонун чиқарувчи олий демократик вакиллик органи: икки палатали парламент —Олий Мажлиснинг ташкил этилиши;

—демократия принциплари асосида янги қонунчилик тизимињинг ишлаб чиқилиши ва амалга татбиқ этилиши, шу жумладан «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши;

—суд-ҳуқуқ ислоҳотининг амалга оширилиши;

—оммавий аҳборот воситаларида цензурага барҳам берилиши;

—инсон ҳуқуқлари ва өркинликлари кафолатининг яратилиши;

—миллий хавфсизликнинг таъминланиши;

—макроиқтисодиётнинг барқарорлаштирилиши;

—хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларининг амалга оширилиши, республикада мулкдорлар синфининг шаклланиши;

—қишлоқда мулкдорлар —фермер хўжаликларининг оммавий тарзда шакллантирилиши;

—миллий истиқдол мафкураси ва маънавият асосларининг ишлаб чиқилиши;

—миллий маданий ҳаётнинг жонланиши.

## **2-§. Кутубхоначилик иши тизимининг ривожланиш тамойиллари**

Ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликлари, хусусан, маданият соҳасини, шу жумладан ноширлик ва кутубхоначилик ишини давлат томонидан молиялаштириш ҳажмларининг қисқарини умуман олганда китоб нашр этиш, чет элдан нашрларни валютага харид қилиш, кутубхоналар фондларини тўлдириш, уларнинг моддий-техника таъминоти, ходимлар меҳнатига қақ тўлашга анча салбий таъсир кўрсатди. Маблағ тақчиллиги энг аввало универсал оммавий кутубхоналар тармоғининг ҳолатида ўз аксини топди. Жойларда уларнинг сони (VII бобнинг 2-§ маълумотларига кўра) филиалларнинг бирлаштирилиши ва ҳатто айrim кутубхоналафнинг ёпилиши ҳисобига ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигига 15—20 фойизга камайди. Кутубхоналарнинг бир қисми жорий таъмирлаш иншларига маблағ йўқлиги сабабли, яна бир қисми — биноларнинг эскилиги туфайли яроқсиз ҳолга келди.

«Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги қонуннинг йўқлиги кутубхоналарни комплектлашнинг ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Бозор иқтисодиёти шароитида яшаб қолишга ҳаракат қилаётган нашриётлар уларнинг маҳсулотлари кутубхоналарнинг фондларидан ўрин олишидан манфаатдор бўлмай қолдилар. Ҳатто республиканинг йирик кутубхоналарига келаётган чет эл илмий ва ижтимоий адабиётлари сони кескин камайди. Янги компьютер технологияларидан хабардор ёшлар ўз ривожланишида уларга жаҳон ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратишга қодир бўлмаган кутубхоналарнинг техника ва ахборот билан таъминланishi даражасидан ўзиб кетди. Кўпчилик кутубхоналар электрон нашрлар билан танишиш учун мўлжалланган компьютер ва аудиовизуал ускуналарга эга эмаслиги, уларнинг фондларида бундай нашрларнинг йўқлиги натижасида китобхонлар, айниқса, ёшларнинг кутубхоналарга қатнаши камайди.

2002 йили Бухорода ўтказилган “Интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари фан маданият, таълим ва бизнес соҳаларида” мавзуидаги 2-халқаро конференцияси материалларида тўпланиб қолган муаммолар ҳақида, жумладан, шундай ёритилган: «Бугунги кунда кўпгина кутубхоналар маҳсус мослаштирилмаган, фондларни сақлаш, китобхонларга хизмат кўрсатиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш учун шарт-шароит мавжуд бўлмаган биноларда жойлашган.

Кутубхоналарнинг техник ҳолатини аниқлаш бўйича ўтказилган дастлабки текширувлар натижасида республикамизнинг кўпгина кутубхоналари танг аҳволда эканлиги аниқланди. Аксарият кутубхоналарнинг бинолари ва иситиш системалари капитал таъмиrlашга муҳтоj. Кутубхоналардаги жиҳозлар ва мебель эскирган ва ҳозирги иш шароити талабларига жавоб бермайди. Кутубхоналарнинг фондларини жойлаштириш учун мўлжалланган стеллажлар ҳолати ёнғинга қарши хавфсизлик нормативларига мос келмайди. Кутубхоналарнинг фондлари давлат стандарти талабларига зид равишда жойлаштирилган. Кутубхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ажратилаётган пул маблағлари мутлақо етарли эмас.

Кутубхоначилик ишини такомиллаштириш соҳасида асосий муаммо кутубхонадаги иш жараёнларини автоматлаштириш даражасининг пастилигидир. Кўпгина кутубхоналар аҳборот бўшлиғи шароитида иш олиб бормоқда, улар ҳатто қўшиллари тўплаган ижобий иш тажрибасидан ҳам хабардор эмас. Кутубхоналар тармоғи ягона аҳборот тизими билан бирлаштирилмаган. Бу муаммони ҳал қилишининг бирдан-бир йўли вилоятлар ва республика даражасида компьютер тармоқлари ташкил этишдир. Нафақат марказ билан вилоятлар ўртасида, балки вилоятлар ўртасида ҳам аҳборот алмашинуви йўлга қўйилиши лозим, чунки кутубхона бу — бутун жамиятни қамраб оловчи ва ҳар бир, ҳатто энг кичкина аҳоли яшайдиган пунктда ҳам мавжуд бўлган ва ишлаб турган инфратузилмалардан биридир. Ўзбекистоннинг китоб ва аҳборот бозори (айниқса вилоятларда) яхши ривожланмагани, шунингдек, харид қобилиятининг пастилиги тифайли аҳолининг аксарият қисми янги аҳборот ва янги билимларни асосан кутубхоналарда олиш имкониятига эга. Шу боис бугунги кунда кутубхоналарга бутун жамият ва барча даражадаги ҳокимият идоралари аҳолини аҳборот билан таъминлаш манбаи сифатида қарашлари, кутубхоналар аҳборот соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланиши лозим.

Кутубхоналарни автоматлаштириш даражасининг пастилиги республика кутубхоналарини автоматлаштириш стратегияси ва дастурининг йўқлиги, уларнинг моддий-техника базаси заифлиги, компьютер ускуналари ва дастурий маҳсуллар харид қилишга маблағлар тақчиллиги, кадрлар яхши тайёрланмагани, кутубхоналарда автоматлаштиришни амалга опириш учун жавобгар тузилмаларнинг ва аҳборот технологиялари бўйича норматив базанинг йўқлиги билан изоҳланади»<sup>1</sup>.

Зудлик билан ҳал қилиш лозим бўлган муҳим муаммолар қаторида конференцияда кутубхоначилик ишининг норматив-хуқуқий базаси яхши ривожланмагани, бу ҳолат кутубхоналаро алоқаларнинг ривожланишига ва республикамиз кутубхоналари жаҳон аҳборот майдонига киришига монелик қилаётгани, кутубхоналарнинг фондларини комплектлаш иши қониқарсиз аҳволда эканлиги ва тармоқни ривожлантиришининг ҳозирги талаблари ва истиқболларига мос келмаслиги, кутубхоначилик ишини бошқариш тизимининг идоравий жиҳатдан тарқоқлиги, бозор иқтисодиёти ва янги аҳборот технологияларига ўтиш шароитида кутубхоначилик иши соҳасидаги сиёсатни, бу ишни ташкил этиш, шунингдек кутубхоначилик фаолиятини ислоҳ қилиш методологияси, методикаси ва ёндашувларини ишлаб чиқиши билан шуғулланувчи ягона органнинг ўқулиги таъкидланди. Кутубхона ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги таълим андозаларига жавоб бермайди ва самарали эмаслиги, кутубхоначи меҳнатига туландиган ҳак даражасининг пастилиги туфайли малакали мутахассислар бу тармоқни тарқ этаётганинига ҳам ургу берилди.

Шу билан бирга, республикада кутубхоначилик ишининг ривожланишида ижобий тамойиллар ҳам мавжуд. Кутубхоналарнинг моддий-техника базаси ва фондлари ҳолатининг таҳдили Фанлар академияси тизимида кутубхоналар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юрглари тизимининг кутубхоналари, янги ташкил этилган тузилмалар (бир қанча ихтисослашган академиялар ва институтлар, банклар, вазирикликлар)нинг кутубхоналари анича қулади шарт-шароитда иш олиб бораётганини кўрсатди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида лицейлар, гимназиялар ва коллежлар кутубхоналарининг фондлари ва моддий-техника базаси яхшиланмоқда ва замонавийлаштирилмоқда. Олий ўқув юргларининг кутубхоналари асосан компьютерлар билан жиҳозланган, уларда Интернет-синфлар ҳам ишлаб турибди<sup>2</sup>.

Янги аср бошидан универсал илмий кутубхоналар тизимида ҳам ижобий тенденциялар кузатила бошлади. Айрим ҳалқаро жамғармалар ва хайрия ташкилотлари билан ҳамкорлик натижасида кутубхоналар замонавий электрон ускуналар, нусха кўпайтириш техникаси билан жиҳозланди, Интернет тармоғига уланиш имкониятига эга бўлди.

### **З-§. Ҳозирги замон кутубхоначилик иши тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари**

2002 йил мамлакат кутубхоначилик ишининг энг янги тарихида бурилиш ясаган йил бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг Республика илмий-техника кутубхонаси негизида Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиши назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 20 февраль Фармонини бажара бориб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 12 апрелда «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди, Миллий кутубхона тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши республикамизнинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Қарорда тегишли идораларга икки ҳужжат — республикада кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Концепцияси ва Дастурини ишлаб чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муҳокамасига киритиш топширилди. Мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари етакчи мугахассислардан тузилган маҳсус ишчи гуруҳ томонидан тайёрланди. Бу икки ҳужжат лойиҳасини тузиш жараёнида жаҳон кутубхонашунослик фани ва кутубхоначилик амалиётининг барча янги ютуқлари ўзлаштирилди ва улардан фойдаланилди. Зотан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва ахборот майдонига кириши кутубхоначилик ишининг кўпгина жиҳатларини қайта кўриш ва янгилашни тақозо этади. Энг аввало аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш, унинг интеллектуал ва маданий-маърифий ривожланишига кўмаклашишида кутубхоналарнинг ролини кучайтириш зарур.

Бунииг учун кутубхоналарнинг функциясини ўзгартириш керак — улар ахборот «омбори»дан ахборот олиш ва уни тарқатиш марказига айланиши лозим. Бугунги кунда кутубхоналар миллий маданият ва маънавиятни сақлаш ва тиклашда, фан-техника тараққиётини ривожлантириш ва таълим жараёнини такомиллаштиришда муҳим роллардан бирини ўйнамоқлаки, бу жамиятнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини янгилаш зарурати билан белгиланади.

Концепция муаллифлари ўзларининг бош мақсадлари ва вазифаларини республикада кутубхоначилик ишини ривожлантиришининг истиқболи йўналишларини асослаш, жамиятда ва жаҳонда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиб, тармоқни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлашнинг стратегик йўналишларини белгилашда кўрмоқдалар. Бунда кутубхонанинг инсонпарварлик моҳиятини тиклашга, унинг яшаш жойи, ижтимоий мавқеи ва фаолият соҳасидан қатъи назар, барча тоифадаги фойдаланувчилар учун бевосита ва доимий ахборот олишни таъминлашга қаратилган маданий миссиясининг устуворлигини қарор топтиришта алоҳида эътибор берилган.

Асосий вазифалар сифатида қўйидагилар белгиланган:

— фуқароларга кутубхона-ахборот хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги даражасини таъминлаш, уларнинг маърифий, илмий, маданий ва дам олиш билан боғлиқ қизиқишилари ва эҳтиёжларини ахборот бериш йўли билан таъминлаш;

— жамиятнинг барқарор ривожланиши ва ижобий ижтимоий ўзгаришлар юз беришининг шартларидан бири сифатида республиканинг ягона кутубхона-ахборот майдонини шакллантириш;

— республиканинг миллий кутубхона-ахборот ресурсларини яратиш ва уларнинг ҳалқаро ахборот тармоқларига интеграцияси.

Концепцияда кутубхоначилик ишини ривожлантиришининг устувор йўналишлари сифатида қўйидагилар эътироф этилган:

1. Кутубхоналар тармоғини ва кутубхоначилик ишини бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Кутубхоналар фаолиятидаги янги устуворликлар умуман кутубхоналар тармоғи фаолиятида тегишли ўзгаришларни амалга оширишни ва унинг ташкилий асосларини қайта кўришни тақозо этади.

Кутубхоналар тармоғида таркиби ўзгаришларни амалга ошириш кутубхоналар фаолиятининг шаклланган анъанавий жиҳатларини уйғунлаштиришни назарда тугади. Бу вазифани бажариш учун ахборот ресурсларини кутубхоналар тақсимлаш соҳасида ягона сиёsat олиб бориш, маблағларни тежаб сарфлаш зарур. Турли вазирликлар ва илораларининг кутубхоналар тармоғини қайта қуришда кутубхонадан фойдаланувчиларнинг адабиётларга бўлган тајиб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш лозим. Кутубхоналар фаолиятининг самараадорлигини ошириш, асосий вазифалар ва фонdlар тақрорланишига йўл қўймаслик учун, уларни моддий-техника базаси, калрлар таркиби мукаммал бўлмаган кутубхоналар ҳисобига, лекин китоб фондининг яхлитлиги, штатлар ва молиялаштириш ҳажмини сақлаб қолиш шарти билан йириклиаштириш зарур.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимиға киравчи оммавий кутубхоналар тармоғини ва Ҳалқ таълими вазирлигининг жуда кенг мактаб кутубхоналари тармоғини қайта ташкил этиш уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор бериши, китобхонлар ахборот ресурсларидан фойдаланиши учун кенг имконият яратишни тақозо этади. Мазкур кутубхоналар (қишлоқ, шаҳар, туман филиаллари, мактаблар, колледжлар, лицейларнинг кутубхоналари) моддий ва ахборот ресурслари ҳолатининг пухта таҳлилигина уларни қайта ташкил этиш, ҳаммабоплик принципини ва китобхонлар учун қуладай иш тартибини, барча тоифадаги китобхонларга фондларнинг очиқлигини сақлаб қолиш имконини беради.

Корхоналар ва ташкилотларнинг техник кутубхоналари тармоғини, касаба ўюшмаларининг кутубхоналар тармоғини қайта ташкил этишда уларнинг фондларини комплектлаш соҳасига мос келувчи йирик кутубхоналарга тошнириш йўли билан сақлаб қолиш чораларини кўриш лозим.

Кутубхоналар фаолиятига янги ахборот технологияларини самарали жорий этиш учун вазирликлар ва идораларнинг бош кутубхоналари негизида «Намунавий автоматлаштирилган кутубхоналар» ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатнинг бош кутубхонаси ҳукуқлари ва имкониятларига эга бўлган Узбекистон Миллий кутубхонаси кутубхоналар фаолиятини мувофиқлангирини ва улар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириши, маслаҳат органи сифатида Идоралараро кутубхоначилик кенгаши фаолият олиб бориши, унинг вазифаси турли вазирликлар ва идораларнинг кутубхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳар бир кутубхонага ўз салоҳиятини ривожлантириш учун тенг имкониятлар яратишдан иборат бўлиши лозим. Идоралараро кутубхоначилик кенгашни таркибига кутубхона тармоғига эта булган идоралар ва вазирликларнинг вакиллари киради. Идоралараро кутубхоначилик кенгашининг ишчи органи сифатида Кутубхоначилик иши ва ахборот технологиялари бўйича кенгаш ташкил этилади. Унинг вазифаси кутубхоначилик ишига доир норматив-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва кутубхоналарни улар билан таъминлашдан иборат бўлади. Кенгаш таркибига вазирликлар ва идоралар бош кутубхоналарининг кутубхоначилик иши ва ахборот технологиялари бўйича етакчи мутахассислари киритилади.

2. Кутубхоначилик ишини ахборотлантириш, янги ахборот компьютер технологияларини кутубхоналарда жорий этиши.

Компьютер ва ахборот технологиялари ҳамда Интернетни

кутубхоналарга фаол жорий этиш кутубхоначилик ишини ислоҳ қилишнинг энг самарали стратегик йўналишларидан биридир. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштириши янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини амалга жорий этиш тўғрисида»ги 2001 йил 30 май Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Интернет» халқаро ахборот тизимларидан фойдаланиш учун кенг имконият яратишнинг 2001—2005 йилларга мулжалланган дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 23 май Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштириши янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини амалга жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 6 июнь Қарори, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 11 декабрь Қонуни ва бошқа хужжатларда ўз аксини топган қарорлар ва қоидаларга мос келади.

Кўп ресурслар талаб этилиши, пухта тадқиқот ва ҳисоб-китоблар ўтказиш, шунингдек катта маблағлар ажратиш зарурлигини ҳисобга олиб, кутубхоналарни компьютерлаштириш масалаларини ҳал қилиш ва ягона кутубхоналар тармоги ташкил этишини алоҳида «Кутубхоналарни автоматлаштириш дастури»га киритиш лозим.

Дастур кутубхоналарнинг ҳисоблаш ва ташкилий техника воситалари, кадрларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжини, кутубхоналарни жиҳозлаш ва ягона республика тармоги ва Интернетта уланини навбатини аниқлайди. Мамлакатнинг йирик кутубхоналари ахборот-технология таъминотида етакчилик қилиши лозим, шу боис уларни техника билан жиҳозлаш ва модернизация қилиш мұхим аҳамият касб этади.

Кутубхоналарни автоматлаштириш дастурининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- кутубхоналарни босқичма-босқич компьютерлаштириш;
- республика кутубхоналар ахборот тармогини ташкил этиши;
- электрон каталоглар ва электрон ахборот ресурсларини шакилантириш бўйича кутубхоналар консорциумларини ташкил этиши;
- библиографик ахборот бериш ва узатишнинг халқаро андозаларига ўтиш;
- кутубхоналарнинг Интернетта уланишини таъминлаш ва миллий кутубхона-ахборот ресурсларини халқаро тармоқларда ифодалаш;
- миллий маданий меросни (юёб қўлёзмалар ва китоблар,

журналлар, газеталар ва бошқаларни) ифодаловчи электрон коллекциялар ташкил этиши.

3. Китоб бозори ташкил топаётган, нашр этилган китоблар ҳақидағи ахборот миллий тизими шаклданаётган шароитда кутубхоналарни комплектлаш, кутубхона фондларининг хавфсизлиги ва бутлигини таъминлаш механизмнин яратиш.

Жамияттинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш имконияти кўп жиҳатдан кутубхоналар фондларининг ҳолати ва уларни комплектлаш тизими билан белгиланади. Кутубхоналарнинг фондларини шакллантиришда фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган амалдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиш лозим. Бу эҳтиёжларни кутубхоналар мустақил аниқлашлари керак. Кутубхоналарнинг фондларида тармоқ йўналиши ва тегишли кутубхонанинг ихтисослиги ўз аксини тошиши лозим. Тақсимланган республика кутубхоналар фондини шакллантириш жараёнida адабиётлар тушишининг тўлиқлиги ва сифатини таъминлашга қодир бўлган фонд сақловчи йирик кутубхоналарнинг роли ошади. Кутубхоналарнинг фондларини шакллантиришда уларнинг ўзаро алоқасини янада ривожлантириш ва мувофиқлантириш, уларнинг барча иштирокчилари масъулиятини янада кучайтириш зарур.

Асосий фондларни тўлдириш давлат кафолатлари ва имтиёзлари, мажбурий пусхага эгалик қилиш ҳуқуқи асосида амалга оширилиши, китобхонларга улардан эркин фойдаланиш имконияти таъминланниши лозим.

Кутубхоналарни хорижий нашрлар билан комплектлашга давлат дастури мақоми берилиши, ушбу дастур доирасида молиявий ва ҳуқуқий кафолатлар берин, ахборот алмашиш халқаро принципларига риоя қилиш кўзда тугилиши зарур. Дублетлар сони керагидан ортиқ бўлгани, адабиётлар кутубхона ихтисослигига мос келмаган, фондни жойлаштиришга жой бўлмаган, уни лозим даражада сақлашни таъминлаш иложи бўлмаган ҳолларда адабиётлар ўз тармоғининг депозитарийси ҳисобланувчи бош кутубхонага тонширилиши керак.

Мизлий ҳужжатли мерос ҳисобланувчи кутубхоналарнинг фондларини сақлаш муаммосига ҳам янгича ёндашув зарур.

Кутубхоналарнинг фондларини комплектлашни тегишли даражада сақлаш учун:

—китоб билан таъминлашда кутубхоналарга устувор ҳуқуқлар берин;

—кутубхоналарни давлат тилидаги илмий, ўқув, болалар, маҳсус адабиётларининг зарур миқдори билан таъминлаш;

—хорижий адабиётларни харид қилиш ва уларга обуна бўлиш механизмини ишлаб чиқиш;

—китоб нашр этувчи ташкилотлар илмий, ўкув, болалар, махсус адабиётларни чоп этишга буюртмалар портфелини шакълантиришида кутубхоналарнинг қизиқишлигини ҳисобга олишлари (мунтазам равишда тематик режалар, ахборот ва рақалари, республикада нашр этилаётган адабиётлар ҳақида ахборотномалар чиқаришилари);

—кутубхоналар ҳудудида китоб билан савдо қилувчи шахобчалар ташкил этиш;

—кутубхоналар учун ўкув ва болалар адабиётлари харид қилишга имтиёзли нарҳлар белгилаш;

—кутубхоналарнинг фондларини аудиовизуал ва электрон нашрлар билан комплектланига маблағлар ажратишни назарда тутиш лозим.

#### 4. Кутубхоналарнинг кадрлар салоҳиятини узлуксиз кучайтириш.

Кутубхона хизматлари кўрсатишни юксак профессионал даражада йўлга қўйиш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали кутубхона ходимларининг узлуксиз таълим ва уларни рағбатлантириш тизимини ташкил этиш зарур:

—Намунавий автоматлаштирилган кутубхоналар негизида Профессионал тренинг маркази томонидан қўллаб-қувватланувчи дастур бўйича мутахассисларнинг доимий касбий таълим тизимини ташкил этиш;

—Ўзбекистон Миллий кутубхонаси негизида Кутубхона ходимлари малақасини ошириш инстигутида ихтисослаштирилган таълим (Кутубхона ходимлари универмагети) ташкил этиш;

—умумкутубхона тадбирлари (семинарлар, учрашувлар, конференциялар) доирасида кутубхоначилар тажриба алмашишини йўлга қўйиш;

—халқаро даражада кутубхоначилар тажриба алмашишини йўлга қўйиш.

Ахборот технологияларига доир билимлар олиш, чет тилларни ва янги хўжалик юритиш шароитига ишлаш усусларини ўзлаштириш учун мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш зарур.

Кутубхона кадрларини жалб қилиш ва сақлаб қолиш учун меҳнат ҳақини ошириш йўли билан кутубхоначилар меҳнатини рағбатлантиришни назарда тутиш муҳимдир. Кутубхоначилик касбининг обрўсини ошириш учун кутубхоналарнинг барча тоифаларида тариф разрядини ошириш йўли билан ягона тариф сеткасини такомиллаштириш зарур.

#### 5. Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва

такомиллаштириш, кугубхона-ахборот хизматлари ассортиментини (шу жумладан шуллик хизматлар доирасини) кенгайтириш.

Ўзбекистон халқарининг миллий-маданий, маънавий мероси, мулки ва қадриятларини тарғиб қилиш учун кутубхоналар анъанавий хизматларни асосан текинга қўрсатишлари ва фойдаланувчиларнинг таалабларига мувофиқ қўшимча шуллик хизматлар тақлиф қилишлари лозим.

Фойдаланувчи мамлакатнинг исталған кутубхонасида ҳар қандай хужжатдан фойдаланиши имкониятига эга бўлиши керак. Ўнгма каталоглар ва автоматлаштирилган маълумотлар банклари орқали кутубхона фонdlарининг таркиби ҳақида ўз вақтида ва кенг ахборот бериш мазкур фонdlардан фойдаланишининг муҳим шартига айланмоғи даркор.

6. Кутубхоналар идоралараро алоқаларининг ривожланиши, кутубхоначилик иши соҳасида халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши.

Кутубхоначилик иши соҳасида кутубхоналар ва идораларнинг ҳамкорлиги уларнинг узвий ҳуқуқи бўлиб, улар ўз муаммоларини ҳал қилиш ва кутубхоначилик ишини ривожлантиришининг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш учун бу ҳуқуқдан фойдаланишлари лозим.

Республикада кутубхоналар фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш учун жаҳон кутубхоналар ҳамжамияти билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш зарур. Амалиётдан ҳамкорликнинг халқаро китоб алмашинуви, электрон ахборот ресурслари алмашинуви, автоматлаштирилган маълумотлар банкларини шакллантириш, халқаро лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш, кутубхоналараро абонементни фаоллаштириш, мутахассислар алмасиши, республикада халқаро конференциялар ва семинарлар ўтказиш каби шакллари мустаҳкам ўрин олиши лозим. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун кутубхоналар ва кутубхоналар уюшмалари ўз куч-ғайратини бирлашгирishi зарур.

Қуйидагилар кутубхоначилик ишини ислоҳ қилишининг асосий шартлари сифатида зътироф этилди:

1. Кутубхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Кутубхоналарнинг моддий-техника базасини яхшилаш ва такомиллаштириш, эски биноларни таъмирлаш ва янги ихтисослаштирилган бинолар қуриш, уларни замонавий компьютер ускуналари билан жиҳозлаш учун бюджет маблаглари билан бир қаторда, бюджетдан ташқари маблағларни, кутубхоналарнинг ўз фаолияти натижасида олинган маблағларни, шунингдек лойиҳалаш фаолияти натижасида олинган маблағларни жалб қилиш зарур.

**2. Кутубхоначилик ишини тартибга солувчи норматив ва ҳуқуқий хужжатлар тизимини ташкил этиш ва амалга жорий қилиш.**

Кутубхоначилик ишини ҳуқуқий таъминлашнинг асосий йўналишлари кўйидагилардан иборат:

—кугубхонадарнинг ҳуқуқий, ижтимоий вазифаларини, улар фаолиятининг асосий принципларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар («Кутубхоначилик иши тўғрисида»ги Қонун, «Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги Низом ва б.) мажмуи кўринишида кутубхоначилик соҳасидаги қонунчиликни вужудга келтириш;

—халқаро стандартлар ва бозор муносабатларини ҳисобга олиб, кутубхона ички фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган норматив-тартибга солувчи хужжатлар (Йўриқномалар, низомлар, тавсиялар, нормалар, қоидалар ва ҳ.к.)ни ривожлантириш;

—халқаро кутубхона MARC форматлари негизида библиографик ахборот бериш ва узатиш халқаро қоидаларига мувофиқ миллий кутубхона стандартларини, шунингдек кутубхонанинг янги ахборот технологияларидан фойдаланиши билан боғлиқ фаолиятини тартибга солувчи бошқа норматив хужжатларни ишлаб чиқиш.

**3. Илмий тадқиқот ва методик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш.**

Кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик ва ахборот технологиялари соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиши йўналишлари ва услубларини қайта кўриш ва такомиллаштириши мақсадида, кутубхонашунослик тадқиқотларини ташкил этиши ва ўтказиш учун айрим кутубхоналарга илмий кутубхона мақомини бериш лозим. Бунда янги ижтимоий-маданий шароитда ва жаҳон кутубхоналар инфратузилмасида кутубхоналар фаолиятини асослантирувчи тадқиқотлар устувор аҳамиятга эга бўлади.

Республика кутубхоналари — методик марказларининг бош вазифаси тавсиялар тизимини такомиллаштириш, ўтказилаётган тадқиқотларнинг натижаларини кутубхоналарнинг амалий фаолиятига татбиқ этишдан иборат.

Концепцияда юзага келган шарт-шароитдан келиб чиқиб, кўйидаги тадбирларни амалга ошириш йўли билан уни бажаринига киришиш мақсадга мувофиқ бўлиши тан олинган:

**1. Концепциянинг асосий қоидаларини «Ўзбекистон Республикасида кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Дастури»да ва кутубхоначилик ишининг муҳим муаммоларига доир бошқа хужжатларда муайянлаштириш.**

2. Концепцияни амалга ошириш бўйича муҳим чора-тадбирларни, чунончи: кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий, норматив-услубий асосларини яратиш, кутубхоналарни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ва ҳ.к.ни ишлаб чиқиши ва амалга оширишга киришиш.

3. Кутубхоналарни автоматлаштириш дастурида республика ягона ахборот тизими ва Интернет тармоғига кириш мақсадида барча зарур техника воситалари билан босқичма-босқич жиҳозлаш чора-тадбирларини назарда тутиш.

4. Кутубхоналар фаолиятини ривожлангирishi бюджетдан ташқари манбаларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш ишини фаоллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори кутубхоначилик тизимини тубдан ўзгартириш ва такомиллаштириш учун янги замин яратди.

Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли универсал оммавий кутубхоналар тизимини Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази, Ҳалқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш назарда туgilади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш режалаштирилади.

Ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгиланади:

—таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

—миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, ҳалқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

—янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

—маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни бирғаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Ахборот-кугубхона марказлари зиммасига:

—аҳолига ахборот-кугубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатида янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишиларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

—китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кугубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

—универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

—йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

—жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юкланди.

Қарорга биноан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига:

—ахборот-кугубхона марказларини белгиланган тартибда «ZiyoNET» ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

—электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси юкланди.

2006—2007 ўкув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тонкент ахборот технологиялари университетида «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» таълим йўналини бўйича бакалаврият кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахassisliklari бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилади.

«Кутубхоначилик ишини ривожлантириш дастури» ва «Кутубхоналарни автоматлаштириш дастури»нинг асосий қондайларини ҳаётга тағбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кугубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш халқимиз маданиятининг бу муҳим таркибий қисмини тараққиётнинг янада юқори босқичига кўтариши шубҳасизdir.

## **4-§. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг фаолияти**

Мамлакатнинг бош кутубхонаси XX асрнинг охириг ўн йиллиги — XXI асрнинг дастлабки йилларида ўз фаолиятини жамият ҳаётининг турли жабхалари ислоҳ қилинаётган шароитда амалга ошироқда. Илгари барқарор бўлган фаолиятга жуда кўп омиллар, чунончи: дунё миқёсида юз берадиган ахборотлаштириш жараёни, телекоммуникацияларнинг ривожланиши, янги ахборот технологиялари, билимлар интеграцияси, ресурсларнинг бирлаштирилиши, жамиятдаги демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнлари, бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг тақчиллиги ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳаёт шитоб билан ўзгараётган ҳозирги шароитда универсал илмий кутубхоналар миллий маданият, маънавиятни тиклаш ва сақлаш, фан-техника тараққиётини ривожлантириш ва таълим жараёнини такомиллаштиришда муҳим рол ўйнамоқда. Бу кутубхоналарга янги вазифалар юкламоқда — улар электрон ахборот тарқатиш ва ундан фойдаланиш марказларига айланмоқда. Жамиятни ахборотлаштиришининг муваффақияти бошқа муҳим омиллар билан бир қаторда илмий кутубхоналар фаолиятини оптималлаштириш муваммосини оқилона ҳал қилиш билан белгиланади. Зотан, бу зиё масканларининг ҳужжатли ресурслари ижтимоий-иктисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади.

1990 йилларда китобхонларнинг алоҳида тоифаси — ўзбек аёлларининг қизиқишилари ўрганилици, Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихига доир ҳужжатлар тўпламишининг биринчи қисми (1917—1924 йиллар) устида иш давом этирилди. Библиографик қўлланмалар яратиш аввалгидек кутубхона фаолиятининг етакчи йўналишларидан бири бўлиб қолди. Шу даврда ўзбек ва рус тилларида қуйидаги ретроспектив илмий-ёрдамчи кўрсатгичлар тайёрланди: «Ўзбекистон тарихи», «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий», «Ҳамид Олимжон», «Тошкент тарихи» ва б. Шу йилларда ўзбек тилидаги адабиётлар фондини тўлидиришга алоҳида зътибор берилса бошлади. Ҳозирги вақтда бу фондда жамланган ўзбек адабиёти классиклари, ҳозирги замон адаблари ва олимларининг асарлари 600 минг нусхадан ошиб кетди. Сўнгги йилларда ноширлик сиёсати ўзгариши муносабати билан давлат тили — ўзбек тилидаги замонавий илмий нашрлар оқими ошиб бормоқда.

Кутубхона ривожланиш тарихининг энг янги даври ғ йил баҳорда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 20 февраль Фармони эълон қилинганидан кейин бошланди. Ушбу ҳужжатнинг 8-бандида республика илмий муассасалари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ва Республика илмий-техника кутубхонаси негизида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш ҳақидаги тақлифи қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 12 апрелда қабул қилган қарорда Миллий кугубхонанинг миллий ва хорижий матбуот нашрлари ва адабиётларни сақловчи бош давлат муассасаси, кўп функцияли кутубхона-ахборот ва илмий-тадқиқот муассасаси, республиканинг барча кутубхоналари учун методик марказ сифатидаги мақоми белгилаб қўйилди.

Қарорда кутубхонанинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

—кутубхона фондларини миллий ва хорижий адабиётлар билан комплектлаш, мавжуд босма нашрлар, қўлёзмалар ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва уларга илмий ишлов бериш, уларни мунгазам равишда тўлдириб бориш, умумистифодалик принципларига риоя қилган ҳолда жамиятнинг ҳужжатлар ва библиографик ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

—Ўзбекистон ҳалқининг миллий-маданий, маънавий мероси, мулки ва қадриятларини кенг тарғиб қилиш;

—республика кугубхоналар фондига доир маълумотларнинг ягона электрон базасини ташкил этиш, ҳалқаро стандартлар асосида яратилган замонавий услублар ва ахборот технологияларини кутубхоначилик ишига татбиқ этиш;

—халқаро библиографик ахборотдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун Интернет тармоғидан фойдаланиш;

—кутубхоначилик иши соҳасида республика дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда иштирок этиш;

—кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

—кутубхоначилик соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни амалга ошириш, ҳалқаро кутубхоначилик дастурларида иштирок этиш, мугахассислар, босма нашрлар ва бошқа материаллар алмасиши;

—харид қилиш ва ҳалқаро китоб алмашинуви йўли билан хорижий материаллар фондини шакллантириш, шунингдек, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш;

—адабиётларни лозим даражада сақлаш, автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тармоғини ташкил этиш ва электрон каталог тузиш, жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш учун кутубхонани замонавий компьютерлар ва маҳсус техника воситалари билан жиҳозлаш.

Кутубхонанинг босма нашрлар, аудио ва видео материаллар миллий фондини шакллантиришни тубдан яхшилаш мақсадида, Давлат матбуот агентлиги, миллий ахборот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга чиқарилган босма материаллар, шу жумладан уларнинг аудио ва мультимедиа версияларининг икки мажбурий нусхаси Ўзбекистон Миллий куғубхонасига текинга берилишини таъминлаш вазифаси юклатиши.

Миллий кутубхонанинг асосий функциялари сифатида қуйидагилар белгиланди:

—дунё миқёсидаги билимларнинг кенг доирасини, Ўзбекистон халқининг маънавий меросини акс эттирувчи ҳужжатларнинг универсал фондини комплектлаш, сақлаш ва жамиятта фойдаланиш учун бериш;

—фойдаланувчиларга куғубхона, ахборот, шу жумладан, маълумот-библиография хизматлари кўрсатиш;

—ахборот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг икки мажбурий бепул нусхаси асосида, шунингдек, ҳужжатларни хариц қилиш, китоб алмашинуви (шу жумладан халқаро китоб алмашинуви) ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тунумлар йўли билан миллий ҳужжатларнинг мумкин қадар тўлиқ фондини шакллантириш, унинг доимий сақланишини таъминлаш;

—энг кагта маданий, илмий ва бадиий қимматга эга бўлган хорижий ҳужжатлар фондини шакллантириш ва унинг сақланишини таъминлаш, бунда Ўзбекистон ҳақидаги ҳужжатларни комплектлаш, сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритишга алоҳида аҳамият бериш;

—Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тарих ва маданият ёдгорликлари қаторига киритилган нашрлар ва коллекциялар ҳисоби юритилиши ва сақланишини таъминлаш;

—миллий ҳужжатларнинг библиографик ҳисобини юритишда иштирок этиш, библиографик, рефератив ва тавсифий-таҳлилий ахборот манбаларини яратиш;

—Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида чиқувчи республика ҳақидаги барча ҳужжатларнинг библиографик ҳисоби юритилишини миллий библиография манбаларини яратиш йўли билан ташкил этиш;

— ҳар хил ахборот ташувчилардаги каталоглар ва картотекалар тизимлари ёрдамида Миллий кутубхона фондларига илмий ишлов бериш ва уларни ёритиш;

— миллий йигма электрон каталог, ахборот базалари ва маълумотлар банкларини шакллантириш, улардан, шунингдек бошқа миллий ва хорижий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратиш, ахборот алмашинувида иштирок этиш;

— ҳужжатларни, шу жумладан миллий ҳужжатли меросга, тарих ва маданият ёдгорликларига мансуб деб топилган ҳужжатларнинг ҳолатини текшириш, уларни тавсифлаш, консервация ва реставрация қилиш;

— кутубхоначилик иши, библиография, китобат иши ва бошқа турдош соҳаларда илмий-тадқиқот ва илмий-услубий ишларни амалга ошириш, бошқа кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатиш;

— кутубхона кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш;

— замонавий кутубхона технологияларини ўрганиш ва амалга татбиқ этиш;

— тематик кўргазмалар, бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш;

— чет эл кутубхоналари, кутубхоначилик иши соҳасидаги бошқа ташкилотлар билан ҳалқаро ҳамкорликни таъминлаш.

Янги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг вазифалари ва функциялари доираси анча кенгайди. Унинг мамлакат ҳалқлари миллий ўзига хослигини, уларнинг маънавий меросини ҳар томонлама ва тўлиқ ёритиш, шунингдек, фан ва маданиятга ахборот ёрдами кўрсатиш борасидаги фаолиятидан ташқари, кутубхонага кутубхоначилик иши соҳасида республиканинг барча кутубхоналарини, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, услубий таъминлаш вазифаси юклатилди.

Фойдаланувчига қараб мўлжал олиш ва фондларни мумкин қадар тўлиқ комплектлашга ҳаракат қилиш кутубхона бўлимлари ишининг асосий йўналишига айланди. Бу вазифани бажаришга республика ҳудудида нашр этилган ҳужжатларнинг икки мажбурий бепул нусхасини олиш асосида эришилади. Кутубхона ҳимоя қилинган диссертациялар сақланадиган асосий маҳзан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда унинг фондларида сақланадиган ҳужжатлар сони 6,5 млн. нусхадан, миллий матбуот ҳужжатлари ҳажми — 3,5 млн. нусхадан ошиб кетди. Улар Миллий кутубхонага қарашли Миллий китоб палатасида сақланади.

Сўнгги йилларда кутубхона фойдаланувчиларида чет элда нашр этилган илмий адабиётларга катиа қизиқиш кузатилмоқда. Кутубхона фондида жаҳоннинг 75 тилида нашр этилган 370 минг нусхадан ортиқ ҳужжатлар мавжуд. 2003 йилдан бошлаб, ҳар йили Миллий кутубхонага қоғоз ва электрон ташувчилардаги хорижий даврий нашрларга обуна бўлиш учун валюта маблағлари ажратилмоқда. Кутубхона EBSCO Information Services GmbH (Германия) компанияси орқали Фарбий Европа ва Америкадаги етакчи нашриётларнинг 125номдаги илмий журналларига, EBSCO Publishing (АҚШ), ProQuest компаниялари орқали диссертациялар автореферетларининг электрон базасидан фойдаланишга обуна бўлмоқда.

Ҳар йили Миллий кутубхонанинг ўқув залларига 550 мингдан ортиқ китобхон ташриф буоради, уларга бериладиган китоблар миқдори қарийб 2 млн. нусхани ташкил этади. Кутубхона хизматларидан фойдаланувчиларнинг асосий контингенти — ёшлар. Кутубхонада собиқ ўсмиirlар бўлими негизида Ёшлар ахборот-ресурс маркази ташкил этилган. У фойдаланувчиларни энг янги ахборотлар билан тез ва сифатли таъминлайди ва ёшларнинг информацион саводхонлиги ва билим даражасини оширишга, уларни маданият, фан ва маориф соҳасидаги эришилган ютуқлар билан ошно этишга кўмаклашади<sup>2</sup>.

Кутубхоначилик иши соҳасига янги технологияларнинг татбиқ этилиши анъанавий технологик жараёнлар ўзгаришига олиб келди, бу эса кутубхонанинг функционал бўлимлари қайта ташкил этилишига сабаб бўлди. 1999 йил бошида автоматлаштириш ва янги ахборот технологиялари бўлими, маҷаллий автоматлаштирилган тармоқ ташкил этилди. Кутубхона бетакрор кўп тармоқли фонд негизида ўз электрон ресурсларини, чунончи: барча турдаги ҳужжатлар электрон каталоги, диссертациялар авторефератларининг маълумотлар базаси, келувчи даврий нашрларнинг аналитик тавсифини ташкил қилди, Ўзбекистон ҳақида ахборот «Ўзбекистаник» маълумотлар базасини шакллантириди. Кутубхонада Россияда ишлаб чиқилган ИРБИС автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизими ишлаб турибди.

Кутубхонанинг республика мишлий маданий бойлигига мансуб бўлган энг ноёб коллекцияларини рақамлаштириш йўли билан тўла матнли электрон ресурсларини вужудга келтириш Миллий кутубхона фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда амалга оширилган ишларнинг дастлабки иттихаси сифатида 594 жилдан иборат «Туркистон тўплами» — республикамиз

ва унга қўшни мамлакатлар тарихи, географияси ва этнографиясига оид манбалар ва асарларнинг ўзига хос қомуси яратилди. 1871 йилда тузилган ва ўша даврнинг 1200 фотосуратини ўз ичига олган «Туркистон альбоми» ҳам шу йўналишда олиб борилаётган ишлар маҳсулидир. Кутубхона бу ишларни ўта ноёб нашрларни сақлаб қолиш, шунингдек, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Миллий кутубхона Узбекистон кутубхоналарининг йиғма электрон каталогини яратиш ташкилотчиси ва мазкур каталог лойиҳасининг ишлаб чиқувчиси ҳисобланади. Бу каталог ҳажми ҳозирча унча катта эмас: у атиги 200 минг қайддан иборат. Бугунги кунда Миллий китоб палатаси билан ҳамкорликда корпоратив каталогглаштириш марказини ташкил этиши тўғрисидаги масала кун тартибиغا кўйилмоқда.

Компьютерлар ва Интернет Миллий кутубхона кундалик фаолиятининг таркибий қисмига айланиб бормоқда: кутубхона ходимларини ўқитиб-ўргатиш учун интернет-синф, китобхонлар учун интернет-марказ, мультимедиа ахборот маркази очилди. 2004 йилда [«http://natlib.uz»](http://natlib.uz) мансизли кутубхона вебсайти ташкил этилди. Бу сайтда кутубхонанинг бетакрор ахборот ресурслари жамланган бўлиб, у жаҳон ҳамжамияти учун очиқdir. Бу ерда куйидаги бўлимлар бўйича ахборот олиш мумкин: кутубхона тарихи, кутубхонанинг ҳозирги қиёфаси, янгиликлар, кутубхона таркиби, қадимги ва ноёб китоблар ҳақида ахборот, ахборот ресурслари — электрон каталог, хизматлар рўйхати, ноширлик фаолияти, Узбекистоннинг маданий ҳаёти, диққатга сазовор ва муҳим саналар.

Ҳозирги вақтда Миллий кутубхона кутубхоналар тармоғи ва уларнинг ахборот ресурсларини сақлаш ва ривожлантиришга, уларни норматив-хуқуқий таъминлашга, йиғма электрон каталог тузишга ёрдам бермоқда.

Сўнгги йилларда кутубхонанинг китоб алмашинуви бўйича ҳамкорлари доираси анча кенгайди — бугунги кунда кутубхона 30 яқин мамлакатнинг 150 дан ортиқ ташкилоти билан ҳамкорлик қилилмоқда. Миллий кутубхона мутахассислари халқаро конференциялар, семинарларда иштирок этмоқда, чет элга малака ошириш ва тажриба алмасиши учун чиқмоқда. Кутубхона вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган «Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фан, маданият, таълим ва бизнес соҳаларида фойдаланиш» мавзуидаги халқаро конференцияларининг ташкилотчиларидан биридир (Самарқанд — 1999, Бухоро — 2002,

Тошкент — Самарқанд — 2004, Урганч-Хива — 2006). Конференциялар республиканинг кутубхона-ахборот ресурслари салмоқли эканлигини намойиш этди, халқаро ҳамжамиятда унга нисбатан қизиқиши уйғотди.

Миллий кутубхона фондни мемориал аҳамиятга эга бўлиб, халқ илмий ва маданий мулкига мансуб ҳужжатлар келажак авлод учун сақланишини таъминлайди. Мамлакат бош кутубхонасиning ўзига хослиги унинг фонidlари тўлиқлиги ва универсаллигидадир. Ҳукумат қарорининг бандларидан бирида Давлат матбуот агентлиги, миллий ахборот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга чиқарилган босма материаллар, шу жумладан уларнинг аудио ва мультимедиа версияларининг икки мажбурий нусхаси Ўзбекистон Миллий кутубхонасига текинга берилишини таъминлаш вазифаси юклатилгани бежиз эмас.

Илмий-тадқиқот ишлари. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштиришни амалга оширувчи бош муассасаса ҳисобланади. Унга республика кутубхоналар тармогининг илмий-тадқиқот ва услубий фаолиятини, бу кутубхоналар қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар, мувофиқлаштириш вазифаси, норматив-тартибга солувчи ҳужжатлар ишлаб чиқиши, услубий ва консультатив ёрдам кўрсатиш, кутубхона ходимларининг малакасини ошириш фаолиятини ташкил этиш учун жавобгарлик юклатилган.

Миллий кутубхона ҳар йили «Ўзбекистон кутубхонашунослиги» илмий давомли нашрининг навбатдаги сонларини, ҳар йили ўтказиладиган «Бетгерхонлик кунлари» материалларини чоп этади. 2005 йил «Ўзбекистон кутубхонашунослари ва библиографлари» библиографик луғати (тузувчи А.И.Кормилицин) нашр этилди. Мазкур нашр мақсади Ўзбекистоннинг атоқди кутубхонашунослари ва библиографлари, кутубхоначилик ишининг йирик арбоблари номи ва ишини тиклаш, ҳозирги ва келажак авлодларга етказишидир. Тадқиқотни ўтказиш бўйича услубий материаллар ишлаб чиқилди, бу ишга республиканизмнинг етакчи кутубхоначилари жалб қилинди. Тўпланган материал кутубхоначилик ишининг таниқли арбоблари исмларининг ўзига хос архивини яратиш имконини берди. Ҳозирги вақтда унга автоматлаштирилган режимда ишлов берилмоқда. Бунга янги ахборот технологияларининг жорий этилиши ва алоҳида дастур ишлаб чиқилиши имконият яратди. «Кутубхона тарихи—шахсларда» библиографик луғатининг биринчи қисми нашрға тайёрланди. У

«Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директорлари. 1870—1920 йиллар» деб номланган. Миллий кутубхонанинг илмий-тадқиқот бўлими илмий тўғараклар машғулотларини ўтказишининг асосий ташаббускори ва ташкиютиси ҳисобланади. Мазкур тўғаракларнинг ҳар бир машғулоти ҳар хил мавзудаги ўзига хос илмий конференцияга айланади.

2000 йил Тошкент шаҳри кутубхоналарида «Кутубхона ижтимоий муаммоларни ҳал қиласди» тадқиқоти ўтказилди. Маълумотлар базасига «Кутубхоначилар мутолааси» социологик тадқиқотига оид 312 сўровнома киритилди. «Кутубхона ижтимоий-фалсафий аспектда» йўналиши бўйича маълумотлар базаси таркиб тоғтирилмоқда, «Мутолаага одатланиш шахс ривожланишининг омили сифатида», «Оммавий кутубхона китобхонларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда йўл кўрсатувчи сифатида», «Кутубхоначи ким?» деган мавзуларда маърузалар тайёрланди.

Китобшунослик тарихи соҳасида илмий-тадқиқот фаолияти республикамизнинг кутубхоналари ва илмий муассасаларида сақданаётган ўта ноёб коллекцияларни ўрганиш йўналишида амалга оширилди. Жумладан, Миллий кутубхонанинг ноёб нашрларини сақлаб қолиш Концепцияси доирасида «Ўзбекистон хотираси» дастури тайёрланди. У кутубхонанинг ноёб нашрларини сақлаб қолиш, кутубхонанинг ноёб адабиётлар фондини бошқа хил ташувчиларга ўтказиш тадбирларини амалга оширишга қаратилган. Дастур устида иш олиб бориш жараёнида кутубхонанинг ноёб адабиётлар коллекциялари, уларнинг шаклланиш тарихи ўрганилди, уларни сақлаб қолишнинг асосий йўналишилари ва йўллари, чунончи: бошқа хил ташувчиларга ўтказиш, реставрация қилиш, муқовалаш, уларнинг негизида маълумотлар базаси ташкил этиш белгиланди. Ҳозирнинг ўзида Миллий кутубхонада сақданаётган 594 жилдан иборат «Туркистон тўплами» билан фойдаланувчилар электрон шаклда танишишлари мумкин. «Туркестаника» маълумотлар базасини шакллантириш устида иш давом этмоқда, унга ўлкашунослик ва Ўзбекистон тарихига оид барча нашрларни киритиш мўжжалланмоқда, кутубхонанинг 1917 йилгача бўлган ўлкашуносликка оид адабиётлар фонди ҳақида ахборот ва библиографик маълумотлар йиғилмоқда.

1997 йилдан Миллий кутубхона, хусусан илмий-тадқиқот бўлими тадқиқотчилари диққат марказидан кутубхона иш жараёнларини автоматлаштириш ва компьютерлаштириш муаммолари мустаҳкам ўрин олиб келмоқда. Кутубхона ишига янги технологияларни жорий этишга нисбатан қўйилаётган талаблар автоматлаштириш муаммосига жиддий эътибор беришни тақозо этди. Ишларнинг ҳолати муфассал

ўрганилди, кутубхона иш жараёнларини автоматлаштиришга нисбатан ёндангуларги илмий асослантириш амалга оширилди. Шу мақсадда лойиҳалашдан олдин тадқиқот, «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг технологик жараёнларини қайта қуриш» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Автоматлаштиришнинг кўлгина жиҳатлари кутубхона ходимлари томонидан мустақил ўрганилди. Бу соҳада муайян ютуқлар кўлга киритилди. «Ўзбекистон кутубхонашунослари ва библиографлари» библиографик лугатини маълумотлар базасига киритиш мақсадида «Библиограф» кутубхона дастурини тузишга киришилди. Миллий электрон каталогни шакллантириш бўйича тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. «Ўзбекистон Республикаси миллий электрон каталогини шакллантириш ва ундан фойдаланиш услублари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш» илмий-тадқиқот лойиҳаси тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Кутубхоначилик иши тўғрисида», «Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги қонунлари лойиҳаларини тайёрлашида сўнгги йилларда амалга оширилган назарий ишловлардан фойдаланилди. Республика даражасида Ўзбекистон Республикасида кутубхоначилик ишини ривожлантиришнинг 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Концепцияси ва Дастури, «Ўта ноёб ва камёб нашрларни сақлаш дастури» каби мухим ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси кутубхоналар тармоғини ташкил этиш, кутубхоналарнинг фондларини шакллантириш, бошқарув тузилмасини ислоҳ қилиш, хизмат кўрсатишини ташкил этиш, кутубхона ходимларининг малакасини ошириш масалаларига доир бир қанча норматив-хукуқий ҳужжатларни тайёрлаш устида мутгасил иш олиб бормоқда<sup>3</sup>.

**Методик иш.** Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасининг иш амалиётидан китобхонлар конференциялари, ижодий учрашувлар, Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва олимларига бағишлиланган кечалар ўрин олди. Амир Темур, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Мирзо Улугбек, Бобур каби буюк арбоб ва алломаларнинг ижоди, тарихий аҳамияти ва ҳаёт йўлини ёритувчи услубий-библиографик қўлланмалар яратилди.

1996 йил «Кутубхоналарнинг маънавият, миллий урф-одатлар ва анъаналарни тиқлаш борасида и фаолияти» номли услубий қўлланма (тузувчи Г.Д.Берман) нашр этилди. 1997 йил «Кутубхона тарихий ва маданий мерос маркази сифатида» кўриги ўтказилди. М.Матмуродова томонидан тайёрланган «Буюк ишак Йўли» қўлланмаси китобхонларда ўзбек халқининг тарихига фаол қизиқиши уйғодди.

Буюк рус шоири А.С.Пушкин таваллудининг 200 йиллиги илмий-услубий бўлим ходимлари эътиборини ўзига тортди. Г.Д.Берманнинг рус тилидаги ва М.Матмуродованинг ўзбек тилидаги қўлланмалари шу воқеага бағишланди.

1998 йил Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг битирувчиси М.Даутова Увайсий, Нодира, Анбар отин каби ўзбек шоиралари ҳақида бир нечта услубий қўлланмалар тайёрлади.

Кутубхона ходимларининг, методистлар ҳамда бошқа функционал бўлимлар ходимларининг малакасини ошириш масалалари илмий-услубий бўлим ишининг муҳим, анъанавий йўналишларидан бири бўлиб қолаётир. 1997 йил майда Алишер Нажоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси негизида республика, вилоят универсал ва болалар кутубхоналарининг комплектлаш бўлими мудирлари учун республика амалий семинари ўтказилди. Ушбу анжуман ишида Маданият ишлари вазирлигининг вакиллари, Тошкент давлат маданият институтининг ўқитувчилари, «ўзқитобсавдо» уюшмаси, республика нашриётларининг вакиллари, Давлат кутубхонасининг дирекцияси ва ходимлари иштирок этдиар.

Семинарда янги ижтимоий-иқтисодий шароитда китобхонларнинг қизиқишлиарини ўрганиш ва шакллантириши, Ўзбекистон давлат кутубхоналарининг фондларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, китоб фондларини ташкил этиш, каталогларни такомиллаштириш, кутубхона китоб фондининг баъланс қўйматини қайта ҳисоблаш услуби каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Семинар иштирокчилари учун комплектлаш, каталоглар ва картотекалар ташкил этиш ишида зарур бўлган ҳужжатлар пакети тайёрланди ва тақдим этилди. Семинарда иштирок этган кутубхона ходимлари ўтказилган «давра сұхбати» жараёнида ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб оғиллар.

Услубий иш мазмунида юз берган ўзгаринилар ва янги шароитда кадрлар тайёрлаш зарурати 1998 йил сентябрь ойида Бухоро шаҳрида «Услубий иш бугун ва эртага» республика амалий семинари ташкил этилиши ва ўтказилишини белгилаб берди.

2003-2005 йилларда қуйидаги услубий-библиографик қўлланмалар ва ахборотномалар нашр этилди: «Иудаизм» (Ўзбек ва рус тилларида), «Буддизм» (ўзбек ва рус тилларида), «Терроризм — жаҳолат ўчоғи», «Маҳалла — ватаннинг табаррук оғонаси» (ўзбек ва рус тилларида), «Ғафур Фулом» (ўзбек ва рус тилларида), «Кутубхоначилик дунёси»,

«Маърифатпарвар шоир. Абдулла Авлоний таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан», «Хожай жаҳон — Абдухолик / иждувоний», «Хожа Аҳрор тарихи», «Ўзбекистон кутубхоналари ишининг ғйилги обзори», «Ўзбекистон кутубхоналари ва нодавлат нотижерат ташкилотлари», «Убайдула Солиҳ ўғли Завқий», «СИБИД тизими стандартлари. Республика кутубхоналари учун ахборот» (узбек ва рус тилларида), «Кутубхонада фандрайзинг», «Кутубхоналар ўлкапунослик иши».

2004 йилда қуйидаги услубий-библиографик қулланмалар ва ахборотномалар тайёрланди: «Буюк ипак йўли — буюк мулоқот йўли», «Кутубхона ва маҳаллий органлар ҳамкорлиги», «Гиёҳвандлик — давр офати», «Беҳбудий — маърифатпарвар адаби», «Абу Али ибн Сино — қомусий олим», «Озодлик ва истиқбол кўйчиси», «Асли дунё меҳрдан яралган», «Асрлар оша қадрланган аллома», «Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий», «Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари», «Кутубхоналарда пуллик хизматлар», «ўрга Осиёнинг қадимги кутубхоналари», «Имом ал-Бухорий».

## 5-§. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасининг ахборот технологияларини амалга жорий этиш борасидаги фаолияти<sup>4</sup>

Ўзбекистон Фанлар академиясида мустақилик йилларида юз берган ташкилий-таркибий ўзгаришлар Академиянинг Асосий кутубхонасини ҳам четлаб ўтмади. Айниқса, фойдаланувчиларга кутубхона-ахборот хизматлари кўрсатиш соҳасида кагта ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхона-ахборот хизматлари курсагиш тизими тегишли кутубхона томонидан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот институтларига кутубхона-ахборот хизматлари кўрсатишни ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси томонидан амалга ошириладиган умуман Академияга кутубхона-ахборот хизматлари кўрсатишдан ташкил топган.

1994 йилда бошланган ва ўша заҳоти Асосий кутубхона фаолиятининг устувор йўналишинига айланган компьютер технологияларини амалга татбиқ этиш кутубхона-ахборот хизматлари кўрсатишни ривожлантиришнинг асосий йўналиши бўлиб қолди. Ушбу ривожланишига асосан ҳалқаро жамғармаларнинг маблағларидан амалга ошириладиган молиялаштириш кўмаклашиди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий

кутубхонасига ахборот технологияларини жорий этишининг ўн йиллик йўлини шартли равинида бир неча босқичга ажратиш мумкин: биринчи босқич — кутубхонадаги технологик жараёнларни автоматлаштириш, ходимларни ушбу шароитда ишлашга ўргатиш, тармоқ технологияларига ўтиш, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиша Интернет тармоғидан ва интернет-технологиялардан фойдаланиш, ташқи ахборот майдонига чиқиши.

Кутубхона фаолияти босқичдан-босқичга ўзгариб, мураккаблашиб борди. Унинг қўйидаги асосий вазифаларигина ўзгаришсиз қолди: кутубхонани автоматлаштириш ягона жараёнини таъминлаш, дастурий таъминлаш воситасини танлаш, биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни аниқлаш, техника соҳасидаги сиёсат; дастурий маҳсулни мослаштириш, унга хизмат кўрсатиш ва уни ҳимоя қилиш; техниканинг узлуксиз ишлапини таъминлаш, уни ўз вақтида модернизация қилиш; яратилган ахборотнинг бутлйгини таъминлаш; ходимларга компьютер технологияларини ўргатиш; компьютерлаштириш жараёнларини ташкилий-услубий таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасини автоматлаштириш жараёни 1994 йилда Фан ва техника давлат қўмитасининг «Республика ахборот тармоғи» лойиҳасини амалга татбиқ этишдан бошланди. У қўйидаги босқичлардан иборат эди:

- компьютер ускуналари харид қилиш;
- ички локал тармоқ ўтказиш;
- махсус дастурий таъминлаш воситаларини харид қилиш ва ўрнатиш;
- кутубхона ходимларини компьютер ускуналарида ишланига ўргатиш;
- электрон каталог тузиши.

Кутубхона технологик жараёнларининг таҳлили ўтказилди. Фан ва техника давлат қўмитасининг молиявий ёрдами билан 10 иш жойига мўлжалланган тармоқ ўрнатилди. Улар ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган CDS/ISIS амалий дастурида ишламоқда. З млн. нусха ҳужжатлардан иборат кутубхона фондига ретрокаталоглар тузмасдан, янги келган китоблар, диссертациялар ва автографератларининг электрон каталогини тузишга қарор қилинди.

Кутубхона тармоғига техник хизмат кўрсатишни марказлаштирилган тартибда амалга ошириш мўлжалланди. Амалда кутубхона барча қийинчиликларни ўзи енгипига тўғри келди, чунки автоматлаштириш бўйича барча ишларни фақат бир киши бопшарди. Нафақат оддий ходимлар, балки кутубхона раҳбарияти ҳам

автоматлаштириш ҳақида юзаки тасаввурға зәға зәди. Афсуски, Фан ва техника давлат құмігасида лойиҳани тайёрлаш жараёнинг биронта ҳам кутубхона мутахассиси жалб қилинмади, бу эса лойиҳа сифатига салбий таъсир күрсатди.

Россия ва бошқа чет мамлакатларнинг етакчи кутубхоналарида ахборот технологияларини жорий этишининг ҳолати билан танишиши кутубхонадаги жами ишшарнинг 80% халқаро стандартларга мувофиқ кутубхона электрон каталогини тузиш ва уларни Интернетга улаш билан боғлиқларини күрсатди. Бунинг учун кутубхоналарда күп сонли малакали мутахассислардан иборат автоматлаштириш бўлимлари иш олиб боради. Бўлим ҳодимлари маълумотлар базаларини ишлаб чиқиши учун норматив база яратиш, ВЕБ-серверга киритиш учун кутубхонанинг тегишли каталогларини тайёрлаш, техника, маҳаллий тармоқ ва ҳоказоларнинг иш қобилиятини назорат ва таҳлил қилиши билан шугулланади.

Афсуски, Асосий кутубхонада ҳозирча бундай бўлим ва мутахассислар мавжуд эмас ва бу ҳолат автоматлаштириш жараёнинг салбий таъсир күрсатмоқда.

1998 йил кутубхонанинг компьютер тармоғига «ИРБИС» автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизими ўрнатилди. Барча қайдларни CDS/ISIS дан «ИРБИС»га ўтказиш амалга оширилди. 12 минг қайд таҳрир қилинди. Айни вақтда китобхонлар томонидан кўп буюртма қилинувчи диссертация фонди ва адабиётларнинг ретрокаталогини тузишга киришилди. ҳозирги вақтда «Электрон каталог» маълумотлар базасида 100 мингдан ортиқ библиографик қайдлар жамланган.

Фанлар академияси Асосий кутубхонасини автоматлаштириш жараёнининг яна бир мұхим йұналиши —кутубхона ҳодимларини ўқитиб-ўргатиш. Бу иш бир неча босқичда амалга оширилади: ЭҳМда ишлапшынинг дастлабки күнкімларини шакллантириш; «ИРБИС» автоматлаштирилган кутубхона-ахборот тизимида ишлаш, тармоқда ишлаш, навбатчи консультантлар гурухини китобхонларга хизмат кўрсатиш учун кутубхонанинг маълумотлар базаларидан фойдаланишга, китобхонлар интерфейси дастурида ишлашга ўргатиш; Интернетда, электрон пошта билан ишлаш, сканерлаш, тармоқ принтерида материалларни чоп этиш. Бунга халқаро жамғарма ажраптан 43 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант бўйича Асосий кутубхона негизидаги ўқув маркази билан ҳамкорликда «Намунавий автоматлаштирилган кутубхона» лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида эришилди. Лойиҳани амалга ошириш жараёни 2001 йилда якутланди.

Ҳозирги вақтда кутубхона ходимларининг 70% компьютер технологияларида ишлаш кўнгилмаларини турли даражада ўзлаштирган. Услубий бўлим янги ходимларга компьютер технологияларини ўзлаштиришига ёрдам берувчи йўриқномалар ва эслатмалар ишлаб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси негизида «Намунавий автоматлаштирилган кутубхона» лойиҳасининг амалга оширилиши кутубхона жараёнларини автоматлаштириш усуллари ва воситаларидан нафақат Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг кутубхоналарида, балки республиканинг бошқа кутубхоналарида фойдаланиш учун ҳам кенг имконият яратди. Ҳозирги вақтгача Асосий кутубхонанинг ўкув марказида республика кутубхоналарининг 360 дан ортиқ ходимларига «ИРБИС» тизимида ишлаш ўргатилди.

«Намунавий автоматлаштирилган кутубхона» лойиҳасини ривожлантириш автоматлаштиришнинг иккинчи босқичи — Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг кутубхоналарини автоматлаштиришга Асосий кутубхона таърибасини татбиқ этишга киришиш имконини берди.

«Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг кутубхоналар консорциуми» лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши Академиянинг кутубхоналар тармоғида «Намунавий автоматлаштирилган кутубхона» усуллари тарқалишининг мантиқий ривожи бўлди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун энг ноёб аҳборот базасига зга ва техник жиҳатдан тайёргарлик даражаси юқори бўлган кутубхоналар таңлаб олинди. Булар:

— Ядро физикаси илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси — ядро физиклари шаҳарчаси (Намунавий автоматлаштирилган кутубхонадан 20 км нарида жойлашган). Кутубхона фонди — 243 минг нусхадан ортиқ, 1300 дан ортиқ илмий ходимларга хизмат курсатади, 5 кутубхона ходими ишлайди. Институтда маҳаллий тармоқ мавжуд бўлиб, унга 70 компьютер, шу жумладан кутубхона компьютери ҳам уланган. Бу элекtron каталогдан бир вақтнинг ўзида 70 иш жойидан туриб фойдаланиш имконини беради;

— Кибернетика илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси — Академиклар шаҳарчаси (Намунавий автоматлаштирилган кутубхонадан 500 м нарида жойлашган). Кутубхона фонди — 88 минг нусха, ҳар йили 2000 дан ортиқ кишига хизмат кўрсатилади, 2 кутубхоначи ишлайди. Институтда 15 иш жойидан иборат маҳаллий тармоқ мавжуд;

— Электроника илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси — Академиклар шаҳарчаси (Намунавий автоматлаштирилган кутубхонадан 300 м нарида жойлашган). Кутубхона фонди — 42 минг нусха, ҳар йили 4000 дан ортиқ кишига хизмат кўрсатилади, 2 кутубхоначи ишлайди. Институтда маҳаллий тармоқ мавжуд;

— Ўсимлиқ моддалар кимёси илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси — Академиклар шаҳарчаси (Намунавий автоматлаштирилган кутубхонадан 500 м нарида жойлашган). Кутубхона фонди — 134 минг нусха, ҳар йили 10000 дан ортиқ кишига хизмат кўрсатилади, 3 кутубхоначи ишлайди;

— Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўқув маркази — илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси — Академиклар шаҳарчаси (Намунавий автоматлаштирилган кутубхонадан 200 м нарида жойлашган). Тингловчилар — 160 киши. Маҳаллий тармоқ ишлаб туриди.

Лойиҳанинг амалға оширилиши натижасида илмий-тадқиқот институтларининг тўргу кутубхонаси ва Фанлар академияси ўқув маркази кутубхонаси билан Асосий кутубхона — Намунавий автоматлаштирилган кутубхона ўргасида алоқа тизими ташкил этилди. Бу тизим кутубхоналарга ўз электрон каталогларини шакллантириш ва Асосий кутубхонанинг маълумотлар базасига зудлик билан кириш имконини беради. Асосий кутубхона — Намунавий автоматлаштирилган кутубхонада сервер ўрнатилган, унга беш модем уланган, алоқа боғлаш ва электрон каталогни шакллантириш учун дастурий таъминлаш виситаси ўрнатилган ва ростланган. Консорциум иштирокчилари бўлган кутубхоналар учун З терминал компьютер ўрнатилган. Асосий кутубхонанинг электрон каталогига институтларининг кутубхоналаридаги терминаллардан кириш имконияти мавжуд. Илмий-тадқиқот институтлари кутубхоналарининг ходимлари Асосий кутубхона — Намунавий автоматлаштирилган кутубхона ўқув марказида компьютерда, дастурий таъминлаш маҳсуллари ва маълумотлар базаси билан ишлашга ўргатилган.

Ахборот жамияти даврида кутубхона хизматлари кўрсатиш даражаси алоҳида олинган бир кутубхона доирасидан четта чиқди. Бугунги кунда Асосий кутубхонанинг ва Академия тармоғидаги илмий кутубхоналарнинг асосий стратегик вазифаларидан бири кутубхоналар ўртасидаги алоқаларни ривожлантариши, кутубхона-ахборот ресурсларини бирлаштириш ва фаолиятни мувофиқлаштириш, яъни ҳар бир кутубхона қудратли ахборот хизмати сифатида амал қиласидиган ахборот-коммуникация тизимини вужудга келтиришдан иборат бўлиб

қолмоқда. «Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг кутубхоналар консорциуми» лойиҳаси яқин вақт ичида Фанлар академиясининг бош кутубхонаси — Асосий кутубхона негизида илмий-техникавий адабиётларнинг йигма электрон каталогини тузишга киришиши имконини беради.

Кутубхоналарда жамланган ресурслардан фойдаланишини фақат йигма электрон каталогни тузиш, юртиш, қувватлаш ва ривожлантиришнинг илмий ишлаб чиқилган методологияси доирасида кутубхоналар ишини мувофиқлаштириш ва улар ўртасида алоқа ўрнатиш йўли билан таъминлаш мумкин. Нафқат ахборот алмасини зарурлиги туфайли, балки молиявий ва техникавий воситаларни тежаш мақсадида ҳам кутубхоналар ўз фаолиятини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш зарур деган тўхтамга келмоқдадар. Натижада янгича андозадаги кутубхоналар тизимлари ва тармоқлари вужудга келади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси ходимлари томонидан тайёрланган «Виртуал кутубхона. Ўзбекистон кутубхоналарининг йигма электрон каталогини шакллантириш бўйича кутубхоналар консорциуми» лойиҳаси бунинг ёрқин мисолидир.

Ушбу лойиҳа 2003 йилда амалга оширилди. Лойиҳа иштирокчилари — республикамизнинг йирик кутубхоналари, чунончи: Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикасининг Давлат илмий тиббий кутубхонаси, Тошкент Давлат техника университетининг Асосий кутубхонаси, Инсон ҳуқуқларини ўрганиш кутубхонаси, Ахборот-ресурс маркази ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг кутубхонаси электрон каталогларида китоб нашрларига оид 200 мингдан ортиқ қайдлар мавжуд. Республикада биринчи марта кутубхоналарнинг ахборот электрон ресурсларини тақсимланган йигма электрон каталог кўришишида бирлаштириш имконияти амалга оширилди, бу олимларга ва барча тоифадаги фойдаланувчиларга кутубхоналарнинг фондларидан узоқдан туриб фойдаланиш имконини беради.

Лойиҳа ғурухи томонидан Консорциум фаолияти ва йигма электрон каталог тузиш учун зарур бўлган қуйидаги технологик, тартибга солувчи ва юридик ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

- Ниятлар тўғрисидаги битим;
- Ўзбекистон йигма электрон каталог автоматлаштирилган тизимига келувчи ахборотга қўйиладиган талаблар;
- Ўзбекистон йигма электрон каталог автоматлаштирилган тизимига маълумотлар тақдим этишининг мажбурий элементлари рўйхати;

· Ўзбекистон йиғма электрон каталогини тузиш учун мўлжалланган Ўзбекистон кутубхоналар консорциуми тўғрисидаги низом;

· Ўзбекистон йиғма электрон каталоги тўғрисидаги низом;

· Ўзбекистон йиғма электрон каталогини тузиш учун мўлжалланган Ўзбекистон кутубхоналар консорциумининг Иштирокчиси тўғрисидаги низом;

· «АРМ каталогизатор» услубий қўлланмаси;

· «Электрон каталогда адабиётларни излаш» услубий қўлланмаси;

· СД-дискка ёзилган Йиғма (тақсимланган) электрон каталог.

«Виртуал кутубхона. Ўзбекистон кутубхоналарининг йиғма электрон каталогини шакллантириш бўйича кутубхоналар консорциуми» лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида тақсимланган йиғма электрон каталог яратилиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонасининг веб-сайтига ([www.acadlib.uzsci.net](http://www.acadlib.uzsci.net)) ва «Билимлар виртуал супермаркети» илмий-маърифий портали ([www.bilimdon.uz](http://www.bilimdon.uz))га жойлаштирилди.

Шундай қилиб, муайян қийинчиликларга қарамай, ахборот технологияларини амалга татбиқ этиш соҳасида республика кугубхоналари ўртасида алоқалар ўрнатиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишида катта ишлар амалга оширилди. Бироқ кутубхоналарни автоматлаштириш давлат дастури ва тегишли молиялаштиришнинг йўқлиги самарали ахборот ва кугубхоналар инфратузилмасини яратишни қийинлаштиromoқда ва секинлаштиromoқда. Ўз-ўзидан равшанки, бугунги кунда замонавий автоматлаштириш воситалари, халқаро стандартлар ва Интернет технологияларини амалга татбиқ этмасдан кутубхоналарни ривожлантириш мумкин эмас. Замон талабларига жавоб берадиган кутубхоналарнинг йўқлиги фан, таълим ва ижтимоий соҳадаги жараснларга салбий таъсир кўрсатади.

## **6-§. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат илмий тиббий кутубхонасининг фаолияти<sup>5</sup>**

1998 йилдан республикашимиз соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланишида янги босқич бошланди — 1998 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Соғлиқни

сақлаши тизимини ислоҳ қилишнинг 1998–2005 йилларға мўлжалланган давлат дастури қабул қилинди. Ушбу Дастур бутун тизимни таркибий қайта қуришнинг янги босқичини белгилаб берди. Бунда бош мақсад — соғлиқни сақлаш тизимини таркибий қайта қуриш ҳисобига мамлакат аҳолисига тиббий хизматлар кўрсатилишинг сифат жиҳатидан янги даражасига эришишдан иборат.

Давлат дастурида белорусланган соғлиқни сақлаш тизимини илоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири — тиббий ходимлар таълим ва қадрлар тайёрлаштириш тизимини илоҳ қилиш. ўз навбатида, бу йўналиш мамлакатда таълим тизимини такомиллаштириш умуммиллий дастурининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тиббий кугубхоналар тизими ҳозирги жамиятда алоҳида рол ўйнайди, чунки тиббиёт илмий ва жадал суръатларда ривожланётган, фан ва соғлиқни сақлаш амалиётининг энг сўнгти ютуқлари ҳақидаги ахборотга муҳтож тармоқдир.

Бугунги кунда республикамида 200 дан ортиқ тиббий кутубхоналар ишлаб турибди. Булар: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббий кугубхонаси, унинг 12 филиали, 12 вилоят илмий-тиббий кугубхонаси, тиббиёт олий ўқув юртлари ва Врачлар малакасини ошириш институтининг кутубхоналари, Давлат илмий тиббий кутубхонасининг Марказлаштирилган кутубхоналар тизимига кирмаган илмий-тадқиқот институтлари қонидаги 4 кутубхона (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Вакциналар ва сивороткалар институти, Воҳидов номидаги Жарроҳлик илмий маркази, Кардиология илмий маркази, Самарқанд тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти кутубхоналари), тиббий билим юртларининг 54 кутубхонаси, марказий туман касалхоналарининг 69 кутубхонаси, даволаш-профилактика муассасаларининг 56 кутубхонаси.

Ўзбекистоннинг тиббий кутубхоналари 5 млн. жилдан ортиқ фонdlарга эга, улар ҳар йили 250 мингга яқин тиббиёт ходимларига хизмат кўрсагади, уларга 3 млн.дан ортиқ тиббий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар фойдаланишга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббий кутубхонаси республика илмий тиббий кугубхоналар тармоғининг бош муассасасидир. 1935 йилда ташкил этилган бу кутубхона республика кутубхонаси мақомига эга бўлиб, давлат томонидан кафолатланган беспул ахборот-кутубхона ва библиографик хизматлар кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги Давлат илмий тиббий кутубхонасининг фондида 1 млн. нусхага яқин адабиётлар, чунончи: китоблар, даврий нашрлар, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг авторефератлари, шу жумладан 160 минг нусхадан ортиқ чет тилидаги адабиётлар жамланган.

Кутубхона китоблари орасида ноёб нашрлар, чунончи: буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино қаламига мансуб «Тиб қонунлари»нинг араб тилидаги нашри, Гиппократнинг XVII-XIX асрларда нашр этилган асарлари бор. Тиббиёт фани ва амалий соғиқиңи сақлаш асосчилари ва атоқли намояндаларининг ҳамда ўзбекистонлик машҳур тиббиётчи-олимларнинг асарлари деярли тўлиқ ҳажмда мавжуд.

Давлат илмий тиббий кутубхонаси тиббиёт ва турдош билим соҳаларига оид ҳужжатларнинг республика фондини шакллантириши, шунингдек ахборот тарқатиш бўйича муҳим вазифаларни бажаради.

Кутубхона ҳар йили Ўзбекистонда, узоқ ва яқин хориж мамлакатларида нашр этилган 3 мингга яқин номдаги адабиётларни харид қиласди, шунингдек обуна бўйича Россияда чиқадиган 120 дан ортиқ номдаги тиббий журналларни ва Ўзбекистонда нашр этиладиган тиббий журналларни олиб туради, бундан ташқари, Давлат илмий тиббий кутубхонаси фондига тиббиёт соҳасида ёқланган барча диссертациялар ва уларнинг авторефератлари юборилади.

Давлат илмий тиббий кутубхонаси халқаро ва республика анжуманлари, конференциялар ва семинарларда ўз фондида мавжуд ҳужжаглар ҳақида ахборот бериш мақсадида тиббий адабиётларнинг кўргазмаларини ташкил этишда фаол қатнашиб келади.

Кугубхонанинг маълумот-қидирув апарати жами 7 млн.дан ортиқ карточкаларни ўз ичига олган каталоглар (алифбели, системали ва предметли) ва картотекалардан иборат бўлиб, бу кугубхонадан фойдаланувчиларга зарур ахборотни қийналмасдан топиш имконини беради.

Давлат илмий тиббий кутубхонасида 2000 йилдан бошлиб олинаётган янги миллий ва хорижий адабиётлар, норматив ҳужжатлар, авторефератлар ва диссертацияларнинг электрон каталоги юритиб келинади. Кутубхона 2003 йилдан бери Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Тошкент Давлат техника университетининг кутубхонаси ва б.) куч-ғайрати билан тузилаётган Ўзбекистон Республикаси кугубхоналарининг йигма электрон каталогида иштирок этмоқда. Бу каталог Интернетда қуйидаги манзил бўйича жойлашган: <http://www.uzsci.net>.

Турли касаллукларни аниқлаш ва даволаш, энг янги даволаш усуллари ва дори-дармонларнинг құлланилиши соңасыда эришилган ютуқлар ҳақидағи махсус адабиётларга тиббий ходимлар қизиқишининг ошиб бораётгани янги ахборот манбаларини излаш чегараларини мунтазам кенгайтиришга мажбур қилмоқда.

Тиббий ходимларга хизмат күрсатиш Уй абонементи, Мутолаа зали ҳамда хизмат күрсатишиңнинг ностандарт шақллари: турли даволаш-профилактика муассасаларидаги адабиётлар бериш шохобчалари, Кутубхоналараро абонемент ва Сиргқи абонемент (шаҳардан таисқаридаги китобхонлар учун) орқали амалга оширилади.

ҳар йили кутубхона хизматларидан 25 мингта яқин китобхон фойдаланади, фойдаланишига берилган манбалар миқдори 900 минг нусхадан ошиб кетади.

Давлат илмий тиббий кутубхонасида тиббий адабиётларни депозитарийда сақлаш тизими ишлаб чиқылған ва амалга татбиқ этилған. Соңа оид бўлмаган адабиётларни қайта тақсимлаш амалга оширилади. Режалаштирилған тиббиётга оид илмий-тадқиқот ишларини ҳисобга олиб ахборотномалар, мавзули күрсатичлар, илмий ходим ва амалиётчи врачга ёрдам тариқасыда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатлари тайёрланади. Бу рўйхатларнинг айримлари Ўзбекистон тиббиёт журналида ва «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш», «Здравоохранение Узбекистана» газстларида эълон қилинади.

Давлат илмий тиббий кутубхонаси 1996 йил июндан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ҳужжатлар маркази вазифасини бажармоқда ва материалларни кен тарғиб қилишини амалга оширмоқда. Кутубхона Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ишини ташкил этишининг долзарб масалалари бўйича чоп этган барча нашрларни ва CD-ROMга ёзилған тематик маълумотлар базаларини олиб туради. Бундан ташқари, Давлат илмий тиббий кутубхонаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кутубхонаси ва АҚШ Миллий тиббий кутубхонаси (Вашингтон) маълумотлар базасига On-line режимида кириш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббий кутубхонаси халқаро ҳамкорлик соңасыда бой тажрибага эга. У 1996 йилдан Европа тиббий кутубхоналар уюшмасининг аъзоси.

ХХ асрнинг 90-йиллари бошидан Давлат илмий тиббий кутубхонасида кутубхона ва ахборот жараёнларини автоматлаштириш бўйича изчил иш олиб борилмоқда, автоматлаштирилған кутубхона тизимлари амалга жорий этилмоқда. Хусусан, 5 автоматлаштирилған иш ўрнидан иборат «ИРБИС» кутубхоналарни автоматлаштириш

дастури ўрнатилган бўлиб, у фонdlар билан ишлаш ва китобхонларга хизмат кўрсатишни автоматлаштириш ва анъанавий технологияларни янгилаш имконини берди. Натижада кутубхонанинг маҳаллий компьютер тармоғи ташкил этилди ва иш олиб бормоқда, электрон каталоглар тузиш, бошқа маълумотлар базалари билан ишлаш ва ахборотни автоматлаштирилган режимда излаш имконини берувчи дастурий-техника комплекси вужудга келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббий кутубхонаси анъанавий бюджетдан молиялаштириш билан бир қаторда, турли хайрия жамгармаларидан молиявий ёрдам олиш имкониятларидан ҳам кент фойдаланади.

2001 йилда кутубхона Узбекистон Республикасининг тиббий ходимларига жаҳон ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш маркази ташкил этди. Марказнинг асосий вазифаси Интернет ахборот технологияларини республика соғлиқни сақлаш тизимиға жорий этишдан иборат.

Олинган ускуналар ва кутубхонанинг турли бўлимларидаги 8 компьютерни бирлаштирган маҳаллий ягона компьютер тармоғи унинг исталган компьютери орқали Интернетга кириш ва бошқа кутубхоналар билан ахборот алмашиш имкониятини яратди, бу эса, ўз наяватида, кутубхона-ахборот ресурсларини йигит ва тизимга солишини амалга ошириш, кутубхона Интернет-серверлари ёрдамида ахборот излаш имкониятларини анча кенгайтириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббий кутубхонаси «Кутубхоналар учун электрон ахборот (EIFL)» лойиҳасининг интироқчиси бўлиб, EBSCO компаниясининг жаҳонда бекиёс маълумотлар базасига эга (бу журналларга босма кўрининида обуна бўлиш муодили 3,5 млн. АҚШ долларини ташкил этади).

Кутубхона ходимларига компьютер саводхонлигини ва Интернетда ишлап кўникмаларини IREX ва (Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси негизидаги) Намунавий электрон кутубхона ташкил этган курсларда ўргатиш кутубхона аъзоларининг буюртмаларига кўра ахборот қидиришни янада юксакроқ профессионал даражада амалга ошириш имконини берди ва, ўз-ўзидан равшанки, кутубхонанинг иш сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббий кутубхонаси 2004 йилдан «Марказий Осиёда тиббиёт соҳасида ахборот олишга ва дипломдан кейин тиббий таълимни давом

эттиришга кўмаклашиш» халқаро лойиҳасида иштирок этмоқда. Лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки мамлакат сифатида Ўзбекистон танланди. Лойиҳанинг муҳим мақсадларидан бири Ўзбекистон Республикаси ва минтақадаги бошқа мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилиш жараёнини ахборот билан таъминлашдан иборат. Ушбу лойиҳада Давлат илмий тиббий кутубхонасининг иштирок этиши минтақада тиббий ахборот алмашинувига ва врачлар дипломдан кейин таълимни давом эттиришига, шунингдек Ўзбекистон тиббий ходимлари чет элдаги ҳамқасблари билан ҳар томонлама тажриба алмашишига кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббий кутубхонаси ўз фондлари ва электрон маълумот базалари, Интернет ресурсларидан фойдаланиб, тиббий ходимларнинг касалликларни аниқлаш ва даволаш соҳасида эришилган ютуқлар, тиббиёт фани ва техникаси ютуқлари ҳақидаги маҳсус адабиётларга бўлган талабини қондирувчи замонавий тармоқ ахборот марказига айланиб бораётир.

## ХУЛОСА

1. 1991 йил 31 августрдан сўнг демократик тараққиёт йўлида ўзининг дастлабки қадамларини ташлаётган, фаол янгиланаётган мамлакатда шўролардан қолган иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, бошқарув ва тақсимлашнинг эски маъмурий-буйруқбозлик тизимини ўзгартириш, бозор муносабатлари ва капиталистик иқтисодиётга аста-секин ўтиш, жаҳон маърифатли мамлакатлари ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг кўшилиши жараёни бошланди.

2. Ўтиш даврининг дастлабки босқичидаги иқтисодий қийинчиликлар, хусусан, маданият соҳасини, шу жумладан ноширлик ва кутубхоначилик ишини давлат томонидан молиялаштириш ҳажмларининг қисқарини умуман олганда китоб нашр этиш, чет элдан нашрларни валютага харид қилиш, кутубхоналарни комплектлаш, уларнинг моддий-техника таъминоти, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга анча салбий таъсир кўрсатди.

Маблағ тақчиллиги энг аввало универсал оммавий кутубхоналар тармоғининг ҳолатида ўз аксини топди. Жойларда уларнинг сони филиалларнинг бирлаштирилиши ва ҳатто айрим кутубхоналарнинг ёпилиши ҳисобига ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигига 15-20 фойизга камайди.

3. «Хужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги қонуннинг йўқлиги кутубхоналарни комплектлашнинг ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Республиkaning йирик кутубхоналарига келаётган чет эл илмий ва ижтимоий адабиётлари сони ҳам кескин камайди. Янги компьютер технологияларидан хабардор ёшлиар ўз ривожланишида уларга жаҳон ахборот ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятини яратишга қодир бўлмаган кутубхоналарнинг техника ва ахборот билан таъминланиш даражасидан ўзиб кетди.

4. Мустақилликнинг дастлабки даврида кутубхоначилик ишини такомиллаштириш соҳасида асосий муаммо кутубхонадаги иш жараёнларини автоматлаштириш даражасининг пастлиги бўлди. Кўпгина кутубхоналар ахборот бўшлиғи шароитида иш олиб бориши.

5. Зудлик билан ҳал қилиш лозим бўлган муҳим муаммолар қаторида кутубхоначилик ишининг норматив-ҳукуқий базаси яхши ривожланмаганини, бу ҳолат кутубхоналараро алоқаларнинг ривожланишига ва республикамиз кутубхоналари жаҳон ахборот майдонига киришига монелик қилаётганини, кутубхоналарнинг фондларини комплектлаш иши қониқарсиз аҳволда эканлиги ва тармоқни ривожлантиришининг ҳозирги талаблари ва истиқболларига мос келмаслигини, кутубхоначилик ишини бошқариш тизимининг идоравий жиҳатдан тарқоқлигини, бозор иқтисодиёти ва янги ахборот технологияларига ўтиш шароитида кутубхоначилик иши соҳасидаги сиёсатни, бу ишни ташкил этиш, шунингдек кутубхоначилик фаолиятини ислоҳ қилиш методологияси, методикаси ва ёндашувларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ягона органнинг йўқлигини таъкидлаш мумкин.

Кутубхона ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги таълим андозаларига жавоб бермайди ва самарали эмас. Кутубхоначи меҳнатига тўланадиган ҳақ даражасининг пастлиги малакали мугахассислар қўнимисизлигига олиб келган.

6. Айни пайтда, республикада кутубхоначилик ишининг ривожланишида ижобий тамоилилар ҳам мавжуд. Кутубхоналарнинг моддий-техника базаси ва фондлари ҳолатининг таҳдили Фанлар академияси тизимидаги кутубхоналар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юрглари тизимининг кутубхоналари, янги ташкил этилган тузилмалар (бир қанча ихтисослашган академиялар ва институтлар, банклар, вазириликлар)нинг кутубхоналари анча кулаӣ шарт-шароитда иш олиб бораёттанини кўрсатди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида лицейлар, гимназиялар ва коллежлар кутубхоналарининг фондлари ва моддий-техника базаси

яхшиламоқда ва замонавийлаштирилмоқда. Олий ўқув юргларининг кутубхоналари асосан компьютерлар билан жиҳозланган, уларда Интернет-синфлар ҳам ишлаб турибди.

7. Янги аср бошидан универсал илмий кутубхоналар тизимида ҳам ижобий тенденциялар кузатила бошлиди. Айрим халқаро жамғармалар ва хайрия ташкилотлари билан ҳамкорлик натижасида кутубхоналар замонавий электрон ускуналар, нусха кўпайтириш техникаси билан жиҳозланди, Интернет тармоғига уланиш имкониятига эга бўлди.

8. Жамиятнинг ҳамма жабҳаларида рўй берадиган туб ўзгаришлар кутубхоначилик ишининг кўпгина йўналишларини қайта кўриб чиқиш ва янгилашни талаб қилмоқда. Биринчи галда кутубхоначиликнинг бир бугун ва яхлит андозасини тузиш лозим. Унда куйидагилар албатта кўрсатилиши керак:

—ижтимоий муассаса сифатида кутубхона ўзини ўзи баҳолай билиши, илмий-техника ахбороти тизимидан мустақил тарзда фойдаланиб, инсониятнинг ҳужжатлашган хотираси сифатида ўз асл моҳиятини тиклаши зарур;

—бутун фаолияти инсанпарварликка йўналтирилган бўлиши, яқин ўтмишдаги каби «юқори»дан кўрсатмага мувофиқ эмас, балки амалдаги талаб ва эҳтиёжларга мувофиқ тарзда энг аввало китобхонларга хизмат кўрсатиши лозим;

—кутубхона фаолиятининг халқчилиги таъминланиши, аҳолининг турли қатламлари китоб жамғармаларидан тенг фойдаланиш имкониятига, кафолатланган бепул хизмат минимумига эга бўлишилари, бошқарув тизими ва унинг фаолиятига баҳо беришга Оммавийтчилик фаол жалб қилиниши зарур;

—ўнгай тарзда ахборот олинишини таъминлаш учун умумташриф, умумистифода кутубхоналари сонини зарур даражаға стказиш, маҳсус кутубхоналардан бошқа барча кутубхоналарни оммавий мақомга ўтказиш лозим;

—хизмат турлари доирасини кенгайтириш, техник қайта жиҳозлаш орқали бу хизматларнинг сифатини ошириш зарур;

—ходимларни иқтисодий рағбатлантириш, ишлаб чиқаришини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш имконини берувчи хўжалик ҳисоби унсурларидан фойдаланиш лозим;

—кутубхоналарро ҳамда бошқа соҳа муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва интеграция асосида кутубхоналар фаолиятининг маҳдудлигига барҳам бериш керак;

—мавжуд барча кутубхоналарни, қайси идора ва ташкилотга қарашли эканлигидан қатъи назар, ягона тизим деб қаралиши лозим.

9. 2002 йил мамлакат кутубхоначилик ишининг энг янги тарихида бурилиш ясаган йил бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг Республика илмий-техника кутубхонаси негизида Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш назарда тугилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 20 февраль Фармонини бажара бориб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 12 апрелда «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди, Миллий кутубхона тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши республикамизнинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнданги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори кутубхоначилик тизимини тубдан ўзgartириш ва такомиллаштириш учун янги замин яратди.

Қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли универсал оммавий кутубхоналар тизимини Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ОЎМТВнинг ўрта маҳсус қасб-хунар таълими маркази, Ҳалқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрга маҳсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш назарда тутилади.

Қорақалпогистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш режалаштирилади.

Ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланади:

—таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равищда таълим олишига кўмақлашиш;

—миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, ҳалиқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйгун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

—янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳборот хизмати кўрсатиш;

— маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириши.

Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига:

— аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

— китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишин таъминлаш;

— универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

— йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

— жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси юкланди.

Қарорга биноан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига:

— ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда «ZiyoNET» ахборот тармоғига босқичма-босқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

— электрон кутубхоналар тизимини ривожлантириш, кутубхона ахборот ресурсларини тизимлаштириш вазифаси юкланди.

2006-2007 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетида «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» таълим йўналиши бўйича бакалавриат кадрлари ҳамда магистратура тегишли мутахассисларни бўйича кадрлар тайёрлаш назарда тутилади.

Хулоса қилиб айтганда, 2006 йилнинг иккинчи ярмидан Ўзбекистон кутубхоначилиги ишнда янги замонавий босқич бошланди.

## **Фойдаланилган адабиётлар ва изоҳлар**

<sup>1</sup> Умаров А.А. Библиотечное дело Узбекистана: состояние, проблемы, перспективы // Интернет и библиотечно-информационные ресурсы в науке, культуре, образовании и бизнесе: Материалы 2—ой Международной конференции. - Бухара: 2002. - 24-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Умаров А.А., Маминова И.З. Национальная библиотека Узбекистана им. Алишера Навои: история, настоящее и будущее // Библиотечной ассоциации Евразии. - 2005, №3. - 75-б.

<sup>3</sup> Вестник. Маминова И.З. Научно-исследовательская деятельность Национальной библиотеки Узбекистана им. Алишера Навои: основные направления и пути развития // Бетгеровские чтения. - Т.: 2003. - 30-б.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонаси директорининг ўринбосари Д.К. Қудратовага ушбу параграфга таҳлилий материал тақдим этгани учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даълат илмий тиббий кутубхонасининг директори Ф.В.Болкуновага ушбу параграфга таҳлилий материал тақдим этгани учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Мұхаррір *X. Низінов*  
Бадий мұхаррір *A. Тұрсынов*  
Техник мұхаррір *T. Смирнова*  
Сақиғаловчы *B. Ирисбоеев*

**Эркин Охулжонов**

**ВАТАН  
КУТУБХОНАЧИЛИГИ ТАРИХИ**

**2-қисм  
Дарслик**

Босишга 29. 01. 2008 йилда рухсат этилди.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Шартли б.т. 18,5.

Адади 500 нусха. Буюртма № 9. Шартнома № 99/3.

**Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.**

**Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида босилди.  
700033, Тошкент шаҳри, X.Сулаймонова кўчаси, 33.**